

ТАСС МАЪЛУМ КИЛАДИКИ...

Юлиан
Семёнов




84(2P4c)
C43

Юлиан Семёнов

ТАСС МАЪЛУМ ҚИЛАДИКИ...

(қисса)



928656

“Адабиёт учқунлари”

Тошкент - 2018

УДК: 811.7


ББК: 86.86-С-5

Юлиан Семёнов

Тасс маълум қиладики...: (қисса)

“Адабиёт учкунлари”, 2018. - 394 бет.

ISBN 978 9943-4393-2-0



323829

© Тасс маълум қиладики... Юлиан Семёнов.

“Адабиёт учкунлари”, 2018.

8105 - тизим

Юлиан Семёновнинг номи китобхонларга «Альтернатива» туркумига кирувчи «Баҳорнинг ўн етти лаҳзиси», «Баҳорги муз устида», «Яшашнинг шарт», «Юзма-юз» каби қатор сиёсий роман ва қиссалари орқали яхши таниш.

Собиқ Иттифоқ хавфсизлик органига чет элда хор-зор, дарбадар юрган рус муҳожиридан мактуб келади. Унда Москвадаги махфий институтлардан бирида иш қўраётган Марказий Разведка Бошқармасининг агенти маълум қилинган эди. Совет контрразведкачиларининг олиб борган машаққатли изланишлари натижасида агент фош этилади. Африка давлатларидан бирининг дахлсизлигига қаратилган тажовуз барбод бўлади. «ТАСС¹ маълум қиладики...» асарида ана шулар ҳақида қизиқарли ҳикоя қилинади.

Таржимон – МУЗАФФАР

Азиз китобхонлар!

Барчамизга маълумки, ватанпарварликка, эзгуликка, тинчликка, яратувчанликка ва миллатлараро тотувликка чорлайдиган ҳар қандай бадиий асар ким томонидан ёки қайси даврида яратилганлигидан қатъи назар доимо китобхонлар томонидан севиб ўқилади.

Қўлингиздаги ушбу китоб рус адиби **Юлиан Семёновнинг** “ТАСС уполномочен заявить” қиссасининг **Музаффар** томонидан она тилимизга “ТАСС маълум қиладики” номи остида таржима қилинган кўринишидир. Бу хизмати билан таржимонимиз она тилимизнинг лугат бойлигининг бойишига ва китобхонларнинг бадиий адабиётга бўлган қизиқишларининг юксалишига улкан ҳисса қўшди. Чунки бадиий аспрлрни таржима қилиш, ўша бадиий асарни қайтадан ёзиш билан тенг. Асарда қўлланилган жумла ва ибораларни она тилимизга моҳирона таржима қилиш жуда мураакаб жараён ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ушбу таржимонимиз ташаккур билдирамиз

Ушбу китоб илк бор ўзбек тилида 1989-йилда чоп этилган. Шу даврда чоп этилган наширида айрим сўз ва жумлалар байналмилар ёки русча сўзлар орқай берилган эди. Бу ҳолат билан биз таржимонларни ёки ўша давр наشريёт ходимларини камситиш фикридан йироқмиз. Фақат ҳозирги давр таржима назариясининг талабларига асосан, китобхон учун қулайлик яратиш мақсадида русча-байналмилал сўзлар имкони борича она тилимизга мосланган ҳолда қайта таҳрир қилинди ва таржимага жуда кичик ўзгартиришлар киритилди.

Азиз китобхонлар! Яхшилик ва ватанпарварликни улуғлайдиган бадиий китобларни кўпроқ ўқинг, зеро бундай китоблар доимо инсон қалбини адолатга етаклайди.

**Наширга қайта тайёрловчи – “GOLD STAR EDUCATION” НТМ
директори Матъякубов Э. Р.**

¹ ТАСС – аббр. русча: Телеграфное агентство Советского Союза – Совет Иттифоқининг телеграф агентлиги.

ВКП²га чизги (I).

Турк мрамари билан сайқалланган ховузда яйрашаётган набираларига термилганча, Нелсон Грин бир зум ўйга толди, сўнг у суҳбатдошига юзланиб, сўз қотди:

– ...Набираларимга боқиб, ёшлигимни, талабалик йилларим... профессор Митчел ўқиган лекцияларни эсладим... У пайтда сиз Марказий Разведка Бошқармасининг директор ўринбосари эмас, ёш бола эдингиз... Қизиқ... Сўзларингизни тингларканман, Майкл, Митчел талқинини эсладим: «Агар сувга ташланган чов сингандек бўлиб туюлса, аниқроғи, эшкакчини худди шу туйғу камраб олса, унда бу сезги чин бўлади. Агар эшкакчи ростдан ҳам човнинг синганлигини тасдиқлашга уринса, у ҳолда бундай мушоҳада нотўғри». Одамзоднинг хатоси ҳис қилмай туриб, мушоҳада берилишида эмас, азизим Майкл, ҳиссиёт ўз йўлига, ҳамма гап ҳиссиётдан нотўғри ҳукм чиқарилишида. Кўриб турибсизки, Майкл, ҳар қандай сезги – ҳис-туйғу эканлиги рост. Ҳиссиёт билан ҳукм чиқариш эса бутунлай бошқа масала. Бу ҳукмнинг ҳақиқат ёки ёлғон бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас...

Нелсон Грин узун, мошкичири қошлари остидаги сув томчисидек мовий қийиқ кўзларини бир нуқтага тикди. Одатда у кўл остидаги «Ворлд э деймондс» корпорациясининг Кузатув совети йиғилишларида худди шундай ўтирарди. Йиғилганлар чолнинг кўзларига боқиб, унинг на мудраётганини, на котиб ва хаттотларни зимдан кузатаётганини билишарди.

– Биз тановул қилаётган бу кулупнайлардан Техас майсаларининг хушбўй атри келиб турибди, тўғрими? – деб сўради Майкл Вэлш жилмайиб.

– Бу сезги эмас, мушоҳада юритиш, Майкл, нотўғри мушоҳада... Ликопчадаги кулупнайларнинг Техас далаларидан терилиши ақлга сиғмайди. Чунки у ернинг ҳавоси мўътадил. Бу кулупнайлардан Африка тафти

² Ҳарбий sanoat комплекси. (тарж.)

уфуриб турибди. Афсус... Энди самолётларимни Нагонияга эмас Луисбургга жўнатишга мажбурман. У ерда кулупнай қирқ беш цент қиммат, буниси ҳам етмагандек, орадаги масофа юз тўқсон икки миль олис. Бу ортиқча харажат ва ёнилғи деган гап, ахир.

– Бунақада хонавайрон бўлмайсизми?

– Э, асти гапирманг, – деди кескин оҳангда Грин, – инкироз миллионлар билан эмас, центлар билан ўлчанади.

– Наҳот Пентагонга сўзингизни ўтказолмасангиз?

Грин ялпиз билан дамланган чойдан бир ҳўплагач, сўради:

– Уларнинг юк самолётларида кулупнай ташишини назарда тутаяпсизми? Ўйлайманки, илтимосимни ерда қолдиришмайди. Аммо бундан не фойда? Ёки бирор таклифингиз борми?

– Ҳа, бор. Пентагоннинг кўмагисиз бу ишни уддалашим мушкул.

– Бу масалани ҳал қиламиз. Аммо Давлат департаменти-чи? Мулоҳазаларингизни улар билан ўртоқлашдингизми?

– Шошилмайлик. Бу ишга уларни сўнгги паллада жалб қилган маъкул. Акс ҳолда, ортиқча шов-шув кўтарилиши мумкин. Айрим дипломатларимиз юз грамм ароққа имонларини ҳам сотишдан тойишмайди... Ҳозир жигар яллиғланиши – профессионал касалликка айланган. Врачларимиз олиб борган текширишларга кўра учта элчихонамиз ходимларининг етмиш фоизи жигар касалига чалинган экан.

– Айёрлик ҳам эви билан-да, Майкл. Давлат департаментидаги айрим йигитлар билан ҳаммаслак ва улардан манфаатдор эканимни жуда яхши биласиз-ку. Агар мен Нагонияда бор-йўғи уч юз миллиондан айрилган бўлсам, улар қўша-қўша юз мингларини шамолга учуришди. Улар учун бир цент ҳам пул...

– Ишонинг, Нелсон, Давлат департаментини бу ишга аралаштиришнинг мавриди эмас. Мабодо режаларимиз

амалга ошгудек бўлса...

– Чол билан баҳслашманг, – деди Грин унинг сўзини бўлиб. – Махсус топшириқлар бўйича элчи – акционерим. У котибларим ёзган маърузада чиқишга одатланган. Монелик қилманг, Майкл, фойдаси йўқ. Яхшиси, халоватингизни ўғирлаган режангизни айтинг, жилла курса битта-яримта маслаҳатим асқотиб қолар.

– Бош котиришга арзийдиган режа. Москвада ўз агентимиз бор. Ишончли шахс. Эндиликда кўр-кўрона эмас, Кремлнинг ният ва режаларини аввалдан билган ҳолда иш кўрамиз, Тушуняпсизми? Илгари бизда бундай агент йўқ эди, Нелсон. Шунинг учун ҳам бу сафар муваффақият қозонишимизга имоним комил.

– Нонни катта тишласанг ҳам...

– Биласиз-ку, обдон ўйламасдан бир ишга қўл урмайман. Хуллас, ишончли кишимиз бор экан, иложи борица тезроқ қарши зарба беришимиз зарур. Ортиқча ҳиссиётга берилиб, кўр-кўрона ҳукм чиқариб ғалабани бой бериб келганимиз етар, ахир?!

– Мулоҳазаларингиз чакки эмас, – деди Грин. – Пухталикини яхши кўраман. Якун – пухталикининг интиҳоси. Пентагон билан нима хусусда гаплашишим керак?

– Операция тайин қилинган кунда ва ўша соатда флот Нагония қирғоғида бўлиши керак. «Яшил қирғийлар» пухта ва аниқ ишлашидан қатъий назар, авиация ҳам минг кишилиқ десант ташлашга шай бўлиб туриши шарт. Шу, холос.

– Сизни тўғри англаган бўлсам, авиация ва флотни сўнгги босқичда даҳшатли тажовуз сифатида қўлламоқчисиз, шекилли?

– Шундай.

– Шахсан менинг манфаатимни кўзловчи, махсус топшириқлар бўйича элчи бу ишга бош-қош бўлиши керак экан-да!

– Мен бундай қилмоқчи эмас эдим. Модомики, Нелсон, сиз шуни хоҳлар экансиз...

- Раҳмат. Бу воқеалар қачон рўй бериши мумкин?
- Икки-уч ҳафтадан кейин.
- Маъмурият ташаббусингизни маблағ билан таъминлайдими?
- Уларнинг ҳасис эканлигини яхши биласиз-ку.
- Начора, ЦРУ³нинг бир ярим миллион, ҳатто икки миллионлик акциясини сотиб олишга розиман. – Нелсон Грин жилмайди. – Кремль билан «ҳамкорлик» анъаналари ҳаддан ташқари ошқора тус оляпти. Вена... ОСВ⁴... Нагонияга бериладиган зарба айти мўлжалдаги иш... Яна кулупнай ейсизми?
- Жоним билан. Фақат менга Нагониянинг «а пропос»⁵си кўпроқ ёқади.

Степанов

«Жорж Грисо фотосуратда басавлат кўринса-да, аслида ўрта бўйли, озғин, камқувват, бошини ён-верига гўё даҳшатли нарсани кўриб қолишдан чўчигандек ўтирарди.

Жорж Грисога ўз фикримни айтганимда у ўзини аранг босиб:

– Ҳақ гапни айтдингиз. Қайтадан оёкка турганимга энди бир йил бўлди, – деди майин оҳангда. – Қалтис хатти-ҳаракат қилсам, вужудимга оғриқ қиради. Чидайман. Госпиталга тушиб қолишдан кўпроқ қўрқаман. Айти вақтда бунга ҳақким йўқ.

У бошидан кечирган азоб-уқубатларни шундай ҳикоя қилиб берди:

– Халқнинг ғалабаси билан тугаши муқаррар партизанлар уруши кетаётган, пойтахтни шиддат билан ишғол қилишга киришган пайтимизда мухтасиб Фернандесдан хат олдим. У мен тузилган кишлоқда холи учрашиб ҳокимиятни босқичма-босқич топшириш хусусида

³ Марказий Разведка Бошқармаси. Кейинги ўринларда бу жумла қисқартириб МРБ деб берилади. (тарж.)

⁴ Стратегик қуроолларни чеклаш.

⁵ Кулупнай (испан).

келишиб олишни таклиф қиларди.

Биз бу масалани Бюро муҳокамасига қўйдик. Ўша пайтда Фернандес бетарафлик йўлини тутганди. Бу ўз навбатида, ҳақ-ҳуқуқсиз, жабрдийдалар манфаатини ҳимоя қилувчи Христиан черкови ходимиға хос хислат эди. Мен учрашувға ўз розилигимни билдирдим, чунки Фернандес – миссионерлар Римға олиб кетгунларига қадар ит азобини тортган норасида негр болакайни, яъни болалигини унутмагандир деган ўй миямға қаттиқ ўрнашиб қолганди.

Фернандеснинг тинчлик қарор топишиға сидкидилдан интилаётганиға шубҳа қилмасак-да, босқинчилар мухтасибнинг мактубидан огоҳ бўлиб, бундан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишлари мумкинлигига ақлимиз етарди. Укам Хулио соқчилар батальонини учрашув белгиланган қишлоқ яқинида жанговар ҳолатға келтириб қўйишни лозим топди.

Мухтасиб чиндан ҳам сўзининг устидан чиқди. Бирок тунда, Хулио батальони чакалакзордан чиқиб, қишлоққа йўл олишидан икки соат бурун командосчилар у ерға бостириб киришибди ва қишлоқ аҳолисини тўплаб: «Ораларингдан энг ёши ким?» деб сўрашибди. Қотиллар мурғак Роситани йиғилганларнинг кўзи олдида найза билан чавақлаб ташлашибди. Кейин аҳолининг ярмини ўрмонға ҳайдаб кетишибди. Қолган-қутганларға эса агар шу яқин орада эканликларини гуллаб қўйишса, гаровға олинганларнинг ҳаммасини – етмиш кишини отиб ташлашларини айтишибди.

«Уйингизға келганларни ҳайдаманг, – дейишибди улар. – Бемалол гаплашишларига, хотиржам тарқалишларига имкон беринг. Шундагина ҳамқишлоқларингиз соғ-саломат уйларига қайтишади. Агар чизган чизиғимиздан чиқсанглар ҳаммангизни чақалоқдек чавақлаб ташлаймиз. Гўдакка бари бир, қийноқ нима эканлигини билмай, осойишта жон берди...»

Роситанинг онаси «Гўдак ҳам одам, унинг ҳам жони бор» деб бакирганда, кўкрагига ханжар санчиб, овозини

ўчиришди. Гаровга олинганларни чакалакзорга ҳайдаб кетишди.

Хулио кишлоққа соқчилар қўймади. Чунки Фернандес «Қўшинларингиз ўз жойларида сақланган тақдирдагина ҳукумат мени йўлдаги ҳарбий тўсиқлардан ўтказди. Ўшанда учрашувимизнинг хавфсизлиги таъминланади» деб огоҳлантирган эди. Гаровга олинганлар орасида оилам, узоқ кариндошларим бор эди. Соддадил кишилар босқинчиларнинг «тилингизни тийсангиз, ҳамкишлоқларингиз омон қолади» деган буйруғини бажарсак болаларим, онам ва синглимнинг ҳаётини сақлаб қоламиз, деб ўйлашган. Илож қанча, одамларимиз меҳрокибатли, фақат юрак олдириб қўйишган. Росита билан муштипар онанинг ваҳшиёна ўлими уларнинг тилларини боғлаб қўйган.

Сизлар олиб борган уруш тафсилотини биздаги шарт-шароитга киёслашингиз мумкин. Буни мен тушунаман. Аммо ўша вақтда россияликлар саводли эканлиқларини, мутолаа қилишларини, фильмлар кўришларини, ўз-ўзидан аёнки, оқ-қорани ажрата олишларини назардан қочирманг. Ҳамюртларингиз ватанпарварлик мактабини ўташган – улар меҳнат ва курашда чиникқан. Ҳатто давлат, халқ ҳокимияти нима эканлигини англаб етмаган халқдан нимани ҳам талаб қилиш мумкин.

Фернандес билан учрашувимиз кўнгилдагидек бошланди. Ҳақиқатдан ҳам унинг мулоҳазалари муҳокама қилишга арзигулик эди. Муҳтасиб иккимиз холисона ўзаро низом ишлаб чиқдик. Муҳтасибга ишониб, учрашувга қуролсиз боргандим, бу ишонч менга панд берди. Учрашув вақтида командос каллакесарлари кишлоққа ўрмалаб киришибди. Муҳтасиб таклиф қилган дўстона мунозара қонли тўқнашув билан тугади.

...Аввалига Фернандесни қийноққа олишди. Ундан фақат биргина: «Халқни ҳақ йўлдан қайтаришни ва ички парокандаликни вужудга келтиришни менга коммунистлар буюришди. Бунинг эвазига пул тўлашди» деган эътирофни

тан олишини талаб қилишди. Аммо муҳтасиб босқинчиларнинг чўғини босишларига, тирноқлари остига киздирилган игна санчишларига бардош берди.

Кейин мен билан «мулоқот» бошлашди. Қўл ва оёқларимни боғлаб, гўё қоядан денгизга сакрашга шайланган сузувчидек, дарахтга осиб қўйишди. Уларнинг «қалдирғоч» деб номланган бу кийноқларига бардош беришим аниқ, чунки, ўша вақтда жисмонан бақувват эдим. Каллакесарлар бунинг фаҳмига етмайди деб ўйлайсизми?! Рўпарамга онамни келтиришди. Уни ечинтиришди. Агар гоямдан қайтиб штабимизга борадиган чакалакзор йўлни кўрсатмасам онамни тириклайин ёкиб юборишларини айтишди. Лом-мим демадим. Онамни тупрокка булғалаб, устидан бензин қўйишди. «Бу разилликларинг учун ҳали кон билан жавоб берасизлар! Аёлда нима гуноҳ, душманларинг мана-ку, мени кийма-кийма қилинглар, майли, ўтда ёқинглар, аммо, онамга тегманглар! – деб бўқиришимга қарамай «аҳмоқона» гоясидан қайтмай, «онасини қурбон қилишгача рози бўлган тошмехр, хунрез ўгил тукқан аёлнинг жазоси – дўзах олови» деб гутурт чакиб, ерда булганиб ётган онамга иргитишди. Отилдим, бақирдим... Онам бечоранинг сўнгги сўзлари ҳамон юрагимда... «Ўғилгинам, ўғилжоним, ўртанма, ўғлим, ўртанма, кераги йўк».

Жорж Грисо курсидан охиста турди. Китоб жавонини очиб бир нечта фотосурат олди.

– Мана, – деди суратларни менга узатиб, – онамнинг сурати. Ёшлигида тушган. Ўн йил муқаддам фотоаппарат нима эканлигини билмасдик. Суратни илк бор кўрганда қанчалик ҳайратланганимизни айтмайсизми?! Сиз суратларни кўриб туринг. Мен ҳозир...

Грисо телефон қилишнинг мавриди бўлмаса-да, аппарат ёнига яқинлашди. Сездимки, онасининг суратини кўриб, кўнгли бузилди. Яна бир оғиз гап айтса, кўзларига ёш қуйилиши аниқ. Мен ҳам даҳшатли ҳикоя таъсирида ҳамон ўзимга келолмасдим.

– ...Хуллас, етти йил тенгсиз душман билан аёвсиз курашдик. Қанчадан-қанча бегуноҳ кишиларимизнинг, оналаримиз, ака-укаларимизнинг қони ноҳақ тўкилди. Яна қанчадан-қанча қон тўкилади...– Грисо йўталиб қўйди-да, бир нафаслик сукутдан сўнг сўзида давом этди. – Аммо танлаган йўлимиздан қайтмаймиз. Охиригача курашамиз. Бу гапларни сизга айтишимдан мақсад шуки, дунё халқлари мамлакатимиздаги шароитни рўйирост билишлари керак.

Грисо чекди, яна хўрсинди ва бир ҳўпам сув ичгач, сўзида давом этди:

– Кейин ўғлим Валериони олиб келишди. Уни ҳам ечинтиришди, тўғрироғи, рафиқамнинг френчик⁶идан тикдириб, ўғлимга совға қилган қўйлагини юлқиб ечишди. Ўғилчам миттигина қўлчаларини мен томон чўзиб, илтижо билан: «Дадажоним, мени кутқаринг! Мени кутқарсангизчи, дадажон!» деб ёлворди.

Мухтасиб Фернандес жаллодларни бўралаб сўқди. Шунда командослардан бири автоматдан кетма-кет ўқ узиб, унинг овозини ўчирди. Иккинчиси эса автомат кўндоғи билан Валерионинг бошига туширди. Нафаси чиқмай қолган боланинг устидан бензин сепиб, гугурт чақиб юборди...

Отишмани эшитган Хулио қишлоққа шошилибди...

Командос гўё майса ўргандек автоматнинг учини қорнимда ишкалаб, ҳадеб: «Қани бир кул-чи, ахир кулишга устаси фаранг эдинг-ку, қани кул, кўзойнак!» деб сайрашини эслайман, холос. Кейин... Икки ойдан сўнг госпиталда ўзимга келдим. Орадан уч ой ўтгач, партизанлар Нагонияга киришди. Камқувватлигим ва катта қийинчиликлар билан «тетапоя» қилаётганимнинг боиси шунда. Албатта, ўттиз олтига кирмай ногирон бўлиб қолиш кишига алам қиларкан. Аммо ҳамон нишонга беҳато отяпман, бинойидай ёзяман.

Ўлим азобини тортгани сезилиб турган унинг

⁶ Аёллар киядиган мошранг ҳарбий нимча.

чеҳрасида илиқ, изтиробли табассум жилва қилди. Сухбатдошим сўзига шундай якун ясади:

– Мамлакатдаги шарт-шароитга доир барча саволларингизга жавоб беришга тайёрман. Факат буни кейинги ҳафтада амалга оширсак яхши бўларди, ҳозир чегарага учиб кетяпман. Огано у ерга ўз каллакесарларини тўплаяпти. Давлатимизнинг тақдири, аниқроғи, унинг келажаги айна вақтда жанг майдонида ҳал бўлади. Назаримда МРБ ва Пекиннинг мададига суянган Марио Огано бизга зарба беришдан хайиқмайди. Менимча, ўзаро муросага келишиш мушкул. Шунга қарамай, улар билан мунозарага, яъни учрашувга яна қуролсиз бормоқчиман. Мен мунозарага бажонидил кўниб, хотиржам боряпман. Улар факат мени, бир ўзимни ўлдираверсин, ватан иши учун жон бериш – шараф. Эҳтиросга берилганим учун маъзур тутинг, кўнглимдаги бор гапни очик-ойдин айтишим керак, акс ҳолда сўзларимни ғирт ёлғонга йўйишлари мумкин.

*Махсус мухбир Дмитрий Степанов
Телефон орқали Нагониядан юборилди.*

Мухбирга: Материални қисқартмаслигингизни сўрайман – Гресо бошидан кечирган бу даҳшатдан газетхонни «аяш»нинг кераги йўқ. Қуруқ хабар ва сафсатадан иборат юз сатр лавҳани эълон қилгандан кўра босмаган маъкул. Уйга кейинги шанбада учаман. Ўртоқларга салом айтинг. Д. С.»

...Степановнинг репортажини ўқиб чиккан элчи ундан:

– Наҳотки қисқартишга қўл борса?! – деб сўради.

– Бўлмасам-чи! Қисқартириш ҳам гапми, Александр Алексеевич.

– Тушунмадим, фикрингизни очикрок тушунтиринг.

– Ниҳоятда кўнгличанмиз, аниқроғи, нозиктаъбмиз. Лекин ўта нозиктаъблик муттаҳамлик билан баробардир. Телевидение орқали ичкиликка қарши бериладиган

эшиттиришларни кўрганмисиз?

– Буни қарангки, Дмитрий Юрьевич, кўрмаганман.

– Кўришни маслаҳат бераман. Мисол учун айтайлик, Липатовнинг иқтидорнинг жаҳолат қурбони бўлиши ҳақида ҳикоя қилувчи «Кулранг сичқон» қиссасини саҳналаштириш ёки Модест Мусоргскийнинг ўлими ҳақида фильм олиш ўрнига экранга кўзбўямачини чиқарамиз. Томошабинлар кутган фокус рўй бермайди. Худди шу шахс поликлиникада ичкиликка берилганларни гўё уйқу билан даволайди. Авваламбор, бу даволаш услубига ишонч ҳосил қилиш керак... «Бўлиши мумкин» деган тусмолдан кўра, аччиқ бўлса-да, минг маротаба «йўқ» дейиш афзал!

– Мана сенга муаммо. Сиёсатда зўравонлик кетмайди, бунинг оқибати ёмон бўлади. Тарғибот сиёсатнинг негизларидан бири холос.

– Сиз ташки сиёсатни назарда тутяпсизми? Фикрингизга қўшиламан. Умуман олганда, тигга рўпара келишдан нега бунчалик чўчишади-а? Майли, кўзёш қилиб олдинг, етар, бас... яна нимани кутишяпти, Александр Алексеевич?

– Грисо ҳақ бўлиб чиқмаса деган хавотирдаман. Нафсиламбрини айтганда, у тўғри ўйлаяпти. Огано музокарага келмайди. Ахир у ўзгалар қўлида ясама кўғирчоқ. Ундан фақат бир нарсани – фитнани кутишяпти. Ҳамма гап бу фитнанинг қачонга белгиланганлигида? Қачон? Грисо ихтиёрида ярим йил муддат бўлганда эди... Огано у ёқда турсин, Оганого ўхшаганларнинг ўнтасини таъзирини берарди. Инсонга вақтнинг етишмаслиги атам қилади. Аммо мамлакат миқёсида вақтнинг тигиз келиши дахшат... Америкаликлар нима сабабдан Оганони бунчалик калака қилишаётганига сира тушунолмаيمان? Уч бурчак уч томондан иборат шакл эканини ҳатто мактаб ўқувчиси ҳам билади. Америкаликлар ўзларини худди калтабинлардек тутишяпти. Ҳодисанинг моҳиятини тушунмай хомхаёл суриш билан худди шу ҳодисанинг кўламини, оқибатини теран фикрлаш ўртасида ер-у осмонча фарқ бор. «Икки

нуктани бир-бирига тўғри чизик билан туташтириш энг кулай йўл» эканлигининг фаҳмига улар боришмайди, деб ўйлайсизми? Асло! Акс ҳолда, бу ерда жанжал кўзгашмасди. Нагонияликлар нима учун жонларини жабборга бераётганини репортажингизда кўнглимдагидек таҳлил қилиб берибсиз. Бизнинг давримизда «бўхтон» дейиш билан иш битмайди. Ким ўз ғоясини уқтира олса, ютуқ ўшанда кетади. Ахборотни фақат калла билан эмас, аксинча, воқеани юрак-юракдан ҳис қилиб ёзиш даркор... Москвага қачон жўнамоқчисиз?

— Эртага, Александр Алексеевич... Кўпгамас, ишларимни икки-уч кунда бажариб қайтаман.

— Мухаррир қабулида бўласизми?

— Албатта.

— Унга саломимни етказасиз. Сизни қўллаб икки оғиз хат ҳам ёзиб бераман, Дмитрий Юреевич.

«Ниҳоятда махфий.

Москва, Кремль.

Нагония Республикаси ҳукумати шошилишч иқтисодий ёрдам беришингизни сўрайди. Бизни қуршаб турган давлатларда жойлашиб олган Хитой ва Америка манфаатларини ҳимоя қилувчи гуруҳлар ихтисодий қамал эълон қилинганини ошкора айтмоқдалар. Ҳарбий тажовуз хавфи ҳам йўқ эмас. Совет Иттифоқининг ёрдамсиз революциямиз инкирозга юз тутди.

Жорж Грисо, Бош министр».

«Мутлақо махфий.

Москва.

Бу ернинг шарт-шароити билан танишиб чиққач, мен билан бирга келган уч маслаҳатчи амалий ёрдам кўрсатолмаслигига амин бўлдим. Мустамлакачилар мамлакатда ноинсоний жаҳолатни мерос қилиб қолдиришган. Нагонияда инженерлар, врачлар, агрономлар деярли йўқ. Офицерлар ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Жаҳолатпарастлар ҳар ерда, ҳар соатда жиноят қилмоқдалар. Аҳолининг қирқ фоизи сил, етмиш фоизи кичима касаллигига чалинган. Тўқсон фоизи мутлақо саводсиз. Амалий ёрдам кўрсатиш учун мамлакатга камида уч юз, беш юз маслаҳатчи – мутахассис жўнатилиши зарур. Бу ерга келадиган мутахассислар элчихонада хотиржам ишлашни хаёлларига келтиришмасин. Улар бевосита бандаргоҳда ишлашлари, далада трактор бошқаришни ўргатишлари мумкин. Маслаҳатчиларни турар-жой билан таъминлаш мушкул. Меҳмонхоналарнинг собиқ хўжайинлари канализацияни яроқсиз аҳволга келтиришган. Электростанция ишламайди. Ёқилғи омборлари бўм-бўш.

СССРнинг Нагониядаги элчиси А. Алёшин».

«Мутлақо махфий.

Пекин.

Руслар Нагонияга маслаҳатчиларини юбора бошлади. Бизнинг тавсиямизга мувофиқ генерал Огано АҚШнинг Луисбургдаги элчихонасидан ҳарбий ёрдам сўради. Бандаргоҳ ҳаммолларининг совет кемаларидаги юкларни туширишга қарши иш ташлашига тайёргарлик кўриляпти. Чамаси, бу иш ташлаш яқин ҳафталар ичида иқтисодий парокандаликни вужудга келтиради. Нагония Ҳарбий ҳаво кучлари полковниги, садоқатли кишимиз Абабенинг эзгу ишига кўмак тариқасида уч юз минг доллар зарур.

ХХРнинг Нагониядаги элчиси Ду Ли»

«АҚШнинг Марказий Разведка Бошқармасига.

«Факел» операциясига тайёргарлик амалий жиҳатдан тугалланди. Бирок ишончли манбалардан олинган маълумотларга кўра, Нагониядаги умумҳарбий сафарбарлик қарши ҳужумимиз белгиланган вақтдан олдин тугашини тасдиқламоқда. Бу эса операциянинг ташкилий ишида бир қатор мушкулликлар туғдиради. Десант ва махсус ҳарбий бўлинмаларимиз ёрдамига таянишдан ўзга чора қолмайди. Биздаги манбаларга қараганда, яқин кунлар

ичида руслар Нагонияга юк машиналари ва қишлоқ хўжалик техникасининг катта туркумини жўнатади. Бу тадбир мамлакатда иқтисодий бекорорликни вужудга келтириш борасидаги режаларимизга қаттиқ панд беради. «Факел» операциясининг жанговар аҳамиятини ҳисобга олиб, «Доно»дан руслар жўнатадиган юкларнинг миқдорини сўраш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Олинган маълумот операциямизнинг кўлами ва ўтказиш муддатини белгилайди.

Роберт Лоренс, МРБнинг Луисбургдаги резиденти».

Махсус топшириқлар бўйича АҚШ элчисининг нутқидан:

– Гресо ҳукумати томонидан ноинсоний қувғинликка маҳкум этилган генерал Огано бошчилигидаги Нагония ватанпарварлари мамлакатда социал адолат, демократия, жамоат тартибини ўрнатишга ҳаракат қилмоқдалар. Мўътабар минбардан туриб маълум қиламанки, менинг мамлакатим ҳеч бир давлатнинг ички ишига аралашмаган ва аралашмоқчи ҳам эмас. Америка Қўшма Штатлари жамоатчилиги бу Африка давлатида рўй бераётган воқеаларни диққат билан кузатиб бормоқда. Айни вақтда советлар блокига аъзо бўлган давлатлар матбуотида гўё Қўшма Штатлар Пекин билан бевосита ҳамкорликда Нагонияда давлат тўнтариши тайёрламоқда, деган сафсата пайдо бўлди. Бу – асоссиз бўҳтондан бўлак ҳеч нарса эмас...

Суръат

45225, 66167, 85441, 81713...

Дешифровка бўлимининг ходими Панов кулиб кирган Константиновга янги радиogramмани узатди.

– Мана шу ой ичида муддаийга нечта мактуб юборишди? – деб сўради Константинов.

– Бу тўртинчиси, сира ақл бовар қилмаяпти... Тушунмадим нима учун энди «муддаий?!» Мактуб эгаси

балки аёл кишидир?

– «Агар у «аёл» киши бўлса, на чора, бари бир жазосини тортади». Аммо бу ишда кўпроқ эркак кишининг қўли борга ўхшайди. Сиз қандай фикрдасиз?

– «Эркак кишининг қўли бор». Яхши таъриф. Жуда аник таъриф, ўртоқ генерал.

– Демак бу радиограммаларни бирорта қўлланмасиз ўқиш мушкул экан-да?!

– Мана ўзингиз бир кўринг-а, ўртоқ генерал. – Панов сирли нукта-тирелар битилган саҳифани стол устига қўйди.

– Қадимги италиялик футуристларнинг дастхатига ўхшайди, – деди Константинов ўрнидан туриб ўз хонасига қайтаркан. Бутун у контрразведкада навбатчи. Шанба ёки якшанба кунлари навбатчилик анча енгил кўчади. – Ҳеч ким безовта қилмайди. Ўшанда ҳафта мобайнида йиғилиб қолган ҳужжатларни хотиржам кўриб чиқиш мумкин.

Кабинетдаги ёзув столи устидаги Нагониядан олинган ва қизил жилдга солинган шифрли телеграммада Огано тўдасига мансуб сепаратистлар икки совет мутахассисини ярадор қилиб, улар оғир ахволда госпиталга келтирилгани маълум қилинган эди.

Махсус ҳужжатлар сақланган иккинчи мовий жилдда Совет Иттифоқининг Нагониядаги элчихонасидан олинган мактуб солиб қўйилганди.

Славин

– Тўқнашув тўсатдан бошланиши мумкин, – дея ишонч билан такрорлади Степанов. – Аёвсиз тўқнашув бўлади.

– Огано ҳеч нарсадан қайтмайди деб ўйлайсанми? – сўради Славин.


– Бундан ўзга чораси йўқ, Виталий.

– Суянадиган хўжайинлари бор.

– Улар Оганони охиригача қўллаб-қувватлашларига ишонасанми?

– Албатта.

– Мен эса ишонмайман.



– Нега?

– Ўттизинчи йилларда магнатлар фюрернинг ихтиёри тоабод ўз қўлимизда деб ишонишган эди. Охир оқибат нима бўлди? Огано – африкалик Гитлер.

– Гитлернинг темир, кўрғошин, кўмир конлари бор эди. Оганонинг нимаси бор?

– Нагония – Африканинг жанубдаги энг муҳим нуқтаси. Агар у Гресо ҳукумати ағдарса, хўжайинлар бу ярамаснинг тувагини тилладан қилиб беришга мажбур бўлишади.

– Нима учун у ердан бунчалик тез жуфтакни ростлаб қолдинг?

– Фильмимни топширгани келдим. Зарур тузагишлар лозим бўлиб қолса, нусха кўчирувчи фабрикани куттирмай деган ниятда эдим.

– Фильм яхши чиққандир?

– Менимча яхши. Индинга қайтиб кетаман.

– Сенга ҳавасим келади.

– Илойим сен ҳам ниятингга етгин, – Степанов жилмайди ва гавдасини курси суянчиғига ташлади.

Адабиётчилар уйи гавжум, бу ерда илк марта чалоб беришаётган эди. «Ресторан дирекцияси Журналистлар уйи билан битим тузибди. Чамаси энди доим қисқичбака ва бочкали пиво келтиришади», деган гаплар тарқалди. Шу боис нигоҳларида ортиқча очкўзлик зуҳр этган мижозлар жонланиб қолишди.

– Улар ҳеч қандай битим тузишмаган, – дея пешонасини тириштирди Степанов шакаробни Славиннинг олдига суриб қўяркан. – Пльзен пивосига умид қилма, Ростов қисқичбақаларига ҳам. Турмушда бориға шуқр қилган маъқул.

– Ҳали ҳам насиҳатгўйлигинг қолмабди-да, а?!

– Бор гапни рўйирост айтган яхши.

– Роҳибликни қабул қил! – дея маслаҳат қилди Славин.

– Роҳиблик ижодкор учун жуда асқотади.

– Ростданми?!–дея Степанов жилмайиб, қадахларга

арок куйди. – Роҳиблик, қилсанг ўз-ўзини тийиш демак. Эрк учун ўз-ўзини чеклаш ҳам тутқунликнинг бир кўриниши-ку!

– Митя, Энгельс билан рақобатлашолмайсан. Эрк – ҳаётий эҳтиёж. Бу жумланинг қолипи мисдан куйилган. Унга тегма, азизим...

– Қачондан бери ҳазилни кўтаролмайдиган бўлиб қолдинг?

– Китоб ёзишни ташла! Шундагина ҳақиқий уфатлигингга ишонаман.

– Ваъда беролмайман. Ёзишни ташлаш – мен учун ўлим билан баробар. Мен эса ҳали кўп яшашни истайман.

– Менга қара, бир қадах мусаллас сўрасам дегандим.

– Ароқ яхши эмасми?

– Билмадим, Митя, Мен ароқни ниҳоятда толиққанимда, руҳий эҳтиёж сезганимда ичаман.

– Сен интизомли риёкорсан!

Славин жилмайди:

– Мутлақо. Мен теннисчима, Митя. Теннисчи холос.

– Бу дейман, Виталий, жаҳлинг бурнингни учида эканда...

– Асло.

– Ростданми?

– Ростдан.

– Ўзига ортикча бино қўйганлар тоифасиданмисан?

– Йўқ, Митя, ўзимга ишонаман. Эрк ва ўз-ўзини чеклаш хусусига келсак, бир пайтлар ажойиб файласуф Бональддан айёрона бир талқинни ўқигандим. Унинг фикрича, инсон эркин бўлиб туғилмайди. Айбдор – табиат, зеро, факат, утина бизни чеклаб турғувчидир. Инсон иктидори ва тиришқоклиги туфайли ўз эркига эришади. Тўғрими? Хулосани қаранг: Сиз удабуронлигингиз орқасидан савдо ёки қурилиш корпорациясига аъзо бўласиз. Сиз корпорациянинг имтиёзлари эвазига ҳақ-хуқуқларга эга бўласиз. Корпорациянгизга хизмат қилсангиз, бойлик орттирасиз. Агар художўй ҳам бўлсангиз

черков сизни доим қўллаб-қувватлайди. Бой-бадавлат ва хужуджўй бўлгач, дворянлик мавқеига эришасиз. Булар сизга катта имконият ва имтиёзлар беради.

– Ажойиб талқин. Мансабпарастлар учун яхши қўлланма экан.

– Сен колоқ прагматиксан⁷, Митя. Китобларингни меҳнаткаш халқ қандай қилиб севиб ўқишига ҳайронман. Гапимни охиригача эшитмадинг-ку.

– Сенинг эмас, Бональднинг гапларини...

– Янгилик – батамом унутилган эскилик. Бональднинг гапини эслатиш баҳонасида суҳбатдошимни унут бўлган ўтмишга қайтардим. Буниси – менинг гапим.

– Оббо сен-ей!

– Ана шундай... Бональд ғоясининг якуни ҳам ғалати. Эрк тожи, яъни дворянлик – Бональд тузмокчи бўлган жамиятнинг устун хисобланади. Дворян бўлганингдан кейин сарик чакани назарингга илмаслигинг лозим. Акс ҳолда, Дворянлик унвони бойлик орттиришга чек қўйиб, ўзини-ўзи тийишга мажбур қилади. Дворянлик – бойлик орттиришнинг интиҳоси ҳисобланади. Бональд жамоани ғалати кўрқитади; дворянликни барбод қилсангиз, жон-жаҳди билан бойлик орттиришга интилган авомнинг на мақсади, на бу мақсаднинг интиҳоси бўлади. Бойлик орттириш одамийлик кадр-қимматининг илдизига болта уради. Фирибгарлик авжига минади. Шу тариқагина аристократия вужудга келади. Аристократия билан аслзодалиқ ўртасида еру-осмонча фарқ бор.

Степанов шу қадар диққат билан тинглардики, ҳатто олдидаги овқатни четга суриб қўйди.

– Сен овқатга кара, Митя, еябер, – Славин нафасини ростлаб олди. – Ёзувчининг иштаҳаси карнай бўлиши лозим.

– Ёзувчининг иштаҳаси карнай бўлса, у ёзишни

⁷ Буржуазия учунгина фойда келтирувчи нарсаларни ҳақиқат деб билувчи субъектив оким.

ташлаб, болаликда ёзган шеър ва ҳикояларини ўқиб, пул топиш учун ташвиқот бюросида ишлаши лозим. Биласанми, испаниялик ҳамкасбларимга ёзувчиларимиз эълон қилинган асари учун қалам ҳақи олишини, ижодий командировка ва дам олиш уйларига бепул йўлланма берилишини айтганимда; «Бўлиши мумкин эмас, қизил тарғибот қияпти» деб гапимга ишонишмади. Айрим ёзувчиларимиз бу имтиёзлардан кўнгилдагидек фойдаланмасликлари мени ажаблантиради. Ёзувчи, билсанг, Виталий, маънавий ташналикни моддий иқтисоддан доим устун қўйиши керак. Майли, юраги хаста бўлсин, бавосил касалига чалинсин, ана ўшандагина машаққатли ижодкор қувончи нималигини ҳис этади.

– Мен яқинда куч-ғайратга тўлган, тиниб-тинчимас бир рассом йигит билан суҳбатлашиб қолдим. Санамларни таъмирлаш билан шуғулланаркан... Эсингдами, туғилган кунимга санам сов-а қилишганди. Ўшани тиклаш зарур бўлиб қолди. Ўша рассом йигит санамга кўзи тушиб, чуқур хўрсинди. Уни олиб кетди. Ишонасанми, уни асл холига қайтарибди. «Миннатдорман. Иқтидорингиз бор экан, санам чизиш билан шуғуллансангиз бўлмайдами?» деб сўрадим. Йигитнинг тепа сочи тикка бўлиб кетди. «Худога ишонмай туриб санам чизиш гуноҳи азим» дейди. Бу гапга нима дейсан?

– Таъмирчинг бекорларнинг бештасини айтибди. Санам чизиш – тасвирий санъатимизнинг ҳаётбахш сарчашмаси, бизда санамларга битилган ўз дастхатларимиз бор эди. Уларга миллий бойлик сифатида қараш керак. Менимча, такводорлик бу ерда панд берган. Ота-боболаримиз яшаган оғир замонларда миллий ғоялар рассомларимизга мададкор бўлиб турган. Қисқача айтганда, рус черковининг моҳияти ҳам шунда. Миллий маданиятни асраш жиҳатидан улар бошқа мамлакат черковларидан ажралиб туради.

– Митя, миллийликни илоҳиётга чоғиштира, – деди Славин энсаси қотиб. – Менга кара, ана у аёл ким?

Степанов майхона пештахтаси ёнидаги айланма курсилардан бирида ўтириб, дастакли пиёлада қайноқ қаҳва хўплаётган баланд бўй, чарос кўзли аёлга қаради.

– Танимадим.

– Чиройли-а?

– Ҳа, гўзал экан.

– Сенингча, унинг ёши нечада?

– Ёшларнинг ёшини аниқлаш мушкул. Элликни қоралаган, сочи тўкилиб, кўзларидан нур сўнган биз каби «кария»лар ёшини бир қарашдаёқ билса бўлади, тўғрими? У эса...

– Ҳавасинг келдими?

– Ҳа.

– Мен ёшларга ҳавас қилмайман. Яшаганлигим билан фахрланаман. Ярим аср яшашнинг ўзи олий бахт. Хўш, черковларимизнинг бошқа черковлардан фарқи нимада экан?

– Мўътабарлигида. Италияда эллик чақиримга биттадан черков куришган. Бизнинг черковларимиз орасидаги масофа минг чақирим. Аммо у умуммиллий урф-одатларнинг ўчоғи бўлган, маълум гуруҳнинг мавқеини белгилаган.

– Марксизмни сув қилиб юборганмисан, дейман?!

– Албатта.

– Мен ҳам. Аммо бу фикрингга қўшилмайман.

– Нима учун?

– Мавқе, Митя, мавҳум тушунча. Қайси тоифанинг мавқеи? Қайси воҳанинг? Қайси армиянинг? Ёки амалдорларнингми? Крестьянларнингми? Ҳаммасини бир қолипга солиб бўлмайди. Пугачёв ёки Екатеринанинг, ёки Пушкин қаҳрамони – Гриневнинг мавқеи маълум маънода ҳужжатга асосланган, негаки у ҳаётдан олинган. Умуммиллий ғоя маълум гуруҳга, Митя, тўғрироғи, ҳукмрон гуруҳга хизмат қилади.

– Яна роҳиблик муаммосига қайтаяпмиз. Ҳукмронлик, фақат жамиятга хос тушунча. У давлат барқарорлигини

таъминлайди.

– Мен бунинкор этмайман. Қайси давлат тузуми ҳақида гапираётганингни билмоқчиман, холос... Ўзига хос давлат тузумига эга бўлган чиркин монархиямиз барбод бўлди... Эрк деган тушунча миллий ғурур уққунлари йилт эта бошлаган асрий давлатчилик ғоялари харобаларида пайдо бўлди. Ҳа, ҳа, худди шундай! Ғайри таъбааларни ҳам ерда, ҳам ғўрда қаргашган. Сен бўлсанг, бу дунёқараш ва мақсаднинг инъикоси, дейсан. Санъат гултожлари босқинчилик юришлари ва ўта қалтис даврда бирдан эмас, тараққиёт давомида дунёга келган. Уруш санъатнинг жанговар тури – плакатни юзага чиқарди. Фалсафа ҳам ҳеч қачон тўплар саси остида пайдо бўлмайди. Муттасил кураш эртанги кун учун яшаш заруратидан келиб чиқади. Тинчлик – бу ҳам яшаш, ҳам яратиш демакдир. Ақл – шахсиятнинг негизи, негаки у одамийлик қиёфасини белгилайди. Рублёв ва Феофан Грек даври Россия тасвирий санъатининг охириги сулолаларидан ўн чандон кучлироқ иктидорларни жаҳонга етказиб берди. Хўш, бунга нима дейсан?.. Биласанми, мен киносанъатимизга четдан қарашни яхши кўраман. Ҳар бир кинотомошабин дурдона асарни орзиқиб кутади. Аммо орзуси ҳаммавақт ушалавермайди. Кино яратилган дастлабки пайтда донг чиқарган Чаплин, Эйзенштейн, Клер, Васильев, Довженко, Хичкокларни ҳақиқий кашфиёт деса бўлади. Энди эса кино кундалик турмушимизга сингиб кетди. Айни вақтда телевизор пайдо бўлди, Митя! Демак яна номаълум сирли равишда сифат ўзгаришлари бўлишини кутиш керак. Дурдона асарлар бармоқ билан санарли. Сабаби кино бугунги кунда санъатга эмас, бойлик манбаига айланган. Шиддат, план! Бу шиддатдан Ренессанс руҳини талаб қилиб бўладими, ахир?! Ҳаммасини бир чеккага ўтиб узоқ кузатиш лозим. Ўшанда Годар, Куросава, Крамер, Феллини, Тарковский, Питер Устинов, Антониони, Абуладзе, Никита Михалков каби етук санъаткорлар борлигини англайсан. Ахир бу камми? Табиатдан бундан ортиқ саҳийликни кутиш – сароб!

– Тушунолмаяпман, нега бунча қизишасан?
– Табиб табиб эмас, бошидан ўтказган табиб, дейдилар. Менга қара, ана у қария ким?
– Муфтимиз, Миня тоға.
– Такводорларга ўхшаркан.
– Тўғри айтдинг. Илгари олчоклик билан шуғулланган.
– Гапларимни кўнглингга олма. Ҳатто буюк даҳолар ҳам хато қилишган... Музқаймоқ билан меҳмон қилоласанми?

– Албатта...

Степанов атрофга кўз югуртириб, официантка Белочкани ахтара бошлади. Шу дақиқада мўъжазгина залга айлантирилган равонга маъмура мўраллади.

– Шу ерда ўртоқ Славин борми? – деб сўради у. – Телефонда сўрашяпти.

– Музқаймоқ еёлмайдиган бўлдик, – деди Славин. – Саломат бўл, Митя.

Константинов

Константинов эшикдан кириб келган Славинга ҳамдардлик билан қаради:

– Ширин суҳбатингизни бузганим учун ичингизда мени сўкаётган бўлсангиз керак? – деди таъкиднамо оҳангда.

– Албатта-да.

– Ўпқаланманг, – Константинов унга Луисбургдан олинган мактубни узатди. – Мана ўкиб кўринг-а. Ҳозиргина олдик.

– Ҳарбий масканга кўнишни режалаган бошқа сайёраликлар ҳақидаги хабарми бу? – деб сўради жилмайиб Славин ва чўнтагидан кўзойнагини олди. – Ёки куёшда рўй беражак иқлим ўзгариши ҳақидаги маълумотми?

– Куррадаги ўзгаришларга ихлосмандлигингизга келсак, бу хабар айтарли қизик эмас...

Мактубни бир зумда ўкиб чиққан Славиннинг чўзик пешонасини ажин қоплади. Мушкул вазиятдагина унинг

пешонасида худди шундай ажинлар пайдо бўларди. У Константиновга савол назарда қаради:

– Нега индамайсиз? – деб сўради Константинов. – Қани, яна бир марта овоз чиқариб ўқиб кўрайчи.

Константинов қалин гардишли кўзойнагини тақди. Унинг чехраси бирданига ёшаргандек бўлди (унга генераллик унвонини берганда, ветеранлар: «Ҳозирги вақтда қирқ беш ёшда эмас, ўттиз ёшлиларга генераллик юлдузини тақиб қўйса, ҳеч ким ажабланмайди», деб ҳазиллашишган эдилар).

Генерал мактубни овоз чиқариб ўқий бошлади:

– «Ўтган йилнинг декабрида Луисбургдаги «Хилтон» меҳмонхонасида икки америкалик – улардан бири Жон эканлиги аниқ – рус кишисидан Москва билан алоқани тиклаш ва қандайдир «кўшни» ҳақида аҳдлашиб олишди. Бу киши тузини еб тузликка туфурадиганлар тоифасидан... Ана шу итвачча португал ва инглиз тилларини жуда яхши билади... Майли, ушбу мактуб бошимга етса ҳамки, ортиқ чидолмайман».

Константиновнинг бокишлари жиддий бўлса-да, кўзлари кулиб турарди.

– Хўш, бу гапга нима дейсиз, Виталий Всеволодович?

– Мактубни рус ёзганлиги аниқ.

– Нима сабабдан бундай деб ўйлайсиз?

– «Итвачча» деб унга тўғри таъриф берибди.

– МРБ бирор ўйинни бошлашдан олдин тилшуносларга мурожаат қилмайдими, ишқилиб.

Славин кулиб юборди:

– Далнинг «Изоҳли луғати»ни қайта нашр қилишга тайёрловчилар ОБХССдан кўркишади. Луғат чайков бозорида юз сўм туради-да. Факат русча сўкинишларнинг илмий таърифи Бодуен луғатида тўлиқ берилган. Нега сиз бунча қувонасиз?

– Бир таваккал қилиб кўрмоқчиман.

– Қандай қилиб?

Константинов тоза саҳифа билан қалам олди-да, «бир»

рақамини чизиб, уни доира билан ўраб қўйди. Сўнг Славинга қараб деди:

– Келинг, гапни индаллосидан бошлаймиз... МРБ бизга маълум бўлмаган Москвадаги агентига радиомактублар юборяпти. Сўнгги кунларда уларнинг фаолияти тезлашди. Мактубларни расшифровка қилиб бўлмаяпти. Пановнинг мулоҳазалари ҳеч қандай наф бермади, «мактуб»ларни ўқишнинг иложи йўқ. Шу ўринда, ер шарида энг қалтис нукта қаер, деган савол туғилади...

– Менимча Нагония, шундайми?

– Тўғри. Бу мактуб оддий мактублардан эмас. У Луисбургдаги мутахассисларимиздан бирортасининг шаънига доғ тушириш ниятида ёзилмаган бўлса-да, «Африкадаги қайси давлатда МРБнинг мавқеи кучлироқ?» деган савол туғилади.

– Худди шу Луисбургда.

– Тўғри топдингиз, – деди Константинов. – Луисбургдан Нагония чегарасигача неча километр келади?

– Етмиш...

– Тушунарли.

Константинов «икки» рақамини ёзиб уни ҳам янада калинроқ доира билан ўраб қўйди.

– Қани энди, учинчи вариантни кўздан кечирайлик, – таклиф қилди у. – Европадаги разведка марказидан МРБга юборилаётган бот-бот радиограммалар Нагонияда кескинликнинг кучайишига олиб келмадимикан?

– Бўлиши мумкин, – деди Славин.

– Демак, МРБни Луисбург эмас, аксинча унинг «қўшниси» Нагония қизиқтираётган экан-да. Бу ерда қабих режа борга ўхшайди.

– Бундай фаразга қўшиламан. Аммо бу қалтис иш.

– Яхши. Келишдик. Таваккал қиламиз. Нагонияда бирор ёмон ниятни кўзлаган МРБ Москвадаги ўз агентидан маълумот кутаётир. Илгари Нагонияда сиз-у бизга қарши қаратилган ядро билан жиҳозланган баллистик ракеталар ўрнатилган эди. Нагониядан айрилиш – НАТО учун

қаҳшатғич зарба... Бу йўлда улар ҳеч нарсадан кайтмайдилар.

Константинов Славинга савол назари билан қаради. Унинг кўзлари жиддий боқарди.

– Улар Нагонияда қандай каромат кўрсатмоқчи, қани, чамалаб кўрайлик, – деди Славин.

– Айни дақиқада МРБ агентининг тутган мавкеи мени ташвишга солмоқда. Агар агент чиндан ҳам МРБнинг ҳаммаслаги бўлиб чиқса, режаланаётган сиёсий тажовузда сотқиннинг тутган ўрни қандай бўлади?! «Африкача зарба»нинг моҳиятини мендан яхши биласиз. «Қирғийлар» бизларни америкаликлар билан гиж-гижлатиб қўйиш орқали кескинликка жиддий тус бериб, янги иктисодий инкирозни вужудга келтиришга ва тинчликни жар ёқасига қўйишга уринишяпти. Бу ким учун фойдали? Америкаликларгами? Бизгами? МРБгами? Ҳа, ҳарбий саноатга сўзсиз фойда келтиради. Луисбургдаги мактуб эгаси ҳақ экан-да? МРБ ўзининг навбатдаги қабих ниятини амалга оширмоқчи, шунинг учун ҳам мутахассисларимиздан бирини «Хилтон» меҳмонхонасида ўз домларига оғдиришган. Бу мутахассис Москвага кайтганми? Махфий ҳужжатларга рухсатномаси борми? Қайси министрликка ўрнашиб олган?

Константинов чўнтагидан тамакидонни олиб, устидаги ялтирок ғилофини йиртди-да, тамакини ёндириб, хумор билан чекди.

– Битта масала кўндаланг бўлиб турибди. Айғоқчини қандай қўлга туширсак экан? Маълумот тўплаётгандами? Ёки жўнатиш олдиданми? Балки бу бутун бир уюшмадир. Балки айғоқчи якка ўзи иш кўраётгандир.

– Менимча, ишни Луисбургда ишлаб келган мутахассисларни текширишдан бошлаш керак.

– Агар бу уюшма бўлса, у ҳолда Луисбургда ишлаётганларни ҳам текшириб кўриш керак. Кейин махфий ҳужжатлардан фойдаланиш ҳуқуқи бўлмаганларни рўйхатдан чиқариб ташлаймиз. Бутун диққат эътиборни у

ёкда ҳам, бу ёкда ҳам ҳар томонлама хабардор шахсларга қаратамиз.

– Радиограммалар Москвага юборилаяпти-ку, Константин Иванович. Агар агент Луисбургда ўрнашиб олган бўлса, унда радиограммаларни бу ерга юборишдан не наф?

– Уюшма ҳақидаги тахминни мустасно қиларкансизда? МРБ маълумотни Луисбургдан олиб, уни Москвадаги агенти орқали тасдиқлаши мумкин. Бундай назарияни инкор этасизми?

– Йўк, – деб жавоб қилди Славин ўйчан оҳангда, – инкор этмайман.

Константинов трубкини кўтариб, генерал-лейтенант Фёдоровнинг телефон номерини терди.

– Пётр Георгиевич, Славин билан радиограммалар хусусида бош қотираётган эдик. Қўлимизда қизиқ мактуб ҳам бор. Душанба куни ахборот берайми, ёки... Яхши. Кутамиз.

Константинов трубкини жойига қўйди.

– «Пэ Гэ» дала ховлидан қайтмоқчи. Одамларингизни тўпланг, мулоҳазаларни умумлаштирамиз. Прокуратура билан боғланинг. Ҳозирча шу...

Константинов

Нонуштага ўтиришдан олдин Славин билан телефонда гаплашиб, соат етти-ю қирқ бешда теннис кортида учрашишга ахдлашган Константинов рафикаси Лиданинг ажабланганини ва бироз ранжиганини дарров сезди.

Хотинининг феъл-атвори унга азалдан маълум. Одатини шу, жаҳлини ичига ютади. Кундалик турмушда бўлиб турадиган, муҳаббат пойдеворида панд берадиган «адибади»лардан ўзини тияди. Аёллик хурматини сақлайди, Айни дақиқада у ўрнидан кўзгалган Лиданинг ортидан ички меҳр ва алланечук истехзо билан қараб қўйди.

Лида қаҳва келтирди, пишлокни эрининг олдида суриб қўйди:

– Сули унидан пиширилган печенъемиз бор, ейсанми?

– Емайман. Ёғлидир? Ҳа, элбурутдан семириб, сени ранжитиб қўйишга ҳақким йўқ.

– Элбурутдан эмиш, – дея аёл жилмайди. – Ўртача умр кўриш икки юз йил бўлганда инсониятнинг холи нима кечарди?

Константинов қаҳвани охиригача ичиб, дастакли пиёлани дастурхонга қўйди. Лида сездики, ҳозир у отланади. Йигирма йиллик турмушлари мобайнида у эрининг ниятини хатти-харакатидан уқиб олишга ўрганиб қолган.

У ҳам ўз навбатида, хотинининг ўрнидан кўзғалмоқчи эканини пайқаркан, «Шошма» дегандек унинг қўлини кафтига олиб:

– Ёдимда. Ёзиб оласанми ёки эслаб коласанми? – деб сўради.

– Наҳотки улгурган бўлсанг?

– Улгурдим. Хуллас, Лидушка, кўлёзма бир тийинга қиммат. Сийқаси чиққан адабиёт намунаси. Донолардан бири кишини зериктирувчи асар адабиётга мутлақо ёт деб, тўғри каромат қилганди.

– Тўғри, Қостя, мен сендан асарни қандай важ билан қайтариб бериш мумкинлигини сўрагандим.

– Нима, қайтариб беришга ҳукуқинг борми?

– Албатта-да.

– Агар асосинг бўлса, унда ёмон. Муҳаррирга бундай, чекланмаган имтиёз берилганидан хавотирдаман. Муаллиф ўзини-ўзи осиб қўйса-чи? Ёки иқтидорининг кадрига етмаётган бўлсанг-чи?

– Ахир, иккаламиз бирга кўрганмиз-ку?!

– Мен дилетантман⁸. Китобхонман.

– Тўғри, китобхонга осон эмас. Бугунги ўқувчи айрим танқидчилардан виждонлироқ...

– Бу ёмон.

⁸ Бетараф, холис одамман (тарж.).

– Костя, азизим, ёмонлигини ўзим ҳам сезиб турибман, шунинг учун ҳам қўлёзмани ўкиб беришингни илтимос қилгандим.

Константинов елкасини учирди.

– Булар ҳаммаси сийқаси чиққан, бир қолипга тушиб колган, адабиётдан узоқ гаплар; «Ёмон директор», «Яхши парторг», «Аввалига дўк-пўписа билан юрак олдириб, кейин орден билан тақдирланган новатор», «Цехдаги бор-йўғи битта арокхўр»... Алдашдан наф борми? Агар ҳар бир цехда биттадан арокхўр бўлганда эди, черковга шам ёқардим. Эзгулик ҳаммага ёқади, Лидушка. Бу эзгуликнинг замирига яширинган мунофиқликни кўпинча сезмай қоламиз. Кейин бирдан пайкаб, бундай хайбаракаллачилар қаердан пайдо бўлди, деб оҳ-воҳ урамиз. Муаллифингга «ёлгонни ёзгин» деб бирор кимса мажбур қилдими? Адабиёт деб аталмиш кандолатни бармоқ билан ковлаштириб, уни суиистеъмол қилиш ўта пасткашлик-ку... Ҳақиқий бадиий асар кишининг қалбини ром этади. Аммо ёзувчининг меҳнати оғир. Муаллифинг ростмана довдир. Ҳам драматург, ҳам тўпловчи, ҳам ҳикоянавис, ҳам маърузачи у. Бир сўз билан айтганда, бу – истеъдодсизлик! Информацион портлаш юз берган бизнинг давримизда бу тараққиётни суиистеъмол қиладиган худбин бўлиш яхши эмас.

– Унинг қўлёзмасига ёзилган бошдан-оёқ мактовли тақризни ўкиб чиқдингми?

– Ўкиб чиқдим. Нима бўлибди? Бу тоифадаги хомийлар газетага мақола ёзиб беришади, китобни эса макулатурага топширишади. Буям ҳолва, бутун даҳшат бадиий ҳақиқатнинг бузилишида.

– Буни бизда «тавбасига таянтириш» дейишади, Костя.

– Хўш, нима учун энди адабиётни парламентга айлантириш керак. Сен – менга, мен – сенга, биз бузилмас иттифокмиз. Буни бадиий тараққиётни суиистеъмол қилиш, дейдилар. Бунга зарурат йўқ.

– Агар бор гапни шундай рўйирост айтсам, ўзимга-

ўзим душман орттирган бўламан.

– Илож қанча, ҳар ким ўз ғоясини ҳимоя қила олиши лозим. Мен ҳам бировга ёмонлик қилишни ёқтирмайман. Яна саволлар борми? – дея жилмайди у, – Бўпти, мен Славин билан беллашгани кетдим.

...Славин беш минутга кечикди. Стенкада машқ қилаётган Константинов:

– Бир сўзлилиқ, Виталий Всеволодович, шоҳона фазилят! – деб кесатиб қўйди.

– Мен ахир шоҳ эмасман, Константин Иванович. Оддий полковникнинг кечикиши табиий. Кутузов чорраҳасида машиналар тирбанд экан...

Кортда жойлашиб олгач, Славин ўйчан оҳангда;

– Биласизми, чорраҳадаги тикилинча қандай ҳаёлга бордим? – деди.

– Куруқ гап билан мени чалғитмоқчимисиз?

– Албатта. Ўша паллада асримизнинг бундай тезкорлиги кайфият ва асабимизга таъсир қилаётгани ҳақида ўйладим. Илгари сал тезликни оширсанг, ОРУДимиз матадордек пўписа қиларди. Ҳозир эса ҳайдовчиларни чорраҳадан «тезроқ ўтақол» деб шоширишади, тирбанд бўлиш, вақтни йўқотишдан чўчишади. Ва тўғри қилишади. Шундай эмасми?

– Машиналар қатнови кўпайганда шоширишади. Қани, бошқа пайтда тезликни ошириб кўринг-чи... Асабимизнинг бузилишига эса ҳали етти кат осмонча бор. Қани, ишга ўтайлик.

– Хуллас, гап бундай, – деди Константинов сўзига яқун ясаб кўзойнагини ғилофига соларкан. У гавдасини кресло суянчигига ташлади. Музокарага йиғилган контрразведкачилар – Славин, Гмиря, Трухин, Проскурин ва Коноваловларга бир-бир қарагач: – Радиограммаларни қабул қилаётган муаддийни фош қилишда қуйидагича йўл тутамиз, – деди, – бирламчи: Проскурин бўлими Нагонияга жўнатилаётган техника, дори-дармон, электростанция қурилишига мўлжалланган асбоб-анжомлар билан боғлиқ

муаммоларни ўрганади. Иккиламчи: Коновалов бўлинмаси Проскурин бўлими хал этган муаммоларга асосланган ҳолда элчихонада ўрнашиб олган МРБнинг разведкачиларини, уларнинг юриш-туришини аниқлаш билан шуғулланади. Учинчидан: Виталий Всеволодович бўлим раҳбарлигини Гмиряга топшириб, Луисбургга жўнайди. Ўртоқ Славинга Нагония чегарасидаги вазиятни ўрганиш, Оганонинг қай даражада қуролланганлигини аниқлаш ва нихоят, мактуб муаллифини топиш топширилади. Ундан кейин...

– Уддалай олсам агар, – деб таъкидлади Славин.

– Ундан кейин, – Константинов гўё унинг гапини эшитмагандек сўзида давом этди, – масала фақат жўнатилаётган юкларга боғлиқлигига ишонч ҳосил қилгач, бизга мактуб ёзган номаълум мухбирга Луисбургда ишлаётган совет мутахассисларининг фотосуратлари кўрсатилади.

– «Хилтон» меҳмонхонасининг бир кунлик ижара ҳақи қирк доллар, – деди Славин, – у ерда яшаш эса шарт, агар бу ҳақиқатан ҳам ўйин бўлса, у ҳолда мухбиримиз «Хилтон»даги қаҳвахонада ёки ресторанда хизмат қилиши керак.

– Калтабинлик ҳам эви билан-да!

– Мулоҳаза юритишда лабораториядагиларнинг олдига тушадигани йўқ. Улар берган хулосаларга кўра, мактубда ёғ излари ва пишлок ҳиди борлиги қайд қилинган.

– Мактубни нонушта вақтида битишган бўлишса-чи? – қизиксиниб сўради Константинов.

– У ҳолда кулупнай қиёмининг ҳиди анкиб турарди, – деди Славин ғолибона кулимсираб. – Нонуштага пишлокни камдан-кам беришади. Ундан кейин, агар бу ишни МРБдаги йигитлар дўндиришган бўлишса-чи? Улар «хэм энд эггс» тановул қилишади. Қолаверса, бутун дунёга тарқалган «макдоналдс»чиларнинг қаҳвахоналарида пишлок жуда арзон...

...Константинов билан Славин Шереметьевога тунда

келишди. Чор-атрофни шувок атри тутганди. Ҳализамон чигирткалар чириллаши бошланадигандек эди, гўё.

– Қаҳва ичамизми? – деб сўради Константинов.

– Бўлмасам-чи.

Улар мўъжаз стол атрофига ўтиришди. Қаҳвахонада одам сийрак. Пештахта ёнида икки официант қиз Ригага, денгиз қирғоғига боришга тайёрланаётганлари, ҳаво намчил, серёгин, денгиз суви совуқ қирғокдаги кум кун мобайнида танага хуш ёқар даражада илиқ ва майин бўлишини кутишаётгани ҳақида баҳслашиб туришарди.

Константинов Славинга яқинроқ сурилиб:

– Сиз билан энди ростмана теннис ўйнайдиган бўлдик, – деди жилмайиб. – Бу ўйинда мағлуб бўлмайди, иккаламиз ғолиб чиқишимиз керак...

– Теннис... Нима, Луисбургдан юборилажак шифротелеграммаларни назарда тутяпсизми?

– Худди шундай. Айрим нарсаларни қатъият билан талаб қилмаётганимдан ранжиманг. Сиздан буни кутиш мумкин...

– Таъқиқлайман деб очиқ айтаверинг, – деди Славин аниқлик киритиб. – Асло ранжимайман.

Уларга қаҳва келтирган официантка:

– Қаёққа учаяпсиз? – деб сўради.

– Болгарияга, – жавоб килди Славин. – Денгиз суви тобига етибди.

– Бирок, у ерда кум йўқ, – деди официантка, – денгиз сувида чўмилишдан кўра, қизиган кум фойдалироқ. Бутун қишга етадиган даражада тафт беради... Ўтган йили Руминияда дам олгандим. Ёмон эмас-у, аммо, пляжларида куми йўқ. Майда тошлар бор...

Константинов унинг ортидан бош тебратиб қараб қолди.

– Умр оқар сувдек ўтаяпти, Виталий Всеволодович... Осудаликни ҳис қияпсизми?

– Қирғокдаги илиқ кум ва қарағай хиди, – Унинг фикрини давом эттирди Славин. – Гўзал манзара, тўғри

эмасми, аммо, вақт ўлчовига бунинг қандай алоқаси бор?

– Бўлганда қандай?! Агар истасангиз изохлаб беришим мумкин.

– Қулоғим сизда.

– Бундан олтмиш йил муқаддам, кўйинг-чи, ўттиз йил илгари, чет элга дам олишга отланаётган официанткани учратиш амримаҳол эди. Чунки вазият калтис, бунақа ишларга ЧКнинг ҳатто вақти ҳам йўқ эди.

– Бандитларни, власовчи, бандерачиларни кувганимиз, уларга чоҳ қазиганимизни назарда тутяпсиз-да?

– Яна «қандай алоқаси бор?» дейсиз... Худди шуни назарда тутган эдим. Энди эса Славин Луисбургга, осойишталикни бузган айғоқчини тутишга кетяпти. Ваҳоланки, у ердаги пляжларнинг қуми иссиқ. Лекин, карағайлар йўқ, хурмолар соя ташламайди. Ишни йўқликдан бошлаб, фақат ўзимизнинг хавфсизлигимизни таъминлашдан ташқари мўъжаз Нагония мамлакатига кўмаклашаётганимизни ўйласам Виталий Всеволодович, дилимни ифтихор туйғуси қамраб олади. Бу давлатнинг асрий осойишталигини, фаровонлигини у ердаги денгиз тўлкинларининг уфуришини тўплар саси бузмасин-да, ишқилиб.

Шу пайт дикторнинг ҳорғин ва мудроқ овози янгради:

– Луисбург рейси билан учадиган йўловчи ўртоқларни олтинчи йўлга ўтишларини сўраймиз. Аттеншен, плиз...

– Йигирма етти ёшга кирган, мовий кўз, юзида холи бор малла сочли қиз гапиряпти, – деди Славин ўрнидан кўзғалиб.

– Унинг кўнғироқдек овозида ҳам осойишталик уйғун, – деб таъкидлади Константинов. – Балки унинг холи кошининг остида, кўзлари эса мовийдир.

Славин

Славиннинг Луисбургдаги ҳамкасби, эндигина ўттиз беш ёшга кирган Игорь Васильевич фамилиясини кандолатчилар каби чўзиб «Ду-у-лов» деб талаффуз қилди.

Осмонда муаллақ, тобланган кумушдек осилиб турган куёш еру-кўкни аёвсиз киздирар, кўз очиргани кўймасди. Икки кадам наридаги океандан қилт этган шабада эсмайди. Улар сохил бўйлаб уфқ томон боришаркан, Дулов ер остидан Славиннинг чўзиқ, буришиқ пешонасига дамбадам караб кўярди.

– Очиғини айтганда ҳали ҳеч ким мендан жиддий ёрдам сўрамади, – деди Дулов ширали овозда. – Тўғри, бир куни комендантнинг хотини келиб, «назаримда мени кимдир кузатяпти», девди.

– Шубҳаланса калима келтирсин.

– Ҳар эҳтимолга қарши текшириб кўрдик.

– Тушунарли. Ҳарҳолда уни Даллес кузатмаётгандир?!

Дулов суҳбатдошининг киноясига тушунмай чимирилди:

– Даллес?

– Ҳа-да, Аллен Даллес.

Дулов гапнинг маънисини тушуниб, бошини бироз чапга ташлади. Кўшиқ айтишга шайланган хонандага ўхшаб куларкан, катта, тим қора чиройли кўзларида нур порлади.

– Парамонов тўғрисидаги «миш-мишлар» у уйига жўнаб кетгандан кейин ошкор бўлди, – деди Дулов сўзида давом этиб. – Суддан чакириқ қоғози келди. Ўзи йўқнинг кўзи ҳам йўқ деганларидек...

– Судда бўлдингизми?

– Ҳа. Ишни ўзларидан соқит қилиб, маҳаллий автоинспекцияга оширишибди. У ердагилар «Ҳеч нарса билмаймиз, ҳеч кимни танимаймиз» дейишяпти.

– Парамоновнинг ўзи бу ҳақда ҳеч нарса демаганмиди?

– Ҳеч кимга лом-лим демаган.

– У бу ерда қандай юмушни бажарарди?

– Гаражда механик бўлиб ишларди. Гапнинг сирасини айтганда, ажойиб механик. Зотовнинг «Волга»сига «фиат»нинг корбираторини қўйиб берди. Машина сунъий йўлдошдек юз эллик минг километрни тик этмай босиб

ўтди.

– Қандай дедингиз? – дея Славин ажабланиб сўради. – Нима учун энди тик этмай?

– Осойишта, ортиқча зўриқишсиз, ишқалсиз демокчиман.

– «Тик этмай», яхши изоҳ экан, – деб таъкидлади Славин. – Моторга зўр бермаслик ва тезликни бир меъёردа тутишининг жонли ифодаси. Тушундим. МРБнинг бу ердаги разведкачилари ҳақида нималарни биласиз? Мутахассисларимиздан бирортаси билан «оғиз-бурун» ўпишмаяптими?

– Бу ерда таниқли бир шахс бор. Жон Глэбб. Айтишларича, у савдогармиш. Зотов билан тез-тез учрашиб туради.

– Ким билан?

– Андрей Андреевич Зотов билан. Кемасоз-инженер. У ҳақда сизга гапириб бергандим. Унга бир неча марта «Глэбб разведкага алоқадор бўлиши эҳтимолдан холи эмас», деб айтдим. У эса кулиб; «Сизларнинг ишингиз ўзи шунақа. Ҳаммадан шубҳаланасиз, айғокчи бўлиши мумкин деб ўйлайсизлар», – деди.

– Кулиши ўринли. У ўзи қандай одам? Унга хусуматингиз йўқми?

– Йўқ. Ўзига етгунча жиззаки, сўкинади. Аммо соф, виждонли эканлигига ишончим комил.

– Нимага энди сўкинади?

– Мажлисларда лоқайдлигимизни, масъулиятдан қочишимизни ва дангасалигимизни баралла танқид қилишимиздан, аммо, гапимиз билан ишимиз бир жойдан чиқмаслигидан нолинади.

– Ҳақиқатгўйми? – деди Славин Дмитрий Степановни эслаб, мийиғида кулиб қўяркан.

– Салбий маънода айтяпсизми?

– Салбий маъноси ҳам борми? – дея Славин таажжубланди. – Айтгандек, Нагонияга жўнатилаётган юклар қатновини ким назорат қилади?

— Зотов. Кемалар шу ерда тўпланиб, битта рейсда жўнайди. Нагониядаги портларни мустамлакачилар бутунлай яроқсиз аҳволга келтиришган.

— Унинг бу ерга келганига анча бўлдимиди?

— Уч йил бўляпти. Бир ҳафта олдин Москвага, хотинининг ёнига бориб келди.

— Нима, хотини бу ернинг иклимини кўтаролмадимиди?

— Йўқ, бошқа сабаби бор... Менимча, уларнинг турмуши бузилган. Хотинининг қайтиб кетганига бир йил бўляпти. Айтишларича, ҳозир у Дубов билан ошиқ-мошиқ эмиш. Қолаверса — Дубов деганлари Зотовнинг улфати, ҳамкасби — иктисодчи-олим, фан кандидати...

— Зотов қайси рейс билан қайтиб келганини аниқласа бўладими?

— Бундан осони борми, бор-йўғи икки марта — жума ва сешанба кунлари самолёт учади.

— Нега энди сешанба, жума эмас? — деб қизиқиб сўради Славин. У қочирик қилишни ёқтирарди, чунки қочирик суҳбатдошнинг дилидагини англашга, мушкул вазиятда фикрлаш қобилияти қай даражада эканлигини нафақат сўзларидан, ҳатто кўзларидан ҳам билиб олишга кўмаклашарди.

— Чунки жума санокнинг энг тўғри мезони, — деб жавоб қилди Дулов, — жумадан кейин эса шанба ва якшанба.

— Айтганча, сизларда теннис корти борми?

— «Хилтон»да бор.

— Қаерида? Кўзим тушмади, шекилли.

— Ертўлада, бежирим, соя-салқин жой.

— Ўйнаб турасизми?

— Ишқибозман.

— Қимларнинг ўйинини кўпроқ томоша қиласиз?

— Польшалик консулнинг ўйини менга кўпроқ ёқади. Илгари Зотовнинг хотинини теннис ўйнашини томоша қилардим. Теннис ўйнашда унинг олдига тушадигани йўқ.

— Айтинг-чи, Зотов Глэбб билан анчадан бери учрашиб турадимиди?

– Анчадан бери. Зотов бу ерга келганига уч ой бўлмасдан улар апоқ-чапоқ бўлиб олишди. Глэбб қабул маросимларимизга бажонидил ташриф буюради. Ходимларимизнинг кўпчилиги уни яхши танишади.

– Зотов инглиз тилини биладими?

– Ўқимишли одам. Нафақат инглизчани, хатто испанчани, португал тилини ҳам билади.

– У сизга ёқадими?

Дулов суҳбатдоши Зотов билан шунчаки кизиқиб қолмаганини пайкаб, бошини бироз орқага ташлади. Кўз кирини Славинга тикди.

– Ҳа, менга ёқади.

– Яхши, «унга ҳеч қандай хусуматимиз йўқ» деганингиздаёқ боодоб йигитларимиздан эканлигини сезгандим. Зотовнинг ичкиликка тоби қандай?

– Унчалик эмас. Аммо бу ичишни ўрнига қўяди.

– Демак арокхўр?!– дея такрор сўради Славин.

– Йўқ, у ичишни ўрнига қўяди, холос, – деди катъий оҳангда Дулов. – У ҳар қанча арокни кўрмадим, дейди. Лекин сира маст бўлмайди. Албатта, уни мўмин-қобил деб айтолмайман. Фақат қабул маросимларида ўзини тутишини назарда тутиб шундай деяпман.

– Хотини Москвага кетганидан кейин бу ерда бирорта жазман орттириб олгандир?

– У ҳақда сизга бирор ножўя гап айтишганга ўхшайди-а, Виталий Всеволодович?

– Унинг феъл-атворини фақат сиздан эшитяпман, Игорь. Бўш вақтида қандай иш билан машғул бўлади?

– Мамлакат бўйлаб сафар қилади. Ажойиб кутубхонаси бор.

– Мамлакатимизда нашр этилган китобларни бу ерда бемалол харид қилиш мумкинми?

– Илгари бемалол эди. Москвада бозори чакқон бўлган китобларни бу ерда бемалол сотиб олиш мумкинлигини мутахассисларимиз тушуниб қолишган. Зотов санъатга оид, айниқса, маҳаллий тасвирий санъатга доир китоблардан

анча-мунча тўплаган.

– Айтганча, музей очилдими? Африка тасвирий санъатига оид китоблар керак эди...

– Музей йўқ. Африкалик рассомлар ижоди хақидаги китоблар Париж ва Лондонда нашр этилади. Зотов билан бир гаплашиб кўрасизми?

– Албатта, гаплашаман. Фақат ҳозир эмас, ҳар нарсанинг ўз мавриди бор.

– Яна ўзингиз биласиз, Виталий Всеволодович.

– Энди гап бундай, Игорь... Одамларимиздан бирортаси «Хилтон» меҳмонхонасида рус муҳожирини учратмаганми? Балки битта-яримтаси ёрдам сўрагандир? Қандай тушунтирсам экан... пластинка, бирорта ёдгорлик, арок дегандек?!

– «Хилтон»да бор-йўғи олтига оқ танли хизмат қилади, Виталий Всеволодович. Қолганлари африкаликлар. Бир французни танийман. Майхона хўжайини. Исмои Жакоб, айғоқчи, итвачча. Бу «ёқимтой» йигит ҳамманинг ҳожатини чиқаришни маъкул кўради. Кейин, у ерда яна бир оқ танли бор, метротель, Линдон Уильямс... Бошқа ҳеч кимни танимайман...

– Қабул маросимларида Глэбб билан куюқ салом-алик қилсангиз керак-а?

– Албатта.

– Навбатдаги қабул маросими ёки зиёфат қачонга белгиланган?

– Индинга.

– Глэббга таклиф қоғози жўнатишни ўз зиммангизга ололасизми? Яна, мени у билан таништирасиз.

– Кимлигимни беш қўлдек билади-ку.

– Нима қилибди? Жуда яхши.

– Яхшиликка яхшику-я, сизнинг асл касбингизни билиб қоладими, деган хавотирдаман. Матбуотни жиловлаш қийин, шов-шув кўтаришлари мумкин.

Славин кескин жавоб қилди:

– Хоҳ ўз уйларида, хоҳ бу ерда-одамларимизни холи

қўйишсин. Унда бекорга келган эканман-да. Улар давлатимиз хавфсизлигига алоқадор муаммоларга очикдан-очик бурун сукишяпти. Яхшиси, бизни холи қўйишсин. Ўшанда Москвада хотиржам ўтирамиз.

— Айнан шундай деб таништирайми? — деди Дулов кулимсираб.

— Нима? Яширишнинг фойдаси борми? Сир сақлашнинг ўз меъёри бор.

— Уриниб кўрамиз.

— Айтгандек, Парамонов ҳам қабул маросимларида иштирок этадими?

— Йўқ, Виталий Всеволодович, ахир, у дипломат эмас-ку...

— Тасодифни инкор этасизми?

— Инкор этаман, — деди Дулов хўрсиниб. — Биласизми, сарф-харажатимиз ниҳоятда чекланган, ҳатто бир шиша ароқ ҳам ҳисобда.

...Славиннинг саволлари Дуловга ўтиришмади — бетакаллуф, тўғридан-тўғри берилган саволлар.

Бирок Дуловнинг берган жавоблари Славинга маъқул бўлди. У суҳбатдошининг мансаб ва мавқеига қарамай талаффузида заррача расмийликсиз, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилоладиган кишиларни ёқтирарди.

«Марказ».

Парамонов ҳақида қандай маълумотлар бор? Полиция томонидан жарима солингани ҳақида бирор яқин кишисига айтганми? Марказда Луисбургдаги рус мухожирлари ҳақида қандай маълумотлар бор? Қўлимдаги маълумотларга қараганда, бу ерда қирққа яқин ватангадо истиқомат қилади.

«Славин».

«Славинга».

Луисбургда ватангадолар уюшмаси йўқлиги сабабли рус мухожирлари ҳақида деярли маълумот йўқ.

Тасдикланмаган маълумотга кўра, Луисбургда собик власовчи, Вроцлав (Бреславу) жангинлинг иштирокчиси Виктор Кузьмич Хренов (Кириллович) деган кимса яшайди. Муҳим турар-жойи номаълум. Уч йил олдин олинган хабарга қараганда, у вокзал яқинидаги меҳмонхонада яшаган. Бир вақтлар Килда яшаган, бильярд ўйнаган, лақаби ҳам «икки бортдан марказга», шунинг орқасидан тирикчилик қилган. Власовчилар томонига ўз ихтиёри билан ўтганми ёки мажбурийми – бу ҳақда аниқ ашёвий далил йўқ.

Учрашувда ўта эҳтиёткорона муносабатда бўлиш керак. Унинг разведка хизмати билан алоқаси бизга қоронғу, аммо, Килда ўғрилиқда катнашгани маълум.

Марказ».

Константинов

Проскурин Нагонияга зарур техника ва хомашё жўнатиш билан билвосита ва бевосита шуғулланадиган министрлик ва идоралар рўйхати ёзилган ўн варақ қоғозни ёнғок дарахтидан ишланган катта стол тўрида ўтирган Константиновга узатди. Константинов қоғозга кўз югуртириб:

– Янада қисқароқ қилишнинг иложи йўқми? – деб сўради асабий ҳолда.

Проскурин елкасини киси:

– Ўзимча чамалаб кўрдим. Доира қисқаряпти. Шубҳали шахслар бармоқ билан санарли...

Неча киши махфий ҳужжатларга бевосита алоқадор?

– Ўн икки киши.

– Бирор чора-тадбир кўришга арзигулик маълумотлар тўпландими?

– Эътиборни ўзига тортадиган бирор шубҳали кимса борми?

– Улардан бирортасига даъвоим йўқ.

– Даъво? – дея такрор сўради Константинов. – ЧКнинг совет кишиларига ҳеч қандай даъвоси бўлиши мумкин

эмас. Факат далил бундан истисно.

– Мен бутунги мезондан келиб чикдим, ўртоқ генерал.

– Мезон ўзгармас нарса... ўша одамлар хақидаги хужжатлар қани?

– Трухин қайта кўчирапти.

– Қачон тугатади?

– Менимча, тушгача.

Константинов саволини такрорлади:

– Қачон тайёр бўлади, деб сўраяпман?

– Ўн тўрт-у ноль-нолга.

– Миннатдорман.

Еттита телефондан бири жиринглади. Константинов жиринглаган аппаратнинг трубкасини сира иккиланмай кўтарди. Уни қулоғига тутди:

– Эшитаман. Ҳа, Салом. Хўш? Зудлик билан хузуримга киринг.

Константинов трубкага бокқанча бир зум ўйга толди, кейин, Проскуринга ўгирилди:

– Рўйхатингизда Парамонов ҳам борми?

– Виталий Всеволодович маълум қилган кишими?

– Худди ўша.

– Ҳа, бор.

– Аммо у тор доирага кирмаган, шундайми?

– Шундай! Сиз агентдан аввало сиёсий руҳдаги маълумот талаб қилишларини таъкидлаган эдингиз, шекилли...

– Тўғри. Аммо Парамонов ахборотни жўнатадиган одам бўлиши мумкин-ку. У қаерда ишлайди?

– «Межсудремонт»да.

– Ким бўлиб?

– Автобаза мудир.

– «Межсудремонт» нима билан шуғулланади?

– Ҳали аниқлаб улгурганим йўқ.

– Тахминий жавоб беролмайсизми?

Проскурин елкасини қисди:

– Бир нарса дейишим кийин, қолаверса, тахминий

жавобларга бўлган муносабатингизни яхши биламан.

– Илтимос, бунини тезроқ аниқласангиз, чунки Славин юборган низоҳатда хунук хабардан кейинги зоҳирий кузатувлар Парамоновга нисбатан шубҳа туғдирапти. Бу жумбоқни ечишингизга чорак соат етадими?

– Ҳаракат қиламан. Ярим соатдан кейин ахборот берсам бўладими?

– Яхши. У ҳолда Парамоновнинг мутасадди кишилардан бирортасининг машинасини доим сошлаб турадими, шунини ҳам аниқласангиз? Кимларни назарда тутаетганлигини фаҳмлаётгандирсиз? Хуллас, унинг юриш-туришини ипидан игнасиғача аниқланг. Кимнинг машинасидаги карбюраторини алмаштириб берган? Кимларга автомобиль ҳалқаларини қайта йиғиб берган... Гапимни тушундингизми? Славин ишнинг нимадан бошлашга урғу берган, шу хусусда бош қотириб кўринг. Келишганимиздек ярим соатдан кейин кўришамиз.

...Кузатув хисоботи заррача хиссиётсиз, фақат далиллар асосида тузилган эди.

«Михаил Михайлович Парамонов 1929 йилда туғилган, рус, оилали, чет элда қариндошлари йўқ. «Межсудремон»дан соат 12.47 да чиқди. Автобус бекати ёнида гўё ботинкасининг боғичини боғлаётган киши бўлиб чор атрофга қараб олди. Ваҳоланки, боғичлар ечилмаганди. Автобусни кутди. Бекатда тўхтаган автобусга йўловчиларнинг чиқиб олишини кутди ва эшик ёпилиши олтидан сакраб чиқиб олди. Учинчи бекатда тушди. «Минерал сувлар» магазини витринаси ёнида тўхтаб яна атрофга аланглаб қаради ва сотувчи «тушлик» деган лавҳачани олиши олтидан ичкарига югуриб кирди. Сотувчидан бўлак ҳеч ким билан мулоқотда бўлмади. Фақат бир стакан минерал сув ичди. Бу сафар чор атрофга шубҳаланиб қарамади. Автобусга ўтириб, яна «Межсудремон»га қайтди. Иш кунининг охиригача 72–21 давлат белгилари «Жигули»ни кумуш рангга бўяш билан машғул бўлди».

Константинов нигоҳини ҳисоботдан узиб, Коноваловга қаради. У эса гўё худди шу нигоҳни кутгандек қоғоз жилддан ҳошия қолдирилмай текст кўчирилган иккинчи бир саҳифа олиб, уни генералга узатди.

Константинов диққат билан ўқишга тутинди: «Свердлов райпишчеторгига қарашли «Минерал сувлар» магазинининг сотувчиси Григорий Григорьевич Цизин 1935-йилда туғилган, рус, партиясиз, оилали, она уруғи томонидан чет элда қариндошлари бор. Ишига масъулиятсизлик билан қарагани учун судланган. Иш жойининг ўзида бир йил муддатга интизомини тузатиш ишига ҳукм қилинган».

— Қариндошлари қаерда яшашади? — қизиқди Константинов. «Коновалов жавоб беролмаса қарак» деган ўй кўнглидан ўтди. Шу ўринли савол орқали ҳамкасбини синамоқчи бўлди.

Бирок сочларига оқ оралаган, думалок юзли Коновалов сеҳргарларга хос хатти-ҳаракат қилиб, гавдасини бироз эгиб кўлидаги қоғоз жилддан яна бир варақ олди-да, ўқий бошлади:

— Амакиси — Марк Фёдорович Цизин Оттавада яшайди, қушхона ишчиси, холаси — Марта Генриховна Цизина меҳмонхонада фаррош бўлиб хизмат қилади.

— У ерга қандай бориб қолишган?

— Уруш туфайли, ўрток генерал. Немисга илашиб кетиб қолишган.

«Уруш қатнашчисининг ибораси, — деган ўй кечди Константиновнинг кўнглидан, — биз эса «фашистлар ҳайдаб кетишган», деймиз».

— Яна битта маълумот, танишинг, ўрток генерал.

— Қисқа вақт ичида буларни аниқлашга қандай улгурдингиз?

— Эҳ, Константин Иванович, шунинг учун ҳам тезроқ пенсияга чиқишимни хоҳлашяпти-да. Ёшларга сира тиним бермасмишман.

— Пенсияга бирга чиқамиз, — ваъда берди

Константинов.

Маълумотдаги биринчи жумла унинг эътиборини тортди: «72-21 давлат белгиси бўлган «Жигули» гражданка Ольга Викторовна Винтерга қарашли, Винтер 1942-йилда туғилган, яхудий, партиясиз, фарзанди йўқ; эри Андрей Андреевич Зотов айни вақтда Луисбургда ишлайди».

Константинов ўрнидан сакраб турди. Сейфни очиб Проскурин қолдирган қоғозлар орасидан бирини танлаб олди. Синчиклаб ўқишга тутинди. Ўчиб қолган тамакини қайта тутатди. Ҳатто чап кўлидаги саҳифанинг чап учи чақмоқтош алангаси таъсирида жигарранг тусга кирганини сезмади.

– Винтерга тааллуқли бошқа гапингиз борми? – деб сўради у.

– Бошқа ҳеч қандай маълумот йўқ, – деб жавоб қилди Коновалов.

– Раҳмат, Трофим Петрович.

– Кетишим мумкинми?

– Ҳа, албатта. Бутун эътиборни Винтерга қаратамиз.

... Константиновнинг бу гапида жон бор эди. Нуфузли институтлардан бирининг катта илмий ходими Ольга Викторовна Винтер ниҳоятда махфий, шу жумладан Нагониядаги вазиятга боғлиқ бўлган махфий ҳужжатлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга эди. Кандидатлик ишининг мавзуси кўп миллатли монополияларнинг Африка қитъасига суқилиб кириши муаммосига бағишланган эди.

– Агар сизга малол келмаса, Винтернинг илмий ишидан бир нусха топиб берсангиз, – деб илтимос қилди Константинов.

Ярим соатдан сўнг хонага Проскурин кириб келди.

Константинов кўзойнак устидан унга тикилди.

– «Межсудремонт» – чет элга қатновчи кемаларимизни созлаш борасида музокаралар олиб бориш билан шуғулланаркан, Константин Иванович. У ГДР, Буюк Британия, ГФР, Югославия ва Франция давлатлари билан доимий ҳамкорлик қилади. Идора директори Ерёхиннинг

шахсий автомобили йўк, лекин Африка мамлакатларига қатновчи кемаларга мутасадди ўринбосари, қирк етти ёшдаги Евгений Николаевич Шаргиннинг «Волга»си бор экан. Парамонов унинг автомобилени доим техник назоратдан ўтказиб туради. Яқинда унга янги, тагчарм тишли покришка топиб берганмиш, — дея Проскурин ахборот берди.

— Бор гап шуми?

— Йўк. Ҳаммаси эмас. Шаргин махфий ҳужжатларга алоқадор бўлмаса-да, ташки савдо министрлигида тез-тез бўлиб туради. Унинг акаси — Леопольд Никифорович Шаргинга ҳам махфий ҳужжатлардан фойдаланишга рухсат берилган. У техника харид қилиш билан шуғулланади. Бир неча марта чет элга борган. Луисбургда уч марта бўлган. У музокара олиб борган шахслар орасида сизни қизиқтираётган Жон Глэбб ҳам бор.

— Глэбб ҳаммани қизиқтиради. Шу жумладан сизни ҳам, — деди Константинов. — Парамоновни кузатишни кучайтириш керак, деб ўйлайман. Цизинни эса яхшилаб текшириб кўриш керак. Бу вазифани ким бажара олади?

— Гречаев эплайди.

— Гречаев?

— Унинг номзодига эътирозингиз борми?

— Йўк. Майли, бир уриниб кўрсин. Лекин, жуда эҳтиёт бўлсин.

— Яхши.

— Ольга Винтер «тор доирага» кирганми?

— Ҳа. Уни рўйхатдан ўчирмоқчиман, Константин Иванович. Таниш-билишларининг айтишича, у захар, чўрткесар бўлса-да, тенги йўк аёл экан.

— Унинг эри ҳақида қандай фикрдасиз?

— Одамларим эри ҳақида ҳозирча ҳеч нарса билишмайди.

— Унинг эри — Зотов Луисбургда... Нагонияга жўнатилаётган юкларга жавобгар, маъсулиятли шахс эканлигини биласизми?!

– Э-э, гап буёкда денг... Зотов – Винтер – Парамоновлардан иборат уюшма денг?

– Зотов тахминий маълумот юборади. Махфий хужжатлардан фойдаланишга рухсатномаси бўлган Винтер бу маълумотларни текширади. Парамонов эса ахборотни жўнатади. Бу уюшма фаолиятини шундай изоҳларкансизда.

– Назарий жихатдан олганда уюшма эканлигига ишончим комил. Бу уюшманинг тадбиркор ва пухта иш кўришига шубҳам йўқ. Стрельцов Винтерни таниган-билганларнинг ҳаммаси билан мулоқотда бўлди. Барчанинг фикри бир жойдан чиқяпти. Тенги йўқ аёл иккиюзламачи, мунофиқ бўлса?! Ҳолбуки, ҳақиқатан ҳам уюшма мавжуд бўлса, унинг бу ишга алоқадорлигига шубҳам йўқ.

Константинов Проскуриннинг сўзларини тингларкан, ўйчан бир кайфиятда, қўлидаги қаламни бармоқлари орасида айлантиришдан тўхтамай:

– Винтер ҳали ҳам теннис ўйнайдими? – деб сўради. – Славиннинг маълум қилишича, Луисбургдаги кортларда теннис ўйнаган экан. Корт – турли мавқедаги кишилар билан мулоқотда бўлиш учун энг қулай жой...

– Теннис борасида бирор нарса аниқлаганимиз йўқ, Константин Иванович.

– Эринмасдан аниқлаб кўрсангиз, илтимос. У қайси спорт жамиятига: «Спартак», МАСК ёки «Динамо»га қатнайди? Кимлар билан теннис ўйнашини ҳам аниқланг.

Икки соатдан кейин Проскурин Ольга Винтер МАСК стадионидаги кортда теннис ўйнаши ҳақида Константиновга ахборот берди. Ташки ишлар министрлиги бошқармаси бошлигининг ўринбосари; инженерлик бошқармасида ишловчи генерал; Госпланнинг масъул ходими ва Ташки савдо министрлигидан Леопольд Шаргин унинг доимий рақиблари экан.

«Славинга.

Зотовнинг хотини – Ольга Винтер ҳақида нималарни биласиз? Таниш-билишлари, дунёкараши ва туриш турмуши ҳақида сизга нималар маълум? Кимлар билан ва қаерда теннис ўйнаганини аниқланг. Унинг доимий ракиблари бўлганми, модомики бўлса, кимлар? Илмий ишига маълумотларни тўплашда кимлар кўмаклашган?

Марказ».

«Марказ.

Винтерни таниган-билган одамларнинг таъкидлашича, Африка қитъасига америкаликларнинг суқилиб кириши муаммоси уни кўпроқ қизиқтирган. Илмий ишига оид маълумотларни парламент кутубхонасидан ва АҚШ элчихонасининг матбуот марказидан олган. Матбуот марказида унга ким ёрдам берганини ҳозирча аниқлаб бўлмади. Теннис мусобақасида унинг доимий ракиби бўлмаган. 1949-51-йилларда МИ-6 ва МРБ ўртасида алоқачи бўлиб ишлаган генерал Геймлорднинг қизи, Британия консулининг рафикаси, тахминан ўттиз ёшлардаги Кэролайн Тизл ҳамда «Интернейшнл телефоник»нинг вакили Роберт Лоренслар билан «Хилгон»даги кортда бир неча марта теннис ўйнаган. Винтер бундан ярим йил муқаддам йўлланма муддати тугаган иқтисод фанлари кандидати Дубовга ошиқи-беқарор бўлган ва у билан Москвага қайтиб кетган.

Славин».

«Славинга.

– Роберт Лоренснинг тўла исм-шарифини, ёшини аниқланг. Ташқи қиёфаси қандай? Кэролайн Тизл ҳақида қандай маълумот бор?

Марказ».

«Марказ.

Кэролайн Тизл сўл оким тарафдори эканлиги билан ажралиб туради. Ғарбдаги вазият борасида ўз нуктаи

назарига эга. Сўл матбуотида африкаликлар ҳақида иккита мақоласи, Ян Смит тузуми тўғрисида иккита памфлети ҳамда МРБнинг Англиядаги махфий фаолиятлари ҳақида шарҳи босилган. Ғарб дипломатлари ундан узоқроқ юришади. Ишончли манбаларга кўра, разведкага алоқаси йўқ. Лоренснинг шахсиятини аниқлаяпман.

Славин».

«Марказ.

Ольга Винтер билан «Хилтон»даги кортда теннис ўйнаган Роберт Лоренс 1920 йилда туғилган. Нагониядаги мустамлака тузуми ағдарилганига бир ой бўлмасидан Луисбургга келган. Чилида ҳам «Интернейшнл телефоник»нинг вакили лавозимида ишлаган.

Славин».

«Славинга.

Биздаги маълумотларга кўра, Роберт Уильям Пол Лоренс 1920 йилда туғилган. Оилали, икки фарзанди бор. Улар Нью Йоркда яшашади. Тахминимизча, у МРБнинг Луисбургдаги резиденти. Кимлар билан доимий мулоқотда бўлишини аниқланг. Винтер билан неча марта теннис ўйнаган? Мусобака пайти ўйинларини кишиларимиздан бирортаси томоша қилганми? Модомики бўлса, улар қайси мавзуларда суҳбатлашишган? Гувоҳ ишончли одамми — йўқми, текшириб кўринг. Яқин танишлари борми?

Марказ».

«Марказ.

Лоренс билан учрашишга рухсат беринг.

Славин».

«Славинга.

Лоренс билан учрашишга шошилманг.

Марказ».

«Марказ.

Лоренс билан учрашиш шарт, деб ўйлайман.

Славин».

«Славинга.

Такрор айтаман. Лоренс билан учрашишга шошилмаиғ. Жон Глэбб билан Лоренсинг ўзаро муносабатлари қандайлигини аниқланг.

Марказ».

«Марказ.

Глэбб билан Лоренс ҳар куни «Хилтон»даги ҳовузда чўмилишади. Ораларидан қил ҳам ўтмайди. Портъе Лоренс яшайдиган хонанинг номерини айтишдан бош тортди. Аммо, официантларнинг айтишича, унинг хонаси МРБ иш олиб борадиган ўн бешинчи қаватда жойлашган.

Славин».

Славин

Совет элчихонасининг боғбони Архипкиннинг Луисбургдаги сафари қариган эди. Бир неча ойдан кейин ватанига қайтади. Ёши ҳам пенсия ёшига етиб қолибди. Уйга қайтишни шу даражада орзиқиб кутардики, на ҳаловатида, на уйқусида кўним бор эди. Қачон тонг отаркин деб, сахармардондан туриб оларди.

У боғдаги осудаликдан энтиқиб кетди... Атроф сув куйгандек жимжит. Шу ерда истиқомат қилувчи элчи билан мухтор вакил ҳали тонг уйқусида, дипломатлар ишга келишмаган эди. Найзасимон, ғалати баргли дарахт орасидан тушаётган, камалакдек жилваланаётган офтоб нури фақат Африкада ўсувчи ғаройиб майсаларни зумрад бўёққа бўяган.

Элчихона дарвозасида постда турган полициячилар эрталаб соат олтида навбат алмашиши ва хайрлашиш олдидан узоқ суҳбатлашишлари Архипкин учун сир эмасди. Айниқса, ҳавонинг одатдагидек дим бўлмай, денгиз шабадаси эсиб туришини барометрдек билишар, бундай

пайтларда бирорта кўшиқни баралла хиргойи қилишарди.

Полициячиларнинг «жипи» келиб тўхтади. Кузовдан учта йигит сакраб тушди. Автоматларини тўғрилашди. Алланималар деб кулишишди. Паст овозда суҳбатлаша бошлашди. Худди шу вақтда Архипкин жуда яқиндан эркак кишининг русча талаффуздаги синиқ шивирлашини эшитгандек бўлди:

– Ҳой биродар, ёрдам берсанг-чи!

Кутилмаган мурожаат, талаффузнинг аниқлиги Архипкинни чўчитиб юборди. Ҳатто, тўсик ёнига ўтириб қолди.

Испанлар қурган ғиштин устунли, учи найзасимон панжара ортида турган кишини кўрди – у ўнг қўли билан панжара учига оғирроқ бўлиши учун тош боғланган тугунни кўрсатарди.

– Ёрдам берсанг-чи! – деди кўча тарафдаги эркак баттар безовталаниб, полициячилар турган тарафга дам-бадам қараб қўяркан.

Чамаси, соқчилар уни пайқаб қолишганди.

Тўсик ортида турган кишига алланима деб бақирган полициячининг овозини Архипкин аниқ эшитди. Полициячилар шу томонга югуришаётганини кўрди. «Жип» ҳам ўрнидан кўзгалди. Архипкин қўлидаги паншаха билан тугунни илиб, уни совет территориясига туширди. Бегона киши бахтиёр жилмайди. Тор кўча томон югуриб кетди. «Жип» чийиллаб тўхтади. Чунки, бу жинкўчага иккита велосипедчи аранг сиғарди.

Отишма эшитилди. Архипкин тугунчани олиб элчихона биноси томон шошилди. Автоматнинг бир қарра тириллаши эшитилди. Кейин атрофга яна осудалик чўмди.

Славин тугунча ичидаги мактубни ўқишга тутинди: «Сизга «Хилтон»да америкаликлар ит эмган русни ўзларига оғдириб олганликлари ҳақида хат ёзиб, почта орқали жўнатгандим. Етиб бордимиз? «Хилтон»да яна ўша америкаликлар пайдо бўлишди. У итвачча эса йўқ.

Қаридим, шартим кетиб, партим қолди. Уруш мени майиб қилди. Сарсон-саргардонликда не-не азоб-уқубатларни бошдан кечирмадим. Кўз ёшларимдан неча-неча гогелларнинг ёстиклари хўл бўлди. Афт-ангоридан турмуши фаровонга ўхшаган бу аблахнинг куймичидан ел ўтмаган кўринади. Мабодо хатим етиб бормаган бўлса, билиб қўйинг америкаликлар одамимизни ўзларига оғдириб олишди».

– У қандай хат жўнатганди? – деб сўради Дулов.

– Урушдан кейин Германияда ишлагани кўриниб турибди, – деди Дуловнинг саволига жавоб бермай. – Германияда узоқ яшаганларгина «готель» деб ёзишади.

– Украинлар ҳам меҳмонхонани «готель» дейишади, – дея монелик билдирди Дулов.

– Тўғри. Лекин, Германияда яшаган руслар бу сўзни бир хилда талаффуз қилишади. Фашистлар томонидан олиб кетилган русларни Россияга жўнатишда иштирок этганман. Биламан. Боғбон қани?

Архипкин хонага ёни билан кирди. Остонада тўхтади. Унинг бу туриши Славинга товонларини ҳарбийчасига бирлаштирмоқчи бўлгандек туюлди.

«Сержант бўлса керак-ов, – деб ўйлади Славин. – Взвод командирининг ёрдамчиси бўлганлигига шубҳа йўқ?»

– Келинг, Олег Карпович, – деди Славин, – ўтиринг, бир чойхўрлик қиламиз.

– Раҳмат, чойдан қайтмайман.

– Олег Карпович, ивановолик, – дея изох берди Дулов. – Ивановоликлар чойхўр бўлишади.

– Чойхўрликда шуйликларнинг олдида тушадигани йўқ деб эшитгандим, – деди Славин. – Тўғри айтдимми, Олег Карпович?

– Шуйликлар ивановоликдан ўн-ўн беш пиёла кўп чой ичишади.

– Ростдан-а?! Ўн беш пиёла дедингизми?

– Самоварни қайнатинг, исботлайман, – деди

Архипкин нихоят жилмайиб. Архипкиннинг чехрасида якқол кўзга ташланган суҳбат бошидаги жиддийлик йўқолди.

– Шуйликлар билан ивановоликлар ўртасида тафовут бордир? – деб сўради Славин ўзиникини маъқуллагандек. – Юз тузилишлари бир хилми? Очигини айтганда, рязанликлар билан курянликларни бир-биридан дарров ажратаман.

– Буни ажабланидиган ери йўқ – деди Архипкин уни маъқуллаб. – Курянлик жанубда яшайди. Уларнинг қорачиғи қора. Рязанликлар эса бизга ўхшаш кўккўз, малла соч бўлишади...

– Тугунча ташлаган эркак, сизнингча қайси воҳадан?

– Унинг афти-ангорига тузукроқ қарай олмадим.

– Кўзлари қора эдими?

– Худо ҳаққи, ҳеч нарсани эслолмайман. Автоматнинг тириллашидан кўл-оёқларимга муз югурди, эс-ҳушимни йўқотаёздим... Куппа-кундузи одамга ўқ узишдан ҳайиқишмаса-я!

– Автоматдан унга ўқ узишганини ўз кўзингиз билан кўрдингизми?

– Балки менга шундай туюлгандир... Кўрмадим...

– Юринг боққа чиқамиз, тугунча осилиб қолган жойни кўрсатасиз. Балки бирор нарса ёдингизга тушар...

– Бажонидил, – деб Архипкин розилик билдираркан Дуловга гуноҳкордек қараб қўйди. – Кўрққанимдан эс-ҳушимни йўқотгандим. Ҳеч нарсани эслолмайман.

Архипкин хиёбоннинг номаълум киши билан мулоқотда бўлган ерида тўхтади.

– Тугунча мана бу ерда осилиб қолганди.

Славин тўсиқ ёнига яқинлашганида тоққа олиб чиқувчи тор кўча кўринди.

– У жонҳолатда югураётганда отишни бошлашдими? – деб сўради Славин.

– Йўқ, у жинкўчага бурилмасидан илгарирок, велосипедига ўтириши ҳамон отишди.

– Эҳ-ха, шундай денг! Велосипед каерда турган эди?

– Аёллар сартарошхонасининг деворига суяб қўйилганди.

– Бу муюлиш катта кўчага олиб чиқадими? У қаёққа бурилди, ўнггами, чапгами?

– Ўнга бурилмай, яна қаёққа буриларди. Фақат тоққа олиб чикувчи шу кўчада жон сақлаб қолиш мумкин-да.

– Анови кўча қаёққа олиб боради?

– Билмайман. Элчихонадан камдан-кам чиқаман. Уларнинг тилига тушунмайман...

– У кўча вокзалга олиб чиқади, – деди Дулов. – У катта кўча билан туташиб кетади. Трамвай, машиналар серкатнов кўчада унинг изига тушиши қийин.

– Унинг тирик қолганлигига ишончингиз комилми? – деб сўради Славин.

– Отишмани эшитиб, болконга югуриб чиққанимда полициячилардан бошқа ҳеч кимни кўрмадим, – деди суҳбатга қўшилиб Дулов. – У ердан кўча яхши кўринаркан. Полициячиларнинг жинкўча томон югуришаётганини кечагидек эслайман. «Қочок» аллақачон кўздан ғойиб бўлганди. Муюлишга етганда улар отишдан тўхтаб, изларига қайтишди. Чамаси «қочок» бирорта ҳовлининг ташки эшиги орқали бошқа бир жинкўчага ўтиб олган. Бу ерда ички, ташки эшикли ҳовлилар кўп.

– Текшириб кўрдингизми? – деб сўради яна Славин.

– Биздан бу сирни яширишлари мушкул, – деди Дулов ишонч билан. – У қочиб қолди.

– У малла сочли эдими? – деб сўради Славин, боғбондан.

– Бир нарса дейиш қийин, – деди Архипкин. – Балки малла сочлидир, балки кора...

– Қандай қийинган эди?

– Қандай қийим? – Архипкин саволни ажабланиб такрорлади. – Костюмда эди.

– Бу тушунарли... Костюми қандай рангда эди? Янгимиди ёки эскимиди? Галстук таққанмиди ёки йўқми?

– Ваҳима босганди-да... – дея Архипкин хўрсинди, – ўша вақтда менга нима жин урганига ҳайронман.

– Юзида тиртиғи бормиди?

– Тиртиғи йўқ эди. Бир кўли чўлтоқ эди. Нечта бармоғи йўқлигини аниқ айтолмайман-у, лекин чўлтоқлигини ўз кўзим билан кўрдим. Тугунчани ўша чўлтоқ кўли билан кўрсатди.

– Мана бу бошқа гап. Сизга яна бирор нарса дедими?

– «Ҳой ошна, ёрдам берсанг-чи!» деб шивирлади. Бошқа ҳеч нарса демади,

– Қизик... «Ҳой ошна?»

– «Ҳой ошна» дедими, «ҳой биродар» дедими... Аниғини айтолмайман...

– «Ҳой биродар» деган бўлса демак, у украин, – деб таъкидлади Дулов.

– Фарқи йўқ, – деди Славин. – Тоза қонли рус, воронежлик дўстим, одатда оғайниларга «биродар» деб мурожаат қилади. Овози қандай эди? Ҳоргинмиди ёки дўрилдоқми?..

– Дўрилдоқ овоз, ха, ха, дўрилдоқ...

– Яна бирорта ташки белгисини эслай оласизми?

– Худо ҳақки, эслолмаяпман. Ёлғон гапириб сизларни ҳам гуноҳга ботиришни истамайман...

...Славин маълумотномаларни варақлашга тутинди. Вокзалга яқинроқ бўлган, бильярд ўйналадиган тўртта: «Қувноқ улоқчалар», «Неополь», «Каса бланка» ва «Лас Вегас» қахвахоналари унинг эътиборини тортди. Кейин яна Архипкинни хузурига таклиф қилди.

– Олег Карпович, – деди Славин, – бильярд ўйнашни биласизми?

– Унда-бунда, эрмак учун хайдовчилар билан ўйнаб тураман.

– Энди мен билан ўйнашингизга тўғри келади.

– Бильярд столимиз столми...

– Сиз билан элчихонада эмас, аксинча, шаҳарда...

– Шаҳардаги бильярдхоналар мараз жой,

огохдантиришган.

Славин Дуловга қаради. У эса хиёл жилмайиб қўйди:

– Ҳақиқатан ҳам шундай.

– Икки киши бўлсак бежавотирроқ бўлади, – деди Славин Архипкинга кўз қисиб. – Нима дедингиз, Олег Карпович?

– Зарур бўлса на илож... – деди у ўта босиклик билан.

– Гап бундай, – деб таклиф қилди Славин. – Чўлтоқни қидирамиз. Балки бошқа рус билан мулохотда бўлармиз. Уша русни сизга кўрсатаман. У билан бир гаплашиб кўрасиз, хўпми?

– У ҳам қочокларданми? – деб сўради Архипкин Дуловга бир қараб қўяркан.

– Муҳожир Власовчи, – деб жавоб қилди Славин.

– Бундай итваччалар билан ҳатто рўбарў бўлишни истамайман... Уларга қарши Бреслауда жанг қилганман. Одам қиёфасидаги ваҳший ҳайвонлар...

– Чўлтоқни, албатта, топишимиз керак. Бундан ўзга чорамиз йўқ. Лозим бўлса, Вроцлавада бизга қарши урушган ўша власовчи билан гаплашасиз... Ватангадоларнинг барчасига бир хил кўз билан қараманг, Олег Карпович. Айрим виждонсизлар немисларга, Власов томонига ихтиёрий равишда ўтган бўлса-да, лекин юзлаб одамлар ёлғон тарғиботнинг қурбони бўлишган, Олег Карпович, сизни яхши тушуниб турибман. Ўша итэмганларни оқламокчи эмасман, лекин улар орасида яхши одамлар бўлган.

– Тушунаман, биламан, аммо юрагимда алам доғи қолган. Власовчилар Вроцлавада укамни ўлдиришган...

«Кувноқ улоқчалар» қаҳвахонаси гавжум ва сершовкин эди. Ўйин савияси паст, ракиблар сурбетлик қилишар ва кимор «кўра»си атиги уч доллар эди. Чўлтоқ келмади. Архипкин уч партияни Славинга бой берди. У шарларни мўлжалга олаётган вақтда қўллари бироз титрар, кўпинча хато урар, ён-верига эҳтиёткорона кўз ташлаб қўярди.

Пиво куйилган қадахлар терилган патнисни кафтида кўтарганча столлар атрофида пилдираб юрган чапдаст официант уларнинг ёнига яқинлашганда, Славин:

– Хренов қачон келади? – деб сўради.

– У анчадан бери бу ерда бильярд ўйнамайдн, жаноб, – деб жавоб қилди официант.

– Уни «Лас Вегас»дан ёки «Гонконг» қаҳвахонасидан топишингиз мумкин. У «Гонконг»да бўлса ажабмас, чунки хитойликлар яқинда янги, ажойиб бильярд столларини келтиришган, кимор ҳам катта – юз доллар...

... «Лас Вегас»даги бильярд столлари атрофидаги ўйинчилар олдига тушиш амримаҳол, залда осойишталик ҳукм суларди. Славин Архипкинни баланд, юмшоқ айланма курсига таклиф қилди. Иккита шарбат буюрдилар. Архипкиннинг қўллари ҳамон хиёл титрарди. Шарбатни ижирғаниб, кўнгли тортмай ичди. У синчков нигоҳини ён атрофидан узмасди.

– Қўлларингиз бакуват, тоғни урса талқон қилади, – деди Славин жилмайиб. – Намунча чўчимасангиз?!

– Бу ерга кўниколмаяпман. Маразликни кўргани кўзим йўк... Ахир мен қишлоқданман. Бундай нарсалардан узоқмиз...

– «Шарт» сўзининг маъносини тушунасизми?

– Тушунаман. Ҳар нарсанинг меъёр-миқдори бор.

Славин майхона хўжайинига мурожаат қилди:

– Яхши ўйинчилар қачон келишади?

– Қаҳвахонамизга фақат битта яхши ўйинчи ташриф буюрарди, сэр. Мистер Хрегов «икки бортдан марказ»ни нишонга олади, ҳақиқий бильярдчи, афсуски, кейинги пайтларда у «Гонконг»га боришни маъкул кўраётпти.

– Нима, столлари яхшими?

– Йўк, сэр, у ерда таом арзон. Хитойликлар озик-овқатни арзон нархда сотишади. Ахир Пекиндан келтиришади-да. Бизни хонавайрон қилишмоқчи-да! Қандай чора-тадбир кўришга ҳам ҳайронмиз. Спиртли ичимликларни бельгияликлардан сотиб олишаётгани учун

ҳам нархи бизники билан бир хил. Коктейлнинг баҳосини камайтирганмиз. Акс ҳолда бозоримиз касодга учради.

... «Гонгконгда майхона хўжайини Славинга Хреновни дарров кўрсатди. Хренов энгларини шимариб, шошилмай, жуда усталик билан: ҳақиқий муғамбирлардек, инглиз тилини бузиб талаффуз қилганча рақибининг аччиғини чиқариб ўйнади.

– Мўлжалга олиб ур, мўлжалга олиб ур, Жон! Қўлларинг қалтирамасин, йўкса ютиб оламан! Пулни тайёрлаб қўйганмисан? Ёки хотинчангнинг олдига пул сўраб борасанми?

Славин майхонанинг баланд пештахта атрофидаги айланма, юмшоқ курсилардан бирига ўтириб, девордаги тошойнадан Хреновнинг хатти-ҳаракатини кузата бошлади.

– Уни кузатинг, – деб шивирлади Архипкинга. – Кейин бориб ўйинга таклиф қиласиз.

– Ё парвардигор. – Архипкин хўрсинди. – Бутун вужудим титраб кетяпти... Бардам бўлиш учун киттак отиб олсаммикин?

– «Хейбол» ичамизми? – деб сўради Славин.

– Арокка етадигани йўқ.

– Бу ернинг ароғи сариқ чақага арзимаёйди. «Смирноф»нинг юtimi яхши... Балки виски ичармиз?

– Майли, озгина ичсам ичай!

Славин икки юз грамм ароқ буюрди. Архипкин ичди, ёнғоқ мағзидан искаб олди. Томоқ кириб қўйди. Баланд курсидан тушиб «икки бортдан марказга» ўйнаётган бильярд столи томон юрди.

– Менга қара... – деди Архипкин, – ўйнаймизми, а? Беш сўм... долларга...

Хренов кескин ўтирилди, тисарилди, беихтиёр сигарета олиш учун чўнтагига қўл солди:

– Кимсан? – деб сўради дўрилдоқ овозда.

– Боғбонман.

– Қаерда?

– Элчихонада.

– Демак, қизилсан?
– Қанақа яна... Албатта, қизил...
– Мени қаердан биласан?
– Сени умуман танймайман... Майхона хўжайини сени рус эканлигингни айтди. Ёнингга келдим, уларнинг тилини мутлақо билмайман, тушунмайман ҳам...

– Шошма, буни бир ёклик қилиб олай.

Хренов бильярд столи ёнига қайтиб борди ва беш зарба билан ўйинни тугатди – бетакаллуф, мохирона ўйнади. Хренов бундан бир неча дақиқа илгари шунчаки кўнгилхушлик, эрмак учун рақибини қизиқтириб ўйнаётганини Славин дарров сизди. Акс ҳолда ўйинни бунча тез тамомламасди. Йигирма беш долларни олиб, кўйлагининг кўкрак чўнтагига солди:

– Яхши ўйнайсанми? ... Ёки... Балки гаплашиб ўтирармиз. Урушдан кейин биринчи марта қизил билан юзма-юз туришим, – деди у Архипкиннинг ёнига келиб.

– Қилғиликни қилиб, энди заҳматини тортаётган бўлсанг керак?

– Ўтган ишга саловот, – деб жавоб қилди Хренов Архипкинга ўткир, қаҳрли нигоҳини қадаркан. – Юр, дастурхонга ўтирайлик, сени бир меҳмон қилай...

Улар дераза ёнидаги овлоқроқ столга бориб ўтиришди. Славин мухожирнинг ҳар битта ҳаракатини назардан қочирмаслик учун кузатишга қулайроқ бўлган курсига ўтиб ўтирди.

Хренов «иккита арок» буюрди. Архипкин икки-уч хўпламли қадахлардаги арокқа ғалати қараб қўйди. Хренов унинг дилидагини уқди:

– Дехқончасига ичмоқчимисан? Шошилма, яна буюраман. Буларнинг бир хўпламини ҳам аяшади. «Бирваракайига» кўтарсанг гап қилишади...

– Менга қара, анави... қаерда?

– Ким?

– Ҳалиги, нимаиди, унинг...

– Колька ғилайми?

– Эй, йўк. Унинг... – Архипкин кўрсаткич бармоғини иккинчиси билан чўрт кесди.

– Ваньками? «Чўлтоқ»?

– Ҳа.

– Қаерда бўларди, меҳмонхонада-да. У ерда ўн икки соат навбатчилик қилади. Уни нимага сўраб суриштиряпсан?

– Керак. Радиода унинг тўғрисида эшитиб қолдим...

– Босқинчи. Яна, власовчи эмишми?

– Йўк, синглиси излаяпти...

– Ҳазилингни қўй! Ростдан ҳам синглиси излаётган эканми? Унинг тириклигини қаёқдан билибди?!

– Укасини, акасини излаётганлар одатда радиога хат ёзишади. Унинг фамилияси нимаиди?

– Менга қара, – деди Хренов унинг саволига жавоб бермай. – Айбини бўйнига олганларга қанча илишади?

– Гуноҳига қараб...

Хренов хўрсиниб қўйди.

– У ҳам, мен ҳам чўкинганларданмиз, боғбон, чўқинтирилганлардан...

– Бу нима деганинг?

– Шундай. Лагерда очликдан силламиз қуриб, қимирлашга ҳам ҳолимиз йўк бир аҳволда кишлокка олиб боришди. Ҳар биримизнинг қўлимизга милтиқ бериб, рўпарамизга комиссарларни саф тиздириб қўйишди. Офицербачча Ганс ҳар биттамининг ёнимизга келиб, қўлидаги «парабеллум»и билан пешонамизга ниқтади ва «от» деди. Ёки сен, ёки сени. Комиссарларни отиб ўлдирганларнинг қўлларида милтиқларни тортиб олиб: «Озодсан, тўрт томонинг қибла» дейишди. Қаерга ҳам борардик?! Қон билан чўқинтиришди. Ҳа, ҳа, қон билан чўкинганларданмиз... Шунақа гаплар, қизил...

– Сен менга анави, «чўлтоқ»ни қандай топишни айт. Қаерда яшашини биласанми?

– Мен ҳаммасини биламан, боғбон. Ҳаммасини биламан. Сенга ҳеч нарсани айтмайман. Мулла бўлиб

қолганмиз. Балки унинг ҳеч қандай синглиси йўқдир. Сени НКВД юборгандир...

– НКВД уни бошига урадим...

– НКВДга ҳамма керак, боғбон, сен телба-тескари гаплар билан бошимни қотирма. Ўзинг қаердан бўласан?

– Ивановоликман.

– Қўшни эканмиз. Мен эса Вологдаданман.

– Шаҳарданми?

– Йўқ. Пряники кишлоғидан. Атрофи катта жарлик, билсанг агар. Кўм-кўк, чексиз, кимсасиз ер. Жилғалар ҳам оқади. Эрта тонгда атроф бирам осойишта бўладики... Гоҳида қизилиштон «так-тук»ни чалиб қолади... Бу ерда эса какадудан бўлак ҳеч қандай қуш учмайди... Исминг нима?

– Олег Карпович. Сеники-чи?

– Виктор Хрисанфович... Пул қўлимнинг кири, уйим ҳам бор, аммо, Карпич, дилим вайрон, бўм-бўш, юртимни соғиндим... У ерда гарданимга йигирма бешни илишади, ҳозир эллик уч ёшдаман... Хўш, кейин қачон қутуламан? Ҳамма гап ана шунда...

– Бизда ҳозир йигирма беш йил беришмайди. Наридан борса ўн беш йил...

– Ўн беш йил бир ой эмас-ку. Батамом қутулиб чиққанамда олтмиш саккизга кирар эканман. Қариликдан ёмони йўқ, шундай эмасми? Яна оиланинг шаънига ҳам доғ тушади. Ахир, ака-сингилларим ҳали ҳам Пряникида истикомат қилишса, ажаб эмас. Шундай – дом-дараксиз йўқолганларданман. Агар қайтиб борсам, нима бўлади? Уларни Сибирга сургун қилинишларига сабабчи бўламан. Уларда нима айб? Ҳамма гуноҳ ўзимда. Аламимдан ўғрилар билан бильярд ўйнайман.

– Менга қара, «чўлтоқ»нинг фамилияси нима?

– Қистама. У билан маслаҳатлашмай туриб, сенга ҳеч нарса айтмайман. Вологдада Пряники кишлоғи бор деб ўйлайсанми? Сенга бир кишлоқнинг номини айтдим, қўйдим-да... Эсимни йўқотганим йўқ, Карпич. Ҳаётнинг ўзи ўқитиб қўйган. Ҳатто ўзингга ҳам ишонмайсан, киши...

Бу ерга бир хафтадан кейин кел, балки у розилик берар. Унгача унинг исм-шарифини айтмайман. Бу ерда бармок билан санарлимиз... Қарға қарганинг кўзини чўқимайди. «Чўлтоқ» кўнимини йўқотган, дили яримта банда. Ҳатто ўз соясидан кўркади... «Оч қорним, тинч қулоғим»лар тоифасидан... Қани олдикми?

Криминал полициясининг директори, генерал Стау «Гонконг» майхонаси хўжайинидан чет элликлар суҳбати ёзилган магнитофон ленталарини олиб турарди. Шайтон қандай васвасага солмайди, кишини, шу боисдан ҳам, қаҳвахонани яширинча овоз ёзиб олиши радио ускуналари билан жиҳозлашга тўғри келарди.

Стау Жон Глэббга сим коқди:

— Жон, меҳмонхонада ишлайдиган рус сени кизиқтирмайдими?

— Агар у ташки ишлар министрлигида ишлаганда эди...— деб жавоб қилди Глэбб. — Малай-ку, малайдан қандай наф чиқарди? Фамилияси нима экан?

— Сен билан маслаҳатлашмай туриб аниқлашга иккиландим. «Чўлтоқ» эканлиги, «Хилтон» меҳмонхонасида ишлаши маълум, холос.

— Майли, эртага учрашиб, маслаҳатлашамиз...

— Уни рус элчихонасининг боғбони сўраб-суриштиряпти.

— Шундай де?! Буниси кизиқ-ку. Нимага сўраб-суриштирибди?

— «Чўлтоқ»ни синглиси кидираётганмиш. Боғбоннинг айтишича, радиода бу ҳақда эълон қилишибди.

— Ҳа, бўлиши мумкин, уларда шундай эшиттириш бор...

— Боғбон Славин деган кимса билан хитойликлар меҳмон бўлишди. Ҳар эҳтимолга қарши, унинг «Хилтон» меҳмонхонасида яшашини аниқладим.

— «Хилтон»да? — бир нафаслик жимликдан сўнг сўради Глэбб. — Жуда яхши, раҳмат Стау. Менга бир кун муҳлат бер, сенга сим қоқаман.

... Славин «Хилтон»нинг салқин вестибюлига кириши ҳамон енгил тин олди. Эғнидаги кўйлаги жикка ҳўл бўлган, жазирама пляжнинг тафти ҳамон юзларидан уфуриб турарди, иссиққа қарши суриладиган саримойнинг нафи тегмаганди.

У портъе ёнига бориб, хонасининг калитини олди. Маҳаллий газеталардан харид қилиб, лифт томон йўналди. Худди шу пайтда кимдир уни чақиргандек бўлди. Орқасига ўгирилди. Майхона эшигида семиз, бесўнақай, одми кийинган киши ва унинг ёнида эса чехрасидан кулгу, самимият балқийган, қотмадан келган, сочларига ок оралаган, хушсурат Жон Глэбб турарди.

– Хелло, Иван, – деб яна чақирди семиз киши хозиргина ҳўплаган пивосини мошранг кўйлагига сачратиб. – Нахотки мени танимаган бўлсангиз, қария?!

Константинов

«Мутлақо махфай».

Генерал-майор К. И. Константиновга.

Илтимосингизга биноан, қуйидагиларни маълум қиламиз: МРБнинг Африкадаги радиомаркази соат 21.00 дан 21.30 га қадар СССР учун махсус эшиттириш берди. Бизнинг назоратимиз остида бўлган шахслардан фақат О. В. Винтер шу вақтда уйида бўлган. Демак у ҳуфиёна эшиттиришни қабул қилиб олган, дейишга тўла асосимиз бор.

Майор Суханов».

«Мутлақо махфай».

Генерал-майор К. И. Константиновга.

Хатингизга жавобан қуйидагиларни маълум қиламан: МРБнинг Афинадаги разведка маркази эшиттиришларини ниҳоятда кучли «Филипс», «Панасоник», «Сбни» типигади радиоприёмникларда қабул қилиши мумкин. Лекин у ёки бу аппаратнинг схемаси билан танишиб чиқилгандан кейингина мукамал жавоб бериш лозим, деб ўйлайман.

«Мутлақо махфий.

Генерал-майор К. И. Константиновга.

Винтер ва Шаргинларнинг яқин танишларидан олинган маълумотларга кўра, иккисининг уйида 1976 йилда ишлаб чиқарилган, ўта кучли «Панасоник де люкс» радиоприёмниги бор.

Капитан Гречаев».

... Контрразведкачилар томонидан фош этилган МРБ разведкачиларини кузатаётган Коновалов бўлинмаси элчихонанинг иккинчи секретари Лунс ўтган тунда уйдан Ленин проспектига чиккани ва уни изма-из кузатаётган чекистларни чалғитиб, соат 23.40 да Можайский шоссесидан Ғалаба хиёбони томон бурилиб, кўздан ғойиб бўлганини аниқлади.

– Лунс хиёбонда йўлак бўйлаб йўлида давом этди, – деб ахборот берди Коновалов. – Йўл ўртасида бир нафас тўхтади. Машинадан тушди, гилдиракларни оёғи билан тепиб кўрди. Икки марта эгилди. Чекди ва яна йўлида давом этди. Ҳеч ким билан мулоқотда бўлмади. Ғалаба хиёбонидан катта тезликда элчихонага қайтиб учга қадар ўша ерда бўлди. Уйига қайтишда яна Ғалаба хиёбони ёнидан, бу сафар эса тўхтамай ўтди. Тинмай ёмғир ёғаётганига қарамай, Лунснинг машинаси ўтган бир вақтда йўл ёқасидаги скамейкада ўтирган бир киши хиёбондан чикди. Автобус ва троллейбуслар катнови тўхтаганлиги сабабли бу кимса уйига пиёда қайтди. Аниқлашимиз а, бу киши «1912-йил» кўчасидаги уйда истиқомат қилувчи, истеъфодаги генерал-лейтенант Роман Григорьевич Шебеко экан.

«Марказ.

Чамаси эллик ёшда. Чўлтоқ (чап қўлида иккита бармоғи йўқ) буғдойранг, тахминимча узоқ вақт

Германияда яшаган муҳожир хақида бирор-бир маълумот борми? Чўлтоқнинг миллати украин бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Хренов муҳожирликда яшаган жойларида кимлар билан доимий мулоқотда бўлган. Улар орасида Чўлтоқ бўлганми?

Африка китъасидаги бу шўъбада хизмат қилувчи барча рус муҳожирларининг исми шарифини «Хилтон» меҳмонхонаси маъмуриятидан сўраб билиш мумкинми?

Славин»

«Славинга.

Хренов Килда истиқомат қилган пайтда «Чўлтоқ» билан мулоқотда бўлган-бўлмаганлигини аниқлай олмадик. Техник-анжомларни харид қилиш учун Килга келган, лекин СССРга қайтмаган Михаил Исаевич Портнов билан танишган, дўстлашган. Охир-оқибат Портнов ўзини-ўзи осган. Ўлими олдидан ёзган хатида хорижда қолишга ундаганларни лаънатлаган. Дўстининг фожиали ўлимини кўтаролмаган Хренов дарбадарликда Африкага келиб қолган. Имконият туғилиши ҳамоноқ «Хилтон» шўъбасида ишловчи рус муҳожирларининг исм-шарифини аниқлаймиз. Хренов билан яна учрашинг. Лекин, ниҳоятда эҳтиёт бўлинг.

Марказ».

Бошқарма бошлиғи генерал Фёдоров
Константиновнинг ахборотини тинглаб бўлгач:

– Операциянинг бошланиши одатда менга ремонтга тайёрланган квартирани эслатяпти, – деди. – У ери бу ери ёрилган деворнинг айрим жойларини суваш, бошқатдан бўяш лозим бўлади. Курувчилар қурилиш материалларини келтиришади, полга эски газеталарни тўшашади. Ораста-осойишта уйингизда тақир-туқир бошланади. Ҳаловатингиз бузилади. Шунда, беихтиёр, алвидо хотиржамлик, дейсиз.

– Полингизга эски газета солишган бўлса яхши-ку, – деб таъкидлади Константинов.

– Орийтли курувчилар экан. Меникида эса ҳаммаёкни алғов-далғов қилиб ташлашди, қўйиб берсанг паркетда таги чарм тишли бутсилари билан юришса?!

– Бунинг нимасига ажабланасиз, – деди Фёдоров. – Бу касб-хунарни кадрига етмасликдан нишона. Урушнинг бутун захмати шўрлик аёлларимиз бошига тушди. Станокларни бошқаришди. Яна ўн уч яшарли болаларни айтмайсизми... Ҳамма касофат ана шунда-да.

– Станоклар орасида ухлардик, – деди Константинов мийиғида кулиб. – Уйга боришга ҳам ҳолимиз келмасди. Бу ҳам етмагандек тинимсиз бомбардимон қилишарди. Тўрдан ясалган қўлбола беланчакда мизғиб олардик. Ускуналарнинг шовқинига кўникиб қолгандик. Ўша вақтда кўпроқ сукунатдан қўрқардик.

– Ҳақ гапни айтдингиз, – деди Пётр Григорьевич бир нафаслик жимликдан сўнг, – ўша даҳшатли осойишталик қанчадан қанча одамларнинг бошини еди... Йигирма миллионнинг бошини еди. Қанчадан қанча касб-хунар қора тупрокка кўмилди! Касб-корнинг ўзи нима? Бу – авваламбор ўз касбини севиш, пухталиқ, юксак ва ораста пухталиқ демак. Агар бу муаммонинг мағзини чақадиган бўлсак, паркетда тагчарм тишли бутсиларда юришларига ўрганиб қолганмиз. Минг афсуски, бу ҳеч қандай қолипга сиғмайди. Фожиамиз ҳам ана шунда. Чой ичасизми ёки қаҳва?

– Қаҳва.

– Юракка жабр қилмайсизми?

– Менимча, масалага руҳий чарчаш нуктаи назаридан қарайдиган бўлсак, иш фаолиятимизда рўй берадиган қандайдир арзимас фавқулодда ҳодиса бир тонна қаҳвадан ҳам даҳшатлироқ, Пётр Григорьевич.

– Бу ҳам тўғри, – маъқуллади Фёдоров. – Аммо бундай нуктаи назар жанговарлик ҳолатини сусайтирмайди, деб ўйлайсизми?

– Ахир, жанговар ҳолатда доимо бўлиш ҳам руҳан толиктиради, бу эса жанговарликнинг сусайиши –

заифлашиши билан баб-баробар!

– Сизга кироатхонлик бўлса. Айёрликда сизнинг олдингизга тушадигани йўқ. Славин билан тупроғингизни бир ердан олган.

– Славиндек айёри ҳали дунёга келмаган, – дея комил-ишонч билан монёълик билдирди Константинов.

... Котиба иккита дастакли пиёлада қаҳва ва «куср-куср» нон келтиргандан сўнг Пётр Григорьевич катта ок қоғоз олди. Алланималарни аниқ, чакқонлик билан чизаркан:

– Сизга кўриняптими? – деб сўради.

– Кўриняпти.

– Хато килгудек бўлсам, тўғрилайсиз.

– Хато килмайсиз.

– Менга кўп ҳам хушомад килманг. Ҳожати йўқ. Демак Славин юборган телеграммадан кейин, Парамоновга бўлган шубҳангиз янада ортган, шундайми?

– Шундай.

– Кузатиш натижасида унинг ёнига Зотовнинг хотини

– Ольга Винтер ҳам қўшилдими?

– Худди шундай.

– Ха, айтганча, Славиндан Зотовни Луисбургдан чакиртириб олишга бўлган муносабатини сўрагандим. Индамаяпти. Ўйлашимча, бундай режани амалга оширишга асоси йўққа ўхшайди. Агар биз худди шу талаб билан чиксак, бизни тушунмасликлари мумкин. Чунки қўлимизда етарли далиллар йўқ.

– Зотовнинг Глебб билан дўстлиги-чи?

– Нима килибди? Ҳатто элчи ҳам у билан қабул маросимларида қўл беришиб кўришади. Глеббни МРБнинг ходими сифатида фош этганингиз йўқ. Қолаверса, у биз билан дўстона муносабатда бўлган савдогар... Давом этайлик. Полицияда ўтирган вақтида Парамоновни бир йўл билан ўзларига оғдириб олишган. Қандай йўл билан? Славин муқим бир фикрга келгани йўқ. Далил-ашёни қаҳва куйкуми орасидан излайми? Бироқ Парамоновнинг оғдириб

олиниши «хамкасбларимиз» учун нима беради? Ахир у сиёсий мавқедаги махфий маълумотлардан бутунлай узоқ-ку? Уни нима қилишади? МРБга бунақалардан фойда йўқ.

– Узатувчи босқич бўлса-чи?!

– Шундай дейлик ҳам. Кимлар ўртасида?

– Менимча, Зотов Луисбургдан муаммоли маълумотларни тўплади; махфий хужжатлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган Винтер уларни текширади; Парамонов эса маълумотни жўнатувчи...

– Шу фикрингизга бироз тузатиш киритсак-чи? Зотов – ҳақиқатан ҳам маълумот тўпловчи, Шаргин – жанговар ахборотнинг асосий манбаи, Винтер – Шаргин ахборотларини қайта текширувчи. Ахир у ишлайдиган институтдан деярли барча министрликларнинг махфий хужжатлари ўтади; Парамонов эса – узатувчи босқич. Шундай бўлиши мумкинми?

– Ҳа. Учинчи бир тахмин ҳам бўлиши мумкин: Винтер теннис кортида кўпгина таниш орттирган. Унинг рақиблари – юқори даражада маълумотга эга бўлган одамлар. Уйин давомида мураккаб сиёсий муаммолар тилга олинади. Шаргин Винтер томонидан кўндаланг қилиб қўйилган масалалар устида ишлайди; Парамонов эса ахборотни жўнатади.

– Қандай жўнатади? Қаерда ва кимга? Генерал Шебекога эмасдир, ахир?

– Шебеко уруш хотираларини ёзиш билан машғул экан, – деди Константинов мийиғида кулиб. – Кўпчилик ёзувчилик осон иш деб нотўғри ўйлайди. Текшириб кўрдик. Чолни уйқусизлик безовта қилаётган экан... Ҳар куни тунда Ғалаба хиёбонини сайр қиларкан...

– Лунс у ерга борганида Парамонов қаерда эди?

– Уйда.

– Винтер-чи?

– Аниқланмаган.

– Шаргин-чи?

– Акаси билан ресторанда ўтирган.

– Разведка маркази охирги маротаба эшиттириш берган вақтда улар қаерларда бўлишган?

– Шаргин ишда бўлган. Ўз-ўзидан аёнки, у эшиттиришларни қабул қилолмаган. Парамонов уйида бўлган. Гмирянинг аниқлашича, Парамонов бундан бир ой муқаддам «Панасоник» приёмнигини Садовое кольцодаги комисион магазинга топширган. Бу вақтда Винтер ҳам уйида бўлган.

– МРБнинг радио маркази эшиттириш бераётган вақтда ким қаерда бўлгани ҳақида жадвал тузилса маъқул бўларди. Буни Канарис ва «Мюллер ота» билан бўлган олишув вақтида синовдан ўтказганман. Яхши натижа берган... Винтернинг приёмниги қанақа?

– «Панасоник».

– Ҳа айтганча, Славиндан ким кимдан, қачон ва қаердан мана шу «Панасоник»ни қандай нарҳда сотиб олинганини сўранг, чамаси, улар битта дўкондан харид қилишган. Бошқа-бошқа жойдан бўлса, ундан ҳам яхши.

– Бу иш билан ҳозирданок шуғулланамиз,

– «Тор уюшма»га алоқадор кишилар қанча экан?– деб сўради Фёдоров.

– Кеча яна беш кишини рўйхатдан ўчирдик. Биттаси ҳозир сафарда, иккитаси докторантурага кетган. Қолганлари оққўнгил, том маънода оққўнгил шахслар экан.

– Э, қўйсанг-чи, енгил-елпи гапларни.

– Йўқ, бу текшириш натижаларидан олинган.

Пётр Георгиевич қаҳвадан бўшаган дастакли пиёлани суриб қўйди. Константинов генералнинг асабийлашганини сезд.

У хато қилмаган эди.

– Славин муҳим бир фикр айтишни нега бунчалик пайсалга солмаса? Нимага у ҳеч қандай хабар бермаяпти?

– Унга осон тутиб бўлмайди. Ҳаёти таҳлика остида. Ахир у шошмашошарликни ёмон кўради. Мактуб ёзган одамга фотосуратларни кўрсатса, бас. Бизни ташвишга солаётган муаммо ечилади. Худди шу руҳдаги маълумотни

кутаётганимизни ўзи жуда яхши тушунади, Пётр Георгиевич.

Эшикда бошликнинг ёрдамчиси кўринди.

– Ўртоқ генерал, дешифровка бўлимидаги Панов шошилини хабар билан...

– Телефондами?

– Бзовта қилмасликни тайинлаганингиз учун ўзи келибди.

– Кира қолсин.

Панов стол устига олти варақ қоғоз қўйди.

– Бирваракайига учта, ўртоқ генерал. Бунақаси ҳали бўлмаган⁹.

– Нималар деяпсиз?– деб сўради Пётр Георгиевич. – Соппа-соғ одамни чўзилтириб қўйишларинг ҳеч гап эмас! Бундай ташаббускорлик бирор ходиса олдидан рўй беради...

...Генерал-лейтенант Фёдоров йигирма бир ёшига тўлганда чекист бўлган эди. Ёш радиоинженер кўнгиллилар сафида Испанияга жўнаб кетди. У ерда афсонавий дзержиновчи – контрразведкачилар билан бирга ишлади. Григорий Сироежкиндан касб сирларини ўрганди, уруш бошланганда эса абвер ва гестапога қарши радио ўйинларда ўз касбининг устасига айланди. Фёдоров раҳбарлик қилган бўлим олиб борган иш натижасида юзлаб гитлерчи айғокчилар қўлга туширилди ва бартараф этилди. Кейин буржуазия миллатчилари билан бўлган кураш;

⁹ Ўқиб бўлмаётган бу радиограмма ҳам МРБнинг Европадаги разведка марказидан юборилган эди. Текстда қуйдагилар баён қилинганди: «Азиз дўстим, сиз юборган маълумот ишимизга салмоқли ҳисса қўшди. Энг катта раҳбаримиз сизнинг нуқтаи назарингиз ва юборган ҳужжатларингиз билан танишиб чиқди. Илтимосингизни бажарамиз. Олдинги хуфиёна хабар алмашув вақтида сўраган нарсаларни зудлик билан жўнатамиз. Учрашув жойи – ўша. Нагонияда юз беражак, инкирозга сабабчи бўладиган воқеалар бошланса, бу давлатга руслар берадиган ёрдами кучаядими? У ҳолда бунини тасдиқловчи ҳужжатлардан нусха кўчиришни тезлаштиришингизни катъиян илтимос қиламиз. Сизнинг, талабга жавоб бералодиган даражадаги мавқега эга бўлган танишларингизнинг бу ҳақдаги фикрларини билиш жуда қимматлидир. Дўстларингиз «Д» ва «Л». (муаллиф изохи.).

бандеровчиларни тор-мор қилиш; яшириниб олган гитлерчи қолдикларни қидириб топиш; иттифокчилар билан океан ортида янги хўжайин орттиришга уринган гитлерчи жаллодларни қайтариб бериш борасида Даллес билан олишув... қирқинчи йилларнинг охирида америка разведка органларига ёлланган айғокчиларга қарши иш бошлади.

Кескин фикр юритувчи, ғайрат-шижоатли, айти вақтда босиқ Фёдоров ўйчан оҳангда Константиновдан:

– Ҳали ҳам теннис ўйнаб турасизми? – деб сўради.

– Ҳа, бекорчиликда...

– Вақт ажратинг-а? Вянгер билан ўзингиз учрашганингиз маъкул. Ҳарҳолда, қоғоз-қоғоз-да, амадда бошқа гап. Уни зимдан кузатинг, Константин Иванович. Бу иш мураккаб, диққинафас. Шунинг учун ҳам – пухталигингиздан қатъи назар – майда, тўғрироғи, майда бўлиб туюлган нарсалар билан шуғулланишингизга тўғри келади. Айғокчилик – ташқи сиёсий тажовузнинг бир кўриниши, шундай экан, бу муаммони синчковлик билан, миридан-сиригача ўрганиш лозим...

Славин

Меҳмонхонага кираверишда Славинни чакирган, мошранг кўйлақдаги семиз киши:

– Йўқ, Иван, юз карра ноҳақсиз, – деди ичкиликка берилган одамларга хос ўжарлик билан. – Ҳаммасини ўз қўлингиз билан жувонмарг қилдингиз. Сиз, сизнинг Сталинингиз доим Европага дўқ-пўписа қилган. Сизнингча, биз қўл қовуштириб ўтиришимиз керакмиди?

– Сиз барчага ёд бўлиб қолган фалсафани такрорлаяпсиз, – деди Славин пиводан хўплаб, гўё сўзларини қувватлашини кутгандек Глэббга қараб кўяркан.

– Мистер Славин ҳақ, – деди сира иккиланмай Глэбб. – Трумэн ёмон йигит эди, Пол. Ҳақиқатан ҳам у қизилларни ёқтирмасди. Нега энди бундан кўз юмиш керак?

Пол Глэббнинг сўзларига эътибор қилмай яна бир

бокал пиво келтиришларини сўради. У кўлини Славиннинг елкасига ташлади; гўё бир вақтнинг ўзida икки киши билан мулоқотда бўлиб, иккаласини кам лақиллатаётгандек иккала кўзини қисиб қўйди.

— Иван, Иван... Эсингдами, қирк бешинчи йилнинг апрелида тунги Дрезден бўйлаб сайр қилганимиз, келажак ҳақидаги орзуларимиз... Кейин Нюрнбергдаги шоду-хуррамликлар, тўнғизларни қора курсига ўтказганлари... Ёдингдами?

— Эсимда. У пайтда кўз қисишдан ташқари бошингни тебратиб ҳам қўярдинг. Бошқаларга кулгу бўлмаслик учун энг аввал ўз устингдан ўзинг кулардинг. Умуман, ичиш у ёқда турсин, ҳатто пивога қиё бокмасдинг, мозийда нацистларга алоқадор бўлган немис қизини севиб колганинг-чи?!

— Контузия асорати колмади. Менинг устимдан, омадсизлигимдан ҳамма куларди. Фақат дилим сиёҳ бўлади. Барча ногирон кишилар каби арзимаган нарсага ранжийман. Иван, юрагимнинг қат-қатигача сиёҳ бўлади. Ўз устимдан кулишни ҳам унутдим. Бу эса иродачиларга хос ҳислат. Энди тонг саҳарлаб ичаман — бу, менимча энг олий бахт. Сизларнинг асосли нафратингизни кўзғатган ва мозийда нацистларга алоқадор бўлган немис қизи менга ўғил туғиб берди. Кейин ташлаб кетди. Даҳау асирига турмушга чиқди. Ўзини гитлеризм қурбони қилиб кўрсатди. Айни кунда нафака олиш бараварида Дюссельдорфда хайвонларга инсонпарвар муносабатда бўлиш комитетига раҳбарлик қилади. У бу комитетни Лайкангиз космосга учирилгандан сўнг тузди. Ўз ҳақимда айтадиганларим шу. Сен-чи? Нюрнбергдан сўнг нима иш қилдинг?

— Яшадим, Пол, яшадим. Меҳмоним бўлишни истайсизларми? Рус ароғи, қора кон, вобла¹⁰ бор.

— Бажонидил, — деди Глэбб хайрхоҳлигини яширмай, —

¹⁰ Вобла — балиқдан пиширилган таом.

рус ароғига тенг келадигани йўқ. Бизнинг вискамиз унинг олдида – оқава.

– Маъмуриятимиздаги барча тўралар ўзлариникини ёмонлашади, – деб минғирлади, Пол.

Ўттиз уч йил мукаддам хушбичим, келишган қадди-коматли, ўтюррак суперрепортёр, Пулитцер мукофотининг соҳиби бўлган Пол Дик айна вақтда қартайиб, шашти сусайиб қолганлигига қарамай, ўттиз икки воҳа газетасининг мухбири бўлиб ишларди.

Лифтга чиқишганида Глэбб Славинга Луисбургдаги машмашалар, мамлакатни талон-торож қилаётган сурбет монополиялар тўғрисида хикоя қилиб бераётган бир пайтда Пол ковоғини уйиб, ўзиникини маъқуллашга тушди:

– Маъмуриятни эгаллаб олган барча мансабпарастлар агар кимдир яширинча қулоқ солмаётганини билишса, бас, чет элликларга ёқиш учун ватанларини ёмонотлик қилишдан ҳам тойишмайди. Кошки бу миннат арзонга тушса...

– Ҳозир у компартиянинг яширин аъзоси эканлигимни айтади, – дея хўрсинди Глэбб, – яна МРБнинг айғоқчиси, бу ердаги наshawозликнинг сардори дейишдан ҳам тап тортмайди.

– Бу ерда авж олган наshawозлик ҳақида бирор нарса деёлмайман, чунки бунга асосим йўқ. Эшитишимча, Гонконгда ишлагансан; МРБга ҳам хизмат қилмайсан – Даллес Маркуз сингари собик сўлчи, ақлли йигитларни териб олган; партияга ҳам аъзо эмассан, ҳатто хайрхоҳ эмассан, чунки Вьетнамда жанг қилгансан.

Глэбб лифтнинг эшиги қарсиллаб ёпилмаслиги учун митти шуълани кафти билан тўсиб, Славин ва Полга йўл берди. Осойишта, салкин, яшил гулли гилам тўшалган йўлак бўйлаб боришаркан, у:

– Очиғи, бетгачопарлигимиз, жангарилигимиз менга ёқади, бу эркнинг олий имтиёзи, – деди мактаниб.

– Тўғри, – деб уни тасдиқлади Славин, – кўшилишаман.

– Сўз – эрк эмас, – деди Пол. – Ҳаммасини сизлар жувонмарг қилдинглар, Иван. Самимий учрашувлар анқонинг уруғи бўлиб қолди. Айни вақтда бунинг тамоман акси бўлиши лозим эди. Бундан жуда ҳафаман. Тушуняпсанми?

Славин хона эшигини очаркан:

– Сизлар жувонмарг қилдинглар дегин. Черчиллнинг Фултондаги Ғарбни бирлашиб Россияга қарши кўзғалишга ундовчи нуткига нима дейсан? Ахир, ўшанда урушда жароҳат кўрган ерларда ақалли майсалар ўсмаган эди... – деди жаҳли чиқиб.

– У нима қилсин? Черчиллнинг Фултондаги маърузасидан мақсад сиз билан бизни уруштириб, Британия империясининг тожини бошида сақлаб қолиш эди. У, ахир, Англия учун хос йўлни – ҳакамликни жуда орзу қилганди-да. Сизлар эса ундан ўпқаланиб ўтирибсизлар, Бизнинг тентакларимиз кўпгина аҳмоқона ишлар қилишди. Дунёни порох иси тутиши хавфи туғилган пайтда яна Черчилль собик иттифоқчиларни келишишга чақирди–яна ҳакамлик, яна тож йўлидаги ғалаба! ...

– Нима, сизлар Черчиллни англашимизга қўйдингларми? Ўша пайтда сиёсат бобида гўдак эдик, Пол,– деб жавоб қилди Славин холодильникдан ароқ, вобла ва икра банкасини оларкан.– Қирк еттинчи йилда, Черчилль Фултонда маъруза қилган вақтда советлар мамлакати эндигона ўттиз баҳорни кўрганди. Сизлар Черчиллни тўғри тушунишимизни истамадинглар. Аксинча, «Бос, кизиллар» деб талвасага тушдинглар-ку!

Пол Дик елкасини қисди:

– Сизлар Потсдам битимини буза бошладинглар.

– Нима?!–деб сўради, қутилмаганда кескин оҳангда Славин. Марҳамат қилиб, асослаб бер-чи.

– Бу ерда ҳеч қандай асос ва далилнинг ҳожати йўк, Иван. Бу навбатдаги ғаразгўйлик эди! Ўшанда Парижга, Римга бостириб киришингиз мумкин эди! Сизларни эса Торез ва Тольятти кутарди.

– Бостириб кирдикми ёки кирармидик?.. Сизлар Пол, Польша, Венгрия ва Чехияга кўз олайтирдинглар... Рус тажовузи деган бўҳтон билан одамларни кўркита бошладинглар... Сабр-тоқат қилдик. Биз узок вақт сабр-тоқат қилдик, Пол, ярим оч, ярим яланғоч эдик. Вайронага айланган мамлакатни тиклаш билан банд эдик. Ертўлалардаги одамларни биринчи навбатда уй-жой билан таъминлашдек ягона ўй билан яшаётган халқни тажовузорликда айблаш инсофдан эмас. Сўнг бизни куролланиш пойгасига тортиб, ҳиқилдоғимиздан олмоқчи бўлдинглар. Биз ҳам зарур чора-тадбир кўришга мажбур бўлдик. Ҳа, ҳа, қабиҳ чорага қўл уришга мажбур бўлдик. Хўш, Катта учлик – шу жумладан ҳам Трумэн, ҳам Эттли имзо қўйган Потсдам битимини ким бузди? Ким бу битимни қайта кўриб чиқишни таклиф қилди? Хўш, ким?

– Юртдошларингиз «қабиҳ чора» тушунчасини инкор этишади-ку?!–деб таъкидлади Глэбб, музхонадан олинган, қадахларга қуйилаётган арокқа дам-бадам қараб кўяркан. – Улар тажовузни қабоҳат деб билишади.

– Кимлар?

– Элчихонангиздагилар, савдо ваколатхонасидаги инженерларингиз...

– Уларни қаердан танийсиз? – деб сўради Славин.

– Ахир, у савдо вакили-ю, – деди энсаси қотиб Пол. – Ватанфурушлик қилади. Радиоаппаратура у учун ниқоб, холос.

– Рус йигитлари орасида кўпгина дўстларим борлигидан фахрланаман, – деди Глэбб,– ёқимтой йигитлар-ку, аммо, мубоҳасага келганда «Правда» қандай ёзса, шундай гапиришади.

– Тўғри қилишади. Полнинг соғлиги учун кўтарамиз. Сиз билан учрашганимдан ғоятда хурсандман, Пол. Бу ерга келибсиз, демак, бирор воқеанинг шоҳиди бўласиз.

– Яқинда Нагонияга, Грисонинг қулаганини тантана қилгани учун ичамиз, – деб жавоб қилди Пол ва қадахдаги арокни бир хўплашда тугатди. Ҳатто ютинмади ҳам.

Полнинг огзи худди ўтда тобланган тандирдек кип-кизиллиги Славинни ҳайратга солди.

– Хохиш-истакни айни ҳақиқатга йўйиш яхшимас, – деди Глэбб. – Грисони ағдариш учун пуллар ва одамлар керак. Унинг душманида эса бу нарсалар йўқ.

– Ёлғон гапирма, – деди қўл силтаб Пол. – Пуллар ҳам бор, одамлар ҳам...

– Демак мендан кўпроқ нарса билар экансан-да, – деди Глэбб елка қисиб, кўз қирини ароқ шишасига ташлаб қўяркан.

«У Полнинг тезроқ маст бўлиб, оғзидан боди кириб, шоди чиқишини истаяпти. Шундагина унинг ҳамма айтганлари суҳбатдошига уйдирмадек бўлиб туюлади», – деб ўйлади Славин ва яна қадахларга ароқ қуйди.

– Ёқимтой рус йигитлари учун! – деб Глэбб қадах кўтарди. – Бир-биримизни тушунишимиз ва ўзаро ишончнинг йўқолмаслиги учун ичайлик! Пировардида бир куррада яшаймиз, осмонимиз ҳам бир, фақат бир-биримиздан океан ажратиб турибди, холос. Океаннинг устига ҳам кўприк солишимиз керак.

– Мен рози, – Славин уни қувватлади. Глэбб билан қадах ўрштиришди. Ичишгандан кейин телефон ёнига яқинлашди. – Бу ернинг беминнат хизматига қандай кўнғирок қилса бўлади?

– «Ўн бешни» теринг, – деб жавоб қилди Глэбб. – Улар ерёнғокни туз билан қовуришади, жуда мазали ва арзон, кискаси, жойиб газак...

– Агар меҳмонларимни кўнғилдагидек меҳмон қилмоқчи бўлсам-чи?

– У ҳолда «йигирма икки»ни теринг. Бу – рестораннинг телефон номери, уларнинг ошхоналари жуда яхши, бироқ таомлари қимматроқ.

– Алло, сизни олти юз еттинчи номердан безовта қилияпмиз. Салом. Кечки овқатга қандай таомларни тавсия қилишингиз мумкин? Уч кишимиз. Икра? Раҳмат, бизда рус икраси бор. Балик? Қанақаси? Асау?

Глэбб Славинга афтини бужмайтириб каради ва бошини тебратиб қўйди:

– Жуда қиммат, керакмас, мерлуза сўранг, мазаси ҳам, баҳоси ҳам кўнгилдагидек.

– Илтимос, мерлуза, шакароб ва қаҳва келтирсангиз. Ҳа, раҳмат. Музқаймоқ? – Славин кафти билан трубкани тўсди. – Музқаймоқлари жуда қиммат бўлса керак?

– Сизлардагидек, жуда арзон, – дея Глэбб кулиб юборди, – аммо маза-матраси йўқ.

– Ва учта музқаймоқ. Ҳа, мевалигидан. Раҳмат, Кутамиз.

Пол яна қадахига ароқ қуйиб, уни бир сипқоришда тугатди ва хушёрлик билан Глэббга каради:

– Нимани орзу қилишимни биласизларми, йигитлар? Рак касалига чалинишни. Тиббий текширишлар менда рак борлигини тасдиқласа керак. Аммо оғриги ҳали хуружга киргани йўқ. Энг муҳими, оғриқнинг йўқлиги. Шундай кайфу-сафо қилардимки... Думалаб қолгунча ичардим, мана шу ярамас иш туфайли ичолмаганим учун ичардим, хамманинг ҳавасини келтириб кайфу-сафо қилардим. Эрталабки бош оғриғидан сира кўркмасдан ичардим. Бутунлай озодликка чиқиш – ҳақиқий байрам.

– Шайтонга ҳай беринг, – деди Славин ва қадахларга ароқ қўйди. – Бу ажабтовур сўзларингизни ел учуриши учун ичишни истайман. Мистер Глэбб, нима учун ичмаяпсиз?

– Ичяпман! Отдек ичяпман.

«Ўзингни отга ўхшатма, муғомбир. От актли жонивор... У ичишимни бахиллик билан кузатмаган, мендаги мастлик аломатларини орзумандлик билан кутмаган бўларди. Ҳозир ўзимни мастликка соламан. Эй сен, томоша кўрсатишга ундама, бунчалик шошилиш керакмас, ҳар бир дақиқанинг ўз қиммати бор. Бу шошмашошарлигинг билан барчасини бой берасан. Қани энди сен, Глэбб, аввалроқ маст бўлсанг-у, креслода мизғиб қолсанг – иш бошқача бўларди. Ана шундагина чиндан ҳам

бу ерда радиоаппаратуралар сотаётганингни, яна, Пол айтганидек, ватанфурушлик қилаётганингни билиб олардим. Афтидан, корадори савдоси билан ҳам шуғулланаётган бўлсанг керак...»

Пол гўё кўрғошин куйилгандек оғирлашиб қолган ковокларини базўр очиб, сузилиб Славин томон чўзилди.

– Ва айна вақтда ҳам сизлар айбдорсизлар, Иван. Бу ерда, Африкада рўй бераётган ҳодисаларда айбларинг бор. Биз сизларга тўғанок бўлиш учунгина суқиялпмиз.

– Агар Нагонияга Маонинг одамлари суқилиб киришса, кўнглингиз ўрнига тушармиди? – дея Славин ўзига ва Глзббга арок қуйди. Полнинг қадахини тўлдираётганда эса бехосдан унинг шимига арок томизиб юборди. Бирок узр сўрамади, «ҳақиқатан» ҳам маст эди, бундай иссиқда арок тез таъсир қилади, – ёки бечора Европанинг хикилдоғидан олишларини истайсизми? Бу ажойиб кампир шундай тилга кирардики... Ёки, бу дўк-пўписанинг замирига тушуниб Европага ёрдам бермоқчи бўлдингизми?

– Хитойликлар–ҳашарот, Иван! Чигиртка! Улар шу даражада кучсизки, на бизни, на сизларни бўйсундиришга қуввати етади.

– Буюк халқ ҳақида бундай қалтис гапириш одобдан эмас, Пол – деб уни чўрт кесди Славин, – яхши эмас, Хитойликлар – ажойиб, ақлли ва яхши одамлар...

– Келинлар, аёллар учун ичайлик, – деди Глэбб. – Сиёсатларингиз ош-нон бўлармиди?

«Ҳозир у бирорта аёлни даврага таклиф қилишни айтади, – кўнглидан ўтказди Славин, – У виски келтиришларини буюради ва таниш аёлига кўнғирок қилади. Ёки, бу ерда яхши стриптиз¹¹ борлигини айтади».

– Қувватлайман, – деди Славин. – Мозийда аёл умид, гўзаллик рамзи бўлган, ҳозир ҳам шундай, келажакда ҳам шундай бўлиб қолади.

¹¹ Устидаги инйимини аста-секин ечиб, яланғоч ҳолда ўйин тушадиган раққоса.

– Чаккимас, – деди Пол кулимсираб. – Ўша гапингизни сотинг, Иван. «Гўзаллик – умид рамзидир». Ўн доллар. Йўқ, ўн беш... Чўчкабоқарларимиз учун ёзадиган репортажимни шундай бошлайман: «Гўзаллик-умид рамзидир. Вертолёт мени чакалакзорга, океан ¹ соҳилига, олий кўмондон, оташин курашчи ва жангчи, Кремлнинг марионеткаси – Грисо томонидан оёқости қилинган Нагония халқига озодлик қайтаришни ваъда қилган мистер Огано қароргоҳига олиб борганида шу тўғрида ўйладим». Чакки эмас, а?

– Чаккимас, Ўн беш долларни чўзинг ёки мени ҳам ўзингиз билан Оганонинг қароргоҳига олиб борасизми?

– КГБ сизни авахтага ташлайди, – деб жавоб қилди Пол, – Огано сизнинг душманингиз, у билан гаплашишга ҳуқуқингиз йўқ, мен сиз ҳақингизда ҳаммасини биламан, Иван, кўпни кўрганман. Оқу-қорани сиздан кўра яхшироқ ажратаман.

– Шунча кесатик қилганларинг етар, йигитлар, – деди Глэбб, – менимча орзиқиб кутган таомларимизни келтиришяпти, эшитяпсизларми, йўлакда алланима тақир-тукур қияпти.

– У ерда ҳеч нарса тақилламаяпти, – дея монеълик билдирди Славин, – қулоқгирлик дардингиз бор экан.

Шу пайт эшик тақиллади.

Учови бараварига – иккиси инглиз тилида, бири эса рус тилида:

– Ҳа, – деб жавоб қилишди.

Славиннинг хаёлидан ўтган, «оқ танли официант албатта, рус бўлади» деган ўй хато бўлиб чиқди – остонадан балик солинган ликопчалар терилган аравагани итариб кора танли официант кирди.

Пол ликопчадаги мерлузани вилка билан бўлиб, бир бўлагини оғзига солди, афтини бужмайтирди.

– Африкаликлар таом пиширишни билишмайди. Мазахўрликда донг таратган француз ва бельгиялик ошпазлар хизматидан воз кечишди-ю,

«макдоналдс»ларимизга қарам бўлиб қолишди. Кунлари чўнтак кўтарадиган даражада арзон-гаров ва жуда қулай ҳасиплар, қаҳва ва пишлокли нонларга қолди.

«Пишлокли нонлар, – деди ичида Славин, – жуда арзон. Чўлтоқ «Хилтон»да нима иш қилади? Ресторанда ишлайдими? Бу ер Россия эмас, официантларни овқатлантиришмайди. Шундай экан, нима учун у «Макдоналдс»да тановул қилмасин?»

– Айтгандек, «макдоналдс»чилар бу ерга ҳам ўрнашиб олишганми?–деб сўради Славин Глэббнинг олдида шакаробни суриб қўяркан.– Бу ердаги рестораннинг овқати тўйимсиз экан, очикиб қолганингда у бу нарса тамадди қилиб олсанг чакки бўлмайди.

Ўрнашиб олмасликларининг ўзи ақлга сиғмайди, – деб жавоб қиларкан Глэбб арокдан бўшаган шишага ўкинч билан қараб қўйди. – Аммо уларни марказга йўлатишмайди. Улар шаҳарнинг энг хароб чеккасидан ҳатто президент саройига ҳам йўл топа оладилар. Қаддиларини урсинлар. Майхоналарига бильярд столларини ўрнатишди. Қора танлилар шу ерга келмай, қаерга боришсин – бильярд ўйинларини томоша қилиш кино, театрға киришдан ўн қарра арзон-да.

– Телевизор-чи?

– Ақлдан оздингми? Телевизор сотиб олишга қайси бирининг қурби етарди?! – Глэбб яна бўшаган шишага қараб қўйди. Ниҳоят, Пол унинг боқишидаги ниятини англаб ўрнидан қўзғалди. Телефон ёнига яқинлашди, «ўн беш» рақамини терди:

«Маст, маст, бироқ хотираси жуда зўр, – дилидан ўтказди Славин, – айниқса арокка қолганда хотираси панд бермайди».

– Икки шиша виски беринг, номерга...

– Олти юз еттинчи хона...– деб шивирлади Глэбб.

– Олти юз еттинчи хонага... Шу икки шиша вискини тўққиз юз бешинчи хонада истиқомат қилувчи Пол Дик ҳисобига ёзиб қўйинг. Тезроқ келтиринг!

«Хотираси зўрлигини бунча пеш қилмаса? — деб кўнглидан ўтказди Славин. «Нестле» филиали билан битим тузган «макдоналдс»чиларнинг қаҳва борасида хийла ишлатаётгани ҳақидаги ҳикоясини эшитган кишидек бошини тебратиб қўяркан. — Ақли расо одам бир вақтнинг ўзида бараварига икки кишининг — мен ва Полнинг сўзларини тинглаётганида хона ҳамда телефон номерини яхши эслаб қолиши сира мумкин эмас. Хреновнинг айтишича, Чўлтоқ ўн икки соат навбатчилик қилади. Официантларнинг неча соат ишлашини аниқлаш керак. Нега бунча официантга ёпишиб қолмасам? Нега Глэбб менга бунча тикиляпти? Ҳа, у тикиляпти? Наҳотки, Хренов билан боғбон ўртасидаги суҳбатдан хабардор бўлса?! Йўқ, йўқ, ҳали эрта. Балки у МРБнинг агенти, маҳаллий полицияси билан апоқ-чапоқдир. Йўқ, ҳали хабар бериб улгуришмаган, ортиқча хавотирга бериляпман».

— Мистер Славин, Луисбургдаги вазият ҳақида ёзиш ниятидамисиз? — деб сўради Глэбб.

— Очиғини айтсам, мени кўпроқ Нагония қизиқтиряпти.

— Унда нима учун ўша ерга бормадингиз? Ёки ҳукуматингизнинг «Луисбургда суиқасдчилар маркази жойлашган» деган расмий фикрини қувватлайсизми?

— Албатта, қувватлайман, Москва билан бир тан, бир жонман. Нагонияда эса ҳамкасбим ўтирибди...

— Мистер Степановми? Биз бу ёзувчининг нафақат газеталарда босилган мақолаларини, ҳатто китобларини ҳам ўқиймиз. Бу ерда кўпчилик унинг хаддан ташқари чўрткесарлигидан хафа.

— Нима, унинг ноҳақлигига ишора қиляпсизми? Агар бўҳтон қилса, айбини бўйнига қўйинг, фақат манманларгина бундан хафа бўлишлари мумкин.

— Степанов ҳатто ёлғонни ҳам дўндириб ёзади, — деди Пол бўш шишадаги ароқ томчиларини қадахга силқиркан. (Славин ўттиз битта томчилигини эринмай санаб билди.) — Журналистика ҳам, адабиёт ҳам — бўҳтон; у қанчалик

иктидорли ёзилган бўлса, шунчалик ҳақиқатга ўхшаб туюлади. Ишонарли қилиб алдаш керак, ўшандагина у санъат асари бўлади. Бутун умр одамларнинг зерикарли турмушини аксинча қилиб тўкиб ёзгандагина Толстой ёки Хемингуэй бўлишингиз мумкин.

– Ким? – деб сўради Глэбб. – Хемингуэй? Ахир, у ўлган-ку...

– Толстой эса Миннесотидан Майамига кўчиб ўтган; айна пайтда у ердаги бўғозда балиқ овляпти, – деди зардаси қайнаб Пол. – Ваҳолангки, – у Славинга қаради. – Бизда Хемингуэини бутунлай унутишган. Агар у ўтган асрда туғилганда эди... У бизга замондош, уни кўрганлар, у билан бирга ичганлар суҳбатида бўлганмиз. Ойимчалардан нимжонлигини, ҳатто дўнгликдан кўтариб ўтказиб қўйишларини, хизматкорлари интервью беришни ва яна ўта хасислигини бизга айтиб беришган... Йигирманчи аср классиклари умуман йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Сабаби ахборот воситалари оммани ўзига ипсиз боғлаб олган. Толстой даврида ёлғон-яшиқ гаплар оғиздан-оғизга кўчиб юарди. Ҳозир эса ҳаммаси газета саҳифаларида, катта-катта ҳарфлар билан тавсиф этилади. Бундай шароитда обрў-эътибор қозониб кўринг-чи?! Зикр этилган гапларга ишонмасликнинг ўзи амримаҳол... Боз устига телефон... Одамлар ўртасидаги мулоқот ҳаддан зиёд тубанлашиб кетган. Илгари Ясная Полянага сим қоқиб, ёзувчининг суҳбатида бўлиш эртақдаги гап эди. Толстой ҳузурига ундан рухсат олиб, кейин бориладди. Бу эса кишига алоҳида масъулият юкларди. У билан бизнинг ўртамизда ер-у осмонча тафовут бор эди. Ҳозир эса; телефон рақамларини теришнинг ўзи кифоя:

– «Граф, «Уруш ва тинчлик»ни шарҳлаб берсангиз...»

– Ҳақ гап, – деди Славин уни тасдиқлаб. – Ҳақ гапни айтдингиз, Пол. Жуда аянчли, аммо, тўғри. Демак бундан чикдики, ўзимиз-ўзимизни классиклардан маҳрум этаётган эканмиз-да! Йигирманчи аср фанога классикларсиз кетар экан-да?! Нима ижод қилаётганимиздан беҳабар эканмиз-

да?

– Нима учун? Хабардормиз.

– Маънавий онг ўсганлигини, ҳамма ўқимишлилигини, шу сабабдан ўқувчи ўз дидига ёқадиганидан бошқасини тан олмаслигини, ниҳоят шахсий майл кучлилигини назарда тутяпсизми? Ёки...

– Ёқтирмаслик кучлироқ. Онг тўғрисида қисман ҳақсиз, сиз Россия маданиятини бутун оламга ошириб кўрсатяпсиз, бу эса хато.

– Дўстлар, аёллар ҳақида гаплашишга фурсат етмадимикин? – деди Глэбб, – Заковатдан, маданиятдан мен ҳам хабардорман, албатта. Бироқ бу нарса бирдай ёқади, деган умиддаман. Ёки мистер Славин бунинг оқибатидан кўрқадиларми? Билишимча, одамларингизга «бу» хилдаги мулоқотда бўлиш таъқиқланади.

«Мана сенга биринчи тугун, – дея кўнглидан ўтказди Славин. – Ҳаммаси кўнгилдагидек кетяпти. Эҳ, кўхна дунё, кўхна бўлса ҳам қартаймаган, ёшлардек эпчил... Илож қанча, унинг мижозини бир кўрайлик-чи».

– Сизларга ҳам «бемалол дон олишаверинглар, болаларим» деб оқ фотиҳа беришмагандир? – деди Славин.

Глэбб Славиннинг кўзларига тикилди. Славин ҳам суҳбатдошининг алланечук қабоқларига термилди. Унинг чехраси бир сонияга тундлашиб, ранг-кути ўчганди. Глэбб сир бой бермай телефон ёнига борди. Креслога огиргина чўкди. Шимининг орқа чўнтагидан ён дафтарчасини олиб, одатдагидек керакли саҳифани кийналмай очди. Славинга бир қараб қўйгач, саҳифани ёпди ва қувноқ ўйин бошлаган, интиҳоси совға ҳадя қиладиган қорбобога таклид қилиб, қовлаштиришни бошлади.

– Қанақасини ёқтирасиз? Олтин сочлигими ёки қорамағиздан келганиними?

– Мен дальтоникман¹², – деб жавоб берди Славин,

Пол баралла қулиб юборди.

¹² Баъзида ранг-тусларни фарқида бормайдиган одам.

– О, мистер Славин, жуда айёр экансиз-ку, – деди Глэбб. – Ҳар сафар аниқ жавобдан қочяпсиз.

– Аниқ жавоб фақат ҳакамга керак.

– Ҳакамлар ҳайъатининг иш фаолиятидан хабардормисиз дейман.

– Албатта.

– Сендан кўпроқ хабардор, Жон, – деди Пол. – Мен билан Нюренбергдаги ҳакамликда бошидан-охиригача иштирок этган.

– Бу сиёсат бобидаги ҳакамлик, Пол, ҳозир эса мистер Славин менга аёллар борасида ажойиб амалиётчидек на ҳа деб, на йўқ деб жавоб беряпти. Ҳарҳолда қўлланма олдида виждони пок.

– Қандай қўлланма? – деб сўради Славин. – Қандай қўлланмани назарда тутяпсиз?

Ногаҳон эшик очилиб, икки шиша виски ва мороженое кўтариб олган майхона официантининг кириб келиши Глэббнинг жонига ора кирди. Глэббнинг саволга чап беролмаслигини Славин сездди – ҳақиқатдан ҳам коммерсант қўлланма билан таниш-нотанишлигини қандай тушунтирсин?!

Пол гўё ютоққан кишидек бетакаллуфлик билан вискидан ичиб олди, кейин эса Славин билан Глэббларнинг қадахларига ичимлик қуйди.

– Ҳозир, – деди телефонда номер тераётган Глэбб, – Бир дақиқа сабр қил, Пол.

– Ўйнашларинг аллақачон бошқа хоналарнинг ванналарига тушиб улгуришган, – деди Пол, – жин урсин ўша фоҳишаларни.

– Фу, қандай бетамизлик, – деди Глэбб. – Бунчалик беҳаё бўлиш яхши эмас, Пол. Фақат бузук аёллар билан илакишиб юрганинг учун ҳам жафокаш аёлнинг фарқиға бормайсан.

– Беҳаё, бузук ҳам, билсанг агар, ўша жафокашларингдан ўн чандон яхши. Чунки улар билан Брамс ёки Старавинскийни тушунадигандек баҳслашиб,

бошингни қотирмайсан.

– Алло, Пилар, – дея Глэбб Славинга кўз қисиб қўйди. – Мен икки акли расо кишилар даврасида ўтирибман. Бизга ҳамсухбат бўлиш истагинг йўқми? Нима учун? Мени ранжитяпсан, Пилар... Илтимос, хўп де... Ўтиниб сўрайман! Яша, мана бу бошқа гап! Бизлар олти юз еттинчи хонадамиз, Пилар. Кутамиз!

Пилар ҳақиқатдан ҳам гўзал эди. Баланд бўй, хипча бел испан қизининг кўзлари чарос, табассумининг ўзи жозибали эди. У назокат билан Пол ва Славин билан саломлашди. Глэббнинг чеккасидан дўстона, иффат-ла бўса олди. Худди бекалардек радионинг мурватини буради; радиотўлқиндан эшиттирилаётган жаз музика хона бўйлаб таралди.

Пилар Славин узатган қадаҳни қўлига олиб, хиёл лабларига теккизди-да, мезбоннинг нигоҳидаги ажабланиш хиссини сезиб:

– Кўнглингизга келмасин, ахир испан қизиман, одатда испанлар виски ичишмайди. Аксинча, май ичишади. Алкисса, май таъсиридан эмас, оқил дўстлар, билан ҳамсухбат бўлишдек бахтдан сармаст бўлишади, – деб хатти-харакатидан ўнғайсизланиб, ўзини оклаган бўлди.

«Қани, қандай ҳамсухбат экансан, – Славиннинг хаёлига келган фикр уни ҳаяжонга солди. – Ҳойнаҳой қаршингда сухбати дилкаш одам ўтирганидан беҳабардирсан».

Мактуб йўллаган кимса – азоб-укубат тортаётган ўша власовчи рус муҳожирлардан бири эканлиги ҳақидаги тахмин – Константиновнинг хонасида бўлган ўша илк сухбатдан буён Славиннинг хаёлини бир дақиқа ҳам тарк этмаганди. Дарвоқе, яхши ҳақ тўлаши жиҳатидан «Хилтон» энг маъқул жой.

Миясига кутилмаганда келган фикр Славиннинг муҳим қарорга келишига туртки бўлди. Бунини у ҳатто хаёлига ҳам келтирмаган эди. Чамаси, санокнинг (мукаммал қарорни излаш борасидаги ўй-фикрлар, тахминлар саноғи) сифатга

айланишининг ўзгармас қонуни Славинни бир қарашда ғайритабиий, айна вақтда ягона, шу шароитда энг оқилона йўл тутишга ундаган эди.

– Бир дақиқага рухсат берасизлар, – деди Славин ўрнидан туриб, – тезда қайтаман.

– Тинчликми? – деб сўради Глэбб ўрнидан кўзғалиб кўяркан.

– Ҳозирча тинчлик, – деб жавоб қилди Славин.

У ресторанга тушди. Бироз гандираклаб, меҳмонхона маъмурининг ёнига келаркан:

– Менга қаранг, мабодо англиялик ёки германиялик официантлар ишлашмайдими? – деб сўради. – Россиялик бўлса айна муддао бўларди, албатта, бу ақлга сиғмайди, лекин, сўраганнинг айби йўқ.

– Тинчликми, сэр? Француз сизнинг хожатингизни чиқаролмайдими?

– Мен виски ичмайдиган аёлни фақат коктейль-рус коктейли билан меҳмон қилмоқчиман... Агар иложи бўлмаса...

– Шошманг, шошманг-чи, подвалимизда Белью ишлайди. Адашмасам у Шарқий европалик... Қора малайларимиз иш ташлашган вақтда меҳмонларимизга ҳизмат қилганди. Ажойиб пазанда, аммо, бир бармоғи бўлмагани учун унинг хизматидан воз кечгандик. Бир дақиқа сабр қиласиз, жаноб...

Маъмур телефон трубкасини кўтарди, «уч» рақамини терди.

– Луиш, айтинг-чи, Белью ишини тамомладими? – деб сўради. – Уни... У қаршисида турган жанобни танимагани сабабли каловланиб қолди.

– Олти юз еттинчи хонаданман, – деб шивирлади Славин, вужудини камраб олган ҳаяжонни яшириш учун ўзини босишга уриниб.

– Уни олти юз еттинчи хонада истиқомат қилувчи жаноб сўрапти. Ҳа, ҳа, тушунарли, Луиш. Энди қачон ишга келади? Саккизда. Раҳмат!

Маъмур трубакани жойига қўйди:

– Белью эрталаб соат саккизда иш бошлар экан, жаноб, минг афсуски...

– У холда хонамга икки шиша шампан виноси чиқартирсангиз...

– Қайсинисидан бўлсин? Шириниданми, нордониданми?

– Ширинми, нордонми, рус виноси бўлса, бас...

– Бор, лекин америка тамғаси босилган. Қизиллар Қўшма Штатлар учун фақат нордон вино тайёрлашади. Жаноб, агар монёлик қилмасангиз...

– Америка тамғаси денг... Афсус?!

– Омборимизни қараб кўраман, жаноб. Руслар французлар билан ихтилофга бормаслик учун шиша тамғасини ўзгартиришган. Шампан виносини ҳам бошқача аташади. Ўзим омборни қараб кўраман, жаноб...

– Бу яхшилигингизни унутмайман. Илтимос, юқорига икки шиша арок, рус ароғидан чиқартирсангиз.

– Хўп бўлади, жаноб. «Смирноф»данми?

– Йўқ. Фақат рус ароғидан...

– «Столичная» ёки «Қазачок»ми?

– «Қазачок?» Бундай арокни биринчи марта эшитишим. Балки, «Кубаньская»дир?

– Рус арокларини яхши ажратар экансиз, жаноб. Ҳа-ҳа «Кубаньская». Ўн минутдан кейин арокни малайбаччадан чиқартириб юбораман.

«Мана энди сафар анжомларини йиғиштираман ҳам бўлади, – хонасига қайтаётган Славиннинг хаёлидан шу фикр ўтди. – Пиларга хушомад қилиб, уни бир «ийдираман»-у, уйига кузатиб кўяман. Кейин эса элчихонага кириб, фотосуратларни оламан. Соат саккизда Белью билан учрашаман. Худо ҳақки, хатни ўша ёзган. Шу бугуноқ Москвадан Белью ҳақида маълумот сўрайман. Илойим у ердагилар Белью ҳақида оз бўлса-да, билишсин-да. Агар шу, Белью рус тилида гапирса; чиндан ҳам хат ёзган бўлса; америкаликларга ёлланган кимсани суратидан

таниса; эртагаёк Москвага жўнайман. Уқубатлардан қутуламан».

Константинов

Ташки ишлар министрлигининг бўлим мудири билан бўладиган учрашув тушга, Новоарбатдаги ресторанга тайинланган эди.

Бир вақтлар Константинов «Африка қитъасидаги миллий озодлик ҳаракатлари ва НАТО давлатларининг тажовузкорлик» мавзусида кандидатлик диссертациясини ёклаган Иван Яковлевичга оппонентлик қилганди. Бир нарсанинг тагига миридан-сиригача етмагунча тинчимаслик халқаро аҳвол бўйича юрист — Константиновнинг табиатига хос хислат эди. Шу боисдан ҳам, у Ерёминнинг илмий ишидан ечилмаган қирқ еттита муаммони топди. У ўзидан ва бошқалардан аниқликни, мукамалликни талаб қилишга одатланган эди. Шу-шу иккисининг ораларидан қил ўтмайдиган бўлди. Ерёмин диссертацияни ёклашни бир ой орқага сурди, кейин бирорта камчиликсиз қойилмаком қилиб кандидатлик унвони олди.

...Константинов ресторанга ўн дақиқа илгари келди, икки кишилик шўрва буюрди, яна, «киевча котлет»нинг қандайлигини сўрагач, қахвани аччикроқ қилиб дамлашларини илтимос қилди.

— Ичимликлардан қандайини келтирай? — деб сўради официант. — Конъякми? Ёки ароқ ичасизларми? «Посольский» ароғимиз бор.

— Чанқов босадиган факат боржоми ичамиз, — деб жавоб қилди Константинов.

Константиновнинг жавоби официантга ўтиришмади. Ранжиганнамо елка учирди. Зарда билан дастурхонни тузатаётганида стол устидаги фужерларни тушириб юборишига сал қолди. Агар Константинов икки қўллаб уларни ушлаб қолмаганда, ерга тушиб чил-парчин бўлиши аниқ эди.

Ерёмин беш дақиқага кечикди.

– Кечирасан, Константин Иванович, соғлиқ учун фойдали деб пиёда йўлга чиққандим, вақтни белгилашда адашибман.

– Дипломатик хукмга кўра беш минут кечиқишга рухсат берилган, – деди Константинов хиёл жилмайиб. – Овқатланишимизга, суҳбатлашиб олишимизга қирқ беш минут етади, деб ўйлайман. Шўрва буюрдим.

– Дохийсан, – деди Ерёмин, – меҳрибон дохийсан, Қани гапир, тинчликми?

– Айтарли тинчлик. Телефон ўз йўлига, лекин сен билан бафуржа, дил ёзиб суҳбатлашишни истаб қолдим. Яна дилингдагини кўзларингдан билиб оламан, негаки Славин билан тоифанг бир – ўта устомонсан.

– Бу нима, мактовми?!

– Сўзсиз! Одатда акли расо кишилар устомон, айнаи вақтда қаллоблик ва маккорликдан узоқ бўлишади. Ўтган асрда ёзилган «Ҳарбий устомонлик санъати ҳақида» деган китобнинг бир бобини атайлаб, қайта-қайта ўқиб чиқдим.

Ерёмин мийиғида кулиб кўйди.

– Саккиз юз ўттиз тўққизинчи йилда Парижда чоп этилган, шунга ўхшаш, «Дипломатик устомонлик нафосати» номли китоб ҳам бор.

– Демак бу мактов экан-да?

– Ҳақиқатдан ҳам шундай. Хўш, нега мени кўргинг келиб қолди?

– Биласанми, Иван Яковлевич, сени бу ерга чақиришимдан мақсад, биздаги сўнгги маълумотлар Нагония қонли хунрезлик арафасида турганидан далолат беряпти.

– Сендаги маълумотлар том маънода кучлар ўртасида зиддият кескинлашганини тасдиқлаяптими?

– Мендаги маълумотларга кўра ҳақиқатдан ҳам у ерда хунрезликка тайёргарлик кўришяпти. Сенда қандай янгиликлар бор?

– Фикри ожизимча улар очикдан-очик тажовуз

қилишмаса керак. Маъмурият янги жанг майдони сифатида Африкани танлаганини эътироф этмайман. Аммо жиддий олишувга тайёр эмаслар деб ўйлайман, чунки, Вьетнам хотираси ҳали унут бўлганича йўқ. Чамаси, улар ўзаро ҳамкорлик илдизига болта уриш, куролланиш бўйича музокараларда олди-сотди қилиш учун оламшумул шов-шув кўтариш, бу билан бизни инкироз ёқасига, ҳа, инкироз жарига итаришмоқчи.

– Менимча, сен ноҳақсан.

– Бу сенинг шахсий фикрингми?

– Ҳа, менинг фикрим ишонарли далилларга асосланган.

Ерёмин шўрва татиб кўрди, вақтичоғлик билан кўзларини қисди:

– Хуштаъм шўрва экан. Фақат тузи пастроқ бўлибди.

– Шўрни хуш кўрувчилар одатда куюққон бўлишади.

– Рост, куюққонман, – деб жавоб қилди Ерёмин, – қон босимим баъзида ошиб кетади. Шўрва мазали бўлибди, кандиларини уришсин... Умуман, тажовуз ҳақидаги гапларинг менга ғалати туюляпти. Кел, фикрингни сиёсат тарозисига солиб кўрайлик. Огано билан дўстона муносабатда эканлиги билан мақтанаётган Луисбургнинг собит фикрлиги сохта. У ерда Қўшма Штатларга бўлган хайрхоҳлик кучли, бироқ, ҳукумат аъзолари ўртасида бу хайрхоҳлик яқдил эмас. Бундан очиқ-ойдин кўриниб турибдики, ҳукуматнинг барча аъзолари Оганони бирдек қўллаб-қувватлаш фикрида эмаслар. Миллий ғурурнинг янги поғонага кўтарилганини унутмаслигимиз лозим. Одамлар ҳаддан ташқари эзмалик қилиб, ҳаммаёқни алғов-далғов қилаётган сиёсатдонлар қўлида дастак бўлишни сира исташмаяпти. Дунё янги паллага кадам қўйди, энди инсоний ғурур тушунчаси билан ҳисоблашмай бирор иш кўриш мумкин бўлмаган бир даврда яшаяпмиз.

– Бироқ Луисбургнинг мудофаа министри Оганога хайрхоҳ эканлигини маълум қилди...

– Ҳа, Исроилдан сотиб олган курол-яроғларини ҳам

унга беришдан воз кечди.

– Янги туркум курол-яроғ Оганого нимага керак? Ахир, уни Қўшма Штатлар ва Пекин зарур ашё билан таъминлаб турибди-ку.

– Эл-юртчилик нима бўлади? Огано қўшничилик муносабатларига панд етмаслиги учун ҳам Луисбургдан курол-аслаҳа сўраяпти. Улар эса эътироз билдиришяпти. Бу ўзига хос ошкоралик аломати. Менимча, Луисбург президенти шарт-шароитнинг қалтислигини сезиб турибди. Шунинг учун ҳам Грисо билан Оганого мурожаат қилиб, ўзаро келишишни таклиф қилди.

– Хўш?

– Ҳозирча Огано музокарадан бош тортяпти. Бирок менимча унинг бундан ўзга чораси йўқ.

– Ҳеч қандай программаси бўлмаса, музокарага икки қўлини бурнига тикиб келадими? Ахир, у қонсираган бўрининг ўзи-ку...

– Қонхўрлиги бошига етади, Константин Иванович. Ҳа, бошига етади...

– Хўжайинлар мадади-чи?

– Пекин очикдан-очик тўқнашув тарафдори. Шу боисдан ҳам Грисо билан музокара олиб боришга мутлақо қарши. Вашингтон эса менимча аросатда. Еб турган ошидан маҳрум бўлаёзган монополиянинг Оганони сиқувга олиши табиий. Аммо очикдан-очик уруш эълон қилишлари мушкул. Биз ҳам қараб турмаймиз, Нагонияга ҳар томонлама кўмак берамиз, ўзаро ҳамкорлик ҳақида ягона битимга келишганмиз.

– Эрталаб Қўшма Штатларнинг махсус топшириқлар бўйича элчисининг маърузаси билан танишиб чикдим...

– Ундан бирорта маънили гап чиқади деб ўйлагандирсан-да, Константин Иванович?! У Нелсон Гриннинг гумаштаси-ку, униси нимани ўйласа, буниси ўшани сўзлашга мажбур! Лекин уларга мутасадди бўлган ҳукумат ва маъмуриятнинг сўзи билан иши бир жойдан чиқиши гумон.

– Мен ҳам масалага худди шу нуктаи назар билан ёндашдим. Ҳакамлик йўлини тутган Британия ҳукуматини назарда тутяпман. Вьетнамдаги урушнинг бошланиши арафасида америкалик дипломатларнинг маърузалари худди шундай руҳда эди. Зиддиятни кескинлаштириш сахнасини аниқ ишлаб чиқишган. Маромига етган сахна десам муболаға бўлмайди. Африка муаммоси билан Европани ҳикилдоғидан олган «қирғийлар» НАТОлик шерикларини ҳам бу можарога тортишларига каттик ишонаётганини эътибордан кочирма, Иван Яковлевич.

– Беҳуда уриниш Константин Иванович, Европа ақлини таниб олган. Бу ерлик сиёсатдонлар ўз уйларида ёқалашолмайдилар. Чунки уруш оловини Янцзи суви билан ўчириш мушкуллигини яхши билишади. Боз устига Миссисипи ҳам узоклик қилади.

– Луисбургда иш кўраётган эгри ниятли бизнесменлар борми? Мен ғарблик коммерсантларни назарда тутяпман. Бу борада ҳамкасбларингизнинг фикри қандай?

– Немислар абжирлик қилишяпти, кандиларини уришсин. Темир йўллар ҳукмрони Ханзеннинг таги бақувват, Тўкимачилик, автомобиллар, цемент – Кирхгоф ва Больцлар измида, Америкаликлар орасида эътиборга молик бизнесменлардан – Чиккерс, Лендом ва Саусерлар иқтисодий қудратга эга бўлган Рокфеллернинг ок фотиҳасини олишган. Қўллари узун.

– Лоренс-чи?

– Бу номни эслолмаяпман.

– «Интернейшнл телефоник», – деб эслатди Константинов.

– Э, ҳа, эсладим! Нима учундир одамларимиз унинг номини лоқайдлик билан тилга олишяпти. Аммо зимдан иш кўраётгани аниқ. Этагини ҳали йиғиштириб олмаган.

– Глэбб? Бу фамилия сенга ҳеч нарса демаяптими?

– Менимча уни МРБ билан алоқадор деб гумон қилишяпти... Савдогар ниқобидаги разведкачи.

– Балки аксинчадир? – деди Константинов кулимсираб.

– Тўғри, ундай бўлиши ҳам мумкин.

– Менга айт-чи, Иван Яковлевич, хусусан Нагония тармоғи бўйича бирорта махфий ҳужжатнинг мазмунидан душман огоҳ бўлса, ишимизга панд етадими?

– Бу ҳақда ҳатто ўйлашни ҳам истамайман.

– Илож қанча, бош қотиришга мажбурмиз.

– Нима, тушунтириброк гапирсанг-чи?

– Ишонарли ашёлар бор.

– Бунга ишончинг комилми?

– Текширяпмиз.

– Чаток-ку.

– Ҳа, нимасини айтасан.

– Жуда чаток, мен сенга айтсам, Константин Иванович, чаток,

– Душманнинг муқобил чора-тадбир кўришига имконият беряпмиз, шундайми?

– Худди шундай.

– Сенингча, олишувга жазм қилишолмайдими?

– Менимча, шундай. Ўйлаганда нима, бари бир «қирғийлар»нинг қўли баланд келади.

– МРБдагилар қонли тўқнашувдан манфаатдорлар. Тўскинлик қилмасак, улар бу ишга маъмуриятни жалб қилишдан ҳам қайтмайдилар. Илмий-текшириш институтлари сизлардан махфий ҳужжатлар ҳам олишса керак-а?!

– Албатта. Иложимиз қанча... Ахир фанни курук, фактсиз ахборот гирдобиди тутишнинг фойдадан кўра, зарари кўпроқ. Балки бу иғвогарликдир? Хато қилмаяпсизлармикин?

– Ўтироф этмайман. Худди шу хусусда бош қотиряпмиз...

Ерёминни Ташки ишлар министрлигига элтиб қўйгач, Константинов тўғри ишхонасига қайтди. Сўнгги телеграммалар мазмуни билан танишиб чикди. Кейин теннис кортига отланди – Трухин генералнинг Винтер билан мусобақалашишига «қулай имконият» яратганди.

– Ракибларингиз мохир теннисчи бўлишса керак-а? – деб сўради Константинов. Кейин ўзини оклаган бўлди. – Теннис ўйнашни энди-энди ўрганяпман. Илтимос, нўноқлигимдан кулмайсиз...

– Зарари йўқ, – деди Ольга мафтункор жилмайиб. – Сартарош устарасини етимнинг бошида қайраркан.

– Нима, нима?! «Етимнинг бошида»? Бу гапни қаердан олдингиз?

– Мақол, афғон мақоли... Ўйинни бошлаймизми? Ё шар оширишни машқ қилиб оласизми?

– Сиз нима десангиз шу-да... Факат устимдан кулмасангиз, бас.

– Ҳақиқатдан ҳам мени мохир теннисчи деб ўйласангиз хато қиласиз. Ақлий меҳнат асабни толиктиради. Худди шу чарчокдан фориг бўлиш учун ҳафтада бир кун теннис ўйнайман.

– Фориг бўлиш учун?

– «Мен қўшиқ куйларман, дилни фориг қилиш учун...»

– Мандельштамданми?

– Касби-корингиз нима?

– Юристман.

– У ҳолда сизни англашим мушкул экан. Ҳозирги пайтда факат физикларгина поэзияни тушунишади. Гуманитарлар кўпроқ огзаки тилда сўзлашишни маъкул кўришади. Қани, бошладикми?

– Худо ёр бўлсин!

...Фёдоров Винтернинг шахсиятини зимдан кузатишни Константиновга юклашдан факат битта мақсадни кўзлаганди: ошкор бўла бошлаган жумбокнинг бутун тафсилоти изчиллик масъулиятни ҳис қилган киши учунгина беш қўлдек маълум бўлади.

У ёки бу жанговар топширикни бажариш жараёнида маъмуриятнинг тутган мавқеи тўғрисида бошқармада турлича фикрлар юриши Фёдоров учун сир эмасди. Айримлар малакали ходимлар касбнинг ҳадисини олган,

ишга чанкок ёш чекистлар турган жойда генералнинг ўзи икир-чикирлар билан шуғулланиши ғайритабиий деб ҳисоблашарди. Чамаси, Константинов кортда бажараётган юмушни улар ҳам уддалашлари мумкин эди.

Лекин Фёдоровнинг фикрича, маъмурият ва унинг жанговар вазифани бажаришда бевосита иштирок этиши ўртасидаги тушунча у ёки бу ҳолларда ўзгариб туради. Айни вақтда бу тафовутни тўғри англай олиш коллектив билан маъмурият ўртасидаги муносабат мезонини белгилайди.

«Пётр ҳам қўлида болта билан кема курган, – дерди Фёдоров икки гапнинг бирида, – шундай бўлгандан кейин генералнинг, унинг эгаллаб турган мансабидан ва мавқеидан катъи назар, жанговар вазифани бажаришда шахсан иштирок этиши нимага энди ғайритабиий бўлсин. Ёшлар уни иш жараёнида кўриб, маҳоратларини оширишади. Тургенев «ўқиган бошқа» деб жуда ўринли айтган, нима учун бу сўзлардан воз кечайлик?»

Ольга Винтер ҳақиқатан ҳам моҳир теннисчилардек ўйнади. Омилкор кишини устаси фаранг дейишади. Лекин айрим пайтларда бу тоифадаги одамлар орасида олий иқтидорга эга эканлигини кўз-кўз қилишга уринадиганлар кўп учрайди. Бу билан улар бошқаларни камситадилар, нафсониятига тегадилар. Носамимийлик, бир сўз билан айтганда, мунофиклик шундан келиб чиқади. Иқтидорли, аммо камтарин, билганларини бошқалар билан бажонидил ўртоқлашадиган, маслаҳатларининг самарасини кўриб боши кўкка етадиган кишилар камдан-кам учрайди. Бундай кишилар билан мулоқотда бўлишнинг ўзи одамга олам-олам лаззат бағишлайди, дунёқарашингни бойитади. Бу хилдаги сахийликнинг яна бир хислати бор: бировнинг иқтидорини камол топтириш билан бирга ўзининг ҳам билим савиянг юз чандон ортади, чунки, фикр алмашинув жараёнида иқтидорнинг янги-янги қирралари намоён бўлади. Агар иқтидор тўғри йўлни танлаган бўлса, яратилажак кашфиёт инсоният мулкига айланади. Бу

серкирраликнинг моҳияти ҳам шунда.

Ольга Винтер фақат ҳақиқий ва ҳаваскор теннисчиларга хос шиддатни бирор марта ҳам қўлламай, баъзи пайтларда Константиновга тўла имконият бериб ўйнарди.

– Сизни ортиқча югуртириб қўймадимми? – деб сўради Ольга биринчи партия тугагандан сўнг. – Ўзингиз тўпни бир хилда оширмаяпсиз.

– Йўқ, аксинча, ўта кўнгилчанлик билан ўйнадингиз.

– Кўнгилчанлик кўлимдан келмайди, – деб жавоб қилди аёл, – севгида, спортда, фанда кўнгилчанлик кетмайди. Чунки оқибати ёмон бўлади.

– Илмий ишингиздаги бу хислат диққатимни ўзига тортди...

– Илмий иш – ўтмиш, – деб жавоб қилди Ольга ва унинг чехрасида ёшлик шурури балқиди. – Йўқ, мен мактанмокчи эмасман, тамомлаган ишингни зимдан, қайта кузатсанг нуқсонлари кўзга яққол ташланар экан.

– Мен бирорта нуқсонни учратмадим, жуда яхши ёзибсиз.

– Ўрганилаётган мамлакатда икки йил ишлаб келганингдан кейин яхши ёзишинг ҳам керак-да. Институтни тамомлаётган ёш олимларимизни лоақал икки ҳафтага чет элга юбориш керак. Ўрганилажак мамлакатнинг ички шароитини ўз кўзи билан кўрмай туриб, унинг иқтисоди ва таракқиёти ҳақида илмий иш ёзиш ғўрадан ҳолва пишириш билан баробар.

– Чамаси, давлат учун ортиқча чиким бўлса керак-да. Мен валютани назарда тутяпман.

– Бемаъни гап. У ерга машина ёки магнитофон харид қилгани боришмайди-ку, ахир. Маош қаҳва билан бир бўлак пишлокқа етса бас-да. У ердаги хусусий кутубхоналарда мутолаа қилиш ҳам мумкин. Ғарбий дунёнинг ғаройиботларини ташқаридан эмас, бевосита

унинг замирида ҳис қилиш лозим. «Овозлар»¹³ жуда яхши ишляпти, илгари ўзларини ўзлари макташ билан овора эдилар. Ҳозир эса анча ақллари кириб қолган, хатоларини ошкора тан олишни ўрганишди. Рўйирост гапиришяпти. Тилимни қичитманг. Бир жаҳлим чикмасин. Йўкса сизни уринтириб кўяман. Қани, нафасингизни ростлаб олдингизми?

Константинов яхши суҳбатдошгина бўлиб қолмай, ҳамсуҳбатининг сўзларини бўлмасдан, диққат билан тинглай оларди. Боз устига, у суҳбатдошини тинглабгина қолмай, унинг фикр-ёди билан нафас олишга ҳаракат қилар, кўзларида қизиқиш ҳисси бир дақиқа ҳам сўнмасди. Бундай хислат (баъзи бир гап билан узиб оладиганлар тоифасига зид ўларок) суҳбатга самимийлик, илиқлик бахш этарди.

— Нима учун энди кўп миллатли монополияларнинг Луисбургдаги фаолиятига оид мавзуни танладингиз? — деб сўради Константинов «Жигули»сига ўтиришганида. — Менимча, у ерга америкаликлар кўпроқ суқилиб киришяпти, шундайми?

— Нима учун бу мавзуни танлаганим илмий ишимнинг биринчи сатрларидаёқ баён этилган, — деб жавоб қилди Ольга. — Улар аввал кулай жой излашади. Кейин ўша ерга яхшилаб ўрнашиб олишади, илдиз ёйишади. Сем амаки пухталиқни яхши кўради. Хужжатсиз ёки векселсиз ёнидан бир цент ҳам сарф қилмайди. Мўмай даромадни санашни маъқул кўради. Илдиз ёйган монополиялар, албатта, ўз сояи-давлатларига гангстерларни оладилар... Бизлар эса... андиша қиламиз. Ишбошлашдан аввал талабчанлик қилсак, шерикларимиз ранжишади деб ўйлаймиз. Уларга ишонамиз...

— Луисбургга йўлим тушиб қолса ажаб эмас... Сафар пайтида эътиборни нималарга қаратишни маслаҳат берасиз. Кимлар билан мулоқотда бўлганим маъқул?

— У ерга қандай мақсадда бормокчисиз?

¹³ «Америка овози», «Озод Европа» радиостанциялари.

– Нагонияга жўнатилаётган юкларнинг бир қисми Луисбург портларида сабабсиз туриб қоляпти.

– Вазиятни ўзгартира олишингизга шубҳам бор. Чунки у ердаги портларга америкаликлар канадек ёпишиб олишган. – Ольганинг талаффузида жонланиш пайдо бўлди. – Улар кўкнорини дастуриламал қилиб олишган. Порт, вокзал ва аэродромлар атрофида ўргимчак инидек қад кўтарган қахвахоналар – «Макдоналдс»чилар, бевосита америкаликлар измида. Қорадорининг қудрати тўғрисида, ҳатто у Сицилиядаги бутун порт ва аэропортлар устидан ҳукм юритиши ҳақида Зотов сўзлаб берганди.

– Зотов?! Қим у?

– Бир пайтлар уни жуда севардим. У менинг... Хуллас, жуда ақлли ва ёкимтой одам. Зотовдек меҳрибон ва саховатли кишилар камдан-кам учрайди. У билан, албатта, учрашинг!

– Луисбургга илмий йўлланма билан борган бўлсангиз керак?

– Йўқ, эрим... Зотов билан. Узр, агар малол келмаса, марказга элтиб қўйсангиз.

– Бажонидил. Докторликни ёклаш арафасида турганлар ичида энг ёши сиз бўлсангиз керак?

– Балки. Одам факат нон билан тирик эмас-ку.

– Нонкўрлик қилманг.

– Тўғри айтдингиз, беодоблик қилдим.

– Сиз билан танишганим яхши бўлди, Ольга, сафар олдидан яна кимлар билан мулоқотда бўлишни маслаҳат берасиз? – деб сўради Константинов. – Москвада Зотовнинг ўрнини босадиган бирор киши борми?

– Зотов билан мусобақа қилоладиган киши йўқ, – деб жавоб қилди Ольга. – Йўқ, бўлмайди ҳам.

– Зотовнинг илмий унвони борми?

– Йўқ. У амалиётчи. Суяги меҳнатда қотган. У ҳар қандай фан докторидан юз қарра билимли. Африка борасида билимдонликда унинг олдида тушадиган киши йўқ! Жангарилиги учун ҳам уни кўпчилик ёқтирмайди.

– Шартта-шартта гапиришида жон бордир?!
– Биладики, гапиради, – деди Ольга энсаси қотиб.
– Гап нимани билиш-у, нимани билмасликда эмас.
– Гап кўп, сиз ахир Луисбургда бўлмагансиз.
– Чет элда кимлар билан мулоқотда бўлишни маслаҳат қиласиз?

– Уларнинг ташки ишлар министрлигидаги хизматчиларидан маънили гап чиқиши қийин. Башарти, таълим министрлигидаги йигитларнинг дунёкараши кенг...

– Коммерсантлардан кимларни танийсиз? У ерда анчадан бери ишлаётган, тажрибали немис, америкалик коммерсантлар бор, шундайми? Мен албатта, ишбилармон, факат қобилиятли ҳуқуқшунослар маслаҳати билан жиддий иш кўрадиган йирик бизнесменларни назарда тутяпман.

– Немислар?! – деб қайта сўради Винтер. – Мен, ахир, немис тилини билмайман.

– Эшитишимча, у ерда Крихгоф, Больц, Ханзен каби...

– Ҳа, эшитганман. Лекин улар билан деярли мулоқотда бўлмаганман.

– Америкаликлардан Саусер, Лоренс, Чиккерс, Глэбб, Лендомларни танийсизми?

Бинтер Константиновга ҳайратла нигоҳ ташлади:

– Ҳақиқий америкаликларнинг номини тилга олдингиз. Уларни яхши танийман. Чиккерс ва Глэбб. Иккови ҳам жуда удабурон. Бирок одамларимиз нима учундир уларни марказий разведкага алоқадор деб ўйлашади. Менимча, бу гумонсираш васвасасидан бўлак нарсамас. Сафарга пухта тайёргарлик кўрибсиз-у, яна мендан маслаҳат сўраяпсиз?!

– Одам ўзини сабаб-бесабаб шубҳа остига қўймайди. Асос бордирки...

– Қизик...– Винтер елкасини учирди. – Менимча, айғоқчи ўта ақлли; омилкор бўлиши керак. Глэбб эса бунинг бутунлай акси. Икки гапнинг бирида: «У, Совет Иттифоқи гўзал мамлакат, сизларга ҳавасимиз келади», деб хушомад қилади. Сафсата. Сийқа мактовларга ўч одамларга умуман ишонмайман.

– Болохонадор қилиб сўккандан ёмони йўк.

– Нимасини айтасиз! Бақрайиб туриб тилёғламалик киладиган одам олдида ўзингни қандай тутишни билмай гаранг бўласан, киши.

– Ҳақ гапни айтдингиз. Одам оласи ичида бўлади, Айникса, танимаган, синалмаган нусха билан мулоқотда бўлган ҳар қандай одам ҳам ўзини эркин тутолмайди. Демак сизнингча Глэбб ғирт аҳмоқ экан-да?

– Келинг, Глэббни ўз ҳолига қўяйлик... Телефон номеримни ёзиб олинг. Дўстим билан гаплашиб кўраман. Балки маънили маслаҳат беришга рози бўлар...

Иш кабинетига кеч қайтган Константинов шошилинич ахборотлар солинадиган жилдини олди. Ҳошиясига «Ниҳоятда шошилинич» деб қайд қилинган телеграмма Славиндан бўлиб, унда қуйидагилар баён этилган эди:

«Тахминларга кўра миллати рус, ёши олтмишларда, «Хилтон» меҳмонхонасининг электр тармоғида юк ташувчи бўлиб ишловчи – Белью ҳақида маълумот борми? Цинцинэттида туғилган, Вьетнам урушида қатнашган. Луисбургга келгунга қадар Гонгконгда ишлаган, кўкнори можаросига алоқадорлиги учун у ердан бадарға қилинган Жон Грегори Глэбб ҳақида маълумот жўнатиш.

Константинов котибдан:

– Луисбургга жавоб жўнатилдими? – деб сўради.

– Биринчи саволга инкор жавобини бердик, Константин Иванович.

– Ҳеч қандай маълумот йўкми?

– Мутлақо.

– Белью, Белью... Агар уни Германияда қолиб кетган рус деб фараз қилсак, у ҳолда картотекадан Беллоу, Белоф фамилияларини кидириш керак. Келиб чиқиши украин десак, Белов бўлиши ҳам эътибордан холи эмас. Масалага шу нуқтаи назардан ёндашилдими?

– Йўк.

– Зудлик билан текшириб кўришсин. Иккинчи шахс

хақида нималарни аниқладингиз?

– Марказий Разведка Бошқармасига бевосита алоқадор бўлган тўртта Глэббни аниқладик. Ричард Пол ўттиз еттинчи йилда туғилган, аммо Гонгконгда ишламаган, кейин...

– Славинни Гонгконгда ишлаган Глэбблар кизиқтиряпти.

– Жон ва Питерлар Гонгконгда ишлаганлар. Бирок Питер Вьетнам урушида қатнашмаган. Демак, Жон Глэбб... Жон алоқадор бўлган можаронинг тўла тафсилоти «Чайша анализ» ва «Фар ястерн икономик ревью» газеталарида босилган. 1966-йилда, Британия полицияси авиапортда бир миллион долларга баҳоланган бир чамадон кўкнори билан кўлга тушган. Лао одамлари орасида «аллақандай» Глэбб ҳам бўлган.

– Бир чамадон кўкнори ками билан уч миллион бўлади... Кейин-чи?

– Бу биринчи ахборотда қайд қилинган. Кейинги хабарларда Глэббнинг номи бирор марта ҳам тилга олинмаган.

– У Вьетнамга қачон бориб қолган?

– Олтмиш еттинчи йилнинг бошларида.

– Таъқибга учраган немисларни Шаркий фронтга жўнатганлари каби Глэббни ҳам Вьетнамга юборишган экан-да. Маълумотларни Луисбургга жўнатдингизми?

– Сизни кутаётгандик, Константин Иванович.

– Бекор қилибсизлар. Зудлик билан жўнатишсин, – Константинов соатига қаради. – Бизнинг минтақа Луисбург билан неча соатга фарқ қилади? Уч соатми? Демак у ерда ҳозир соат етти бўлибди-да?!

Константинов адашди. Луисбург бутунлай бошқа вақт минтақасида жойлашган эди.

Глэбб

Глэбб тўсатдан, биров туртгандек, чўчиб уйгонди. Манглайида совуқ тер пайдо бўлди. У вужудидаги

дахшатли кўркувнинг сабабини билолмай мудроқ ҳолда, шифтга бир зум термилиб ётди». Кейин яна кўзларини юмди. Бундай иссиқда қайси жазмани тушига кириши мумкин?! Ногаҳон кўз олдида «олти», «ноль», «етти» рақамлари аниқ кўринди. Ҳатто киприкларини пайпаслаганини ўзи ҳам сезмай қолди. Кўзларини очди. Бошини хиёл кўтариб, соатга қаради. Ўн минути кам олти. Ўрнидан сапчиб турди. Терлаган товоңларини муздек чинни қошинга босди. Телефон трубкасини кўтарди, номер тераётганида бармоқлари титраётганини сезди. Телефоннинг трубкасини кўтаришларини бетоқатлик билан қутди, ниҳоят паст овозда шивирлади:

– Роберт, зарур иш чиқиб қолди. Зудлик билан ҳовузчага келинг... Йўқ. Иложи йўқ, ҳозир чўмилгим келяпти. Мени тушунгандирсиз?! Тезроқ келинг!

Глэбб трубкани жойига қўйди. Соатга қаради – олтидан етти дақиқа ўтганди. Глэбб енгил-елпи ювиниб, тезда кийинди. Ташқарига шошилди. Ўн минутда «Хилтон» меҳмонхонасига етиб келди.

«Хилтон» меҳмонхонасидаги ҳовузча лабида, жигар касаллигига мубтало бўлганлар каби оғир, кўқаринқираган қобокларида мудроқ, ланж бир кайфиятда, чўмилиш кийимида ўтирган МРБнинг шу ўлкадаги резиденти – Роберт Лоренс Глэббни совуқ қарши олди.

– Тинчликми? – деб сўради у ҳорғин оҳангда. – Бунча ҳовликмасанг? Бирор фалокат юз бердимми?

– Билмадим. Ҳозирча ҳеч қандай фалокат рўй бермагандир, аммо... Пол иккимиз кеча Стау маълум қилган руснинг меҳмони бўлдик. Унинг меҳмоннавозлигига қойил қолдим. Аммо нима учун у айнан шу – олти юз еттинчи хонага қўнгани мени ташвишга соляпти.

– Бўш хона бўлмагандир-да. Мавсум бошланди. Денгиз ҳавосини қўмсаган сайёҳларнинг кети узилмаяпти.

Глэбб Лоренс томон хиёл энгашди, унипг сўзларини бегона одам эшитиб қоладигандек:

– Очиғини айтганда, унинг «Доно» «тузоққа» илинган хонага кўнганлигидан кўнглим хижил... – деб шивирлади.

– Чунки бу хона алоҳида, фақат руслар учун жиҳозланган. Тун бўйи ишлаган эдим. Арзимаган нарсага уйкумни ҳаром қилдингизми?

– Фақат ранжиманг, босс¹⁴. Қораялоқлар иш ташлаган вақтда бизни ким овқатлантиргани, ким емак келтиргани ёдингиздами? Насли-насаби номаълум оқ танли бир официант бизга хизмат қилганди. У чўлтоқ эди! Руслар «Хилтон»да ишлайдиган худди ўша чўлтоқни излашяпти.

– Аклдан озибсиз!

– Йўқ, акл-хушим жойида. Фақат дилим ғаш, босс. Славин деганлари анойилардан эмас. Кўзлари худди шайтонники дейсиз. Акли эса тошни кесади!

– Сизнингча, бошқа руслар тентак экан-да?

– Мен нима ғамдаман-у, сиз...

– Хўп, ўша рус контрразведкадан, дейлик. Шундай деб фараз қилайлик. Хўш?! Агар улар «Доно»ни фош этганларида эди, марказ беҳабар қолмасди. Москвадаги одамларимиз ундан доим кўз-қулоқ бўлиб туришибди. Агар Славин сиз ўйлагандек, КГБдан бўлса, «Доно» бизни асосий манбадан олинган ишончли маълумотлар билан таъминлай олмасди.

– Босс, агар монелик қилмасангиз олти юз еттинчи хонада бизга хизмат қилган кимсанинг насл-насабини аниқлайман! Сиз ўйлаганчалик ландовур эмасман. Француз тилини билмаслигимни ҳам рўқач қилманг. Бирок юрагим ғаш. Нохуш нарсани аниқ сезиб турибман, ўлай агар, босс, сезиб турибман.

– Бизга дастурхон ёзган кимсанинг насабини қандай аниқлайсиз?

– Аниқлайман. Бундан осони борми?! Ёдингизда бўлса, иш ташловчиларнинг раҳнамолари ҳақида алоҳида маълумот тўплашларини сўрагандик.

¹⁴ Хўжайин деган маънони билдиради (Тарж).

— Бир ками шуни эслаб колишим қолувди.

— Мен эса эсдан чиқарганим йўк!

Глэбб маъмур ёнига шошилди. Ундан ресторан хўжайинининг телефон номерини сўради. Ресторан хўжайини уни ертўла назоратчисига рўбарў қилди. Ўн минут ўтар-ўтмас Глэбб яна ҳовузчага қайтиб келди. Лоренс шаффоф сувда алланечук зарофат билан сузарди.

— Бу ёкка чиқинг, босс! — деди Глэбб ҳовузча лабига келиб. — Тезроқ бўлинг. Дастурхонни чап қўлида икки бармоғи йўк, львовлик келгинди — Айван Белью тузаганини аниқладим. Славин худди ўша кимсани излапти.

Лоренс гавдасига ярашмаган чакқонлик билан ҳовузчадан чиқди. Елкасига халатини ташлади ва ташвишланиб:

— Келгиндилар хақидаги маълумот кимнинг қўлида сақланади? Француз паспортли келгинди... Бу қандайдир англашилмовчилик бўлмасин тагин? — деб сўради.

— Қани энди шундай бўлса эди, босс.

Улар икки йил мукаддам МРБ ижарага олган минг беш юзинчи апартаментга кўтарилишди. Маълумотлар сақланадиган пункт ишларига мутасадди — Ульцни уйғотишди. Ульц юз-қўлини ювиб олгач, картотекани титкилашга тутинди.

— Айван Белью, яъни Иван Белий, 1925-йилда туғилган. Житомирлик, украин, чекинаётган немислар билан бирга Ғарбий Германияга келиб қолган. Урушдан сўнг Бельгияда қўним топган. Инфляция вақтида Тунисга келиб у ерда юк ташувчи бўлиб ишлаган. Луисбургга ўша ердан келган. Житомирда қариндош-уруғлари бор. Аммо хат ёзишмайди. Уларга ортиқча кўнгилсизлик келтиришни истамайди. Муомаласи ниҳоятда қўпол. Россияга қайтмоқчи бўлганда «йўлдан» урганликлари учун америкаликларга рўйхуш бермайди. Уларга рўбарў келгудек бўлса, «Ҳаётимга сенлар зомин бўлгансанлар» деб, ёвқараш қилади. Рус элчихонаси билан алоқадорликда шубҳа остига олинмаган. Ичади.

– Хўш? – деб сўради Лоренс. – Нима қилиш керак? Лэнглига мурожаат қиламизми?

Глэбб индамай телефонда «607» рақамини терди. Телефон трубкасини ҳеч ким кўтармади. Славин меҳмонхонада йўқ эди. Глэбб Лоренсга маънодор қараб олгач, бошқа телефон номерини терди:

– Стау, салом, – гуё унинг суҳбатига айғокчи қулоқ тутаётгандек Глэбб овозини пасайтирди. – Бир хожатимни чиқармайсанми? Тепакал, келишган, қоракўз, тиниб-тинчимас, исми-шарифи Славин бўлмиш руснинг Совет элчихонасига қачон келганини билиб бер! Менимча, у элчихонага эрталаб соат тўртларда борган бўлиши керак?! Тўхта, сенга бир нафасдан сўнг қўнғирок қиламан.

Глэбб Лоренс борлигини батамом унутиб, Пиларга қўнғирок қилди:

– Гвапенья, узр, сени саҳарлаб безовта қилишга мажбур бўлдим. Ҳамроҳимиз билан қачон, қай вақтда хайрлашдинг?

– У мени уйгача кузатиб қўйди. Беш минутча машинада суҳбатлашиб ўтирдик. Меҳмоним бўлишни истамасди. Бугун соат саккизда учрашишни таклиф қилди. Тинчликми, Жон?

– У билан қачон хайрлашдинг, деб сўраяпман?

– Чамаси соат учда, балки...

Глэбб Пиларнинг сўзини охиригача эшитмай, трубкани жойига қўйди. Яна генерал Стауга қўнғирок қилди.

– Жон, – деди Стау. – Славиннинг қиёфасига ўхшаш киши элчихонага келганлигини маълум қилишди.

– Қачон қайтди? – сўради Глэбб.

– Бу ҳақда сўрамагандинг-ку.

– Ҳозирок аниқла. Кейин рус элчихонасини қўриқлаётган полициячилардан панжара атрофида ўралашган кимсанинг ташқи белгисини сўра. Мени фақат бир белги – қўлида бармоғи бор-йўқлиги қизиқтиради.

Лоренс қаҳва қайнатгични мўъжазгина барга ўрнатилган электр ўчоқ устига қўйди. Сўнгра Глэббдан

сўради:

– Нима қилиш керак?

– Октавио Оганонинг қароргоҳига кетган. Перейра эса Нагонияга қурол-аслаҳа жўнатиш билан банд. Террорчилар, яъниким тажовуз гуруҳимда бу ишни эплайдиган бирорта одам қолмади, босс!

– Нега энди бу ишга тажовуз гуруҳини аралаштириш керак деб ўйлайсан?

– Сизнингча Белью муштумзўрлик жамиятимиз учун тамоман ёт эканлиги ҳақида гап сотишим керакми? Ҳозир бундан ҳам зарурроқ иш бор. Славиннинг қаердалиги мени кизиктиради.

– Ҳовликманг, Жон. Тушунмай қолдим. Бунча талвасага тушмасанг. Одамни хуноб қилмасанг-чи. Мана шу Бельюдан қандай маънили гап чиқарди?

– У ҳеч нарса демайди, босс. Аммо «Доно»нинг суратига кўрсатгич бармоғини никтаб: «ўша» дейишнинг ўзи кифоя. Директор бошимизга ит кунини солиб тўғри қилади, чунки, қимматли агентнинг фош этилишига ўзимиз сабабчи бўламиз!

Телефоннинг жиринглашидан Лоренс чўчиб тушди. Унинг бу хатти-ҳаракати Глэббнинг синчков назаридан четда қолмади.

– Эшитаман, Стау, – деди Глэбб сира иккиланмай. Чунки у криминал полиция директори кўнғирок қилаётганига шубҳа қилмаганди.

– Жон, Славин ҳозиргина элчихонадан чиқди.

– Уни кузатяпсанми?

– Овимиз бароридан келадиган қулай кунни кутишдан бўлак ҳеч қандай топширик бермагандинг-ку?!

– Раҳмат, Стау, ҳожатимни чиқардинг. Айван Белью деган кимсанинг қаерда яшашни биласанми? Фахмлашимча, Славин унинг ёнига кетган.

– Туғилган йили, туғилган жойи?

– Бу ерга ўн йил мукаддам шимолдан келган. Ҳозир «Хилтон»да ишлайди. У ўшаларнинг одами,

тушуныпсанми? Славин унинг ёнига кетган бўлса ажаб эмас. Буни аниқлашимиз керак.

– Турар жойини аниқласам одамларимни ўша ёққа юборайми?

– Ишорамни кут! Тушунарлими? Йўқса ишнинг пачавасини чиқарасан. Фақат ишорамни кут! Трубкани илмайман Стау, менга адрес зарур...

– Қандай ишни назарда тутяпсан, Жон? – деб сўради Лоренс.

– Қизиқ иш, босс. Славинни рус жосуси ва терорчиси сифатида хибсга олиш борасида бир иш қилмоқчиман, босс... Бу бизга жуда-жуда асқотади. Айниқса «Факел» операциясининг бошланиши олдидан бунинг фойдасини ҳатто тасаввур ҳам қилолмайсан.

...Ярим соатдан кейин саккиз-у ноль-нолда Глэбб меҳмонхона ертўласига тушди. Белью ишлайдиган устахонанинг кулфлик эшиги ёнида, қўлида ракетка ўйнаб турган Славинни кўриб довдираб қолди. Ҳаяжонини яшириш учун базўр жилмайди:

– Салом Вит, – унинг овози титраб чиқди. – Сени учратганимдан гоят хурсандман... Бу ерда нима қилиб юрибсан?

– Руҳан чарчадим. Теннис ўйнаб бир хумордан чиқмоқчиман, – деди Славин бамайлихотир. – Ҳа, айтганча, теннис ўйнаймизми?

– Теннис аристократларнинг ўйини, Вит. Мен, ахир ишчи оиласиданман. Отам юк ташувчи бўлиб ишлаган. Бокс – жони дилим. Ростмана олишишни яхши кўраман. Албатта, муносиб ракиб топилса...

– Мен ҳам... Бокс қўлқоплари ижарага бериладими? Сиз билан рингга чиқиш олий бахт бўлса керак. Мўмай пул ишлаб олишдан қандай воз кечиб бўлади. Бу ерда қўли гул уста ишлайди дейишганди... Ракеткамни созлаб олмоқчиман...

– Ким у?

- Ким билади, дейсан?
- У қаерда экан?
- Ёлғиз худога маълум. Билишимча, бу ерда вақтнинг кадрига етишмас экан. Ҳақ гапни айтган экансан.
- Сенингча, биз вақтнинг кадрига етар эканмизда, Вит? Бу курук гап. Ҳар ернинг ўз пасти-баланди бўлади. Биз эса... Хўп, ракеткангни сошлаб олгандан кейин юқорига чиқ. Муносиб рақиб излашга киришишингиздан аввал бир қаҳвахўрлик қиламиз.
- Рақибни Зотов олиб келади.
- Ким?
- Инженеримиз.
- Мутахассисларингиздан кўпини яхши танийман... Исми шарифини нима дединг?
- Андрей Зотов.
- Йўқ, – деди Глэбб бошини тебратиб. – Зотовни танитайман. Балки танирман, лекин исми шарифини эслолмаяпман...

Биринчи тафтиш

Трухин, Гречаев

Мунтазам кузатувлар натижасида Парамонов ҳар куни бир вақтда «Минерал сувлар» магазинига қатнаши аниқланди. Магазин сотувчиси Цизин билан – «сухбатлаш»гани келган Гречаев аввалига гапини нимадан бошлашга билолмай каловланиб қолди. Гречаевнинг бўзрайиб турганидан ажабланган жиккак гавдали, терлаб-пишиб кетган Цизин тўсатдан:

– Ҳа, ҳа, ҳа, – дея ўшқирди. – «Котлонадзор» ёки «Вторснрьё»нинг мўмин-қобил ходимидек менга бунча тикилиб қолдинг. Кел, ўғил болачасига гаплашайлик. Бирортаси гап етказдими? Кимдан? Приходька яна «бўш

шишаларни мельхиор¹⁵га жўнатяпти» деб юмалоқ хат ёзгандир-да?! Ёки Дринов гап етказдими? Шарудинов билан келишиб, «Боржоми»нинг қопқоқларини «чапга» юбораётганимни ёзгандир-да, ярамас... Хужжатларни текширасанми? «Есентуки»га оддий сув қўшиб сотмаяпман. Ҳозирги одамларни алдаш қийин. Оқ-у қоранинг фаркига боришади. Сотувчи халки ҳам ҳақини ташлаб қўймайди.

– Мени «дўнглардан» деб ўйлаяпсиз, чоғи, – деди Гречаев, суҳбатнинг бундай тус олишини аввалдан билгандек босиқлик билан. – Мен ОБХССдан эмасман.

– Қаердансиз? Гинекологик клиникаданмисиз? Ёки «Мосфильм»данми?

– Иккинчи ижодий уюшмаданман, – деб жавоб қилди Гречаев. У мактабдош дўсти, режиссёр ассистенти, плехановчиларга қўшилиб ичкиликка берилган ва хирсий тўполонга (бу тўполоннинг оқибати жуда оғир бўлса-да, йигитнинг ҳаётига зомин бўлмаслик учун комсомол йиғилишининг қарорида содда баён этилган эди) аралашгани учун ишдан бўшатишган Хариннинг исмини бу танишувга дастак қилмоқчи бўлди.

Цизинда барча савдо ходимларига хос – санъат кишиларига нисбатан бўладиган ғайритабиий қизиқиш намоён бўла бошлади.

– Ростданми? Буни далилловчи бирор хужжатинг борми?

– ОБХСС ходимидан хужжат сўрасанг ўринли бўларди. Уни менга нима зарурати бор? Режиссёр Бобровскийнинг номини эшитгандирсан? Мен унинг ассистентиман.

– Толя? – Цизин елка учирди. – Эшитганмисан деганинг нимаси? У ҳар ҳафтада мендан «Славяновский» сотиб олади. Тўғри, бу ичимликни дуч келган харидорга сотавермайман, чунки, бош оғриғини қолдириш учунгина

¹⁵ Айнан: чакана мол олиш учун (тарж.).

минерал сув ичгани келган қора ишчининг ҳожатини чиқаришдан кўра, ошқозон касалига чалинган ижодкорнинг шифо топиши мен учун афзалроқ.

Бобровский ҳафтада икки марта ундан сув сотиб оларди. Бир-икки оғиз суҳбатлашишарди. Олғирлар тоифасидан бўлган Цизин бу учрашувларни эски дўстликка йўйиб, бундан лаззат оладиган одати бор эди.

– Сизга арзимаган бир илтимосим бор.

– Бажонидил.

– Магазинингда кинодан бир кўринишни суратга олмоқчимиз. Албатта, рози бўлсанг.

– Магазинимда?

– Ҳа, жуда қизиқарли сахна... Истасанг сценарий билан танишиб чиқишинг мумкин.

– Мени ҳам кинога оласизларми?

– Албатта.

– Йўқ, ростини айт.

(Инсон бунчалар шуҳратпараст бўлмаса! Бунча кинематограф билан танишувни истамаса? Рухсорини умрбод тасвирда қолдирмоқчидир-да?)

– Рост. Бобровский ҳам ҳарҳолда шу ниятда.

– Нега ўзи кела қолмади? Яқинда «Нафтуси» оламан. Ажойиб минерал сув-да, ичган саринг ичгинг келади. Бобровскийга айтишни унутма. Ҳар қандай бош оғриғини қолдиради. Ошқозон-у, буйракни совуқ толқони каби чиннидай тозалайди.

– Исминг нима?

– Григорий Григорьевич, Гриша.

– Ҳа, ҳа-я, шеф айтганди... Гап бундай, Григорий Григорьевич, биз пинҳона суратга олмоқчи эдик.

– Пинҳона? Гриша ишлагандекми?

– Қайси Гриша?

– Чухрай. Матаҳини кушларни суратга олаётган сураткашдек қўйиб, йигит қизни қандай авраётганини тасвирга гуширарди.

– Биз ҳам худди шундай ниятда...

– Бундан осони борми. Омбор эшигини тешиб, аппаратни ўша ерга ўрнатасиз. Мен эса харидорларни лакиллатаман... Шошма, аслида юзимга объектив тушмайди, елкамдан кинога оласизлар-у, ҳеч ким мени танимайди, шундайми?

– Биз иккита камера ўрнатамиз. Харидорлар сени кинога оляпти деб ўйлашади, аслида икки нуқтада ишлаймиз.

– Биринчи кўринишни кинога кўчириб, иккинчи кўринишдаги аҳмоқона қилиқларимни ахлат саватига ташлаб юборасан. Бу найрангинг ўтмайди.

– Ол-а, агар менга ишонмасанг Бобровский билан ўзинг гаплаш.

– Ҳозир бундай нарсаларни бошлиқлар эмас, ижрочилар ҳал қилишини билмайди, деб ўйлайсанми, мени! Кинода қандай мавқени эгаллашинг, ассистент ким-у, ёрдамчи кимлиги менга қоронғу! Аслида унинг столига нима қўйсанг шу кинога кетади. Бизда шундай-да, ахир. Биринчидан, райпродторг бошлиғи мени ҳеч қачон қабул қилмайди. У биз учун – рим руҳонийси. Котибани қўлга олсанг, сен учун бошлиқ хузурига йўл очик! Бахтга қарши унга – «Нафтуси»¹⁶нинг зарурати йўқ. Чунки, ошқозони-ю буйраги космик системадан ҳам зўр ишлайди. Лекин унинг ҳам орзу-хаваси ўзига етгунча, Майин тўр лозимлар жонидили. Секция мудирининг куйдиргиси бор, шу боис унга «Ўн еттинчи»¹⁵ ва «Витаустас»¹⁶ олиб қўяман. Мана сизга мулозамат, мана сизга бўш идишга хужжат¹⁷. Аслида бу идишларга муҳтожлигим йўқ. Қабзиятдан изтироб чекаётганларга зарур! Озми-кўпми чойчақа оламан. Бу билан осмон узилиб ерга тушадими! Цизин куйдиргиларга яхши хизмат кўрсатгани учун чойчақа олди, десалар дейишаверишсин. Агар уларни «Смирновский»дан маҳрум

¹⁶ Минерал сувларнинг номи.

¹⁷ Бу ерда камёб ичимликлар ундириш назарда тутилган.

килгудек бўлсам, меҳнаткаш халкнинг қонини халқумидан келтиришдан сира тойишмайди. Хўш, ўз жиғилдонимни ўйлаяпманми. Ўзимнинг картмонимни ёки жамият манфаатиними?! Жуда зўр келса, барчасига тупуриб, «Ессентуки» йўк, истаган жойингга арз қилавер, менга нима?!» деб туравераман-да. Ортиқча бош оғриғига кимнинг тоқати бор. Қўй, тилимни қичитма, йўкса ўзимни дийдиёдан тўхтатолмайман.

— Григорий Григорьевич, съёмка учун бирор кишидан рухсат олишинг керакми?

— Агар съёмкани чиппакка чиқармоқчи бўлсанг, рухсат олавер. Қўшнисининг сигирини ҳаром ўлдиришини сўраб худонинг хузурига борган Иван ҳақидаги латифани эшитганмисан? Сотувчи тоифасини билмас экансан. Совет экранида афт-ангорларини кўрсатиш учун аввалига котибани совға-саломга кўмиб ташлашади. Чунки бошлиқнинг қабулига ёзилиш ғурбат. Кейин эса «Бизнинг магазинимизда кинога олишсин» деб унинг миясини қоқиб, қўлига беришади.

— Биз фақат кундузи кинога оламиз. Тушлик вақтида магазин гавжум бўлса керак-а?..

— Нима қилибди? Қизилдан қуйиб сотишни пенсионер Вера холадан илтимос қиламан! Бирок битта лекини бор...

Гречаев ортидан қарсиллаб ёпилган эшик томон ўгирилганида остонада Цизиндан нигоҳини узмай турган Парамоновни кўрди. У жилмайиб, қўлини юкорига енгил кўтариб, аллақандай имо-ишора қилди.

— Сенга нима керак? — деб сўради Цизин.

— Э... ҳа... йўк... Шундай. «Саирме» келтиришганми, йўкми, билмоқчи эдим, — деди Парамонов каловланиб.

— Иложи бўлса соат бешларда кирсанг. Ҳали «Саирме» келтиришмади.

Гречаев витринага қаради. У ерда бир эмас, етита шишада «Саирме» турарди.

— Хуллас, — деди сўзида давом этаркан Цизин, — райпишчеторгга боришни хаёлингга ҳам келтирма.

Бошингни балога қўйма. Ёки бошликнинг ўзига учраш. Ишни кўзини биладиган, ёш раҳбарлардан Цизинда ишламоқчиман десанг бас, кўнади.

– Нима, у ҳам куйдиргими?

Цизин тушунмади:

– Нега энди? Соғ-саломат, отдек...

– Цизиннинг сўзини икки килмас экан-да?

– Чунки илтимос қиласан. Аслида ақл-хушли кишилар санъаткорнинг сўзини ерда колдиришмайди...

– Балки витринада турган шишалардаги минерал сув – оддий сувдир? – деб сўради Константинов Гречаевнинг ахборотини ўқишдан тўхтаб. – Бутафория?!

– Балки «қўлболадир»?! Парамонов Цизиннинг олдиға фақат «Саирме» учун боргани қизик? Текшириб кўрдим. Парамонов ишлайдиган корхона буфетида худди шу «Саирме» минерал сув сотилади, – деб жавоб қилди группа раҳбари полковник Трухин.

– Кейинги кузатувлар қандай натижа берди?

– Парамонов дам-бадам соатига нигоҳ ташлаб, ўн етти дақиқа кўчада ўралашиб юрди. Кейин телефон автоматдан етти минг уч юз ўн тўққиз рақамини терди. Икки юз қирк тўрт индексли телефонга, чамаси Шаргин Леопольд Никифоровичга қўнғирок қилди.

– Чамаси?!

– У телефон дискини елкаси билан тўсиб тургани учун ҳам ходимлар қолган рақамларни илғаб олишолмади. Парамоновнинг Садово-Сеннийда Шаргиндан бўлак таниши йўқ.

– Биринчи тахминга қўшиламан. Ҳақиқатдан ҳам у Шаргинга қўнғирок қилган. Иккинчини эса рад этаман. Номаълум кимсага қўнғирок қилган бўлса-чи? Унда нима дейсиз?

– Бўлиши мумкин...

– Асос?!

– МРБ йўллаётган радиограммаларни қабул қилиб олаётган айғоқчи ва «уюшма»да ўзига хос узатувчи

вазифасини бажараётган кимса – Парамонов бўлса, иккинчи гумон тўғри чиқади.

– Кузатув тафсилотини охиригача гапириб беринг.

– Парамонов яна Цизиннинг магазинига кирди. Бир стакан ароқ ичиб олгач, хайр-маъзурни насия қилиб магазиндан чикди. Бекатга югуриб бориб, тўхтаб турган автобусга минди. Етти минутда гаражга қайтиб келди.

– Кейин-чи?..

– Иш кунининг охиригача Ольга Винтернинг машинасини созлаш билан банд бўлди.

– Шаргинни кузатишни давом эттиринг. Нихоятда махфий ҳужжатлар унинг қўлидан ўтиш-ўтмаслигини текшириб кўрдингизми?

– Ҳа, Лэнглини қизиқтираётган ҳужжатлар унинг қўлидан ўтаркан.

Айни шу паллада Шаргин Арбат ва Смоленск кўчалари кесишган чорраҳада, гастроном рўпарасида кимнидир бетоқатлик билан кутарди. Дипломатик номерли машинага нигоҳи тушиши ҳамон, олдинга юрди. Автомобилни бошқараётган киши билан саломлашгандек қўлини юқорига кўтарди. Ҳайдовчи машинани йўл четида тўхтатди. Уларнинг суҳбатини эшитишнинг иложи бўлмади. Чунки Шаргин хиёл эгилган, тирсагини эшикка тираган кўйи бошини автомобиль ичига суқиб олганди.

Кейин эса Ольга Винтернинг машинасида Парамонов келди. У «Жигули»ни муҳожирнинг машинаси ёнида тўхтатди. Шаргин дипломат билан хайр-хўш қилгач, Парамонов бошқараётган машинага ўтирди. Улар Преображенский кўчасидаги еттинчи уйга боришди. У ердан иккита қиз билан чиқишди ва «Русь» ресторанига жўнашди. Сўнг «бўйдок» – Шаргиннинг уйига келишди. Шу ерда тонг оттиришди.

Константинов

– Шаргинга келсак, у ҳамкасабаси «Трэйд

корпорейшн» вакили Ван Зегар билан суҳбатлашган, – деди Проскурин.

– Бу ҳамкасаба хусусида бирорта шубҳали маълумот олинмаганми?

– Ҳақиқий савдогар. Билишимизча, хуфиёна хизматга унинг мутлақо алоқаси йўқ.

– Парамонов билан Шаргиннинг кўнглини чоғ қилган хуриликлар кимлар экан?

– Гўлоҳлар.

Константинов кўзойнагини бурни устига кўндириб, Проскуринга таажжубланиб қаради.

– Ҳа, гўлоҳлар, – деб такрорлади у. – Бири тўқимачилик, бири озик-овқат техникумини тамомлаган. Иккаласи ҳам ростовлик. Ўзингизга маълум, пойтахтда ишчи етишмайди. Ишлайман деса, хатто шайтонни ҳам рўйхатга кўйишади. Уй-жой билан таъминлашади. Хуриликларимиз – шунақалардан. Бир кун навбатчилик, эртасига таралло-ялло...

– Уларнинг юриш-туришидан аввалдан хабардор эдингизми?

– Қармоғимизга энди илинишди, Константин Иванович. Кузатувни энди бошладик.

– Қишда кўп қор ёғса, баҳорги тошқиндан чўчи, дейишади...

– Табиий офат саркаш бўлса-да, уни жиловлаш мумкин.

– Мулоҳазангиз чаккимас, – деди Константинов хиёл жилмайиб. – Ҳар қандай офатнинг ўзига яраша ташвиши бор. Бирок «Одам боласи»дан даҳшатлиси йўқ.

...Проскурин ахборот бериб, зарур йўл-йўриқларни олгандан сўнг, Константиновдан кетишга рухсат сўради.

Холи қолган Константинов телефон трубкасини кўтарди. Ольга Винтернинг телефон номерини терди.

– Салом, чемпион, – деди у. – Шогирдингизнинг салом-у эҳтиромини қабул этгайсиз. Эртага кортга кечикиб

бораманми, деган хавотирдаман. «Жигули» панд беряпти. «Сервис»га боргудек бўлсам, тузатишга бир кун кетиши турган гап. Таниш устангиз йўкми?

– Бор. Лекин нақдига ўрганиб қолган. Унга «Пшеничной», йўқ-яхшиси «Жин» олиб боринг. Қўлингизда қалам-қоғоз борми?

– Ёзяпман.

– Парамонов Михаил Михайлович. Фақат телефонда машинани тузатиш ҳақида оғиз оча кўрманг.

– Бечора Парамонов, юрак олдириб қўйибди-да, – деди Константинов кулиб.

– Юрак олдириб қўйгани рост. Ҳатто ўз соясидан кўркади.

– Африкашунос танишингиз билан учрашдингизми?

– Ҳа, ҳозирча ҳеч гап йўқ. Сиз билан суҳбатлашишни исташмаяпти. Гояларини мақолалари учун асраяпти. Бунақалар ҳасисликда шайтонга ҳам дарс беришади. «Душман»¹⁸ овозини эшитиб турасизми?

– Вақт бўлганда.

– Кеча Лондон Нагония ҳақида қизиқарли шарҳ эшиттирди. Бош қотиришга арзигулик шарҳ... У ерга Конгодагидек десант ташлашга тайёрланишяпти экан.

– Десант ташлашга қўйиб қўймасмиз. Ўзаро ҳамкорлик ҳақида низом бор. Лозим бўлса зарур чора-тадбир кўрармиз. – Константинов гўё МРБ агентига йўллаган охирги радиошифровкасида қайд этилган худди шу саволига мос жавоб қилди.

Ольга Винтер бир лаҳза жимиб қолди.

– Нега индамайсиз, Ольга?

– Ҳеч нарсa, тамаки тутатиб олдим.

– Чекмасдингиз, шекилли?

– Чекишни бошладим.

– Қачон...

– Бугундан!.. Хўп, Парамошага кўнғироқ қилинг, мен

¹⁸ «Озод Европа», «Озодлик» радиостанциялари (тарж.)

уни огоҳлантириб қўяман. Эртага албатта кортга келинг. Сиз билан танишганимдан жуда хурсандман.

– Мен ҳам.

– Ортиқча мактаманг. Қалтис фикр юритар экансиз. Мен ҳам «улар десант ташлашса, биз ҳам қараб турмаймиз» деб ёзгудек бўлсам, «тийиб» қўйишлари аниқ.

– Кимлар?! .

– Бошлиқлар.

– Нега?

– «Бундай кескирлик ноўрин, сиз ҳукумат эмассиз, душман фақат шундай чиқишни кутяпти...» дейишади.

– Низом газеталарда босилган бўлса, кутишга эҳтиёж борми?

– Агар бирор ишқал чиқса, низомни икки бўлак қилиш қийинмас, деб оғзимга уришлари турган гап. Халқаро ҳуқуқ поймол бўлади. Биз эса ҳеч нарса қилолмаймиз...

– Нотўғри, – шу паллада Константиновнинг кўнглидан «дилимдагини ҳозир айтсаммикин ёки эртага – кортда бўладиган суҳбатга қолдирсам маъқулмикин», деган ўй ўтди. – Нотўғри, – дея такрорлади у. – Нагониядаги қонуний ҳукуматни фақат ташки аралашув натижасида қулатиш мумкин. Бу эса халқаро ҳуқуқни очикдан-очик поймол қилиш демак. Хўп, Парамоша учун раҳмат. Олдиндан унга бир кўнғироқ қилганингиз маъқулмикин, а?

Парамонов Константинов билан самимий саломлашди. Бирга гараждан чиқишди. Парамонов кўчада, йўл четида турган «Жигули»нинг у ёқ-буёғини кўздан кечирди. Қапот қопқоғини кўтариб, узатгичларни текширди.

– Оля машинангизда мураккаб носозлик борлигини айтганди... Унчалик эмас экан-ку. Фақат узатгичлар сийқаланиб кетибди, холос. Шунинг учун ҳам мотор ўчиб қоляпти. Чет элга чиқсангиз «бошев набори»дан олинг. Буржуйлар усталарнинг мушқулини енгил қилишини жуда яхши билишади.

– Гапингиз тўғри, – деб тасдиқлади Константинов. –

Кўзойнагингиз борми? Нима бўлганини кўрмоқчи эдим. Кўзим сал... Кўзойнагимни ишхонада қолдирибман.

– Кўзойнагим идорада, – деб жавоб қилди Парамонов, – бари бир нафи тегмаяпти, линзадан фойдаланяпман.

– Нима?

– Кўшалок линза. Чет элда ярим ойлигимга қўйиб беришди. Шунча пайтгача жонимни жабборга бериб юрган эканман.

Бахузур кулган Парамоновнинг оғзидан яқиндагина ичилган арокнинг ҳиди анқиди.

– Буфетингизда ичамизми ёки бирорта қаҳвахонага борамизми? – деб сўради Константинов.

– Ичишга арзигулик иш ҳам қилганим йўқ-ку, биродар. Қолаверса, бизда тартиб каттиқ – директоримиз гипертоник. Ўзи ичмаганига яраша, эркимизни чеклаб қўйган. У одаммас, зиндонбон... Агар бирор мураккаброқ ишқаллик чикса, бемалол. Ольга ҳаққи-хурмати, бир зумда машинангизни тузатиб бераман. Унинг айтишича, Луисбургга отланган эмишсиз?

– Рост. Бирор бир нарса бериб юбормоқчимисиз? Ёки олиб келайми?

– Қандай юмуш билан кетяпсиз?

– Хукукшуносман.

– Тушунмадим?

– Шаргиннинг юкларини конунлаштирмоқчиман.

– Леопольдни танийсизми?

– Фақат фамилиясини...

– Доно одам. Мцири¹⁹. Сафарингиз ҳақида сўраб-суриштириб қолганимга ажаблангандирсиз?.. «Жигули»нинг ярим соққасини йиғиб қўйгандим. Қолган ярмини ҳам топиш керак. Шунинг учун ҳам яна икки йил «ёғлироқ» ерда ишлаб келиш ниятидаман. Леопольд кичкина одам, бор-йўғи иктисодчи, холос. Берган ваъдасининг устидан чиқиши гумон. Сиз эса... Тоғни ҳам

¹⁹ Сут (грузин). Бу ўринда сутдек покиза одам демокчи (тарж.).

қайиролишингиз кўзингиздан билиниб турибди.

– Қанақасига?

– Буни тушунтириш мушкул... Факат хис қила олиш керак.

– Сафардан қайтганингизга кўп бўлдими?

– Йўк. Унча кўп вақт бўлгани йўк.

– Луисбург сизга ёқдими?

– Нима десам экан? Дуруст. Гонконгни ишқалсиз тута оладиган радиоаппаратурани улгуржи нархда сотиб олиш мумкин. Тўқимачилиги чакки эмас. Пойабзал, гапнинг очиги, сариқ чақага арзимади. Айтишларича, Испанияда пойабзал арзонмиш ўн бак²⁰ка пишиқ баретка олиш мумкин экан. – Парамонов капотни ёпди. – Мана, энди хотиржам юраверишингиз мумкин. Жон койитмай десангиз бошев узатгичларини сотиб олинг.

– Маслаҳат учун раҳмат. Сизларда муздек сув йўқми?

– Буфетимизда минерал сув бор.

– Қанақаси?

– Уларда қанақаси борлигидан мутлако беҳабарман. Қанақасини келтиришган бўлишса, ўшани сотишади-да. Оленкага салом айтинг. Машинасини кўп қувмасин. Жуда тез ҳайдайди-да.

– Айтаман. Машина ҳайдашни унга сиз ўргатганмисиз?

– Йўк, Дубов.

– Ким?! Эри-чи?

– Зотов бунга монеълик қилган. Тасодифан йўл фалокатига учрашидан жуда-жуда кўрқарди. Ольга автомобилни шу қадар тез ҳайдайдики, унинг олдида иккимиз ҳам ип эшолмаймиз.

Константинов портфелидан бир шиша «Жин» олиб, Парамоновга узатди:

– Раҳмат, Михаил Михайлович.

– Овора бўлиб нима қилардингиз, – деб жавоб қилди у, аммо, чор атрофга кўз ташлаб олгач, шишани ички

²⁰ Бак – доллар (америкача жаргон).

чўнтагига яширди.

– Назаримда Зотов билан учрашганман, – деди Константинов рулга ўтираркан, – у бироз оксайдими?

– Ҳа.

– Ўзи қанақа одам?

– Ландовур. Ольга билан ажрашиб жуда тўғри иш қилди.

– Тушунмадим?

– Инжиқ. На иссиққа кўнади, на совуққа. Кейинги пайтда машинасини созлаб беришдан воз кечгандим. Гўё моторнинг ичига кириб чикқандек билағонлик қилади. Ундай эмас бундай деб ҳар нарсага бурнини сукаверади. Ҳатто бу найрангбоз ёқангдан кириб кўлтигингдан чиқиб, ишини битириб олганини ўзинг ҳам сезмай қоласан.

– Менимча, у кўп ичса керак-а?

– Йўқ, бу гапингиз ноўрин. У ичмайди. Ичган тақдирда ҳам, бир қадах билан чекланади, холос, Балки ҳақиқатан ичар. Ҳатто бир литрни кўрмадим демас. Аммо дўстлари олдида обрўсини тўкиб қўйишдан кўркарди. Хорижда дўст дўстидан сир яширмайди.

– Ростдан-а? – дея хайратланиб сўради Константинов моторга ўт олдиаркан. – Ҳатто ўзинг ҳақингда кўп нарсани билмаслигинг мумкин-ку, дўстнинг дилидагини билишга йўл бўлсин. Яна бир бор ташаккур, кўришгунча...

«Славинга»

Парамоновни хибс этган йўл полицияси бўлимига киришга имконият топинг. Нима сабабдан ва қандай жазо олганлигини аниқлашга уриниб кўринг.

Марказ».

Славин

Белью билан учрашишдан умидини узган Славин изига қайтмоқчи бўлди. Аммо ёнидан уч полициячи кузатувида устахона томон ўтган портъени кўриб тўхтади. Орқасига ўгирилди. Портъе устахона эшигини очди. Хона деразасиз

бўлгани учун хаддан ташкари дим эди. Шифтнинг пастлиги етмагандек кондиционер трубалари ўтказилган эди. Йўлакда турган Славиннинг нигоҳи дастгоҳга тушди. Сандон ўрнатилган темир дастгоҳдаги чарм фартук устида асбоб-анжомлар бетартиб сочилиб ётарди. Славин кадрдон бир туйғудан сархуш бўлди. Бу хонада рус киши меҳнат қилганига тўла ишонч ҳосил қилди. Одатда инглиз ёки немис ишчиси иш вақтини мияларига кўрғошиндек қуйиб олишади, ғарблик ҳар бир дақикани долларга чақади. Фақат рус ишчисигина ишга берилганидан вақт қандай ўтганини сезмай қолади.

— Қўли гул устангиз кани? — деб сўради Славин ичкаридаги портъедан. — Ракеталарни тузатишга устаси фаранг, дейишганди.

— Қўли гулни ўлдиришди, — жавоб берди портъе, лекин полициячилардан бирининг еб қўйгудек қараётганидан ўринсиз жавоб қилганини сизди. Лабини кимтиди, муштини тугиб йўталиб қўйди. Хона бурчагидаги курсини суриб, ўтирмоқчи бўлганди:

— Ўрнингиздан тулинг, — дея ўшқирди ўша полициячи, — ҳеч нарсаса қўлингизни теккизманг!

...Славин хонасига қайтди. Пешайвон эшигини очди. Шезлогга ўтириб, кескин керишди.

«Сени назар-писанд қилмабман, Глэбб, — деб ўйлади у. — Зарба бердинг. Қаттиқ зарба бердинг. Тўғри, бу зарба билан шу хонада одамларимиздан бирини «оғдириб» олганингни сўзсиз тасдиқладинг. Демак Белью ҳақиқатни ёзган. Ўша сотқин ким? Ким энди чўнтагимдаги суратларидан бирини ажратиб, «мана бу» деб кўрсатиб беради?! Бельюнинг уйига бормаи тўғри қилибман. Акс ҳолда Глэбб котилликни менинг гарданимга қўярди. Кўнглимдагиларни у қандай ўқиб олди? Хатоим нимада?»

Славин ваннага кириб, кеча кечкурун Дуловдан олган суратларни ёкди. Кулини эзғилаб, сувга оқизди. Куйинди хиди келмаслиги учун хушбўй атир сепди. Кейин яна балконга қайтди. Кафтлари билан пешонасидаги терни

артди.

Ҳали уйғониб улгурмаган Пол Дикка кўнғирок қилиб, нонуштага чакирди.

«Аник, ишонарли, сохта хабар керак, – деб ўйлади Славин вазиятни тушуниб. – Глэббни ҳовуридан туширишим шарт. Йўқса вазифани уддалай олмайман. Шунча тоат-ибодат бир пул бўлади. Айғокчини тополмаймиз. Бу борада менга фақат бир киши кўмаклашиши мумкин – Дик! Унинг кўмагида маст ҳолда ресторанга бориб бемаъни иш қилганимга Глэббни ишонтиришим керак. Бельюни кўрмадим. Афсус, суҳбатлашолмадим. Ярим ҳақиқатни айтиш билангина Полнинг ишончини қозонишим мумкин. Глэббнинг МРБдан эканлиги унга сир эмасга ўхшайди. Бу ҳам менинг фойдамга».

Майхона кимсасиз эди. Пол Дик бўшашган, кайфиятсиз, қўллари бироз титраётган ҳолда келди.

– Алкоголизм – социал касаллик, Иван, – деб хўрсинди у. – Шундай бўлгандан кейин эрталаб ичишдан бўлак чора йўқ. Сен қайси биридан отмоқчисан?

– Қаҳва ичаман. Кортда бир теннис ўйнаш ниятим бор. Мени Иван деб чақиритишга сира кўниколмаяман.

– Руслар мен учун Иван. Миллатингни исмингдан билиб олишлари қандай яхши. Айтайлик, Жон деганда хаёлингизга ялт этиб инглиз миллати келмайди...

– Нега?

– Чунки қовушмаган подамиз, ҳар ким ўзи учун яшайди. Миллий ҳамжиҳатлик хислати етишмайди.

– Пол, миллатни чизган чизиғингдан чикмайдиган подага ўхшатиш яхши эмас. Толстойни, Достоевскийни ўқи...

– Адабиёт уйдирма, – деди Пол Дик энсаси қотиб, – у одамни боши берк кўчага киритиб қўяди. Агар Диккенсни ўқигудек бўлсанг, британияликни энг покиза миллат эканлигига шубҳа қилмайсан. Қолаверса, улар ўтмишда

сип²¹ларни тўпга тутишган. Мопассан французлар ҳақида рўйи рост ёзган. Ёдингдами, тўрни, балиқ овлаш анжомларини сақлаб қолиш учун ака ўз укасининг кўлини чопганди. Биз эса: французча енгилтаклик, французча енгилтаклик, деймиз! Ер юзидаги энг нокас халқ – шу французлар.

– Миллатни бунчалар ерга уриш ўта маданиятсизлик...

Пол қошида мулозамат билан турган официантга ўгирилди:

– Менга «Блади мэри», жентельменга – қахва.

– Пол, нега ўзингга бунча жабр қиласан? – деб сўради Славин.

– Мен аллақачон мурдага айланганман, Иван.

– Ўлишга шошилма. Ҳаётнинг қизиғи энди бошланяпти...

– Стейнбекка нима бўлганини билмасанг керак-а? Уни ахир Хемингуэй ўлдирган. Ҳа, ҳа. У Эрнининг асарларига эмас, аксинча, умрига ҳаддан зиёд ҳасад қилган эди. Эрнининг бошидаги ҳарбий мухбирлик тожиги ҳасад қилгани учунгина Вьетнамга жўнаганди. Испанияда республикачилар орасида эришолмаган шавкатга Осиёда, отишма кетаётган жойда, ҳалокат ёкасида эришиш мумкин-да, ахир. Менинг ҳам бошимга ҳасад етди. Ҳаммага ҳасад қилардим. Ҳасад ёндириб, кул қилади...

– Истасанг ажойиб сюжет таклиф қиламан, – деди ўйчан оҳангда Славин.

– Майли.

– Мени ошкор қилмасликка сўз бер.

Официант бир стакан виски билан томат шарбати, қахва келтирди. Пол Дик виски тўла қадахни бир кўтаришда бўшатди. Лаҳза ўтмай унинг пешонасида тер маржонлари кўринди.

– Мана энди сен билан гаплашаман. Ўғлим, яна бир қадах келтир, айт, муздан кўпроқ солишсин... Хўш, сўз

²¹ Сип Буюк Британияда истикомат қиладиган миллат.

бераман. Нима демоқчи эдинг?!

– Бугун бир одамнинг ўлимига давонгир бўлдим.

– Обқоч-а.

– Узокрокками?

– Тушунтир, нима бўлди?

– Ёдингда бўлса, кеча сизларни рус коктейли билан меҳмон қилиш ниятида ресторанга тушган эдим.

– Ёдимда йўк, қолаверса, бунинг аҳамияти йўк. Хўш?

– Ертўлада инглиз, французча фамилияли славян ишлашини аниқладим. Рус таомларини тайёрлашдан хабардор бўлса ажаб эмас, деган умидда ундан кўмак сўрамоқчи эдим. Бу одамни сўраб-суриштиришимни айғокчиларингиз эгрига йўйишибди. Бугун уни ўлдиришибди.

– Бекорчи гапларни қўйсанг-чи!

– Рост!

– Балки бу айғокчиларингизнинг ишидир.

– Қани энди шундай бўлсайди, – деди энсаси қотиб Славин. – Агар у бизнинг одамимиз бўлганда зўр иш бўларди – «Хилтон»даги барча сир-асрорларни билиб олардик. Айниқса, у кондиционер ускуналарингиз тузилишини яхши билган бўлса керак?!

– Ўша славяннинг фамилияси нима?

– Белью, Айвен Белью. Агар бу гапни Глэббга етказгудек бўлсанг, мендан эшитганингни айта кўрма.

– Нима учун? Руслар ҳаммаёққа айғокчилар қўйишган деб хавфсирайдими?

– Руслар ҳақида кўп нарса билар экансан. Глэббдан Белью ҳақида бирор нарса билмоқчи бўлсанг, у сендан «Славин бунга қардан, қачон билибди?» деб сўрайди. Дарров эмас, бирор ярим соатдан кейин, албатта сўрайди.

– Гаров ўйнайсанми?

– Бир шиша арокдан.

– Розиман. Сенга телефон қиламан.

– Хонамга кирганинг маъкул. Бугун қарда тушлик қилмоқчисан?

- Ҳозир бирор нарса дейишим қийин.
- «Макдоналдс»чилар меҳмони бўлмаймизми? Ажойиб кишилар билан танишардик.
- Яхши, Соат иккида ховлида учрашайлик. Нима дейсан?!

Славин фақат «Фиат» автомобилени бошқаришни маъкул кўрарди. Чунки бу машина бир жиҳатдан «Жигули»нинг ўрнини босар, ҳайдашга қулай эди. «Ягуар» ёки «Мерседес»нинг ушовидан тушови қимматлиги, ёқилғи кўп сарф қилишини Славин яхши биларди. Славиннинг қатъиятли илтимоси автопрокат бюросининг маъмурасини ўрнидан «кўзғатди». Анчадан кейин «Фиат» топилганини маълум қилди...

Шаҳарга чиқишдан олдин Славин гараж механигини саволга тутди:

– Африкада сира машина бошқармаганман. «Фараонлар» қўлига тушмасликнинг йўл-йўригини ўргатинг.

– Фараонларимиз беозор халқ, сэр. Фақат ҳаддингиздан ошсангизгина ушлашади. Сизларга, оқ танлиларга юз доллар жарима солишади. Полициячиларимиз порахўрликда пир бўлиб кетишган. Порани олгунча, жонингизни ҳиқилдоғингизга келтиришади.

– Оқ танли ҳайдовчи яна нималардан хабардор бўлиши керак?

– Шу, холос... Агар тунда кўнгилхушлик учун ёнингизга жононни ўтказсангиз, уни машинада ечинишга асло йўл қўйманг. Қизларимиз бало, эсингизни йиғиб олгунингизча қип-яланғоч бўлиб олишади. Кейин, «Ёрдам беринглар, тунашяпти» деб, айюҳаннос солишади. Жанжални босди-босди қилиш учун уларга уч юз бак бериб қутуласиз.

– Раҳмат, ёдда тутаман, – деб ваъда қилди Славин, – бошқа ҳеч нарсадан хавотирланмасам бўладими?

– Йўк, сэр. Кузойнак тақасизми?

– Ҳа.

– Кўзойнаксиз рулга ўтира кўрманг! Сезган бўлсангиз туб аҳоли кўзойнак такади. Айтишларича, ота-боболаримиз кийик кўз, яъни авитаминоз бўлишган. Шундай. Хуллас, бу полицияга қўл келади. Кўп эмас, йигирма доллар жарима солишади. Сизлар учун пул сарик чакадур, аммо, бизлар учун бундан мушкулроқ жарима йўк.

«Мен учун ҳам, – дея кўнгилдан ўтказди Славин. – Раҳмат сенга, механик. Шу йўлни тутишим керак, акс ҳолда ёмон бўлади. Бахтикарро Белью туфайли виждон азобида қоламан. Фақат Полнинг кайфи ошиб қолмаса, бас. Мени Глэббга ошкор қилмайди. Ошкор қилмаса керак. Ошкор қилса-чи?! Илож қанча, ўйинимиз яна жиддий тус олади. Ўзга чора йўк. Ўйин, шубҳасиз, ўйин унинг ҳамласи билан бошланади. У мени ертўлада кўрмаслиги ва илк ғалаба нашъасини сурмаслиги керак эди».

Славин океан кирғоғи ёқалаб ястанган кенг авенидуга чиқиб олгач, машинанинг тезлигини синаб кўрди. «Фиатик» газ педалига оёқ тегди дегунча елдек учар, тормози кескин, каттиқ эди.

Славин автомобилнинг олди кўзгусида машинаси ортидан изма-из келаётган «Мерседес»ни кўрди... «Бу Глэббнинг найранги...» – ўйлади Славин. – Қани йигитлар, бир пойга ўйнаб кўрайлик-чи. Фақат, бекорга овора бўляпсизлар, Беҳуда уриниш. Бундан кўра, Глэббни кулбасига қўшиб қўшмозор қилганларинг, келган жойингга жўна деб орқасига тепганларинг минг марта афзал эмасми; ўшанда бу ерга учиб келмаган, Айвен Бельюни изламаган, сизлар билан қувлашмачоқ ўйнамаган ва муаммони тагига етишда бунчалик овора бўлмаган бўлардим. Излаган нарсамнинг тагига етмасдан қўймайман. Излаган нарсамни албатта, топаман».

Бензоколонкага яқинлашгач, Славин машина тезлигини камайтирди. Шаҳд билан ўнгга бурилган автомобилнинг ғилдираклари чийиллаб кетди. «Фиат»нинг

ортидан келаётган «Мерседес» бурилишга улгуролмай, олдинда, газета дўкони рўпарасида тўхтади. Славин автомобилнинг олд кўзгусидан айғокчиларни кузата бошлади. «Мерседес»дагилар анча вақтгача автомобилдан тушишмади.

«Орқага қайтишимни кутишаётган бўлишса керак, – деб ўйлади Славин... – Хато қилишади».

Славин колонна хизматчисини ёнига чақириб, бензин куйиб беришни илтимос қилди. Колонна хизматчиси новни «Фиат»нинг ёқилғи бакига тўғрилаб, счётикни ёққандан сўнгина «Мерседес»дан бир киши тушди. У дўкондан газета харид қилди.

– Илтимос, ғилдиракларга қандай дам берилганини текшириб кўрсангиз, – деди Славин колонна хизматчисига. Ўзи эҳтиёт камарини тақди.

– Ҳаммаси жойида, сэр, – деди хизматчи ғилдиракларга кўз ташлаб.

– Мен сиздан ҳар бир ғилдиракни синчиклаб кўздан кечириб, болтлари бўшамаганлигини текшириб беринг, деб илтимос қиялман. – Славин хизматчига бир доллар узатди. Хизматчи худди «кўпни кўрган» кўзбўямачилардек чапдастлик билан пулни олди.

– Ҳой–дея кулди Славин, «фиат»нинг лопиллашидан ажабланиб,– мен сиздан машинани ағдар-тўнтар қилишни сўрамадим-ку!

– Ғилдираклардан хотирингиз жам бўлсин, сэр. Чидамлилигига юз фоиз гувоҳлик бераман, – жавоб қилди хизматчи. – Олд ғилдиракка ортиқча дам берилган. Қирк бир-у тўксонга тушираман...

Славин чоррахадаги светофорнинг яшил чироғи ёнишини мўлжаллаб, автомобилни секинлаштирди. Машиналар ўрнидан кўзғалиши ҳамоноқ, автомобилни шахд билан қарама-қарши томонга бурди. «Мерседес»дагилар доғда қолишди. Автомобилни орқага буришнинг иложи йўқ – машиналар яқинлашиб қолганди. Славин автомобилни жинкўчага буриб, мўъжаз

меҳмонхонанинг ховлисида тўхтади. У қаҳвахонага кирди-да, қаҳва буюрди. Ярим соатдан кейин яна рулга ўтирди. Орқада «дум» йўқ эди. «Ўзингиздан кўринг, йигитлар, – деди Славин ичида айғокчиларнинг ҳолига ачиниб, ўзингиздан кўринг. Мендан ўпкаламам, сурбетлик қилганим йўқ. Машинани орқага бурдим, холос... Кейинги сафар орқароқда юринг, олдинда нима бор? Кузатаётган кишингизни ландовур деб ўйлаш яхшимас...»

Кун ниҳоятда иссиқ эди. Куёш ер-у кўкни ёндирар, асфальт йўл шу даражада қизиган эдики, Славин йўлни баҳорги пилчиллаган музга ўхшатди. Худди охириги марта балиқ овига бораётгандексан. Бундай вақтда Завидов кўлида лаққа балиқ жуда, яхши илинади-да. У ернинг ҳавоси ҳам ўзгача; салкин, янги ювилган кийим хиди анқиб туради. Бу ерда эса дим, устига-устак, куёш вужудингни, айниқса, товларингни ўтдек қуйдиради. Экваторни елканинг чуқури кўрсин.

Славин бешинчи марта йўл ҳаракати қондасини бузгандан кейин, «ниҳоят» полициячи уни тўхтатди.

– Қандай тезликда келаётган эдингиз, сэр? – деб сўради у кўлини базўр шапкасининг соябонига яқинлаштириб.

– Катта тезликда, – деб жавоб қилди Славин.

– Ўз айбингизга дарров иқроор бўлганингиз яхши. Марҳамат қилиб ҳайдовчилик лицензиянгизни кўрсатсангиз.

Славин чўнтақларини кавлаган бўлди.

– Жазойингизга тайёрман, ёдимдан чиқибди...

– Республикада жазо бекор қилинган, – деб жавоб қилди полициячи «Бундай муомала милиционерларимизга жуда асқотади, – деб ўйлади Славин. – Гуноҳдан ўтиш фақат миллатга хос хислат. Фёдор Михайлович ҳақ экан, юз карра ҳақ экан».

– Энди нима қилдик? – деб сўради Славин.

– Участкага бориш керак, сэр. Кимлигингизни аниқлашим лозим.

Славиннинг нияти ҳам шу эди.

У полиция участкасининг тор, ним қоронғи кондиционер бўлмаган дим йўлагида, қовокларини тошдек босаётган мудроқни базўр енгиб турган кекса навбатчи-полициячининг рўпарасида ярим соатча ўтирди.

– Мехмонларни доим шундай илҳақ қиласизларми? – деб сўради Славин.

– Дамингизни олибсиз-да...– деб жавоб қилди чол. – Ҳарҳолда куёшнинг жазирамаси остида эмассиз.

– Бу ерда нафасингиз қайтмаяптими, ахир ҳаво йўқ-ку?!

– Ҳаво барча жойда бор, – дея чол монелик билдирди. – Набирам ҳатто денгизда ҳам ҳаво бор, дейди.

– Агар офицердан текширувни тезлаштиришни илтимос қилсам, хафа бўлмайдими? – деб сўради Славин, – Жаҳли чикмас-ов?

– У сиздан хафа бўлишга бўлмайди-я, аммо врач тушликка кетган.

– Мен йўл фалокатига учрамаганман. Врачнинг зарурати йўқ.

– Участкамизга ташриф буюрганларнинг барчасига врач керак, сэр. У сизнинг ичган-ичмаганлигингизни, кўз касалига чалинмаганингизни, кечқурун ухлатадиган дори қабул қилмаганингизни аниқлайди.

Хушторининг олдида барваста қадди-қоматини намоёиш қилгандек қора танли доктор аёл назокат билан Славиннинг рўпарасига келди. Унга қалин, қора дарпарда тортилган дераза ёнидаги стулни кўрсатди.

– Ўткир ичимлик ичганмисиз? – деб қизикди доктор. – Қанча? Қачон?

– Кеча виски ичгандим.

– Қайси вақтда,

– Кундузи.

Врач соатига қаради.

– Агар соат иккига қадар ичган бўлсангиз, анализ кон таркибида спирт борлигини рўйирост кўрсатади. У ҳолда

хайдовчилик лицензиянгиздан маҳрум килишга мажбур бўламан.

– Сизми ёки полиция офицерими?

– Иккаламиз бир хил мавқега эгамиз, сэр.

– Яна қандай сабаб лицензиямдан маҳрум қилишингизга баҳона бўлиши мумкин?

– Кўкнори ёки спиртли ичимликларга майлингиз кучли бўлса, биздан асло ўпкаланманг. Ҳозирча бармоғингизни беринг-чи. – Доктор шундай деб Славиннинг бармоғидан анализ учун қон олди. Сўнг лабораторияга кетди. У ердан бир зумда қайтди. Бошини хижолатомуз тебратди.

– Ҳақиқатдан ҳам тушга қадар виски ичибсиз. Қонингизда ичкилик аломатлари йўқ. Марҳамат, бу ерга ўтиринг, чап кўзингизни юминг. Қани, деворда турган лавҳадаги осиглиқ мана бу ҳарфнинг номини айтинг-чи?

– Кўзойнаксиз кўролмаيمان.

– Кўзойнак такмай, рулга ўтиришга қандай ҳаддингиз сиғди?

– Жахлингиз тез экан.

– Гап жаҳлда эмас, қонунда, – дея доктор уни чўрт кесди. Яна Славинни ҳайратга солиб, қадди-қоматини назокат-ла, кўз-кўз қилгандек у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. – Гарчи, хизматчиларимиз кўнгилчан бўлишса-да, қонун ҳолисликни талаб қилади.

«Фаразим тўғрига ўхшайди, – деб ўйлади Славин. Парамоновга қанча жарима солишган экан? У гувоҳномасидан маҳрум бўлишдан чўчиб, тунда Луисбург бўйлаб зир югурган. Яқин танишларидан қарз сўраган. Умуман, шунақага ўхшаяпти. Илойим шундай бўлсин-да. Ўша кеча у Никитиндан эллик доллар, Прокловдан эса етмиш беш доллар олган. Ёнидаги йигирма беш долларни қўшиб – юз эллик доллар билан инсоний кўнгилчанликка холис бўлмаган хизматчиларнинг қўйнига қўл солган».

«Марказ.

Парамоновнинг кўриш қобилияти қандайлигини аниқлаш лозим. Астигматизм касаллигига чалинмаганми? Кўзойнак такадими? Кўриш қобилияти ёмон ва ичкиликка муккасидан кетганларни ҳайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум қилишаркан. Парамоновнинг ичкиликка майли қандай?

Славин».

«Славинга.

Тахминингиз тўғри чикди. Парамонов эътироф этилди.
Марказ».

«Азизим !

Қиска муддатли айрилиқ севги-садоқатни синайди. Бу сўзларингнинг мағзини энди чақяпман. Ростдан ҳам, олам-олам севинч, қайта жон ато қилувчи, оромбахш учрашув дилингга умид соларкан. Бардошинг тугаса ҳам, учрашув дақиқаларини илҳақ бўлиб кутаркансан. Айрилиқ – севгининг, меҳр-оқибатнинг барқарорлигини имтиҳон қилишда ўзига хос ва айни вақтда, зарурий эҳтиёж, деб жуда тўғри айтган экансан, Меҳр-оқибатнинг кўтарилишини тошойнадаги дарзга ўхшатгим келади. Мана шу дарзни курум босгани сари тошойна хиралашади. Меҳр-оқибатсиз ҳаёт ўз қадр-қимматини йўкотади. Дахшат.

Бу гапларимдан, мени ташлаб кетаркан деган ҳаёлга борма. Асло! Зотан, маслаҳатларингга риоя қилиб сени ташлаб кетишим ҳам мумкин... Севги билан никоҳ ўртасида ер-у осмонча фарқ бор. Никоҳни бузиб бўлмайди. У муҳаббатнинг мукаддас муҳри. Севги чинакам бўлмаса, кишини алдовчи омонат, хис-туйғуларга суянса пойдеворсиз бинодек нурайди.

Гапларимга ҳайрон бўлма.

Бундай хат ёзиш қабиҳлик эканини ўзим ҳам яхши тушуниб турибман. Бироқ ўзимни оқлашга асосим, наинки асосим – ҳақким бор. Чунки ўзинг ростми-ёлғонми дилимдагини рўйирист айтишимни хоҳлайсан-ку.

Кеча Москва-река соҳилида сайр қилдим. Соҳилнинг одамлар билан гавжумлигидан ёқамни ушлаб қолдим. Ҳаммаси навқирон ёш-яланглар... Ильф ёзганидек узун оёқлилар... Адашмадимми? «Ёш бўлишни ва велосипедда сайр қилишни хоҳлайман». Умуман, бу сўзларни ўлими олдидан ёзган бўлса-да, тўғри ёзган, мен эса чўмилишдан кейин ёзгман. Аммо ўша вақтда кўл бўйида туриб умрнинг оқар сувлигидан даҳшатга тушдим. Эндигина йигирма баҳорни қаршилаган гўзал ва хушбичим йигит-қизлар орасида ўттиз ёшга кирган бўлсам-да, ўзимни бир қадар қаригандек ҳис қилдим. Бунга айтарли эътибор қилмаган бўлсам-да, бари бир дилимни ўқинч қамраб олди. Болалари – иккита қизи, бир ўғли билан сайрга чиққан қирк ёшли аёл ёнимдаги бўш жойга ўтирганида бу ўқинч мени баттар исканжага олди. Тўладан келган, юзларига ажин тушган бу аёлнинг ёшлар орасида ўзини хотиржам тутиши, қарилигини ҳис қилмаётгани мени ажаблантирди. Ёнида болалари борлиги унга далда берса керак-да!

Шунақа гаплар.

Ҳозирги ёшларга ҳайронсан, ҳеч нарсадан «тап тортмай», «хозу»га, куй тинглашга таклиф қилишади. Монелик билдирсанг номигагина ҳам ранжишмайди. Рост, бири Гумилевнинг шеърларини ўқий бошлади. Яхши кироат қиларкан. Унинг бармоқлари, курук суяк бармоқлари нимжон. Бундай бармоқларни рентгенда кўраверганимдан, хаёлимга «суяк сили бунча кўп бўлмаса» деган фикр келди.

Ҳар куни эрталаб хиёбонга югуришга чиқиб кетгансан, деган хаёл билан уйғонаман, нонушта ҳозирлаш керак деган ҳис мени чулғаб олади. Йўқ, балки бу тасаввур эмасдир деган ўй зарбига учрайман...

Эс-ҳушим жойида эмас, деб ўйлайман. Ёнимда йўқлигингни ўйласам айрилиқ мени ўз исканжасига олади. Ўзимни хотиржам тутишга уринаман. Тамаки чекаман. Алексей Толстойнинг «Наҳорги очликка чидаш – фақат русларга хос хислат» деган сўзларини эслайман. Фақат

буюк табиб ва ёзувчиларгина бир жумла билан бутун дардларга таъриф беришлари мумкин.

Сендан жуда тез безиб қоляпман. «Хислат – иккинчи даражали хулқ-атвор». Нега энди иккинчи даражали? Хулқ-атвор – хислатлар йиғиндиси эмасми? Ҳақиқатан ҳам хулқ-атвор иккинчи даражали бўлса, интизом-чи...

Кеча ажойиб ансамблни кўрдим. Замонавий, қора баркутдан тикилган костюм кийган йигитлар қадимги рус халқ кўшиқларини ижро этишди. Қаттиқ таъсирландим. Кошинсиз безак бўлмайди. Кошин безак эмас, балки музей анжомидир. Хуллас, гап замонавий, бежирим костюмда ёки миллий кийимда ҳам эмас, аксинча унут бўлаёзган рус халқ кўшиқларини келажак авлодга сақлаб қолишдадир.

Кеча Константин Иванович кўнғироқ қилди, ишларинг жойидалигини, тез орада қайтишингни айтди. Тез кунда қайтиб келмайди, овозингиздан сезиб турибман, десам, у кулиб юборди. Ўзимни-ўзим бекорга овинтираётганимга иқрор бўлдим. Аёл зоти шунақа ўзи. Шайтон васвасага солган. Бундай сўзлар битилган мактубимни ўқиб, мендан воз кечишни хаёлингга келтира кўрма, бошқа аёллардан фарқим йўқ, аммо, уларнинг айримлари муғамбирлик килишни яхши кўришади.

Шундай.

Эркаklar тоифаси турли бўлади. Шунчаки турличагина эмас. Ҳар бирингизнинг ўзгача қаҳрингиз, ўзгача меҳрингиз ва ўзгача ғарзингиз бор. Бизлар эса бундай туйғулардан мустасномиз.

Надя Степановани учратдим. Эридан ажралганидан хабаринг борми? Ғалати аёл. Степановнинг таърифига сўз йўқ. Китоблари тез-тез чоп этиляпти. Ижод кишисига ҳукм ўтказиб бўлмайди. Биз аёллар бунинг фарқига борармидик, шундай эмасми.

Биласанми, биринчи учрашувимизни тез-тез эслайман. Ҳузуримга киролмай, гаранг бўлганинг менга жуда хуш ёққанди. Дам олаётган эркаklar мен билан танишишга баҳона излаб «соатингиз неча»? деб гап отганларидаги

важохатинг ҳамон кўз ўнгимда. «Ҳозир бир...» Жуда ярамас жумлами-а? Тилимиздан илинганимизни ўзимиз ҳам билмай қоламиз. «Ахири, гугурт керак бўлибди-да?» деб сўраганимда кулиб юборганинг-чи! Қизларнинг қандай севишини биласанми? Наҳотки? Қизлар йигитлардан ўн чандон кучлироқ севишади. Ваҳолангки, Пушкиннинг «аёлни қанчалик кам севсак, унга шунчалик кўп ёқамиз» деган сўзларини яхши билсанг керак? Пляжда бирорта аёл билан гаплашаётганингизни кўрдик дегунча юрагимизга гулгула тушади. Лекин сир бой бермаймиз. Ўчакишиш учун биз ҳам бирорта аҳмоқнинг атрофида гирдикапалак бўламиз. Шунда сизлар – ақлли, кучлиларни назарда тутяпман – бизларга эътибор қилмай кўясизлар. Бизлар буни ҳам биламиз, аммо, бари бир лақиллатамиз.

Шунақа гаплар.

Биласанми, шу дамда нимани ўйладим – сен билан турмуш қурганимдан ғоят бахтиёрман! Ҳаётим лаззатли! Бир-биримизни севишдан ўзга ташвишимиз йўқ. Ҳурматли ўртоқ Славин, рафикангиз Ирина сизни қанчалик севишини биласизми? Унинг қанчалар севишини билмайсиз, мухтарам ўртоқ Славин. Шунинг учун ҳам у бу мактубни бурда-бурда қилиб ташлайди ва бошқача, бошдан-оёқ «оҳ-воҳ»дан иборат бўлган мактубни ёзади. Ёки ундай қилмайми?

Сени ўпаман, жонгинам! Мендан йигирма икки ёш катта эканингни саккиз йилдан сўнг пенсияга (ёки сизларда истеъфо дейиладими? Бунинг нима фарқи бор, фақат атамаси ўзгача) чиққанингда ёнингдан бир қадам ҳам нари жилмайман. Аксинча, йўқ. Сенга рентген кабинетидегидек термилиб ўтирмайман. Бунинг нима қизиғи бор. Аммо эрталаб ва кечкурун, албатта, қошингда парвона бўламан.

Шундай.

Сен ҳам мени тарк этмайсан. Беш ойдан сўнг. Чунки, айрилиқда яшай олмаслигинг рост, шунинг учун ҳам менга бахт ҳада этгувчи дақиқани – қайтишингни интизорлик билан кутаман.

*Виталий Всеволодович Славинни
севиб қолувчи Ирина Прохорова».*

«Марказ.

Бельюнинг фожиали ўлиmidан кейин Хренов Луисбургда кўринмай қолди. Унинг турар жойини аниқладик. Меҳмонхона бекаси у сафар анжомларини йиғиштирганини, самолётга билет сотиб олганини маълум қилди. Қаёққа кетгани номаълум. У МРБнинг қабоҳатидан жон сақламоқчи бўлган бўлиши мумкин.

Славин».

«Славинга.

Луисбургдан куруклик йўл бўйлаб Нагонияга жўнатилган 642 рақамли транспортнинг жўнаганига анча бўлди. Аммо транспорт кўрсатилган муддатда белгиланган жойга етиб бормаган. Буни аниқланг.

Марказ».

«Марказ.

Оганонинг матбуот хизматига алоқадор кишиларидан олинган маълумотга караганда, 642 рақамли транспорт ўтган ҳафтада унинг кўшинлари томонидан қўлга олинган.

Нагония учун юк ортилган машиналар Луисбург орқали келишини аввалдан билганини ва карвон унинг «яшил кирғийлари» томонидан талон-торож қилинганини Огано очикдан-очик маълум қилди. Юк машиналарининг қачон, қайси йўл орқали ўтиши ҳақидаги аниқ маълумот кимдан олинганлиги номаълум, бироқ, карвоннинг маршрути Луисбург ҳукумати маъмуриятига маълум бўлган. Юк машиналарининг жўнаш вақти ва маршрути транспорт бўйича мутасадди вакилларимиз ҳамда маҳаллий транспорт министрлиги билан аввалдан келишиб олинган.

Славин».

«Славинга.

Нагонияга юборилаётган юкларнинг жўнаш вақти ва маршрути билан қайси мутахассисимиз шуғулланади?

Марказ.

«Марказ.

Юкларни жўнатиш муддатини Зотов назорат қилади. Маршрутни эса шу йилнинг апрель ойида Луисбургга командировкага келган, ташқи савдо бирлашмаси ходими Шаргин билан маслаҳатлашиб олинган.

Славин».

«Славинга.

Шаргин назоратимиз остида. У ҳақида бирор маълумот бероласизми?

Марказ».

«Марказ.

Бу ерда Шаргинни ижобий баҳолашяпти. Шу билан бирга, уни ичкиликка берилганини айтишади. Аёллар билан алоқа қилишдан ўзини ниҳоятда тийиши аниқланган. Ўта кучли моделдаги «Панасоник» радиоприёмнигига келсак, Шаргин уни бевосита фирмачи — Грегорио Амаралдан 512 долларга сотиб олган. Бирок у Луисбургдан жўнаб кетаётганда, аэропортнинг божхонаси текширувидан ўтаётган вақтда сўнгги нусхадаги «Минокс» маркадаги микрофотоаппарат ва 125 долларли «Гертон» диктофони сотиб олганлиги қайд қилинган. Савдо ваколатхонасининг бухгалтериясидан олинган маълумотларга кўра, унга харажатлар учун 650 доллар беришган. Ижара ҳақини эса бирлашма тўлаган.

Славин».

«Славинга.

Шаргин билан бир вақтда Луисбургга «Трейд корпорэйшн»лик коммерсант Ван Зэгернинг келган-келмаганлигини аниқланг.

Марказ»,

«Марказ.

Коммерсант Ван Зэгер Луисбургга келмаган.

Слазин».

«Славинга.

Луисбургда «Трейд корпорэйшн» ваколатхонаси бор йўқлигини аниқланг.

Марказ».

«Марказ.

Луисбургда «Трейд корпорэйшн» ваколатхонаси йўқ,

Славин».

Иккинчи тафтиш

Жванов, Гмиря

Кичик лейтенант Жванов Парамоновни магазинда «кутиб» олди. Парамонов озиқ-овқат магазинининг витринасини кузатган киши бўлиб, орқасидан «бирортаси» изма-из келмаётганига ишонч ҳосил қилгач, Цизин хузурига, «Минерал сувлар»га «шўнғиди».

Аввалги кунлар тажрибасидан Парамонов пештахта олдида узоқ турмаслигини билган Жванов, унинг ортидан ичкарига кирди. Цизин «Витаустас» тамғали шишадан стаканга минерал сув қуйиб, харидорга узатди. Шишани эса пештахта остидаги музхонага қўйди.

Парамонов бир сипқоришда стаканни бўшатди. Башарасини бужмайтирганча бир зум тош туриб қолди. Сўнг ранг-рўйи бирданига қизарди ва ликопчага беш тийин ташлаб, магазиндан чиқди.

Жванов стаканни Цизиндан аввалроқ ушлаб олишга улгурди. Уни бурнига яқинлаштирди – ундан ароқ иси анкиди.

– Шишани бер! – деди Жванов, – лақиллатишни хаёлинга келтирма.

Цизин чўнтагидан эллик сўмлик чиқариб, Жвановга узатди:

– Зуғум қилма, газанда.

– Менга нима суқяпсан? Нима суқяпсан?! – деди Жванов жиғибийрон бўлиб – куй деяпман, мени ким деб ўйлаяпсан, ярамас товламачи?

– Шошма, шошма, нега бақирасан. – Цизин нафаси ичига тушиб шивирлади, – аслида сени у ердан деб ўйладим... Ҳозир қуяман... бажонидил қуяман...

У музхонадан шишани олди. Аммо қопқоғини очаётган вақтида идиш қўлидан тушиб кетди; чилпарчин бўлди. У иккинчи шишани олиб уни ҳам очаётган вақтда атайин уни ҳам синдирди ва Жвановга ўшқирди:

– Сенга нима керак? Нима қуяй?! Ароқ билан савдо қияпти деб ўйладингми-а! Қани исбот қилчи! Тухмат учун абжағингни чиқаришимни биласанми?!

Магазинга учта кампир кириб келганда Цизин гўе улар олдида ўзини оклагандек йиғламоқдан бери бўлиб, баландрок бақира бошлади.

– Пора олмоқчи! Ароқ қуй эмиш, йўқ нарсани каердан олай, ахир! Ҳақорат қилишларига йўл қўймайман! Тухмат учун янги конституция бўйича жазолашади! Мана бу олифтанинг соч-соқол ўстириб олганини қаранг, беҳаё!

Хонадонига ташриф буюрган полковник Гмирянинг сўзларини диққат билан эшитган Парамоновнинг рафикаси паст, синиқ овозда:

– Гапларингизни тушунолмадим. Бирор кор-қол рўй бердимиз? – деб сўради.

– Йўқ, ҳеч қандай воқеа рўй бергани йўқ. Эрингиз хақидаги бор ҳақиқатни билмоқчи эдим. Балки мушқулингиз осон бўлар.

– Нимасини айтай. Авваллари унда-бунда, – аёлнинг чехрасини аллақандай хазинлик камраб олди, – байрамларда... ёки туғилган кунда ичарди...

Гмиря стул суянчиғига суянди, хонага кўз югуртирди;

хаммаёк саранжом-саришта, ўртада ялтиллагудек килиб артилган стол, диван-каравотга оппоқ чиннидай чойшаб ёпилган. Дераза тоқчасидаги тувакларда ёввойи ёронгуллар кийгос очилган. У беихтиёр хўрсинди ва гапнинг индаллосига ўтди:

– Мени кечиринг-у, лекин, сиз ниманидир яширяпсиз? Бундан наф бормикин?! Маст-алас, дуч келган жойда чўзилиб қоладиган, пиянистадан фарқли ўлароқ, ҳар куни тушлик ва кечки овқат олдидан бир стаканни лўққа ютадиган кишилар оилавий бахтнинг кушандаси бўлишади. Тушликда, кечки овқат олдидан киттак олган одам нонуштага ҳам киттак олишга одатланади. Чет элда ишлаб келган аёлнинг жанжал кўтарилишидан қўрқиб, ич-ичини кемираётган аламини бошқалардан яшириши, ўз ёғида ўзи қовурилиши, қозонини сувга ташлаб кўйиши ўта бахтсизлик эмасми? Чет элдан олиб келган «Сони» радио системаларинг қани? Ароққа пули етмагани учунгина уни икки мингга пуллаган. Киноаппарат қани? У ҳам коммиссион магазинга қиялаб кетган. Ароқ учун! Шундай эмасми? «Жигули» учун жамғарилган пул қаерга кетди? Жанжал-тўполонсиз тежаб-тергаб ичиб тамомлаяпми. Кунига ярим литр – ўн сўм, шанба, якшанба эса йигирма сўм... Ойлик эса – юз саксон... Хотин касалманд. Юраги чаток, ҳеч қаерда ишламайди. Устига-устак, якка-ягона қизга қирим ҳақи тўлаб туриш лозим. Ёки гапларим ёлғонми?

Аёл йиғлаб юборди. У унсиз, армон билан йиғларди. У ёшига ярашмаган бир ҳолатда, болаларча кўзёш қилар ва шу билан аламини тўкиб соларди.

– Қора ерда чиригур, гўрсўхта, – деб шивирлади у. – Бўйнинг қирқилгур, пияниста. Илойим ароқ-пароғинг билан қўшмозор бўлгин. Худонинг берган куни... Ўн сўм бўлса майли эди-я! Бир вақтлар машина сотиб олишни, жанубга дам олишга боришни қандай орзу қилгандик. У пайтда Мариночка бағримизда эди. Отасининг зугумидан қутулиш учунгина эрга тегди-да, бечора. Ўйин-кулги

нималигини билмай бегона оиланинг оғир ишига тугилди. Беш сўмни у тушгача ичади. Кечки овкатга яна яримта арокни кўрмадим дейди. Шанба, якшанба кунлари кўлига ортиқча пул тушиб қолса тонг саҳардан йигирма сўмлик арок ичади. Гапирсам оғзимга уради. Унга неча марта, бу яхшиликка олиб бормаиди, бир кунмас бир кун ўз бошингга етасан, зулмкор, дедим. Кошки, сўзларимни сариқ чакага олсайди. Бирор ходиса рўй бердими?

– Хотирингиз жам бўлсин. Ташвишли хабар олиб келганим йўқ. У полицияга тушганидан хабардормидингиз?

Аёл кафтларини туташтирди.

– Қаерда? Қанақа полиция?!

– Луисбургдан қайтишларинг олдидан...

– Уйда тунамаган кечасими? Кейин яна қарз-ҳавола қилганди. Шундайми?

– У кимлардан қарз олди?

– Совға-салом олиш керак, деб Евсюковлардан қарз олганди. Ёдгорликлар харид қилиш керак деб магнитофонни ҳам пуллади. Иссиқ, тансиқ таом пиширишни таъқиқлаб, макарон бўтқаси билан боққанди, ер ютгур...

– Ш. ргин билан Луисбургда танишгандими?

– Ж. нгалак сочлими? Мурдага ўхшаганми? Ўша ерда. Савдогарлар ҳузурига ҳам, пляжга ҳам машинасида олиб борарди. Сиркасига сув юқтирмайди, гўрсўхта, апоқ-чапоқ бўлиб юради. Бошингга мушкул иш тушганда эса устингдан мағзава қуйишдан ҳам тоймайдиганлар хилидан эди.

– Клавдия Никитична, фотоаппаратингизни кўрсатолмайсизми?

– Ахир, уни ҳам арзон дўконга обориб ташлаган. Қандай аппарат эди-я! Рангли оларди. Суратларни кўриб кўзингиз қувонарди...

– Қичкина аппарат бормиди?

– «Минокс»ми? Йўқ, унга тушадиган плёнка бизда йўқ. Шунинг учун ҳам сотиб олмаганмиз...

– Тинмай ичаётганига анча бўлдимиди?

– Йўқ. Гараж мудри бўлди-ю айниди, – аёл комил-ишонч билан жавоб қилди. Меҳаник бўлган вақтида ичмасди. Маоши у ойдан бу ойгача зўрға етарди. Қора коржомасини кўк халатга алмаштиргандан кейин бошланди бу машмаша. Миждозларининг қанақалигини мендан яхши биласиз. Бугун буниси билан ичса, эртага униси билан. Хаёлингизга яна беҳуда ўй келмасин, виждони пок. Кўнглида кири йўқ.

– Кўзлари қачон хиралашди?

– Ичкиликнинг оқибати. Ахир, газаксиз ичавергандан кейин ўтдек куйдирмайдими, куйдирги. Ҳамма касаллик шундан-да – кимнидир ошқозонини ишдан чиқаради, кимни юрагини. Аҳмоғимнинг кўзидан олган. Буни ошкор қилишдан кўрққанини айтмайсизми? Агар кўзи ногиронлигини билиб қолишгудек бўлса, чет элга бориш чиппакка чиқади, дейишди. Медицина назоратига ғоз юриш қилиб боради. Линза қўйдириб олгани учун ҳам кўрқмайди-да. Ҳамма бало ана шунда...

– Врачга мурожаат қилиб кўрдингизми?

– Қасрдан ҳам врачга мурожаат қилай, – аёл тўсатдан аччиғланди. – Элчихонага арз қилиб киришим лозиммиди?! Эрим пияниста деб айтаманми, қайси бет билан? Биринчи самолёт билан қайтариб юборишади. Кошки эди мушкулот шу билан тугаса, у ердан ишхонага ёзишади, икка дунёда ҳам ўзингни оқлолмайсан, бундан ортиқ таҳқир борми? Шунинг учун ҳам алашим ичимда.

– Нега энди? Тоқайгача?!

– Бир кунмас бир кун ошқозони ишдан чиқади ёки жигари панд беради. Узоққа бормайлик, Сидоров, ичиб бўладигани бўлди, буйрагини кесиб ташлашди-ю, ақли кирди, оила аввалги, бахтиёр турмушга қайтди! Бир култур ҳам ичмайди, боғ ҳовли олди. Хотинига снай²² пўстин олиб берди. Чертановдан уч хонали уй сотиб олишяпти. Эй,

²² Сарғиш-кулранг мўйнали каламушсимон хайвон.

нимасини гапирай, баъзилар ҳеч нарсадан ҳайкишмайди, шунинг учун ҳам ичишади. Қанча ишламагин, бари бир юз элликдан кам тўлашмайди, оиланг ҳам бут... Бизнинг давримизда бунақа ташвишлар йўқ эди?!

– Ҳа, нимасини айтасиз, бошқача эди, – деб тасдиқлади Гмиря. – Приёмник кўринмайди? Гонконгни бемалол тутарди, шекилли...

– Ярим нархига сотди. Истаган радиостанциянгизни тутарди. Аллақайси фирмачига бензин иқтисод қиладиган карбюратор қўйиб берганди, бунақа ишларга устаси фаранг. Фирмачи эса приёмнигини текинга берди. Қандай приёмник эди-я. О, қандай приёмник эди-я...

– У яна кимларга карбюратор қўйиб берган, Клавдия Никитична? Америкалик фирмачи Глэбб эрингизга бу борада мурожаат қилмаганмиди?

– Америкаликларни кўргудек бўлса, ярим чакиримдан нари қочарди. Ахир, вақт зиддиятли эканини, кадамингда фитна ўралашиб юришини айтишган-да. Бунинг ароқдан ҳам даҳшатлироқ экани беш қўлдек маълум-ку...

– Айни паллада ароқ хавфлироқ... – деб Гмиря кетишга отланди, – домига илина кўрма...

– Салом, фамилиям Проскурин, исмим Михаил Иванович, унвоним – подполковник. Луисбургга қилган сафарингиз ҳақида бафуржа суҳбатлашмоқчи эдим.

– Бош устига, Иван Михайлович, – энсаси қотиб жавоб қилди Парамонов.

– Тўтгироғи, Михаил Иванович, агар мени шундай деб аташ сизга маъкул бўлса, майли, хафа бўлмайман.

– Узр. Исмларни адаштирадиган касалим бор.

– Буни асло зарари йўқ... Айтинг-чи, у ерда америкалик бизнесмен Глэбб билан учрашиб турармидингиз?

– Мени бир нарсада шубҳа қиляпсизми? Бу сўроқми?

– Йўқ. Сўроқ қилишга ҳуқуқим йўқ. Сиздан нега ҳам шубҳаланайлик, бу бирламчи, сиздан гувоҳлик беринг деб сўраяпмиз, бу иккиламчи. Саволларимга эса жавоб беришингиз шарт...

– Глэббни эслолмайман, худо ҳаққи, эслолмайман.

– Мана унинг сурати.

Парамонов кичкина фотосуратни олиб, кўзларига яқинлаштирди, унга қаттиқ тикилди.

– Кўз зўрға илғаяпти, танимаяпман.

– Унда рулни қандай бошқарасиз?

Парамонов бошини эгди, рангида ранг қолмади:

– Рулга ўтирганда линза тақиб оламан, Фёдор Иванович.

– Шоҳ Фёдор Иванович, – Проскуриннинг энсаси қотди. – Жойи жаннатда бўлсин, Мени фақат бир нарса ажаблантиради: полиция участкасига келтиришганда, сизни химоя қилиш учун элчихонадан ҳеч ким бормадами?

– Йўқ! Менинг ҳеч қандай гуноҳим йўқ эди! Хушим жойида эди! Химоя қилишнинг зарурати йўқ эди!

– Ўша куни ростдан ҳам ичмовдинғизми?

– Бир томчи ҳам!

– Бир кун аввал-чи?

– Бир томчи ҳам ичмагандим.

– Ол-ла?

– Қасам ичаман, оғзимга олмагандим! Унда-мунда ичаман!

Парамонов кўркқанидан ёлғон сўзлаётганини Проскурин тушунди. Бахтиқаро пиёниста, оддий кишининг МРБга қандай алоқаси бўлиши мумкин, ҳа, рост-да...

– Мен уларга пул тўладим, – оҳиста, ички дард билан жавоб қилди Парамонов. – Уларнинг ҳаммаси порахўр, жиғилдонларингга... тикилгурлар, кўзойнаксиз рулга ўтириш мумкин эмасмиш...

– Қанча жарима тўладингиз?

– Бир юз етмиш беш... Ёнимда бор-йўғи эллик сўм бор эди, оғайниларимдан қарз кўтардим. Пулни олгандан сўнг полициячи медицина назоратининг ҳукмини йиртиб ташлади...

– Врачнинг исми ёдингиздами?

– Бошқа ташвишим йўқми? Қелишган, Ваҳолангки, у

хам кўзойнакли аёл эди...

– Чет элликлардан ҳеч ким сизга кўмаклашиш истагини билдирмадими?

– Бу ҳақда ўз фикримни айтдим, Василий Иванович...

– Менга қаранг, шундай Петька деб чақираверинг, а? – Проскуриннинг астойдил жаҳли чикди. – Василий Иванович Чапаев. Сиз эса мени Петька деб чақирасиз.

– Аҳволимни тушунинг, ахир! – хаяжонланди Парамонов. – Африкада гувоҳномадан айрилсам, ўз оёғимга ўзим болта урган бўлардим.

– Нега энди?

– Ишхонада нима деган одам бўлардим. Коллектив ишончини оклолмадинг, сендан шуни кутганмидик, дейишмайдими? Яна, Сахрои-Кабирнинг иссиғида бир кадам пиёда юролмайсан! Бажариладиган юмушларининг боши-кети йўқ. Бу ёққа чоп-чоп, у ёққа чоп-чоп! Машинасиз қўл-оёқсиз бўлиб қолишинг турган гап.

– Ҳамкасбларингиз сизнинг софдиллигингизга, самимийлигингизга ишонишган, бу ҳақ гап. Полиция нима учун сизга жарима солгани бизга маълум. Луисбургда рўйи ростини айтишингиз лозим эди. Халқаро конвенцияда эътиборли мавқега эга бўлган медицина назоратимиз автомобиль бошқаришингизга кафиллик берган. Шундай бўлгандан кейин сизни қўллаб-қувватлашарди...

Славин

– Салом, Андрей Андреевич.

– Салом.

– Славин, Виталий Всеволодович, – Славин Зотов билан қўл беришиб кўришаркан ўзини танитди. – Ҳузурингизга илтимос билан келдим. – Бандаргоҳдаги вазиятни тушунишимга ёрдамлашсангиз.

– Нима учун энди мен ёрдам беришим керак?

– Кўпчилик сизга мурожаат қилишни маслаҳат берди. Бандаргоҳдаги шарт-шароитни яхши биларкансиз. Қолаверса, Нагонияга жўнатилаётган юкларга маълум

маънода жавобгар экансиз.

– Ҳа. Сизга аниқ тафсилотлар зарур бўлса, марҳамат, ҳисоботлар билан танишиб чиқишингиз мумкин. Кошки, қоғоздаги рақамлар ҳақиқатга мос келса!

– Бу нима деганингиз?

– Пала-партиш иш қиялпмиз.

– Бўлса бордир... – деб уни маъқуллади Славин. – Айни вақтда, бу бемаъниликнинг илдизини топиш, кейин, унга болта уриш керак. Нагониядаги вазият шуни такозо этяпти.

– Бунинг ҳеч қандай мушукул жойи йўқ. Бандаргоҳ маъмурияти беш миллион доллар қарз. Шамолга учаётган пуллар олдида бу сариқ чақадек гап. Шароит маблағнинг ҳар бир тийинидан тежамкорлик билан фойдаланишни такозо этмоқда. Биз эса ўз ҳақимизни талаб қилишдан чўчиймиз. «Қамомадни қайтариб беролмас экансиз, марҳамат қилиб, Нагонияга юбориладиган юкларни биринчи навбатда жўнатиш! Кемаларимизни уч кунлаб туриб қолишига чек қўйинг!» деб дангал айтолмаймиз, андиша қиламиз. Талабларимизни нотўғри тушунишади, маҳаллий матбуотда ортиқча шов-шув кўтаришади, деган ҳаёлга борамизда.

– Андиша қилиш заковатли кишиларга хос хислат. Шундай эмасми, Андрей Андреевич?

– Гапингиз тўғри. Кўз олдимизда Нагонияни бўғизлашса-ю, томошабиндек кузатиб туриш инсофданми, ахир? Очиғини айтганда, юкларнинг кечикишига ўзимиз айбдор. Бандаргоҳ ҳаммолларини ялқовликда айблаб бўлмайди. Улар ишнинг кўзини билишади. «Русларнинг субутсизлиги ҳамёнимизга уряпти» деган гапга нима дейсиз? Рост-да, кемаларнинг қатнов графигига риоя қилмаймиз.

– Ёмон, ҳа, ёмон... Бундан баттари бўлмайди.

– Ҳаммолларнинг мени кўргани кўзи йўқ, отгани ўки... Сурбет, шилким лақабларини орттириб олганман. Сабаби, бандаргоҳга бошқаларга қараганда кўпроқ боришим, турли

тоифадаги одамлар билан кўпроқ мулоқотда бўлишим. Мени ҳар кўрганда «қўйиб берсанг, елкангга миниб, бўйнингдан тушов ўтказиб олади» деб тўнғиллаб қўйишади.

– Ўша олчокларнинг кирдикорини мақоламда фош этишга уриниб кўраман. Сиз менга кўмаклашасиз, келишдикми? Соат тўртларда учрашиб, бафуржа гаплашсак. Америкалик ҳамкасбим билан бирга тушлик қилишга ваъдалашиб қўйгандик... Салкам қирк йил деганда, энди учрашдик. Нюрнбергда бирга бўлгандик.

– Дикми?

– Уни танийсизми?

– Бир танишимнинг ошнаси. Эс-хушли газетчи-ю лекин кўп ичади.

– Соат тўртда сизни олиб кетгани келаман, хўпми?

– Тўртда зарур ишим бор. Яхшиси, тўққизда учраша қолайлик.

– Меҳмонхонада.

– Қаерга қўнгансиз?

– «Хилтон»га. Олти юз еттинчи хона.

– Олтинчи кават.

– Ҳа, йўлакнинг ўнг тарафида.

– Биламан. Хўп. Соат тўққизда меҳмонингиз бўламан.

Славиннинг ёнидаги курсига беҳол ўтирган Пол Дик сўкинди. Тўнғиллаб:

– Мени дахмазали ишга аралаштирдинг, Иван. Хўш, қайси «макдоналдс»га борамиз?—деди.

– Бельюнинг уйига яқин ердаги «макдоналдс»га...

– Белью бидонивилледа яшарди. У ердаги «макдоналдс» ювгиндидек бадбўй. Бориб таъзимимни еганман.

– Мен ҳам бир кўрмоқчиман.

– Тилёғламалик қилма, Иван. Белью ҳақида нималарни биласан? – Пол Дик Славинга саккиз доллар узатди. – Ол, қандай ичимлик олиш ўзингга ҳавола. Мен ўзимни-ўзим идора қилолмайман. Қиттак отдим.

- Бу нима?
- Ўзингни гўлликка солма. Мен ютказдим. Жоннинг кимлигини мендан яхши билар экансан. Ўйлаганимдек, у сен ҳақингда сўради. Белью ҳақида нималарни биласан? Илтимос, очикроқ айтсанг.
- Ҳеч нарса билмайман. Тахминлардан бўлак ҳеч нарса билмайман. Белью вокзал яқинидаги уйлардан бирини ижарага олган бўлса керак-а?!
- Ҳа. Бандаргоҳ яқинида. Деразасидан эртаю-кеч сершовкин порт шундоқ кўриниб туради.
- Уйида рус тилидаги китоблар бор эканми?
- Аксинча, украин тилида... Откриткалар, эски откриткалар...
- Дастурхон устида қотирилган пишлок билан ярим бўлак оширма нон бўлган, шундайми?
- Пишлок жуда қотган экан. Оширма нон эмас, креклар бор экан. Нима, унинг хонасида бўлгандингми?
- Унинг уйига борганимда эди, мени аллақачон ҳибсга олиб, терговни бошлаб юборишган бўлишарди. Овоз чиқармайдиган тўппончада отиб ўлдиришибдими?
- Йўқ. Дераза ёнида турганида порт кранидан, снайпер милтигидан нариги дунёга қиялатишибди. У тикувчилик билан ҳам шуғулланаркан. Хонасида хўроз ва товуклар акси туширилган сочиклар, дастурхонлар ва пойандозлар жуда кўп экан. Менга қара, у ҳақда нима биласан? Иван, уни бесабаб изламагандирсан, ахир...
- Хонасида қандай китоблар бор экан, Пол?
- Ёдимдан кўтарилди... Йўқ, ён дафтаримга қайд қилганман, уни хонамда қолдирибман... Шеърый китоблар. Ҳа, асосан шеърлар.
- Кулба, дераза рўпарасидаги кўтарма кранлар, хўрозча ва товукчалар акси туширилган сочиклар, шеърлар...
- Фактларни туркумларга ажратишга уста экансан, қария. Нюрнбергда куруқ ахборотдан нари ўтмасдинг, ҳозир эса бунинг тамоман акси, ёшинг улғайиб, ақлинг

тиниклашибди. Таркоқ фактларни хаёлан бўлса-да, жамлаяпсан.

— Миннатдорман. Полициячилар кўп бўлгандир? Журналистлар-чи?

— Текширув тугагандан кейингина журналистларни ичкарига қўйишди.

— Нима кидиришибди?

— Ким билади дейсан. Уни сизларнинг айғоқчингиз, деб ўйлашяпти.

— Эраққ киши шубҳа қилмайди. Қотилликни соқит қилиш учун жиддий жиной далил керак.

— Важ-қарсондан кўпи борми?

— Тушунмадим.

— Бельюнинг Нагонияга юк олиб келган совет кемалари тўхтайдиган бандаргоҳ яқинида яшаши сизни ажаблантирмайдими? Менимча, манзилга етмасданок талон-торож бўлаётган юклар ҳақида сизларга Белью маълумот бериб турган.

Славин ўзини кулгудан тутолмади.

— Нега куласан? — деди Пол. — Сув келтирган хор-у, кўза синдирган азиз... Тўхмат ботқоғига ботган одам қандай бўлмасин ўзини оклаши керак-ку!

Учинчи даражали меҳмонхонадан икки блок берида, Белью яшаган уй рўпарасида, бандаргоҳ яқинида жойлашган «макдоналдс» жуда дим эди. Оғир юк ортган «юнкерс»лардай учаётган семиз, кўм-кўк пашшаларнинг ғужғон ўйнаши Славинни хайратга солди:

— Қаҳва ичамиз, — дея таклиф қилди у, — тушлик қилгани эса баҳаво жойга борамиз, майлими?

— Йўқ, Иван! Бельюни аввалдан биласан, у сизларнинг айғоқчингиз.

— Бу ерга айғоқчи қўйишдан маъни борми? Қария, гапимга ишон. Нагонияга тажовуз қилинса, қўл қовуштириб турмаслигим табиий. Грисога, албатта, ёрдам берамиз. Яширадиган сиримиз йўқ. Бироз бош қотирсанг,

бас, дунёда рўй бераётган воқеаларнинг замирига етишинг мумкин. Барча сир-асрорнинг тагига етиш мумкин.

– У холда президентимизнинг «замир»ига етиб кўр-чи.

– У ҳақда сиз қандай фикрдасиз?

– Жуда очиққўнгил киши. Софдиллик лидер учун номуносиб хислат. Раҳбар яқдил, қатъиятли бўлиши лозим, Иван.

– Қани энди, шундай бўлса. Лекин, ўз фикримни билдиришим мумкинми? Бизнесменларинг унга сайлов олди ташвиқоти учун пул берган. Тождор одам қарзларини ўз вақтида узиши лозим. Фақат ҳарбий саноатгина уни бу мушкулотдан қутқариши мумкин. Нейтрон бомбасини ишлаб чиқаришга оқ фотиҳа бер-у миллионларни чўнтакка уравер. Қарздан ҳам кутуласан. Аммо соғлом фикр юритувчи америкалик сиёсатдонлар нейтрон бомбага йўл беришмади – оқибатидан кўркишди. Улар халқларимиз ўртасидаги дўстликка раҳна солиб бўлмаслигини тушунишади. Тарихий синовдан ўтган дўстликка биз ҳам ишонамиз. Нейтрон бомбалардан иш чиқмагач, раҳбарингиз саноатнинг бошқа соҳаларига орқа қилди. Ҳарбий-саноат комплексидан олган қарздан кутулиш учун ўзаро тинчлик музокаралари олиб боришга рози бўлди. Сих ҳам куймайди, кабоб ҳам. Лекин, ОСВга қарши чикиб, конгресс билан мурасасиз эканлигини ошкор қилиб қўйди. Икки ўт орасида қолди. Муҳим қарорга келиш керак. У бунга мажбур – ҳаётнинг ўзи шуни талаб қияпти. Қолаверса, америкаликларнинг талаби ҳам шу.

– Шунақага ўхшайди.

Стаканга қаҳва қуяётган негр Полга мурожаат қилди:

– Сэр, бугун сизни кўрдим.

– Мен сени кўрдим.

– Сиз ҳам мени кўрдингиз, сэр. Иванни ўлдиришган уйдан чиқаётган вақтингизда...

– Кимни? – дея Пол ажабланди. – Қанақа Иван?!

– Белью. Унинг ҳақиқий исми Иван эди. Бу ерда Айвен деб чақирарди. У рус эди.

– Мен ҳам русман, – деди Славин.

– Узр, сэр, сизни англиялик деб ўйлабман. Руслигингиз сира ҳаёлимга келмабди...

Славин киссасидан «Ява» сигаретдонини олди, лекин, чекмади. Чунки, умуман чекмасди. Айрим ҳолларда номигагина тамаки тутатарди.

– Нима учун бу ерда яшарди, билмайсизми? Луисбургда рус нима қилиб юрибди? Бу ҳақда сизга ҳеч нарса демаганмиди?

– Йўқ. Қайфияти яхши бўлганда, қуйларди, холос.

– Доим кайфи тароқ бўлармиди?

– Йўқ. Рус кемалари кела бошлагандан кейин ичкиликка муккаси билан кетди. Матросларингиз бу ерда пиво ичишарди. Белью эса ҳув анави бурчақда ўтириб олиб, улардан кўзини узмасди. Денгизчилар жўнаб кетишаётганида Иван ичар ва ашуласини бошларди. Уни қойишмасди, йўқ, аксинча, қуйлаб олишга қўйиб беришарди, айниб, сўқишга ўтганда эса ҳайдашарди.

– Қуйлашга рухсат беришарди? – деб ажабланди Пол Дик, – Жуда олижаноблик-ку. Бу билан фахрлансангиз арзийди. Менга муз солинган виски келтир!

– Сэр, испан вискиси бор, «Дик», вискисини одамларингиз ичишмайди.

– Одамларим бетайин, бунга ортиқча эътибор берма. Уларга «Дик» вискиси деб айтиб ўтирмай, дангал қуйиб, тумшукларига тутавер, шундай зарда билан тутгинки, виски сачраб кетсин.

– Маслаҳатингиз учун раҳмат, сэр, шундай қилиб кўраман. Бильярд ўйнашга тобингиз қандай, ажойиб столимиз бор, зўлдирларимиз ҳам вазнли.

– Айтинг-чи, Белью фақат бир марта денгизчилар ҳузурида ашула айтганмиди? – деб сўради Славин.

– Бир марта қуйлаганди, сэр, ҳа, ҳасрат билан қуйлаганди, денгизчилар унга гул суратли конвертлар, откриткалар совға қилишди.

– Анча бўлдимиди?

– Агар хотирам панд бермаса, декабрь ойида эди, сэр. Кейин назаримда анча бўшашгандек туюлганди. Гўё ниманидир орзикиб кутаётгандек эди.

Славин майхона хўжайинига откриткалар узатди.

– Эсдалик учун олиб кўйинг. Яна ўзингизни снайпер милтиғига тута кўрманг-а.

– Совға учун ташаккур, сэр, улардан воз кечганим маъкул. Полиция Бельюни билганларнинг ҳаммасини сўроққа тутяпти. Почта ходимларини барча китоб ва телеграммаларни текширишга олиб кетишди. Улардан ҳар нарса кутиш мумкин. Узр, сизга малол келмасин. Ҳатто ўз соямиздан кўркамиз...

«Декабрь ойида биринчи юк кемалари келган. Иванимиз илк бор рус кишиларини кўрган. Мактубни ёзишга ёзган-у, аммо уни жўнатишга келганда узоқ вақт иккиланган. Ҳаммаси аниқ ва равшан: полициячилар Чўлтоқни элчихона ёнида кўришганини айтишган. Глэбб уни кўз остига олиб кўйган-у бугун «орадан» йўқотган. Фақат бир нарса муаммо бўлиб турибди, Глэбб ўзига ёллаб олган кишисини фотосуратдан кўрсатиб беролармикин»,

Славин «Фиат»ни қирғоқда, кенг соя ташлаган, тўкилган соябонлар остида жойлашган чоғгина полинезликлар ресторани ёнида тўхтатганда ҳамон терлаб-пишиб кетган Пол Дик машинадан тушишга шошилди.

– Шошма, – деди Славин ҳамроҳини тўхтатиб, – орқага бир назар ташла. Изимдан келаётган қора «мерседесга бир бок. Номерни ҳам эслаб қол, бу машина Луисбург автоинспекциясининг каталогига қайд этилмаган.

– Бас қил, Вит, – ниҳоят Пол Дик Славинни асл исмини айтиб мурожаат қилди. – Бунчалик гумонсираш яхши эмас.

– Шаҳарга бизни яшил «форд» кузатиб боради. Мен билан баҳслашишга уриниб кўрма. Эрталабқидан икки чандон қимматга тушасан.

– Демак, Жон ҳам у ёқдан экан-да? – дея Пол оғир хўрсинди.

- Сенга ундай демадим, шекилли?
- Мени эси паст чол деб ўйлама, хўпми?

Константинов

Генерал Фёдоров узатган қоғоз жилд²³ни олган Константинов ўйчан оҳангда:

– Зим-зиё тилсим. Наҳотки, бу рақамлар тилсимотини топиб бўлмаса. Винтернинг тўсатдан Пицундага жўнаши ҳам ажабланарли, – деди. – Неча кунга кетяпти? Балки навбатдаги меҳнат отпусчасини олгандир.

- Йўқ. Бир ҳафтага ўз ҳисобидан отпускаи олибди.
- Институтда кўпчилик шундай қилар эканми? ¹
- Аниқлаш керак.
- Буни ҳозир билиш мумкинми?
- Проскуринга кўнғироқ қилишга рухсат берсангиз.
- Мен кўнғироқ қилсам-чи? – деб сўради Пётр Георгиевич. – Ёки у бевосита бўлим бошлиғининг буйруғини бажарадими?

Ўн дакика ўтар-ўтмас Проскурин Винтер ишлаётган институтда ходимларга тез-тез ўз ҳисобидан отпуск беришларини аниқлади. Шунингдек, Шаргин Одессага дам олиш учун эмас, аксинча бирлашма топшириғи билан учиб кетганини маълум қилди. Унга Нагонияга жўнатилаётган

²³ Ҳанузгача расшифровка қилинмаган. МРБнинг ўз агентига йўллаган радиogramма текстида қуйидагилар баён этилганди: «Ҳурматли ўртоқ! Ғоят қизиқарли ва қимматли ахборотингиз учун катта раҳмат. У билан нафақат раҳбаримиз, ҳатто ҳукуматимиз ҳам танишиб чикди. Фавқуллода ҳодиса рўй берган. Нагонияга ҳарбий кўмак беришимизга Москва қандай муқобил чоратадбир қўриши бизни қизиқтиряпти. Сизни ёки танишларингиздан бирортасининг изига айғоқчи тушган-тушмаганлигидан шубҳаланишингиз ўринсиз, бу толиқишнинг оқибати. Бир неча кун денгиз бўйида дам олишингизни маслаҳат берамиз. Кейинги алоқага чиққанимизда анализларингизни юборинг, етук мутахассислар билан маслаҳатлашиб кўрамиз, зарур дори-дармонларни жўнатамиз. Операцияни ниқоблаш ҳақидаги ташаббусингиз борасида ўйлаб кўрамиз. Балки режангизни кейинроққа сўрармиз? Ёки сиз ўйинни тезроқ амалга оширишни истаяпсизми? Дўстингиз П.нинг саломини қабул қилгайсиз. Гонораринг бир қисми «Юнайтед Фрут» ва «Трэйд корпорэйшн» акциясининг Псига қирим қилинган. Саломатлигингизни тилаб, дўстларингиз Д ва Л». (Автор изоҳи.)

кемаларни юклаш жараёнини текшириш топширилган.

– На чора, – деди Фёдоров. – Келинг, хулоса чиқариб кўрайлик. Бирламчи: Парамонов пок-покиза, бу ишдан мустасно... Бечора пиёниста...

– Мен учун, Пётр Георгиевич, Белов – Айвен Белью шахсияти муҳим касб этади. Парамонов бу уюшмада иккинчи даражали тоифа. Новороссийск бошқармасидаги ходимларимиз декабрь ойида Луисбургда тўхтаган денгизчилар билан мулоқотда бўлишди, – дея изох берди Константинов. – Суҳбатлашганлар орасида икки денгизчи декабрь ойида «макдоналдс»да бўлиб, «Рушничок» ва «Полюшко – поле»²⁴ кўшиғини куйлаган кимса – Бельюни кўрганликларини маълум қилишди. Белью ватандош денгизчилардан «Кемаларингиз ёнига сузиб бориб, пўртана нарвонни кўзларимга суртсам, майлими» деб сўраган ва яна «Бўлганча бўлар, камаб, бошимда ёнғок чақишларига ҳам розиман» деган...

– Уруш вақтида неча ёшда экан?

– Ўн саккизда. Немислар билан бирга кетган. Славиннинг маълум қилишича, «чўқинганлар»дан экан.

– Демак агент Москвада иш кўряпти. Радиограмма, тажовуз ҳақида беҳуда хаёлларга борган эканмиз-да?!

– Афсуски шундай.

– Айғокчи ким? Шаргинми ёки Винтерми?

– Шубха остига олинган уюшма аъзоларининг бу ғавғога алоқаси йўқка ўхшайди. Кимлардан гумонингиз бор.

– Нагония тутунига алоқадор бўлганларнинг ҳаммаси олти киши.

– Уларни текшириб кўришга кафолат сўрамоқчимисиз?

– Бундай рухсатнома сўрашга ҳеч қандай асосим йўқ. Биринчи навбатда сиз мени тушунмайсиз.

– «Мени тушунмайсиз» деган кесатиғингизни қандай англаш керак?

²⁴ Украин ва рус халқ кўшиқлари.

– Винтер билан Шаргинни доимий кузатув остига олишга рухсат беришингизни сўрамоқчи адим. Славин бугун Зотов ҳақида узил-кесил телеграмма юбориши керак. Кутяпман. Балки, бугун тунда келар.

– Уйда кутинг.

– Ишхонада кутганим маъқул, Пётр Георгиевич. Бироз ишламоқчиман. Глэбб алоқадор бўлган можаро борасида ҳужжатлар тўплаб беришди. Чигалнинг бир учи топилди, деяверинг. Уни тортсам, бас...

– Маъқул. Соат биргача уйғоқ бўламан. Зарурат бўлса, кўнғирок киларсиз.

– Гмиряни Шаргин билан бирга Одессага жўнатсак. Уни «чиғириқдан ўтказса». Рухсат берсангиз индин Пицундага, Винтер ёнига учиш ниятим бор.

– Пицундага дейсизми? – деди Пётр Георгиевич қовоғини уйиб. У бир фурсат жим қолди. Сўнг стол устига саришта тахлаб кўйилган қоғоз жилдлардан бирини ажратиб, қоғозларни титкилади. Бир саҳифани танлаб олди-да, уни Константиновга узатди. – Ёдимга солганингиз яхши бўлди!

Бу ҳужжатда Америка элчихонасининг матбуот бўйича нозири – контрразведка томонидан МРБга алоқадорликда аниқланган Лунс Ольга Винтер билан бир самолётда Пицундага учаётгани маълум қилинган эди.

Ҳақиқатдан ҳам Ольга Винтернинг билети Лунс билан бир рейсга олинганди. Бироқ Пицундага учган йўловчилар рўйхатида Ольга Винтернинг фамилияси йўқ эди. Унинг Пицундага келмаганлиги маълум бўлди. Худди шу рейсга олинган билет ҳам кассага топширилмаганди. Ольга Винтер уйдаги телефон трубкасини ҳеч ким кўтармади. Узлуксиз, ҳар икки соатда қилинган кўнғироклар ҳеч қандай натижа бермади.

Константинов Проскуриндан:

– Ишхонасига кўнғирок қилдингизми? – деб сўради.

– Ортиқча шов-шув кўтаришни лозим кўрмадим. Дилкаш, институт ходимларининг ҳурматини бирдек

қозонган аёлни сўраб-суриштиришимиз қандай бўларкин?!

– Отасиникига телефон қилдингизми?

– У ерда ҳам йўқ, – деди Проскурин ўнғайсиз аҳволга тушиб. – Ерда ҳам, кўкда ҳам йўқ.

– Уйини бориб кўрдингизми?

– Ҳа, ходимларни юбордим, кўшнилари билан гаплашишди. Ҳеч ким ҳеч нарса билмайди. Квартираси кулф.

– Демак Винтерни йўқотдим денг.

– Ҳа. Шунақага ўхшайди.

– Вошқачасига қанақа бўлади.

– Умуман, унақасига ҳам йўқ.

– Винтерни ернинг тагидан бўлса ҳам топинг! Гапингиз мутлақо тўғри, кишиларнинг тинчлигини бўлар-бўлмасга бузиш беодоблик – бунга ҳаққимиз йўқ. Бирок уни топишимиз шарт! Одамларингизни оёққа турғазинг, яхшилаб текширишсин. Қандай бўлмасин топиш керак! Винтер дилкаш аёл экан, демак унинг яқин танишлари кўп. Яқин, қадрдон танишларидан қимга ишониш мумкин?

– Қайси маънода сўраяпсиз?

– Саволингиз ўринли, – қониқиш билан таъкидлади Константинов. – Биз барчага ишонишимиз лозим. Мен оғзида гап турмайдиган қимсаларни назарда тутмаяпман.

– Унинг сирдош дугонаси Раиса Исмаиловна Ниёзматова ҳозир касал экан. Уйда эса телефони йўқ.

Учинчи тафтиш

Константинов тез ва дона-дона ёзишга одатланган эди. Лекин кейинги йилларда кўпроқ ёзув машинкасида ёзишни маъқул кўрарди, негаки машинкада ёзилган хат хуснихатдагидан тамоман фарқ қилади. Константинов диссертациясини (мавзунинг ўзи ҳам кашфиёт эди: «Франко исёни арафасидаги гитлерчилар Германиясининг сиёсий найранглари») нашрга тайёрлаётган вақтда машинкада кўчирилган хат билан босма усулда ёзилган ҳадис бир-биридан тубдан фарқ қилишини кўриб,

ажабланганди. Бу тафовутни у инсон тафаккурига бўлган масъулият мезонига йўйганди. Босмахонада, қандай ҳарфда терилиши, ҳатто қандай қоғозга босилиши ҳам тафаккур инъикоси учун муҳим аҳамият касб этишидан ҳайратланди. Фикр – шубҳасиз, шаклан эмас, мазмунига қараб баҳоланади. Отасининг бир дўсти бўларди – чиройли ҳарфда терилган ва сифатли қоғозга босилган китобни кўрган чолнинг ҳаяжонланишидан Константинов таажжубланганди. Бу ҳаяжон қариянинг ниҳоятда дидли эканидан далолат берарди.

...Константинов котибдан телефон қўнғироқларига рўбарў қилмаслигини, қабулига келганларни эса фавқулудда зарур юмуши бўлмаса, ҳузурига киритмаслигини илтимос қилди. Фақат дешифровка бўлимидан Панов ёки Винтерни қидираётган Трухин йўқласа, ҳеч қандай огоҳлантиришсиз хонасига киритавериши мумкинлигини айтди. Константинов котибга Зотовнинг насл-насабини ўрганаётган Славиндан шифротелеграмма, шунингдек, Луисбургдан Глэббга оид тўлиқ маълумот келса унга маълум қилишни сўради.

Ўн йил мобайнида бирга ишлаш жараёнида Константинов Славиннинг феъл-атворини билиб олганди. Славиннинг муаммоли саволларга шошилишча жавоб талаб қилиши беҳуда эмаслигини у яхши тушунарди. Унинг ўрнида бўлганда Константинов ҳам шундай йўл тутарди. Чунки Глэбб Москвада иш кўраётган агентни танийдиган ягона гувоҳни орадан «олиб ташлаганди». Шунинг учун ҳам асосий зарба – Глэббга қаратилиши, ундан соткиннинг кимлигини билиб олиш лозим эди.

Пол Дикнинг «гонконг можароси»га боғлиқ тўполон ҳақида оғиз очгани ҳамон Глэбб оғзига уриб, суҳбат мавзуини бошқа ёққа бурганидаёқ, бирор сир борлигини Славин сезган. Бу сирнинг тагига етиш учун ҳам Глэббнинг шахсияти билан шуғулланарди.

Константинов тун ярмидан оғгунгача бўлимлар

тайёрлаган, йиғилиб қолган бешта қоғоз жилд ҳужжатлар ва газетадан қирқиб олинган мақола билан танишди.

Вазият қуйидагича содир бўлганди.

«1966 йил 12 декабрь Гонконг авиапортида божхона офицери Бэнш Сан-Франциско рейси билан учаётган «Лим-лимитед» корпорациясининг банк ходими мистер Лао ва мисс Кармен Фернандесларнинг чамадонларини қайта, синчиклаб текширишни буюради.

Мистер Лао ва миссис Фернандесларни кузатгани чиққан ЮСИАнинг Гонконгдаги филиали вице-президенти м-р Ж. Г. Глэбб Бэншдан буйруғини бекор қилишни талаб қилади. У «мистер Лао яқин дўсти эканлигини, Штатларда унга астойдил ишонишларини, мисс Фернандес эса Американинг «Кук и сыновья» заргарлик фирмаси назорат кенгашининг ходимаси эканлигини маълум қилади.

Бэнш м-р Глэббнинг м-р Лао вამисс Фернандесга бўлган ҳурматига доғ туширмоқчи эмаслигини, шу билан бирга, ўз буйруғини бекор қилмаслигини айтади.

Кейин Бэнш Глэббнинг хизмат хонасига таклиф қилинади, ЮСИД вице-президенти ички назорат офицерига ўзини МРБ резиденти деб таништиради. Шунда Бэнш «ўламан саттор, ёлғон гапирдим» дея ҳалиги даъвосини ошқора рад этади. Беш дақиқа олдин можаро тафсилотини диктофонига ёзиб олган «Кроникл» репортёри Дональд Ги ўзининг шов-шувга сабаб бўлган мақоласини эълон қилади.

Қаршиликларга қарамай, чамадон яна текширилади ва унинг иккинчи, остки қаладонидан ўша вақтдаги контрабанданинг чўққиси — уч миллион долларга баҳоланган қорадори чиқади.

Текширувдан сўнг ўн дақиқа ўтар-ўтмас мистер Лаонинг адвокати До Цзили аэропортга етиб келиб, қорадори солинган чамадонга Лаонинг ҳеч қандай алоқаси йўқлигини баён қилади.

Мистер Лаонинг уч котибларидан бири — йигирма саккиз ёшли мистер Жуи чамадон унга тааллуқли эканини айтади. Уни ҳибсга олишади.

Кишанланган м-р Жуини полиция автомобилига ўтказишаётган вақтда мистер Лаонинг иккинчи котиби, ҳибсга олинган шеригига «Агар ўзингни тута олсанг, эртагаёқ гаровга кутқариб оламиз» деб айтади. Унинг бу сўзларини м-р Дональд Ги ўз кулоқлари билан эшитади.

Аммо турма йўлида полиция автомобили ўққа тутилиб, илма-тешик қилинади, м-р Жуининг жони касалхонага етмасданоқ узилади.

Мақола «Кроникл» ва «Истернривью»да эълон қилингандан сўнг репортёр Дональд Гини иғвогарликда ва тухматда айблашади. Айни чоғда, Америка консулининг расмий ахборотида м-р Глэбб жанжал вақтида Ирок керамикаси кўргазмаси очилишига бағишланган маросимида бўлганлиги баён этилади. М-р Бэнш ҳам Глэббнинг жанжалда иштирок этганлигини маълум қилишдан бош тортади.

Шунда м-р Ги экспертиза томонидан м-р Глэббнинг овози аник эътироф этилган плёнкани ва бунга қўшимча равишда «Интерпол» излаётган «корадори» бизнесига алоқадор уч аёлнинг суратини судга топширади. Хужжатларда, «Интерпол» рўйхатида Мария, Росита, Лонес, Пилар ва Кармен Гарсия исмлари билан қайд этилган аёллар – Кармен Фернандесга бир томчи сувдек, қуйиб қўйгандек ўхшаши қайд этилади.

М-р Глэбб даъвогар сифатида биринчи босқичдаги суд мажлисига келмайди. У Гонконгни тарк этганди.

Дональд Ги Гонконгдан чакиртириб олиниб, Таиландга жўнатилади. У ерда Гига тажовуз уюштирилади. Етти ойлик муолажадан сўнг Ги Нью Йоркка қайтади. Аммо газеталар у билан ўзаро битим тузишдан бош тортадилар.

М-р Ги МРБ одамларини ҳаётига касд қилганликда айблаб судга мурожаат қилади. Бирорта ҳам ашёвий далил йўқлиги учун суд хайъати унинг даъвосини тан олмайди.

М-р Ги бор топган-тутган пулларини сарфлаб, яккаҳолда тафтиш ўтказишини ва ашёвий дадилларни топажагини маълум қилади.

«Дональд Ги иши» илк бор ва сўнгги марта 1970 йил январь ойида тилга олинади.

1976 йилдан эса ашаддий сўл «Стар» газетаси ўз саҳифаларида Дональд Ги кимсанинг Нагониядан юборган мақолаларини боса бошлайди.

«Марказ.

Глэбб, Фернандес ва Ги ҳақидаги ахборотингиз учун ташаккур. Бу фактлар билан ёзувчи ва журналист Дмитрий Степановни таништириш мумкинми? У Гонконг, қорадори, МРБ ва даромаднинг кетига тушган Мао одамлари фаолияти билан яхши таниш.

Славин».

– Узоғи билан икки кунга Нагонияга бориб келмайсизми? – деди Фёдоров эрталаб Константиновнинг ахборотини тинглаб бўлгач. – Лекин, мақсадни бир қадар ўзгартираман: бирламчи, мустамлакачилик вақтида НАТОнинг баллистик ракета­лар учун бунёд этилган майдонларга қай даражада шикаст етказилганини ва бу майдонларни демонтаж²⁵ қилиш мумкин-мумкин эмаслигини муфассал ўргансангиз; иккиламчи Степанов билан бир гаплашиб кўринг – Глэбб борасида бирорта янги гап айтар. «Гонконг тугуни»ни ечишда кўмак берсин.

Константинов Нагонияга кечки рейсда учиб, у ерга эрта тонгда етиб келди. Степанов билан кундузи, НАТОнинг бир вақтлар Совет Иттифоқига қаратилган, ядро қуроли билан жиҳозланган китъалараро ракета­лари жойлашган объектларини бориб кўриш олдидан учрашди. Чунки вақти зиқ, кечки соат тўққизда Москвага қайтиш учун билет олганди.

... Константинов Степановга масаланинг моҳиятини аниқ ва лўнда тушунтирди:

– Глэбб, Лао, Гонгконг тугуни. Қорадорилар, МРБ.

²⁵ Тиклаш.

Хитой махфий хизмати. Буларни англаб олншимизда бизга кўмак беролмайсизми? – деб сўради жиддий оҳангда.

– Лао Пекиннинг Гонконгдаги резидентими?

– Чамаси шундай.

– Бу жавоб эмас, Константин Иванович. Ёки «ха» ёки «йўк».

– Билмаймиз. Шунинг учун ҳам хувурингизга учиб келдим, Дмитрий Юрьевич. Лекин, биринчи навбатда Глэбб билан қизиқаяпмиз.

– Нагонияда уя куриб олган бу қарга давлатимиз манфаатларига жиддий хавф соляпти денг?!

– Жуда жиддий. МРБни Москвадаги агенти билан боғлаб турган занжирнинг асосий ҳалқаси.

– Москвадаги айғокчи?! Русми?

– Буниси бизга қоронғи. Ҳозирча, ҳарҳолда қоронғи.

– Сотқинлик мавзуи мени қизиқтиради, – деди Степанов. – Сотқинлик сизнингча нима ўзи?

– Ҳаддидан ошиш, – дея қомил-ишонч билан жавоб берди Константинов. – Қолаверса, фикри ожизимча, сотқинлик умуман эс-хушли одам учун нолойиқ патологик ходиса.

– Масалага аниқлик киритишга уриняпсизми, Константин Иванович?

– Аксинча. Мураккаблаштиряпман, Дмитрий Юрьевич. Аммо мен кўнглимдаги гапларни очик-ойдин айтаяпман. Яна бошқача ҳаёлга борманг. Хуллас, бирга кўмаклашишга розимисиз?

– Сўзсиз, Константин Иванович. Фақат яширин камерада суратга олиш, томма-том сакраш қўлимдан келмайди, – деди Степанов жилмайиб.

– Контрразведка ҳақида ҳаёлий тушунчада экансиз, – деди Константинов ҳам жилмайиб. – Давлат Хавфсизлиги Комитети мамлакат миқёсидаги масалалар билан шуғулланади. Шу боисдан бош қурол – қаллани ишлатишда, оёққа қуч бериш эмас, қаллани ишлатишда.

– Қандай кўмагим керак?

– Дмитрий Юрьевич, бу қалтис юмуш, аммо, ҳаётингизни таҳлика остига қўйишга ҳаққимиз йўқ. Ҳали кўп китоблар ёзишингиз, фильмлар яратишингиз зарур. Бу муболаға эмас» мени тўғри тушунинг. Шунинг учун ҳам эҳтиёт бўласиз, хўпми? Бу ерда, Нагонияда ишлаётган америкалик журналист Дональд Гидан кўп нарсани аниқлаб олиш мумкин.

Суръат

«Марказий Разведка Бошқармаси.

Ниқоятда махфий.

«Факел» операцияси сўнгги босқичга кирди. Барча тайёргарлик тугади. Огано группаси учун яқин кунлар ичида вертолётлар етказиб бериш масаласини Пентагон билан келишиш зарур.

План босқичлари:

Х кунда (шанба ёки якшанбада, чунки бу БМТга мурожаат қилишни мушкуллаштиради) Огано группасининг учта десант ротаси Нагония халқ милицияси либосида вертолётлар ёрдамида Савейро шаҳри яқинига туширилади. Бу ерда уларни йигирмата бронетранспортёр ва ўн беш енгил танк кутиб туради (чакалакзорда, ҳарбий машиналар яширинган ва пунктида ёқилғи сақлаш иншооти қурилган).

Танклар ва бронетранспортёрлар ёрдамида десантчилар президент саройини эгаллайди. Гресо кўнгилли равишда ҳокимиятни топширишдан бош тортса, ҳарбий шароитга мувофиқ катъий чора кўрилади.

Нагония телевидениеси иш бошлашидан ўттиз дақиқа аввал, соат 8.30 да сарой батамом эгалланади.

Соат 9.00 да парашютчилар группаси телерадиомарказга ташланади. Генерал Оганонинг плёнкага ёзиб олинган мурожаати эфирга ҳамда экранга чиқади.

Оганонинг халққа мурожаати матнини илова қиламан.

Резидент Роберт Лорено».

«Ниҳоятда махфий.

Оганонинг резидент ўринбосари Глэбб томонидан тайёрланган Нагония халкига мурожаати матни:

«Азиз ватандошлар! Укалар ва сингиллар! Болалар ва қариялар!

Ушбу дакикаларда сизларга эхтиром, ғурур ва муҳаббат билан мурожаат қилмоқдаман.

Чет эл зулмидан озод бўлганингиз, зўрлик занжирини узишга, халқни лакиллайтиб, шоҳона саройни эгаллаб олган соткин, авантюрист Жорж Грисо тўдалари томонидан жорий этилган янги кулликка барҳам беришга жазм қилганингизни қизгин қутлайман.

Иқтисодий танглик, вайронгарчилик ва қашшоқлик тугатилиши ҳамон мамлакатда жорий этилган ҳарбий тартиб бекор қилинади. Инкилобий қатъийлик билан миллий озодликка ва мустақилликка, кўпчиликнинг хоҳиш иродасига қарши чиққанларга беаёв бўламиз.

Миллат озодлигига раҳна солганларни судсиз қатл этиш масъулиятини ўз зиммамга оламан».

Куни кеча тузилган ва ағдарилган ҳукуматнинг барча вазибаларини ўз зиммасига олган фавқулодда миллий Ассамблея номидан Грисо галалари ишлаб чиққан ахборот ва ўзаро битимларни шу дақиқадан бошлаб бекор этилганини маълум қиламан.

Фавқулодда Миллий Ассамблея номидан тинчлик, мустақиллик ва озодлик ғояларини қадрловчи софдил кишиларни ҳарбий ва иқтисодий кўмак беришларига қақираман.

Эътиборингиз учун катта раҳмат».

«МРБ резиденти Роберт Лоренсга.

Материалларингиз билан директор танишди. Юқори лавозимдаги раҳбарларнинг тасдиқлаши учун тайёрланадиган мукамал планни ишлаб чиқиш вақтида ҳисобга олишингиз зарур бўлган бир қатор танқидий

мулоҳазалар билдирди.

Директор зарурий тузатишларни яқин икки-уч кун ичида киритилишини, иложи бўлса «Факел» операциясини шу ойнинг иккинчи якшанбасида бошлашни уқтирди.

Бу мулоҳазалар билан танишгач, зудликда ёкиб ташланиши лозим.

*МРБнинг директор ўринбосари
Майкл Вэли*

«МРБ резиденти Роберт Лоренсга (нуешлари Мудофаа министрлигига, Пентагонга).

Мутлако махфий, танишиб чиқилгач, ёкиб ташлансин.

Москвадаги манбадан олинган ахборотни юборяпмиз.

Одесса портига қарашли олти кемани июнь – июль ойида жўнатиш мўлжалланган. Кемалар Мурманскдан кўн оралаб, тўртга-тўртга – карвон бўлиб жўнайди. Кемалар харбий кўрикчисиз йўлга чиқади.

*МРБ директори ўринбосари
Майкл Вэли».*

Константинов

Нагониядан учиб келган самолёт пиллапояси ёнида Константиновни полковник Коновалов кутиб олди.

– Винтерни топдик, Константин Иванович, – деди у. – Фақат мурдасини. Бугун кўмишади.

Константинов аввалига тушунмади.

– Кимни кўмишади дедингиз? Винтерни? Нима бўлди?..

– Қаттиқ шамоллабди, – дея тушунтирди Проскурин Константиновнинг кабинетига киришгач. – Кейинги вақтда йўталишига қарамай кортга қатнай берган. Иситмалаган, ўтиб кетади деб ўйлаган. Аспиринни ҳаддан кўп ичган. Дубовникида хушидан кетган. Уни ўша ердан олиб кетишган.

– Касалхонада жон берибдими?

– Ҳа, Гречаев касалхонага бориб келди. Врачлар

қўлдан келганча муолажа қилишибди.

– Мана сенга жумбоқ?! Гулдек, ўттиз ёшдаги аёл тўсатдан ўлса-ю, ишхонасидагилар ҳеч нарсга билишмасга... Ахир, кеча институтга телефон қилганингизда бу гап йўқ эди-ку?

– Институтга кеча кечки пайт Дубов хабар берган. Ольганинг дўстларини дафн маросимига таклиф қилган...

– Мархумникига бирор ходимингизни юбороласизми?

– Нимага?

– Бу тасодифий ўлим сизни ажаблантирмаяптими?

– Йўқ. Капитан Стрельцов врачлар малакасини ошириш институтидан сураб-суриштирди. Шу кунларда нафас йўлини захарлайдиган аллақандай эпидемия тарқалганмиш.

Кечга яқин Проскурин ахборот берди:

– Глэбб Гречаев билан бирга ўқиган, Винтерни яхши танийдиган ходимимиз дафн маросимида қатнашди. Бу мушкулликни Гречаевнинг ўзи ечди. Аввал Дубовга телефон қилди. Дубов «Олечка билан видолашишни истаган барча ўртоқларга эшигимиз очик» деб жавоб берибди. Гречаев ходимимизни Винтерникига «таклиф қилди...»

– Хўш, у ерда нималар бўлибди? – деб сўради Константинов.

– Отасининг бир оёғи ерда, бир оёғи гўрда экан. Кизининг ёнида ярим соат ҳам туrolмабди. Дубов «тез ёрдам»ни чақирибди. Қарияни касалхонага олиб кетишибди. Чолга жабр-да, якка-ю ягона кизи тўсатдан... Ольга ҳақида яхши гаплар айтишибди. Самимий гапиришибди. Дубов ҳам кўзёш қилибди. «Мен энг кадрдон, энг яқин кишимни қабрга қўйяпман, бундан ҳам оғирроқ жудалик борми ахир?» деб такрор-такрор ўксинибди. Никоҳ узугини унга қабр тепасида такиб қўйибди...

– Зотовга телеграмма юборишдими?

– Менимча йўқ.

– Нима учун?

– Улар ажралишган. Бўлак-бўлак яшашгандан кейин...

– Қасаллик қачон бошланган?

– Дубовнинг қўшниси аввалги кун тўсатдан кўрпа-тўшак килиб олганини айтибди. Дубов горчичник қўйибди. Горчичникли ваннада оёғини тоблабди. Кутилмаган қасаллик уни ҳам довдиратиб қўйибди. Қария қизининг омон қолиши учун барча чора-тадбирларни кўрибди. Иложи бўлмагандан кейин эрталаб, «тез ёрдам» чакирибди. Аммо вақт бой берилган экан.

– Ҳеч нарсаса тушунмаяпман, – дея такрорлади Константинов. – Ҳеч ақлим бовар қилмаяпти.

Константинов дешифровкачиларга қўнғирок қилди.

Панов сўнгги уч кунда, аниқроғи Винтер ўлимидан кейин МРБнинг разведка марказидан радиограмма олинмаганини айтди.

– Демак, радиограммаларни Винтер қабул қилиб олаётган экан-да? – дея ўйчан оҳангда сўради Константинов Проскуриндан кўз узмай.

– Яна ким бўлиши мумкин?

– Эҳ, эҳ? – деди Константинов бош силкиб, сўнг тамакидонни олиб, аста целлофан ғилофни йиртди. – Одамларни йиғинг, вазиятни муҳокама қиламиз.

... Бирок эрта тонгда, одатдагидек соат 7.15 да МРБнинг Африкадаги разведка маркази Москвадаги ўз агентига қискагина радиограмма жўнатди²⁶.

– Демак, Винтер эмас экан-да? – деб сўради Константинов хузурига кирган Проскурин билан Пановдан.

– Балки Ольганинг ўлганлигидан беҳабардирлар, – дея эътироз билдирди Проскурин.

– Бўлиши мумкин. Кейинги кунларда Винтер нима иш қилган! Кимлар билан учрашган, нима ҳақда суҳбатлашган?

²⁶ МРБнинг телеграммасида қуйидагилар баён этилганди: «Бугун сизнинг контроль сигнализини ўқиб чиқдик. Учрашув белгиланган одатдаги вақтда ўтади. Дўстларингиз Д ва Ў». (Муаллиф изоҳи).

– Раиса Ниёзматованинг айтишича, Винтер ўлимидан бир кун олдин уникига келган. Қадрдон дугоналар у ёқ-бу ёқдан валаклашиб ўтиришган.

– Винтер Ниёзматованикига бекорга бормагандир, ахир? – Константинов Пановга қаради. – Ҳеч нарсга тушунмаяпман, Нима дейсизлар, – у Проскуринга ўғирилди. – Ниёзматованикига ўзим бориб келсаммикин. Винтер билан шахсан таниш эдим. Бу аёлдан бирор маънили гап чиқар. Уникига боришимни етказинглар, қанча тез бўлса, шунча яхши.

Бироқ Ниёзматованикига белгиланган ташриф қолдирилди. Генерал-лейтенант Фёдоров кутилмаганда Константинов, Проскурин ва Коноваловни хузурига чақириб қолди. Унинг рангида-ранг қолмаган эди. Стол устида бир даста рангли қалам ётар, генералнинг бармоқлари ҳатто тирноқларигача совуққотган каби кўкариб кетганди.

– Разведка бир йил давомида радиомонолог олиб бормаслиги, – деди у, – сизларга беш қўлдек маълум. Биз тасаввур қилмаган, билмаган одам билан муқобил алоқа бўлиб турибди. Сизган бўлсангиз, бу диалог Африка қитъасида, хусусан – Нагонияда танглик кескинлашган вақтда авжига чиқаяпти. Хулоса битта: манба – хўжайинларини кенг доирадаги маълумотлардан огоҳ этиб турган шахс барча сир-асроримиздан хабардор. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бўлиб ўтган ҳар бир диалог – бизга берилган моддий зарар. Бу зарарнинг тафсилотига сўз йўқ. Бари бир, эртами-кечми бу тафсилотнинг тагига етишимиз керак, емоқни қусмоғи ҳам бор. Шундай, энди ҳозиргина раҳбарликдан юборилган махсус ахборот билан танишинг...

Фёдоров қизил папкани очди, йўталиб олди-да, сўнг охишта, паст овозда ўқишга тутинди:

– «Бугун эрталаб соат бешда Луисбург яқинида «Глеб Успенский» юк кемаси портлаган. Одесса портига тегишли бўлган. Бортида Нагония учун кишлоқ хўжалик техникаси, юк машиналари ва дори-дармонлар ортилган бу кема

Мурманскдан йўлга чиққан. Экипажнинг уч аъзоси ҳалок бўлган».

Фёдоров чекистларга бир-бир кўз ташлади. Унинг муштлари тугилган эди.

– Менимча, бу тажовуз МРБнинг найранги. Ҳукумат бундай беҳаёликка қўл уролмайди. Сир фош бўлса, оқибати яхшилик билан тугамаслигини яхши билишади. Давр ўзи шунақа.

Фёдоров анча вақт жимиб қолди. Кейин ўзини ирода қилолмай:

– Кемамизнинг ҳалокатга учрагани ҳақидаги хабарни эшитиб, Феликс Эдмундович истеъфога чиққан бўларди, тушунарлидир?!–деди зарда билан, – Славин Луисбургга бориб олиб ўзбилармонлик қилаётир. Сизлар режа тузишдан нарига ўтмаяпсизлар. Айғокчи эса одамларни, техникани бошига етаяпти! Агар уни тополмасангиз айтинг, бошқаларга топширайлик, бу ишни!

– Славин бурчини астойдил бажараяпти, – деди оҳиста Константинов. – Мен эса ҳозироқ истеъфога чиқишга тайёрман.

Фёдоров стол устига ёзилган қўлларини йиғиштирди:

– Истеъфога чиқишга шошилманг. Ишни охирига етказинг, генерал. Бор гап шу. Сизларга рухсат.

Славин

Совет элчихонаси уюштирган зиёфатда иштирок этаётган Глэбб Зотовни даврандан четга чақирди-да, қўлига калин муқовали кичкина китоб тутқазди:

– Бу китобни топиш ўлимдан ҳам қийин экан. Вашингтондан сўраб олишга тўғри келди. Камкиннинг рус нашриёти кўмаклашди.

– Ташаккур. Қанча вақтга бeryапсиз?

– Умрбод.

– Ҳазиллашманг. Бир ҳафтада қайтариб бераман.

– Бемалол. Ксероксга кўчириб олмокчимисиз?

– Ксероксларимиз сариқ чақага арзимади. Яхшиси

фотонусха кўчириб оламан.

Китобсевар Зотов 1897 йилда чоп этилган африка фольклори ҳақидаги китобни варақлашдан ўзини тиёлмади.

– Раҳмат, Жон, – такрорлади у. – Бу яхшилигингизни қандай кайтаришга ҳам ҳайронман.

– Аксинча, мен сиздан миннатдорман, Эндрю.

– Мендан? Нима учун?

– Дўстлик учун.

– Дўстлик миннатли эмас, Жон, қолаверса, биз руслар шундай деб ўйлаймиз. Бизнесменлар миннат қилса арзийди.

– Айтгандек, бизнес ҳақида. Сиз менга ёрдам беролмайсизми?

– Қандай ёрдам?..

– Савдо бўйича вакилингиз билан танишишни истайман.

– Бажонидил таништираман. У билан нима ҳақда гаплашмоқчисиз?

– Нагония тўғрисида...

– Нагонияга қандай алоқангиз бор?

– Наинки сизларни, мени ҳам бу давлатнинг келажаги ташвишга сояпти. Бу ерга техника етказиб бераётганингиз ҳукуматимни ташвишга сояпти.

– Нега бундай деяпсиз?

– Ажабланманг. Фирмам сизларнинг асбоб-ускуналарингизни ишдан чиқариш устида бош котирыпти.

– Жон, бу фойдасиз уриниш. Наҳотки, Вьетнам сабоғини унутган бўлсангиз.

– Йўк. Сизлар шуни истаяпсиз, Эндрю. Яна хаёлингизга ўз ҳукуматини қўллаб-қувватлаяпти деган ўй келмасин. У ерда калтафаҳм хумкаллалар ишлашади. Нагонияга киришимизга сизлар мажбур қияпсизлар. Гресо билан битим тузиб, зарур иқтисодий, ҳатто ҳарбий ёрдам бераяпсиз. Шундай эмасми?

– Менимча шундай!

– «Менимча». Сиз ҳукумат эмассиз. Одамларингиз

бундай ёрдамни қўллаб-қувватлашадими?

– Сўзсиз.

– Эркак кишининг жавоби бу... Хўжайинингиз билан қачон таништирасиз?

– Эртага соат учларда кўнғирок қилинг, ўкей?

– Келишдик. Маликаи дилоромингизга саломимни етказинг, Эндрю.

– Раҳмат.

– У қачон қайтади?

– Москвадаги ишларини битириши ҳамон.

Улар қўл олишиб хайрлашишди. Совет оркестрининг Луисбургга келиши шарафига ўтказилаётган одатдаги зиёфат дипломатик ишнинг бир тури бўлиб, унда учрашувлар белгиланар, долзарб муаммолар ҳақида салмоқли, айни вақтда ақл тарозисига солинган фикрлар алмашинарди.

Зотов билан хайрлашгач, Глэбб маданият бўйича маслаҳатчига хушмуомалалик билан оркестр дирижёридан хайратланганини изҳор этди. Славиннинг ёнига келиб, дўстона кучоқлашди:

– Будда қўшилмаслик²⁷ сиёсатини тутувчилар конференциясини чақирмаса, тоғ Мухаммад хузурига келмас экан-да?! – дея ҳазиллашди. – Салом азизим Вит, қаерларда йўқолиб кетдингиз?

– Ўзингиз кўринмайсиз-ку? Мен эса иш билан бандман.

– Бунча ишга муккасидан кетмасангиз!

– Сиз айтганчалик эмас.

– Мен мақсадни эмас, мушкулликни назарда тутяпман, Вит.

– Мен ҳам айнан шуни айтяпман-да. Ишнинг оғир-енгили бўлмайди, кўникиб кетганман. Синчков нигоҳини узмаётганларнинг кўплиги «Фиат»имга ортиқча юк бўляпти, холос. Бу мамлакатда ҳар нарсага бурнини

²⁷ Ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаган давлатлар.

сукадиганлар кўп экан, шундай эмасми?

– Тинмай кузатишяптими? – деб сўради Глэбб хўрсиниб. – Иложингиз канча, кўникинг. Қўйиб берсанг, хожатхонага боришимни ҳам назарларидан кочиришмайди. Бугун бизни Пилар спагетти билан меҳмон килади. Спагеттини севасизми?

– Агар сергўшт бўлса, севаман. Москва дастурхони билан ғарб дастурхони ўртасидаги фарк хақида бир француз актрисаси: «Москва магазинларининг витринаси куп-курук, кўнглинг тусаган нарсани тополмайсан. Аммо бирорта русникига меҳмонга борсанг балиқдан тортиб ветчино, пишлоккача топганини дастурхонга қўяди. Бизларда эса витриналар тўлиб-тошган, меҳмондорчиликка борсанг олдинга печенье билан бир стакан чой қўйишади», деганди. Ёмон эмас, а?

Глэбб кулиб юборди:

– Чакки эмас. Аччиқ бўлса-да ҳақиқат. Спагетти факат пишлок билан бўлмас, Пиларга айтаман, озмоз гўштга ҳам чиким килсин... Бир ўзингиз келасизми? Ёки бу ернинг пинкертон²⁸лари таъкибидан сизни ўзим олиб қочайми?

– Олиб қочолармикинсиз-а? Агар шундай килсангиз койилмаком иш бўларди.

– Яхши, аввал сизнинг сирдошингизни оламан, кейин эса хонангизга кўтариламан.

– Менинг сирдошим Москвада қолган, Жон.

– Мен Полни назарда тутяпман.

– Эҳ-ҳа, у менинг сирдошимми, ҳали? Пол Дикдек сирдошга эга бўлиш мен учун бахт-ку.

– У бечора рус хақида гапиравериб, мени эзиб юборди...

– Қайси рус?

– Сиз ракеткангизни созлатмоқчи бўлган рус хақида-да.

– Эҳ-ҳа, Белью. У ростдан ҳам рус эканми?

²⁸ Кўршалакнинг тури.

– Ҳа. Унинг исми Иван Айвен экан. Ахир, Пол ҳам сизни шундай чақиради-ку.

– Иваннинг ўлими ҳақидаги хабар босилдими?

– Йўқ. Газеталар хабар босмаса керак-ов. ФБР²⁹да хизмат қилувчи дўстларимнинг фикрича, бу ўлим шов-шув кўтаришга арзигулик-ку, аммо изоҳталаб далил-ашёлар кўп экан.

– Бирор янгилик бўлса мени беҳабар қолдирмассиз-а?

– Бахтиқаро келгинди ҳақида бирор нарса ёзмоқчимисиз?

– Тақдири кўпчилик учун қизиқарли бўлса, нима учун ёзмай ахир?! Албатта, ёзаман.

– Айтгандек жаноби Оганонинг баёнотини ўқидингизми?

– У баёнот беришдан нарига ўтмаяпти. Қайси баёнотини айтяпсиз?

– Бугунгисини. Журналистларимизни империализм матбуотининг малайлари ва яна алланималар деб ёнига яқинлаштирмасди. Ниҳоят, йигитларимиз ундан интервью олишнинг уддасидан чиқишибди...

Славиннинг энсаси қотди.

– У шунчаки «пинг-пинг» ўйнамаяптимикин?

Глэбб суҳбатдошини аввалига тушунмади, ҳатто сир бой бериб қўйишига оз қолди.

– «Пинг-пинг»? Нима учун? Нимани назарда тутяпсиз?

– Мен дипломатияни назарда тутяпман, – жавоб қилди Славин. – Шунақа ўйин борлиги ёдингиздан чиқдими?

– Эҳ-ҳа, бу доктор Киссинжернинг ўйини-ку?! Сиз билан гаплашиш оғир, Вит, журналистга хос ўта омилқорсиз.

– Омилқор бўлмаган журналист – ғирт аҳмоқ. Хўш, Огано нималарни баён қилибди?

– У «на маслаҳатчиларингиз, на Нагонияга юбораётган юкларингиз Грисони ҳалокатдан асрай олади. Шу уч-тўрт

²⁹ Федерал текширув уюшмаси.

ой ичида масала узил-кесил ҳал бўлади», дебди.

– У аввал ҳам шундай деганди, менимча.

– Гапирганди, факат муддати аниқ айтмаганди.

«Демак уларда аниқ муддат белгиланган, – деб тушунди Славин. – Тўнтаришни уч-тўрт ойга кечиктира олишмайди. Улар тажовузни бирмунча эртарок бошлашади».

Глебб уйига қайтиши ҳамон ўз иш хонасига ўтди. Чий дарпардани тушириб, музикани қўйди, чўнтагидан қўл соатига ўрнатилган, жуда қулай бўлган микрофонни олди ва уни махсус аппаратурага ўрнатиб, ёзиб олинган суҳбатни эшита бошлади. У Зотовнинг «Ксероксимиз сарик чақага арзимаёди, фотонусха кўчириб олганим маъқул», «Раҳмат Жон, сиздан миннатдорман...», «Бажонидил, таништираман», «Менга қолса, кўмаклашардим», «Сўзсиз», «Эртага соат ўнларда қўнғирок қилинг, ўкей» деган гаплари қайта кўчирилган ўта сезгир плёнкани сейфга яшириб қўйди.

Кейин кийимини алмаштирди, йўл-йўлакай, Пиларникига кирди. Унга иккинчи микродиктофонни бераркан.

– Таваленья. Сен Зотовни ўпишинг, «азизим, жонгина» деб бағрингга босишинг керак, – деди. – Токи «чарчадим», «тоқатим-тоқ бўлди», «ҳаммасини жин олсин» деб тан олишигача мажбур қилишинг шарт. Бу сахна устида ишлашинг учун уч соат вақт бор. Улгурасанми? Ҳаммасини сбдон ўйлаб ол. Чунки диктофондаги плёнка қирқ минутга мўлжалланган, тушунарлими? Элисага айт, спагетти учун кўпроқ тўшт пиширсин. Славин истагини қондирмасдан қўймайди. Майли, ҳозирча бир яйраб олсин, хўпми?

Тўртинчи тафтиш

Гмиря Одесса бошқармасининг ВЧсидан Константинов билан телефонда гаплашгач, аэрофлот кассасига кириб самолётнинг кечки рейсига билет олди.

«Тўнғиздан тук» деганларидек, Одессага келиб, чўмилмасдан кетиш аҳмоқлик – деб ўйлади Гмиря пляжга отланиб. – Шаргин ўйиндан чиқди деб ўйлашяпти. Агар фавқулудда топширик бўлмаса, бир ҳордик чиқариб оламан».

Французча «Ваканс» сўзини у жуда ёқтирарди. Овга чиқишига имконият бўлган вақтни шундай атарди. «Ваканс» сўзига унинг жамики нияти жо бўлганди. Ваҳолангки, қирк еттига қирган Гмиря йигирма беш йилини контрразведкага бағишлаган бўлса-да, ҳақиқий «ваканс»нинг лаззатини тотиб кўрмаганди. Ёз мавсумида қўли-қўлига тегмас. Ўрдак ови мавсуми бошланишида август охирида бир ҳафта, ноябрь ойида тўнғиз овлаш учун икки ҳафта дам олишга чиқарди ва агар руҳсат беришса шимол ўрдаги келган вақтда, апрель охирларида Ахтирига овга жўнарни.

Гмиря вақтни беҳуда ўтказмайдиганлар тоифасидан эди. «Вақт бирлиги»нинг азалий эканлигига овга чиққанларида тўла ишонч ҳосил қилганди.

Бошқармадаги йигитларни овора қилмади. Такаллуфнинг ҳам меъёри бор. Қолаверса, эркинг ўз қўлингда бўлса, қандай яхши. У буфетга кирди. Товус пишлоғи, қаҳва, сутли коктейль тамадди қилиб олгач, пляжга қатнайдиган автостанцияга ўтди. У ердан тўғри аэропортга қатнайдиган маршрутни сўраб билгач, портфелини омонат хонага топширди. Мазза қилиб чўмилишдан, Москвага жануб офтобида қорайиб қайтишдан ортиқ бахт борми?!

Гмиря қаҳвахонага кираверишда Шаргин билан тўқнашаман деб сира ўйламаган эди. Ўзини йўқотиб қўйди. Беихтиёр унга йўл берди. «Трэйд корпорэйшн»лик Ван Зегернинг кетидан ичкарига кирди.

Меҳмонхона кўноқлари тўрт тарафга тарқалиб кетишган, дам олувчилар айна пайтда пляжда тобланишарди. Майхонада одам кам эди. Шаргин билан Ван Зегер дераза олдидан, хурмо дарахти ёнидан жой

олишди.

«Ван Зегер бу ерда қандай пайдо бўлиб қолди? – деб ўйлади Гмиря. – Ахир, Шаргиннинг бир ўзи учганди-ку».

Сухбатдошлар дастурхон атрофида инглиз тилида оҳиста сўзлашишарди.

– Бу жентльменчасига эмас, – шивирлади Шаргин. – Бунақада мени тириклайин гўрга тикасиз, Шарль...

– «Тириклайин гўрга тикасиз»ингиз нимаси? – ҳайрон бўлди Зегер тушунмай. Шаргин тил қонун-қоидаларига шу даражада амал қилиб сўзлардики, унинг академикларга хос инглизча талаффузини ҳақиқатда тушуниш мушкул эди.

– Бу деганим, мен сизга аввалгидек қўмаклашолмайман.

– Жуда ёмон, Лео. Бу сиз учун ҳам, биз учун ҳам ёмон.

– У холда ваъдаларингизни бажаринг.

– Тизгин менинг измимда, деб ўйлаяпсизми?

– Лекин, конторангизнинг манфаатларига дахлдор ваколатчисиз, шундай эмасми?

– Ҳа, шундай Лео. Аммо кани ихтиёрим ўзимда бўлса?! Сиз ўйлагандек қудратли эмасман. Кеккайиш ёлғон, иккиюзламачиликдан ҳам баттар хислат. Бу ерга қанча кўп машина юборишса, шунча харажат қилиш керак. Оффис³⁰да контрагентларим³¹ни едиришим-ичиришим керак.

– Қанча одамни едириб-ичириш сизнинг ишингиз, аммо мен хўжайинларингизнинг биров бўлса-да, омилкор бўлишларини истардим. Агарда улар ўз баёотларини оғзларидан гуллаб қўйишса, бошим балоларга гирифтор бўлиши хаёлингизга ҳам келмаса керак?! Мен нима деяётганимни яхши биламан, Шарль.

Шаргин ўрнидан турди, ҳамёнидан пул олди. Буфетчининг ёнига борди-да, ҳисоб-китоб қилди.

Бирек Ван Зегер ўрнидан кўзгалмади.

³⁰ Буржуа гуруҳининг атамаси.

³¹ Душман ичидан иш олиб борувчи айғокчи.

– Туринг, – деди Шаргин унинг ёнига қайтиб, – юринг, бирор нарсa қилиш керак...

Гмиря такси олиб, КГБнинг Область Бошқармасига шошилди, Константинов билан телефон орқали боғланиб, фавкулодда кўрган-эшитганларини ипидан игнасигача битта қолдирмай, сўзма-сўз айтиб берди. Бирор тадбир кўришга рухсатнома сўради.

«Марказ.

Шаргин ва Ван Зегер туни билан Шаргиннинг хонасидан чиқишмади, «ёзма маъруза» битиш билан банд бўлишди. Уч марта Лондон, Марсель ва Гаагани улаб беришларини сўрашди. Алоқа линияси бандлиги туфайли абонентлар жавоб бермади.

Гмиря».

«Гмиряга.

Москвага қайтинг. Шаргин масаласи равшан.

Марказ».

Шаргин Одессада, ўз номерини ичидан кулфлаб олиб тайёрлаган «ёзма маъруза»сидан маълум бўлишича, нефть хомашёсини сотиб олиш борасида норасмий, росмана дўстона келишувга асосан Ван Зегер фирма директориатига телекс жўнатган. Улар эса гўё нарх-наво совет савдо бирлашмасини қондирмаётгани ҳақида матбуотда шов-шув кўтаришган. Шаргин нарх-навога жавобгар эди. Гмиря гувоҳ бўлган майхонадаги суҳбат вақтида Шаргин Ван Зегерга нарх-наво борасида келишиб олганлигини маълум қилганди. Шаргин лоқайдлик қилаётган директор – савдо мусобақадошининг хотиржамлигидан кўпроқ хавотирда эди...

Константинов

– Раиса Исмоиловна, – дея сўз бошлади Константинов улар гиламлар тўшалган, шинам хонага киришганда –

хузурингизга бир илтимос билан келдим.

– Бажонидил, – Ниёзматова монелик билдирмади. – Факат кимлигингиз менга коронги. Қўнғироқ килиб генерал боради дейишди, нимагалигини тушунтиришмади.

– Гапларимиз ташқарига чикмаслигига ишонсам бўладими? Сухбатимиздан якин дўстларингиз, қариндош-уруғларингиз огоҳ бўлишмайди. Шундайми?

– Сиз чин сўзга ишонасизми? – дея аёл хўрсинди ва беихтиёр девордаги суратларга бир-бир кўз ташлади. Собик эри билан бирга тушган суратга узок термилди. Константинов «аввалдан» бу фотосурат билан таниш эди. Ниёзматова бачадондан ташқари ҳомила кўрганлиги ва шу боис бефарзандлиги сабабли эри билан турмушлари бузилганига уч йил бўлганлигини Проскурин маълум қилганди.

– Чин сўзга астойдил ишонаман, – деб жавоб қилди Константинов. – Билмадим, бир воқеа сизга танишми, ё... Кропоткин казо қилганда унинг беваси Ленинга мактуб йўллабди. Барча анархистлар камокқа олинган бўлиб, исёнкор – князни сўнгги йўлга кузагиб қўядиган бирорта инсон топилмабди. Бева анархистларнинг мотам маросимида қатнашишларига рухсат беришини илтимос қилибди. Ленин хузурига Дзержинскийни чакирибди. У Ильич билан бўлган сухбатдан кейин тўғри Бутиркага бориб, ҳибсга олинган анархистларни сафга тизишларини буюрибди. Ҳар бир анархист билан яккама-якка гаплашиб, Кропоткиннинг мотам маросимидан сўнг тўғри камокхонага қайтишлари ҳақида чин сўз олибди. Анархистлар сўзларининг устидан чиқишибди. Шундай. Қолаверса, ЧКданман, аниқроғи КГБданман. Чин сўзга ишонишга одатланганман.

– Нахотки, ҳаммалари қайтишган бўлишса, – деб охиста сўради аёл. – Қаранг-а. Аммо нима учун бу ҳақда китобларда ёзишмаган.

– Ёзишган. Буни мен китобдан ўқиганман, – деб жавоб қилди Константинов.

– Чин сўз бераман. – деди Ниёзматова. – Вахолангки, амаким Шариф Шокирович ЧКда ишлаган, уни Моабитда, Мусо билан бирга отиб ўлдиришган.

– Биламан. Хабарим бор, Раиса Исмоиловна. Ольга Винтер хакида нималарни биласиз?

– Ольга хакида?.. – Ниёзматова жунбишга келди, киприкларида ёш томчилари кўринди. – Тинчликми, яна нима гап? Бундан ортиқ фалокат, ғам-ташвиш бўлмаса керак?! Нега энди Ольга сизларни бунчалик кизиктириб қолди.

– У охирги марта сизникига қачон келганди?

– Ёдимда йўк... Беш кун бўлди-ёв, Нимага сўраяпсиз?

– Бир ўзи келдими?

– Йўк. Серёжа билан.

– Қайси Серёжа билан?

– Дубов билан-да. Улар меникига соат еттиларда келишди. Серёжа каердандир «брют», «Абрау Дюрсой» шампан виносини топибди. Бироз чакчаклашдик, кейин кетишди...

– Ольга ўзини қандай ҳис қилганди?

– Яхши. Ҳамма бало ана шунда-да! Соппа-соғ юрган одам тўсатдан...

– Ўша окшом хотирангизда қолдими?

– Элас-элас ёдимда, ўша окшом айтарли ҳеч гап бўлгани ҳам йўк. Узр, исмингиз...

– Константин Иванович.

– Кўнглингизга келмасин Константин Иванович, чунки дугоналар ўртасидаги суҳбат тафсилотини учинчи бир кишига сўзлаб бериш... Оля магнитофоннинг ёнига борди...

– Ниёзматова кўзёш килди, – у қайси кассетага қандай кўшиқ ёзилганини яхши биларди. «Ҳар гал Луисбургдан кайтишда, албатта, тухфа билан меникига кириб келарди». Жавондан Денис Руссов кўшиғи ёзилган кассетани олиб магнитофонга қўйди. Серёжанинг ёнига бориб ўтирди. Ундан «бу кўшиқ эсингдами» деб сўради. У эса «йўк» деб жавоб килди. Оля эса «Аҳмоғим, ахир, бу бизнинг

кўшиғимиз-ку» деди. Дубов Ольгага ажабланиб қаради. Елка учирди. Ольга эса қикирлаб кулди. Шундай чиройли кулди». Унинг бу кулгуси ўлик одамни тирилтиришга кодир эди. Аммо Серёжа кесакдек килт этмасди. Оля яна! «Ёдингдами, бу кўшиқ бизнинг «люкс»имизда доим янграрди» деди. У эса пинагини бузмади. «Қанақа люкса?» Оля янада ҳаяжонланди. «Хилтон»да, «Хилтон»да!» Серёжа ўрнидан кескин турди, ҳатто унинг кўлидаги бакалдан Ольганинг ёзги, бежирим кўйлагига шампан виноси тўкилиб кетди. Дубов ўзини йўқотиб кўйди. Ольганинг кўлидан тортиб ваннахона томон бошлади. Бироздан сўнг улар қайтиб жойларига ўтиришди. Мум ютган кишидек лом-мим дейишмади. Бир зумда ўзгаришди қолишди... «Оля, ўша номерларингиз ҳақида сўзлаб бер» деб сўраганимда, у зўрма-зўраки кулиб, «Бошқа сафар» деб жавоб қилди. Жимиб қолди, бошқа ҳеч нарсa демади.

– Олтмиш минут ичида бўлган гап шу холосми? – деб сўради Константинов. – Алломалардан бири «Истеъдод – мукаммаллик» деган эди.

– Менимча, Чехов.

– Йўқ, Чехов бошқача айтганди, у «қискалик истеъдоднинг индаллоси» деб ёзганди. – Константинов оғир тин олди. – Бизнинг ёзувчиларимиз Чеховнинг бу фикрига амал қилсалар ёмон бўлмасди... «Мукаммаллик» ҳақида Тургенев ёзганди.

– Аммо у ўзини Чеховнинг ҳаммаслаги деб ҳисобласа арзийди. Романлари жуда мукаммал ва жуда қиска ёзилган.

– Тўғри, – деб тасдиқлади Константинов (у орадаги ноқулайликни кўтариш, мулоқотга самимий тус бериш ва аёлни бироз хотиржам қилиш мақсадида суҳбат мавзуини бошқа ёққа бурди. Чунки кадрдон, завоЛ топган яқин дугонаси ҳақида гапириш аёл учун мушкул. Чекист билан бўлиб ўтган гап бошқаларга ётмаслиги ҳақида ичилган қасам унинг асабларини ниҳоятда таранглаштирганди). – Бу, албатта, тушунарли. Тургеневнинг романларини,

айникса мактубларини яна бир бор ўқинг, булбулларнинг хониши ҳақида нақадар гўзал ёзган. Эсласангиз керак-а? Буни насрий назмнинг энг яхши намунаси сифатида чоп этиш мумкин. У Курск губерниясининг ҳар бир вилоятида, булбулнинг тонгги кўшиғини бандма-банд сўз билан ифода этолганидан ҳайратланасан, киши.

– Биласизми, Ольга тонгдек беғубор аёл эди, – деди хаёлчан оҳангда Ниёзматова ва яна ўз сўзини тўғрилаган бўлди. – Тонгдек беғубор!

– Тушунмадим...

– Мен булбулларга киёсан айтяпман, – деб тушунтирди Ниёзматова. – Кўнгли тоза одамларни тонгга киёсласа арзийди. Уларнинг чехрасидан доим табассум ёғилиб туради. Энг оғир шароитда, кўнгли хижил пайтда ҳам лабидан кулги аримайди. Чор-атрофдаги кишилар дилига озор етказишдан кўрқишади. Айримларга ўхшаб ўз кайфиятларини кўзгудек ошкор қилиб қўйишмайди. Ольга ҳақида бунчалик сўраб-суриштиришингизнинг сабабини сира англолмаяпман. ЧК бирор киши билан бекорга кизиксинмайди.

– Мана сиз, Дубов ўрнидан шу даражада кескин турдики, ҳатто қўлидаги вино тўкилиб кетди, дедингиз. Ольганинг қайси сўзларидан сўнг бу воқеа рўй берганини эслай оласизми?

– Ольга «бизнинг люксимиз» деди. У эса ўзини ҳеч нарсага тушунмаганликка солди. Ольга «Хилтон» ҳақида гапиришга оғиз жуфтлаган ҳам эдики, Серёжа ўрнидан кескин кўзгалди ва... – Ниёзматова тўсатдан жимиб қолди, пешонасида майда ажинчалар пайдо бўлди – одатда қуёшни севадиган, тез қораядиган кишиларгина пешоналарини шундай тириштиришади.

– Раиса Исмоиловна, ўринсиз савол берганим учун, узр. Лекин, сўрашим шарт. Улар ўртасидаги яқин муносабат Луисбургдаёқ бошланганми? Хабарингиз бордир?

– Яқин муносабат деб тўғри айтдингиз, Бу

муносабатни ўйнашга йўловчилар ҳам бор? Беадаблик, шундай эмасми? Бу ҳақда сўрамаганман, Константин Иванович... Ольга ҳам гапирмаган. Қўнгли очик камсухан, ўзи тўғрисида гапиришни сира ёқтирмасди. Менимча, уларнинг дўстлиги ўша ерда бошланган.

– Ольганинг Дубовга турмушга чиқиш нияти йўқмиди?

– Бир нарса дейиш қийин. Билмадим. Ольга кунларнинг бирида «Серёжа болаларни севмайди» дегани эсимда. Ўшанда у уч ҳафта учрашувдан қочиб юрди. Меникида яшади. Телефоним йўқ, шунинг учун ҳам меникида паноҳ топарди...

– У яна кимларникида яшириниши мумкин эди?

– Дугонамиз Галя Потапенконикида... У ҳақида билганларим шу...

– Институтда Винтернинг аспирантлари бормиди, Раиса Исмоиловна?

– «Винтернинг» деб бешафқатсизлик қилдингиз. У мен учун Ольга эди ва шундайлигича қолади... Аспирантларга келсак, докторликни ёклашга тайёрланаётган ҳар бир илм кишисининг шогирдлари бўлиши лозим.

– Албатта...

– Нима, аспирантурани тамомлаганмисиз?

– Йўқ, меннинг аспирантларим бор. Халқаро ҳуқуқ бўйича докторман...

– Қаранг-а, сира ақл бовар қилмайди!

– Нима учун?

– Жуда ёшсиз?

– Қирк еттига кирдим! Ўттиз етти ёшида хазон бўлган Пушкин ҳақида нима дейсиз? Байрон ҳақидачи? Лермонтов ҳақида-чи? Писарев-чи? Ақл ёшда эмас, бошда дейишади...

...Галина

Ивановна

Потапенко

«Росавтотехобслуживания»да катта иқтисодчи бўлиб ишларди. Иш столидаги телефонлар тинимсиз жиринглайди. Константинов бир неча бор суҳбат бошлашга оғиз жуфтлади-ю, аммо уринишлари зое кетди. У беихтиёр қўл соатига кўз ташлади! Бу ерга ташриф буюрганига беш

минут бўлибди ҳамки, Потапенко ҳамон Броницадаги базанинг курилишини Олимпиадагача тамомлаш, ўн минглаб чет эл машиналарига намунали техник хизмат кўрсатиш учун пухта ҳозирлик кўриш ҳақидаги масалаларни ҳал этишда давом этарди...

– Галина Ивановна, – деб шивирлади Константинов, – вақтим зиқ.

Аёл бош силкиди, кафти билан телефон мембранасини тўсди.

– Бир дақиқа сабр қилинг, ҳозир йўлакка чиқамиз...

Константинов Потапенкони КГБга чақиришни лозим кўрмади. Иш кабинетида учрашиш суҳбатга мутлако ўзгача рух бағишлайди, аёл довдираб ўзини йўқотиб қўйиши мумкин. Яхши врач одатда беморникига ташриф буюради. Қадрдон уй дарднинг ярим давоси, деб бежиз айтишмаган. У ҳам сохиб, ҳам дардман. Аёлни сўрок қилиш учун етарли асос йўқлиги, бу унинг вазифасига кирмаслиги, аксинча назорат қилиши лозимлигини Константиновнинг ўзи ҳам биларди.

– Қани, юринг чекамиз, – деди Потапенко трубкани жойига қўяркан, – бу ерда бир нафас ҳам тинч қўйишмайди.

Улар йўлакда, дераза ёнидаги диванга ўтиришди. Потапенко совет «Мальборо» тамакисидан олиб чекди. Чап қўли билан тиззаларини кучди (одатда сузишни яхши билган аёлларгина пляжда шундай ястанади). Кейин Константиновга ўтирилди:

– Рая, менга қўнғироқ қилди, Константин Иванович. Сизга кўмаклашишимни илтимос қилди. Хуллас, сизга чин сўз бераман.

– Раҳмат. Мени нималар қизиқтираётганидан хабардор бўлсангиз керак?

– Ҳа. Жуда ғалати...

– Нимани назарда тутяпсиз? Нима учун ғалати?

– Биласизми, Оля меникига эрталаб келди. Ўзини олдирган, кўзлари киртайган. Уни ҳеч қачон бундай

аҳволда кўрмагандим... Бу ҳақда гапиришга ҳам уяласан киши... Хуллас, у мендан зирагини баҳолаб беришимни сўради. Жуда чиройли зумрад бриллиант кўзли зирак...

– Нима учун заргарга ўзи бормабди?

– Бир ой муқаддам синглимнинг тўйига зирак олгандим. Уни софлигини текшириш учун Григорий Марковичникига бордим. Бир заргар чол бор. Подшо даврида ҳам ишлаган.

– Унинг адресини сўраб билса ҳам бўларди-ку.

– Заргар бегоналардан узоқроқ юради. Пенсияда, кексайиб қолган. Одати шу, ҳар кимга ишонаверишмайди... Энг кизиғи шундаки, кутича устига «Бу зираклар Серёжкадан» деган зарҳал ёзув бор эди. Демак уни Дубов совға қилган.

– Қачон бўлганди бу...

– Улар Раяникидан кетишганидан уч соатдан кейин. Ольга зиракларни қолдириб, Пищукдага кетиш олдидан келишини айтди. Бор гап шу...

– Қани ўша зираклар?

– Менда... Отасиникига бормокчи эдим... Айтишларича, чол оғирлашиб қолибди, зўрға нафа олаётганмиш...

– Ольга, сизга ҳеч нарса тушунтирмадим?

– Нимани назарда тутяпсиз?

– Нимага ўзини олдирганини айтмадим? Совгани баҳолаш нега зарур бўлиб қолибди?

– Айрим нарсалар, Константин Иванович, ҳатто яқин дугонадан ҳам сир тугилади.

– Биз эркаклар юрагимиздаги бор гапни дўстимизга, албатта, ҳақиқий дўстимизга айтишдан тап тортмаймиз.

– Шунинг учун ҳам сизларни севамизда. Хуллас, Григорий Маркович бу зиракларни етти мингга баҳолади. Сира ақл бовар қилмайди?! Унинг фикрича, бу зираклар чет элда тайёрланган.

– Қайси давлатда?

– Чол бу зийнат Бельгияда ишланган деб тахмин

киляпти, бриллиант эса африканики, авваллари бельгияликлар олмос зарраларига эга эдилар...

– Дубов билан ҳам дўстмисиз?

– Нима десам экан... Очиғини айтсам, у ақлли бўлса-да, нима учундир жиним ёқтирмайди. Ольганинг айтишича ичмайди, билимдон, иктидорли, бари бир уни кўргани кўзим йўқ.

– Нима учун?

– Ким билади, дейсиз. Кўргани кўзим йўқ. Шунинг учун ҳам таъзияга бормадим. Томоша бўлишимни билдим. Ортикча галвага тобим йўқ. Ҳар нарсанинг ўз вақти-соати бўлади...

– Ольга сизникидан қаерга кетди?

– Бехабарман. У қаергадир кўнғироқ қилиб, проспектлар, маълумотномалар ҳақида сўраб суриштирди. Хотирамда йўқ, чамамда у, Лёва исмини тилга олди.

Константиновнинг ахборотини диққат билан тинглагандан сўнг, Проскурин жилдни очиб, қоғозларни varaқлади:

– У билан мулоқотда бўлган танишларидан фақат бирининг исми Лёва, Константинов жилмайиб қўйди.

– Ғалати иборани тилга олдингиз. Худди инглиз тилидан ағдарилгандек. Лёванинг фамилияси нима экан?

– Лукин. Лев Васильевич Лукин.

– У билан учрашишингизни илтимос қиламан. Ҳозироқ, Келишдикми. Яна, сизга айтсам... Дубов кўзга яққол ташланыпти... Юриш-туриши ғалати. У ҳозир қаерда?

– Уни излашяпти, Константин Иванович, лекин ерда ҳам, кўкда ҳам йўқ.

– У ҳам ўлибдими? – деди Константинов энсаси қотиб.
– Кечгача топинг.

– Салом ўрток Лукин, фамилиям Проскурин, КГБданман.

– Салом.

Лукин Проскуринни уйига таклиф қилди. Катта хонанинг тўрт томонидаги китоб жавонлари китоблар,

луғатлар, маълумотномалар билан тўлганди. Лукин техникавий маълумотлар Бюросининг халқаро бўлимида ишларди.

– Бетартибликка эътибор берманг, – деди у, – бу бесаранжомлик сизни таажжубга солмасин. Хизматингизга тайёрман, ўртоқ Проскурин.

– Авваламбор сизга суҳбатимиз сирлигича қолиши лозимлигини айтмоқчиман, тушунарлими?

– Албатта, хотирингиз жам бўлсин.

– Ўртоқ Лукин, Ольга Викторовна Винтер охириги марта сизникига нима учун келганини билмоқчиман.

– Ольга мендан «Хилтон» меҳмонхоналарининг проспектини сўради. Тинчликми?

– Ўртоқ Лукин, саволни мен бераман.

– Бажонидил.

– Қандай проспектлар?

– Меҳмонхоналар, ресторанлар, майхоналарнинг рўйхати, ижара ҳақлари, адреслари, телефонлари, телекслари.

– Бу проспектни қаердан келтиришган?

– Менимча Италиядан? Ёки Буюк Британиядан. Чамаси Лондондан, ҳа, ҳа, аниқ, Лондондан келтиришган.

– Ўша проспектда Луисбургдаги «Хилтон» меҳмонхонасининг ҳам тавсифи борми?

– Албатта. Менимча, Ольга худди шу меҳмонхона ҳақида сўради.

– Нима учун?

– Билолмадим. У маълумотномани варақлаб, Луисбургдаги «Хилтон» меҳмонхонаси ҳақида ёзилган саҳифани оҳиста буклади. Кейин менга қараб кўйди. Ахир, китобларни авайлаб асрашимни яхши биларди-да.

– Ўша маълумотнома қаерда?

– Ольга ўзи билан бирга олиб кетган.

– Қайтариб беришини айтгандир?

– Ҳа. Таъзияга борганимда бу маълумотномани Сергейнинг хонасида кўрдим.

— Ольга билан бирор мавзуда суҳбатлашгандирсиз? Ёки маълумотномани олиб кетдими?

— У остона ҳатламай, «Лёва, «Хилтон» ҳақидаги проспектни бер деди. Бирор ҳодиса рўй бердими, ўрток Проскурин?

— Сиз Винтернинг юриш-туришида бирор ўзгариш сезмадингизми?

— Кимнинг? Эҳ-ҳа, Ольганими? Йўқ. Кўринишидан кечаси ухламаган киши каби қарахт, тунд эди. Бошқа ҳеч қандай ўзгариш сезмадим...

Коноваловнинг рўпарасида ўтирган, эксперт сифатида таклиф қилинган заргар Абрамов туксиз, ялтироқ бошини хиёл эгиб олганча ҳар бир ҳарфни диққат билан ажратиб, қуйидагиларни ёзарди:

«Мен, Абрамов Игнатий Васильевич, заргарлик ва тилла иши бўйича мутахассис сифатида бу ерга таклиф қилинган эканман, берилган саволлар хусусида қуйидагиларни маълум қилишни лозим деб ўйлайман. Заргарлик санъатининг ноёб нусхаси ҳисобланган зирақлар бриллиант, тилла, платиндан чет элда ишлаб чиқарилган. Зирақлар Бельгияда ёки Голландияда тайёрлангани аниқ. Филофининг ялтироқ тасмаси ва барқут қопламасига қараганда Нью Йоркдаги «Кук н сыновья» корхонасида тайёрланганини ҳам эътироф этиш мумкин. Зирақлар Францияда, «Кук и сыновья»нинг ҳозирда «Тулуз Луар» деб ном олган шўъба корхонасида ишлаб чиқарилганлиги ҳам эҳтимолдан холи эмас. Зирақларнинг тахминий баҳоси беш минг сўм. Конвертар валютага чақилганда, бу зирақлар уч мингдан етти минг долларгача баҳоланиши мумкин».

— Нима учун энди «Кук и сыновья», Игнатий Васильевич? — Абрамовнинг хулосасини ўқиб чиққан полковник Коновалов унга савол берди. — Адашмаяпсизми?

— Заргарлар мерганлар каби ҳаётда бир марта хато қилишлари мумкин. Зумрад серкирра, тешиги чуқур қирралари қўлда силлиқланиб, машинада сал-пал ишлов берилган «Кук»дан ўзга ким ҳам шундай қилоларди?

Харидорнинг қадрига етмаймиз. Кўнгилчанлик бизга ота мерос. Улар Политпросветнинг йиғилишлари билан эмас, бозор билан тирик, илтимос, менинг қўполлигимни кўнглингизга олманг, дилимда неки бўлса шуни айтишга одатланганман. Айниқса большевикларнинг тарихий йигирманчи съездидан кейин...

– «Кук и сыновья»нинг филиаллари қаерларда мавжуд, аниқ айта оласизми?

– Қаерларда деганингиз нимаси?! «Кук»лар дунёни камраб олган. Ҳар бир мамлакатда бошқармаси бор. Ахир бу писта бозори эмас, бу бриллиант! Бриллиант – бебаҳо, одамлар бебаҳо нарсанинг қийматини аниқлай олганми?

– Аниқлай олишмаган, – деб тасдиқлади Коновалов. – Илтимос, менга айтинг-чи, бу зиракларни арзигулик совгалар қаторига қўйиш мумкинми?

– Олла! Арзигулик совға. «Паркер» ручкаси арзигулик совға бўлиши мумкин! Чет элни билмас экансиз. Мен эса хабардорман. Арзигулик совға... Ён дафтар, бир даста гугурт апофеоздек³² гап. Яна Полипозия архитектураси ҳақидаги китоб... Буржуйни сахий деб ўйлайсизми! У хасис, Фининспекторларимиздан ҳам хасисрок! «Кук» арзигулик совға учун маҳсулот ишлаб чиқармайди. «Кук» маҳсулоти ҳаётда бир марта: тўйда, ўйнашга ёки балоғат ёшига етган қизга совға қилинади. «Кук» борасида гап кетганда арзигулик ҳақида оғиз очманг!

Коновалов жилмайди:

– Раҳмат сизга, ўртоқ Абрамов.

«Славинга.

Имкониятига қараб Дубов «Хилтон» меҳмонхонасида турган-турмаганлигини, турган бўлса, қайси хонада қанча муддат ва ижара қийматини аниқланг? Қандай ҳисоб-китоб қилган? Чек биланми ёки нақд пул биланми? Яна «Кук и

³² Қутлашга арзигудек совға.

сыновья» фирмасининг ваколатхонаси қаерда жойлашганини аниқланг? Бош директори ким? Бельгияда ишланган заргарлик буюмларининг рўйхати борми? У ердан бир йил илгари уч минг ёки етти мингдолларли бриллиант кўзли зирак сотиб олган кишининг фамилиясини аниқлаш мумкинми?

Марказ».

Коноваловнинг бўлинмаси Дубов ҳақидаги маълумотларни умумлаштирди. Константин Дубов Луисбургдан қайтганидан кейин докторликни ҳимоя қилиш ҳақидаги таклифга рад жавоби берганининг сабабини аниқлаш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

– У нафақат докторлик ҳимоясидан воз кечган, ўрток генерал, – деди Коновалов ярим тунда умумлаштирилган материаллар ҳақида ахборот бераркан, – Жуда ғалати манзара намоён бўляпти. Унга бошқармада ойлик маоши уч юз сўм бўлган бўлим бошлиғи вазифасини таклиф қилишган. Рози бўлмаган. Ажабланарли ери шундаки, атрофдагиларга кўр-кўрона, очикдан-очик пулга номуҳтожлигини кўрсатишга ҳаракат қилган. Академияда ўқишдан ҳам воз кечган. Координацион институтнинг «Африка тармоғи» бўйича мутлақо махфий хужжатлар тўпланадиган бўлимида катта референт ўрнини уч ой кутган. Маоши – икки юз сўм, мукофот йўқ.

– Координацион институтида қандай манфаатни кўзлаган? Ўта кизиқарли сафарларними, шахсий истиқболиними?

– Мутлақо йўқ. Бўлим мудирлигига таклиф қилишганда дунёнинг қайси мамлакатига бориш зарур бўлса, ўша ерга юборишга кафолат беришган. Докторлик иши ёзгудек бўлса, шарт-шароит яратиб беришни айтишган. Истиқбол хусусига келсак, фақат докторликни ҳимоя қилишдан бўлак силжиш бўлмайди...

– Илмий иш қияптими?

– Йўқ. Биздаги маълумотларга кўра, ҳатто бу ҳақда

уйлаб ҳам кўрмаган.

– Қандай таърифлашяпти?

– Ижобий. Интизомли, камтар, махфий ҳужжатлар борасида ишига пухта.

– Айтгандек, уйидаги приёмник қанақа?

– У Москвада эмас, Константин Иванович... Унинг квартирасига киришга ҳуқуқимиз йўқ, ҳозирча, албатта.

– Уйида қандай приёмник борлигини аниқлаш керак.

... Эрталаб соат тўртда Проскурин келди.

– Дубов қаерда? – деб сўради Константинов,

– Уни топишга қўлдан келганча ҳаракат қиламан.

– У ҳолда, қонун доирасидан четга чиқадиган чоратадбирни кўришингизга рухсат беролмайман.

Константинов ниҳоятда шошилишч телеграммалар солинадиган жилдни олди.

– Менга айтинг-чи, доирага кирган кишилар орасида Нагонияга жўнатилаётган юклар ҳақида қимлар кўпроқ хабардор?

– Фигурантлар ҳақидаги маълумотлар билан яна бир қарра танишиб, кейин аниқ жавоб беришим мумкин.

– Қимлар, қимлар? – Константинов бужмайди, – «Фигурант» – Бархударовнинг изоҳи бўйича «балет артисти» дегани.

– Шундай деб аташга одатланганмиз, ўрток генерал. «Фигурант» том маънода айтилмоқчи бўлган фикрни ифодалайди.

Константинов ўйчан оҳангда монелик билдирди.

– Сукротнинг таърифи бўйича сўз ўз ҳолича на ёлғонни, на ҳақиқатни ажратиб беради. Онгимизда «нуктаи назар» шаклида намоён бўлган сўзлар бирикмасигина ҳақиқат ёки ёлғоннинг асл моҳиятини очиқ беради...

(Константинов эллик тўртинчи йилнинг кузида Запорожьеда токарь бўлиб ишлаб юрган кезларида комсомол тавсияси билан КГБга келди. Ҳуқуқшунослик институтини сирдан тамомлади. Диссертацияга

тайёрланиш билан бир вақтда филология факультетига ўзи, мустақил тайёрланиб имтиҳонлар топширди. XIX аср инглиз адабиётини ўрганди. Брест қалъаси ҳимояси учун жон фидо қилган отаси аввал чегарачи, кейин рус тили ўқитувчиси бўлганди. Шунинг учун бўлса керак, у фикрини тўғри баён қилишга алоҳида маъсулият билан қарарди. Ленинградлик ёзувчи Лев Успенскийнинг илмий китобларини севиб ўқирди. Кекса тилшуноснинг тил софлиги учун изчил курашиши Константиновни ҳайратга соларди.)

– Мен фигу... – Проскурин генералнинг танбеҳидан сўнг жумлаларни тўғри талаффуз қилмоқчи бўлди. – Бизни кизиқтираётган кишиларнинг таржимаи ҳолларини яна бир бор кўздан кечиришим лозим. Жўнатилаётган юклар ҳақидаги масаланинг бунга қандай алоқаси бор? – деб таажжубланиб сўради у.

– Славиннинг телеграммаси. Мушкулингизни осон қилади. Жўнатилаётган юклар ҳақида Луисбургда фақат бир киши – Зотов батафсил билади.

– Агар эр-хотин ўртасидаги дўстона ва осойишта турмушни инобатга олсак, – Проскурин кулиб қўйди, – бу ердаги маълумотлар билан Винтер хабардор бўлиши мумкин.

– Айтайлик шундай. Яна ким?

Бир ярим соатдан сўнг Проскурин, махфий маълумот (бевосита хизмат вазифаси юзасидан) фақат бир киши – Сергей Дмитриевич Дубовнинг қўлидан ўтиши ҳақида ахборот берди.

«Мутлақо махфий».

Генерал-майор Константиновга.

Сўровингизга мувофиқ қуйидагиларни маълум қиламан: Сергей Дмитриевич Дубов номига олинган «Москва – Адлер» авиабилети Аэрофлотнинг «Метрополь» меҳмонхонасида жойлашган агентлигига тўрт кун илгари топширилган.

Бешинчи тафтиш

Дональд Ги баланд бўйли, ўрта ёшлардаги, сочлари бутунлай оқариб кетган ва манглайида кизғиш чандиғи бўлгани учун бўлса керак, журналистлар Муссолинини олиб қочган киши билан Кеннеди қотили фамилиясини қўшиб, «Ги Харви Скорцени» деб аташарди.

У хонасида кондиционер бўлмагани сабабли Степановни меҳмонхона ховлисига таклиф қилди.

Бошқа номерларда ҳам кондиционер йўқ. Ускуналарни фақат мустамлакачиларнинг ўзлари созлашар, мураккаб система фаолиятини маҳаллий ходимларга ўргатишдан бош тортишарди. Ҳукумат ғарбликларга катта пул ваъда қилганди. Атрофи эртаю-кеч очик, океандан мунтазам енгил шабада эсиб тургани учун меҳмонхона айвони энг кулай жой эди.

— Дмитрий Степановман, Москвадан. Қимматли вақтингизни ажратганингиз учун миннатдорман.

— Сиз билан учрашишдан ғоятда хурсандман. Очиғи руслар билан тез-тез учрашиб тураман. Менда бирор юмушингиз бор эдими?

— Ҳа.

— Бажонидил мистер Степанов.

— Мени Глэбб ҳақидаги солномангиз қизиқтиради.

Дональд Гининг чехраси тундлашди. Ўзини ирода қилолмай киссасидан ғижимланган «Гистерфильд» тамакидонни олиб, титилиб кетган сигаретадан Степановга ҳам узатди, ташналик билан тутатди-да, кейин бошини суяклари бўртиб турган елкалари орасига қисиб:

— Бу мавзуда суҳбатлашишга тоқатим йўқ, — деди.

— Мағлуб бўлдингизми?

— Шунчаки мағлуб бўлмадим. Сўзсиз сулҳга имзо чекдим.

— Етарли далилингиз бўлмагани учунми?

— Нафақат...

– Биласизми, Осиё бўйлаб бир неча бор сафарда бўлганман... Менда мистер Лао банкига оид маълумотлар бор.

– Уни ўзингиз ошкора тўпладингизми ёки разведка кўмаклашдими?

– Агар менга бу маълумотларни разведка берганида мистер Лао ҳақидаги китобни нашр эттиришим мушкул эди. Қайси разведкачи махфий маълумотларни матбуотда эълон қилишни хоҳлайди. Сиз чигални тамоман бошқача ечмоқчи бўлдингиз. Аслида ишни мистер Лаонинг котиби кимнинг буйруғига биноан ўлдирилганидан бошлашингиз керак эди.

– Қотилларни топиб бўлмади.

– Сиз уларни ахтаришганига ишонасизми?

– Расман, ҳа. Гонконгда бу ҳақда ўйлаш ҳаёлимга келибдими. Сиз у ерда бўлганмисиз?

– Йўқ.

– Агар умумжаҳон кўкнорилиги сизни қизиқтирса, у ерга боришни маслаҳат қиламан.

– Уриниб кўрдим. Менга рухсатнома беришмаяпти. Эркин сафар қилиш, биз қизиллар учун нотабий. Сизларнинг одамларингиз шов-шув кўтариб бўлса ҳам, ўз манфаатларига эришадилар. Шанц фамилияси сизга танишми?

– Вильгельм Шанц, Мюнхенлик немис.

– Тўғри.

– У Глэбб билан ишлаган.

– Унинг ҳаёт фаолиятидан хабардормисиз?

– Йўқ. Немислиги, инглиз тилини яхши талаффуз қилиши ва Америка нашрларини тарқатиш билан шуғулланишидан бўлак ҳеч нарса билмайман.

– Унинг СС гауптштурмфюрери бўлганлигини биласизми?

– Бу тарғибот ҳазилларидан бири эмасми?

– Газеталарда унинг қотилликлари ҳақидаги буйруқлар факсимелини эълон қилдик, мистер Ги. У ҳарбий

жиноятчилар руйхатига киритилган.

— Унинг таъкиб этишларини талаб килинг.

— Бир эмас, уч марта шундай килдик. Бир сўз билан айтганда, у Гонконгдаги террорчилар тўдасига бошчилик килган. Ўйлашимча, сизга уюштирилган тажовузга Шанц бош-кош бўлган. У бунака ишларнинг устасифаранги бўлиб Скорцени билан бирга ишлаган.

— Буларни сиз қаердан биласиз?

— Бу ҳақда менга Скорцени сўзлаб берди.

— Менинг шахсиятимга янги кишининг киритилишидан қандай наф бор, мистер Степанов?

— Нафи бор, албатта. Америкаликларнинг кўпчилиги нацизмни ёмон кўришади. Агар сиз Глэбб Шанцни яширганлигини исботласангиз, шахсий хулқ-атворингизга мутлақо бошқача қарашларига мажбур килган бўласиз. Шанц ҳақидаги жамики маълумотларни беришим мумкин. Фақат бир шарт билан. Сўзсиз битимнинг имзоланиш тафсилотини гапириб берасиз.

— Бу ҳақда ёзмоқчимисиз?

— Буниси сизга боғлиқ.

— Бу ҳақда ошқора ёзишингизни истамайман.

— Ишсиз бўлиб қолишдан қўрқасизми?

— Ишсизлик ҳам гапми, ҳаётдан махрум бўлишдан қўрқаман. Глэббни фош этиш йўлида, ҳатто идиш-товок ювувчи касбини ҳам ўзлаштириб олдим. Мени кўккисдан отиб ўлдиришлари ҳеч гап эмас.

— Агар мен исми шарифингизни ўзгартириб ёзсам-чи? Воқеа юз берган жой номини ҳам?

— Бу эллик минг доллар деган гап.

— Бу ерда кунига ўн икки доллар оламан, мистер Ги. Агар бир ой туришимни назарда тутсак, сиз айтган кийматнинг ярмини беришим мумкин.

— Яхшигина даромад, — Гининг чехрасидаги жиддийлик бироз йўқолди. — Биласизми, ҳамкасб, Глэбб ҳақидаги барча маълумотларни сотганман. Бирорта сатри ҳам қолмаган. Ўн мингга. Улар менга йўллаган

мактубларида акамни ўлдиришларини, синглимни ўғирлашларини маълум қилишди. Ниятларидан қайтишмайди. Улар шундай қилишлари аниқ, тушуняпсизми? Нима қилишим керак эди? Онам билан синглимни юртингизга олиб кетишим керакмиди? Пул йўқ, йўлкира йўқ. Кейин, қолаверса, Американи севаман. Тузумингизни ёмон кўраман.

– Худди мен каби.

– Биламан. Ҳамкасбларим асарларингизни ўқиб туришади.

– Сиз-чи?

– Йўқ. Мен умуман ҳеч нарса ўқимайман, мистер Степанов. Мен босилган бирорта сўзга ишонмайман. Чунки ипидан игнасиғача уйдирма. Нимани сўрашса шуни ёзиб бераман, хизмат бурчимни бажараман, мистер Степанов. Ўша Глэббнинг илтимоси буйича мени «Стар» сотиб олган. Бунга имоним комил.

– Йўқ. Глэббнинг қўли калта, бу боссларининг иши.

Ги бош силкитиб, кулиб қўйди:

– Сизнингча, Глэбб қорадори операциясидан келган фойданинг қанча қисмини босслари номига жўнатган? Учдан бирини юбориб турган, холос. У ердаги кишилар эҳтиёткор, қанча пора олишларини яхши билишади. Бир карра кўтара пул олиб, хонавайрон бўлгандан кўра, орачора ва оз-моз олган маъқулроқ.

– Бу «бир карра» қандай бўлишига боғлиқ.

– Нарх-наво содда, амалга оширилган ҳар бир операциясини «ёпди-ёпди» қилгани учун даромаднинг беш фоизи Глэббнинг чўнтагига, шундан уч фоизи эса боссларнинг киссасига тушиб турган.

– Шундай экан, нима учун Майямида айш-ишрат сурмай, Луисбургда иккинчи даражали шахс бўлиб юрибди?

– Чунки у, бор топган-тутган пулини Нагонияда сарфлаган, мистер Степанов. У ердаги барча меҳмонхоналардан олинadиган даромаднинг ўн фоизи

уники эди. У миллионларини икки ҳисса қилиб кўпайтириб олишга улгуролмади. Иш чаппасидан кетди. Пулларни қандай бўлмасин, қайтариб олиши керак-ку, ахир.

– Далилларингиз борми?

– Далиллар Лиссабон ва Парижда бор. Бернда ҳам бор. Пул асрамоқчи бўлган кишилар учун алоҳида нашр бор. Глэбб маблағини омонат дафтарчада асролмасди. Чунки давлатимизда молия министрлигининг фискаль системаси ФБРдан ўн чандон яхши ишлайди.

– Нагонияни қайтариб олишлари ҳақиқатдан йироқлигини у тушунмайдими?

– Бунни айтиш ҳақиқат, деб биламан.

– Бундай бўлмайди.

Ги бош тебратди:

– Бўлади.

– Наҳотки, Глэббнинг пулларини қайтариб олишни жуда хоҳлаётган бўлсангиз, Дональд? – деб аста сўради Степанов. – Наҳотки, унинг бу ерда иш бошлашини хоҳлайсиз? Унинг кассасига ўз миллионларини қайтарадиган ва Штатларга ғолибона қайтишига имкон берадиган ишни назарда тутяпман.

– Мен бунни асло истамайман. Алқисса, оиламни отиб ташлашини ҳам истамайман.

– Ҳа, бу ишнинг ўз ижрочилари бор...

– Йўқ. Глэбб ҳаммасини ўзи қилишга одатланган.

– Гувоҳлардан қўрқадими?

Ги яна елка қисди.

– Нега энди? Қўрқмайди. Уларни истаган вақтида «олиб ташлайди». Шунчаки бу иш унга ёқади. У ҳақиқий «яшил кирғий». Унинг ғояси куч. Шанц хусусида айтганларингиз Глэбб ҳақидаги тасаввурим билан уйғунлашиб кетади. Глэбб уйида Гитлернинг суратини осиб қўйишига сира ажабланмайман.

– Глэбб ҳақида суҳбатлашган кишиларингизнинг исмини менга айтиб бероласизми?

– Ахир айтаяпман-ку, ҳамма ҳужжатларни сатр-

сатригача соттанман. Хотиржам яшашни истайман. Шундай. Тушунарлими?

– Тушунарли. Бир неча ойдан кейин Штатларда бўламан. Сиз нацизмни ёмон кўрадиган икки кишининг исмини айтсангиз, бошқа ҳеч нарса керакмас. Китобимга олишим лозим бўлган гонорарни харжлаб, шахсиятингизга тегмаган ҳолда ўзим тафтиш ўтказмоқчиман.

– Сизга чет элда гонорар тўлашмайди. Газеталаримизда сизлардаги молимардумхўрлик ҳақида кўп ёзишди.

– Ахир, газеталарга ишонмайсиз-ку, – деб Степанов кулди. – Қолаверса, бу ҳақда кўпми-озми тўғри ёзишган.

– Сўл журналист билан очик гаплашяпсиз, мистер Степанов.

– Мен сўл газетага хизмат қилаётган журналист билан суҳбатлашяпман, мистер Ги, Бунинг орасида ер-у осмонча фарқ бор. Чет элда босилган нашрларим гонорарини нацистларнинг астар-аврасини ағдаришга сарфлайман.

– Айтинг-чи, нима учун нацизмни бунчалик ёмон кўрасиз? Албатта, тушунаман, ўн миллион курбон бергансизлар.

– Йигирма миллион.

– А?

– Ҳа. Шахсан мен-чи... Хўш... Ҳали ўн ёшга тўлмаган етти ака-ука ва сингилларимни ўлдирган ўша шанцчилар ҳозир Гонконгда демократия ва тенглик ҳақидаги жимжимадор нашрларни тарқатишяпти...

– Мен ичмайман, мистер Степанов, лекин, ашёвий далиллар билан Глэббни кулатсангиз, муваффақиятингиз учун мадер тўла қадах кўтараман. Унинг биринчи хотини билан суҳбатлашишга уриниб кўринг. Ахён-ахёнда уйида, кўпроқ ақлдан озганлар клиникасида ётади. Айтишларича, у бутунлай соғлом экан. Унга ишонишмайди, албатта. Лекин у сизга фактлар беради. Унинг исми шарифи Эмма Шанц. Ўша, сиз батафсил сўзлаб берган Вильгельмнинг қизи. Фақат ёдда тутинг: Эмма кирк бешинчи йилнинг

майида туғилган – бу сана унинг нималарни севиши-ю, нималарни ёмон кўришини билиб олишда катта аҳамиятга эга.

Славин

– Одамлар энди бир-бирига оқибатли бўлишди, – деди Славин костюмини стол суянчигига иларкан. – Меҳрибон тимсоҳ – Гена ҳақидаги кўшиқ ҳозир жуда машҳур. Авваллари болаларни тимсоҳ билан кўрқитишарди.

– Дарёларимизда бир чўмилиб кўринг-чи, сон-саноксиз меҳрибон Геналарнинг емиши бўласиз, – деди Зотовнинг энсаси қотиб. – Бу меҳрибонлик эмас, аксинча, фаннинг оммавийлашгани. Мен «Ҳайвонот оламида» телекўрсатувини назарда тутяпман. Сиз айтган тимсоҳлар экранда безоридек кўринишади. Одамлар сентименталь бўлиб кетишган десангиз, фикрингизга қўшиламан, Меҳроқибатга келсак, ўз фикримда қолишимга қаршилиқ қилманг. Одамзод хасислашиб кетган. Виталий Всеволодович... Сиздан қарз сўрашса, берасизми?

– Бераман.

Қарзни ўз вақтида қайтариб беришадими?

– Ҳм... Айримлар қайтариб беради.

– Айримлар. Ўтган асрларда қарздор бўлмаганини тасаввурингизга сиғдира оласизми? Масалан, Лермонтовнинг қаҳрамонлари андишага чидамай, овлокрок жойда ўзларини-ўзлари отганлар. Ҳозирги одамларда худди шу жасорат йўқ. Ўз қарзингни сўрасанг, «Шайтоннинг малаги, биров кутсанг осмон узилиб ерга тушадими» деб жавоб беришади. Ёшликдаги хулқ-атворимиз муҳокама қилинган йиғинларни бир эсланг. Худога шукурки, илгариги аҳмоқгарчиликлар ортда қолди. Кир иштон-кўйлакда юриш – шаккоклик. Йўқ-йўқ, одамзод ҳаддан ташқари асабий бўлиб қолган, Виталий Всеволодович. У ғам-аламни унутган. Худди коммунал ошхонада яшагандек умр кечиради.

– Уйни соғинибсиз-а? – сўради Славин.

– Ҳа, соғиндим. Қани энди, имконият бўлса-ю...
– Менга бу ердаги кабоҳатларни айтиб беришди...
– Ана-ана... Яна, меҳр-оқибатли бўлиб боряпмиз, дейсиз. Ҳақиқат Қаворий¹³³ билан ёнма-ён, аллакаерларда ётибди. «Яҳудийлар шуҳратпарастликни даъво қилишса, эллинлар доноликни маъқул кўришаркан». Шунга ўхшаб айримлар ажойиботни изласа, айримлар билимга интилади. Айримлар омадга ишонса, бошқалар ўз ақлига суянади. Аммо, ҳеч ким меҳр-оқибат қилишни хоҳламайди. Толстой ҳақиқатгўй бўлгани учун ҳам уни майна қилишган...

– Ичасизми?

– Бажонидил.

– Афсуски, ароқ тутаган.

– Ароқни кўрсам кўнглим озади. Виски ёғдек кетади.

– Глэбб сизнинг аксингиз экан. Вискини ёқтирмас экан. Рус ароғини яхши кўраркан.

«Қулоқ ос, Глэбб. Қулоқ ос! – деди ичида Славин, Бу хонадаги тик этган овозни ёзиб олишига унинг ишончи комил эди. – Гапларимни эшит! Қани энди, ичиб маст бўлганларингни яна бир бор кўрсам».

– Ёйишга арзигулик бирон нарса борми? – сўради Зотов.

– Фақат сода бор. Печенье ҳам қолган. Истайсизми?

– Майли. Эрталабдан бери туз тотганим йўқ.

– Юринг, тамадди қилиб оламиз.

– Яхшиси, меникига борайлик-а? Қайнонам дудланган кази, яна сулгуни ҳам юборибди. Сулгунини яхши кўрасизми?

– Бўлмасам-чи. Бажонидил. Бир танишим кўнғироқ қилмокчи эди. Бироз кутайлик. Пиларникига судраяпти, боргим йўқ...

– Ғалати аёл. Гулдек нозик аёлнинг эркакча фикр юритиши... Ҳаддан ташқари сермулоҳаза.

– Бинобарин, «сермулоҳазалик» тарафдориман. Ўз

³³ Исо пайгамбарнинг ўн икки шогирдларидан бири. (тарж.)

билгимиз билан мулоҳаза юритишимиз лозим. Мулоҳаза юритишгина фикрий тарқоқликни умумлаштиради, – деб такрорлади Славин. – Фикр ўз атамаси билан фикр, бир неча фикрни ҳеч қачон тушунчага жамлай олмайсан. Тушунча – хотира, тасаввур ва дунёқарашни ўзига қамраб олган ақлий мушоҳадалар йиғиндиси, билим чўққисига олиб чиқувчи пиллапоя. Пиларнинг хотираси жуда яхши, сезгандирсиз?

– Пиларни кўпам пешлайверманг... Мантиқ кишига ёрдам беради, деб хато ўйламанг. Ўз ҳолича инсон табиатан ўта мантиксиз бўлади.

– Хотинингизни назарда тутиб шундай деяпсизми? – деб сўради Славин.

Зотов виски ичди, печеньени ҳидлади, бир тишлаб синдириб оғзига солди-да, сўнг ўйчан оҳангда:

– Йўқ. Аксинча, у дилкаш аёл. Ҳамма бало ёшда, майлда, муомаладаги фарқ ва ниҳоят, ўзимнинг тентаклигимда, деб ўйлайман.

– Бўйнингизга тавқи-лаънат сиртмоғини тортманг, кераги йўқ!

– Ҳа, кераги йўқ. Аммо тавқи-лаънат бошқа, бор гапни рўй-рост айтиш бошқа. Демак сизни ҳам менга қарши чархлашибди. Ольгани ёмон кўришади. Диёнатсизлик бу. Ольга мендан ақллироқ, иқтидорлироқ, ўз номи билан ижодкор, яъни файласуф. Ниҳоятда гўзал. Уни йўриғимга солмоқчи бўлдим. Ўзим айборман. Ҳозир ҳам хаёлим унда. «Қандай экан?» «Ким билан экан?» «Ранжитишмаётганмикин?» деб хавотирланаман. Бунақада ақлдан озишинг ҳеч гап эмас. Ё шахсиятпарастликка бериласан ёки баридан воз кечасан. Учинчи йўл йўқ, хом-хаёлга берилиб яшашнинг нима кераги бор.

– Сиз ўзингизни чакириб олишларини сўрадингизми?

– Йўқ, Кооператив уйга ёзилганман. Яна бир йил кутишим керак. Кутубхонамиз бор. Иккаламиз китобсиз ишлаш у ёқда турсин, ҳатто яшай олмаймиз. Африка тасвирий санъатига оид альбомларни кўтариб, қаёққа ҳам

бордим? Ярим тонна юк. Ольга учун юрагим ачишади. У буни билади. Лекин унга ҳам осон тутиб бўлмайди.

– У бошқа кишига турмушга чикмадими?

– Чикмайди ҳам.

– Нима учун?

– Бу сиз билан бизнинг ишимиз эмас.

– Кечирасиз.

– Зарари йўк. Бу савол билан юрагимга қўл солмоқчи бўлдингиз-а? Илгарилари бу ҳақдаги гапирганларнинг оғзига урардим. Ҳозир эса... Фойдаси йўк... – Зотов нотабий хўмрайди, қадахни суриб қўйди. – Яна қуймайсизми? Баъзида бош оғриғига «қиттак» олишдан ўзга ҳеч бир қайғуси йўк ароқхўрларга ҳавасим келади.

– Ичганларни ёктирмайсизми?

– Отамнинг бошига ичкилик етган. Ғоятда билимдон киши эди. Лекин ўзини-ўзи идора қилолмади... Худди грек...

– Нимага? – дея тушунмай сўради Славин.

– Грекдан фарқи йўк эди. Аккли-фаросатли қариндошларимизнинг билимига шубҳа билан қараган. Греклар ҳам фақат чет эл маданиятини тан олишган. Ҳатто ўз Пифагорларини ҳам «Олла, денгиз ортидан келган муаллимлар туфайли дохий бўлгансан» деб сарик чакага олишмаганди. Менинг отам файласуф бўлган. Кимки табиатни ўрганса, ўша – файласуф, қолганларнинг ҳаммаси – пиёз пўчок. Шу боисдан ҳам ичкиликка муккасидан кетди. Худо ҳақки ўта билимдон бўлиш ҳам даҳшат экан. Шундай даҳшатки... Пифагордан, «Нима билан машғулсиз?» деб сўрашганда қандай жавоб қилганини биласизми?

– «Ҳеч нарса билан машғул эмасман, мен файласуфман», деган шундайми?

– Ана, отам ҳам шундай эди... Аввалига дунёнинг гўзаллигидан лаззатланди, кейин эса барча нарсадан кўнгли совуди. Ўзига ҳам, атрофдагиларга ҳам ишонмайдиган бўлиб қолди. У ишончсизлик қурбони бўлди. Жони

жаннатда бўлсин, илоҳим... Танишингиз кўнғирок қилмаяпти-ку?

– Яна беш дақиқа кутайлик... Жуда ажойиб йигит-да...

– Уларнинг ҳаммаси ажойиб, – деди Зотов энсаси қотиб. – Ажойибларидан бири – Глэббми? Нагонияга юборилаётган юкларимизни ипидан-игнасигача билади-я. Шунга хайронман. Бу ерда мендан ортик биладиган киши йўқ.

Славин зудлик билан Зотовнинг оёғини босди, аммо у энсаси қотиб қўл силтади:

– Кўркманг сизга кулоқ осишмайди. Элчи бўлганингизда бошқа гап эди...

...Зотовнинг сўнгги сўзларини эшитиб, Жон Глэбб стулдан сапчиб турди. Ишлов берилмаган магнит лентани киссасига солиб, Роберт Лоренс ҳузурига йўл олди.

– Иш бажарилди, – деди у. – «Факел»дан хотирим жам.

– Табриклайман. Тафсилоти билан мени очикроқ таништирасизми? Ёки бу борада бош қотиришим шарт эмасми?

– Менинг ишбилармонлигим туфайли, – деди Глэбб ранжиганини ошкора сездириб, – сиз жанговар орден билан тақдирланасиз, мен эса бор-йўғи икки ҳафталик ҳордик билан рағбатланаман, холос.

– Бу муддат ичида яна бир «Доно»ни ўзингизга оғдирасиз. Мен яна битта жанговар орден оламан. Сиз бўлса, яна лаззатли ҳордик. – Лоренс кулиб юборди.

– Бошқа бундай «Доно»лар бўлмайди, босс. Ҳозирча у ишлаётган экан, биз эгардамиз, қўлимиз узун, дикқат марказидамиз. Номимиз президент тилидан тушмаяпти. Ҳатто ўз одамларимизнинг тажовуздан ҳимояланганмиз. «Доно» ҳаёт-мамотимиз. Ленглининг бутун умиди – «Доно»дан. Қолаверса, Нагония бу ишқмаснинг келажагини белгилади, камолотга кўтарди. Биз тамом ғалаба қилдик. Ўйлашимча, у бекорга ваҳимага тушаяпти. Ҳеч ким уни фош қилолмайди. Шунчаки чарчаган, Грисони

бир ёклик килиб олганимиздан сўнг, одамларимиз унга дам беришади... Хуллас, менинг тафсилотим бўйича, Зотов «Доно»нинг «ўрнини» босади. Албатта, «орқаваротдан». Бир ёклама фикр юритишига караганда, у яхудийлар тоифасидан кўринади. Славинга «Доно» маълум қилган, Нагонияга жўнатилган юклар ҳақида гапирди. Демак Москва бу гапдан огох бўлган. Улар қайси йўл билан ахборот ошкор бўлаётганини излашга тушишади. Бу ерда биз гап тарқатамиз. Шундай қилиб, «Доно»га ваъда берган ўйинимиз бошланади.

– Ўйиннинг бирор нафи тегармикин? Қандай бўларкин? Қимматга тушмаймизми?

– Қиммат бўлиб, каёкқа борарди. Бир жуфт коктейлнинг нархига тушасиз-да. Сиз сиёсий йўл тута беринг. Ўзаро можарони менга кўйиб беринг. «Доно»нинг нафи ҳали кўп тегаети. Ҳа, ғалаба қиламиз. Руслар Зотов агентимиз эканлигидан хабардор бўлишади. Иккинчидан, улар бу маълумотни мистер Славинни айғокчиликда айблашимиз эвазига олишади. Учинчидан, Луисбургда ишлаётган русларни айғокчилик ва босқинчиликда айблаётганда, уларнинг кўпчилиги юртига бадарға қилинади. Нагонияга юборилаётган юклар ярмисига қисқаради, қолган ярмини Оганомизнинг террор тўдаси йўқ қилади. Тўртинчидан, бу компания бошлангандан кейин, айниқса, Стау Славинни ҳибсга олгандан сўнг бу ерда кузатувчилар қолмайди. Қолган тақдирда ҳам улар эҳтиёткорона иш тутадилар, «Факел» операцияси олдидан амалга ошириладиган бундай хуфиёна тажовузнинг фойдасини ҳатто тасаввур ҳам қилолмайсиз.

– Ичасизми, Жон?

– Огано саройга ташриф буюришимни сўраб, вертолёт юборганини телефонда хабар қилишганда, Нагонияга бориб, маст бўлгунимча ичаман.

– Илойим айтганингиз келсин.

– Бу иш билан тундан то тонг отгунча шуғулланыпман, босс.

– Қачонгача мени «босс» деб мазах қиласиз? Неча марта сизга исмимни айтиб мурожаат қилинг, дедим.

– Шундай, юмшоқ супургиман босс, ўзгалардан бир поғона паст юриш менга лаззат бағишлайди.

– Зотовнинг соткинлиги ҳақидаги «гап»ни қандай овоза қилмоқчисиз.

– Буниси сир, босс. – Глэбб қўллари билан бошининг орқасидан тутиб, нима учундир кулиб қўйди, – Дилимни оғритган кишини ҳеч қачон кечирмайман. Ҳеч кимни! Хотирам кучли, уларни унутганим йўқ.

Лоренс барок қошлари остидан Глэббга диққат билан қаради ва ўйчан оҳангда:

– Ичқоралик – ёмон хислат, Жон. Касбимиз холисликни талаб қилади. Разведкачи ўз рақибини бардош билан севиши, шу йўл орқали уни аста-секин бўғиб ўлдириши лозим.

Олтинчи тафтиш

Голливуд³⁴ режиссёри Южин Кузанни билан Степанов уч йил мукаддам Сан-Себастьяндаги фестивалда танишган эди. Южин киноанжуманга Жанубий Вьетнам ҳақидаги ҳужжатли лентасини олиб келганди. Лаос ва Вьетнам партизанлари ҳузуридан қайтган Степановни хайъат аъзолигига сайлашди.

Томошабин ғашига тегувчи дабдабасиз суратга олгани учун ҳам Южиннинг фильми унга маъқул бўлди. Ёш режиссёр икки кино дарғаси Якобетти, унинг «Жирканч турмуш» фильми ва Роман Қармен, уларнинг ўзига хос услубидан фойдаланган холда ҳаёт қарама-қаршиликларини усталик билан бир-бирига сингдира олганди. «Фантом» бомбаларининг портлашлари остида кўзи ёриётган аёллар ва рок-ракс мактабининг машғулотлари; вьетнамлик ўсмирнинг ўқдан илма-тешик

³⁴ Америкадаги йирик кинокорпорация.

бўлиб кетган бадани ва космосдаги ёриклар ҳақида маъруза қилаётган, беозор боқишларидан меҳр ёғилаётган профессорни диққат билан тинглаётган талабалар; партизанларга концерт қўяётган ҳаваскор санъаткорлар ва Бэркли гиёҳвандлари томошабинларни ақл бовар қилмас зиддиятлар гирдобига тортарди...

Степанов Кузанни киноартистлари билан мухлислар тўпланадиган мўъжазгина «Иберия» қаҳвахонасида танишди.

— Фильмни сарик чақага олмасликларидан ранжимайман, — деди Южин. — Лекин олий мукофотни фашист, итэмган Эусебиога беришларидан норозиман.

— Сиз Санътего де Компас тилла ҳақидаги фильмни назарда тутаётирсизми? — деб сўради Степанов.

— Ҳа. Яхши фильм. Аммо бу фильмни илгари «Зангори дивизия»ни мақтаган ярамас суратга олгани ачинарли ҳол.

— Дарвоқе, бу биринчи мукофотга нолойиқ фильм.

Южин кулиб юборди:

— Бу шахсий нуқтаи назарингизми? Ёки ҳайъат аъзосининг фикрими?

— Тэйк ит изи, — деди энсаси котиб Степанов.

Эртасига ҳамкасблар билан норасмий учрашувда Степанов Южин ҳақ эканлигига ишонч ҳосил қилди. Фестиваль дирекцияси ҳайъат аъзолари орасида лауреатликка Эусебио номзодини ташвиқ қилишарди. Газета саҳифаларида деярли ҳар куни у билан бўлган интервью босиларди. Ёлланган танқидчилар Эусебио ҳақида баландпарвоз эсселар ёзишди.

Бироқ Испания ўзгача олам, Степанов Тбилисида бўлганида ҳазил қилиб, «Йигитлар, сизлар ҳақиқатдан ҳам баскамлар билан оға-инисизлар, умуман испанлар билан ҳам. Уларда ҳам, сизда ҳам жумбоқли масалани тўкин дастурхон атрофида айтиладиган қадаҳлар ҳал қилади», — деганди.

Степанов яқин ҳамкасбларини йигди.

— Дўстлар, мен русни эмас, америкаликни тарғиб

қилмоқчиман, — деди у.— Компартия аъзоси бўлмаган, оддий, софдил, турмуши ночор бир америкалик йигитнинг дастлабки фильмини кўриб, у ҳақда бор ҳақиқатни ёзишларингизни истардим.

Сўнг фестиваль директори билан учрашди. Кечкурун ўз хонасида (испанлар авваламбор обрўларини кадрлашади. Агар сен ҳайъат аъзоси бўлсанг, меҳмонхонага қўнмай дангиллама уйни ижарага олишинг, холодильникни пиволи банклар билан эмас, аксинча тоза вискилар, жинлар ва Хемингуэй мадҳ қилган чет элликларнинг сеvimли ичимлиги — Наварридан келтирилган «росадо» майи солинган шишалар билан тўлдиришинг керак. Бундай нуфузни яратган испанликларнинг ўзлари ҳам бу афсунга боғланиб қолишган — кулгули, лекин афсуски шундай) директор билан суҳбат бошлашдан аввал Степанов бир хўплам вино ичдида — испанлар дунёда энг кам ичадиган миллат — сўнг:

— Ҳурматли дўстим, — деди, — сўзларим ўзаро ишонч руҳида бўлади...

— Биламан, — жавоб қилди фестиваль директори. — Сиз Кузаннини назарда тутяпсиз. Газеталарда ўз кишиларим бор. Ҳар бир янгиликдан мени хабардор қилишади. Беҳуда уриняпсиз, сеньор Степанов, Вашингтонни Ватикан билан таққослаш аҳмоқлик бўлар, ҳарҳолда Сан-Себастьян Рим папасидан ҳам одилроқ бўлишни истайди. Америка турмушига мутлақо зид бўлган фильмга — ҳатто уни америкалик суратга олган бўлса ҳам — мукофот беришга жазм қилолмаймиз.

— Сиз ноҳақсиз, — деди Степанов, — Кузанни Америка мавқеини ҳимоя қияпти. Орадан бир-бир ярим йил ўтсин, бу фильмга Американинг миллий мукофотини беришади. Менга ишонинг.

— Америкада ҳужжатли ленталар учун миллий мукофот йўқ. Оскар эса бадий фильмларга берилади... Икки йилдан кейин Вьетнамдаги урушнинг тугашига ишонгим келмайди.

– У анча илгари тугайди.

– Фикрингизни кадрлайман. Сиз билан дўст бўлиб қолишни истайман. Сизни сеньор Степанов бўлганингиз учун эмас, катта мамлакатнинг вакили бўлганингиз учун хурмат қиламан. Илтимос, мени ноқулай аҳволга солманг. Афсус, сизни қўллаб-қувватлай олмайман. Эусебио олтин медаль олади. Бу ишга жалб қилинган кишилар, ҳайъат аъзолари ўртасида ихтилоф вужудга келишини сира хоҳламайман.

– Москва фестивалига олиб борадиган фильмларингиз ҳақида жамоа фикрини тайёрлашим ҳам осон бўлмайди, – деди секин Степанов сигарета чекаркан, – Сан-Себастьянда испаниялик мукофотланса – бу бир масала, уни Москвада тақдирлашса – тамоман бошқа...

– Москва Эусебиога ҳеч нарса бермайди, негаки у «Зангори дивизия» ветеранлари ҳақида фильм ишлаган.

– Берланга уруш қатнашчиси, у «Зангори дивизия»нинг солдати бўлган эди. Биз эса унинг «Жаллод»ини кўқларга кўтаряпмиз.

Фестиваль директори хўрсинди.

– Сеньор Степанов, урушда қатнашиш бир масала, уни санъат асарида акс эттириш бошқа масала. Яхши, агар уч ёш ҳужжатчининг лентасини олиб борсам, битта олтин ва битта бронза медали билан тақдирланишимга кафиллик бероласизми?

Степанов бошини кимирлатди:

– Фестивалда биз совринларни топширамыз, лекин кимга бериш ҳақида кафолат беролмаймиз.

Директор Степанов томон сурилиб, унинг қулоғига шивирлади:

– Сизга ишонмайман...

У ўрнидан турди. Директор Степановга ажратган данғиллама уйни айланди, ваннахонага мўраллади, ижара нархи билан қизиқсинди. Ўзича хомчўт қилиб, камида эллик долларга баҳолади-да, жойига келиб ўтирди:

– Сизнинг америкалик дўстингизга матбуот

мукофотини олишга кафолат бераман...

Бу кам.

– Аклдан озибсиз! Бу менга қимматга тушади. Сиз ахборот ва туризм министрлигидаги қоғозбозларни кўндириш осон деб ўйлайсизми?

– Умуман, Южинга олтин бериш керак. Аммо сиз Вашингтоннинг муносабатидан кўрқасиз. Унда кумуш бера қолинг – бу ҳаммага тушунарли – ҳаққоний иш тутган бўласиз. Агар матбуот мукофотини берсангиз, наинки Испанияда, бутун дунёда тўполон кўтарилади. Сизни франкистлар цензураси тазйикига дош беролмаганликда айблашади.

– Жим-м-м? – директор креслодан сапчиб турди, – сеньёр Степанов! Нима кераги бор... Генералиссимус-барча испанларнинг отаси, бизда цензура тазйики деган гап умуман йўқ.

– Тушунарли. Тушунарли, – деди унинг гапини маъкулаб Степанов, – ахир, менинг мамлакатим бундан мустасно. Чет эл журналистлари, аввало французлар шов-шув кўтаришади...

...Хуллас, Южинга бронза медаль берадиган бўлишди, – бу унга катта кинога йўл очди. Америкаликлар ҳам изатталабликда испанлардан сира қолишмайди. Айниқса, чет элда обрў қозонишни яхши кўришади. Америкаликлар ҳар қандай буюк миллат каби ўз ватанларидаги пайғамбарларни назар-писанд қилишмайди.

Ўшандан бери Степанов Штатларга боргудек бўлса, Южин ишини ташлаб, Вашингтонга шошилади. Степановнинг виза олишига кўмаклашади (унинг ғарбий ва жанубий соҳилларга боришига кўпдям розилик беришмасди), у билан бирга сайр қилади. Машинаси ва Грин видж Вилледждаги бир хоналик бўйдоқлик квартирасининг калитини унга бажонидил бериб туради.

Южин Россияга икки марта келди. Иккиси бир-бирини яхши билишади. Степанов коммунист эди. Южин эса республикачиларни қўллаб-қувватларди. Улар айрим

соҳаларда баҳслашмай кўйишарди – фойдаси йўқ. Бирок бир-бирига қаттиқ ишонардилар, икки халқнинг яқинлашуви йўлида жонларини фидо қилишга тайёр эдилар.

Худди шу сабабдан ҳам Дмитрий Степанов Нагониядан Южин Кузаннига телеграмма жўнатди.

– Глэбб хоним, доктор сиз билан суҳбатлашиш учун ярим соат муҳлат берди.

– О! Қандай олий бахт, Демак мен мутлақо соғ эканман-да. Демак ҳаммаси жойида. Яқинда мени бутунлай уйга жўнатишади...

Аёл ғалати кулди.

– Глэбб хоним, сиз билан Жон тўғрисида суҳбатлашмоқчи эдим...

– ФБРнинг копағон итларига ортиқча валдирамаслигим учун бу ерга унинг ўзи ўтказиб қўйди-ку, ахир. Ҳаммага мени жинни дейишлари, фэбээрчилардан мени ҳимоя қилишлари эвазига у врачларга катта пул тўлайди. Аёл Южин томон хиёл энгашди, – ёлвораман, бир марта бўлса ҳам чектиринг, а? Энг кучлисидан...

– Наша чекасизми?

– Жим. Ҳамма нарсага тайёрман. Бир марта тўйиб чекиш... мени тушларимда ҳам тинч қўймайди... Курук, узун куйдургувчи... Мени қутқаринг!

– Менда йўқ. Ёнимда йўқ, Глэбб хоним... Ҳозирча йўқ... Тушуняпсизми? Агар мени қизиқтираётган саволларга жавоб берсангиз, мушкулингизни осон қиламан.

– Алдайсиз. Сизни бу ерга бошқа қўйишмайди. Жон, хотирамни бир синаб кўрмоқчи... Ҳузуримга ФБРнинг бир лайчаси келганди. Хашаки қолдирди, ўшандан бери, бир йилдирки, мен билан учрашишга рухсат беришмаяпти.

– Унинг исми нима эди?

– Сизнинг исмингиз нима?

– Южин Кузани, режиссёр.

Аёл яна курук, нотабий равишда кулиб юборди.

– У ҳолда мен Герта Гарбман. Э, йўқ, у беозор жон

берди, яхшиси мени Мерилин Монро деб ҳисобланг, шунда тўғрироқ бўлади.

– Мана менинг ҳайдовчилик лицензиям, Глэбб хоним.

– Ҳа-ҳа! У ҳам менга шундай лицензия кўрсатган эди. Унга ишонди деб ўйлайсизми мени?

– У сизга қаердан келганини айтдим?

– Йўқ. Роберт Шор... ФБРдан, мен сизга айтдим-ку, ахир. Менимча, шундай деди, Ҳа. Йўқ, тўғри, айтди... ФБР ходими Роберт Шор.

– У сиздан Гонконгдаги жанжал ҳақида сўрагандир?

– Йўқ. Пилар Пекинга қандай борганини сўради. Дипломатик паспортни қаердан олгани билан кизикди. Улар дипломатларни тафтиш қилишолмайди. Бахтиқаро исковичлар, изингдан бориб, мовий тўсикқа пешоналарини уриб олишганини ўзлари ҳам сезишмайди... Жон Пиларни Гонконгдан қаерга олиб кетганини сўради...

– Пилар ким ўзи?

– Манжалаки, ифлос, сассик манжалаки.

– У қаерда яшайди?

– Қаерда дейсизми? Жон қаерда бўлса, у ҳам ўша ерда-да! Пиларни доимо кетидан эргаштириб юриб, ўз манфаати йўлида ўзгалар билан дон олишишга ундайди. Ваннада яхшилаб ювинтириб олгач, тун бўйи у билан ўзи айш-ишрат қилади. Берлингга пул жўнатган пайтларида ишни битириш учун қизга номусини мишикидай болалардан ҳам аямасликни буюради. Пилар гўё Маонинг гумаштаси, революционер бўлганмиш. Уларга кимларни отиш лозимлигини айтиб турган. Жон эса дўстларининг исм-шарифини... тўғрироғи, отам дўстларининг исм-шарифини айтган... Отамга эски каллакесарлардан айримларини орадан олиш зарур бўлган бу юмушни у Жоннинг зиммасига юклаган... Менга ишонмаяпсиз-а, кўзларингизни никманг, мен ақлдан озганман... Менга ҳамма нарсa мумкин. Сиз ростдан ҳам оз-моз кўкнори талқони олиб келасизми? Пилар доим менга чектириб турарди. Умуман, у меҳрибон.

– Биринчи марта нашани ўша берганмиди ёки бошқа одамми?

– Йўқ. Жон менга чекишни ўргатди. У маҳсулот сифатини билмасди, мендан текшириб кўришни сўрарди. Агар унинг ўрнида бошқа одам бўлганда, юзимга тарсаки тушириб кабоҳатдан қутқарарди. У эса аксинча, нашани чукур-чукур сўраётганимда ўткир нигоҳини мендан узмасди... Акам оёқлари арра билан кесилаётган қуёнларга шундай кўз билан қарарди... оппоқ, қизилкўз қуёнларнинг чийиллашини бир эшитсангиз эди... Отам эса Зеппга халакит берманг дерди. Яна у, фан қаттиққўлликни талаб қилади, дерди... Зепп эса фанга тупурди. Катта сиёсатдонга айланди. Ахир сиёсат – фанми? Сиёсат юргизиш – наркозсиз, аррада қуёнларнинг бармоғини кесишдек гап.

– Зеппингиз хозир қаерда?

– Жон уни «янги немис партияси»нинг секретари бўлиб олишига ёрдам берди. Энди у немисларнинг манфаатини ҳимоя қиляпти. Мен ўзим немисман, биз ҳаммамиз немисмиз, ҳатто Жоннинг томирида ҳам немис кони бор. Лекин бу ҳақда гапиришларини хуш кўрмайди. Ахир унинг мўмин-қобил, зиёли, Аушвид тожлари, Дахаудан келтирилган узукларни санашдан бошқа нарсани билмайдиган қариндоши Гитлернинг рейхсбанкада ишлаган-да, – Аёл кулиб юборди. – Агар Глэббнинг попугини пасайтирмоқчи бўлсангиз, ундан Зигфрид амакининг саломатлигини сўранг. Печларда ёқилган қариндошларингизнинг хунини талаб қилиб, Зигфрид Шанцга даъвоингиз борлигини айтинг. Фақат, кейин ҳаётингизни асранг – Жон бундай савол-даъво учун ҳеч қимми кечирмайди. Ҳеч нарсадан тап тортмайди. У мени ҳам кечирмади. Шу боисдан ҳам бу ердан...

– Сиз шуларни Роберт Шорга айтиб бердингизми?

– Шор ғирт аҳмоқ. Ёзув машинкасидан фарқи йўқ, нукул чик-чик қилиб, мени кўркитишдан бошқа нарсани билмайди. Йўқ, у менимча жаҳонда Германия деб юритиладиган давлат борлигини, у мамлакатда немислар

яшашидан мутлақо беҳабар бўлса керак. Отамнинг қогозлари орасидан Жоннинг мактубларини топиб олганимда, биз бир оиладан эканимизни билдим. Бу ҳақда Жонга оғиз очдим-у, бошим балога қолди... Ўша пайтгача бошқа одам эдим... Қўлимдан кўп иш ўтарди... Ким ва қачон, қанча пора олишини билардим. Қачон ва қаерда кимни гумдон қилишларидан хабардор эдим. Катта одам эдим... Жоннинг ёрдамчиси Дэйвид Хью – уни кейин ҳайдаб юборишди – сен янги – Мата Хари бўласан, деб айтди...

– Хью ҳозир қаерда?

– Билмайман, фахмимча Мюнхенда... Уни менга нима нафи бор? Айтинг-чи, Сиз ечина олмайсизми? Ҳузуримда ҳали анча бўларсиз? Мен севги билан ўйнашни яхши қўраман...

Аёл ўрнидан турди, халатини ечди – Южиннинг кўз олдида елкалари калтак зарбидан кўкариб кетган, серажин бадани сарғайган яланғоч аёлнинг гавдаси намоён бўлди.

– Ҳозир мавриди эмас, – деди Кузанни, – бу ерга кириб қолишлари мумкин, вақтимиз жуда зик.

– Менга узок шарт эмас, майлига... Қелинг, сизга бир қарай, жоним, илтимос...

– Мен эртага келаман, бўпти, Икки соат бўламан...

– Сизни ҳузуримга бошқа қўйишмайди. Ҳеч кимни иккинчи марта бу ёққа қўйишмайди...

– Майли, халатни кийинг, яна бироз гаплашайлик, кейин ишқ-муҳаббат билан шуғулланамиз.

«Унинг иродаси бутунлай барбод бўлган, – ўйлади Южин Эмма итоаткорона халатини қоқсуяк елкаларига ташлашини зимдан кузатаркан, – доим шундай бўлади. Аввал кўкнори, кейин мана шундай дахшатли кўргилик... Степановга булар нимага керак бўлдийкин? Ахир, бу аёлга ишонишмайди-ку».

– Зигфрид амаки ҳозир қаерда?

– Унинг ўлимини худодан илтижо қиляпман. У ўлса бу номуслардан кутулиб бироз хотиржам яшардим... – Аёл яна

кулиб юборди. – Яшаш... Бари бир яшаяпман-ку, шундай эмасми? Мен яшаяпман...– У комил-ишонч билан такрорлади. – Чунки нафас оляпман, ейяпман ва занжирбандман. Йўк, бу ҳаёт эмас. Тирик мурдаман. Ҳа, ҳа... Жон борлигида яшардим. У кетди-ю менга кўкнори талқони мерос бўлиб қолди. Ҳаммаси барҳам топди. Ейяпман, ичяпман, занжирбанд этилганман...

– Акангиз Зепп-чи, у қаерда? – сермулоҳаза саволлар аёлни ларзага солаётганини сезган Южин яна уни сўроққа тутди. У аёл билан қандай муомала қилишни билолмай гаранг эди. Шунинг учун ҳам Эмманинг аниқ жавоб беришига шубҳа билан қарарди. – У ҳам ўлганми?

– Э, йўк! Зепп эркни, озодликни ҳимоя қилишни истаган софдил немисларни Африкага жўнатиш билан шуғулланади. У чет элга тез-тез боради. «Дўстларини Мюнхенга тўплайди. Наҳотки, Зепп Шанцни билмасангиз?!

– У ростдан ҳам Мюнхенда яшайдими?

– Нима, алдаяпти деб ўйлаяпсизми? Сиз – Шормисиз! Йўк, қопоғон исковичсиз! У ҳам менга ишонмовди! Мен эса бор ҳақиқатни гапиряпман!

Аёл кучининг борица бакирди. Эшик очилиб, ичкарига кирган оқ халатли икки киши Южинга таъна кўзларини қадашди. Бакираётган Эммани олиб кетишди. Аёлнинг «Наҳотки мени ақлдан озган деб ўйласангиз?!» деган сўзлари кулоқлари остида ҳамон акс садо берарди.

...Степанов Мюнхенга, матбаачиларга кўнғироқ қилди. Улар ўз навбатида Зепп Шанц тузган «янги немис партияси»нинг адресини ҳеч қандай маълумотномага қарамасдан дарҳол айтиб беришди...

Еттинчи тафтиш

«Славинга»

Дубовга тааллуқли барча маълумотларни тўпланг. Винтер билан ўзаро муносабати қандай бўлган? У Лоренс ёки Глэбб билан учрашганми?

Марказ».

«Марказ.

Дубовнинг Глэбб ёки Лоренс билан ҳолисона учрашуви қайд этилмаган.

Славин».

«Мутлақо маҳфий.

Генерал-майор Константиновга.

Такрорий сўровингизга мувофик, Дубов Сергей Дмитриевич кеча, 852 рейс билан Адлерга учиб кетганини маълум қиламан.

Подполковник Зиков»

«Оппок»нинг (абхазиялик чекистлар энгил оқ костюмда, бантикли оқ кўйлақда, лекин оғир, кўпол, эски америка фасонида тикилган қора ботинка кийиб олгани учун Дубовга шундай лақаб қўйишган) юриш-туриши ҳақида қуйидагича ахборот берилди.

«Маяк» корпусининг 212 хонасига қўнган «Оппок» 8.47 да нонуштага кетди. Унга икки аёл ўтирган столдан жой кўрсатишди.

Соат 9.17 да йигирма икки ёшлардаги қорамағиздан келган аёл билан бирга қаҳвахонадан чиқди. «Қорамағиз»ни хонасига таклиф қилди. «Қорамағиз» таклифни қабул қилди. Оппокнинг хонасида 52 минут бўлишди. У ердан чўмилиш кийимида чиқиб, пляжга йўл олишди. Улар 12.49 га қадар чўмилишди, офтобда тобланишди. Шундан кейин иккиси ўша қаҳвахонага тушликка боришди. 13.05 дан 13.51 га қадар овқатланишди. Кейин 16.10 гача «Оппок»нинг хонасида бўлишди. Яна пляжга боришди. У ердан соат 18.26 да қайтишди. Худди ўша нонушта ва тушлик қилган столга кечки овқатга ўтиришди. Кечки овқат олдидаи «Оппок» бир шиша «Тибаанни» виноси буюрди. Ундан сўнг «қорамағиз» оқшом сайрига таклиф қилди. Улар ҳеч ким билан мулоқотда бўлмай «Пицунда» пансионати территориясидан

чиқишди. Почта ёнида «Оппок» «қорамағизни» ёлғиз қолдирди. Уч сўмликни ўн беш тийинлик чақаларга майдалаб олгач Москвага кўнғирок қилди. Виктор Львович деган одам билан суҳбат чоғида «сабр-тоқатли бўлиш керак, мен учун ҳам Ольгасиз яшаш ниҳоятда мушкул, аммо-лекин ҳар бир киши бошқалар олдидаги бурчини охиригача бажариши лозим» деб айтди. Сўнгра Виктор Львовичдан бир кеча кўзғамаслигини ва бир ҳафтадан кейин «командировкадан қайтишини» етказди.

Суҳбат тугагач, иккаласи майхонага кириб, соат ўн иккигача ўйин-кулги қилишди. Сўнг «Оппок»нинг хонасига қайтиб, ўша ерда тонг оттиришди. *Габуня.*

Дубов телефон қилган номер Виктор Львович Винтерга тегишли эди.

... Эллик иккинчи шаҳар касалхонасининг врачлари Константиновга ажабланиб қаради.

– Ахир, мен ҳаммасини тушунтирдим-ку, ўртоқ...

– Кимга?

– Бугун Винтер хизмат қилган институтдан келишди. Отаси ҳам келди. Виктор Львович буюк одам. Унга борки тафсилотни сўзлаб бердим...

– Биласизми, мен эрининг оғайнисиман...

– Эҳ-ҳа, чет элда хизмат қилаётган...

– Ҳа.

– Тушунарли... У ҳали беҳабарми?

– Ҳа.

– Унда тўсатдан хушидан кетиб, беозор жон берганини ёзинг. Ғалати, ахлоқона ўлим... Дўстининг айтишича, Ольга кечадан бери эти увишибди. Аспирин беришган экан. Аёл уйкуга кетибди. Аммо иссиғи тушмабди... У Ольга бир ҳафтадан бери йўталаётганини эслади. Лекин шунга қарамай у теннис майдонига борибди. Албатта, ахлоқлик бу... Эрталаб «Тез ёрдам»ни чақирди... Қўлдан келганча даволадик. Чамаси, ўпка шиши бошланган экан. Қўлимиз

калталиқ қилди...

– Нега «Чамаси»?

Доктор саволни тушунмай, Константиновга термилди.

– Ёриб кўрганингизда бундай тахминий жавоб бермасдингиз, – деб тушунтирди Константинов. – Балки бу ёш, соғлом аёл ўлимининг сабабини аниқлаб беради.

– Тўғри, мурдани ёрмадик... Кечирасиз, исмингиз нима?

– Константин Иванович.

– Жуда хурсандман. Танишайлик, Арчил Георгиевич... Гап бундок, Виктор Львович ёрмаслигимизни сўради. Унинг сўзи биз учун қонун. Ахир, у машҳур хирург, москвалик аёллар худога ишонгандай ишонишади, сўзини икки қилиб бўлмади.

– Арчил Георгиевич, илтимос, воқеани батафсил сўзлаб берсангиз.

– Бажонидил... Ўша куни навбатчи эдим. Эрталаб соат саккизларда бир киши кўнғироқ қилди...

– Унинг танишими?

– Йўқ, кўшниси кўнғироқ қилди, хаҳ, фамилиясини унутдим, кекса, ҳарбий... У аёл ҳушсиз ётганини, зудлик билан боришимизни айтди. Бордик. Ольга Викторовна шунчаки ҳушсиз эмас эди. Назаримда ҳавои муаллақлик бошланганди, томир уриши бетартиб, ковоклари кўкариб кетган, қорачиғи ҳеч нарса илғамасди. Машинада унга сунъий нафас бердим. Касалхонага келганимизда профессор Евлампиевни чақирдик. Қон бердик. Хуллас, тўрт соат уни асраб қолишга уриндик. Очигини айтганда, уринишларимиз бефойда эканлигини касални бир кўргандаёқ билувдим...

– Нега энди мурдани ёриб кўрмадинглар?

– Ахир, ҳозиргина айтдим-ку!

– Йўқ, айтмадингиз, Арчил Михайлович.

– Виктор Львович ёрмаслигимизни сўради...

– Бу жавоб эмас. Кечкурун соппа-соғ бўлган аёл эрталаб жон берса-ю, сиз уни мукаммал текшириб

кўрмайсизми?! Балки бу биронта инфекциядир?

– Йўк, инфекция эмас? Касаллик аломатига кўра, ўпка тўсатдан, шиддат билан шишиб кетган.

– Бундай ҳол медицинада тез-тез бўлиб турадими?

– Шахсан мен бундай ҳолга биринчи марта гувоҳ бўлишим. Қолаверса, уч кун, олти кун ичида ўпканинг аста-секин қувватдан кетиш ҳолати учраб туради.

– Унинг таниши... Исми нимаиди?

– Сергей Дмитриевич. У аёл анчадан бери бетоб бўлиб, йўталаётганини айтди.

– Демак бу – инфекция эмас.

– Ўпканинг шиддат билан шишиш жараёнлари бўлиб туради. Медицина тажрибасида бу қайд этилган. Аллақайси америкалик полициячи худди шундай, шиддатли рақ оқибатида ҳалок бўлганини эшитгандим. Медицина учун ўзини қурбон қилди. Текшириш учун уни касалхонага ётқизилганига икки кун ўтмай ўлди.

Константинов ўрнидаи кескин турди. Кўзлари хиёл кулиб турса-да, асабининг таранглашишидан қовоқлари атрофида майда ажин излари пайдо бўлди...

– Раҳмат, Арчил Георгиевич. Бу ҳодиса...

– Навбатчилигим вақтида содир бўлди, ахир айтдим-ку!..

– Тўрт кун бурун, шундайми?

– Шундай.

– Ўлим ҳақидаги медицина хулосадан нусха кўчириб беришларини сўрашим мумкинми? Уни эрига жўнатиб юбораман. Шундай қилганимиз маъқул. Ортиқча хистуйғуга берилишга чек қўйган бўламиз. Устига-усти Оўлгани унинг дўсти олиб келган... Жуда қайғургандир?

– Ҳа, укол қилишга тўғри келди... Кесақдан фарқи қолмагани. Кўзига ёш ҳам олмади. Аммо иродали экан. Виктор Львович ҳам келди. Дубнада, конференцияда иштирок этаётганди. Уни чақиртиришди. Чол ўзини идора қилолмади. Сергей Дмитриевич чолни олиб кетди. Бир кунда мотам маросимини уюштирди. Юраги бақувват экан.

Медицина академиги Сергей Сергеевич Вогулев Константинов билан овда танишган эди. Улар Қабардино-Болқарияда, Хашизмел Саншоковникига бирга учишди. Ахтарда ҳам, Астраханда ҳам бўлишди.

У Гмирядан фарқли ўларок, фотохаваскор эди. Тирик хайвонни суратга тушириш учун ўзи билан фотоаппарат олиб юрарди. Константиновга ҳам фото шикор дардини юктирди. Қолаверса, у «ўз ўрни»да ўқ узишни маъкул кўрарди. Константиновнинг ўкни нишонга беҳато отишига, кўлда курол тутишига хаваси келарди.

Вогулев тўнғизнинг козиқ тишида пиширилган кабобни ва овчиларнинг хушчақчақ даврасини яхши кўрарди. У дам олиш уйлари беролмаган ҳордиқ (бизнинг давримизда ҳақиқий ҳордиқни фақат тўнғиз ёки айиқ ови берарди)ни ов лаззатидан оларди.

– Дардни пархез, таом-у ором, ноёб дорилар билан даволаш – бўлмаган гап... Энг яхши даво-ю малҳам ов, табиат... Агар касаллик илдиз отган бўлса, у ҳолда давоси – тиг. Ноилож қолгандагина кўлимга тиг оламан, чунки ўзимга ишонаман, инфаркт, стенокардия, яллиғланиш ва атеросклероз касалликларига ов, сўлим тоғ хавоси, аргувон хиди, майсалар атри, тоғ булоқларининг шифобахш суви даво бўлади, – деди у.

Профессорнинг сўзларини дилидан ўтказган Константинов ҳеч иккиланмай унга қўнғироқ қилди.

Бундай қалтис шароитда у «Жигули»сига ўтирмас, аксинча, бўлинма раҳбарлари билан мунтазам алоқада бўлиб туриш учун гараждан рацияли «Волга»ни чакиртирарди. Айни пайтда Коновалов, Панов, Проскурин, Гмирялар жанговар ҳолатда эдилар. Улар деярли уйда бўлишмас, қабул қилинаётган маълумотларни эринмай ўрганишарди. Тўғри йўл ҳам шу – ахборотдаги иккинчи даражали далил чигални ёзиши мумкин эди.

– Операцияга ҳозирланаяпсизми? – деб сўради Константинов.

- Ундан ҳам мушкулроғи. В. А. К³⁵га шошиляпман.
- Имтихонни кейинга суриш мумкинми?
- Бирор ходиса рӯй бердими?
- Ҳа, юз берди...

Вогулев Константиновни тинглагач, телефон трубкасини кўтарди-да, номер терди:

– Ирина Фёдоровна, – деди у, – бир соатга кечикаман. Илтимос, Гаврилин, Дарьялова ва Мартиросянларнинг докторлик ишини менинг иштирокимсиз кўришмасин. Бу сахийлар ҳаммасини барбод қилишадн. Нима дедингиз? Ҳа, уларга шошилишч операцияда ушланиб қолганимни айтасиз. Миннатдорман.

У трубкани жойига илди-да, бақувват кафтлари билан серажин юзини силаб, ўрнидан турди.

– Кетдик. Меҳмонга отланганимни Ольганинг отасига аввалдан айтишни лозим кўрмадим. Акс ҳолда иккинчи марта ўлим ҳақида сўраб, қарияни ўкситган бўламиз. Машинани кутасизми?

– Ҳа. Фақат яна бир илтимос: Виктор Львович бизни айнан ўша масала қизиқтираётганини асло сезмаслиги лозим, буни доимо ёдда тутинг...

– Биз бир госпиталда ишлаганмиз, Константин Иванович. Бир шинель остида ухлаганмиз...

– Мени нотўғри тушундингиз, Сергей Сергеевич, унинг софдил эканлигига заррача шубҳам йўқ...

Орқа ўриндиқда ўтирган Вогулев тамаки чекиб ўтирарди.

– Қоғозларим орасида кизчасининг фотосурати бор, ўшанда уч ойлик эди... – деди ўйчан оҳангда у: – Ржев яқинида қамалда қолгандик. У менга кизчасининг фотосуратини бераркан унинг орқа томонига ўз адресини ёзди. Кейин: «Агар қамалдан омон чиқсанг Оленькани қидириб топ!» деб илтимос қилди. Ўша заҳоти жавоб билан оғзига урдим, бошлаб сўкиб бердим. У эса «яхудний

³⁵ Умумий аттестацион комиссия.

бўлганим учун отиб ташлашлари эҳтимолдан холи эмас, сенинг омон қолишингга эса шубҳа қилмайман» деди. Қоним қайнаб кетди. «Агар отиш тўғрисида гап кетса, иккаламизни бараварига, большевик бўлганим учун эса биринчи навбатда мени гумдон қилишади» дея унга таскин бердим. У соғлиғини йўқотган эди. Йўтали тутарди. Шу-шу фотосурат менда қолди. Оталик ҳисси биз жангчилар учун муқаддас эди... Шунинг учун ҳам унинг илтимосини рад этолмадим...

– Бошимга тушган қайғуни қаердан билдинг деб сўраса, нима деб жавоб қиласиз?

– Газетада босилган таъзияни ўқидим, дейман...

– Газетада некролог босилмаган...

– Эй худо... таниш-билишлар айтишди дейман.

– Қайси танишлар?

Вогулев Константиновга қаради.

– Мендан ниманидир яширяпсиз.

– Тўғри.

– Нима учун?

– Шунинг учунки, фақат фаррошингиз гумонсираб гапириши мумкин. Бунинг ҳеч қандай фойда-зарари йўқ. Мен эса ЧКданман, гумонлар билан иш кўриш мумкин эмас. Ишончли далил ашёлар билан иш кўришим лозим.

Винтер диванда бошига халатини буклаб, болиш қилиб ётарди. Кўрпа иягигача тортилган эди.

– Э, Серёженька, – деди у оҳиста ва бир зумда киприкларида ёш томчилари кўринди. – Келганинг жуда яхши бўлди... Ичасанми?

– ВАКка боришим керак. Витя, бу ишнинг турган битгани ғурбат, шу феъл-атворимга яна ичиб олсам...

– Мен эса тортяпман. Ўзга иложим йўқ. Қўзларимни юсам бас, ўша захоти уни кўряпман...

– Ҳа, Витя, даҳшат сенга қандай таскин беришга ҳайронман. Ўлим бизга келавермайдими, болаларда нима гуноҳ?

– Менга бир қултум қуйгин-а?
– Спиртми? – деб сўради Вогулев мензуркага қўл узатаркан.

– Ҳа. Эсингдами, мени ичишга сен ўргатгандинг?

– Ботқоққа тушиб қолганингдаги воқеани айтяпсанми?

– Ҳа.

– Ўтган йили ўша жойларга ов қилгани бордим. Қирк учинчи йилда қандай ташландиқ бўлган бўлса, шундай деб ўйловдим. Йўқ, чинни заводи қуришибди, йўл солишибди. Қишлоқ уйларининг томларида антенналар қўққайиб турибди.

– Ольгани охирги марта қачон кўргандинг?

– Ўшандан бери сира кўрмаган эдим, Витя. Урушдан кейин ҳамма ўзи билан ўзи овора, беғам бўлиб кетди. Фақат кайғугина одамларни ковуштиради... Мен уни кўрмадим...

– Сенга ким хабар қилди?

– Гнидюк.

– Ҳа, ҳа, Микола... У менга кўнғирок қилганди...

Винтер арақни ичиб, устидаги чойшабни яна иягигача тортди-да, алам билан афтини бужмайтирди.

– Ҳаётдан тўйдим, Серёжа.

– Ҳали сен яшашинг, ишлашинг керак, Витя.

– Нафи йўқ? Бундан кимга фойда? Сенинг қўлингдан иш келади, одамларга фойданг тегди. Мен энди қайси виждон билан қўлимга скальпель оламан... Биласан, иккаламизнинг тоифамиз бир: бир сўзлимиз!

– Ольгани госпиталга олиб боришган заҳоти нима учун менга кўнғирок қилмадинг?

– Мени Дубнадан чақиртиришди. Вақт ўтганди. Табобат бефойда эди.

– Ёриб кўрдингларми?

– Ёришга рухсат бермадим.

– Нима учун?

– Касаллик белгиларига кўра ўпка шиши. Сабаби коронги! Бунақа касалликнинг биринчи гувоҳи бўлишим, Серёжа. Аммо ёришларини истамадим, тушунаяпсанми?

Ахир, Оленькани ёлғиз ўзинигина эмас, боласи билан дафн қилдим...

– Қанақасига?

Винтер хўрсиниб кўзига ёш олди, ингичка, орик, коксуяк бармоқларини мензуркага чўзди.

– Ичма, Витя, рангингда ранг қолмабди...

– Илтимос, бас қил! Кўпроқ қуй, – дея у яна ичди-да, муздек кафти билан Вогулевнинг билагидан тутди. – Невараларинг борми?

– Ҳа, қизалоқ.

– Қизалоқ, – дея такрорлади Винтер, – қандай яхши, қизалоқлар ёкимтой ва меҳрибон бўлишади. Набира кўришни шундай орзиқиб кутгандим, Серёжа. Ё худо, хонадонимда гўдак кулгисини кўриб, ҳаёт қувончларидан баҳраманд бўлиш истаги нақадар кучлилигини билганингда эди...

– Ольганинг фарзанд кўришига ишончинг комилмиди?

– Ҳеч нарсадан хабарим йўқ эди. Бу ҳақда менга Серёжа айтди...

– Эrimi?

– Эҳ, азизим, буни нима аҳамияти бор! Эри чет элда, Серёжа эса уни жон дилидан севади. Йўқ, йўқ, у эри билан ажралишмаган, қизалоғим оккўнгил эди, бундай қилишга виждони йўл қўймасди... Ҳаё... Ажралишмаган. Эри қандайдир махфий институтда ишлайди. Йигитнинг умрига зомин бўлишлари ҳеч гапмас. Бизда бировларнинг астар-аврасини ағдаришни яхши кўришлари сенга маълум-ку! Нега унинг ҳам, ўзининг ҳам оёғига болта уриши керак? Оленька энди йўқ! Серёжа қизимни севарди. Унга ҳам осон тутиб бўлмайди. Яна озгина арок қуй, илтимос...

– Витя, бир-икки кун меникига бориб турмайсанми? Катя сени кучок очиб кутиб олади. Набирамни эркалатасан. Бас, йиғлама, юракни қон қилма...

– Раҳмат. Бу ердан бир кадам ҳам нарига кетолмайман. Тез орада Серёжа қайтади. Меникига кўчиб келади. Иккаламиз қизимизни ёнимизда ҳис қилиб, бирга яшаймиз.

– Витя, илтимос қиламан, Серёжа келгунига қадар сени ўзим билан бирга олиб кетай-а?

Винтер бошини тебратгач, ёш тўла қора кўзларини Вогулевга тикди:

– Серёжа, ўлсам, Ольганинг ёнига кўмгин, хўпми?

Константинов ҚГБга қайтиб, бўлинма раҳбарларини тўплади.

– Дубов борасидаги тахминларни умумлаштириб оламиз. Қулайлик учун уни «Ўрмон назоратчиси», деб атайлик, яъни дуб – ўрмон – «ўрмон назоратчиси». Ҳолбуки, телефон орқали алоқа мунтазам олиб борилиши лозим. Вақт кетяпти. Ҳар бир минут кўп нарсани ҳал қилади. Қолаверса, – у нима учундир Проскуринга синчиклаб қаради, – айна пайтда шошқалоқлик, пала-партишлик ишни чиппакка чиқариши мумкин. Ольга Винтер ҳаётига оид сўнгги соатларни, кун ва тунларни ҳаёлан тиклашга уриниб кўрайлик. Маълумки, бирор кимсани бекорга сўроқ қилиш ҳуқуқи берилмаган. Дубовга нисбатан ҳеч ҳандай даъвомиз йўқ. Заргардек «оппоқ». Бу бирламчи. Ундан кейин, Нагония давлат делегацияси составида келган экономика министри билан олиб барилган музокараларда Дубовдан ташқари яна кимлар қатнашган?

– Мунозарада мудофаа министри ҳам бўлганди, – деб таъкидлади Гмиря.

– Тўғри, жўнатиладиган юклар масаласида фақат экономика министри мунозара олиб борди. Учламчи. Прокурордан – буни мен бажаришим лозим – мурдани қабрдан олиш ва қайта тиббий текширувдан ўтказиш мақсадга молик эканлигини талаб қилиб, уни исботлашимиз зарур. Аммо прокурор ҳузурига ҳозиргидек шумшайиб, қуруқ қўл билан эмас, арзигулик асос билан борганимиз маъқулроқ...

– Бундан ортиқроқ далил бўлмайди, – деб таъкидлади Проскурин.

– Биз учун етарли, аммо, бирор фаолият кўришимизга

рухсатнома олиш учун бу фактлар озлик қилади. «Дубовга нисбатан қандай даъвоингиз бор?» деб сўрашса нима дейсиз?

– Лунс Дубов билан Пицундада бекорга сайр қилиб юрмади, деб жавоб берамиз.

– Бу жавоб эмас. Ахир Лунсни МРБдан эканига прокурорни ишонтира олмадингиз-ку. Уни жиноят устида қўлга туширганингизда бошқа гап эди. Лунс барча учун дипломат, маданият бўйича вакил, бунинг аксини исботлаб кўринг-чи. Шахсан мен бундай қилмайман. Такрор таъкидлайман: барча шошилинич ахборотлар столим устида бўлиши лозим. Икки нусха бўлса ундан ҳам яхши. Биринчи нусха Пётр Георгиевичга зудлик билан берилади.

– Келинг, яқун ясайлик, – деди генерал Фёдоров. – Бунинг ўзингиз бажарасизми ёки менга рухсат берасизми?

– Рухсат бераман, Пётр Георгиевич, – деди Константинов жилмайиб.

– Миннатдорман, Ишончингизни оклайман. Мақсадга ўтайлик. Шундай қилиб, Константиновнинг нуқтаи назарига – айна вақтда у мутлақо тўғри фикр юритди – бошқача қилиб айтганда, жамиятга хавф туғдирмаган ҳолда, МРБ кўз остига олаётган тахминий районга чиқдик. Нагонияда қон тўкилиш хавфи бор. Шу сабабдан ҳам МРБ режалаётган тажовуз олдида маълумот тўплаётгани бизга маълум бўлди. Душман ўз сирининг қай даражада ошқор бўлгани билан қизиқмоқда. Москвада иш кўраётган МРБ агентининг элчихона билан алоқадор ёки алоқадор эмаслиги ҳозирча қоронғу. Ўқишга тишимиз ўтмаётган ярамас радиограммалар бизни қалғитиб, тафтиш ишларини умумлаштиришимизга ҳалакит беряпти. Зотов, Винтер, Парамонов ва Шаргинларни текширдик. Шаргин билан Парамоновлар бизни икки марта саробга рўпарў қилди. Парамонов юз фоиз оппоқ бўлиб чиқди. Ўйигитларингиз нима учун уни «қариб қуйилмаган» деб аташади, – эсламайсизми?

– Чунки хотинига фақат макарон учун пул берган. У

бечорани оч колдириб, ўзи кизлар билан дон олишиб юрган.

– Нега энди оч қоларкан. Асал чой ичсин эди?

– Ҳозир асал бозорда унча қиммат эмас. У берган пулларга эса сира оч қолиш мумкин эмас, Пётр Георгиевич.

– Ҳа... Майли, Парамонов оппоқ. Шаргин ҳам юз фоиз оппоқ. Винтер бўлса... Ғалати ўлим... Ўпка шиши деяпсизми?

– Дубов кекса Винтерга шундай тазйиқ ўтказганки, тиббий ёриш амалга оширилмаган. Бу ерда қандайдир сир бор, Пётр Георгиевич.

– Авваламбор, радиограммалар асосида жиноий иш кўзғашга, эксгумация³⁶ қилишга тўла ҳукукинғиз бор...

– Ольганинг мурдасини ёришга отаси қарши бўлган-ку. Эксгумация қилиш одобдан бўлармикин?

– Ҳа, бу шафқатсизлик, Пётр Георгиевич.

– Бу тасодифий ўлимнинг сири нимада?

– Менимча фош бўлишидан қўрққан МРБ агенти Винтерни йўқ қилган.

– МРБ агенти фош бўлишидан қўрққан? Ким У? Асос? Нима учун Винтер фош қилмоқчи бўлган? Балки у ҳам муаддийдир! Балки, бахтсиз ҳодиса рўй бергандир?!

– Бу ўринда бахтсиз ҳодиса мустасно!

– Исботланг.

– Уни севган Дубов апил-тапил «севги»сини дафн қилиб, дам олгани жўнайди. Ўша куннинг ўзидаёқ бегона кизни қучоғига олган-у, майхўрлик, ўйин-кулги қилган! Мана гап қаерда, Пётр Георгиевич.

– Ўйин-кулги эмиш. Ярамас! Йўқ, бу далил бўлолмайди.

– Бундан ортиқ яна қандай далил керак?

– Афсуски, бу далил эмас. Мен буни далил деёлмайман. Зотовни шубҳалардан мустасно қилоладиган далиллар борми? Славинга ишонса бўладими?

³⁶ Дафн қилинган мурдани қабрдан қайта олиш.

– Мен Славинга ўзимга ишонгандек ишонаман.

– Мен ҳам ишонаман, аммо саволимга жавоб бермадингиз.

– Славин Зотовнинг софдиллигини таъкидлаётган экан, унга ишонмай иложим йўқ.

– Менга Зотовни софдиллиги ҳақида тасдиқ эмас, унинг бу ишга алоқадор ёки алоқадор эмаслиги борасидаги далиллар керак, Константин Иванович.

– Ҳозироқ Славинга телеграмма жўнатаман. Бошқача мазмундаги телеграмма текстини тайёрлаб қўйгандим. Славинни Москвага қайтишини сўрамоқчиман.

– Бошқатдан ёзишингизга тўғри келади, – дея генерал Фёдоров ҳукумат билан боғланган телефон трубкасини кўтариб, номер терди. – Алло, салом, Василий Лукьянович қачон қайтади? Эҳ-ха, учиб кетди денг... Тушунарли, хўжаликда ҳозир ким бор? Яхши, раҳмат – у иккинчи номерни терди. – Николай Григорьевич, Салом, Фёдоровман, ҚГБдан, хушвақт бўлинг. Раҳмат, жойида. Николай Григорьевич, Нагония билан бўлган музокараларда қатнашганмидингиз? Худди шундай. Хужжатларни ким тайёрлаган эди? Йўқ, йўқ, мен махсус хужжатларни назарда тутяпман. Хусусан жўнатиладиган юклар борасида. Шундай. Тушунарли. Қайси бўлимдан? Дубов? Ўринбосарим, генерал Константинов ҳузурингизга бормокчи. Вакт ажрата оласизми? Эҳ, ҳа, шундай денг, ҳа, ҳа. Раҳмат. Кўришгунча.

Пётр Георгиевич трубкани илгач, кўзойнагини олиб уни ғилофига солиб қўйди.

– Шунака гап, – деди у, – Иқтисодий масаладаги хужжатларни Дубов тайёрлабди. Табриклайман, Николай Григорьевичнинг ҳузурида Проскурин ўтирган экан. Пухта ишляпсиз, генерал, пухта. Буйруқ тайёрланг, прокуратура билан боғланинг, мурдани эксгумация қиламиз.

«О. В. Винтер мурдасини эксгумация ва тиббий ёриш ўтказишда қатнашган мутахассисларнинг хулосасидан:

Иккала ўпканинг шиши бизнинг фармакологиямизга

номаълум бўлган (ўткир хидли) препаратни қабул қилиши натижасида рўй берган. Препарат қолдиғини текшириш натижасида уни қабул қилган киши ўттиз-қирқ секунд ичида хушидан кетишини, лекин ўлим анча кейин рўй беришини аниқ кўрсатди. Препарат бизга номаълум. О. В. Винтерга биринчи тиббий ёрдам кўрсатган врачларнинг уринишларини тўғри деб ҳисоблаш керак. Шаҳиднинг ҳаётини саклаб қолиш учун қандай қарши препарат қўллаш кераклиги бизга, қуйида имзо чекувчиларга ҳам қоронғи. Шу билан бирга унинг ҳомиладорлиги ҳақидаги саволга рад жавоби бериш жоиздир. Шаҳиднинг доимий ўпка касали билан оғримаганлигини комил-ишонч билан эътироф этишимиз лозим. Мурда препаратни қабул қилгунига қадар мутлақо соғлом бўлган».

«Славинга.

«Кук и сыновья» ваколатхонаси ҳақидаги саволга иложи борица тезроқ жавоб беринг. Дубовга бўлган қизиқишингизни унга зинҳор сездирманг.

Марказ».

«Марказ.

Луисбургда «Кук и сыновья» ваколатхонаси йўқ. Дубов 1976 йилнинг мартидан июлигача ўн икки марта 1096 люкс номерни ижарага олган. Номер нархи бир кечакундузга 96 доллар. Дубовнинг мартдан июлгача бўлган ойлик маоши 500 долларни ташкил қилган.

Славин».

Глэбб

– Ёлғизмисиз, Эндрю?

Зотов остонада турган Пиларни кўриб, қоронғу йўлакка тисарилди (у эрта ухлайдиган кишилар истиқомат қиладиган уйдан бир хонани ижарага олганди). Унинг тимқора сочлари соя ташлаган чехраси оқариб кетганди.

– Киринг, Пилар, хуш кўрдим. Мени қандай

топдингиз?

– Азизим, азизим Эндрю...

– Нима гап? Нега бунча безовтасиз? Кирсангизчи, ахир.

– Раҳмат. Балконга ўтсам майлими?

– Бемалол. Фақат у ер димрок.

– Эндрю, менга кулоқ тутинг. Мен сизни севаман. Россияга қайтсангиз, бош устига, мени ўзингиз билан бирга олиб кетишингиз мумкин. Ёки шу ерда қоласизми? Балким бошқа жойни танларсиз, ихтиёрингиз. Сиз билан бир тубкага боришга ҳам тайёрман. Шошманг, сўзларимни бўлманг. Глэбб шунчаки савдогар эмас... Менимча, у СИА билан алоқадор...

– Ким билан?

– СИА. Биз испанлар МРБни шундай деб атаймиз. Уларнинг патагига қурт тушганга ўхшайди. Акс холда, у бекордан-бекорга бу ерда ўралашиб юрмасди, азизим Эндрю. Уларнинг бунчалик безовта бўлаётганликлари мени ажаблантиряпти. Бир неча русни, жумладан сизни ҳам йўлдан уришмоқчи.

– Бемаъ依лик, Пилар! Мен ҳеч нарсага тушунмаяпман?

– Меҳрибоним, тентаккинам, мени тўғри тушунинг. Эндрю, бирорта аёл айтишга жазм қилолмайдиган бундай хабарни сизга етказиш учун келганимдан ўзимни минг қарра лаънатлайман. Хуллас, Ольга йўқ, у ўлган...

Зотов бир қўлида виски шишасини қисмлаган, иккинчи қўли билан балкон деразасининг раҳига тиралган кўйи чивитдан тўкилган стулнинг қиррасига беҳолгина ўтириб қолди...

– Нима сабабдан бу ҳақда ҳеч ким хабар қилмади? Менга қаранг, бу тухмат, бу аҳмоқона ҳазил, бундай бўлиши асло мумкин эмас, Пилар.

– Жим, азизим, бу рост гап.

– Қандай ахир, код...– Зотов ўрнидан турди, – Парижнинг кодини биласизми? Париж оркали телефон

қилиш мумкин дейишади-ку. Ольга ҳақидаги бу гапни каердан билдингиз? Нима бўлди? Автокотастрофами?

– Аниқ билмайман, Ҳафат бир нарсани – унинг энди йўқлигини биламан, холос. Ҳа, Париж кодини билмайман. Истасангиз, Мадрид орқали Москвани улаб беришга уриниб кўраман. Ичишга бирор нарсангиз борми? Миям тарс ёрилай деяпти.

– У ерда... Барда. Ҳозир.

– Ўзим оламан, ташвишланманг. Сизга муз солиб берайми?

– Нима? Ҳа, муз билан. Йўқ, музнинг кераги йўқ, ҳеч қандай муз-пузсиз стаканга қуйиб беринг.

Пилар патнисда ўзи учун ихчам қадахда қизил вино, Зотов учун эса фужерда виски келтирди. Унинг ичишини киприк қокмай кузатди, сўнг сигарета тутатиб узатди. Майин ва тафтсиз қўллари билан Зотовнинг юзини оҳиста силади.

– Меҳрибонгинам, – дея оҳиста шивирлади у, – ғамингизга шерикман. Тушунаман, сизга оғир, ёнингизда қолишга ижозат беринг. Биламан, бу нарса сизларда тақиқланган. Бу ерда яшаётганимни ҳеч ким, ҳеч қачон билмайди. Истасангиз, сизни ўзим билан бирга олиб кетай...

– Нима? Шошманг, Пилар. Ҳеч нарсага тушунмаяпман, азизим. Мадрид орқали Москвага қўнғирок қилиш мумкинлигига ишончингиз қомилми?

Пилар телефон трубкасини қўтарди-да (Зотов яшаётган хонада ҳатто ваннахонадаги қизғиш телефон аппарати МРБнинг Луисбургдаги махфий суҳбатларни ёзиб оладиган марказий пультага уланганди) Мадрид кодини терди.

– Росита, салом, азизам. Ҳа, мен. Менга ёрдам беролмайсанми? Ҳа, жуда ҳам зарур. Бу мен севган киши. Эсингдами, хатимда ёзган эдим. Ҳа, Зотов, Раҳмат. Зудлик билан Москвани улаб берсанг. Бу ердан қўнғирок қилиш мушкул. Ҳа, номерни ёзиб ол. Номерингиз қандай, Эндрю?

– Ҳозир. Раҳмат. Ахир у энди йўқ-ку, кимга қўнғирок

қилсак экан? Уй телефоним... Шошманг. Унутибман. Икки юз ўттиз уч ноль икки йигирма икки. Аммо ахир...

– Қим билан гаплашмоқчисиз?

– Унинг отаси билан. Уч юз қирқ бир тўқсон етти саксон саккиз – бу отасининг телефон номери.

Пилар иккала номерни қайта такрорлади.

– Росита, Москва жавоб бериши ҳамон менга, шу ерга қўнғироқ қил, ҳозир Эндрюнинг олдидаман. Саккиз юз уч ўн беш саккиз. Трубкани эса тутиб тур.

Мен... Биз интизорлик билан кутамиз, Росита. Бу биз учун жуда зарур...

Икки соатдан кейин Пилар Зотовнинг уйидан чиқди. Глэбб уни машинада кутарди. Кўчанинг бошқа томонида, шляпа кийган пассажирлар тўла йиртқичимисол «форд» турарди.

– Хўш? – деб сўради Глэбб. – Қалай?

– Биласанми, унга раҳмим келяпти.

– Менинг ҳам. Шунга қарамай уни йиқитдинг, шундайми?

– Унга ачиняпман, – деб такрорлади Пилар. – Илтимос, сигарета бер, меники тугади.

– «Доно»га раҳминг келсин, гвапенья. Ахир, у сенинг шеригинг-ку. Биз шафқатсиз ишни бажаряпмиз. Шунинг учун ҳам юракни ирода килолишимиз лозим.

– Мен уни адои-тамом қилдим, Жон. Сира ақлга тўғри келмайди. Ишон, мен аёлман, буни яхши ҳис қиляпман. Ҳисоб-китобда хато қилдинг.

– Мен хато қилмайман. Айниқса, эркак кишига қандай зарба беришни биламан. Можаро кўтарилиши мумкинлигига қандай муносабат билдирди?

– У ҳатто бу ҳақда сўрамади ҳам. Кулоқ осмади. Балки, тушунмагандир.

– Яхши. Ўзингча, эртага у сеникига борадими?

Пилар бош тебратиб, инкор жавобини берди.

– Келмайди, Жон. Эртага Россияга учиб кетади.

– Уларнинг самолёти бугун учиб кетди. Эҳтимол, энди жума куни учар.

– У дуч келган рейс билан учиб кетади.

– Асло. Улар фақат ўз рейслари билан учишади. Эртага ҳеч қаяққа учмайди...

– Кетдикми?

– Шошилма. Мен чарчадим...

– Нимага?

– Кутишдан, Пилар. Сени кутавериб, чарчадим, қизалок. Сен ишлайсан-у, мен чарчайман. Кутишдан ёмони йўқ ҳаётда...

Уч соатдан кейин Глэбб Зотовнинг Росита билан бўлган суҳбати ёзиб олинган магнит лентасини олди. Зотов телефон орқали кекса Винтер билан суҳбатлашди. Алоқа ёмон эди, аммо, Зотов қариянинг «Энди Ольгамиз йўқ» деган сўзларини аниқ эшитди.

Уч соат-у қирк беш минутдан кейин Глэбб «Хилтон»га келиб, майхонага кўтарилди. Глэбб Полнинг шеър битаётганини кўриб, ажабланди. (Пол Дик олдида пиво қўйиб олиб, фломастерда салфетка қоралаётганидан у хабардор эди.)

– Салом Пол, ёлғиз ўзинг майхўрлик қилиб ўтирибсан, ғарибона уйимиздаги жанжалдан беҳабарсан, шекилли.

– Жанжаллар бизда кўп. Қайси бирини назарда тутаяпсан?

– Лоренс ваколатидаги идорани назарда тутаяпман.

– Бош айғокчимизми?!

– Худди шундай. Унинг сейфини бузишибди. Бу ишни мутлако бегона кишилар қилишган. Агар бу шу ерлик сейфбузарларнинг иши бўлса ҳеч ким ҳеч нарсга билолмайди. Ўлпон тўлаш тўғрисидаги таклифни кутишдан ўзга чора қолмайди. Бечора Лоренс. Мусибатни кўтаришга қурби етармикин. Ўғирланган ҳужжатларнинг баҳоси йўқ. Лоренс ўзига ниҳоятда пухта эди. Йигитлар сейфда доллар сақланса керак деб ўйлашган-да. Ҳолбуки, бу хилдаги

оффис учун меҳмонхонадан данғиллама хонани ижарага олиш бемаънилик.

– Нима учун бу ҳақда ҳеч ким лом-лим демаяпти?

– «Хилтон» хўжайинлари аҳмоқ эмас. Мижозларни бездириб қўйиш қанчалар қимматга тушишини биласизми?

– Оффис қайси хонага жойлашган?

– Олти юз саксонинчи хона. Мендан эшитганингизни ҳеч ким билмасин.

– Лоренс ҳозир хонасидами?

– Қаердан билай. Агар у хонасида бўлса, ташрифингизга қандай муносабатда бўлганидан беҳабар қолмай.

Пол Дик ғалати жилмайди, баланд айланма стулдан тушиб, майхона хўжайинига юзланди:

– Мен ҳозир қайтаман. Агар мана бу жентльмен ичиш ниятида бўлса, менинг ҳисобимдан бир хайбол тайёрлаб беринг.

Глэбб унинг ортидан бироз ўйчан, ҳам жилмайганча қараб турди. Кейин майхона хўжайинига юзланиб деди:

– Ўз ҳисобимдан апельсин шарбати беринг!

Уч соат-у эллик икки минутдан кейин Роберт Лоренс Пол Дикнинг саволларига жавоб берарди.

– Бу тоифадаги ахборотни кимдан эшитдингиз? – деб сўради Лоренс ковоқ уйиб.

– Узумини енг-у боғини суриштирманг, мистер Лоренс. Мамлакатимизнинг давлат манфаатларига алоқадор махфий ҳужжатлари бегоналар қўлига тушиб қолгани ростми ёки ёлғонми – шу саволимга жавоб олмоқчиман.

– Бундай саволни шархламайман.

– Саволимга бошқача тус беришимга ижозат беринг. Бегона кишилар тўдаси сиз ишлаётган фирманинг ҳужжатларини ўғирлашга уринганлари ростми?

– Ҳа, худди шундай.

– У ҳолда, Марказий разведка бошқармасининг ходими

эканлигингиз ростми ёки ёлғонлигини билмоқчи эдим.

– Бу ташкилотга ҳеч қандай алоқам йўқ. Мен «Интернэйшнл телефоник» вакилиман.

– Фирмангизнинг ҳужжатлари қай даражада қизиқиш уйғотиши мумкин?

– Контрагентларимиз исм-фамилияси, жўнатиладиган юклар миқдори, нарх-наво – буларнинг барчаси рақобатчиларда катта қизиқиш уйғотади.

– Тажовуз рақобатчиларингиз томонидан уюштирилганини тасдиқлайсизми?

– Худди шундай. Бу мамлакатимиз билан Луисбург ўртасидаги дўстона ҳамкорлик ривожига раҳна солмоқчи бўлган кишиларнинг иши.

– Агар фирмангиз ҳаққоний ишлаётган бўлса, уни Луисбург билан бўлган муносабатга қандай чоғиштириш мумкин, мистер Лоренс?

– Ҳар қандай ҳаққоний ишни сохталаштириш бегунох кишига мавҳ тошини отишдан осон. Айтмоқчи бўлганларим шу холос, миннатдорчилигимни қабул қилгайсиз.

– Охирги савол, мистер Лоренс.

– Охирги саволингизга жавоб бераман.

– Сиз ўша конгрессда Чилидаги суиқасд ҳақида гувоҳлик берган «Интернэйшнл телефоник» хизматчиси – Роберт Лоренсми?

– Менинг гувоҳлик беришимнинг Сантьягодаги фожиага ҳеч қандай алоқаси йўқ. Менинг ягона истагим, сэр, сизнинг саволингиз ва мени жавобим. Қолаверса жавобимнинг самимийлигига шубҳа йўқ, агар газета саҳифасининг юзини кўрмаса.

– Мендан илтимос қияпсиз. Майли, менинг ҳам илтимосимни инобатга олган тақдирдагина, уни бажаришга тайёрман. Нималарни ўғирлашибди, мистер Лоренс?

– Кўпни кўрган одамсиз. Наҳотки, жавоб бера олмаслигимни тушунмасангиз. Наҳотки жавобларим яхши одамларни – сўзларимга ишонинг – ҳаққоний ишимизга

надим, ишончли кишиларга панд бериб қўйишини тушунмасангиз.

Беш соат-у ўн икки минутдан сўнг полиция директори Стау Лоренс ҳузурида, телефон олдида кутиб ўтирган Глэббга қўнғироқ қилиб:

– Ҳаммаси жойида, – деди.

Глэбб аста трубкани жойига қўйди, чуқур тин олди ва қулиб юборди.

– Мана энди, босс, қувонч билан лаззатли хрессдан бир қадах ичсам бўлади.

Глэббнинг аччиқ испан майидан бир қадах ичишининг боиси бор эди. Совет мутахассисларининг хонасидаги тўс-тўполондан огоҳ бўлган кўшнилари томонидан чакирилган полиция Зотовни қўл-оёғи боғланган, оғзига латта тикилган ҳолатда учратди. Хонанинг астар-авраси чиқариб ташланганди. Ажабланишлари шунда эдики, криминал полиция агентлари қоронғи тахмонда турган портатив радиопередатчикни, столнинг остки тортмасидаги шифровкани сира қийналмай бир зумда топишди. Рақамлар совет контрразведкаси томонидан кейинги йиллар давомида қабул қилиб олаётган рақамларнинг айнан ўзи эди. Госпиталда ўзига келган Зотов передатчик ҳақидаги саволга жавоб беришдан бош тортди. Полиция томонидан чақиртирилган совет консули ҳам унга худди шу саволни берди. Зотов бу тухмат деди. Уни Москвага жўнатишларини илтимос қилди.

– Бу масалани суд ҳал қилади, жаноб Зотов, – деб жавоб қилди унга полиция терговчиси. – Хонангиздан мамлакатимизга келтирилиши қатъий ман этилган буюмлар топилди. Ваҳоланки, жаноб консул билади. Ватанимнинг қонунига зид иш тутолмайман. Луисбургга передатчикни қай тариқа ва нима учун олиб келганингизни, кимга, нима ҳақда ахборот бериб турганлигингизни аниқламагунча мамлакатдан чиқиб кетишингизга рухсат беролмаймиз. Палатангиз доимий назоратимиз остида бўлади.

Окшомги газеталар «Луисбургда рус айғокчиси» сарлавҳали мақолалар билан чиқди.

Фақатгина бир нашр, америка элчихонасига якин бўлган газета ғалати шарҳ босди. «Эркин дунё мамлакатларида кишини ҳибсга олиш учун передатчик далил бўлолмайди. Оддий рақамлар ҳам шифровка бўлмаслиги мумкин. Шу боисдан рус инженерини ҳибсга олиниши бизнингча қўпол хато, ҳатто жиноятдир. Бизга маълум бўлишича, америка фирмаларидан бирининг ваколатхонасида ҳам худди шундай тажовуз юз берган. Ваҳоланки, номаълум кишилар пул учун ўғирликка тушмаганлар. Уларга ким раҳбарлик қиляпти?»

Бу шарҳ билан танишиб чиққан Славин Глэббга сим қоқди.

– Салом Жон, аҳволларингиз қандай?

– Салом, қадрли Вит, овозингизни эшитганимдан ҳаят хурсандман. Ўзингиз қалайсиз?

– Қалаймас, олтинман. Пол каерларда қолиб кетди?

– Менимча у хонасини ичидан қулфлаб олиб, алланималар ёзипти. Шов-шувли хабардан огоҳ бўлганини айтувди. Бирга тушлик қилмаймизми?

– Бажонидил. Фақат аввал касалхонага, Зотовнинг хузурига киришга уриниб кўраман.

– Нима учун касалхонага? Унга нима бўлди?

– Газеталарни ўқимадингизми? – деб сўради Славин Глэббнинг қувонч ёғилиб турган чеҳрасини кўз олдига келтириб. – Ҳаётдан орқада қолибсиз-ку. У кимнингдир айғокчисимиш.

– Бекорчи гап, у ахир, қўй оғзидан чўп олмаган одам-ку.

– Айғокчи, агар у, шунчаки айғокчи бўлмай, профессионал разведкачи бўлса, қўйдек юввош бўлиши лозим. Соат еттида кўнғироғингизни кутаман, ўкей.

– Сизга, албатта, кўнғироқ қиламан, Вит. Зотовга – биринчи марта русча фамилияни бунчалик тез эслаб қолишим – ҳа, шу Зотовга салом деб қўйинг. Балки бирор

ёрдамим тегар, сўраб кўринг.

– Ўтиборингиз учун раҳмат, Жон, саломингизни, албатта, етказаман.

Суръат

«Қадрли ўртоқ, сизга нозанин П.нинг саломини етказишдан ҳаят хурсандмиз. Ишларингиз яхши кетаётганини маълум қилди. Гонорарингиздан олган васиқаларни молиявий кучга киритди. Ҳар бир васиқадан ўн икки-ўн уч фоиз фойда кўришингиз мумкин. Гонорарингиз 32772 доллар 12 цент эканини маълум қиламиз. Дори-дармон, тилла ва хўжалик учун буюмлар юбориш ҳақидаги илтимосингизни бажардик. Харажатларни расмийлаштириш учун гонорарингиздан 641 доллар 03 цент сарфладик. Кўлингизга 32131 доллар 09 цент тегди. Ахборотларингиз ниҳоятда қимматли эканини алоҳида қайд қиламиз. Раҳбаримизнинг баҳолашича, Нагонияни коммунистик тираниядан озод қилиш ишига улкан ҳисса қўшаяпсиз. Бизга мунтазам ахборот бериб туришингизни илтимос қиламиз. Айни вақтда оппозиционерлар тўдасига бераётган ёрдамимиз ҳақида Москва хабардорми, хабардор бўлса уларга нималар маълум эканлиги бизни кўпроқ қизиқтиряпти. Гриво тузумига берилаётган ёрдам жиддий тус олишини кутиш мумкинми? Кемалар карвони қаердан ва қаёққа чиқиши ҳақидаги ахборотларни илгаригидек интизорлик билан кутамиз. Яқин кунлар ичида аввалги маълумотда сўраганингиз – янги қўлланмаларни юборамиз. Кўнглингиз тўқ бўлсин. Фош бўлиш ташвишидан фориғ бўлдингиз. Сизга маълум бўлган киши «яшириш» операцияси ўйинига жалб қилинди. Ҳарҳолда, яқин бир неча ой ичи у шубҳа остида бўлади. Маълум вақтгача радиоалоқадан воз кечамиз. Ҳамкорликнинг янги усулини ишлаб чиқишимиз лозим.

Сизга қизгин салом йўллаб, дўстларингиз Л ва Д».

«МарказийРазведка Бошқармасига.

Нагониядаги шарт-шароитга оид янги ахборот билан бизни огоҳ этсангиз жуда миннатдор бўлардик. Элчихонамизни таъкидлашича, Огано тўдаси Пекинга бўлган хайрхоҳлигини ҳаддан зиёд ошкора баён қилапти. Кузатувчиларимизнинг фикрича, «ишлар» палапартиш қилинган, Африка, Огано жангчилари МРБ маслаҳатчилари ёрдамида ҳарбий тайёргарликдан ўтаётганлиги ва Оганонинг радикализи Вашингтон томонидан қўллаб-қувватлаганлигини Африка очикданочик таъкидлапти. Огано билан бўлаётган муносабат кўнгилдагидек назорат қилиняптими? Биз Африка қитъасига нисбатан мўлжалланаётган тажовуз ҳақида жавоб кутамиз, акс ҳолда кўрсатиладиган ваз халқаро миқёсда кўриб чиқилиши лозим.

Давлат департаментининг тадқиқотлар бўлими» .

«Луисбург. МРБ резиденти Роберт Лоренсга.

Оганонинг ошкора мулоҳазаларини текшириб кўринг. Давлат департаменти унинг биз билан алоқалари самимийлиги африкаликларда шубҳа туғдираётганлиги ҳақидаги Пекиннинг ваз-қорсонларини очикдан очик такрорлапти. Бу фикр Москвадан хабар бериб турган «Доно»нинг фикрига ҳам мос тушапти. Оганога «империализм»дан янада кескинроқ ажралиб чиқишини ва давлат департаментини Кремлга алоқадор элементларга нисбатан «ниҳоятда эҳтиёткорона иш тутаётгани», «пассивлик» қилаётганини танқид қилиши кераклиги тўғрисида унга кўрсатма беринг.

МРБнинг директор ўринбосари Майкл Вэлш».

АҚШ фавқулодда мухтор элчисининг маърузасидан:

– Мамлакатимнинг сепаратистлар билан ҳамкорлигини ва мистер Оганонинг тарафдори эканлигини писанда қилаётган тухматчиларнинг бу даражадаги бадхоҳлигидан ёқа тутаман. Огано нутқларида радикализм руҳи сингиб

кетган. Мамлакатимга билдирилаётган танкидий фикрлари маъносини англаган бетараф кузатувчиларнинг нуқтаи-назарича бу одам ғояларимиздан мутлако йирик. Хукуматим жаноб Оганонинг фаолиятига нисбатан ҳеч қандай масъулият ҳиссини ўз бўйнига олмайди, унинг мақсадини ташқи сиёсатимиз манфаати ва услублари билан боғлашни ҳурматсизлик деб биламан...

«Пекин. Ташқи ишлар министрлигига.

Огано сизга таниш бўлган Лоренс билан ўтказган сермахсул кенгашлари ҳақида менга маълумот берди. Лоренс Оганога вертолётларнинг янги туркумини, миномётлар, ўттизта енгил танк жўнатишга ваъда берган. Ҳарбий техника яқин кунда рўй берадиган воқеаларнинг интиҳосини белгилайди.

Ду Ли, ХХРнинг Нагониядаги элчиси.

Пол Дик

«Мухбирингиз Пол Дик ушбу репортажни Нагониянинг миллий раҳбари, армия генерали Оганонинг океан соҳилидаги тўқайзорда жойлашган ҳарбий қароргоҳидан олиб борапти.

— Жаноб Огано ўзаро курашда сиз кимга кўпроқ суяняпсиз?

— Ғояларимни бутун Нагония, катта-ю кичик қўллаб-қувватлаяпти. Миллатнинг хоҳиш-иродасидан мутлако беҳабар, зиёлибачча Жорж Грисони Нагония халқи ёмон кўради.

— Миллатнинг хоҳиш-иродаси қандай?

— Халқимиз эрк ва фаровонликни хоҳлайди.

— Генерал, сизни Пекиннинг гумаштаси дейишяпти, бу гапни қандай изоҳлайсиз?

— Яна мени МРБнинг агенти деб ҳам аташяпти. Москва билан Гаванакинг ювгиндисига тўяётганлар обрўйимга доғ туширишмоқчи. Халқаро зиддиятни кескинлаштираётган америка империализмининг ёмон кўраман. Маонинг

ғояларини ғоят аҳамиятли деб ўйлайман. Лекин Пекинга мутлақо алоқадор эмасман. Мен халқ курашига раҳнамолик қиляпман. Биз қурол-яроғга эмас, жонини қурбон қилишга тайёр бўлган халқ мададига суянамиз.

– Гресо бир эмас, икки марта муаммоли масалаларни тинч йўл билан ҳал қилишни, кенгашишни таклиф қилди. Унинг бу баёнотида сиз қандай муносабат билдирдингиз?

– Мен унинг бирорта сўзига ишонмайман. Қурук сафсатадан иборат бир бўлак коғоздан куч афзал. Халқим ҳам шундай фикрда. Ватандошларимнинг хоҳиш-иродасига зид иш тутолмайман.

Мухбирингиз Пол Дик генерал Марио Огано билан суҳбатлашяпти. Кун дим, океандан енгил шабада эсяпти. Огано армияси чакалакзорда жойлашган, улар фақат тунда жонланадилар. Кундузи эса Нагония қуролли кучлари тажовузидан чўчиб, шарпаларини кўрсатмайдилар. Келбат гавдали, бакувват Марио Оганонинг эғнидан «шокки» куртка, тўппонча ғилофдони осилган камар сира тушмайди. Генерал чодирда ухлайди. Миллий таом – сутли ёнғоқ ва пишлоқ тановул қилади.

– Вашингтоннинг ташқи сиёсатини қандай баҳолайсиз, генерал?

– Нагонияга нисбатанми, ёки умуман...

– Унақасига ҳам, бунақасига ҳам...

– Вашингтон маъмуриятининг сиёсати борасида салбий фикрда эканимни яширмайман. Гапнинг очиғи шу. Ихтиёрингиз катта бизнеснинг кетидан қолмайдиган капиталистлар қўлида. Лекин бундан қатъи назар, Гресога қарши, аниқроғи Москвага қарши курашаётган бир пайтда Вашингтон билан мунозара олиб боришга тайёрман. Вашингтон Гресо ҳукуматига нисбатан бир ёқлама сиёсат тутяпти. Аросатда қолган одам фалокатга учрайди. Маъмуриятингиз Гресо билан дипломатик муносабатларини ҳамон узмаяпти. Маъмуриятингиз биз олиб бораётган миллий-озодлик ҳаракатларига эътибор бермаяпти. Қурул-аслаҳа савдоси борасидаги

илтимосларимизга ханузгача жавоб бермаётир. Конгресс Кремлнинг ҳам караб турмаслигидан ҳайикаётган бўлса ажаб эмас. Африка қитъасининг тинчлиги ва озодлигига бунчалик бепарво бўлмаслик керак.

– Пекин маслаҳатчилари армиянгизнинг ҳарбий маҳоратини оширишяпти экан, тўғрими?

– Бу заррача ҳақиқати бўлмаган аҳмокона бўхтон.

– МРБ ходимлари билан алоқадор экансиз, шу гап ростми?

– Агар журналист бўлмаганингизда лунжингизга мушт туширардим. Ноҳақ ҳақоратни кўтаролмайман. Миллий-ватанпарварлик ишига бош-қош бўлаётган кишининг МРБга қандай алоқаси бор?!

– Радио тингловчиларимга миллий-ватанпарварлик деганда нимани тушунишингизни шарҳлаб берсангиз.

– Буни тушуниш эмас, ҳис қилиш керак. Миллийлик – ватанпарварликнинг бош мезони. Ватанпарварлик эса миллий ҳис-туйғу замирида вужудга келувчи олижаноб ҳислат. Қўпол бўлса ҳам бир мисол: сиз америкаликлар ўз манфаатини ўйлайдиган, ишбилармон халқсиз. Лекин очик-ойдин айтишим керакки, француз ёки британия авиакомпаниялари самолётларида учаётганимда юрак ҳовучлаб ўтираман. Ким бўлишидан қатъи назар, у ўз мамлакатининг самолётларида хотиржам учади, ҳеч нарсадан қўрқмайди. Нагониянинг ўз самолётсозлигига эга бўлишини орзу қиламан. Шундагина ҳавода рўй беражак фалокатдан қўрқмайман. Ёки нотўғри айтдимми?

– Балки мен ёмон америкаликдирман, аммо кўпроқ «САС»ларда учишни маъқул кўраман, генерал. Чунки, «Панамэрикан» авиалайнерига чиқишингиздан аввал тиловат қилиб олишга мажбур қилишади. Ниҳоятда тараққий этган мамлакат гражданида миллийлик йўқлигидан, ўз миллатининг устидан қулишга ажабланмаса ҳам бўлади. Биз учун миллийлик асосий қурол. Бу туйғудан воз кечиш сотқинлик ва бунинг учун қаттиқ жазоланади.

– Вақтли матбуотда яқин кунлар ичида Гресо

хукуматини ағдариш учун кураш бошлашингиз тўғрисидаги хабарлар босилди. Бу ҳақда сиз нима дейсиз?

– Грисони кулатмоқчи эмасмиз. Бу тухмат. Биз Нагонияга халк ёрдам сўрагандагина кириб борамиз».

Саккизинчи тафтиш

«Марказ.

«Кук энд Стайн»нинг Рим филиали сотувчиси экраklarнинг фотонусхасини кўриб, бу тилла буюм ўтган йилнинг ёзида испан тилини яхши талаффуз қилувчи инглиз мухожирига сотилганини маълум қилди.

Рибин».

«Славинга.

Дубов қайси рейс билан Совет Итифоқига қайтганини аниқланг.

Марказ».

«Марказ.

Чет эл командировкаси даврида совет мутахассислари уйда истикомат қилган Дубов СССРга 1977 йилнинг июлида, Рим орқали қайтган. У Рим аэропортида 72 соатга транзит виза олиб, уч кун ўша ерда бўлган. Глэбб Зотовга қилинган суикасдан ва уни хибсга олинганлигидан ниҳоятда ташвишланаётганлигини маълум қилди. Лекин бу ташвишнинг сохта эканлиги яққол сезилиб турибди.

Славин».

Барча маълумотларни чамалаб чиққан Константинов капитан Никодимовга Дубов билан «учрашиш»ни буюрди. Ўттиз ёшли капитаннинг контрразведкачи учун ниҳоятда муҳим хислатлари – ўзини-ўзи рад этишдан қўрқмаслиги, олдин шак-шубҳасиз туюлган, кейин эса янги маълумотлар билан равшанлашган далилларни аввалгиси билан солиштириши, ақл тарозисида ўлчаб, ягона, тўғри йўл топиши Константиновга жуда ёқарди. Аммо айрим

ходимлар ёш капитанни «ҳовлиқма» деб, унга кўпда ишонишмасди. Константинов эса бундан фарқли ўлароқ ҳар бир қадамини ўйлаб босадиган, «иккилансин, шубҳалансин, охир-оқибат тўғри йўлни танлай оладиган» сермулоҳазали, чўрткесар билан адашаётганини сезмайдиган, бурнининг остидагидан нарини кўролмайдиган кишилар ўртасидаги фарқни жуда яхши биларди.

Биринчи таъриф тоифасидан бўлган капитан Никодимовнинг яқин таниши — Игорь Куценко Дубов билан бир бўлимда ишларди. Капитан Никодимов Дубовнинг тунги рейсда учиб келишини, шанба куни эрталаб эса одатдагидек сауна³⁷га боришини Игорь Куценкодан билиб олди.

— Маромига етиб қолган, — деди ахборотни диққат билан тинглаган Константинов, — мукамал жинойи ишни батамом тугаллашга тўла ҳуқуқимиз бор... Вактни бой бермайлик.

— Серёжа, таниш, бу менинг дўстим, — деб Игорь Никодимовни таништирди. — Бир партада ўтирганмиз.

— Никодимов.

— Дубов.

— Бу ернинг сауна бугҳонасини жуда хуш кўрсангиз керак? — деб сўради Никодимов. — Врач маслаҳатларига амал қиласизми?

— Йўқ, риоя қилмайман. Такдир тақозосига кўпроқ ишонаман. Пешонангга битганини кўрасан, тўғрими?

Куценко кулди.

— Бу иродасизлик, Серёжа.

— Табибнинг айтганини қил-у, қилганини қилма. Шундай эмасми? — Дубов Никодимовга қаради. — Кечирасиз исми шарифингиз нима?

— Антон.

— Отангизнинг исми-чи?

³⁷ Шаркона ҳаммом.

– Петрович.

– Павловичга ўхшашроқ экан, – деб таъкидлади Дубов.

– А. П. Бу шарифда қандайдир илиқлик бор. Қаерда ишлайсиз?

– Давлат хавфсизлигида, сиз-чи?

– Фирмангизни ҳурмат қиламан. У ерда дўстларим бор. Майор Громовни танийсизми?

– Қайси бўлимда...

– Бегоналар сирийн ошкор қилмайман, – деб жавоб қилди Дубов. – Деворнинг ҳам қулоғи бор дейишади.

Никодимов жилмайди.

– Бутун чарчоғингдан фориғ бўладиган, баданинг яйрайдиган ягона хотиржам жой – ҳаммом. Ким чех пивосига талабгор бўлса қўл кўтарсин.

– Пиво ичмайман, – деди Дубов. – Яна кўнглингизга бошқача фикр келмасин. Бугун рўза тутганман. Йоглар каби ҳафтада бир марта бу таомилга риоя қилиб тураман.

– Бу муолажадан кейин ўзингизни енгил ҳис қиласизми? – деб сўради Никодимов.

– Ҳа. Йог–асримиз кашфиёти, Антон Петрович. Чет элда бўлганмисиз?

– Йўқ.

– Агарда юборишса дўстона маслаҳатим – йоглар ҳақидаги китобни сотиб олинг. Истасангиз, йогни амалда намоёиш қилиб берай?

– Жуда истайман.

Дубов сигарета ёндириб, тирсагига босди-да, Никодимов билан Куценкога ўйноқи нигоҳ ташлади. Капитан унинг кўзларида кулгу жилвасини кўргандек бўлди.

– Қўрдингизми? Оғрикни сира сезмаяпман. Йог инсон рўҳиятига зиён етказмаган ҳолда, уни айрим сезгилардан мустасно қилади. Сиз қаерда ишлашимни сўрамадингиз чоғи? Биз Игорь билан бирга ишлаймиз, ахир у сизга айтмадимиз?

– Сўрамади-ку, Серёжа.

– Ишонч ва эътиқоднинг янгича талқини, – дея Дубов хўмрайиб чойшабни елкасидан олиб ташлади. – Юринглар, буғда тобланамиз.

Куценко билан Никодимовни олдинга ўтказиб, буғхона эшигигача келган Дубов:

– Ҳозир сизларга етиб оламан, кираверинглар, – деб тўсатдан изига қайтди.

Куценко ҳамроҳини кутиш ниятида тўхтади. Никодимов унинг елкасига туртди:

– Юравер, етиб олади. Бирор зарур иши бордир-да.

Дубовдан нигоҳини узмаётган чекистлар Серёжанинг оркага қайтиб, Никодимов пиво ичган стаканга тўлатиб пиво қуйиб, бир кўтаришда бўшатганининг ва буғхонага югуриб кетганининг гувоҳи бўлишди.

Дубов эринмай, оғир иш қилган кишидек терлаб пишди. Ҳатто бадани кўкимтир-қизғиш тус олди. У оғир ва чуқур нафас оларкан:

– Оҳ, қандай яхши! Бундан ортик лаззат борми! – дея тинмай такрорлади.

Дубовдан нигоҳини узмай, жилмайиб ўтирган Никодимовнинг кўз олдида Троекуровский кабристонида, тунда гўрдан олинган, кекса Винтер ва у орқали Дубов хабардор бўлмаслиги учун Москва яқинидаги қишлоқ касалхонасида яширин йўл билан эксгумация қилинган Ольга Винтернинг шишиб, кўкариб кетган мурдаси намоён бўлди. Агар Дубов ҳақиқатан МРБ агенти бўлса, бу сирдан вокиф бўлиши унга қимматга тушишини чекистлар яхши билишарди.

Тор деворлари захлаган район ўликхонасида Проскурин Константиновдан;

– Ҳали ҳам Дубовнинг «кадрдон дўст» эканлигига шубҳаланяпсизми? – деб сўради.

– Уни ошкора фош этган тақдирдагина шубҳаларга бардам бераман, – дея жавоб қилди генералмайор.

... Дубов буғхонага кириб чиққани ҳамон, қўш чойшабга ўраниб олганча педикюр қилишга кетди.

Худди мана шу фурсатда Никодимов костюмларни дазмоллаш учун бериб юборди.

Чекистлар Дубовнинг уй калитидан қолип олишди. Ён дафтарида фотонусха кўчиришди.

Навбати ўтиб кетганлиги учун Дубов тезда қайтди. Никодимов портфелининг ичига пиволи бочка жойлагандек, Куценкони ҳамон пиво билан меҳмон қиларди.

Дубов илгичга киё ҳам бокмай, атрофида рўй бераётган воқеалардан огоҳ бўлган кишидек:

– Костюмим қани? – деб сўради.

– Дазмоллашга топширдим.

– Бекор қилибсиз, Антон Петрович. Мен ҳаммомда кийим дазмоллатмайман. Бу юмушни ўзим бажаришга одатланганман. Ҳа, майли... Буг яхши-а?

– Тенгги йўқ! – деб тасдиқлади Никодимов. – Кейинги сафар туз олиб келиш керак.

– Нимага? – деб сўради Куценко.

– Об-бо буғчилар-эй, – дея Никодимов жилмайди. – Қадимда буғхонага киришда оддий баданга асал суришарди. Ҳозирги вақтда баданни туз билан артишади. Ортиқча семириб кетишдан асрармиш.

– Яхши гап, – Дубов бир зум кўзларини юмиб диван суянчигига ястанди, – Кейинги сафар, албатта, инobatга оламин.

Ҳаммомчи дазмолланган костюмларни келтириши ҳамон Дубов беихтиёр киссасига қўл солиб кўрди, – қолипи олинган калитлар ўз ўрнида эди.

Дубовнинг кўшниси, подполковник Сидоренко металл раҳли кўзойнагини ғилофидан олиб, гўштдор бурнининг устига кўндирди-да, Константиновга савол назари билан қаради:

– Ўттиз етинчи йилдагидек шубҳа гирдобига тушмаймизми, ўрток генерал?

- Йўқ, ўртоқ Сидоренко, тушмаймиз.
- Ишончингиз комилми?
- Барча гапни сизга ошкор айтолмайман. Фақат мулоҳазаларим билан ўртоқлашаман, ҳолос.
- Узр.
- Докторантурага қилган таклифдан воз кечган одамга қандай баҳо берасиз?
- Агар сиз Сергей Дмитриевични назарда тутаятган бўлсангиз, у докторлик ишини асосий касб-коридан ажралмаган ҳолда давом эттиряпти.
- Мен бунга ишонч ҳосил қилишни истайман. Сизчи? Кўп маош тўланадиган ва мавқели ишга таклиф қилинса-ю, ундан воз кечса, у ҳолда бу киши ҳақида қандай ҳаёлга борасиз?
- Дубовни назарда тутаясизми? У туриш-турмуши оддий, диёнатли йигит...
- Барча имтиёзли таклифлардан воз кечиб, разведкачиларнинг диққат марказида бўлган махфий бўлимдаги жойнинг бўшабини кутган ва ишга қабул қилишлари учун бор кучини аямаган кишига қандай муносабатда бўлардингиз?
- Бу ўттиз еттинчи йилнинг саркити, ўртоқ генерал – комил-ишонч билан жавоб қилди Сидоренко. – Дуч келган кишини айғокчига йўйиш яхши эмас.
- Тўғри. Дубовни ҳимоя қилаётганингиздан хурсандман. Аммо очиғини айтай сизни бу ерга фақат бир шарт билан чақирдик. Бизга кўмак беринг! Маълум бир муддатга санаторияга дам олгани борсангиз-у, хонангизнинг калитини бизга қолдирсангиз. Сизга буйруқ беролмаймиз. Илтимос қиялпмиз. Табиийки, илтимосимизни рад этишга ҳақкингиз бор. Лекин бу ерда бўлган гаплар қўшниларингизнинг қулоғига етмаслиги керак.
- Албатта.
- Ольга Винтерга муносабатингиз қандай эди?
- У ажойиб аёл эди.

– Дубов уни севармиди?
– У билан яхши муносабатда эди.
– Дубовнинг уйида бошқа аёллар ҳам бўлишармиди?
– Шундай даврда яшайпмизки, бу ҳолга унча эътибор бермаймиз. Ундан кейин бегона аёл билан самимий муносабатда бўлган эркакнинг етти пуштини лаънатлашларига тамоман қаршиман.

– Бунга мен ҳам қаршиман, ишонинг. Содда қилиб айтганда, улар бир-бирини севишармиди ёки?..

– Менимча севишарди. Дубов иродали, кучли йигит. Ўз олдига юқори мавқега эга бўлишдек вазифани қўйган. Ҳолбуки, шунинг учун ҳам оила қурмай вақти-вақти билан интим алоқада бўлиб турган. Ольга ундан ўзини олиб қочмасди, менимча. Ундан кейин жуда... Нима десам экан... Ўзини унга яқин тутарди. Нозик... Тушунишини биларди...

– Ольга уни севармиди?

– Жуда. Борлиғини унга топширган эди.

– Борлиғини?

– Ҳа.

– Дубов сизга Ольга Винтер ўпка шамоллашидан ўлганини айтган бўлса керак?

– Буни ўз кўзим билан кўрдим, ўрток генерал.

– У ҳолда марҳамат қилиб медикларнинг хулосаси билан танишиб чиқинг.

Браслау остонасида власовчилар Сидоренконинг хотинини, ўн тўққиз ёшли ҳомиладор сингласи – Ирочкани ўлдиришди. Ёлғизлик унга қабохатдек туюлди. Ўз ўлимини излади. Аввал жиноят қидирув бошқармасида, бандотделда ишлади. Ўзини ўтга, чўтга урди. Аммо ўлмади. Бандитизм тугатилгандан сўнг, Арктикага жўнади. Одам қадами етмаган кимсасиз ерларга биринчилардан бўлиб борди. Эски яраларни унутгандек бўлди. Қурувчилик қилди. Тюменда «Ҳурмат белгиси» орденини олди. Уч марта Қизил Байроқ ордени олди. Соғлиғи ёмонлашгани туфайли Москвадан уй беришди. Пенсияга кузатишди. Нима учун

партияга кирмагансиз, деган саволга у ғалати қилиб: «Хотинимни ва ҳали туғилмаган гўдакни душман ўқидан асрай олмаганим учун партияга нолойикман» деб жавоб қиларди. Баъзида бу жавобга: «Академик Туполев қайсидир митингда «Мен партиясизман, аммо, мен ҳам Ватанимни севаман» деган деб қўшимча қиларди.

– Ольгани Дубов заҳарлаган деб ўйлайсизми? – деб сўради Сидоренко узоқ дамлик жимликдан кейин.

– Бу гаплар хато бўлиши мумкин. Шу боис ҳам, ҳозир ўртоқларимиз билан бирга бориб, Дубовнинг чет элдан қайтгандан кейинги ҳаётини кунма-кун тиклашга қўмаклашишингизни илтимос қиламан.

Лейтенант Дронов остонада бир зум тўхтаб, Дубов истикомат қиладиган хонани синчиклаб кўздан кечирди. Мутлоқ, ҳатто бирмунча саришта тартиб. Ўта кучли «Панасоник» приёмниги турган ёзув столи. Бронза ва суякдан ишланган катта стол чироғи. Бу икки буюмга қовушмаган, «Военторг»да сотиладиган олтамиш сўмлик, балик овида ва умуман овда қўл келадиган узун хитой чироғи турарди.

Дронов приёмникни суратга олди.

Фотоаппаратни яшириб, атрофга кўз югуртирди. Китоб жавонига классикларнинг асарлари жилд-жилд қилиб – ҳажмига, муқовасига қараб, алоҳида тартиб билан териб қўйилган эди. Дронов Диккенс китобини қўлга олиб варақлаши ҳамон саҳифалар орасидан бели букилмаган шилдиरोқ ўттизда ўн сўмлик дув этиб сочилди. (Дронов бу «тинтувдан» бир кун аввал «фавқулодда» Дубовнинг жияни билан учрашиб қолган эди. Пул масаласида Серёжанинг «тежамкор»лигини ундан эшитганди. «Дам олишга кетаётганида мендан юз сўм олганди. Доим қарз сўрайди. Аммо уч ой ичида маош олган кунлари ўттиз сўмдан қарзимни қайтариб берди».)

Дронов шилдироқ қоғоз пулларни суратга олди. Уларни ўз жойига тартиб билан солиб қўйди. Стол усти ҳам

саранжом-саришта. Бир-бирига қистирилган газ ва электр тармоғи солиғи варакаларидан бўлак на бирорта хат, на адрес, на телефон китобчалари бор эди. Бу хонада гўё ногоҳон ташриф буюрадиган меҳмонни аввалдан кутгандек «Мана кўринг, марҳамат, ҳаммаси беш қўлдек кўзга ташланиб турибди», деб жавоб беришга тайёр бўлган киши истиқомат киларди, гўё.

Тинтув давомида китоб орасига яширилган уч минг сўмдан бўлак арзигулик бирорта далил топилмади.

Гумон далил бўлолмайди.

Кузатув кўрсатдики, «Ўрмончи» саунадан қайтгач, йўл-йўлакай, магазиндан сотиб олган янги кулфни эшикка ўрнатди. Сўнг ҳовлига чиқди, 27-21 номерли «Волга» машинасига ўтирди-да, Садовое колцога чиқди. «Истироҳат боғи» метро станциясига етмасдан ўнгга бурилди. Машинани Халқаро муносабатлар институти биноси ёнида қолдириб, метрога тушди. «Ленин номли кутубхона» станциясидан Калинин проспектига чиқди. Бу ерда ҳеч ким билан мулоқотда бўлмади. «Мелодия» магазини ёнида тўхтаб, соатига қараб олди. Соат 17 дан 20 минут ўтганда у билан учрашувга ўрта бўй, шахлокўз, қорамағиздан келган, жинси костюм кийган қиз келди. «Ўрмончи» билан «қорамағиз» иккиси метрога ўтириб, «Арбат» станциясигача боришди. Соат 17 дан 59 минут ўтганда улар «Волга» автомашинаси қолдирилган ерга келишди. «Қорамағиз» билан «Ўрмончи» «Русь» ресторанига боришди. Аввалдан икки кишилик кечки овқат – тўрт улушли донатор икра, янги узилган сабзавотлардан тайёрланган аччиқ-чучук, оловда тобланган қора, ёғли нон, филили шампиньон билан қизил вино аралашмасидан тайёрланган ичимлик, қахвали музқаймоқ буюртма беришди. «Ўрмончи» «қорамағиз»ни «КВ» маркали коньяк билан меҳмон қилди. Қиз ичмади. Соат 21.45 да «Ўрмончи» қиз билан уйига қайтди. Улар тонггача шу ерда бўлишди.

Суръат

«Кимматли ўрток, Нагониядаги вазият, Огано тўдаси ва унинг янги ниятлари ҳақида Москвага нималар маълумлиги бизни ниҳоятда қизиқтиряпти. Нагонияга жўнатилаётган юклар тўғрисидаги салмокли ахборотларингиз муҳим чора-тадбир кўришимизга катта ёрдам берди. Виталий Славин деган шахсни танийсизми? Танисангиз у ҳақда нималарни биласиз. Мана шу ой давомида ҳар галгидек икки марта эмас, камида тўрт марта алоқага чиқишингизни илтимос қиламиз. Ўтган куни юборган маълумотингиз катта раҳбарга маълум қилинди. Ахборот унга маъқул бўлди. Чин юракдан табриклаймиз.

Дўстларингиз «Д» ва «Л».

«Пентагон».

Мудофаа министрининг ёрдамчисига.

«Факел» куни кейинги ҳафтанинг шанбасига белгиланди. Тўққиз сувости кемаси, шунингдек, авианосец худди шу муддатга, «Х» пунктида, Нагония пойтахтини бомбардимон қилишга шай бўлиб туриши лозим.

МРБ директорининг ёрдамчиси С. Персмэн».

«Давлат департаменти тадқиқот ва татбиқотлар бўлимига.

Илтимосингизга биноан, Сизга Нагониядаги вазиятга доир айрим ҳужжатларни юбораяпмиз. МРБнинг ниҳоятда махфий ҳужжатлари рўйхатига тааллуқли бу маълумотлар билан ўзингиз, масъул ходимлар, шунингдек, фавкулодда ва мухтор элчининг маъмурияти танишиб чикқач, шу бугуноқ қайтариб беришингизни ўтиниб сўраймиз.

Ишингизга муваффақиятлар тилаб.

МРБ директори ўринбосари Майкл М. Вэли».

Фавкулодда ва мухтор элчининг маърузасидан:

– Русларнинг Нагонияга бераётган ёрдами жиддий тус олаётгани африкаликларни, бутун дунё халқларини

ташвишга соляпти. Тиш-тирноғигача куролланган солдатлар қўриқлаётган саройга жойлашган Грисо ҳукумати мамлакатни узоқ вақт идора этолмаслигига ишончимиз комил. Мамлакатнинг туб манфаатларини қамраб олмаган ҳукумат инқирозга учрайди. Бу маъмурият ҳақиқий, халқнинг монолит мададига, эркин сайловга суянган ҳукуматга ўз ўрнини бўшатиб беради. Адолат эртами-кечми тантана қилишига ишонамиз.

Мамлакатим Африкага нисбатан собит ва матонат билан бетарафлик йўлини тутаяпти. Бизга ёқадими, йўқми, бундан қатъи назар, айни вақтда у мамлакат президенти бўлгани учун фақат Грисо билан мулоқот қиляпмиз. Қувғинликка маҳкум генерал Оганога хайрхоҳ бўлишимиз мумкин бўлса-да, унинг бошига бу кунларни солган ҳукумат билан дипломатик муносабатда бўляпмиз. Шунинг учун ҳам шаънимизга айтилаётган асосий айбларни қатъиян рад этаман. Гўё мистер Оганони қўллаб-қувватлаётганлигимиз ҳақида тарқалган гап ғирт бўҳтон.

«Марказ.

Глэбб билан суҳбатлашишга рухсат беринг.

Славин».

«Славинга.

Ўзингизни тийинг.

Марказ».

«Марказ.

Яна бир бор Глэбб билан суҳбатлашишга рухсат сўрайман. Гонконгдаги жанжал баҳонасида ва у ҳақда тўпланган маълумотларга таяниб, уни исканжага олиш мумкин. Москвадаги операция тугаши ҳамон Глэбб ҳибсдаги Зотовни зудлик билан қутқаришга мажбур бўлишига ишончим комил.

Славин».

«Славинга.

Глэбб билан суҳбатлашишингизга розиман. Суҳбат давомида Зотов ҳақиқатдан ҳам Лоренснинг агенти эканлигига ишонганимизга урғу беришингиз лозим.

Марказ».

Степанов

«Узоқ иккиланишлардан сўнг қалтис, лекин ҳаётида ягона тўғри йўлни танлаган, чехрасида гўзаллик акс этиб турган басавлат гавдали негр билан суҳбатлашяпман.

Исми — Октавио Гувейта. Бугун тунда у автомат ўқлари ёмғири остида чегарадан, Огано тўдасидан бу ёкка қочиб ўтди.

— Мени тушунинг, — деди Октавио, — у ерда қолишни ўзим учун ор деб билдим. Бор гап шу. На ўқишни, на ёзишни билмаган одам ёлғонга лаққа ишонаркан. Ҳаётга эртақдек қарар эканмиз. Эртақ... Гулхан атрофига турнакатордек тизилишиб, қишлоғимиз кексаларидан эртақ эшитиш бизга катта байрам эди. Эртақ биз учун рақсдек гап эди. Чунки қўшиғимиз, орзу-ўйимиз рақсларимизда ўз аксини топади...

...Огано тўдасидаги ташвиқотчилар Россиядан келган янги оқ танлиларнинг шаҳар ва қишлоқларимизда қилаётган кирдикорлари ҳақида оғиз кўпиртириб гапира бошлашди. Беш бармоқ бир хил бўлмаганидек, оқ танлилар ҳам бир-биридан фарқ қилишини энди тушундим. Чунки, Огано тўдасига бориб қўшилганимда, афти-ангорини кўрсатишга рўйхуш бермайдиган, қароргоҳимиздан унчалик узоқ бўлмаган «кошона» лагерда истиқомат қилаётган оқ танлиларнинг асл қиёфасини жуда кеч билдим. Ёшлари элликларга бориб қолган, лекин, кирчиллама йигитлардек бакувват бу қарияларнинг бир-бирлари билан саломлашишлари ҳам ғалати эди. Ўнг қўлларини юқорига кўтариб, «зиг Гитлер» деб бақиришади. Миллий озодлик уруши вақтида қишлоғимизда қўниб ўтган Грисо партизанлари Гитлер ҳақида гапириб беришган эди.

Ўша оқ танлиларнинг кимлигини биринчи марта, офицерлар раҳбарлигида тунги операцияга чиққанда билиб олдим. Ўша машъум тунда биз юк машиналари карвонини ўққа тутдик, кўрикчиларини ўлдирдик, яшикларни ағдартўнтар килдик. Миссионерлар мактабида икки йил ўқиган, қирқ беш ёшлардаги «кекса» солдатларимиздан бири яшикларга «вакцина» деб ёзилганини айтди. Яшикларга дори-дармонлар солинганини билиб, ҳайратга тушдик. Чунки оқ танлилар бизга: «Яшикларда халқингизни киргани ва аёлларингизни ўғирлагани отланган рус солдатлари яшириниб олишган» деб уқтиришган эди. Кимдир бу гапни офицерга етказибди. Ёшларга вакцина тўғрисида рўй-рост гапни айтгани учун «қария»ни отиб ташлашди. Бизларга: «У айғокчи экан» дейишди. Қанақасига у айғокчи бўлсин. Ахир, у кўшни кишлокдан эди. Онаси, хотини ва бешта боласи бўлган одамнинг айғокчи бўлишига сира ишонмадим...

Октавио Гувейга кафтлари билан келбат кўкрагини силади, киприкларида ёш томчилари пайдо бўлди.

– Бир куни – дея сўзида давом этди Октавио, – гулхан атрофида рақсга тушишимизга мажбур қилишди. Шунчаки, кўнгилхушлик учун рақсга тушган бандага худонинг қаҳри келади. Астойдил, завқ билан рақсга тушдик. Бу томошадан оқ танлилар разил мақсадни кўзлаганларини кейин билдим. Орамизда эпчил рақсга тушган, бақувват йигитларни танлаб, саф торттиришди. Бизни «кошона» лагерга, Зепп одамлари истикомат қиладиган қароргоҳга олиб келишди. Зепп уларнинг катта командирлари экан, у қароргоҳга Грисо солдатларининг формаси кийдирилган «похол одамча»ларнинг ичак-чавоғини ағдаришингизни, душман билан «ўзаро олишув» деб аталмиш харбий машқларимизни кўргани тез-тез келиб турарди. Улар бизга олдиндан душманга ҳамла қилиш, бўғизини суғуриш, кўзларини ўйиш ва умуртқасини синдириш сирларини ўргатишарди.

Бизларни золимликда айблашлари нотўғри. Ҳа, биз

кўркинчали рақсларга тушишни, жанговар кўшиқдарни куйлашни яхши кўрамиз. Чунки ота-боболаримизнинг бутун умри жангтоҳда ўтган. Улар уруғимизни, она-Еримизни саклаб қолиш учун ёв билан аёвсиз уришганлар. Лекин Зеппнинг одамлари қопқонга тушган эчкининг терисини тириклайин шилишганини кўриб, жинни бўлаёздим. Тириклайин-а!!! Улар уни сўймай, оёқларини боғлаб, хотиржамлик билан терисини шилишади. Жони ҳалқумига келган эчкининг аянчли маъраши ҳамон кулоқларим остида эшитилаётгандек бўлади.

Гувейта тамакини ёндириб олди. Чукур-чукур дуд тортди. Умида биринчи марта тамаки чекаётганлардек ўқтин-ўқтин йўталди.

– Марио Огано учига чиққан қаллоб экан. Шунчаки, олдимизда ўз-ўзини камсухан, ватанпарвар, гўё «халқ йўлбошчиси» деб тутарди. Солдатларнинг кўз ўнгида хурмо япроғидан қилинган, тўшак солинган кичкина чодирда тунарди у. Аслида эса чор атрофга куюқ қоронғу тушгандан, машъалалар ўчирилгандан кейин, биз учун бориш бутунлай тақиқланган «қошона» қароргоҳга йўл оларди. Маслаҳатчилар истиқомат қиладиган қароргоҳга энг гўзал қизларни танлаб, териб олиб келишарди. Бу қизларни кейин ҳеч ким кўрмасди. Айтишларича, маишатнинг қаймоғидан баҳраманд бўлган офицерлар қизларни соқчиларга беришаркан. Соқчилар муродларини ҳосил қилиб бўлишгач, бечора қизларни дарёга чўктиришаркан.

Бу гапларни эшитганимдан кейин «Бундай қабоҳатга қўл урган кишилар қандай қилиб озодлик учун курашчи бўлишлари мумкин», деган даҳшатли ҳаёлга бордим. Ҳайвоний хирсга берилган кишилар халқпарвар бўлиши мумкинми?!

...Кеча кечкурун тунги тревога билан уйғотишди, катта йўл ёқасига олиб чиқишди. Рус юклари ортилган яна битта машиналар қарвони ўтаётган экан. Машиналардаги яшиқларга Грисо армияси учун бомба ва автоматчилар

жойланганлигини, уларни йўқ қилиш лозимлигини айтишди. Зеппнинг жаллодлик мактабини ўтаган йигитчаларимиз хайдовчиларни отанларини, чавақлаганларининг гувоҳи бўлдим. Тилмоч қизни ушлаб олиб, «Бу юклар сизларнинг болаларингизга-ку? Нега тушунмайсизлар?!» деб бақиришига қарамай зўрлашди. Сўнг автоматдан ўқ узиб ўлдиришганини ўз кўзим билан кўрдим.

Яшиқларга ҳақиқатдан ҳам янги туғилган чақалоқлар учун йўргаклар, тетапоя қилишлари учун тиббий асбоб-анжомлар жойланган экан... Шу кеча «Бу каллакесарларга минг йилда ҳам қоним қўшилмайди» деган фикрга келдим. Қочишга аҳд қилдим. Омон қолишимга гумоним бўлса-да бу тарафга қочдим. Чегарада соқчилар ниҳоятда кўп экан. «Яқин кунлар ичида Грисони оёғини осмондан қилиш учун жанг бошлаймиз» дейишди офицерлар. Агар менга ишониб қўлимга қурол беришса пуч ваъдаларга учган ватанфурушларга қарши курашардим. Аёлларни хўрлаётган ва ўлдираётган, эчкининг терисини тириклайин шилаётган одам киёфасидаги хайвонлар халққа қандай озодлик келтириши мумкин...

— Агар қочоқ ҳақида бор гапни рўй-рост ёзсам-у, унинг исмини очик айтмасам, менга ишонишмайди, Октавио, — дедим мен. — Исми-шарифингизни ошкор қилишимдан чўчимайсизми?

— Қариндошларим тақдир сизни ташвишга солаётими? — деб сўради Октавио. — Агар оила аъзоларимни топишганда эди, аллақачон ўлдиришган бўларди. Акам билан бобом тирик. Лекин уларни топишолмайди. Акам ҳам, бобом ҳам кишлоқда жуда камдан-кам бўлишади. Балиқ овлаб, уни портда оқ танли капитанларга сотиш билан шуғулланишади. Исминини очик айтишингиз лозим бўлса суратимни ҳам олишингиз мумкин. Инсон аста-секин қўрқувни енгаркан. Кўзи доим қонга тўлиб, дуч келган одамга итдек ташланадиган хайвонлар орасида яшагунча, озод юртда эрк билан жон

беришни истайман.

Ғарб матбуоти Оганонинг ҳеч қандай тажовуз уюштириш нияти йўқ, деб таъкидлапти. Жувайра қишлоғилик Октавио Гувейта гувоҳлик берган воқеалар ҳақидаги ушбу маълумотни тажовузнинг «қора дафтари»га тиркаб қўйилишини истайман.

*Дмитрий Степанов,
Махсус мухбир».*

Славин

Пилар Славинга май қуйиб узатди:

– Майни бизда қандай аташларини биласизми?

– «Бизда» деганда кимни назарда тутяпсиз?» – деб сўради Славин Глэббга кўз қирини ташлаб. – Бирор фирма ёки бирор жойними?

– Мен Испанияни назарда тутяпман.

– Сизларда майни «хинеброй» дейишади, тўғри топдимми?

– Вит, испанчада яхши гапираркансиз, – деди Глэбб. – Разведкачилардай чет тилни яхши биларкансиз.

– Жон, кўп нарсани билади. Акс ҳолда, менимча, ишлаш қийин бўлади. Хитой тилини билмай туриб, Гонконгда яшаб кўр-чи. Қоқилишинг турган гап. Пилар, мабодо Гонконгда яшамаганмисиз?

– Сиз-чи? – деб сўраган Глэбб тўсатдан қулиб юборди. – Ер юзида бўлмаган жойингиз қолмагандир-а, Вит?

– Мени Гонконгга қўйишмади. Вильгельм Шанц иши бўйича бораётганимни очиқ кўрсатувдим. Пекин маҳаллий ҳокимиятга ўз ҳукмини ўтказди. Мени қайтариб юборишди...

Пилар ўқдек нигоҳини Глэббга тикди. Унинг заррача ўзгармаган чехрасидан табассум ёғилиб турарди. Аммо қобокларидаги ажинлар қуюқлашди. Хавотир акс этган кўзлари бироз қисилди.

– Жуда қизиқ, – деди Глэбб. – Сафар олдидан рус матбуотида бу давлатга оид уйдирмани ёритгандирсиз-да?

– Бу журналистик мавзу эмас. Газетада чиқаришга йўл бўлсин.

– Бу роман, Пилар. Можароли романларни яхши кўрасизми?

– Ҳа, можароли романларни севаман...— дея охиста жавоб қиларкан Пилар Глэббга яна бир қараб қўйди.

– У фильмларни, айниқса, Бондлар ҳақидаги киноларни яхши кўради, — деб жавоб қилди Глэбб. — Кўркмас, аммо бизнинг кучимизга дош беролмай охи-роқибат мағлуб бўладиган рус агентлари ҳақидаги фильмлар...

– «Бизнинг?» — деди Славин яна энсаси қотиб. — Фирмангизнинг инглиз разведкаси билан алоқадорлигидан беҳабар эканман-да. Биласизми, агар режиссёр бўлганимда, бу ҳақда фильм ишлардим. Йўк, аниқроғи бу воқеани «Россияни севиб қолдим» номли фильмимга бир кўриниш қилиб, суратга олардим. Бахтиёр Бонд телеграфчи кизимизни Лондонга олиб кетиши ҳамон экранда; «Татбиқ» операцияси муваффақиятли ўтди. Вазифани бажаришга киришяпман. Катя Иванова деган ёзув пайдо бўлади.

– Ҳозир Пол Дик келади. Бу сюжетни унга сотинг. Аммо минг сўмдан камига кўнманг, Вит.

Пилар қизил тинтодан бир ҳўплам ичиб олгач, Славиннинг кўзларига тикилди:

– Гоҳида ёмон савдогарлигингни ошкор қилиб қўясан, Жон. Бунақа сюжет, адашмасам санъат оламида юз мингдан кам баҳоланмайди. Сира иккиланмай харид қилишади.

– Харид қилинг, — деди Славин. — Мен рози.

– Балки Штатларда кўп тўлашар, — деди Глэбб жиддийлашиб. — Рост айтяпман. Голливудни бу ишга жалб қилишга қурбим етади. Сўзимни ерда қолдиришмайди.

– Тавсиянгизнинг ўзи кифоялигига ишончингиз қомилми? — деб сўради Славин.

– Ишончим қомил.

– Нима, сценарий ёзганмисиз?

Глэбб тиззасига шапати уриб, бироз эгилди. У ўзини кулгудан тўхтатолмаган киши қилиб кўрсатди. Кейин, яна одатдагидек, жиддий Жонга айланди-қолди.

– Шайтонга хайф беринг, Вит! Санъатнинг фарқиға бормайдиган савдогарнинг устидан кулманг.

– Виталий – жуда чиройли исм, – деди Пилар. – Италиянча Виктор.

– Немисларнинг Вильгельмига ўхшаш, – деб таъкидлади Славин. – Аммо маънолари бошқа-бошқа.

– Ҳолбуки, Гонконгда Шанцни учратдим, Вит! Кўк бурунли қария, шундайми?

– Қариганда бурни кўқарган бўлмаса... Ўттиз ёшида хипча бел, келишган йигит эди. Ичмасди. Гестаподек нуфузли идорада мастларни бир дақиқа ҳам ушлаб туришмасди...

Пол Дик хонага кириб келганда анча хушёр эди. У эркаклар билан қовоқ уйиб саломлашди. Пиларга эса ўпич учун юзини тутди. Вискидан бош тортди.

– Ичмайман. Бугун, ҳатто эртага ҳам ичмайман.

– Нимага энди? – деб сўради Славин.

– Сизга яхшигина зарба бериш учун тайёрланыпман, Вит.

– Уддалай олармикинсиз?

– Уддалайман. Виждонан ўйнаш керак.

– Тўғри, – деди Славин. – Фикрингизга мутлақо қўшиламан. Ваҳоланки, ифлос ўйинга боғлиқ бир неча воқеа тафсилотини ёзиб олганман, истасангиз сотишим мумкин.

– Пулларимни ичиб тамомладим. Қарзга оламан.

– Майли. Пулни тўланг деб қистамайман. Гап бундай. Эсингиздами, Гонконг аэропорти божчилари томонидан фош этилган қорадорилар ҳақида гап бошлагандим...

– Йўқ, йўқ, – деди Глэбб. – Яхшиси сиз Полга Бонд ҳақидаги сюжетни пулланг. Ҳатто тасаввурингга ҳам сиғдирилмайсан, Пол. Ақлинг бовар қилмайди. Витга тан бераман. Бир тасаввур қил-а. Бонд бир қизни – эсингда, ҳа,

ўша чекист қизни ўзи билан олиб кетади. У эса Лондондан «татбиқ» операцияси муваффақиятли ўтди, ўрнашиб олдим. Хизмат бурчимни бажаришга киришаман», деб телеграмма беради. Зўр-а?

– Хизмат бурчи деганда, – деб таъкидлади Славин, – ўша бурчни бажариш вақтида ҳалок бўлган киши назарда тутилади.

Дик ҳўмрайиб Славинга қараб қўйди.

– Даҳшатли, чиндан ҳам, даҳшатли сюжет. Ҳақиқатни эслатади.

– Одамларни ажалидан илгари ўлдирадиган Бондни биз ўйлаб чиқармаганмиз.

– Майли, сюжетингизни айтиб беринг.

– Йўқ, Бонд саргузаштига қанча берасиз? Жон юз минг сўм таклиф қияпти.

– Ахир, мен юз минг таклиф қилдим Вит, сиз адашяпсиз, – деди Пилар.

– Бунақа даллоллардан яна биттаси бўлса, – Пол Дикнинг энсаси қотди, – ҳар ҳафтада ўнлаб миллионлар ишлаб оламан. Шундан етмиш фоизи сизники, ўкей? Қани ҳикояни бошланг. Сизнинг бу гонконгча сюжетингиз кўпроқ Луисбургникига ўхшаяпти. Зотовнинг кал бошига тушган кулфат сизнинг бошингизга тушмаса деган ташвишдаман. Аввалига бир рус хуфиёна иш кўрди. Кейин бошқаси. Бир ҳафта учун бу кўп шов-шув эмасми?

– Учинчи киши бўлмасмикин, ишқилиб? – Славин Глэббга савол назари билан қаради. – Гап бундай. Эсингизда бўлса, Нюрнберг процессида ССга алоқадор Вильгельм Шанц деган кимсанинг иши ҳам кўрилган эди.

– Эслолмайман.

– Биз америкаликлар хотираси паст миллатмиз, – деб таъкидлади Глэбб. – Хотира яшашга ҳалал беради. У ярадаги йирингдек гап...

– Агар биз ҳам йигирма миллион одамимизни йўқотганимизда, хотирамиз русларникидақ қолишмасди, – деди Пол. – Шанцни эслолмаяпман. Лавозими паст

жаллодлардан бири бўлса керак?

– Ҳа. Эксзекутор. Унинг кирк еттита кирон операцияда қатнашганини исботладик...

– Кирон операция деганингиз нима? – деб сўради Пилар. – Агар яна ёвузлик ҳақида бўлса, гапирмаганингиз маъкул Вит. Бусиз ҳам дунё ёвузликларга тўлиб кетган...

– Қирон операция уларнинг таъбирича – кишлок ёки шаҳарча аҳолисини гўдаклардан тортиб то беморларгача битта қўймай йўқотишни англатади.

– Партизанларга қарши жанг вақтида шундай қилишган бўлса керак? – деб сўради Глэбб.

– Бу ваҳшийликни оқлашга далил бўлолади, деб ўйлайсизми? – Славин бўш стаканини Пиларга узатди. Аёл ўша заҳоти унга май қуяркан:

– Музни қўл билан солсам майлими? – деб сўради.

– Албатта, – деб жавоб қилди Славин Глэббдан кўзини узмай. – Хўш нима дейсиз, Жон. Партизанлар билан бўлган жанг ваҳшийликни оқлашга далил бўлолади деб ўйлайсизми?

– Йўқ, албатта, йўқ, Вит. Мен фақат аниқлик киритмоқчи эдим, холос. Миллатнинг ваҳшийлиги ҳеч бир қолипга сиғмайди.

– Хуллас, биз ўша Шанцни фош этдик. У Канадада яшарди. Аммо уни бизга беришмади. У яна ғойиб бўлди. Кейин эса Америка паспорти билан Гонконгдан бошпана топди...

– Бўлмаган гап, – деди Глэбб афтини бужмайтириб. – Менимча у никарагуалик ёки гайтянлик қайсидир корчалоннинг сояли давлатида иш кўряпти. Унинг Штатлар граждани бўлганига ишонмайман.

– Шундайми? Иложимиз қанча... Бу яхши... Мен сизга айтсам, бундан ўн йил муқаддам Гокконгда жанжалли воқеа содир бўлганди. Аэродромда бир тўда хитойлик кўкнорилар қорадори билан қўлга тушганди. Худди шу Шанц Пилар каби гўзал ва дилбар Кармен исмли португалка ёки испанканинг – анигини билмадим –

шаҳардан қочиб кетишига имкон берган. Ҳамма гуноҳни бўйнига олган кимсани нариги дунёга қиялатган. Бу мистер Лао, шундайми Глэбб.

– Нега энди бу ҳақда мендан сўраяпсиз?

– Ахир Гонконгда ишлагансан-да, – Пилар елка қисди, – шунинг учун ҳам сўраяпти.

– Бир неча ҳафта фақат савдо-сотик ишлари билан бориб-келиб турганман.

– Тушунарли, – деди Славин. – Бу жанжалга аралашган МРБнинг божхона вакилини ҳам танимасангиз керак. Аммо қайси йўл биландир бу жанжалнинг оловини ўчиришган? Бу ўтнинг бир пилиги ҳали ҳам тутаяпти, Жон, тутаяпти. Пилар, сиз нима деб ўйлайсиз, тутаётган чўғнинг ўт олиши мумкинми?

– Нима десам экан... Бу воқеада шов-шувга арзигулик бирор, нарсаси бор. Катта можаро учун бу камлик қилади...

Глэбб яна бор овозда кулиб юборди. Бирок чехрасидаги жиддийликнинг йўқолмаганини кўриб Славин ажабланди.

– Мамлакатимизда катта можаролар оммавийлашган, Вит. Сиз ҳикоя қилган воқеа кундалик ташвиш. «Христиан ота»да битилган зерикарли пародиялардан бири, холос.

– Катта можаро деганингиз нима? – деб сўради Славин.

– Аёли ичкиликка берилган, – деб жавоб қилди Пол. – Гомосексуалист эр – қондош синглисини ўзига манфаатдор бўлган кишилар билан дон олишишга мажбур қилса, миллионернинг ўғли компартияга аъзо бўлса, пора юз минг доллардан ошса... Мана шулар учига чиққан можарога сабаб бўлди. Аммо тўғриси айтганда...

– Аёл бор, – дея Славин Жонга қаради. – Бу воқеада аёл бор. Нашахўр. Ўз эри билан қондош-қариндош, содда қилиб айтганда, жиян. Нацистнинг қизи. Бундай ишларда у ҳам иштирок этган. Маъкулми?

– Номларини беринг, – деди Дик. – Буни шундай ёзайки, қор ҳам ёнсин. Пул ишлаб олиш ўз йўлига, лекин газетхонларим номимни ҳатто унутиб юбораёзди. Бизда

миллат билан олишганларни тез унутишади. Айни вақтда, айтганингиздек ахлоқсизлар ботқоғида бижиб кетганларни узоқ эслашади. Калака қилмасангиз, розиман.

Славин Глэббнинг елкасидан кучиб, кулоғига шивирлади:

– Бир калака қилмаймизми, Жон? Ёки картани қисман очиб ташлаймизми?

Пилар винодан ҳўпларкан:

– Сизнинг ўрнингизда бўлганимда бироз калака қилардим. – деб жавоб қилди.

– Розиман. Энди Полдан эшитамиз. У Зотов ҳақида нималар биларкин? Мени госпиталга қўйишмади, учрашувга рухсат беришмади. Қани Пол, янгиликлардан бизни хабардор қилинг.

– Бу рус кишисига сира тушунолмаёпман...

– «Бу рус киши»га дейиш, – унинг сўзини бўлди Славин, – сиз учун кечириб бўлмас хол.

– Сизларда буни буюк давлат шовинизми деб аташадими? – дея Пол кулди. – Хафа бўлманг, мен русча фамилияларни талаффуз қилишда қийналаман.

– Пол, буни ҳеч қачон очик тан олманг. Сизни паст савиядаги профессионализмликда айблашади. Матбаачи ўз рақибларининг исм-фамилиясини тили айланмаса ҳам талаффуз қила билиши лозим. Масалан, биз ўз душманларимизнинг исми-шарифини яхши биламиз.

– Мен Зотовни рақиб деб ҳисобламайман, – деди Пилар. – У чиндан ҳам ўз бурчини бажармоқда.

– Буни ким исботлай олди? – Глэбб елкасини қисди. – Биз тоталитар тузумда яшамаяпмиз. Унинг гуноҳсизлигини далиллар билан исботлаш керак. Передатчик – далил бўлолмайди. Уни кимдир яширинча ташлаб кетган бўлиши мумкин.

– Ҳа, тўғри, – деб уни тасдиқлади Славин. – Бугунги «Ньюс» бу борада худди сизнинг сўзларингизни баён қилибди.

– Шундайми? – деди Глэбб ажабланиб. – Оббо

азаматлар-ей. Очиғини айтганда, ҳали ўқимадим.

– Бу нима? – Пол стол устидаги «Ньюс»га ишора қилди. Зотов ҳақидаги шарҳнинг остига қизил қалам билан чизиб қўйилганди.

– Бунни мен ўқидим, – деб жавоб қилди Пилар. – Зотовнинг тақдири мени ташвишга соляпти. Унинг ҳибсдан озод бўлиши учун қўлдан келганча қўмаклашаман.

– Аммо қандай қилиб? – деб сўради Глэбб. – Мен ҳам унга қўмак беришга тайёрман.

– Бу жуда осон, – жавоб қилди Славин. – Унинг квартирасида босқинчилик уюштирганларни топишнинг ўзи кифоя.

– Шунингдек, Лоренснинг сейфини бузганларни ҳам, – деди Пол Дик заҳарханда жилмайиб.

– Пол, – деди ранжигандек Глэбб. – Бу йигит кишининг иши эмас.

– Бу мард кишининг иши, Лоренс мен билан суҳбатлашишга вақт ажратди. Мақолани ёзиб тугатишга, ҳатто уни газетамга жўнатишга улгурдим.

– Пиночетни Қўшма Штатлар билан боғлаб турган «кўприкнинг жонли» устунлари ва «Иктернейшнл телефоник» ваколатхонасига ўғирликка тушганлар ўртасида мутаносиблик борлигини сезмаяпсизми? Бу найрангга шу қадар ниқоб берилганки... Диктатор бўлгунга қадар Альенде билан байрам намойишлари қабул қилган Пиночетнинг қўлидан бундай қабихлик келади деб ҳеч ким ўйламаган эди... Ваколатхонага тушган гангстерларнинг ишини кўриб: «Гўзаллик– ишонч рамзи» экани ҳақида ўйладим.

– Сотиб оламан, – деди Славин. – Ажойиб «шапка»³⁸, Пол.

– Конвертланган³⁹ валюта русларда нима қилсин, – деб таъкидлади Глэбб. – Ёки сиз бундан мустасномисиз,

³⁸ Газетадаги умумий сарлавҳа. (тарж.)

³⁹ Чет эл билан пул айлантириш.

Вит?

– Мен пулнинг ҳар бир тийянини тежаб-тергаб сарфлашга одатланганман. Яна ҳафтада бир марта рўза тутаман.

Пилар ва Глэбб бир-бирларига қараб олишди.

– Йогга кизиқасизми?–деб сўради Пилар, – Йог тўғрисида китобим жуда кўп, истасангиз беришим мумкин.

– Йогга кизиқаман, китоблар учун раҳмат. Ҳа, айтгандай, Пол, билмайсизми, бу ўша Конгресснинг Сантьягодаги фитнага доир саволларига жавоб беришдан бош тортган Лоренс эмасми?

– Ўша.

– МРБнинг резиденти, шундайми?

– Бу ҳақда мендан сўранглар, йигитлар,– деди Глэбб – у билан кўпдан бери дўстмиз, ахир. Мен – гестапо агенти бўлганим каби, у ҳам худди шундай МРБнинг одами...

– Бу жуда кизиқ-ку – деди ўйчан оҳангда Славин майдан ичаркан. – МРБ одами ўтмишда ҳам худди ҳозиргидек, нацистларнинг фақат янги тоифаси билан алоқа қилишга доир ҳужжатларни кўлга киритганингизда эди Пол. Бугун матбуотни доғда қолдирган бўлардингиз.

– Матбуотнинг МРБ билан ёқа олишишига йўл бўлсин, – деб жавоб қилди Пол, – нокаутга учрайди, Вит. Аммо...

– Мен бокс билан шуғулланганман. Зарб усулларини яхши биламан. Истасангиз ўргатишим мумкин, – деди Славин.

– Лақма, эркин матбуотни мана қандай ёллаш керак. – Глэбб яна кўзларини кийик қисганча қулиб юборди.

– Вит, мақтанишга арзигулик дурдонам бор, – деди Пилар. – Юринг, кўрсатаман.

– Дурдонангизни менга кўрсатишни истайсизми, гвапенья? – деб сўради Пол.

– Аёлларга теккан касал, мақтанмасалар кўнгиллари жойига тушмайди. Лекин, ҳар кимга ҳам мақтанишавермайди, – жавоб қилди Глэбб.

– Яхши гап, – деди Славин. – Ғурурли киши кек

сақламайди.

Пилар Славиннинг кўлидан тутиб, айланма зинапоя бўйлаб иккинчи қаватга бошлади. Ойнаванд том, йўлбарс териси копланган катта қатли хона деворларига осилган тилла иконлар кўзни қамаштирарди.

– Қалай? – деб сўради Пилар. – Денгиз йўли, аниқроғи эркин дунё билан алоқада бўлган шимолий Россиянинг ўн еттинчи асрда яратилган ажойиб дурдонаси.

– Қаерда қайта тиклашган? Шу ердами?

– Йўқ.

– Сизни ранжитайми ёки алдаганим маъқулми?

– Аччиқ бўлса ҳам ҳақиқатни яхши кўраман, Вит. Мен ҳам ростини айтишга тайёрман.

– Ростини?

– Ҳа. Бу сизга боғлиқ.

– Менга?

– Итоатли хотин ҳам, котиба ҳам эмасман. Мен мустақил иш кўраман, Вит. Ҳаётнинг асосий инъоми – ўз эркимга эгаман. Эркнинг қадрига етаман. Жирканч ҳаётнинг ертўласи, унинг жирканч пиллапоясини супуриб бу эрқка эришганман.

– Яхши. Чилангар маҳоратини ёинки буларнинг ўн еттинчи асрга оид эканлигини услубга қараб оддий кўз билан ҳам аниқлаш мумкин. Пилар, агар ростини билишни истасангиз айтай. Фақат бир икон ҳақиқий, қолганлари сохта. Кўркманг ҳеч кимга сир бой бермайман. Сир сақлашни биламан.

– Шанц ҳақида гапирганингизда, қанчалик сир сақлашингизни кўрсатдингиз.

– Ахир, бу гаплар сир эмас-ку?!

– Вит, нима истайсиз?

– Ҳақиқатни.

– Бу ҳақиқий руснинг жавоби. Америкалик бўлганимдан бери саволнинг аниқ қўйилиши, вазифанинг лўндалиги, махсулот қиммати, кафолатнинг муддати ва услуги деган мезонларнинг маъносини англаб олганман.

Славин аёлнинг кўлидан тутиб ўпди:

– Ҳозир ҳам Америка дипломатик паспорти билан яшайсизми? Ёки аввалгиларидан бирортаси колганми?

– Вит, саволимга жавоб бермадингиз...

– Лоренс фирмасининг «содик дўсти» ким эканлиги ҳақидаги саволга Пол жавоб бергани маъқул?

– Аммо бу саволни сиз бердингиз-ку.

– Менинг иборамни такрорланг, ўшанда бу саволни мен бермаганлигимга ишонч ҳосил қиласиз. Мен хаёлпарастман. Журналист киши хаёлпараст бўлиши шарт.

– Агар бу саволингизга жавоб берсам, сиз Полнинг саволларига жавоб бермайсизми?

– Йўқ, мутлақо, сиз можароли романларни яхши кўрасиз, Пилар. Сиздан хавотирдаман. Мен ҳаёт зинапоясидан кўтарилаётганингизда бирор нокулайликка рўпара келишингизни истамайман. Эркак киши қалтис йўлда аёлни ёлғиз қолдириши яхшимас. Ақл, америкача қафолат, аниқлик ва ишбилармонлик – ҳақиқий эркак шундай қилади.

– Яхши, ҳозир Жонни чақираман, – деди Пилар.

– Мен шу ердаман, кизалоқ, – деди кулимсираб Глэбб.

У силлик девор ёнида турарди. Ортидаги кўз илғамас эшик охиста ёпилди.

– Мистер Славиндан Гонконг воқеасини яна бир бор, юзма-юз туриб, муфассал эшитишни истардим.

Константинов

Константинов билан лейтенант Дронов ўзаро суҳбатлашиб турганда рўпарадаги дераза Дубов билан «тирик» Ольга (бу ҳақиқатдан ҳам мудҳиш таъриф эди) ким ҳақдадир гаплашишарди. Константинов Дубовнинг кескин, куч-қувват акс этиб турган чехрасини аниқ кўрди. Сергей Дмитриевичнинг кам гапиришига қарамай, қизнинг тинмай, қувноқ кулиши Константиновни ажаблантирди. Хаёлан бунинг сабабини хомчўт қилишга уринди. Ораста кийинган, хушбичим, рулни яхши бошқариш учун ипак

қўлқоп кийган, ресторанларда факат «КВ» грузин коньягини буюрадиган, португалча, испанча, инглизча кўшиқларни осон таржима киладиган, муҳаббатнинг асл моҳиятини билмайдиган, пала-партиш, мишиқи йигитлардан ўн чандон кучли, охиста, бардош ва шиддатли севадиган навқирон, сиёсатдон олимни яхши кўришнинг ўзи олий бахт-ку. Пицунда ва Сухуми майхоналарида шаънига айтилган мактовларни босиклик билан тинглайдиган, ҳаяжонланмайдиган грузинларга тақлид қилиб «олаверди» дейдиган эркакнинг бағрида бўлишдан ортиқ шараф борми?! Эй, содда қиз!

«Қандингни ур, Алябрик, – деди ичида Константинов, – ишнинг кўзини биладиган йигит экансан. Дубов деганлари хўжакўрсинга бўғизини хўллайдиган ва шохига аксельбант илмайдиганлар тоифасидан экан». У Пицунда кироатхонаси хўжайинининг гапларини эслади. Дубов мулоқотда бўлган кишилар билан алоҳида-алоҳида, бамайлихотир суҳбатлашиши вақтида чекистларнинг «Бўғизини хўллайди» деганингиз нимаси, Алябрик?» деган саволига у «Нахотки, тушунмаган бўлсангиз. Абхазча Қора Леондан олинган бу қочирма гапнинг маъносини «чиранмок», «Ёқа йиртмок» демакдир. Аммо «ёқа йиртиш» демасдан хўжакўрсин, дейиш мақсадга яқинроқ бўлади. «Аксельбантларни шохларга илиш деганда эса илмокка зўр беришни тушуниш керак. Биз қармокка осонгина илинмаймиз-да».

Абхазия КГБсининг ёзма маърузасидаги остига чизиб қўйилган бу сатрларни ўқиб чиққан Проскуриннинг қўл силташидан Константинов ажабланди.

«Очиғи, Проскуриндан ранжишга ҳаққим йўқ, – деб ўйлади у. – Беш қўл баробар эмас. Одам бир-биридан енгил машина каби фарқ қилади: «Жигули» – мувофиқлик, «ГАЗ» – бакувват, «Волга» – чидамлилиқ, «Чайка» – ишончлилиқ».

Константинов бир танишининг қоғозбозга қиёсан ҳазиллашиб ««Чайка» «Волга» узра учмокда» деган

сўзларини эслади.

«Қизик — дея ўйлашда давом этди у, — Проскуринга хос хислатлар менда йўқ. Мен фақат мантикқа ишонибгина қолмай ўз хиссиётимга ҳам суянишга одатланганман. Аёлларда хиссиёт жуда кучли бўлади, улар ҳаддан ташқари ҳаяжонга берилишади. Шунинг учун ҳам улар кўп нарсани бой беришади. Ўзларини ирода этолмайдилар. Худбинликка қўл уришади. Худбин одамлар иродасиз бўлишади. Бироқ Проскуринга ўхшаганларсиз ҳам яшаш кийин. Одобни беодобдан ўрган...»

— У қаёққа кетяпти? — деб сўради лейтенат Дронов шивирлаб.

Чўнтагидан калит олаётган Дубовни кузатаётган Константинов:

— Сиз у билан қўшни хонада ўтирмаяпсиз-ку, нега шивирлайсиз? — деб сўради.

— Эҳтиёткорликни машқ қиялман, ўртоқ генерал.

— Бундай машқ қилмайдилар. Шарт-шароит эҳтиёткорликни тақозо қилган ҳолдагина оҳиста сўзлаш керак. Шивирлашдан фойда йўқ. Акс ҳолда, ҳар нарсадан чўчийдиган бўлиб қоласиз. Кўзларингиз зўриқишдан толади. Қўл-оёғингиз ипсиз боғланиб қолади. МРБнинг одамлари сизни узоқдан кўришса бас, бошларидан кортузларини олиб куллуқ қиладиган бўлишади. Унинг машинасини ким кузатяпти. Ҳозир у Ольгани олиб кетади чоғи...

— Жуда ғалати, ўртоқ генерал. Дубов кейинги кунларда тунни шу ерда ўтказяпти, эрталаб эса нонушта учун қатикқа югуради. Машинасини Куровлев билан Пшеничниковлар назорат қилишяпти. Ана, қаранг, кетишяпти.

Дубов билан Ольга хонадан чиқишлари ҳамон телефон жиринглади.

— Коновалов бўлса керак, — деди Константинов. — Уларнинг босган ҳар бир кадамидан бизни хабардор қилиб туришларини сўранг. Эндн, бундай лейтенант...

Ахборотингизда Дубовнинг ёзув столида ҳеч қандай ён дафтар ёки ёзув машинкасида кўчирилган диссертацияга оид бирорта кўлёзма йўқлигини баён қилгандингиз, шундайми?

– Ҳа, ўртоқ генерал.

– У «Волга»сини қаерда саклайди?

– Ҳовлида, мен планда кўрсатганман.

– Қишда-чи?

– Билмадим.

– Унинг гаражи йўқми?

– Буни аниқлаганим йўқ.

– Унинг ёзув столида кооператив гаражнинг ҳисоб-китоб қоғози бор эдими?

– Балки, қайта текшириб кўрайликми?

– Кераги йўқ. Хонада из қолдириш хавфли. Ахир, ўзингиз у қайтганида хонани кўздан кечиришини айтдингиз-ку.

– Худди бўри дейсиз, ўртоқ генерал. Остонада тўхтаб, худди «Ҳайвонот дунёси»даги бургут мисол бошини буриб, атрофга диққат билан қарайди.

Константинов тамакидонини олиб, ялтирок целлофанини йиртди. Чекди.

– Яхши таъриф, – деб таъкидлади у. – Қойилмаком қилиб гапирасиз. Хужжатни эса шундай ёзасизки, эуноктин ичгандек кишини алласиз ухлатади...

– Нима? – Дронов тушунмади.

– Ухлатадиган дори, эуноктин...

Телефон яна жиринглади. Тез ва аниқ ахборот беришди:

– «Ўрмончи» «Қорамағиз»ни тушириб, машинани орқага бурди ва катта тезликда изига қайтди. Садовое кольцо бўйлаб боряпти. Америка элчихонаси ёнида тўхтади. Ўнгга бурилиш чироғини ёқди.

– Вақтни қайд қилинг, – деди шошилиб Константинов. – Иккинчи номер, элчихона деразасини кузатинг. Кимлар турибди?

– МРБнинг барча чироқлари ўрток ген... ўрток Иванов, ёник. Дераза ёнида тўрт киши чекиб турибди.

– Биринчи, биринчи, у қаерга кетяпти? Тезлиги қандай?

– Яна тезлигини оширди. Секинлашяпти, тўхтади...

– Сиз ўтиб кетаверинг! – деди ўзини ирода қи-лолмайд Константинов. Ваҳоланки, разведкачилар Проскуриннинг «Объект жуда эҳтиёткор, ўзингизни ошкор қилгандан кўра, уни кўздан қочирганингиз маъқул» деган маслаҳатини, йўл-йўриқларини беҳато бажаришарди.

– Биз ўтиб кетдик. – Трубкадан бироз ранжиган оҳангдаги жавоб эшитилди, – у машинадан тушди.

– Копотни очди, – иккинчи машинадан ахборот бера бошлашди. – Узатгичларни тортиб-тортиб, ниманидир текширяпти...

– Айтгандай машинасига қандай узатгич ўрнатилган? – дея Константинов лейтенантдан сўради. – Бошевскийникимасми?

– Қандай? – деб сўради Дронов тушунмай.

– Узатгич симлари ранг-барангмиди.

– Худди шундай, ранг-баранг, ўрток генерал.

«Худога шукр. Гречаевнинг омилкорлиги наф берди. Парамонов бегуноҳ экан. Йўкса уни ҳам текшириш учун бир кунимизни йўқотган бўлардик, – деб ўйлади Константинов. – Тўғри, шубҳаланиш ҳам бир касаллик, уни оқилона ва беғараз ҳазил билан даволаш мумкин. Ҳазил ҳам оғир ботиши мумкин».

– «Ўрмончи» ўрнидан кўзғалди. Садовое кольцодан СЭВ биноси томон буриляпти... уйи ёнида тўхтади.

(Дубовнинг зинапоядан кўтарилаётган вактда ўзини қандай тутганлиги ҳақидаги ахборотни Константиновга эртага эрталаб беришади. Бугун беришлари ҳам мумкин. Аммо икки нусхада кўчиришга улгуришмайди. Ваҳоланки, агар бирор зарур тадбир-чора кўриш учун зарур бўлган тақдирда шошилишч етказишади.)

Дубов хонага кирди. Чироқни ёкди. Остонада тўхтади.

«Ҳақиқатдан ҳам худди бўрининг ўзи, – деб ўйлади Константинов – йўқ укки, Бирор кимса кирмаганмикин, бирор нарса ўзгариб қолмаганмикин, деган хавфда хонани кўздан кечиряпти-да».

– У қўлига нима олди? – деб сўради Константинов, Дубовнинг дераза пештахтасидан олган нарсасини илғай олмай.

– У ерда нўхатдан бўшаган пачоқ банка турганди, ўртоқ генерал.

– Ахборотда нега қайд қилмадингиз?..

– Хаёлимга келмабди... Тозалаб ювилган, пачоқ банка, уни чертиб кўрдим. Ичида ҳеч нарса йўқ эди...

– Яширин маълумотни шу идишга жойлаётган бўлсачи?

– Бунақа банклар юзлаб сочилиб ётади-ку, маълумот яширган тақдирда фаррош уни утилга топшириб юборади...

– Тўғри, – деди қувватлаб Константинов. – Аммо бизнинг ишимизда майда нарса, деган гапнинг ўзи бўлиши керакмас.

– Америка элчихонаси ёнида тўхтаган вақтда соат неча эди? Роппа-роса ўн икки эдими?

– Худди шундай, ўртоқ генерал...

– Коновалов билан боғланинг. Менимча у алоқа қилгани кетяпти.

АҚШ элчихонасидаги МРБнинг ходимларини кузатаётган полковник Коновалов Константиновнинг кўнғироғидан сал илгари ундан сигнал кутаётганлигини маълум қилди:

– Кутяпмиз, ўртоқ Иванов, ҳозирча ҳаммаси жойида.

– Элчихонадан ёки турар-жой биносидан бирор кимса чиқмаганлигини назарда тутиб, ҳаммаси жойида деяпсизми?

– Худди шу маънода жавоб қиляпман.

Дронов тўсатдан:

– Ўртоқ генерал, сиз ҳақ экансиз, ҳақиқатдан ҳам унинг столида битта ҳисоб-китоб қоғози бор эди, на

ЖСКники, на «Автолюбитель»ники, аммо «СК»никига ўхшашроқ.

– Никодимов эртага адресини аниқлаб кўрсин. Агар Дубовнинг гаражида бокси бўлса, сездирмасдан текшириб кўриш керак. Балки бирор нарса илиниб қолар. Ҳарҳолда у таниш-билишлариникида ўзининг бирор нарсасини сақламаса керак. Бир сўз билан айтганда укки экан.

Телефон кескин жиринглади.

– Иванов эшитади, – Константинов трубкани даст кўтарди. «Ҳойнахой ёш лейтенант сезган бўлса керак» деган ўй хаёлидан ўтди. Шароит мураккаб ва қалтис бўлишидан қатъи назар, айниқса раҳбар киши ўзини хотиржам, босиқ тутиши лозим.

– Лунс Ленин проспектидаги уйдан чикди. Кутузов проспекти бўйлаб, университет ёнидан ўтиб кетди.

– Илтимос, аппаратдан узок кетманг, – дегач Константинов, трубкани елкаси билан кулоғига қисиб, ўчаётган сигаретасини чекди. Аслида унинг чекишга иштиёқи йўқ эди, томоғи куриб қолганди. – Ҳозир «Ўрмончи» қаерга кетаётганини сўраймиз.

Иккинчи аппарат ҳадеганда жавоб бермади:

– Бир нарса дейиш қийин, ўртоқ Иванов. Ўрмончи «иккинчи» троллейбусга ўтирди, бешинчи бекатда– «Панорама» ёнида тушди, йигирма метрча юрди ва «саксон тўққизинчи» автобусга ўтирди. Мунтазам текширяпмиз.

– Ип тугунлашиб қолмаяптимики?

– Йўқ, хотирингиз жам бўлсин.

– Унинг қўлида нима бор?

– Газетага ўроғлик нарса.

– Ичида нима бор?

– Билиш қийин... «Ўрмончи» автобусдан тушди, ўртоқ Иванов. Можайск шоссеси томон ўтди. Ғалаба хиёбонига кириб боряпти. У ер бежавотир. Кузатувни давом эттирайликми?

Константинов иккинчи аппаратнинг мурватини босди. Коновалов билан боғланди.

– Хўш, сизда нима гап? Тез-тез ахборот бериб гулинг.
– Сизнинг чақириғингизни кутяпман. Объект катта тезлик билан биздан узоқлашмоқда. Нима қилайлик?

– Қайси йўналишда кетяпти.

– Ғалаба хиёбони томонга.

Константинов Дроновга бир қараб олди. Кузатув пункти сифатида жиҳозланган бу хонадаги радиотелефон аппаратлар пухта созланган – разведкачиларнинг овози жуда яхши эшитиларди.

– Хўш, нима қиламиз – деб сўради Константинов ўйчан оҳангда.

– Нима қилардик? Тутиш керак, – деди Дронов дадиллик билан.

Константинов хўрсинди, трубкадан Коноваловга:

– Объектнинг қочишига имкон беринг. Районни қуршовга олинг. Борадиган жойини ва вақтини аниқланг! – деб фармон берди-да, бошқа аппаратнинг мурватини босди.

– «Ўрмончи» одамларингиз борлигини сезиб қолмадими?

– Атроф қоронғу. На бирорта йўловчи бор, на қилт этган шабада. Аммо у бўридек аланглаб боряпти, ўзини гимнастика билан шуғулланаётган киши қилиб кўрсатяпти гўё, лунги билан югуриб ҳам кўряпти...

– Агар у сизни сезиб қолса, ҳаммаси барбод бўлади.

– У ҳолда кузатувни тўхтатиш керак.

– Тўхтанг. Хиёбондан чиқиладиган барча дарвозаларини назорат остига олинг. Огоҳ бўлинг, машина ўтиб қолиши мумкин. Уни қаерда секинлашганини ва тўхташини инобатга олинг...

– Яхши, ҳаракат қиламиз, ўртоқ Иванов.

Коновалов алоқага чиқди:

– Объект катта тезликда шосседан Ближний дачадан Триумфальный аркга олиб борувчи тор кўчага бурилди. Секинлашиб чор атрофга кўз ташлаб олди. Биз уни шосседан қолдирдик. У яна бурилиб, тор йўлдан охишта кета бошлади. ГТарк қуршаб олинди.

– Можайский шоссеси томонида кузатув ўтказиш мумкинми?

– Топшириқ бераман. Бир дакика шошманг, хозиргина элчихонадан чиққан Жекнинг машинаси Кутузов проспекти бўйлаб Ғалаба хиёбонига қараб йўл олганини маълум қилишди.

– Одамларингиз қаерда? Можайскда киши борми?

– Ҳа, хиёбонга кираверишда иккита машина турибди. Иккитаси Триумфальный арк йўналишида. Лунсни таъқиб қилишга уринишяпти. Лунсинг машинаси жуда секин юрмоқда.

Константинов мана шу санокли дақиқалар ичида ягона ва аниқ қарорга келиши лозим эди. Агар контрразведкачилар Лунсни ёки Дубовни ҳибсга олишса-ю, уларнинг айбини исботловчи далиллари бўлмаса, бутун операция барбод бўлади. Агент – агар Дубов тасодифан аросатга тушиб қолган киши бўлмай, ҳақиқатдан агент бўлса яхши, буни исботлаш керак. Акс ҳолда, у ўз ишини тўхтатади. МРБнинг ходими эса ўз фаолиятини давом эттираверади. Элчихона норозилик баёнотини беради. Ваҳоланки, жуда тўғри қилади.

Айни вақтда МРБ бир нарсани рёжалаган кўринади. Ҳа, бу шунчаки тасодифий учрашув бўлмай...

Хўш, ахборотни ким топширади?

Дубовми?

Ёки аксинча, МРБ ўз агентига янги йўл-йўриқ бергани кетяптими?

Балки бу агент ва МРБ одамлари учун ўтказилаётган навбатдаги синовдир?

У тақдирда нима учун элчихонадан чиққан иккинчи машина ҳам худди шу йўналишдан боряпти? Хавфсизликни таъминлаш учунми?

Бу синов бўлмай, жанговар операция бўлса-чи?

Константинов Коновалов билан боғлаб турган телефон мурватини босди.

– «Ўрмончи» машинасини МГИМО биноси рўпарасида

тўхтатган вақтда ёки Қрим кўприги томон бораётганида бирор одамингиз унинг ёнидан ўтган-ўтмаганлигини эслай оласизми? Мен Ўрмон қоровулининг ўтган куни соат бешда «Мелодия»га борганини назарда тутяпман.

– Машина бирор учрашув олдидан берилган ишора деб ўйлайсизми? Пароль? Сигнал?

– Эслайсизми? – дея такрор сўради Константинов, – ёки қайд қилмадингизми?

– Бундай фаразга ҳаёлимизга ҳам келтирганимиз йўқ.

«Демак Дубов машинасини МГИМО биноси ёнида қолдириб, тирик Ольга билан учрашувга боришини ўзига хос ишора деб фараз қилсак, МРБ айғоқчилари ҳеч қандай шубҳа уйғотмайдиган машинани тўхтатиб ўтирмай, чор-атрофни бемалол кузатиш мумкин бўлган Қрим кўпригидан ўз агентларининг бу ишорасини ўқиб олганлар. Демакки айти шу ҳолдагина, тўрт ойда бир бор ахборот алмашиш амалга оширилади. Агар янглишган бўлсам-чи. Ёки аксидир?»

– Иккинчи машинада олиб борилаётган кузатувни тўхтатинг. Одамларингизни шосседан олиб кетинг. Сезиб қолишмасин.

Константинов иккала трубкани жойига қўйди, кўрсаткич бармоғини бироз букиб, пешонасидаги маржон-маржон терни сидириб ташлади.

Дубовни таъқиб қилаётган ходимлар ўн беш минутдан кейин яна алоқага чиқишди.

– «Ўрмончи» автобус бекатига қайтиб келди, аввалгидек қўлида газета бор. Аммо унга ўралган нарса йўқ.

– Лунсни ҳибсга олиш керак, – деди Дронов катъийлик билан. – Ҳаммаси унинг қўлида, ахир!

– У ўроғлик нарсани машинадан улоктириб юборади. Қонунни бузаётганимизга, шахсиятига тегаётганимиз ҳақида айюҳаннос солади.

– Шахсиятини онасига қўшиб!..

– Онасини ўз ҳолига қўйинг!

Лунс Ғалаба хиёбонининг Триумфальный арки ёнидан чикди. Катта тезликда элчихона томон йўл олди. Соат бирдан ўттиз минут ўтган эди.

Дубов охирги автобусда уйига қайтди. Яна остонада узоқ турди. Хонага кўз югуртирди. Кейин газетани полга ташлаб, ёзув столига яқинлашди. Чўнтагидан буток — хиёбонда сочилиб ётадиган оддий бутокни олиб орасини очди, ичидан батареяка олди.

— Ана, қаранг-чи, — Константинов Дроновга мурожаат қилди. — Нахотки контейнер бўлса?

Дронов диққат билан тикилди.

— Тўрт юз ўттиз етти элементли, ўртоқ генерал. Бундай батарея магазинда қалашиб ётибди...

...Дубов ёзув столи рўпарасига ўтирди. Чўнтак фонарига қўйиладиган «437» элементли батареянинг остини бураб очди.

«Бундай батареячаларни ҳатто «Берёзка» магазинларидан бемалол сотиб олиш мумкин. Оббо МРБлик шоввозлар, ҳаммасини аввалдан ўйлаб қўйишган. Хайратомуз иш қилибсиз-ку!»

Дубов батарея ичидан плёнка олиб, уни стол устига қўйди. Чуқур хўрсинди. Хорғинлик билан охиста ўрнидан турди. Базўр кадам ташлаб, китоб жавони ёнига келди. Остки тортмадан кўзойнак олди-да, ёзув столи олдига қайтди. Одатдаги хатти-ҳаракат билан плёнкани ёйди ва аста-секин, лабларини бироз тебратиб, уни ўқишга тутинди.

«Дронов кўзойнақларга эътибор қилмади, — ўзича ўйлади Константинов. — Бу оддий кўзойнақлар эмас, унга лупа ясаб беришган».

Дубов ҳали-замон Лунс орқали юборилган қўлланмани узоқ ўқиди. Кейин плёнкани яна батарея ичига яширди, батареяни стол устидаги хитой фонарига солиб, ёниш-ёнмаслигини текшириб кўрди. Фонар яхши ёнди. Кейин стол тортмасидан бир варақ оқ қоғоз олиб, алланималарни

чизди. Ёкди. Қоғоз кулини бармоқлари билан майдалади. Яна бир варақни ёкди. Шарикли ручка билан яна бир варақ қоғозни қоралади. Из қолишидан кўрқди, ўрнидан турди ва аста-секин эшик ёнига борди. Бир неча дақиқадан кейин қайтди-да, стулга ўтириб, бошини кафтлари орасига олди.

– Жосуслик ҳам осон иш эмас, – Константинов Дроновга ўғирилди. – «Даҳшат ва ёвқурлик» мавзуида ҳайкал ўрнатса арзийди.

«Кузатув қуйидагиларни маълум қилди:

Соат 7 дан 30 минут ўтганда «Ўрмончи» уйидан спортчи кийимида чиқди. Қирқ минут мобайнида Ғалаба хиёбони ва уйигача югурди. Ғалаба хиёбонида ҳеч ким билан мулоқотда бўлмади. Ёдгорлик монументи атрофида югурди. Уйига қайтди. 8 дан 45 минут ўтганда машинасига ўтириб, ишхонасига жўнади».

Соат роппа-роса 9да Някодямов группаси батарея ичига яширилган «тилсим»ни очди.

Биринчи қўлланмада қуйидагилар баён қилинган эди. «Янги учрашув жойини маълум қиламиз. «Спортивная» метростанциясидан (Лужникига яқинроқ тарафдан) чикиб, Фрунзе кўчасининг ўнг тарафидан, темир йўл бўйлаб Новодевичье қабристонига томон юринг. Дарёга яқинлашганингизда катта темир йўл кўпригини кўрасиз. Бу кўприкдан пиёдаларнинг ўтишига рухсат берилган. У ерда, сўқмоқнинг иккала томонида кўприкка олиб чиқувчи зинапоё, кўприкнинг тўрттадан устун бор. Фрунзе кўчаси томонидан, автозаправочной станцияси рўпарасидаги, аниқроғи шаҳар марказига яқин бўлган кўприк зинапоясидан кўтариласиз. Кўприкнинг дарё ўзани устидан ўтган қисми бошланиши жойида бир устун бор. Сизнинг пакетингиз худди шу устунга, тошли дарча рахидан ўттиз-қирқ сантиметр ичкарида бўлади. У 15–20 сантиметр ҳажмдаги кўкиш тош бўлади.

Сиз беришингиз лозим бўлган сигнал: сут солинадиган уч бурчакли бўш, ғижимланган картонни қўйиб, уни шамол

учириб кетмаслиги учун оғирроқ нарса билан бостирасиз. Бизга етказмоқчи бўлган ҳужжатларни худди шу картон ичига солиб қўйинг. Картонни, албатта пакетни олган ерингизга худди ўша узоқликда қўйинг. Кейин, йўлда давом этиб кўприкнинг Киев вокзали тарафидаги зинапоядан тушинг. Одатда дарёнинг ўнг соҳилидаги светофор ёнида милиционер туради. Аммо у турган ердан кўприкнинг сиз ўтган тарафи кўринмайди. Милиционер ҳар галгидек 22.30 ва 23.00 оралиғида навбатчиликдан кетади. Пакет алмашув ерига соат 23.00 да қўйилади. Сиз уни 23 дан 15 минут ўтганда олишингиз ва ўрнига белги сифатида ғижимланган бўш, сут солинадиган картонни, бизга етиши лозим бўлган материаллар билан қўйиб қўйишингиз зарур. Ёки аксинча, пакетни биз учун қолдирганингиз тақдирда, биз сизга бўш қоғоз картонли сут идишини Бережковский соҳилидаги автобус бекатида қолдирамиз. У ҳолда ичкарилиқда биринчи кўча муюлишида ётган нўхотдан бўшаган консерва банки сизга ишора бўлади. Пакетни олиш вақти 24.00. Бизнинг эшиттиришларимизни одатдагидек, ўша вақтда тингланг. Расшифровка учун аввалги мулоқотга сизга юборилган «Детгиз» нашр этган Гарриет Бичер-Стоу романининг 82 саҳифасини қўлланма қилиб оласиз.

Эҳтиёт юзасидан сеансларимизни соат 7 дан 7.30 гача, сиз Ғалаба хиёбонида гимнастика билан шуғулланаётган вақтингизда ўтказамиз. Илтимос, лунгида югуришни сира қанда қилманг, доим назаримизда бўлишингиз лозим».

Иккинчи қўлланмада қуйидаги йўл-йўриқлар қайд қилинган эди:

«Ҳурматли ўртоқ! Ўтган сафар юборган ҳужжатларнинг фотонусхаси учун сиздан миннатдормиз. Аммо кадрлар тиниқлиги бундан ҳам яхшироқ бўлишини истардик. Афтидан, қўлингиздаги ўта сезгир камера билан жиҳозланган ручкани тикка эмас, аксинча чапга бироз оғдириб ушлаётган бўлсангиз керак. Илтимос, бизга ниҳоятда зарур бўлган ахборотларни суратга олиш вақтида

ручкани тикка ушланг. Мутахассисларимиз сиз учун «камрови» кенгроқ ручканинг иккинчи моделини яшаш устида иш олиб бормоқдалар, лекин, бу аппаратни бир ойдан кейин, ёки Ғарбга хизмат командировкасига келган вақтингизда олишингиз мумкин.

Кейинги контейнерда сиз сўраган ўша ампулалардан қўшимча равишда юборяпмиз, аммо, буни истар-истамас қиялпмиз. Сизнинг хавфсизлигингизни таъминлаш учун бошланган никоблаш операцияси муваффақиятли ўтаяпти.

Шу билан бирга, маошингизнинг икки ойлигини сўмлар билан ҳамда сиз каталогда белгилаган тилла буюмларни юборамиз.

Келажакдаги режаларингизни очиқ-ойдин билишни истардик. Бу ерга командировкага келиш истагида эканингизни тушунамиз. Ғарб демократиясига бўлган садоқатингизни қадрлаймиз. Лекин Москвадаги фаолиятингиз умумий ишимизга ҳолат катта фойда келтирмоқда. Бу сафарни яна бир йилга суришни ўйлаб кўришингизни илтимос қилардик. Ўша давр ичида ҳисобингиздаги сўмда пул 57.721 доллар 52 цент бўлади. Бу бизнес билан шуғулланишингизга имконият беради.

Кооператив квартирангиз масаласида. Бундай дунёпарастлик таниш-билишларингиз, ҳамкасбларингиз орасида ортикча гап-сўзга сабаб бўлади. Шунингдек, қўшниларингизнинг диққатини жалб қилади. Сиз учун ўйлаб топилган пул масаласи ҳаддан ташқари чекланган, «етти карра тежамкор», детан матн қадр-қимматини йўқотади. Қариндош-уруғларингиз биринчи бўлиб ўз хайратларини ошкор қилишади. Бу зса ўз навбатида «хавф туғдиради». Шунга ҳарамай маошингиздан чегирмай, «яширин квартира» сметасининг бошланғич бадали учун 4.000 сўм юборамиз. Айни вақтда хонангизга бор-йўқлигингизда яширинча бирор кимсанинг кириши хавфини бартараф қилиш учун, сўровингизга биноан сигнализация ўрнатиш масаласи устида бош қотиряпмиз. Бунинг учун кейинги ахборот алмашишда Чайковский

кўчасида ишловчи ходимларимиз билан боғловчи сигнализация маркази бўлиши лозим бўлган радиоаппаратнинг тўлиқ ва мукамал тафсилотини беришингиз керак. Бундай эҳтиёткорлик чораси кўрилгандан кейин ахборотларни гаражда эмас, уйингизда сақлашингиз мумкин.

Янги танишингиз ҳақида жамики маълумотларни, бармоқ изларидан тортиб то онаси ва бувисининг қизлик фамилиясигача юборишингизни илтимос қилардик. Сизнинг хатти-ҳаракатингиздан огоҳ бўлган аввалги танишингиз билан муносабатингиз айтарли бир тарзда тугагани сиз учун яхшигина сабоқ бўлди. Биз учун эса асти гапирманг. Биз эҳтиёткорликни йўқотдик. Бундай учрашувлар учун сира ўз уйингизни танламанг, келгусида хусусий квартирани ижарага олинг.

Аввалгидек бутун диққат-эътиборингизни Нагонияга қаратинг. Чунки яқин кунлар ичида газета саҳифаларида сиз билан биз бажараётган иш тантанасининг шохиди бўласиз. Биз ўйлаган иш арзигулик рухсатномани олди. Энди масалани ойлар эмас, кунлар ҳал қилади. Ҳаддан зиёд куч сарф қилинган иш тугаши ҳамон жиддий дам олишингиз лозим бўлади. Худди ўтган йилдагидек сизни уч ой «консервация» даврида деб ҳисоблаймиз. Бу давр мобайнида асаб системангизни мустаҳкамлайсиз, ёз мавсумини яхши ўтказасиз. Ундан кейин эса биз яна мулоқотимизни тиклаймиз. Эслатиб ўтамиз: кейинги учрашувимиз индинга, сизга маълум жойда – «Парк» объектида соат 23.00 да бўлади. «Волга»нгиз турадиган «парплатц» объектида соат 18.00 дан 18.30 гача пароль ишора берасиз. Сиз юборишингиз лозим бўлган ахборот «булоқ» орасига қўйилади. *Дўстларингиз»*.

Генерал-лейтенант Фёдоров Константинов келтирган барча ҳужжатлар билан танишиб чикқач, ўрнидан туриб хона бўйлаб юаркан, дераза олдида тўхтади.

– Дубов гаражида нималарни сақларкан?

– Кундаликлар, хатлар, фотосуратлар, – деб жавоб

қилди Константинов. – Мен уларни ҳали ишлаб чиқмадим, фотонусхалар курияпти.

– Улар билан ўйин бошламоқчимисиз?

– У бунга дарров рози бўлади, Пётр Георгиевич.

– Архивнинг аллақасерида уруш даврига оид эътиборга молик жадвал сақланяпти. Радиоўйин орқали биз чалғитган абвер агентидан кўпчилиги бизга ишлашга розилик берганди... Айни пайтда бундай ўйинга ҳуқуқимиз борми? Лэнглига юборилаётган ахборот аини ҳақиқат. Объект – Нагония. Тажовуз муддати – ҳафталар, аниқроғи кунлар. Ўз-ўзидан аёнки биз «ҳаққоний» ахборот тайёрлашга улгуролмаймиз. Улар ўйинимизни тушуниб, муддатни ўзгартиришади. Илгарироқ зарба беришади. Ҳозир ҳам ошиғимиз олчи, бу ҳазилни овоза қилишимиз мумкин, – Пётр Георгиевич стол ёнига қайтиб, қўлланмаларнинг фотонусхасига ишора қилди. – Буларни кўрган Вашингтоннинг орқага чекинишидан ўзга иложи қолмайди.

– Улар барчасидан воз кечишлари аниқ, Пётр Георгиевич. Махфий жойда МРБ агентини қўлга туширмасак, бизни тўхматчиликда айблашади.

– Дубовни қаерда ҳибсга олмоқчисиз?

– Уйида. Бугун ишдан қайтиши ҳамонок! Пайсалга солиш мумкин эмас. Қўлланмаларни ёқиб юборса, «кўл-оёқсиз» бўлиб қоламиз.

– «Кўл-оёқсиз» бўлиш даҳшат. Далилимиз йўқ бўлгандагина бизни тушунмасликлари мумкин, шундай эмасми? Ваҳоланки, мен сизни сира тушунмаяпман. Славиндан хабар борми?

– Бугун алоқага чиқмади.

– Чақиртирдингизми?

– Унинг қаерда эканлигини ҳеч ким билмайди...

Славин

– Менга қаранг, – дея ҳорғин оҳангда такрорлади Глэбб. – Матбаачиларимизга ишонишмайди-ку, сизнинг фош қилувчи мақолаларингизга ишонишларига йўл бўлсин.

Сизларни ошкор қилишимизга писанд қилмаганларинг каби биз ҳам айбимизни фош этишингизга киприк қоқмаймиз.

– Мистер Глэбб, ҳозиргина бирор қутғу солишимни сўраганингиз учун ошкораликка ишора қилдим, холос. Нацист билан қариндош бўлган, сохта паспорт билан яшовчи айғоқчи аёлни «Интерпол»да яшираётган кишини Адмирал ўз маҳкамасида бир соат бўлса-да, ушлаб турармикан? Пастга тушайлик. Пол кутиб қолди, ахир, одобдан эмас...

– Мен Полга мистер Лоренс билан суҳбатлашиш учун яна бир бор имконият яратиб бердим. Биз ёлғизмиз, хотирингиз жам бўлсин. Пилар, бизга коктейль тайёрлаб бермайсанми? Гвапенья!

– Бажонидил. Дўстимиз нима ичиш истагини билдирадилар?

– Ўлдирмайдиган барча ичимликни, – деди Славин жилмайиб. – Таъбингиз.

– Ким кўпроқ можароли романларни ўқиркан? – дея аёл елкасини қисди.

У зинапоядан пастга тушиб кетди. Ичкари эшикнинг оҳиста тақиллаб ёпилганини Славин сезди.

– Сизни бадном қиладиган барча ҳужжатлар номеримда, – деди Славин. – Улар ишончли жойга яширилган.

– Сизни яккалаб қўйишимиз мумкинлигига ишора қилиб, шу гапларни айтяпсизми? Ё худо, бунчалар шубҳаланмасангиз, Вит?! Яхши, келинг очикчасига гаплашайлик, ўкей.

– Ўкей.

– Сиз Полга бошдан-оёқ айтиб берган гаплар, номлар, фотосуратлар, фактлар ҳужжат шаклини олгандагина у менга нохушлик келтиради. Аммо гап бошқа ёқда, сиз тилга олган ўша воқеа оммавий, хаёлпарастларча қилган ғийбатлар йиғиндиси. Унда ҳақиқатдан кўра тўқима кўпроқ, мен уни эшитишни ҳам истамайман. Шартингизни

айтинг!

– Мистер Лоренс фирмасининг «ишончли дўстлари»нинг номлари Полни қанчалик қизиқтирса, мени ҳам шунчалик қизиқтиради. Бошқа нарсанинг кераги йўқ.

– Қайси миллатга мансуби керак?

– Рус...

– Бу сизга нима беради?

– Пол каби мен ҳам шов-шув ишқибозиман.

– Мен сизга исмларни бераман, сиз эса ўз навбатида Гонконгга боғлиқ ҳужжатларни менга топширасиз.

– Нацизм нима бўлади? Бегона паспорт билан яшаётган аёл нахот сизни ҳайратга солмаса?

– «Гонконг» матни билан сиздаги барча ҳужжатлар йиғиндисини назарда тутяпман.

Яхши. Учрашувни эртага кўчирамизми?

– Ахир, ҳозир ўзи эрта бўлди-ку.

Славин соатига қаради. Тунгги икки ярим.

– Нимани таклиф қиласиз? – деб сўради у.

– Сиз Гонконг ишида иштирок этганлар исм-шарифини ёзасиз, мен эса баҳоли қудрат Лоренснинг дўстларини қоғозга тушираман.

– Келишдик. Қаерга ўтириш мумкин? Пастгами? Ёки у ерда меҳмонлар борми?

– Нега энди? Юринг пастга.

Славин билан Глэбб холлга тушишганда ёлғизгина Пилар бор эди. У пешонасини деворни қоплаган ойнага тираган куйи турарди.

– Биз мистер Славин билан келишиб олдик, гвапенья, – деди Глэбб, – биздан кўнглинг тўк бўлсин.

Аёл ўгирилди, унинг рангида-ранг қолмаган эди.

– Дахшат, қандай дахшат! – деди у, – сен билан мен... бизни кутаётган кўнгилсизликлардан бир амаллаб қутулармиз, аммо госпиталда ётган русни Москвага ошқор қилишса, унинг ҳоли нима кечади?

– Зотовни назарда тутяпсизми? – деб сўради Славин ҳайратини яширмай. У ҳайратланиш туйғусини

койилмаком изхор қилганди.

– Унинг исмини билмайман, у билан таниш ҳам эмасман, шунчаки газетада ўкиб қолдим...

Жон ўқдек нигоҳини Славинга тикди. Хона узра унинг ғализ кулгуси янгради. Унинг кўнглидан «ғижжакни яхши чалишяпти, шу даражада яхши чалишяптики, ҳатто бечора аёл ҳиссиётини ошкор қилиб қўйди», деган ўй кечди. Славин бу кулги уни Глэббнинг одатдаги, шароитга мослаштирилган кулгуси эканлигини дарров сезди.

– Наҳотки Зотов?...– яна ажабланганини яширолмай сўради Славин.

– Аёл кишининг гапига осонгина ишонасизми? Илож қанча, унинг сўзларига ишонишга ва Гонконг воқеасини ёзиб бермасликка тўла ҳуқуқингиз бор, – у яна Пилар билан кўз уриштириб олди. – Ҳозиргина йигитчасига шунга келишиб олдик.

– Мен ёзиб бераман, Жон. Лекин Пилар бир исмни айтди. Сиз эса икки бора исмлар деб тилга олдингиз.

– Иккинчи исмни ёзиб бермасам ҳам бўлади. У аёлни энди ҳеч қандай хавф-хатар даҳшатга солмайди.

– Аёл? Нима учун «аёл?» Нега хавф солмайди? – Славин синашаётганини Пиларнинг боқишидан илғаб олди, – у ҳам Зотов каби Лоренснинг душмани бўлганмиди?

– У Лоренснинг жуда қалин дўсти бўлганди – деб жавоб қилди Жон. – Фақат у энди йўқ, сизлар аёлдан ҳеч нарса билолмайсизлар, аёл ўлган, Вит.

– Агар адашмасам у Зотовнинг рафиқаси, шундайми?

– Ҳа, – деб жавоб берди Пилар ва Славинга жин солинган стаканни узатди. – Хохласангиз бир ҳўплаб беришим мумкин.

– Сиз фақат кизилидан ичасиз-ку, гвапенья? – деб сўради Славин. – Айтинг-чи, нега «гвапенья» энди?

– У Галиссияда туғилган – деб тушунтирди Глэбб, – у ерда эркалатиб айтилган группа «гвапенья» деб эшитилади. Шундай чақириш менга кўпроқ ёқади.

«Никоблаш операциямизни ўтказишга эришдик деб

ҳисоблашяпти, — деб ўйлади Славин жиндан бир ҳўплам ичаркан. — Улар операцияни ёмон ўтказишмади, мен эса ғамизрон чиқса керак деб ўйловдим. Улар бизга Винтернинг ўлигини ва тухмат балосига учраган Зотовни рўпара қилишяпти. Бу гапга ишонишимизга шубҳа ҳам қилишмайди. Жуда яхши. Бу менга маъқул, жуда ҳам маъқул. Факат бир нарса ёқмаяпти.

Зотовни, бахтиқаро, қўй оғзидан чўп олмаган одамни ҳибсда тутаётганлари менга ўтиришмаяпти, Глэбб, уни озод қилишларини буюришга мажбурсан».

— Ўз дўстларингиз номини...

— Мистер Лоренснинг дўстлари — Глэбб унинг сўзини чўрт кесди. — Йўлимиз бошқа-бошқа. Мен бизнес ва ўз севгим учун курашяпман. Унинг эса йўриғи бошқа, Вит.

— Яхши. Тушунаман. Бу позиция... Лоренснинг дўстлари исмини айтдингиз, мен ҳам ёзиб ўтирмай, маълум исмларни бунда айтиб бераман, нима дейсиз?

Жон Пиларга қаради, у эса бошини силади.

— Хуллас, мистер Лао, мистер Лим, мисс Фернандес, герр Шанц, Лаонинг шаҳид кетган котиби Жуи, Британия божхонасининг инспектори. Кўриб турибсизки, сизниқидан кўпроқ исмларни атадим. Эркакчасига иш тутдимми?

— Ҳа, — деди Глэбб.

«Аҳмоқ, нега бунча ҳовлиқасан? Ахир хаёлингга келмаган исмларни айтганим йўқ хали, наҳотки хотиранг ёмон бўлса? — катъий ўйлади Славин. — Ёки ўз исмларинг билан мени илинтирмоқчимисан? Қани, илинтир ахир, худди шуни орзиқиб кутяпман-ку?»

— Йўқ, — деди Пилар оҳиста. — Сиз яна бир исмни айтмадингиз.

Глэбб яна кулиб қўйди дарров:

— Унга ким ҳам ишонарди, аёл ғирт жинни.

— Эммани айтяпсизми? — деб сўради Славин. — Шундайми Пилар?

— Ҳа.

— Бошқа бирорта исм тушиб қолмадими?

– Йўк, – деди Пилар.

Славин жиндан бир хўплаб, стаканни мармар стол устига қўйди ва жилмайди:

– Сиз-чи?

«Марказ.

Глэбб билан суҳбат ўтказаётганим учун алоқага чиқолмадим. «П» деб аталган «Компаньон» менимча Пилар Суарес ҳисобланади. Ўшанинг ўзи Фернандесдир. Глэбб билан Пилар Гонконг ҳақидаги ахборот эвазига Винтер ва Зотов исмини беришяпти. Фаҳмлашимча, Зотовнинг соткинлигига шубҳа қилмаётганимга уни ишонтира олдим. Винтер ва Зотовни бизга «бериб» никоблаш операцияси муваффақиятли ўтганлигига Глэббнинг ишончи комил. Пилар ёки у ҳақидаги ҳужжат ошкор бўлган тақдирда, у Лэнгни бамайлихотирлигига суянмоқчи. Зотовнинг хонасида уюштирилган тажовуз арафасида Зотовнинг Пилар билан айвонда тушган фотосурати менинг қўлимда эканлигидан у мутлақо беҳабар.

Славин»

Тўққизинчи тафтиш

Трухин, Проскурин

Соат ўн иккида Дубов бўлим бошлиғининг хонасига кирди:

– Салом Фёдор Андреевич, ҳузурингизга бир илтимос билан кирдим.

– Марҳамат.

– Бугун менга соат иккидан учгача рухсат беролмайсизми?

– Нагония борасидаги ҳужжатларни таҳлил қилиб бўлдингизми?

Соат биргача кўриб чиқаман. Тушликка чиқмайман, тугаллайман. ЗАГСга бориб келмоқчи эдим...

– Эҳ-ҳа, гап бу ёқда денг? Табриклайман, чин кўнгилдан табриклайман. Маъшуқангиз ким?

– Ишчи оиласида тарбия олган ажойиб, дилкаш қиз билан... Расмийлаштиришда ҳеч қандай англашилмовчилик бўлмайди деб ўйлайман. Чет элга боришимга нома сўраган бўлсангиз керак?

– Ҳа, кутяпмиз.

– Ҳали вақт эрта, албатта. Демак менга рухсат берасиз, шундайми?

– Албатта, албатта, Сергей Дмитриевич, гап йўқ.

Дубов иш жойига қайтишдан аввал махфий бўлимга кўз ташлаб ўтди. Стол устига Нагонияга оид ҳужжатларни ёйди ва ручкани олди-да, сатрларга кўз югуртира бошлади. Энди бу сафар бу ручкани МРБнинг тавсиясига биноан, фотокадрлар узунасига ҳам, бўйнига ҳам тиниқ чиқиши учун, тикка тутди, чунки Лэнглида сатрлардаги ҳатто нукта вергулларнинг аниқлигини кадрлашар эди.

Орадан икки соат ўтгач у автомобиллар турадиган жойга тушиб, «Волга»га ўтирди ва тирик Ольганинг хузурига йўл олди.

– Салом, эркам, – деди у – паспорт ёнингдами?

– Ҳа. Нима эди?

– Ҳеч нарсаси. Мен сенга сюрприз тайёрлаб қўйдим.

Дубов машинасини ЗАГС ёнида тўхтатди. Қиз билан иккинчи каватга кўтарилди. Ольга унинг билагига осилганча бағрига қисилди. Чаккасидан ўпди.

– Атрофдагиларнинг диққатини тортма, – деб шивирлади Дубов. – Туйғуни ирода қил, илтимос.

– Ирода қилолмаётган бўлсам-чи?

– Унда бўлмайди. Ҳар нарсага сабот керак. Турмушга чиқишни жудаям истаётган бўлсанг керак?

– Жуда-жуда.

– Бунчалик эрга тегишга шошилмасанглар-а?

– Чунки севамиз, азизим.

Дубовнинг энсаси қотди.

– Севги ўзи нима? Фарқига бороласанми? Ҳа, майли, бу фалсафа, бланкани тўлғиз, эркам. Бир ойдан кейин мен билан Ғарбга борасан. Ўша ерда бу фалсафий муаммони

бирга ечамиз. Мен билан кетишни истайсанми? Буржуйларни ўз уясида таъзирини беришда мен билан бирга бўлишни хоҳлайсанми?

– Серёжа, жудаям ақлли ва иродалисан! Сен билан бир умр бирга бўлиш мен учун катта бахт.

Дубов бланкани тезда тўлдирди. Ольгага ҳам кўмаклашди. ЗАГС ходимининг сўзларини бўшашиб тинглашди:

– Қутлуғ ниятингизни чин юракдан қутлаймиз. Сизларни уч ойдан кейин кутамиз. Биринчи қаватда машинага буюртма беришинглар мумкин, никоҳ узуклари борасида саккизинчи хонага мурожаат қилинг.

– Узук ва машина борасидаги маслахатингиз учун ташаккур, – деди Дубов, – аммо уч ой кутишга сира имкониятимиз йўқ. Яқин кунда иш юзасидан чет элга жўнаймиз. Никоҳдан ўтишимизни тезлаштиришда ёрдам берарсиз? Барча зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлайман, хўпми?

...Кейин Дубов Ольгани ишхонасига элтиб қўйди, ўпич бараркан:

– Фақат қулоғимдан ўпма, китигим бор, – деди.

Соат бешда ҳужжатларни махфий бўлим котибасига топшириб, касаба союз йиғилишига кирди.

Залнинг икки нуктасидан Дубовни кузатиб ўтирган Трухин билан Проскурин маърузачининг сўзларини бошқаларга нисбатан ниҳоятда диққат билан тингларди. Мунозарали масала кўтарилса, президумда ўтирганларга бир-бир қараб чиқар, уларнинг қиёфасини таҳлил қиларди. Чехрасидаги англашилмовчилик, қувонч, ажабланиш, хайрхоҳлик каби ўзгаришлар артист ниқобининг худди ўзи эди...

Мажлисдан кейин Дубов уйига жўнади. Тўртинчи қаватга лифтда кўтарилди. Эшикни очиши ҳамон елкаларига тушган қўллардан чўчиб тушди. У билан ёнма-ён Проскурин ва Гмиря, эшик ёнида яна уч чекист, иккита аёл, ғалати соқолли эркак – гувоҳлар туришарди.

– Тинчликми, ўртоқлар? – деб сўраган Дубовнинг чехраси бирдан тундлашди. Томоғида туриб қолган данакдек, тахир нарса нафасини кисди.

– Уйингизга кирайлик, ҳаммасини тушунтириб берамиз, – деди Гмиря, – эшикни ўз калитингиз билан очинг.

Дубов кўлларида пайдо бўлган титроқ туфайли ҳатто калитни қулфга сололмай қолди.

«Хонамда кимдир бўлган, – деди у ўзига-ўзи, – сезиб турибман, хонамга кимдир кирган...»

Ичкарига кириб дастлаб хонани кўздан кечиришди. Дубов кўрсатилган стулга ўтираркан рангида-ранг қолмаган, ҳатто қобокларигача кўкариб кетганди.

– Тафтиш ўтказиш ҳақидаги қарор билан танишиб чиқинг, – деди Гмиря.

Дубовнинг кўзларига қўш кўринаётган сатрлар акробатларнинг қўлида ҳилпираётган лента каби жимирлашарди. «Ўша акробатканинг исми нима эди-я, нима қилиш керак-а?! Нима қилиш керак?!»

– Тафтиш қилиш сизнинг ҳуқуқингиз. Аммо нима учун? – деди у. – Менимча, бу ерда қандайдир англашилмовчилик бўлганга ўхшайди. Социалистик қонунчилик нормаларини бузаяпсизлар.

Терговчи, капитан Агибалов стулни суриб, Дубовнинг рўпарасига ўтирди;

– Айбларингизни виждонан бўйнингизга олишни истамайсизми?

– Қайси айбларимни?

– Ўйлаб кўринг. Виждонан тан олиш ҳам инобатга олинади.

– Нимани тан олишим керак?

– Қилғиликни қилиб қўйгандан кейин, таъзирини ҳам торта билинг, Дубов, – деди Гмиря.

– Тан оладиган айбим йўқ-қ. Одамларингиз машинамни гараждан чиқариб чакки қилишяпти.

Проскурин Гмиряга қараб қўйди. Ҳақиқатан ҳам

машина гараждан чиқарилган эди, зудлик билан уни яширин жойи бор-йўқлигини текшириш лозим.

– Илож қанча, тафтишга киришинглар, – деди терговчи Агибалов, – биз-ўтиратурамиз...

Агибалов чекистларнинг хатти-ҳаракатини зимдан кузатаркан, беихтиёр стол устидаги фонарни олди. Батарейкаларини чиқариб, иккитасини четга қўйди. Учинчисини қўлига олиб, синчиклаб тикилди.

Дубов ўткир нигоҳини унинг бармоқларидан узмасди. Юзи докадек оқариб кетди. Томоғи қуриб, тили айланмай қолди.

Терговчи батарейкани бир четга қўйди. Чекди, кулдонни олдига суриб, ёниб-ўчган гугурт чўпини унга ташлади. Дубовга қаради. У игна устида ўтиргандек бесаранжом эди. Бошини бироз орқага ташлаб олган, қон талашиб қолган лаблари хиёл титрарди.

Агибалов яна батарейкани қўлига олди, остки копқоғини бураб очди ва столга капсула билан плёнкани қўйди. Сўнгра Дубовга қаради.

– Демак била-асизми?

– Биламиз, – деб жавоб берди Агибалов ва портфелидан ҳозиргина гараждан топилган тошни олди. – Йўлга териладиган оддий япасқи, енгил тош, аммо унинг кўзга кўринмас мурватини боссанг, бас, устки копқоғи очилади.

Дубов икки ёнида, кресло туткичларида уни таъкиб қилиб ўтирган Гмиря билан Проскуринга қараб қўйди. Кейин нигоҳини Агибаловга тикди.

– Агар мендан ўз манфаатингиз учун фойдаланиш ниятида бўлсангиз машинани жойига киритиб қўйишларини буюринг. Машинанинг ҳар бир тўхташ жойи назорат қилинади. Кейинги учрашувга панд бериб қўйишингиз мумкин.

Проскурин ўрнига лейтенант Дроновни ўтказиб, ўзи ташқарига йўл олди.

– Биргина машина билан иш битмайди, – давом этди

Дубов. – Ўзим ҳам элчихона одамларининг кўз остидаман, ўз-ўзидан аёнки, ҳаётим ўз кадр-қимматига эга. Яшашимга кафолат берасизми? Шундагина ҳаммасини ҳамирдан қил суғургандек қилиб уддалаймиз.

– Ҳаёт-мамотингизни суд ҳал қилади, Дубов, – жавоб қилди Гмиря.

– А, судсиз иложи йўқми?

– Йўқ, – деди Агибалов. – Сира иложи йўқ.

– Афсус... Мен ҳеч ким беролмаган нарсаларни беришим мумкин...

– Қани, айтиб беринг, – деди Гмиря, – қулоғимиз сизда.

– Яхшиси, ёзиб берақолай...

У ўрнидан туриб, енгил ҳаракат билан рўпарадаги стул суянчиғига ташлаб қўйилган костюмдан ручкани олди. Лампа ёнидаги бир даста ок қоғознинг бир варағини олдига суриб, батафсил ёзишга тутинди;

«Мен, Дубов Сергей Дмитриевич, МРБга алоқадор ишим борасида қуйидагиларни маълум қиламан...»

У бир нафас ўйга толди, одатига кўра ручкани лабига текказди. Кейин ўқдек ҳаракат билан бошини силтади ва ручканинг учини тишлади. Гмиря ғафлатда қолганди. Дубов полга ағанаб тушди. Башараси кўкара бошлади. Склифосовский поликлиникасидан чақиртирилган «тез ёрдам» ўпка шишганлигини қайд қилди. Дубовнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун уч соат уринишди. Соат ўнда унинг жони узилди. Мурдани ёриш натижасида МРБ агенти «Доно» Ольга Винтерни заҳарланган препаратдан қабул қилганлиги маълум бўлди. Ёришни ўтказган доктор заҳар хидидан ҳушини йўқотаёзди. Иккинчи бригада противогаз кийиб, ёришни давом эттиришди.

Константинов

Константинов йиғилганларга бирма-бир қараб чиқди, йўталди, сўнг оҳиста, эринмасдан сигарета қоғоздоннинг устидаги ялтироқ ғилофни ечиб, тамакини узоқ тутатди. У

гўё таъкиб қилаётган ваҳший ва шилқим чивинни қувгандек, бурни остидан кўтарилаётган тутунни кафти билан тўзғитди.

— Ҳа-а, — деди ниҳоят йўталиб, — раҳбарларнинг хузурига нима деб кирамиз?

— Мурда билан, — Гмиря хўрсинди. — Ҳаммаси барбод бўлди, гап йўқ.

— Мен масалани бундай кескин қўймасдим, — таъкидлади Проскурин. — Қолаверса агент фош этилди, ахборотнинг ошкор бўлишига барҳам берилди. МРБнинг қўлланмаси қўлимизда. Ахир бу камми?

— Ўзимизни ўзимиз юпатишимиздан наф борми? — деди Коновалов елка қисиб, шу вақтда курантнинг икки марта занг ургани эшитилди — соат тунги икки эди. — Ҳозир подполковник айни ҳақиқатни тилга олди, аммо, асосий вазифамизни бажаролмадик. Зарур далил-ашё билан разведкачиларни фош этолмадик.

— Тўғри, — деб маъқуллади Константинов. — Иш барбод бўлди. Лекин биз уларни фош этишимиз шарт.

— Дубовсиз қандай қўлга туширамыз? — деб сўради Проскурин. — Олма пиш оғзимга туш деган билан иш битмайди.

— Қўлимизда қандай далил-ашё борлигини таҳлил қилиб кўрайлик, — деди Константинов. — Ўртоқ Гмиря, бошланг.

У ўрнидан турди.

— Қўлланма қўлимизда. Дубов индинга номаълум дипломат билан, аниқроғи Лунс ва Карпович билан учрашиши лозим. Дубовнинг машинаси учун шартли пароль «парплатц»даги тўхташ жойи. Бу тўхташ жойининг каердалиги бизга коронғу. Учрашув жойи ҳам номаълум, чунки хиёбон жуда катта. МРБнинг ходимларини парк объектида Дубов билан учрашувга чақириш учун «паркплатц» каерда жойлашганини чамалаб кўришимиз лозим. Ҳозирча шу.

— Сиз нима дейсиз? — Константинов Проскуринга

юзланди.

– Гимрянинг фикрига кўшиламан.

– Ўртоқ Коновалов...

– Агарда индинга паркка чиккундек бўлсак, Дубовнинг тўсатдан ғойиб бўлишини тасдиқловчи афсона тўқишимиз лозим. Нафақат машина, ҳатто унинг ўзи ҳам элчихонадагиларнинг назорати остида эканлигини айтганди.

– Бўлдимиз? – деб сўради Константинов. – Раҳмат. Демак бирламчи, ўртоқ Гимрянинг бўлинмаси Дубовнинг узок Шарққа, Тинч океан зонаси муаммоларига бағишланган конференциясида қатнашиш учун «шошилинч командировка»га жўнаб кетганлиги ҳақида афсонани ишлаб чиқади. Уни овоза қилади. Иккиламчи: Проскурин бўлинмаси Дубовни таниган-билганлардан у юрган йўлларни, вақтини ва қаерларда тўхташга одатланганлигини ниҳоятда саришталик билан сўраб-суриштиришда давом этади. Учинчидан: Коновалов бўлинмаси бизга маълум бўлган МРБ ходимлари юрадиган йўлларини текшириб, бу йўллар Дубов юрган йўллар билан кесишган-кесишмаганлигини, Дубовнинг тўхташ жойларидан огоҳ бўлган-бўлмаганлигини аниқлаши лозим. Шу ўринда аввалги қўлланмани олишда шартли ишора бўлган МГИМО биноси ёнида тўхтаб туришни назарда тутаяпман. У ярим соатдан кўпроқ муддатга машинани шу ерда қолдириб, тирик Ольга билан учрашди. Эртасига эса мулоқот учун Ғалаба хиёбонига борди.

– «Паркплатц»ни қандай аниқлаймиз? – Проскурин хўрсинди. – Ҳеч қандай далилимиз йўқ...

– Ольга Вронскаяни эрталаб соат тўққизга чакиртиринг, – деди Константинов. – У билан суҳбатлашиб кўрамиз. Парамоновни ҳам таклиф қилинг, ахир у Дубовнинг машинасини созлаб берган.

Эрталаб, соат тўртда Константинов Славинга шифровка жўнатди.

«Зотовни Совет Иттифоқида жўнатишда Глэббинг

хамкорлик қилишини сўраб кўринг. Сиздан шуни талаб қилаётганларига ишора қилинг. Бу билан «ниқоблаш операцияси»нинг муваффақиятига яна бир бор урғу берасиз. Пиларнинг фотосуратини ошкор қилишга шошилмаслигингизни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман. Менимча, бу ҳужжат кейинчалик сизга асқотиб қолади».

Қўлланмада учрашув жойи аниқ кўрсатилмаганлиги туфайли кечгача хиёбоннинг улкан районини ўраб олиши лозим бўлган жанговар кучлар учун кузатув нукталарини аниқлаб, у ерларга телекамералар ва тунги кузатув аппаратлар ўрнатиш ҳамда МРБ ходимларини ҳибсга олиш операцияси штабини жойлаштириш бўйича тайёрланган Ғалаба хиёбонининг макетини Константинов тонготарда, соат бешда тасдиқлади.

«Тирик» деган важоҳатли лақабни олган Ольга Вронская соат тўққизда Константиновнинг ҳузурига чехрасида заррача шубҳасиз, хотиржам, табассум билан кириб келди.

– Салом, менга тўртинчи подъездга келишимни айтишувди...

– Салом. Марҳамат, ўтиринг. Нонушта қилишга улгурдингизми?

– Бугун совуқ сувдан бўлак ҳеч нарса истеъмол қилмайман.

– Парҳезга амал қиласизми?

– Ҳаётимда учинчи марта.

– Врач билан маслаҳатлашдингизми? Бу амалда ҳар кимга ҳам рухсат қилинаверилмайди.

– Менинг дўстим йогни жуда яхши билади. Ҳафтада бир кун оч юриш зарур эканлигига ишончи комил, – Ольга қўл соатига қараб олди.

– Ҳалитдан очиқдингизми? – деб сўради Константинов, – тезроқ кеч киришни кутяпсизми?

– Йўқ, ишхонамга қўнғироқ қилиб олишим керак.

– Сизни нега чақирганимизни ўйлаб кўрмадингизми?

– Балки, чет элга боришим борасида...

– Чет элга отланыпсизми?

– Ҳа, Серёжа билан... Бўлажак эрим билан...—дея тушунтирди у.

– Тушунарли. Бунга алоқаси бўлмаган масала юзасидан сизни таклиф қилдик... Сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим... Айғоқчиликда шубҳа қилинаётган кишига қандай муносабатда бўлардингиз?

– Сиз қандай муносабатда бўлсангиз мен ҳам шундай, – осонгина жавоб қилди Ольга. – Айғоқчилик – ярамас иш.

– Нима учун? – деб қизиксинди Константинов. – Бу ҳам касб. Дурадгорлар бор, учувчилар бор, айғоқчилар бор...

Ольга кулиб юборди.

– Зўр касб-ку!

– Яхши маош тўланадиган иш. Бизнинг давримизда айғоқчига «зарар келтиргани» учун яхши тўлашади. Мутлоқ ўлим олдидан айш-ишратда яшаб олишга имконият яратиб беришади.

– Эсимда, болалигимдан онам «душман тўдасига ёлланган сотқин айғоқчи ва диверсантлик сарҳадидан ўтди» мавзусидаги бир шеърни ўқиб берганди. Шундан кейин бувим билан ўрмонда сайр қилишдан қўриқиб қолгандим. Ҳар бир шох-шабба орқасига айғоқчи ва диверсант яшириниб олгандек бўларди.

– Бувингизни яхши кўрасизми?

– Жудаям.

– Тушунарли. Ольга узр, Сергей Дмитриевични севасизми?

– Жуда-жуда.

– Шунчаки эмас, жуда-жудами?

– Ҳа.

– Касбингиз сизга ёқадими?

– Йўқ.

– Нега?

– Зерикарли. Қўлимдан кўп иш келишини биламан, аммо, буни ҳеч кимга кераги йўқдек.

– Ташаббус кўрсатмадингизми?

– Нимани?

– Кўп ва яхши иш беришни?

– Нокулай... Гўёки суллохлик.

– Суллохлик – бу таъмагирлик қилишдек гап. Ташаббус бунинг тамоман акси... Сергей Дмитриевич сизни медицинага оид адабиётга қизиқтириб улгурдимиз?

– У менга йог ҳақида гапириб берганди. Жуда қизик.

– Бир кун таомдан ўзини тийишни ундан ўргандингизми?

– Албатта.

– Унда парҳезнинг зарурлигига тушунаман. Аммо шу қадди-қоматингиз билан ўзингизни таомдан тийишга ҳали вақт эртасми?

– Серёжа киши ёшлиқдан ўзини кексаликка тайёрлаб бориши лозим, деб ҳисоблайди. Ҳозирдан ўзингни ирода қилолмасанг кейин қийин бўлади, дейди.

– Умуман тўғри. Яна бир савол, нима учун Сергей Дмитриевични севиб қолдингиз?

– У жуда ақлли, иродали. Менинг ёшимдаги қизлар қирк яшар эркакларни кўпроқ ёқтиришади, ҳозирги йигитлар думбул, дангаса, онасининг эркаси, нима сабабдан бу ҳақда сўрадингиз?

– Нима учун чакирганимни ўзингиз биларкансиз-ку. У билан кўпдан бери танишмисиз?

– Йўқ. Энди эса бир умрдек туюляпти. Унинг чехраси кўз олдимдан нари кетмайди. Ишхонамда доим деразага қараб ўтираман, йўкса ҳамкасбларим рўпарасида пашшахўрда бўлишаверади, бўлишаверади...

– У билан қачон танишдингиз?

– Мутлақо тасодифан. Дугонам билан бирга дам олишга келишгандик, у келмади, мен уни йўқотиб қўйдим. Серёжа эса кунни бирга ўтказишни таклиф қилди. Бирга нонушта қилдим, умрим бино бўлиб, бундай тўкин-сочин дастурхон атрофида нонушта қилмагандим.

– Нонушта вақтида уни яхши кўриб қолдингиз,

шундайми?

– Сиз бунн тушунмайсиз. Ваҳоланки, нима учун бундай савол берганингизни ҳам биламан. Сўнг денгиз, куёш...

– Денгиз ва куёш – бошқа, севги-тамоман бошқа...

– Балки...

– Нима учун тенгдошларингизни думбул деб ўйлайсиз?

– Билмайман... Буни тушунтириш қийин. Улар қандайдир ялқов, гул совға қилишни, муомалани билишмайди. Дил изҳорлари ҳам алланечук тўмтоқ, аммо, дилларидагини кўзларидан ўқиб олиш мумкин.

– Наҳотки ялқов бўлишса?

– Яна сўрайсиз-а! Сиз улардан қанчаси шим ювишни ва дазмоллашни билади деб сўранг, сўрайверинг! «Онам бор, нима ғамим бор», дейишади.

– Балки омадингиз чопмаёггандир.

– Аксинча, мен яхши йигит излашга уриниб кўрдим...

– Қандай излашга ҳам боғлиқ. Яхши, вақтим тўғиз. Бизнинг ишимизга ёрдам беришга рози бўлармидингиз?

– Албатта.

– Қандай кўмак беришингизни сўрамасдан рози бўлаяпсизми?

– Сизга ишонаман, ахир, мени ёмон йўлга бошламайсиз-ку.

– Айғокчини фаш этишда кўмак беришингизни истаймиз.

– Розиман.

– Ўйлаб кўрдингизми?

– Бу менинг бурчим, ўйлашга ҳожат йўқ. Нима қилишим керак?

– Сергей Дмигриевич билан бирга машинада юрган йўлларингизни, тўхтаган жойларни эслайсизми?

– Ўзидан сўранг, мендан яхшироқ билади...

– Албатта сўраймиз. Аввал сиз бир эслаб кўринг.

– Демак бундай... Ленинский гориға, Ғалаба хиёбониға

борди. У ерда Серёжа билан сайр қилдик.

– Икки соатдан ортиқроқ, шундайми?

– Йўқ, узоғи билан бир ярим соат.

– У машинаси тараклаётганидан, узатгичлар яхши ишламаётганидан шикоят қилармиди?

– Баъзида. Аммо у капотни очиб узатгичларни текшириб кўрар, бир зумда созларди.

– Бу ҳол тез-тез бўлиб туради. Мени ҳам узатгичлар қийнайди. Менга қаранг, Оля, сиз билан ҳозир машинага ўтириб, Серёжа иккингиз юрадиган кўчаларни айланиб чиксак. У кўпинча тўхтайдиган жойларни кўрсатасизми?

– Сизни сира тушунмаяпман. Нега энди бу ҳақда Серёжанинг ўзидан сўрамайсиз?

– У тўхтайдиган жойларни кўрсатганингиздан кейин сизни Оля аэродромга олиб боришади, бизнинг ходимимиз билан Адлерга учасиз. Пицундада биров яшайсиз, дам оласиз, офтобда чиниқасиз, денгизда чўмиласиз...

– О, жуда зўр-ку! Фақат Серёжа билан онамга кўнғирок қилиб, огоҳлантириб қўйишим керак. Ишим нима бўлади?

– Ишхонангиз билан келишиб олдик. У ерга кўнғирок қилмасангиз ҳам бўлади. Онангизга нима дейсиз?

– Нима дердим, огоҳлантириб қўяман, холос. – Ольга хўрсинди. – Хавотир олмаса, бас.

Константинов шаҳар билан боғловчи телефонни олдида сурди.

– Кўнғирок қилинг.

Ольга номер терди. У аввал Дубовнинг ишхонасига кўнғирок қилаётганини Константинов дарров илғади.

– Сергей Дмитриевич борми? Унинг таниши, Ольга Вронская. Қаёққа учиб кетди? – У бўшашиб Константиновга қаради. – Қаерга? Қачон қайтади? Раҳмат...

У ажабланиб Константиновга юзланди:

– Шошилинч командировкага жўнаб кетибди... Эҳтимол, менга кўнғирок қилган, мен эса сизнинг ҳузурингиздаман. Унинг хаёлига беҳуда ўй келмасмикан? –

У уйига сим коқди. – Ойи, Серёжа телефон қилмадимми? Ой, телефон қилдими-а? Нима деди? Ҳа, ҳа... Қачон қайтишини айтмадимми?

«Яша, Гмиря, – Константинов енгил тин олди. – Буни ҳам назарда тутибди, яшавор».

– Ойи, биласанми, зудлик билан учиб кетаяпман... Йўқ, унинг ёнига эмас... Кейин тушунтириб бераман...

Константинов аста шивирлади:

– Қачон қайтишим...

– Қачон қайтишим номаълум, – деб такрорлади Ольга. – Ишхонадан командировкага жўнатишяпти. Ҳа, йўқ, нега бундай хаёлга борасан, ахир? Хўп, кўришгунча, бувимни ўпиб қўй.

У трубкани жойига қўйди, тўғри гапирдимми дегандек Константиновга қараб қўйди.

Генерал борки гапни очик айтсаммикан деган мулоҳазага ҳам борди, кейин эса шошилмасликни маъқул кўрди. Дубовнинг ҳақиқий башарасидан Ольга мутлақо беҳабар эканлигига унинг ишончи комил эди. Қизнинг онасини билар-билмас алдаши, саволларига ўйламай, дангал, гапираётган гапининг маъносини чакмай палапартиш содда жавоб қилишидан фурсатни кутиш, фақат кутиш кераклигини тушунди.

Ольга билан ўз хонасидан чиққан Константинов қабулхонада ўтирган Парамоновга кўзи тушди. Генерални кўрган Парамонов сапчиб ўрнидан турди. Уст-бошини тўғрилаган бўлди.

– Сиз билан ҳозир ходимимиз суҳбатлашади, – Константинов шундай деб Гмиряга ўтирилди. – Мен улгуролмайман. Ольга билан шаҳарни ўзим бир айланиб келаман.

– Майли, – деди Гмиря. – Балки биз ҳам Михаил Михайлович билан шаҳар кезармиз.

– Парамонов, Винтер ёки Дубов билан бирга машинада юрганмисиз?

– Ҳа, юрганмиз.

– Ахир сиз ҳарбий хизматда эмассиз-ку, бемалол жавоб бераверинг. Биз улар билан машинада қачон, каерга борганингизни билмоқчимиз. Кўнглингизга яна бекорчи ўй келмасин. Бу ердаги гап шу ерда қолиши шарт. Келишдикми?

Константинов ёнида ўтирган Ольга сўзларини тингларкан, МРБнинг учинчи қўлланмасидаги қуйидаги сўзарни эслади: «Янги хонимингизнинг насл-насаби, ҳатто онаси ва бувисининг қизлик фамилияси ҳақида ахборот беринг». «Нима учун қизнинг фотосуратини юборишни сўрашмади, – деб ўйлади Константинов. – Уни ўзлари суратга олишганми? Қачон? Қаерда?»

– Оля, онангиз билан фамилиянгиз бир эмасми?

– Ҳа, у қайнотасининг фамилиясида, мен эса онамнинг қизлик – Шведова фамилиясидаман.

– Тушунарли. Эсингизга тушдими? Қаёққа юрамиз? Ихтиёримизда бор-йўғи икки соат бор. Москва-река устидаги кўприкдан ўтмаганмисизлар? Лужникига ҳам боргандирсизлар?

– Йўк, бирор марта ҳам бормаганмиз. Хохласангиз, Ғалаба хиёбонида бўлган жойларимизни кўрсатаман. Сайрни ўша ердан бошлаймиз.

– Дубов ёлғиз ўзингизни машинада қолдирганда чет эллик «амаки» ва «хола»нинг сизга ҳаваси келиб, суратга олган жойни ҳам кўрсатасизми?

Ольга кулиб юборди:

– Сиз буни қаердан биласиз? Серёжа билет учун циркка кириб кетганида бир киши мени суратга олганди.

– Қачон? Пицундадан қайтган кунларингми?

– Йўк, эртаси куни эрталаб...

...Москва кўчалари бўйлаб сафардан қайтгач, Константинов Ольгани старший лейтенант Крюковага топшириб, ўзи Дубовнинг уйига жўнади. Бу ерда китобларни узоқ титкилади. «Хилтон» меҳмонхоналарига доир маълумотномани осонгина топди. Уни варақлади. Буклаб қўйилган саҳифасини очди. «Хилтон»нинг рангли

телевизор ҳамда меҳмонхона радиоузелидан доимо музикали эшиттиришлар бериладиган приёмниги, денгиз сувли ажойиб ваннаси, холодильник ва олти кишилик чинни идишлари бор «Икки хонали» номерлари ниҳоятда шинам. Ижара ҳаққи – 95 доллар, ҳисоб-китоб вақти – тушки 14.00.

Константинов китобни аста ёпди. Қоғозга ўради. Пистирмада ўтирган жангавар ходимдан:

– Сиз нима дейсиз, ялтироқ қоғоздан бармоқ изларини олиш мумкинми? – деб сўради. У жавобни кутмади ҳам. Дубов нима учун Винтерни ўлдиргани унга равшан эди. Илк ишқ-муҳаббатнинг лаззати сўнгач ечими зарур бўлган муаммолар пайдо бўлган. «Хилтон»даги люкс хонанинг ошкор бўлишидан кўрққан Дубов Ольгани ўлдирган эди.

«Виждонли аёлга дуч келган иродасиз, виждонсиз эркак қабоҳатга қўл урган, – деб ўйларди Константинов. – Пок, иродали кишининг кўлидан бундай иш келмайди. Иккови ёлғиз қолишганда Ольга «Хилтон» ҳақида сўраган. Дубов Ольгани осонгина алдаган. Идрокли аёл ҳаммасига тушунган. У берган зиракларни дугонасиникига олиб борган. Ўзи эса бу совғанинг қандай баҳоланишини аввалдан билган. Қизиқ, ҳатто энг иродали киши ҳам ҳақиқатни ошкор қилишга ошикмайди. Йўқса ҳақиқат ўз ишини кўрсатади. Чет элда ишлаган аёл олдинда фақат бир йўл борлигини жуда яхши билган. Оқибатини тушунган. Ҳузуримизга зиракларнинг нархини айтишга келмоқчи бўлган. Чет элда бўлган кишиларимиз бундай нарх-навони киссамиз кўтармаслигини яхши тушунишади. Сўрашга йўл ғурур қўймайди. Луисбургдаги ишқ-муҳаббат бу ерда ҳам бир муддат давом этган. Аёл лаззатли севги инъом этган лаънати люкс номерда бир кеча-кундуз туриш учун тўқсон беш доллар тўланишини ҳаёлига келтирмаган. Пул ва муҳаббат – бир-бирига зид нарсa. «Шоҳнинг» шип-шийдам бўлганини тушунган. Ёки унинг асл қиёфасини билиб қолганмикин? Қандай қилиб? Айёрона боқиши, такаббурлиги ва кибр-ҳаволиги учун ҳам Дубовни ҳеч ким

хуш кўрмаган. Ольга эса унинг мақтовини келтирган. У ўзини-ўзи алдаётганини дугонаси Ниёзматованикида, унга вино қуяётганида сезиб қолган. Дубов эса уни ваннага олиб кириб, дугонаси ёнида тилига эрк бермасликни сўраган. Бу эса Ольганинг табиатига мутлақо зид бўлган. Зиракларнинг баҳоси осмонча эканини билиб, даҳшатдан ёқа ушлаган. У «Хилтон» ҳақидаги проспект учун борган. Кейин Серёжаникига қайтган ва унга ҳаммасини айтган. Дубов ваҳимага тушган. Тамом бўлганини билган».

Константинов дилининг аллақасерида Дубовга нисбатан ачиниш ҳисси борлигини сезди. «Ҳатто у соткинлик заҳмати таътиб ҳам улгурмади. Буни қандай изоҳлаш мумкин, ахир?»

«Эҳтимол сабаби бордир, – ўйга толди Константинов. – У ерга соткин бўламан деб бормаган-ку. Нима сабабдан уни бузишган? Аномалиями?»⁴⁰ Ҳаётда инсоний ахлоқни бузувчилар, камми, ахир?! Балки Степанов билан суҳбатда нотўғри гапиргандирман. Йўқ, инсоний ахлоқдан четга чиққан кишига умуман ишонч йўқ. Бу айғоқчиликнинг индаллоси. Душман худди мана шундай кишиларни дўк билан осонгина ўзига оғдириб олади. Қанча одамимиз чет элда ишлаяпти? У ерда ҳам ҳаёт инсон боласининг бошига не балоларни солмайди. Қимдир тасодифан, кимдир аҳмоқлигидан, кимдир калтафаҳмлигидан бу балога гирифтор бўлади. Душман эса одамнинг дилидаги ниятини босган изидан билади. Фаҳш, бойлик, ичкилик – уларнинг асосий омили. Бу омиллардан қандай фойдаланишни душман жуда яхши билади. Соғлом фикрли одам бир кеча Пилар кабилар билан бир ўринга кириш эвазига душман макрига учмайди, айғоқчилик йўлига кирмайди. Демак, бу аномалия эмас? Аномалиядан аномалиянинг фарқи бор? Бу фарқни қандай ажратиш мумкин? Бу сирли фарқ замирида нималар жам бўлган? Инқирозга юз тутган кишини асраб қолишимиз, ишонч билан уни тўғри йўлга солишимиз

⁴⁰ Инсонийлик доирасидан четга чиқиш, (тарж.)

мумкин. Сенга ишонишади. Буни ҳамма билиши лозим. Ҳарҳолда унга далда бўлади. Фақат одамгарчиликни йўқотган кишигина айғокчи бўлиши мумкин. – Константинов ҳаёлан ўзини ишонтиришга уринди. – Дубов худди шундай бўлган, ахлоқий бузуклиги, ҳасислиги, ўзини ирода қила олмаслиги, назари паст, мағрурлиги туфайлигина Пилар макрига учган, душман домига илинган».

...Константинов ўз хонасига кириб, аскорбин кислотали таблеткадан уч дона ичди. Туни билан мижжа қокмагани учун боши лўқиллаб оғирди.

У костюмини ечди. Эти увишди, ҳолбуки ёмғир тиниб, кун анча илиб қолганди. Гуллаган арғувоннинг иси борлиқни тутганди.

«Тавба, арғувон гуллабди. Қанийди унинг атрини тўйиб-тўйиб хидласанг. Ахир, у баҳор элчиси. Олам-олам бахт ва умид армуғони... «Яхши ният ярим бахт, фақат орзу қилиш керак». Буни ким ёзганди-я? Бу сўзларда самимийлик, ёшлиқни ҳис қиласан».

У бармоқларни ёзиб пешонасини, қобокларини, чаккаларини силади. Дубовнинг кундалиқ дафтарини олдиға суриб, варақларкан, қуйидаги сатрлар диққатини тортди:

«Энг буюк нарсалар менга ёт. Агар ўзгаларнинг шахсияти мен учун буюк бўлмаганда эди, мен ўз мулким деб қарардим ва унга эга бўлардим».

«Инсон қўрқоқ одамлар устидан идора қилади».

«Ахлоқийлик ахлоқсизликдан бўлак душмани бўлмаган кишига хос ҳислат. Ва аксинча».

«Худбин – «зиёли одамлар»ни доим даҳшатга соладиган, уларнинг ҳаёлига шайтондек ўрнашиб олган тамға, ҳаёлий, даҳшатли гавдадир».

«Одамларни гуноҳкор ва худбин деб атама. Чунки одам оласи ичида! Ўзингни бошқалардан доим устун деб бил. Шундагина уларга ҳукмингни ўтказа оласан! Ўзингни

буюк деб бил. Шундагина кўп нарсага эга бўласан!»

– Ўртоқ генерал, кирсак бўладими?

– Ҳа, – деб жавоб қилди Константинов ва беихтиёр ўйга толди: «Қаерда ўқигандим бу жумлаларни? Менимча, бу Штирнер⁴¹нинг талкинлари... Ягоналик, ҳукмронлик, ҳамиятпарастлик ҳуқуқини яхши кўрган Гитлер бу китобни кўлидан қўймаган».

Ёрдамчи томонидан чакиртирилган ходимлар стол атрофидан жой олишгач, у шундай деди:

– Менимча, Дубовнинг иш жойидаги автомобиль учун тўхташ жойи «П» ишора белгиси бўлган. У машинасини доим ўша ерга, фараларни гастронимга қаратиб қўйган. Ольга унинг «Волга»сини доим шу ҳолатда кўрган. Одатда у қўлланмага мувофиқ ўн саккиздан ўттиз минут ўтганда МРБ «Машина»сидан пароль олиш лозим бўлган вақтда қизни ёнига ўтказган. Пароль у рулга ўтирганда олинганми ёки ўтирмасидан илгарими – ҳамма гап шунда. Балки улар иккови – Дубов ва Ольга машинага ўтиришгани ишорадир? Ҳа, ҳа. Мен ҳам Винтерни, ҳам «тирик» Вронскаяни назарда тутаяпман...

Глэбб

Лоренс Глэббга кечки овқатдан сўнг қўнғирок қилди.

– Жон, мен учун ярим соат вақтингизни ажратсангиз жуда зўр бўларди.

– Босс, бирор ходиса рўй бердимми?

– Шундай, рухсорингизни бир кўрмоқчиман. Сизни кўрсам анча енгил тортаман.

Лоренс телевизор рўпарасида, кейинги кунларда Луисбург чегарасида бошпана топган Огано қўшини борасида басма-бас ва қақшатғич чиқишлар қилаётган сўл журналист Алварешнинг шарҳини тинглаб ўтирарди.

– Бу йигитни бир тингланг-а, савалашни билади, –

⁴¹ XVIII асрда яшаб, ижод қилган немис файласуфи.

деди Лоренс.

Бу вақтда Алвареш маърузасини якунламокда эди:

— Афсуски, биз рус журналисти Дмитрий Степановнинг мақоласини таржима қилмадик. У ҳозир Нагонияда, премьер министр Грисо тақдим этган ҳужжатлардан фойдаланмокда. Ҳужжатлар фақат фотосуратлар, айтилган фикрлар ва расмий баёнотлар билан тўлдирилган тақдирдагина ҳужжат бўла олади. Степанов ўз мақоласида Огано айтган фикрларни келтиради. Огано ҳанузгача ўпкасини босолмаяпти. Унинг айтган гапларини айнан такрорлайман: «Нагонияга келган русларни, симёғочга осган солдатларимни жазололмайман. Мен солдатман, ғазаб туғени мен учун сир эмас». Нагонияга тўрт юз рус мутахассиси келган. Юзга врач, қиркта агроном, ўн бешта университет профессорлари, тўқсонга геолог, олтмишта эпидемиолог... Турли мутахассислар келгани бу ҳақиқат.

Степанов мақоласида шундай сатрлар бор: «Улар нима учун келишмасин, ахир. Уч ой мукаддам «Кроникл» муҳбирига Огано: «Одамларим асосий жангга тайёр. Улар қориндан отишдан тортиб, то пичок билан ўмровни аник нишонга олишгача яхши билишади. Кўриниб турибдики, одамларим ғалаба қилишни ҳам билишади. Биз янги техникага эга бўлдик. Луисбургда суянган тоғимиз бор. Бу бўлажак жангда ғолиб чиқишимизга ишонч туғдиради» деб жавоб берган. Оганонинг Луисбургда «суянган тоғимиз бор» деган сўзларига ҳукуматимизнинг диққатини қаратмокчиман. Наҳотки, президентимиз пойтахтимиздан етмиш километр нарида ўт олган уруш олови фақат бир йўналишга қаратилишига ишонса? Уруш шамолини бўйсиндириб бўлмайди. Олов истаган йўналишга бурилиши, бош штаблар ва разведка бошқармалари ўт олиши мумкин. Ўтиборингиз учун раҳмат, хонимлар ва жаноблар...

Лоренс телевизорни ўчириб, Глэббга савол аломати билан қаради.

– Қалай?

– Бу сизни ташвишга соялпими?

– Набираларимдан бирортаси бетоб бўлиб қолгандагина ташвишланаман. Мени бошқа нарса ажаблантиряпти. Алварешнинг бу маърузасини ўқиб чиқдим. Бу маъруза ҳукуматда ҳам тортишувга сабаб бўлган. Демак Алварешнинг экранга чиқиши марказнинг ҳам диққат-этиборини тортган. Биргина кучга зўр беришга ҳожат борми? Стаунинг имкониятига ортиқча баҳо бермаётибсизми?

– Аникроғи, «Биз», Роберт, – таъкидлади Глэбб. – Стау иккимизнинг таянчимиз.

Лоренс ковоғини уйди.

– Олмошга урғу берманг. «Мен», «биз». Охир-оқибат бунинг қандай фарқи бор? Вазифамиз битта ва уни муваффақиятли бажариш бурчимиз. Бир сўз билан айтганда, элчи ҳадиксираяпти. Оганога вертолётлар беришга ҳали эрта деб ўйлаяпти. Уларнинг техникаси етарли эканини таъкидлаяпти. Маълумингиз бўлса, у Пентагоннинг одами...

– Лэнглига телеграмма жўнатиб, «Факел» операциясини бекор қилишларини таклиф қилинг. Шунга ҳам ота гўри қозихонами, Роберт?

– Нега бунча фиғонингиз чикмаса, Жон. Мен сизни шеф сифатида эмас, аксинча, дўстим деб чақирдим. Бу олишувнинг ипидан игнасигача қайта кўриб чиқайлик. Биласизми, ўз одамларинг билан олишиш пасткашлик, айти вақтда жуда хавфли...

– Тўғри.

– Балки тутган йўлимизни оз-моз таҳлил қилармиз?

– Қандай қилиб?

– Жон, русларнинг феъл-атворидан озми-кўпми хабарим бор. Даллес билан дўстона алоқада, яъни у Швейцариядаги нацистлар билан ҳамтовоқ бўлгунга қадар, муносабатларимиз яхшилангандан бери руслар билан мулоқотда бўламан. Фақат бир нарсадан, бу ердаги

харомиларимизнинг русларни қаттиқ ҳуркитиб қўйишидан чўчияпман. Улар ҳеч нарсадан ҳайиқишмайди.

– Хўш?

– Жаҳлингиз чиқмасин. «Факел» операциясини сиз ишлаб чиққанингизни ҳамма билади. Уни адмирал, юкори баҳолагани, кимлар қўллаб-қувватлагани ҳам барчага маълум. Менга сиёсий йўл тутиш топширилган. Ҳарҳолда бу ерда сизнинг таъбирингиз бўйича боссман, руслар бирор ишқал туфайли Давлат департаментининг думини босгудек бўлса, таёқ фақат сизнинг эмас, менинг ҳам бошимда синади.

Глэбб оғзини баралла очиб, завқ-шавқ билан кулиб юборди.

– Нима бўлибди? Мендан калтак ўтмайди. Ўрганиб кетганман. Сиз ишонмайдиган, унча рўйхуш бермайдиган ўша Стауга шипшитсам бас, ўйлаган режамни амалга оширади. Барча марказларки, хатто Луисбург президентини ҳам истаган йўриғимга солади.

– Мен ҳам худди шуни назарда тутаяпман-да, Жон. Русларни шу даражада, очикдан-очик ўчактириш керакми? Уларни осойишта оқимга солиш мумкин-ку, ахир?

– Ихтиёрингиз, Роберт, иш кўраверинг. Нагониядан юборилган вертолётни кутишдан бўлак ташвишим йўқ.

– Ўринсиз саволим учун аввалдан узр сурайман, Жон... Нагонияга ўз манфаатингизни кўзлаб ошиқаётганингиз ҳақидаги миш-мишлар қулоғимга чалинди. Умумий ишимизга нафи тегадиган шахсий манфаатга мутлақо ғаразим йўқ. Фақат аниғини билмоқчиман, миш-мишда жон борми?

– Бу гапни қаердан олдингиз, Россияданми? Русларга ишонасизми?

– Европа матбуотида босилган мақолани назарда тутаяпман.

– Мақола қўлингиздами?

– Бўлади.

– Бу мақола манбаини билиш истагингиз йўқми?

– Манбанинг ишончли эканлигини билишга муҳлат беринг. Уч кундан кейин бу саволга жавоб бераман. Қонунга хилоф равишда иш тутиб, ўз манфаатингизни давлат манфаатидан устун қўймайсиз, сизга ишонаман. Гапларимга ишонинг. Бизни оқил демократия учун курашувчи кишилар сифатида тилга олишларини истайман.

– Раҳмат, Роберт. Айтинг-чи, қонунга мувофиқ иш кўриш, бирор натижа беради деб ўйлайсизми?

– Қонунга мувофиқ иш кўраяпмиз деб ўйлайман, Жон. Мен шундай деб ҳисоблайман, Ўйин, ҳатто руслар билан ҳам ҳаққоний бўлиши керак. «Доно»нинг ҳаётини ҳимоя қилишимиз табиий. Ахир биз агентнинг манфаатини кўзлаяпмиз, шундай эмасми?

– Кимни лақиллатмоқчисиз, Роберт? Ўзингизними ёки меними?

– Бу нима деганингиз, Жон?

Глэбб ўрнидан кўзгалди, яна баралла ва завқ билан кулиб юборди.

– Босс, ниятингизни тушундим. Бош қотиришга имкон беринг. Бу ўйиннинг мукамал режаси столингиз устида бўлади. Ишонинг, мен ҳам қонунга бўйсунаман ва қонун билан яшайман.

Глэбб Робертнинг ҳузуридан чиққани ҳамон қўл соатига қаради. Пилар ташкил қилган нонуштага ярим соат вақт қолганди. У машинага ўтириб, элчихонага шошилди. Бу ерда у денгиз пиёда аскарлари томонидан кўрикланадиган хонага – цифросвязга кўтарилди.

«Нагониядаги «манфаатдорлигим»га алоқадор ҳужжатларни эълон қилаётган кишилар, (рус бўлиши эҳтимолдан холи эмас) ҳақидаги маълумотни зудлик билан, шахсан ўзимга юборинг!

Глэбб».

Шифровка бир пайтлар Гонконгда Глэббнинг ёрдамчиси бўлиб ишлаган, ҳозирда эса МРБнинг Федератив Республикадаги резидентига йўлланганди.

Нафакат дўстона муносабат, ҳатто умумий ишдаги маслакдошлик уларни бир-бирига богларди.

ВПКга чизги (II)

Нелсон Грин иш кабинети ёнида Шагел, Пикассо ва Сальвадор Далиларнинг оқ рамкалардаги картиналари осилган ўн саккизинчи асрнинг оқ мебелли, Италия ибодатхоналаридан келтирилган витражлар билан жиҳозланган ихчам, шинам оффисида тушлик қиларди. Мисрнинг собиқ қироли Фаррух совға қилган катта сопол гулдонлардаги гуллар хонага янада чирой бағишлаб турарди.

Тўкин-сочин дастурхон атрофида ёлғиз меҳмон – Майкл Вэлш ўтирарди.

– Рафикамнинг рухсатисиз хўжаликка қарашолмайман. Ундан бизга каспий икрасини келтиришларига рухсат беришни сўрадим, – деди Грин киноя билан, – бир татиб кўринг, жуда мазали. Техрондан эрталабки рейсда олиб келишган.

– Қора нон иситиб келишларини сўрасангиз, – деди Вэлш, – Париждаги «Қора икра» ресторанида русларнинг котирилган қора нонини беришади.

– Мен ҳам рус қора нонини сотиб оламан. Хўш, Майкл қандай хушхабарлар бор?

– Бир ҳафтадан кейин мутахассисларингизни Нагонияга жўнатишингиз мумкин.

– Жўжани кузда санайдилар.

– Нима, мени хумкалла деб ўйлаяпсизми?

– Форднинг калласи – ҳақиқий калла. Чунки у ёшлигида бош кийимсиз регби ўйнаган. Бироз нохушроқ янгиликдан сизни огоҳ этмоқчиман.

– Қора икра ейлик, – деди Вэлш жилмайиб. – Олдин иктисод, кейин сиёсат дейишади.

– Маълумотларга кўра, Европада, хусусан Цюрих ва Лондон банкирлари Грисо тузумига хайрхоҳ эканлар. Аллақайси банкир – буни ҳали аниқлаб улгурмадик –

Нагония хўжалигини тиклаш учун эллик миллион марк маблаг ажратган. Бу, албатта, пул эмас, Майкл. Аммо Европа тиш қайрапти.

– Майли.

– Бу иш сиз ўйлаганчалик осон кўчмайди. Мана, неча йилдирки, Чилида яширинча иш кўраппман, Майкл, бунақада бизнес чидайдими, ахир.

– Тушунаман.

Хонага фрак ва оқ қўлқоп кийган, баланд бўйли, ювош малайзиялик мажордом⁴² кирди. У қалин, қизил чарм муқовали меньюни Вэлшнинг олдиға қўйди.

– Қирғовул гўшти шўрва ва балиқ келтиришларини сўранг, – деди Грин.

– Узр, сэр, – деди мажордом, – балиққа хожат йўқ. Тебриздан келтирилган балиқни кўрдим, унинг ёғи йўқ. Барра гўшт тамади қилганингиз маъкул деб ўйлайман. Яқинда Токиодан алоҳида боқилган икки буқачанинг сон гўштини келтиришди.

– На илож, – Гриннинг энсаси қотди, – барра гўшт мазали деб ўйласангиз, майли, бука гўштини тановул қиламиз.

– Кечирасиз, Нелсон, – Вэлш афтини бужмайтирди, – мол гўштини унча хуш кўрмайман. Бузоқчаларни сўйишса жоним ачишади. Фермадаги бузоқчаларни кўриб, кўзим қувонади, уларни ўзим сут билан боқаман.

– У ҳолда, сэр, – деди мажордом Вэлш ёниға келиб, – ангулас тановул қилинг. Одамни тетиклаштиради, бизнинг Пабло бу таомни Саятьяю де Комнестелладагидан ўн чандон мазали пиширади.

– Қойил, ангулас жуда мазали таом. Чилида, Пкэрто Монтдаги балиқ бозорининг таърифига сўз йўқ. Ангулас пиширишда пазандаликларини айтмайсизми!..

Мажордом гўё мўлжалға олган йирткични хуркитиб юборишдан чўчиган овчидек, оппоқ гилам устидан оҳиста

⁴² Хизматкорлар оғаси (тарж.).

юриб, чиқиб кетди.

Вэлш эшикка яқинлашиб қолган малайзияликнинг кент елкасидан ўйчан нигоҳини узмай, сўзида давом этди.

– Нагониядаги вазият Чилидагидан тамоман фарк қилади, Нелсон. Смитнинг одамлари африкаликларнинг ок танлиларга нисбатан қилаётган ёвузликлари ҳақида ажойиб фотоҳужжат тўплишибдики, хайратдан ёқа ушлайсан, киши. Ҳатто ёвузлик қурбони билан суҳбат ҳам қойилмақом қилиб ёзилган. Уни ҳеч ким инкор қилолмайди, пухта ишланган. Хуллас, Нагонияга бериладиган ёрдамимиз юксак одамийлик инъоми бўлади, тушуняпсизми? Зеро, ажойиб йўл-йўриқ ўйлаб қўйганман. Мистер Огано...

– Ким у?

– Қайси асрда яшаяпсиз, Нелсон?

– ...

– Огано – миллатчилар йўлбошчиси. У Нагонияга бостириб киради. Уч йилдан бери бирга ишляпмиз... Хуллас, Огано бизни танқид найзасига дучор қилади, тушуняпсизми?

– Тушунмаяпман. Бусиз ҳам бутун дунё бизга танқид найзасини санчиб ётибди. Етар, жонга тегди.

– Нелсон, тактика соҳасида менга суянаверинг. Агарда Пиночет билан ишни пухта қилинганда, Москвада ҳозиргидек ишончли одамимиз бўлганда эди... Альяндени «миллий инқилоб, демократия ва ҳақиқат учун» шиори остида қулатардик. «Ўшанда бизга Сизлар, ярамас янklar, Альяндега автоматлар ва эҳтиёт қисмлар бермадингиз!» «Сизлар, ярамас янklar, тоғ-кон асбоб-ускуналари етказиб бермадингиз! Сизлар мамлакатда иқтисодий тартибсизликлар вужудга келтирдингиз ва бизнинг фахримиз – Альяндени ўлдирдингиз!» деб тавки лаънат отишарди. Оқибатда, биз машиналар ва асбоб-ускуналар жўнатишга мажбур бўлардик. Шундагина аччиқ таъналарга қолмасдик, Нелсон. Энди кўзимиз очилди. Нагония борасидаги режамиз хийла бошқача.

– Айни кунда олинаётган маълум дивиденд⁴³дан сармаст бўлиб, эртага бутун бойликдан айрилиб қолиш ҳеч гап эмаслигини наҳотки фаҳмламасангиз?

– Нимани таклиф қилмоқчисиз?

– Тустовук гўшtidан шўрва ичишни?

Вэлш оркасига қаради. Ортида икки официант, уларнинг ёнида эса сфинкс⁴⁴ каби мажордом турарди.

Идишлар дастурхонга қўйилиши ҳамон (официантларнинг хатти-ҳаракатлари балериналарники сингари назокатли эди) Грин гўё кечадан бери туз тотмаган кишидек шўрвага ўзини урди.

– Тустовук шўрвани иссиғида ичиш лозим, – деб тушунтирди у, – бу жуда фойдали: ошқозон беzi касаллигидан асрайди, ганкреатинга бой.

У шўрвани бир зумда ичди-да, идишни четга суриб қўйди («Унинг ўта ғарблик фермердан сира фарқи йўқ, – деб ўзича ўйлади Вэлш, – худога шукрки менинг отбоқарларим ликопчани худди шундай суриб қўйишади»), сўнг кўкраги билан столга тиралди.

– Майкл, Пентагон сўраганларингизнинг барчасини сўнгги кунларда юборади. Олдин ёш министрнинг иктидорини синаб кўриш лозим. Вертолётлар флотга учирилди. Оти нима эди...

– Огано.

– Ҳа ўша, Оганого ҳали-бери беришмайди. Пентагон бироз жон қойитишингизни истаяпти. Менимча, улар сал ранжигандек кўринишади. Орадаги гинани ўз дидингиз билан қорилган ҳамирдан пиширилган ширинлик билан кўтариш мумкин. Жилла курса, режангиз учини чиқаринг. Уларнинг ҳамиятига тегмасликни маслаҳат бераман. Қўрқманг, ҳеч нарсa йўқотмайсиз. Энди иккиламчи гап: Европа бунга қандай қарайди? У ердаги вазиятдан огоҳмисиз? Бонин ва Парижнинг сукут сақлаши камлик

⁴³ Акциядан олинадиган даромад.

⁴⁴ Одам бошли, танаси шерга ўхшаш канотли махлук.

килади. Москва билан муътадил муносабатлар шуни тақозо килади. Европа бизни қўллаб-қувватлаши учун барча чорани қўриш керак.

– Нелсон, истакларингизни бажаришим мушкул. Корпорация... Биргина Конгода салкам ўттиз миллиард доллар маблағ борлигини Париж яхши билади. Шундан икки миллиарди – сизники. Бутун Европа у ерга атиги етти миллиард маблағ ташлаган. Улар ғалабамизни яқдиллик билан қўллаб-қувватлашларини истайсизми?

– Сира чиқишолмайдиган, насл-насаби айниётган миллат! Агар қораялоқлар ғалаба қозонса, портдан бадарға қилинган маст-аласт матрослар каби орқаларига тепиб, ҳайдалишларини европаликлар нахотки ҳаёлларига келтиришмаса?! Лоақал жанубни, Африка жануби – Гагонони сақлаб қолайлик.

– Гагоно эмас, Огано.

– Нима фарқи бор...

– Қолаверса, Европанинг муносабатида иккиланиш бўлади, Нелсон. Менимча, ҳаммаси бизнинг фойдамизга ҳал бўлади.

Нелсон тиш тозалагични олди. Қафти билан оғзини тўсиб, тишини қовларкан, тўнғиллаб:

– Ўша Оганони Пекин қўллаб-қувватлашига қарамай-я?

– Оббо сиз-ей! Шахсий разведкангиз яхши ишларкан!

– Илож қанча? Сизларга эрк бериб бўладими...

– Пекин билан алоқамиз ҳақида мендан бўлак факат бир киши – сиз Нелсон, биласиз.

– Ёлғон. Мендан бўлак сизнинг Лоренсингиз бундан огоҳ. Ўша Лоренс голланд «Шелл»и билан боғланган. Ўйлашимча, у Москванинг оғушида яшашни истовчи «соғлом фикрли» Европага кўпроқ хайрхоҳ.

– Шундай деб ўйлайсизми ёки бунга ишончингиз қомилми?

– Ишончим қомил бўлмаса ўйимни ошқор қилмасдим, Майкл... Охири савол: Москва бунга қандай муносабатда

бўлади?

– Одамимизнинг хабар беришича улар ҳарбий ёрдам беришга тайёр.

– Москва халқаро битимларни ҳурмат қилади. Шу боисдан ҳам барча козирларни кучсизлантириш, тўнтаришни ярим соат ичида амалга оширишимиз шарт.

– Унчаликмасдир-ов!

– Нелсон, телеэшиттиришларимизни кўп кўрсангиз керак. Тарғибот бўҳтонга кўпдаям ишонаверманг. Улар халқаро битимларни ҳурмат қилишади. Менга ишонинг. Уларнинг кучи ҳам ана шунда.

Славин

У машинада ўтирганига саккиз соатдан ошди. Бу вақт ичида кузатув машиналари икки марта алмашган эди. Аввалига унинг «фиати» ёнидан кора «мерседес» бир қадам ҳам нари жилмади. Кейин яшил автомобиль пайдо бўлди. Ниқоб пардаси йиртилган, ўйин эса очик тус олганди.

Славин Зотов ётган палата деразасидан нигоҳини узмасди. Аллюмин зихли дарпарда тортилган дераза ортида эркак кишининг шарпаси кўзга ташланди. Океандан эсаётган соф ҳаводан нафас олиш учун полициячи дераза ёнига келгандир. Кейинги кунларда эсаётган шабадада пальмаларнинг тигсимон барглари бор кўлами билан тебраниб турарди. Славин ўрта аср япон тасвирий санъатини эсга солувчи найзасимон баргларга боқаркан, бўйдор, сербутоқ пальмаларни бомбукларга киёслади.

...Келиб тўхтаган таксидан тушган Пол Дик Славинни дарров таниди. У бирга юр, дегандек қўлини силкитди. Славин бошини тебратиб йўк, деган жавобни қилди.

– Унинг ёнига ҳозир генерал Стау келади! – деб қичқирди Пол.

– Мени у ерга қўйишмайди, – деб жавоб берди Славин, – сизни ҳам.

– Мен учун ташвиш қилманг!

– Ҳайдаб юборгудек бўлишса, ёнимга келинг, кондиционерни ишлатиб қўяман!

Беш дақиқа ўтар-ўтмас полиция бош директори сеньор Стаунинг басавлат «кадиллак»и келиб тўхтади.

«Ўз матбаачи»ларига рухсат беришмабди,– Славин буни дарров сезд. – Бечора Полнинг ўзини ўйинга жалб қилишибди. Мулоҳотда бўлишимизни назарда тутишяпти. Умуман, тўғри ўйлашяпти?»

Стау уч қўриқчи қуршовида госпиталь томон йўл олди. У бошини қуйи эгганча шитоб билан қадам ташларди. Эғнида қуйиб қўйгандек турган костюмининг қийик жойлари хатти-ҳаракатини шу даражада енгиллаштирдик, гўё парвозга шайлангандек, мана-мана нақ осмонга кўтарилишга қодирдек эди у.

«Бари бир, уларнинг комати жуда келишган, – деб ўйлади Славин. – Бирорта оқ танли негр каби мутаносиб ҳаракат қилмайди. Эҳтимол, ер юзида энг келишган халқ шулардир. Бир сўз билан айтганда – раққослар сулоласи. Қизик, Стау поранинг қанчасини ўз киссасига соларкин? Балки беш фоизинидир? Ҳар бир полициячига, оффисдаги ҳар бир инспекторга пора берилиши аниқ...»

– Жаноб Зотов, мени эшитяпсизми? Мен полиция директори Стауман.

– Одамларингиз, – Зотов лаблари бир-биридан зўрға ажралди, – бутсиларини жўрттага гурсиллатиб, ухлагани қўйишмаяпти.

– Уларга оҳиста юриш буюрилади. Узримни қабул қилгайсиз. Агар эътироз билдирмасангиз бир неча савол бермоқчи эдим.

– Бемалол.

– Жаноб Зотов, хонангиздан топилган передатчик номаълум кишилар томонидан ташланганлигига ҳали ҳам ишонаяпсизми?

– Ҳа.

– Шифрли ёзувни ҳамми?

– Жаноб Зотов, дастхатда бармоғингиз излари борлиги аниқланганлигини қандай изоҳлайсиз?

– Билмайман.

– Бу жавоб эмас. Агар расшифровка, дастхатда ҳарбий сир борлигини кўрсатса, сизни трибунал ихтиёрига топширамыз.

– Мендан нима истайсиз?

– Агар Қўшма Штатлар разведкаси учун иш олиб борганингизни тан олсангиз, оёққа туришингиз ҳамон сизни жўнатиб юборамиз?

– Агарда тан олмасам-чи? – Зотов нигоҳини шифтга тиккан кўйи паст овозда сўзларди.

– Демак радиоҳаваскор бўлган экансиз-да?

– Йўк.

– Хўш, радиопередатчик каердан пайдо бўлди?

– Билдирмай ташлаб кетишган.

– Нима учун?

– Сўранг-суриштинг.

Стау Зотов томон хиёл энгашиб шивирлади:

– Бунни сўраб-суриштирдим. АҚШга мансуб барча газеталар – ким-кимга қанча пора беришини эса биламан – сизни ёқлаб шов-шув кўтаришди, жаноб Зотов. Газеталарни сизга олиб келдим. Ёки ватандошларингиздан кўрқяпсизми? Русларнинг иккита машинаси госпиталь ёнида туну-кун навбатчилик қилишяпти, ҳозир ҳам улар шу ерда.

– Нима учун киритишмаяпти, ҳузуримга?

– Чунки сиз тергов назорати остидасиз. Қолаверса, улар ёнингизга кириш учун жон койитишмаяпти. Чамамда, дўстларингиз сизни бу ердан олиб чиқиб кетишларидан чўчишяпти...

– Мен норозиман...– деди Зотов аввалгидан ҳам секин, паст овозда.

Стау Зотовнинг охириги гапини англай олмади ва у айтган бирор жумлани эшитолмай қолишдан хавфсираб, каравот томон яна пастроқ энгашди.

– Гапираверинг, шу ердаман...

– Сиз шу ердасиз, биламан. Мен қаршилиқ кўрсатдим, сиз эса менга ўқ уздингиз. Мен ҳибсда эдим. Қочдим. Ахир мен ўшанда... Тушуняпсизми? Нима учун энди тоқат қилишим керак?

– Нима, нима?

– Нега энди ҳайвонлиқ қилишим керак экан?

– Тушунмаяпман, жаноб Зотов. Гапларимни эшитмаяпсизми? Агар оқил иш тутиб, барчасини тан олсангиз сизни суд қилмаймиз. Разведка – жиддий иш. Бу касбга ҳурматим зўр. Сизни ўз дўстларингизга топширамиз, Истасангиз ҳозир. Тушуняпсизми? Балки сеньор Лоренс билан учрашиш истагидадирсиз?

– Ким у?

– «Интернейшнл телефоникнинг вакили.

– У билан таниш эмасман.

Стау кассасидан фотосурат олди. Зотов Лоренс билан қўл сиқишиб туришарди.

– Қаранг. Бу Лоренс.

– Мен уни танимайман.

– Жаноб Зотов, бу фотосуратнинг ҳақиқий ёки сохта эканлигини Москвада осонгина ажрата олишади. Агар фотосурат ҳақиқий бўлса, унда қандай жавоб қиласиз? Бу саволга жавоб бериш керак бўлади. Лоренс ва Глэбб билан қилган суҳбатингиз ёзилган плёнка чўнтагимда. Эшитиб кўришни истайсизми?

Унинг жавобини кутмай, Стау костюмининг ички чўнтагига қўл солиб, алланимани чиқиллатди. Лоренснинг, сўнг Зотовнинг, кейин эса Глэббнинг овози эшитилди:

«**Л о р е н с.** Жўнатилаётган юклар ҳақидаги маълумотларни ксероксга кўчириб олишни истайсизми?

З о т о в. Биздаги ксерокс сариқ чақага ҳам арзимайди. Фотонусха кўчирганим маъқул, шекилли.

Г л э б б. Биздан сўраган нарсангизни кеча олдингизми? Кўнглингиз жойига тушдими?

З о т о в. Раҳмат, Жон, ғоятда миннатдорман.

Г л э б б. Аксинча, дўстлик учун сиздан миннатдормиз. Эндрю.

Л о р е н с. Мистер Зотов, қандай фикрдасиз, Нагонияда зиддият кучайгудек бўлса, ҳукуматингиз у ерга қўшин юборадими?

З о т о в. Сўзсиз».

Стау чўнтагидаги диктафонни ўчирди. Палатага жимлик чўмди. Дераза ойнасига тинмай урилаётган пашшанинг асабга тегувчи ғўнғиллаши бу жимликни бузарди.

– Ҳўш? – деб сўради Стау. – Бунисига нима дейсиз? Вашингтон учун изоҳнинг ҳожати йўқ. Москвани назарда тутипман, жаноб Зотов. Агар КГБнинг ўрнида бўлсам, сўзларингизнинг бирортасига ишонмасдим. Ахир тушунсангиз-чи, сеньор Лоренснинг хонасидан ўғирланган ҳужжатлар ишончли қўлларда, жуда ишончли қўлларда.

– Мен матбуот вакиллари билан суҳбатлашмоқчиман.

– Бажонидил. Ҳозир сизнинг баёнотингизни ёзиб оламан. Америкалик репортёрлар ҳам шу ерда.

– Йўқ, уларни ҳузуримга киритишларини истайман.

– Баёнот беришингиз ҳамон уларни ёнингизга киритишади. Ишончли дўстларингиз сизни ошкора ўз ҳимоясига олишади.

– Эшитяпсизми, мен хотиржам ўлишни истайман. Шундай бўлгач, кетинг, майлими?

– Агар оқилона жавоб бермасангиз, жаноб Зотов, ходимларим топган ҳамма ҳужжатларни матбуотга беришга мажбурман. Бу ҳужжатлар сизни америка разведкачиси сифатида фош этган. Шайнингизга доғ тушириши мумкин. Матбуотни жиловлаб бўлмайди. Сиз эса суддан қочиб қутулолмайсиз.

Зотов кўзларини юмди, дур-дур тер томчилари юзига оқиб тушди. Бурни сўппайиб қолди. Пешонаси ва чаккалари қонталашиб, кўнғир тус олди, ковоклари кўкариб қорайди.

– Сизни кўргани эртага келаман, – деди Стау. – Дам

олинг. Ҳеч нарсани ўйламанг. Сизни ранжитиб қўймаймиз. Фақат сизни тушунолмаёпман. Агар киши доғда қолса, бу мағлубияти зоҳирий туюлса-да, уни тан олиши лозим. Сиз асрий кулликдан доимий озодликка чиқасиз.

– Бу гапларни аввал ҳам эшитгандим, – дея Зотов шивирлади. – Кимдир бу гапни аввал ҳам айтганди...

– Менга раҳмингиз келсин, жаноб Зотов. Нокулай аҳволга тушиб қолдим. Айбингизни исбот қилишим шарт. Калтафаҳмлик қилманг. Бари бир айбингизни исботлайман.

Пол Дик Зотов ётган палата жойлашган бўлимдан чиққан Стауга юзланди:

– Мистер Стау «Пост» мухбири Пол Дикман, руснинг соғлиғи қандай?

– Бу савол билан врачларга мурожаат қилинг. Хирург эмасман. Изкуварман, – деб жавоб қилди Стау суҳбатдошига қиё боқмай. У оқ халатли икки хуфия кўриклаётган, қамал қилинган йўлак бўйлаб ойнаванд эшик томон йўналди.

– Рус айғоқчи сифатида фош этилдими?

– Ҳа.

– У ким учун ишлаган экан?

– Бу саволингизга суддан сўнг жавоб оласиз.

– Рус билан қачон суҳбатлашишим мумкин?

– Жосус сифатида айбланувчи кимса билан журналистлар қай вақтда савол-жавоб қилиши мумкинлигини юристларингиздан сўранг.

– Бу ерда чиқадиган «Ньюс» газетаси полициянгиз қонунни бузаётгани ва Зотовнинг айбдорлиги исботланмаганлиги ҳақидаги хабарни босибди. Буни қандай изоҳлайсиз?

– Мураккаб ўйин боряпти, сэр, – Стау кулиб юборди, – аммо, биз ўйинчилар эмас, аксинча, қонун хизматкорларимиз, саволингизни мана шундай изоҳлайман.

– Сизнингча, «Ньюс» МРБ нинг боқимандаси экан-да?

– Сизга айнан шундай дедимми? Ҳазиллашишга ўрганинг, полициячи ҳам журналистдек сўзга бийрон

бўлиши керак. Бошқа гапим йўқ, мистер Дик, саломат бўлинг.

Пол Славиннинг машинасига ўтирди. Ярим очик яшил ойнасидан ташқарига тупургач, уни ёпди:

– Кондиционер ваъда қилгандингиз?

– Марҳамат. – Славин шит остидаги қора тугмачани босди. Кабина бир зумда салқин бўлди-қолди.

– Бирор нарса англаяпсизми, Вит?

– Англаяпман. Сиз-чи?

– Ҳеч нарсага тушунмаяпман. Ўшанда Пиларникида сиз билан хайрлаша олмадим. Лоренс кўнғирок қилиб қолди. Бу йигит разведкадан, «Интернейшнл телефоник»дан. У Зотовни дўстим, деди. Демак у бизни йигитча экан-да? Нима сабабдан уни бу қадар кўриклашяпти.

– Бу саволни Лоренсга беринг.

– Бердим.

– У нима деб жавоб берганини сўрамаяпман, боодоблигимни инобатга оларсиз?

– Ортикча уринмасангиз ҳам бўлади. Бу ҳақда аллақачон ёзиб бўлдим. Сюжет омма ҳукми учун сотилди. Лоренснинг фикрича, Белью ва Зотов – бир занжирнинг ҳалқаси экан. Зотов айёр йигит, сир сақлашни билади. «Оддий коммерсантман, турли доираларга мансуб дўстларим бор. Улар курранинг турли китъаларида туғилгани учун ҳам бошларида таёқ синади». Бу Лоренснинг гапи.

– Фикрингизга караганда, у «бизга маълумот бериб» турган киши – Зотовни уришяпти» дейишдан ҳам тоймас экан-да? Сиз ундан шундай эътирофни қутяпсизми? – деди Славин энсаси қотиб. «Мени кечир, Пол, сенга бор ҳақиқатни айта олмайман. Лоренснинг фикрига қўшилишим шарт, бундан ўзга чорам йўқ, қария. Иродали, виждонли одамсан. Шу боисдан ичкиликка берилгансан», деган ўй кўнглидан ўтди.

– Бу ерда нима қилиб ўтирибсиз, Вит?

– Сиз-чи?

– Бу яхши жавоб...– деди Пол хўрсиниб.

Пол эски кадрдон сифатида Славиндан сира шубҳаланмасди, лекин айна вақтда Глэббнинг домига тушиб қолганди. Пол Славин билан Глэббни яхши биларди.

– Фаҳмлолмаяпман, нега бунчалик ҳовлиқишмаса? – деб сўради у.

– Ҳовлиқишяпти?

– Стау келди, газеталар шов-шув кўтаришяпти. Ахир, Зотовни даволаш баҳонасида ишни пайсалга солиш, манфаатдор томонларни ғафлатда қолдириш уларнинг фойдаси-ку. Ғафлатда қолдириш – сиёсатда энг катта ютуқ. Чалкаштириш ўрнига улар...

– Нима, сизлар чўчимадингларми? Ана, консулингиз калхатдек питирчилаб қолди-ку.

– Нега энди чўчишимиз керак, Пол? Чўчишимиздан наф йўқ, – деди Славин суҳбатдошини лақиллатиб. – Илгарироқ ўйлаш керак эди. Пиво ичгани кетдикми?

– Вит, нима учун бу иш билан қизиқиб қолдингиз, а?

– Сизнинг қизиқишингиз табиий. Матбуот эркинлиги ва ҳоказо. Аммо рус кишисининг бу қизиқишини айғокчиликка ва ватанфурушни ўғирлашга йўйиш керак экан-да. Қани тенглик, Пол?

Славин моторга ўт олдирди. Машина ўрнидан қўзғалди ва ўша замон унга қора «мерседес» эргашиди. Зангори «шевроле» тушликка кетганди, ленч⁴⁵ вақти бўлганди. Лоблар кун тартибига риоя қилишарди. Чунки яширин полицияга парҳездагилар ортикча даҳмаза бўлади.

– Ҳақиқатдан ҳам ортингиздан мунтазам кузатишаётган экан-да, – деди Пол Дик. – Айғокчилигингиз ҳақидаги мақолани жўнатиб, Оганонинг хузурига учаман. Озод Нагонияни кўргач, кейин Штатларга қайтаман. Жин урсин, бу ердаги галвалар ҳиқилдоғимга келди.

– Об-бо. Ичкиликни осонликча ташламоқчимисиз?

⁴⁵ Ғарб мамлакатларида тушдан кейин енгил овкат.

– Турган-битгани азоб, алоғ-далоғ, бой берилган вақтга, ўзингга, одамзодга, ўз ўғлингга ачингандек ачиниш қандай дахшат...

– Пол... калламга бир фикр келди?

– Қандай?

– Ҳозир иккаламиз Лоренсинг олдида кирмаймизми?

– Исканжага оламизми? «МРБ икки ўт орасида – жирканч капитал агенти ва коммунизм дунёси агенти Чилини Луисбургга алмаштирган «Интернейшнл телефоник» одами билан профессионал суҳбат олиб боришяпти!», Зўр сарлавҳа-а?! Яхши ғоя, Вит, борамиз!

– Оқибатдан чўчимайсизми?

– Чўчийман.

– Унда ўзни таҳликага солиш шартми?

– Таҳликасиз ҳаёт тузсиз гўштдек гап.

– Кетдик...

...Пол пастдан, меҳмонхона холлесидан Лоренс департаментига қўнғирок қилди.

– Мистер Лоренс, Пол Дикман, рус, мистер Славин иккимиз бир оғиз сўзингизни эшитиш истагида ҳузурингизга чикмоқчи эдик.

Трубкадан «Кўтарилишингиз мумкин» деган жавоб, сўнгра қисқа гудоклар эшитилди.

– Олдида кимдир ўтирибди, бу унинг овози эмас, Вит, эй жин урсин, юринг.

Лифт ёнида Пол Дикни малай чақирди.

– Сэр, сизни уч марта телефонда сўрашди. Менга сизни топишни буюришди. Зарур иш чикиб қолганга ўхшайди.

– Сиз кўтарилаверинг, Вит, тезда етиб оламан.

Славин ўн бешинчи қаватга кўтарилиб, Лоренс департаментининг эшигини тақиллатди. Ичкаридан музика эшитилиб турган бўлса-да, ҳеч ким жавоб бермади. Славин яна тақиллатди. Ҳамон Нью-Орлеан негрлари ижро этган қувноқ музика янграрди. Бу сафар ҳам ҳеч ким жавоб қилмади.

Славин елка қисди, у телетайп ва бевосита халқаро

алоқа линиялари жойлашган матбуот хонасига тушди. Пол Дик бу ерда йўқ эди.

Славин йўлакда унга дуч келган болакайдан:

– Ҳамроҳим қани? – деб сўради.

– У қаергадир кўнғироқ қилди ва ўша заҳоти жўнади. Менимча, у элчихонага кетди.

– Шундай деб айтдимми?

– Йўқ, менга шундай туюлди, сэр.

– Туйғуга берилган вақтда чўқиниш керак, – деб таъкидлади Славин.

– Хўп, бўлади, сэр, албатта, хоч билан чўқинаман.

Славин кулимсираб қўйгач, янги ахборот тахталарга қаради – ҳеч қандай янгилик йўқ эди. Гўё бўрон арафасидаги осойишталикка ўхшарди бу жимлик.

Калит олиш учун вестибюлга қайтган Славин орқасида турган шарпани сизди, кимдир унинг гарданидан нигоҳини узмай тургандек эди.

Славин орқасига ўгирилди. Доим жилмайиб турадиган Жон Глэбб вазмин ва лоқайд нигоҳини ундан узмасди.

– Бирор воқеа рўй бердимми, Жон?

– Ҳозиргина Лоренсни ўлдиришганидан бўлак, айтарли ҳеч гап йўқ, – деб оҳиста жавоб қилди Глэбб.

Константинов

Тушки соат учда Константинов бўлажак операция иштирокчилари тўпланган залга тушди. Гмиря ўртадаги катта столга Ғалаба хиёбонининг кичик нусхасини ўрнатди.

– Ўртоқлар, – деди Константинов, – биз ўтказмокчи бўлган операция тамоман ўзгача. Бугунги операциянинг муваффақияти фалокатга йўлиққан, бегуноҳ совет граждани Зотовнинг тақдиринигина белгилаб қолмай, биз билан дўст бўлган давлатнинг келажагини ҳам белгилайди. Буни доим назарда тутишингизни илтимос қиламан.

Гмиря ўрнидан турди.

– Макетга яқинроқ келинг, ўртоқлар. Бизнинг назаримизда америкалик разведкачи элчихонадаги уйидан

чиккач, университет ёнидан ўтиб, Ленин проспекти томон юради. Можайск шоссесига чиқишдан аввал ўнгга, хиёбонни кесиб ўтувчи тор кўчага бурилади. Ҳайкал ўрнатиладиган ерга етганда секинлашади. Бир нафас тўхтади. Шох кўринишидаги контейнерни, махфий ғилофни ташлайди. Уни кўчада қўлга оламиз. Шунинг учун ҳам ўта эҳтиёткорлик лозим. Рациядан фойдаланмаймиз, элчихонанинг иккинчи, хавфсизликни таъминловчи машинаси электрон эшитиш аппаратураси билан жиҳозланган бўлиши мумкин. Бир соатдан кейин районни камал қилишни бошлаймиз. Оралиғингиздаги масофа йигирма метр бўлиши шарт. Хиёбон қоронғи, ёритгичлар кўча юзида ўрнатилган, шу боисдан ҳам огоҳ ва такрор огоҳ бўлинглар.

— Асосий гап, ўртоқлар, — деб таъкидлади Константинов, — махфий ғилоф алмашиладиган жойни аниқлаганимиз йўқ. Ўз мантиғига эга бўлган икки мулоҳаза бор. Ўша «шох»ни шоссега ёнидаги тор муюлишда ташлаш қулай. МРБнинг машинаси бир зум назардан йўқолади. Бу ер жарлик, Ҳайкал ёнида ҳам тўхташ мумкин. Тўла ассланган бекат. Москванинг янги қурилишлари нима учун кишини ҳайратга солмасин. Ҳар эҳтимолга қарши катта районни камал қилишимиз лозим. Шу боисдан ҳам полковник Гмиря сизларни ниҳоятда эҳтиёт бўлишга ундаяпти. Қандай саволлар бор?

— Ўртоқ генерал, бугунги тун ягона имкониятми? — деб сўради кичик лейтенант Жохова.

Константинов сигарета олишга тутинаркан:

— Ҳа, бундан ўзга имкониятимиз йўқ, — дея вазмин жавоб қилди.

...Соат олтида Коновалов алоқага чиқди:

— Ўртоқ Иванов, элчихонадан чиққан бешта машина Садовое кольцо бўйлаб Қрим кўприги томон йўналди. Улар орасида Лунс йўқ.

— МРБдан кимлар бор?

— Жекобс ва Карпович.

– Ўзларини қандай тутишяпти?

Хотиржам... Йўк, Жекобс кескин бурилиб чап йўлга ўтиб олди. Менимча «Волга»дан пароль олмоқчи.

– Карпович уни муҳофаза қияптими?

– Йўк, хотиржамлик билан учинчи йўлдан боряпти... Ён-берига карамаяпти... Жекобс пароль олди. Кескин бурилиб биринчи йўлга ўтди. Ана, айланыпти, Дубовнинг уйи ёнидан ўтди... Унинг машинаси турадиган жойга қаради...

– «Паркплатц» пароли унинг уйи ёнидаги тўхташ жойи бўлиши мумкинми? – Константинов ўйчан нигоҳини ёнида ўтирган Гмиря ва Проскуринга қаратди. – Нима учун унинг уйи ёнидан ўтди?

– Тор кўча бўйлаб юкорига кўтариляпти. – Коновалов ахборот беришда давом этарди. – Элчихона олдида тўхтади... Машина эшигини кулфламай ҳовлига югуриб кирди... У ердан чикди... Қўлида бир даста журнал... Машинага ўтирди... Айланма йўлга чикиб олди. Иккинчи йўл бўйлаб юраяпти. Ўн саккиз – йигирма беш... Кескин бурилиб четга, чап йўлга ўтди. Аланглаяпти...

– Сизни кўраптими?

– Билмайман.

– Кузатишни тўхтатинг, – деди Константинов.

– Хўп. У яна иккинчи йўлга ўтиб, Қрим кўприги томон йўл олди.

– Нима, уни иккинчи машинадан кузатяпсизми?

– Йўк, биринчи машина маълум қияпти. У ҳамон кузатув доирасида.

– Уни Зубовскийда қўлга олинг.

– Хўп.

Соат олтидан қирқ минут ўтганда Жекобс машинаси элчихона ходимлари истиқомат қиладиган уй ёнида тўхтади ва у ўз хонасига кўтарилди.

Соат еттида Константинов Ғалаба хиёбонида отланди.

Тинмай ёғаётган ёмғирда уст-боши жикқа ҳўл бўлиб кетган Коновалов ходимлари тунги соат бирда постдан олинди. МРБ учрашувга чиқмади. Иш барбод бўлди.

Славин

«Салом, жонгинам!»

Кеча кўшнимиз Валерий Николаевич билан лифт ёнида учрашиб қолдик. У киши «Гўзал ва ёш аёлнинг ёлғиз яшаши қийин бўлса керак-а? Ёки муҳаббат эрки бундай хаёлга боришга йўл қўймайдими?» деб сўради. Қариб қуйилмаган чол, оғзингга нима келса, шуни валдирайвераркансан-да, демоқчи бўлдим, лекин андиша қилдим. Одоб юзасидан индамадим. Лекин бу саволдан ўзимга фалсафий янгилик очдим. Худбинлик билан инсонийлик чегарасидаги иккиюзламачилик никоби бир кунмас бир кун, албатта йиртилади. Зўр-а.

Сени жудаям соғиндим, Виталий! Иродасиз хоним бакувват эркакнинг оғушини қўмсаб қолибди, деган хаёлга борма! Асло! Сенсиз яшай олмаслигим табиий, сендек олижаноб эрим борлигидан фахрланаман. Бири кам дунё экан. Унинг камчилиги борлиги ҳам бир жиҳатдан яхши.

Ильлинлар бир ойлик кучукча сотиб олишибди. Биласанми, эшик олдида ғингшиб, ҳожат учун ташқарига чиқаришни сўраркан. Айикдек кўнғир, жуда чиройли. Сенинг қайтишингга шундай кучукча сотиб олсам девдим. Эрта-индин қайтсанг керак.

Иқтидор ҳақидаги гапимиз узилиб қолганди. Биласанми, аёллар иқтидорли эркакларни кўпроқ севишаркан. Одам Атони Момо Ҳавонинг иффатини бузганликда айбашларига мутлақо қаршиман. Чунки олманинг ярим палласини Момо Ҳаво ўз ихтиёри билан еган. Хулоса шуки, аёл киши муқом қилмаса эркак киши жунбишга келмайди.

Жуда зорикдим... Қачон бирга дам олгани борамиз? Пицундада ёзувчиларнинг дам олиш уйи очилибди.

Қаҳвахоналари ярим тунгача ишларкан. Қизик, дам олувчилар соат ўн бирда ухлашади. Хоналари жуда шинам, равонлари ҳам бор экан. Сен нима дейсан? Майли десанг, Литфонд поликлиникасидаги танишларни ишга соламан. Биласанки, ҳар қандай эркани ўзимга ром қилолишим мумкин. Ёки балиқчилар ҳузурига борамизми? У ҳолда келишингга атаб тиккан юбкамини киёлмайман.

Тезроқ кел. Эртага фолбинга бормоқчиман. Қилни қирқ ёрадиган бир фолбиннинг адресини беришди.

Шунақа гаплар.

Умуман олганда, ҳеч ким фикран одамнинг ақлига таъсир ўтказа олмайди. (Кўнгли бўш одам бундан истисно.) Сержахл бўлиб қолдим шу кунларда. Тарки одат амри маҳол... Кутишдан ёмони йўқ... Кутиш кишини не-не қабохатларга ундамайди.

Иродаси мустаҳкам одамгина барчасига сабр-тоқат қилади. Болаликдан кутишни ёмон кўраман. Шунинг учун ҳам мен билан яшашга қийналсанг керак-а?! Чизган чизигингдан чикмайдиган, аммамни бузоғидек ювош, назокатли аёл қайси эркакка ёкмайди. Ёки гапларим нотўғрими?

Нима учун кўрсман, биласанми? Сени ишдан чалғитишни, менга кўпроқ эътибор қилишингни хоҳлайман. Бу борада докторлик диссертациясини ёклашим ҳам мумкин. Ҳатто сарлавҳасини ҳам ўйлаб қўйганман. «Эркакларни чалғитиш ва ўзига ром қилиш, севиш усуллари». Ўшанда бутун аёллар мени холи жонимга қўйишмаса керак-а.

Кеча Конст, Ив. ва Лида кўнғироқ қилишди. Улар кўнглимни кўтармоқчи бўлишди. Сени макташди. Тез орада қайтишингни маълум қилишди. Менга таскин берганликлари учун миннатдорчилик билдирдим.

Надя Степанова телефон қилди. Эридан бутунлай кўнглини узган бўлса ҳам Дима ҳақида сўради. Шунақа ҳам бемаъни аёл бўладими, тавба қилдим. Қозонга яқин борсанг, қораси юқади деганларидек, нима учундир ундан

ўзимни олиб қочадиган бўлибман.

Сени йўқлигингни, Диманинг газетада босилаётган мақолаларидан бўлак ҳеч нарса билмаслигимни айтдим. Диманинг хатини шу конвертга солиб жўнатяпман. Эркак кишига ёзилган хатни ўқишга ҳар қандай аёл ҳам ишқибоз бўлади. Лекин бундай қилмайди – бу умр деб аталмиш кеманинг дарз кетиши билан баробар. Қизиқ, бир хил аёлларга сира тушунолмаيمان. Аввалига севгилари ҳақида оламга айюҳаннос солишади-ю, кейин, қилғиликни қилиб қўйиб, ажралишни исташмайди. Жанжал кўтаришади, жамоат ташкилотларига шикоят қилишади.

Москвадаги об-ҳавони тушуниб бўлмаяпти. Гоҳ совук, гоҳ иссиқ. Қон босими кўтарилган касаллар келаяпти... Эсингдами, Холодов қон босими бор кишиларга қуёш мўътадил бўлган кунлари ертўлада ўтиришни маслаҳат қилганди. Балки у ҳақдир, а?

Азизим, кеча поликлиникадан қайтаётганимда бир-бирини чўқилашаётган иккита каптарни кўриб қолдим. Бу қушларнинг уришини ҳатто ҳаёлимга ҳам келтирмагандим. Пикассо тинчлик рамзи сифатида ифодалаган қушлар чўқилашса-я?! Каптарлар бир-бирларига муҳаббат изҳор қилаётганларини кейин билиб олдим.

Илтимос, агар имкони бўлса инглиз медиғи Айерснинг «Ўрта ёшдаги болаларда суяк жароҳати» китобини харид қилсанг. Поликлиникамизга синган-чиққан касаллар кўп келаяпти. Деразадан йиқилиб оёқ-қўлини синдирган қизларни айтмайсанми? Бу бекачлар онаси ёки бувиси уйда йўқлигида ойналарни артамин деб шу фалокатга йўлиқишаркан. Илгарилари бетоб боланинг ёнида оналар ёки бувиларнинг кун бўйи ўтиришига руҳсат беришмасди. Ҳозир эса... Кўнгилчанг бўлиб боряпмиз. Фаррошлардан кўнглимиз тўқ эмас. Бир эмас икки жойда ишлаб юз саксон сўм олишгандан кейин маоши юз олтмиш сўм бўлган врачни албатта менсишмайди-да.

Келгунингча иш кабинетингга дубдан қилинган ром қўйдирмокчи эдим. Заминда ўзимизга қанча қулайлик

яратсак, ўзимизни шунчалик ноқулай ҳис қиламиз. Маяковский ҳақ гапни айтган экан. Буюртма бир йилдан кейин тайёр бўлишини эшитиб ҳафсалам пир бўлди. Сени жуда соғиндим. Жума куни кечкурун келсанг қани эди. Шанба, якшанба кунлари бирга бўлардик.

Сени ўпиб қоламан. Севгилинг Ирина».

«Салом, Виталия!

Мактубингни олдим. Хуллас, Глэббининг «астар-аврасини» ағдаришни бошладим. Бонндан хушхабар кутяпман. Ғайритабиий манзара намоён бўляпти. Мени бундай мавзуга рўбарў қилганинг яхши бўлди. Зепп Шанц Нагонияга алоқадор бўлган компанияларнинг акционери экан. Бу шов-шувнинг индаллоси. Масалага эса энди-энди аниқлик киритяпман. Зепп Шанц штурм отрядидаги каллакесарларни Огано ихтиёрига жўнатиш билан ҳам шуғулланаркан.

Бир оғайним бор – Курт Гешке. Жуда бамаъни йигит, «Шпигельда» мақолалари билан катнашиб туради. Вальграфнинг дўсти. Қисқаси, уни ҳам бу мавзу қизиқтиряпти. Ғарбий Берлинда иш кўрган Мао одамлари ҳақидаги ҳужжатларни унга бергандим. Шундай бўлгач, Зепп Шанцнинг кимлигини билишда, албатта, кўмак беради. Куртнинг ёзишича, ночор вазиятга тушиб қолган Пентагон хуфиёна режаси фош этилишидан кўрқиб, каллакесарларни Луисбургга «люфтганзе»да эмас, аксинча яширинча, америка юк самолётларида ташияпти. Курт оламни ларзага солиш учун имконият кидирияпти. У бунақа ишларга устаси фаранг. Тугун, албатта, ечилади. Никоблаш айёр Пентагоннинг кўрсатмаси бўйича қилинаётган бўлсачи? Куртнинг таъбирича можаро қакшатқич бўлади. Вахолангки, Бонндаги МРБ резиденти атрофида бекорга гирдикапалак бўлмаяпти. Унинг нияти қўлга илинарли далил-ашёни қовлаштириб, ўтдек қуйдирмоқчи. Бирок бу ҳақда кам гапиради. Жўнатган телексимга беш соат ичида жавоб берди. Чамаси телеграмма юборишни лозим

кўрмаган. Чунки бегона кўз тушишини истамаган, ҳар кимга ҳам ишонавермайди. Ҳар кимга ишонавермаслигининг ўз сабаби бор.

Шунақа гаплар, қария. Москвада нима гап? Қандай янгиликлар бор? Умуман ишларим кизгин. Олишишга тўғри келяпти, шукрки, элчи ақли, ёзувчининг ҳиссиёти бошқа касб-корнинг ҳиссиётидан батамом фарқ қилишини яхши тушунади (бу ўзни бошқалардан устун қўйиш эмас, бу далилнинг содда тавсифи, холос). Шунинг учун ҳам мақолаларимни қўллаб-қувватлаяпти. Айримлар эса қарши. Ҳаддан ташқари бўрттириб юбораётган эмишман. Мен асло бўрттирмаяпман. Журналистлар — ўз уюшмасининг манфаати билан чекланган халқ. Бизнинг— уларнинг ҳам, ўзимизнинг ҳам фикримиз бир жойдан чикаяпти. Олишувнинг бошланиши муқаррар, Оганонинг жазаваси тутса бас, қўлга курул олишдан ўзга чора қолмайди. Тунлари кўчаларда автоматлар тириллаб қолади. Ҳарбий патруллар машинаси тиним билмайди. Йўқса аллақачон тажовуз бошланарди. Грисо комендант соати жорий қилишдан воз кечди. Очиғини айтганда, бу мени бироз хавотирга соляпти. Бу фитна арафасидаги Чилини ёдимга соляпти.

Кеча бир танишим «Репортажларингизда диалоглар ҳаддан ташқари кўпмасми? Бадиий адабиёт учун диалог шарт... аммо журналистикада...» деб таъна қилди. Нима учун диалогни яхши кўришимни тушунтириб бердим. У ёки бу ходисани ҳис этишда, ўқувчининг эътиборини жалб қилишда, масалалар доирасини ихчамлаштиришда диалогнинг тутган мазкеи баланд. Диалогларда муаммони кенгрок қамраб олиш, ўқувчини кизиқтирган саволларнинг ечимини бериш мумкин. Аксинча, қайтариқлар, ортиқча эзмалик тишга курмакдек тегади. Диалог суҳбатдошининг руҳлантиради. У билан ўз фикрининг ўртоқлашишинг, унинг сўзларини асос қилиб олишинг, урғу беришинг, асосланишинг мумкин. Бу ақлни пешлайди, шундай эмасми?

«Диалог рус журналистикаси анъаналарига хос эмас», деб эътироф этишди.

Шундай, энди анковларимизга қайтайлик. Курт барчанинг фикри-зикрини банд этган. Шанц тоға, биз излаётган нацист ва у билан ҳамкорлик қилган жиян ҳақидаги ҳужжатларни бирлаштиришни, бирваракайига овоза этишни таклиф қияпти. Курт бу икки итвачча аллақандай учинчи бир ифлос билан қариндош эканлигига ишора қияпти. Унинг кимлигини очик айтмаяпти. Фикримча, у қизик бир тугуннинг учини топган.

Эртага мени чегарага, Огано бандитлари уя қурган районга олиб боришмоқчи. Бу йигитнинг нима иш қилганини биласанми? У ўқчилар нишонга олиши учун Грисо портретига буюртма бериб, биринчи суратни ўзи нишонга олибди. Қизиғи шундаки, бу нишонлар Штатларда босилибди. Муҳри бор экан, Жорж Грисо расмини хитойлик расом чизибди. Африкалик ёки европалик чизишолмайди, чехрасидаги миллий колоритини акс эттиришолмайди, дейишибди. Мени миллатчиликда айбламассан, деган умиддаман.

Пресс-барда британиялик журналист билан суҳбатлашиб қолдим. «Сизларни сарик хатар ҳақида ҳатто қирқ бешинчи йилда огоҳ этган эдик. Одамларингизнинг ертўлаларда яшаётганлигига қарамай, Пекинни машиналар билан таъминлагансизлар», дейди. Жаҳлим чикди. Ўша йиллари мана шу қўлларим билан,— дедим унга,— вагонларга юк ортиганман. Бу вагонлар вайрона Белоруссиядан Хитой томон йўлга чиққан. Ўшанда биз тўғри иш қилганмиз, деб ўйлайман. «Сарик» деганингиз нимаси. Хитойликларни яхши кўраман. Улар билан бирга яшаганман. Бир қозондан тамадди қилганман. Маони ҳам, Хуанни ҳам боғлаб бермаган. Хитойликлар буюк халқ, оғир йилларда нонимиз яримталигига, чопонимиз йиртиқлигига қарамай ёрдам берганимизни унутишмайди, унутмасликлари шарт. Агар лозим бўлса ўз фикримни қуйидагича изоҳлайман: «Фақат бугунги кунини

ўйлайдиган сиёсий арбоб сарик чакага арзимаиди, фақат олдинни кўзлаши керак, сиёсий арбоб – қурувчи демак».

Кўхна дунё. Эзмалик қилиб юбормадимми? Сабр-тоқат билан тинглашдек ажойиб иқтидоринг бор. Ҳатто, Нагонияда ҳам сенинг гипнозинг таъсиридаман.

Саломат бўл!

Дмитрий Степанов».

... Славинга йўлланган бу мактуб эгасининг қўлига тегмади. Совет чекисти генерал Стау ходимлари томонидан ҳибсга олинганди.

Глэбб

У чакалакзорга, чегарага кеч соат ўнда, атрофга ғира-шира қоронғулик чўмганда учди. Инчунин, ҳарбий аэродромга келгач портфелидан сокол ва мўйлаб олиб, паста билан даҳани, лаби устига ёпиштирганида юзи таниб бўлмас даражада ўзгарди-қолди.

Вертолёт қирқ беш минутдан кейин океан соҳилига қўнди. Трап ёнида хушомадгўйлик билан очилган лаблари орасидан кўп ичганидан сарғайиб кетган тишларини кўрсатиб Огано турарди.

– Сизни кўрганимдан хурсандман, Жон, – деди у катта, юмшоқ кафти билан Глэббнинг совуқ қўлини сиқиб. – Вақтингиз бемалолми? Ёки бу сафар ҳам икки соатга келдингизми?

– Вақт тиғиз, Марио.

– Юринг, акуланинг сузгичларидан овқат тайёрлашган, олдин иктисод, кейин сиёсат.

– Акула гўшtidан татимаганимга ҳам анча бўлди. – Глэбб хўрсинди. – Жуда хуш кўраман. Ким пиширди? Менинг ошпазимми? Ванми?

– Ван ошпаз ҳақиқатдан ҳам уста экан, тавсиянгииз учун раҳмат.

– Ёмон одамларни тавсия қилмайман. Ван Гонконгда тоза кўнглимни овлаган, пазандаликда унга тенг

келадигани йўқ.

Пальма остидаги тахтасупага қўйилган столга тўкин дастурхон ёзилган. Учта кресло ёнида ёниб турган машъалалар ёригида қўлларида ўйинчоққа ўхшаш Исроил автомати тутган соқчиларнинг шарпаси кўзга ташланарди.

– Лао қаерда?

– Шу ердаман. – Лао қоронғилиқдан жавоб қилди. – Бошқаларнинг соясида яшашни яхши кўраман.

Глэбб орқасига ўтирилди. Пекиннинг Гонконгдаги собиқ резиденти, ҳарбий маслаҳатчи Лао қоронғилиқдан чиқиб, тахтасупага кўтарилди. Унинг чехраси бўзаргандек туюлди. Мистер Лиманинг банк корпорациясида «бошпана» топганидан буён у озган, қариган, пешонасини чукур-чукур ажин излари қоплаган эди.

– Бетобмисиз? – деб сўради Глэбб унинг қўлини сиқиб. – Ёки олишув олдидан асабийлашяпсизми?

– Бетоб бўлишга ҳам, асабийлашишга ҳам ҳуқуқим йўқ.

– Буйруққа биноанми ёки ғалабага ишончингиз комиллиги учунми?

– Ҳам ундай, ҳам бундай.

– Бу ерда ортиқча киши кўп, Марио. Сухбат ниҳоятда нуфузли бўлади, – деди Глэбб атрофга аланглаб.

– Соқчиларим инглизчани билишмайди. Алифни калтак деёлмайдиган соғлом, садоқатли ҳайвонлар...

– Шундай бўлса-да, Глэбб ҳақ, – деди Лао, – мен сохил бўйлаб сайр қилишни, сўнгра кечки овкатга ўтиришни таклиф қиламан.

У Глэббнинг қўлтиғидан олди.

– Лэнглининг бу ерга резидентни юбориши мумкинлигидан кўпроқ ташвишдаман.

– «Факел» операцияси бошланишига ўн кун қолганда-я? Бунинг учун аҳмоқ бўлиш керак. – Глэббнинг энсаси қотди.

– Уларни дохий деб ўйлаяпсизми? Албатта, бу аҳмоқона иш, аммо, бу мени ташвишга соляпти.

– Балки, шефим билан адмиралга телеграмма жўнатишим лозимдир? – деб сўради Огано.

Лаонинг энсаси котди.

– Унга нималарни баён этмоқчисиз?

– «Мистер Глэбб билан муносабатларимиз жуда яхши тус олган, шу боисдан...»

Аччиғланган Лао елкасини учирди:

– «Янги резидентни юбормаслигингизни сўрайман», – деб Оганони сўзини хулосалади. – Одамларим янги келгиндини ҳам отиб ташлашлари турган гап. Шундай эмасми?

– Битта ёки иккита группангизнинг қўлига курул тутқазсангиз, бас, – деб таъкидлади Глэбб, – ҳамма ишни ими-жимиди бажаришади. Матбуотда «ҳаракатдаги қизил армия» террорчилари билан отишма вақтида ҳалок бўлди, деб хабар тарқатишади, вассалом...

– Сира-сира ҳожати йўқ. – Лао монелик билдирди. – Сизга ҳавасим келади, Жон. «Ҳаракатдаги қизил армия»ни биз тўкиган уйдирма деб ўйлашади. Бизнинг тахминимизча, Лоренс сўллар, яъни руслар ўлдиришган. Ёки бу кубаликларнинг иши. Менинг одамларим эса Лоренснинг вафоти Нагониядаги воқеалар билан боғлиқлигини эътироф этишяпти. Бошланиши чакки эмас. Буни биров силлиқлаб, газетада босиб чиқарса бўлади. Жон, ҳузуримизга фақат иш юзасидангина ташриф буюрмаслигингизни илтимос қилмоқчиман. Илтимосларингизни ўз вақтида бажаряпмиз. Сиз эса бизни маломатга қўйяпсиз.

– Асос?

– Икки ҳафта бурун вертолётнинг янги партиясини жўнатишни ваъда қилгандингиз. Қани улар?

– Пентагон билан бир режани амалга ошириш осон деб ўйлайсизми?

– Мен қўлимдан келмаган иш учун мудофаа министрлигини рўқач қилмаяпман-ку. Огоҳлантирувчи радиограмманингиз жўнатганингиз ҳамон, бир соат ўтар-

Ўтмас Белью бартараф этилди. Лоренсни яккалаб қўйишн илтимос қилдингиз. Икки соат ичида пухта ўйланган ҳийла-найранг билан уни бартараф этдик. Бу борада Пекиннинг кўмагига мухтожманми, йўқми, бу менинг ишим — масаланинг бу томони сизни қизиқтирмайди, шундай эмасми? Нима учун энди Пентагон билан бўлган муносабатингиз мени ташвишга солиши керак?

— Вертолётлар бўлади, — деди Глэбб. — Ваъдам қатъий.

— Қачон?

— Сизга юборган ва унда қайд этилган мулоҳазалар асосида қайта таҳлилдан чиққан операция планини ўзим билан бирга олиб кетишим керак. Вертолётларни флот орқали, зудлик билан жўнатишларини талаб қиламан.

— Яхши. Ташаккур. Умид қиламиз, Жон. Энди иккинчи масала. Сиз русларнинг Нагонияга жўнатаётган юклари қисқаради, деб ваъда қилгандингиз. Аксинча, улар жиддий тус оляпти.

— Лоренснинг ўлдирилиши ҳақида тайёрлаган дастуриламал хужжатларингиз билан русларни тор кўчага тикиб қўямиз, деб ўйлайман. Газеталар рус кемалари учун портларни ёпишни талаб қилишади. Хуллас, хужжатларингизни интизорлик билан кутаман.

— Чиндан ҳам Стауга ишонасизми?

— Ҳа.

— Унинг томоғини мойлаб турсангиз керак? — деб сўради Огано.

— Биз у билан дўстмиз, — Глэбб жилмайди. — Бу одамга ишонаман.

— Ларенснинг ўлимига дастак қилмокчи бўлган русингиз билан ким шуғулланади?

— Стау. Унга мурда керак. Яна «ҳаракатдаги қизил армия» билан алоқада бўлган ва уни маблағ билан таъминлаб турган рус, жаноб Славин америкалик савдогарни ёвузларча ўлдирди» деган хабар зарур.

Лао афтини бужмайтирди.

— Ҳаддан ташқари эхтиросга берилиш яхши эмас, Жон.

Гонконг воқеасидан бери эҳтиросга мойил бўляпсиз. «Қизил армия»ни ўз ҳолига қўйинг, бўрттиришнинг ҳожати йўқ.

– Бўрттириш – виждонли кишининг ёлғонидир, – Глэбб хўрсинди.

Лао Глэббнинг қўлтиғидан тутиб, дастурхон ёнига олиб келди.

– Жон, Вашингтондаги айрим кишилар бизга бевосита кўмак беришларига қарши эканликлари ҳақидаги таассурот сизни безовта қилмаяптими?

– Безовта қияпти. Ит эмган тинчликпарвар «Реал сиёсатдон»ларга Кеннеди, айникса Рузвельт хотираси тинчлик бермаяпти.

– Адмирал қатъийми? «Реалистлар» инглизларнинг найрангига учишмайдими?

– Йўқ. Менимча йўқ. Фақат тезроқ бошласак эди, Лао. Ўшанда Марио зарба беради, унинг командаси Нагонияга киради. Ана ўшанда ҳамма иш чинакамига юришиб кетади. Самолётлар юборишга, десант ташлашга мажбур бўлишади. Фақат бошласак бас.

– Белгиланган муддатдан уч кун илгари бостириб киришимизга қандай қарайсиз?

– Ҳозир жавоб беролмайман... Биз мукамал маълумотни кутияпмиз.

– Қаердан?

– Ишончли кишимиздан.

– Одатда содиқ бўлмаган кишилар маълумот беришади, Жон.

– Ҳар бир одамдан тегишли хулоса чиқариш лозим.

– У қандай руҳдаги маълумот юбориши мумкин?

– Ундан фақат битта жавоб кутияпмиз. Марио Нагонияга кирганида руслар қандай йўл тутишади?

– Улар ҳеч нарсага улгуришмайди, Жон, – деб жавоб қилди Огано. – Бостириб киришни бошлаганимиздан кейин уч соат ўтар-ўтмас руслар қўл-оёқларини ёзолмай қолишади. Менинг ҳукуматим билан ҳисоблашишга

мажбур бўлишади. Марҳамат дўстларим, дастурхонга якинроқ ўтиринглар, акула гўшти пишиб, ўтиб кетмасдан тановул қилайлик.

– Бостириб кириш плани қани, Марио? – деб сўради Глэбб. – Мен Лаонинг тахриридан чикқан планни назарда тутяпман.

– Шу ерда, – деди Огано кўли билан френчигининг ён чўнтагини ушлаб кўраркан.

– Марио ўз шифри билан Лэнглига ҳеч нарса маълум қилмадими? – деб сўради Глэбб.

– Нимага? – Лао елка қисди. – Сизнинг резидент бўлишингиздан манфаатдормиз. Шундай бўлгач, маслаҳатингизсиз иш кўришдан қандай наф бор? План туздикми, унга амал қиламиз, Жон. Энди охиргиси:

Москвадаги имкониятларингиздан келиб чикиб бизга ёрдам бероласизми?

Глэбб салфеткани тиззаларига солди. Кўлидаги фужерни ўйнай бошлади. Оганога қараб кўйди.

– Виски ичасизми? Ёки жинми? – деб сўради Лао.

– Рус ароғидан ичаман.

– Жон, жавобни кутяпман, – деди Лао.

– Жавоб ололмайсиз.

– Жон, ўн йилдан бери дўстмиз. Гонконгдаги боткоқдан сизни мен олиб чикдим. Лоренсни бартараф этиш билан бу ердаги мавқеингизни ҳам кўтардим. Ўз оёғингизга ўзингиз болта урманг!

– Марио Нагонияга киргандан кейин жавоб бераман, Лао. Ўкей?

Лао бош силкиди.

– Ўз оёғингизга ўзингиз болта урманг, Жон. Агентларингизнинг исми ва лақабига муҳтож эмасман. Ҳозирча муҳтож эмасман. Фаҳм-фаросат билан иш кўраётганингиздан аёнки, Москвада ўз одамингиз бор. Менга берган маълумотингиз эвазига унга кўмаклашишга тайёрман. Агентурангизнинг хавфсизлиги таъминланганми? Уларнинг фош қилинмаслигига

ишончингиз комилми?

Глэбб Огано куйиб узатган арокни ичди. Овоз чиқариб хўрсинди ва:

– Менинг одамларим учун ташвиш қилмасангиз ҳам бўлади, Лао. Уларнинг осойишталиги таъминланган. Ҳарҳолда яқин ярим йил ичида ҳеч қандай хавф уларни безовта қилмайди, – деб жавоб қилди.

– Огоҳ бўлинг. Хавотирланаётганимни айтиб қўйишни дўстона бурчим деб биламан. Огоҳ бўлинг. Рақибининг кучи билан ҳисоблашмагани, ўзига ҳаддан зиёд ишонгани учун ҳам немислар урушда бой беришган. Сиз қариндошларингизнинг хатоларини айнан такрорлаяпсиз, ҳали бунга бошингиз билан жавоб берасиз. Зотовдан бирор нарса чиқишига гумоним бор. Иккиюзламачилик – сиёсатга ёт услуб, сиз эса корчалонлик даражасидан сиёсатчилар сафига ўтишни жудаям истаяпсиз, Жон, истагингиз яккол сезилиб турибди...

– Ҳурматли Лао, дўстлигингизни кадрлайман. Аммо сиз бир ёклама фикр юритяпсиз. Зотов ҳали гуноҳини ювиши керак. У ўзининг поклигини исбот қилиши шарт, бунга эса бир кун эмас, ойлар керак, ваҳоланки, агент узоғи билан бир йил сермахсул бўлади, буни иккаламиз ҳам яхши тушунамиз. Ҳарҳолда, бундан ортиғига умид ҳам қилмайман. Москвадаги ишончли кишилар бир йил мобайнида фош этилишидан саклаш учун бутун чорани кўришим керак. Кейин дунёни сел босса тўпигимга чиқмайди. Ўйлайманки, Марио мени ўзига иқтисод ва молия бўйича маслаҳатчи қилиб олади. Бундан ортиғига даъво қилмайман. Таҳлилдан чиққан планни беринг, Марио, вақтим зиқ...

«Марказий разведка бошқармаси.

Стратегик планлаштириш бўлимига.

Ниҳоятда махфий.

28.01.45–78.

МРБ директорининг мулоҳазалари асосида «Факель» операцияси планига аниқлик киритилди ва унинг тугал кўрилиши қуйидагича:

1. «Х» кун – шанба, эрталабки соат 7.00.
2. Президент саройини бронедесант билан бирга ҳаво кучлари ишғол этади. Йигирмата вертолёт индинга «С» пунктга қўнади.
3. Жорж Грисога ҳукуматни ихтиёрий равишда генерал Оганого топширганлиги ҳақида халққа мурожаат қилиш таклиф этилади.
4. Акс ҳолда, у ўзини-ўзи отиб ўлдиради.
5. Жорж Грисони дафн этишни ўз зиммасига олган Огано ҳукумати мамлакатда умуммиллий мотам эълон қилади.
6. Огано кўмак сўраб бизга эмас, Пекингга мурожаат қилади. Бундан ташқари у ўз мурожаатида (аниқлик киритилган текст илова этилади) АҚШнинг денгиз пиёдаларини боскинчиликда айблайди.

*МРБ резиденти вазифасини
бажарувчи Жон Глэбб».*

*«Генерал Оганонинг Нагония халқига мурожаати
тексти.*

Азиз ватандошлар!

Озодликка эришганликларингизни қизгин қутлайман. Чет эл боскинчиларига қарши исён ғалаба билан яқунланди. Мени чақирдингиз ва мен миллатга хизмат қилиш учун ихтиёрингизга келдим.

Бугун тақдир тақозосига чап беролмай фожиали ҳалок бўлган Жорж Грисога аза очдик, виждонли, пок инсоннинг вафоти куни-кечагина қуллик занжирини парчалаган халқ учун оғир жудоликдир.

Мен миллий ҳаракатимизнинг ғалаба билан яқунланганидан чет элдаги дўстларимиз хурсанд бўлишади, деган умиддаман.

Мен шу ўринда, Пекин биринчилардан бўлиб бизга

ёрдам кўлини чўзганлигини таъкидлашим керак. Мен мамлакатимиз кирғоқларига АҚШ денгиз пиёда десантн ташланишига кескин қарши чиқаман.

Мен яна бир бор тақрорлайман: умримнинг охиригача миллий революциямиз ишига хизмат қиламан!

Худо ва ғалаба бизга ёр бўлсин!»

Константинов

...Режиссёр Ухов Константиновга актёрларни синовдан ўтказиш учун консультант мутахассиснинг фикри зарурлигини, бадий совет муқим қарорга келолмаётганини маълум қилиб, ҳар куни телефон қиларди.

– Яхши, хузурингизга соат ўнда ташриф буюрсамчи? – деб сўради Константинов. – Малол келмайдими?

– Кечаси соат ўн иккида келсангиз ҳам майли! – деди Ухов ҳаяжонланиб. – Сизни, режиссёр Женя Карлов билан бирга кутамиз. Ярим тунда келсангиз ҳам майли, бемалол!

– Рафикамни таклиф қилсам майлими? – деб сўради Константинов.

– Бажонидил, бошим кўкка етади.

...Константинов ёрдамчисига съёмкачилар группаси билан монтажчиларнинг телефон номерини бераркан, фавқулудда зарур бўлиб қолганида кўнғироқ қилишни, «Мосфильм»дан ўн минут ичида етиб келишни тайинлади. Сўнг Лидага сим қоқиб тўққиздан эллик беш минут ўтганда йўлакка чиқиб туришини таъкидлади.

– Беш минути кам ўн десанг бўлмайдими? – деб кулиб сўради Лида.

– Деялоаман, истак майлига мойиллик бўлади. Кейин «кам» сўзини ёқтирмайман. Унда умидсизлик маъноси яширинган, – деб жавоб қилди Константинов.

Намойиш зали дим, вентилятор ишламаётган эди. Лида оҳиста эрининг чехрасига бокди. – Тунларни КГБда ўтказётган, бор-йўғи уч соат ухлаётган эри озиб-тўзиб кетганди.

Константинов Ухов ва Карлов билан самимий саломлашди. Монтажчи киз Маша билан ҳазиллашди. Ёз серёгин келганидан нолинди. Чарчоғини ёзиш учун бироз латифагўйлик килди. Костюмини ечиб, стул суянчигига ташлагач:

– Қани бошладикми? – деб мақсадга кўчди.

Константинов чекистлар ҳақидаги фильм сценарийсининг таҳлили устида салкам икки ҳафта ўтирди. Саҳифаларнинг хошияси фикрлар билан тўлганди. Уховнинг капалаги учиб кетди.

– Сценарий тасдиқланган-ку, Константин Иванович!

– У ҳолда мендан нимани истайсиз?

– Нимани? Фильмнинг ишончли чиқиши учун профессионал кўзи билан кўриб чиқасиз деб ўйлагандим.

– Худди шу нуқтаи-назардан кўриб чиқдим. Модомики, муаллиф мендан кетгунча, эгасига етгунча қабилида иш тутган экан. Бундай лўттибозликдан нима учун сизни огоҳ этмай.

– Бу лўттибозлик эмас, таомилга айланган нарса.

– Жуда ёмон. Бархударов «бошни котирмоқ» иборасини «боши берк кўчага кириш» деб шарҳлайди. Мен чекистнинг саёз сўзлашишини истамайман.

– Наҳотки, «боши берк кўчага киритса?» – Ухов ажабланди. – Жин ургур, Лунинг калласини бир шамоллатиш керак.

– Шамоллатиш керак, – деб такрорлади Константинов кулимсираб. – Давом этайлик. Энди асосий гап. Сценарийда ёлғон кўп. Сизнингча, айғокчиларни тутиш пашша кўришдек иш эканда? Бу ёлғон. Айниқса, ҳозирги кунда айғокчи фавқулудда ходиса. Чинакам айғокчи – бу душманнинг мураккаб, ташки сиёсатга хос тажовузи демак. Айни кунда совет кишисини ёллаш жуда мураккаб масала. Чунки бу жамиятимиз руҳига тамоман зид эди. Ихтиёрий ёки тазйиқ остида турмушимизнинг фаровонлигидан кўз юмган кишининг ўзи аномалия.

Ухов сценарийдан битта нуқта, ҳатто тиниш белгисини

ўзгартиришга, тайёр нарсани йўққа чиқаришга тиш тирноги билан қарши чикди.

— Сизни ундай қилинг, бундай қилинг деб зўрламайман, — таъкидлади Константинов. — Айтишим лозим бўлган мулоҳазаларимни баён этдим, холос.

Менинг мулоҳазаларимга қўшилмасликка, бошқа коньсултантга мурожаат қилишга тўла асосингиз бор.

(Киночиларни икки тоифага ажратиш мумкин: ўз ҳамкасбларининг фикр-мулоҳазаларини эътироф этувчи «қайсарлар» ва дўстларининг маслаҳатларидан тўғри хулоса чиқарувчи, лозим бўлса, фильмни бутунлай йўққа чиқарувчи «амалиётчи»лар. Ухов иккинчи тоифадагилардан бўлса-да, нима учундир фильмни суратга олиш ҳақидаги буйруққа имзо қўйилгандан бери «қайсар»лик қилар, барчага тазйиқ ўтказарди. Ўринли ташбихларга бажонидил кулоқ осадиган киши, пул муомилага киргандан, ленталарнинг илк ўрамлари суратга олингандан кейин, бутунлай ўзгарган эди. Ухов «Мен бундай тушунаман» қабилида иш тутувчи диктатор ва кўрс, ҳар қандай танқидни рад этувчи қайсар режиссёрга айланганди-қолганди.)

Константинов янги консултант таклиф қилиш ҳақида оғиз очиши ҳамон Уховнинг дами ичига тушиб кетди. Рассомнинг инжиқлигидан нолинди. Чекистларнинг шарафли иши борасида маъруза қилди. Охир-оқибат Константиновнинг мулоҳазаларига тўла қўшилди.

Константиновнинг ҳукмига ҳавола этилган биринчи роликда тасвир асосий мавқени эгаллаганди. Дарё соҳили бўйлаб сайр қилиб юрган актёр дам ўтмай югура бошлади. «Қалдирғоч»нинг гўзал парвози мисол нариги қирғоққа сакраб ўтди. Шу дамда Константинов дарё сувининг илиқ ва майин шабадасини аниқ сезгандек бўлди.

— Унинг ҳар бир ҳаракатини ҳис этиш керак, — деб тушунтирди Ухов. — Шу ўринда актёрнинг мутаносиб бўлиши муҳим омил.

«Қани ҳозир Дубовнинг юриш-туришини аввалгидек

тиклашнинг иложи бўлса?! – бу фикр Константиновнинг миясига яшиндек урилди. – Турмадан ўзини олиб қочди! Нима учун? Йўл-йўриқ кўрсатишганми? Доим бирор нарсадан ҳадиксираб ёки чўчиб юрадиган кишининг ўзини ирода этолмагани унинг юриш-туришидан яққол сезилиб туради. Аммо ғайритабиий бўлса-да, бу иродасизликни «хислатлар йиғиндиси»га қўшамиз».

– Мана шу ерга диққат қиласиз, – деб шивирлади Ухов. – Биз бош, ижобий роль учун Броневойни танладик. Бадиий кенгаш билан олишишга тўғри келади, ҳали.

– Нимага? – деб ажабланиб сўради Константинов.

– Бурнининг остидагидан нарини кўролмайдиганлар Мюллер қуйиб қўйгандек ўхшашидан кўркияпти.

– Беҳуда гап. Актёрлик – табиат инъоми, у ролини қойилмақом қилиб ижро этиши керак.

– Қани энди сиз ҳам бадиий кенгашимизнинг аъзоси бўлсангиз эди, – деди Евгений Карлов, – мушкулумиз осон бўларди.

Броневой ролини ҳаққоний ижро этганлиги билан ажралиб турарди. Аммо унга нимадир халакит берар, қимтиниб турарди. Константинов актёр муаллифнинг гапларини ҳазм қилолмаётганини сизди. Ҳақиқатан ҳам уч босқичдан ўтган сценарий жаноби олийлари – актёрнинг дидига ўтиришмаслиги мумкин. Броневой ўзига маъқул бўлмаган текстни ўқиб берарди. Ундов сўзлар паст оҳангда кулгули чиқарди. Сценарий муаллифининг чизган чизиғидан чиқолмай талқинни бузишга мажбур бўларди. Кинода диалог асосий ўринни эгаллайди. Режиссёр бу услубдан мақсадга мувофиқ фойдаланиши керак.

Кейинги роликда актёр жосусга айланди-қолди. Актёрнинг биринчи кадрлардан бошлаб кўрқув ва ғазаб кўршовида бўлиши, осонгина миррасига тақалиши Константиновга ёкмади:

– Бунақаларнинг изига тушишнинг ўзи кулгили, – деб таъкидлади у. – Унинг кимлиги бир чақиримдан кўриниб турибди.

– Нима, душманни қахрамон қилиб кўрсатишим керакми? – Ухов таажжубланди. – Бунинг учун калламни олишади.

– Ким? – деб сўради Лида. У эрининг тафтсиз бармоқларини кафти орасига олди. – Ким каллангизни олади?!

– Биринчи навбатда эрингиздан чўцияпман.

– Бемаъни гап. – Константиновнинг энсаси котди. – Ёдингизда бўлса, сценарийда ракиб калтафаҳм ва аҳмок қилиб кўрсатилганига бир неча бор эътиборингизни қаратган эдим. Аслида эса жосус айёр ва иктидорли бўлади. Ҳа, ҳа, иктидорли бўлади.

– Бадиий кенгаш муҳокамасида сизга орқа қилсам бўладими?

– Нега энди? Бор гапни ўзим айтишим мумкин.

Икки томонидаги бир-бирига зид икки нигоҳни – Уховнинг илҳақ ва беҳаловат, Лиданинг меҳр ва маъюслик билан боқаётган нигоҳларини ҳис қилгани учун ҳам Константинов фильмнинг қолган сахналарини сукут сақлаб томоша қилди.

Экрандаги шарпалар йўқолиши ҳамон чирок ёнди. Лида ўша заҳоти эрининг кафтлари орасидаги бармоқларни бўшатиб, кресло суянчиғига ястанди.

Ухов тамаки чекиб олгач, кафтларини бир-бирига ишқалаб, ясама кулгу билан жилмайди:

– Энди очикчасига гаплашиб оламизми?

– Чиндан ҳам очикчасига гаплашмоқчимисиз? – деб сўради Константинов.

Карлов жилмайиб қўйди.

– Константин Иванович, бутун умидим сиздан.

– Очиги бу томоша менга ёкмади, – деди Константин. – Илтимос, хафа бўлманг.

– Фикрингизни тушундим Константин Иванович. Сизнинг асосингиз?

– Биласизми, барчаси жўн ва саёз. Маъно, мақсад йўқ. Авваллаб, чекист ақли билан, маълум мақсад билан иш

кўради. Мақсадни эса қолипга солиб бўлмайди. Мана гап қаерда. Бошлигим, генерал Фёдоров уруш пайтида немис жосусларини тутиш билан шуғулланган бўлимга рахбарлик қилган. У менга ғалати бир воқеани сўзлаб берганди. Бизга ёлланган «немис агенти» ёрдамчилар, қурооллар ва иккинчи радиостанция юборишларини сўраб ёзган телеграммамизни абвер Канарисга жўнатади. Худди шу воқеа Богомоловнинг «Қирқ бешинчи йил августи» романида жуда маҳорат билан талқин этилган. Хуллас, телеграммани олган Канарис қандай жавоб қайтарганини биласизми? Шифровкада тафсилотга аниқлик киритилиши сўралган эди. Бахтга қарши агент юраги ёрилиб ўлди. Аҳвол мушкуллашди. Айни шароитда ўйинни бой бериш мутлақо мумкин эмасди. Фақат ғалаба керак эди. Ғалаба. Маълумки, ҳар бир агентнинг ўз радиопочерки бўлади. Бу борада душманни алдаш, ўз-ўзига чоҳ қазиш билан баб-баробар. Нима қилиш керак? «Ўнг қўлим бомбардимон вақтида яралангани учун передатчикни чап қўлимда бошқардим», — деган жавоб юборилади. Кутилмаганда яна савол беришади: «Игорнинг соғлиғи қандай?» Бу хавф ҳақидаги ишора эди. Чунки агент барча тафсилотни гапириб берганди. Хотиржамлик билан: «Игорь ҳарбий касалхонадан Харьковга, Лида холаникига кетди», — деб жавоб берилди. Бирок бу жавоб Канаржни қондирмаслиғи аниқ эди. Улар иккинчи бир агентига телеграмма юбориб, ундан фронт линиясини кесиб ўтишни, ўша ўлган одам билан учрашиб, унинг қўли яралангани рост ёки ёлғонлигини тасдиқлашни сўрашади. Нима қилиш керак? Бундай шароитда сиз қандай йўл тутган бўлардингиз?

— Билмайман деб жавоб қилди Ухов.

— Шошилмасдан, яхшилаб ўйланг. Ҳа, айтганча, Канарис ўз ҳузурига чақираётган агент Фёдоров қабулида ўтирарди. Сиз қандай йўл тутардингиз?

— Фронт линиясини кесиб ўтишнинг иложи йўқлигини маълум қилардим.

— Канарис учун бу жавоб эмас.

– Агар жавоб қайтарилмаса, операция барбод бўлади, – деди Карлов.

– Бу ҳам жавоб эмас. Ахир биз келишиб олдик-ку, операцияни барбод қилишнинг сира иложи йўқ эди. Агар операция амалга ошмаса, Фёдоров бу мартабага эришолмасди.

– Бетокат қилмасдан ўзингиз айта қолинг, – деди Карлов.

– Фёдоров Канарис хузурига чақарилган агент билан бир ҳафта бирга бўлди. Асирга тушиб қолган, аросатдаги бу рус власовчиларга қўшилиб кетганди. Абвер разведка марказига ёлланганди. Фёдоров у билан битта хонада, ҳатто бирга ётиб, бирга тураёзди. Унинг одамийлигини йўқотмаганига ишонди – ҳатто душманда ҳам заррача бўлса-да, одамгарчиликни излаб топиш мумкинлигига ишончи қомил эди. Айни шу пайтда чекистлар эвакуация туфайли тўс-тўполон мамлакатдан агентнинг яқин қариндошларини излашарди. Ниҳоят, унинг укасини топишади. Фронтдан топишади. Уни самолётда Москва бўсағасидаги «боғ ҳовли»га келтиришади. Фёдоров ака-укани бемалол мулоқотда бўлиши учун Москвага бориб келишларига ижозат беради. Улар эртаси куни кечкурун «боғ ҳовли»га қайтишади. Бир ҳафтадан кейин эса агент Канарис хузурига учиб кетади. Сўнгра қайтиб келади. Шу тариқа операция муваффақият билан якунланади. Бу мавзу эмасми? Душманга қадар ич-этимни еяёзган Фёдоровнинг ички кечинмалари, «қўли ярадор бўлган»нинг олдига боришлари ёзувчи учун ижод манбаи бўлмайдими, ахир?!

– Фильм учун яхши сюжет экан, – деди Карлов.

– Сценаримнинг ҳоли нима бўлади? – Ухов чуқур ҳўрсинди. – Ёқиб ташлайми? Уни бўлак-бўлакка ажратиб бўлмайди, биласизми?

– Диалогларнинг муаллифини чакиринг, – деб маслаҳат берди Константинов. – Ғарб мамлакатларининг киностудияларида ақлли кишилар ишлашади. Улар диалогларнинг пухта чиқиши учун ёзувчини, анча

махоратли ёзувчини таклиф қилишади...

– Махоратли ёзувчига катга ҳақ тўлашади ҳам, – деди Ухов.

– Яна бир гап. Жосусингизнинг ўзига хослиги ишонарли чиққан бўлса-да, бироқ, у тарози палласини боса олмайди.

Ухов монтажчига мурожаат қилди:

– Бошқа актёрларнинг фотосуратини кўрсатинг. Авекинга ўхшаш актёрларнинг сурати туширилган плёнкалар борми?

– Бор.

– Унга жудаям, эгизакдек ўхшаш, аммо, бироз мутаносиблик етишмайди, – деди Ухов чўнтакдан сигарета олиб чекаркан.

Яна камера шиғиллай бошлади. Экранда намоён бўлган актёр ҳозиргина жосус ролини бесўнақай ўйнаган актёрга икки томчи сувдек жуда-жуда ўхшашлигини кўриб Константинов ҳайрон қолди.

– Нима, уни грим қилганмисизлар? – деб сўради.

– Ҳа. Бу борада Римочкамизнинг олдига тушадигани йўқ, – деб жавоб қилди Карлов. – Худди кўзгудан бокиб тургандек ўхшатишга жуда уста.

– Ақл бовар қилмайди, – деди Константинов вужудини қамраб олган ғайритабиий ҳаяжонни ҳис қилиб. – Сира ақл бовар қилмайди.

– Кино – ақл бовар қилмайдиган нарсаларнинг синтези, – деди беихтиёр кулиб Карлов, – Яқинда бир актёрим қазо қилди. Бош ролни ижро этаётган эди. Бор-йўғи икки-уч сахнани суратга олиш қолганди. Тасаввур қилингга? Фильмни бошқатдан олиш керакми? Иложи йўқ, чунки ҳеч ким пул бермайди. Шунда мен актёрнинг дублёрини топдим. Юз тузилиши бироз ўхшамаса-да, елкасидан қарасангиз худди аввалгисига қуйиб қўйгандек ўхшарди. Бир амаллаб профилдан учта сахнани суратга олдим. Бу ўрин алмашувни ҳеч ким, ҳатто тажрибали режиссёрлар ҳам пайқашмади.

Константинов кескин ўрнидан турди, костюмини кийди, беихтиёр чўнтагидан сигарета одиб чекди:

– Ўртоқлар, кечирасизлар, мен кетишим керак.

КГБга қайтгач, Константинов лифтни кутмади, ўз хонасига, бешинчи қаватга пиёда кўтарилди. Гмиря ва Проскуринни хузурига чақирди.

– Дубовга ўхшаш одам керак. Шу бугуноқ бизга «ўхшаш» одам керак. Эртага у Дубовнинг машинасига ўтиради. Ҳар куни эрталаб машинада қирғоқ бўйлаб институтга борадиган, вестибюлга чикиб, яширин йўл билан ёнимизга қайтиб келади, кейин соат олтида Ольгани ишхонасига бориб, уни уйига олиб кетадиган одамни топишимиз шарт. Бошқа иложи йўқ. Ольгани бу ишга жалб қиламиз. «Ўхшаш» одамни қачон топамиз?

– Ольгани кўндириш мушкул, – дея қаршилиқ билдирди Проскурин. – Ахир у ошиқи-беқарор бўлиб қолган-ку.

– Уни кўндиришни ўз зиммамга оламан, – деб жавоб қилди Константинов. – Аввало «ўхшаш»ни кидириб топиш керак. Ўша одам билан МРБни алоқага чиқишга мажбур қиламиз. Ҳар ҳолда менда худди шундай тасаввур пайдо бўляпти. Чамаси, улар Дубовни кўрмаётганликлари учун индашмаяпти. Дубов доим кузатаётганликларини айтганди-ку, ахир...

– Ўхшашни таниш осон, – деб таъкидлади Гмиря, – уларни алдай олмасак операция бутунлай барбод бўлади.

– Бу ўхшаш одамнинг маҳоратига боғлиқ, – деди Константинов. – У учун ракурс топамиз, Дубовнинг феъл-атворини пухта эгаллашни таъминлаймиз. Энди гап бундай. Мен МРБга Дубовнинг контроль имо-ишора берадиган жойларини ўрганиб чиқдим. Улар Дубовни қуйидаги маршрутларда алоқага чақираётганликлари маълум бўляпти: Садовое кольцо, Истирохат боғи, Ленин проспекти бу биринчи маршрут; иккинчиси эса Дорогомиловский кўприги, соҳил бўйлаб «Мосфильм» ёнидан ўтади. Университет кўчасидан тўғри Ленин

проспектига чиқади. Шундайми? Учинчи маршрут: Можайск шоссеси, кичик айланма йўлга бурилади. Галаба хиёбонидан ёнлаб Вернадский, ундан Ленин проспектига ўтилади.

– Тўғри, – деб сўз котди Гмиря.

– Ольга кўпинча Университет проспектидаги хиёбонда, кейин эса Горький номидаги истирохат боғининг «колоннада»си ёнида тўхтаганликларини айтди. Яна у машинага доим бир вақтда, институт ёнида ўтирганини ҳам маълум қилди. Бундан чиқдики, «паркплатц» ишораси худди шу ерда берилган. Юқорида қайд этилган кўчалардан бир вақтда; олтидан ўттиз минут ўтгандан еттига қадар ўтишган.

Гмиря билан Проскурин Константиновнинг сўзини диққат билан тинглашарди.

– Ольганинг эслашича, улар сешанба кунлари «колоннада» ёнига боришган, жума кунлари эса Университет проспектидаги хиёбонда тўхташган. Бугун душанба...

– Дубовнинг машинасига кимни ўтказсак экан? – Проскурин хўрсинди. – Унга ўхшайдиган одам йўқ. Шундай бўлгач, хомтамаликдан на фойда?

У Константиновнинг кўлидаги сигаретга сеҳрлангандек тикилди, генерал оғиз бурнидан кўкимтир тутун чиқариши ҳамон яна тамаки чекишга ҳозирланиб ўтирарди.

– Чекаверинг, – Константинов Проскуриннинг дилидагини осонгина укди. – Тамакисиз турулмайсиз-ку, ахир. Айтганча, Гавриков ҳозир қаерда?

Проскурин билан Гмиря бир-бирларига қараб кўйишди.

– Ҳа-я, – деди гап ташлаб Гмиря. – Ҳақиқатдан ҳам Дубовга ўхшашиб кетади. Фақат жуда тез ҳаракат қилади. Дубов эса аксинча, бошликларга ёқадиган улуғворликка таклид қиларди. Қўл остидаги ходимнинг вазмин бўлишини, сўзи билан иши бир бўлишини ҳар қандай

рахбар ёктиради.

– Очиғини айтганда, менга ҳам вазмин ходимлар ёқади, – деди Проскурин. – Бироқ барча вазмин ходимларни жосус деб ўйлаш сира ақлга тўғри келмайди.

– Тез ва кескин хатти-ҳаракат ҳам вайсакининг асосий, белгиловчи хислати эмас, – деб жавоб қилди Гмиря. – Гавриков ҳақиқатдан ҳам Дубовга ўхшайди, аммо, у ҳозир касалхонада.

«Серп и молот» заводида меҳнат қилган пўлат эритувчилар сулоласининг бири – Василий Феофанович Гавриков қўш ёстикда беҳол, ҳаётининг сўнгги дақиқаларини санаб ётар эди. У меҳнатда қабарган, устихонига ёпишган қўлларини зўрға қимирлатар, кўзларини охиста очарди. Эси ҳам кирди-чикди бўлиб қолган, бироқ, у ўзига келган чоғида синиқ овозда: – Димка, қаердасан? – деб шивирларди.

Катта лейтенант Дмитрий Гаврико:

– Дада, мен шу ерданман, – деб жавоб қиларди.

Ота тафтсиз кафти орасидаги ўғлининг бармоқларини кўкрагига босганча ҳаяжондан титрар, унинг кўкимтир лабларида табассум пайдо бўларди. Шу кунга қадар доимо суянчиғи бўлган, бошида парвона бўлган меҳрибон илик қўллар бугун хароратини йўқотган эди. Энди эса ота ўғлининг қўлларига қарам бўлиб қолган. Ўғлининг иссик кафтини кўкракларига босганида қалби тўлқинланиб ўлимтик чехрасида учқундек бўлса-да, ҳаёт жилва қиларди.

Отаси хушини йўқотганда Дима йўлакка чиқиб «Памир» тутатар, шунда киприкларида ёш томчилари пайдо бўларди. У гарчи ўзини йиғидан тийишга уринса-да, яқинлашиб келаётган оғир жудолик иродасига панд берарди. Ўғлининг кўзлари кизариб қолганини сезган ота: «Нега йиғладинг, ўғлим?» деб сўрарди. Нима деб жавоб қилиш керак? Мана уч ҳафтадирки, у отасига операция муваффақиятли тутаганини ва тез орада уйга жавоб беражакларини тўтидек тақрорлайди. Ота эса ўғлининг бу

ёлгон сўзларидан хурсанд бўлиб, унинг илиқ бармоқларини излаб, кафтлари орасига оларди.

Госпиталга ташриф буюрган Константинов Гавриковни йўлакда учратди. У дераза ёнида пешонасини металл рахга тираганича чамандек гуллаган хиёбонга боқиб турарди. Ҳаётдан кўз юмган меҳрибон отасини гуллар ва ям-яшил боғ ичра олиб ўтиб, каро ерга топширажагини ўйларкан, вужудини даҳшатли ҳиссиёт қамраб оларди. Онаси бунча тез отасини ҳузурига чорламаса? Ахир унинг қабри устига анвойи гуллар қўйишганига ҳали икки йил ҳам бўлгани йўқ. Ҳаёт бунчалик бешафқат бўлмаса...

— Салом Дима, — деди Константинов оҳиста, чекистнинг елкасидан кучиб. — Бемаврид келганим учун мени кечиринг.

У ўтирилди. Қаршисида генералнинг турганини кўриб ажабланди. Чунки бу ташриф кутилмаган ҳол эди. У тезда кўзларини артди:

— Дадам ҳали тириклар, — деди у.

— Дима, шундай пайтда ҳузурингизга илтимос билан келишимнинг ўзи уят. Лекин ўзга иложим йўқ. Ўрнингизни босадиган бошқа одам йўқ. Мавжуд вазиятда бу ишга жалб қилиниши лозим бўлган бошқа киши топилганда эди, ишонинг, сизни бемаврид безовта қилмаган бўлардим.

— Бирор ҳодиса рўй бердими?

— Ҳа. Гапимни диққат билан тинглай оласизми?

— Тинглайман.

Бир соатдан кейин Константинов Гавриков билан «Мосфильмнинг гримхонасига кириб келишди. Дубовнинг иккита костюмини ва кўйлак, галстуклари солинган жомадонни олиб келган Гмиря уларни қирқ минутдан бери шу ерда кутаётган эди.

Режиссёр Карлов (Ухов фильм билан боғлиқ бўлган ишлар билан банд эди) Гавриковни гримчи-рассом Римма Неустроева билан таништирди:

— Римочка, мана бу гўзал йигитнинг афт-ангорини

ўзгартириб берсанг. Дима бирор марта ҳам кинога тушмаган бўлсангиз керак? Оммавий сақнада иштирок этадиган аёллардан ўзингизни йироқ тутинг, йўқса миянгизни қокиб, қўлингизга тутқазишади. Фотосурат қани?

Гмиря ички чўнтагидан Дубовнинг суратини олди.

– У билан Пицундада бирга дам олганман, – деди Римма томдан тараша тушгандек ҳовлиқиб. – Жуда ажойиб киши. Фақат исми ёдимдан кўтарилибди.

– Игорь, – деди Гмиря, у ола-кула бўлаёзган кўзларини Константиновга тикди. – Бутун махфийлик расвои раддибало бўлиши турган гап, – Игорь Павлович.

– Йўқ, – деб жавоб қилди аёл. – Игорь эмас. Ҳозир эслайман... Танишларимнинг исмидан кўра фамилияси кўпроқ ёдимда сақланиб қолади! Хуллас, бу – Дубов!

– Сиз адашяпсиз, – деди Константинов. – Балки адашаётгандирсиз, суратдаги кишининг фамилияси Лесников, Игорь Лесников.

– Ҳеч тушунолмайд қолдим, – аёл елкасини учирди, сўнгра Гавриковнинг бошидан тутиб, кресло суянчиғига қўйди. – Майли, шунга ҳам ота гўри қозихонами... Ўзингизни бўш тутинг, илтимос, кўзларингизни юминг, ўзингизни бунча жиддий тутмасангиз?

Константинов ўқинчли нигоҳини Карловга тикди. У эса ўз навбатида генерални кўзларидаги маънони уқиб, Риммага мурожаат қилди:

– Дўндикчам, вақтимиз жуда тигиз.

– Агар шошилиб, қўл учида иш қиладиган бўлсам, бу киши Лесниковга эмас, аксинча Ринна Зеленнаяга ўхшаб қолади. Кўзларингиз нима учун бунчалик қизариб кетган? – деб сўради аёл Гавриковдан. – Кеча кўп ичган бўлсангиз керак?

– У ичмайди, – деди Константинов. – Унинг ташвиши бошидан ошиб-тошиб ётибди.

– Унда саҳнага қандай чиқасиз? Ташвишни камерадан яшириш мушкул. Любовь Петровнани грим қилганим

кечагидек ёдимда... Орлова, – деб изоҳ бера бошлади. – Ракнинг охирги палласи хуружга кирганига қарамай, вужудидаги оғрикни бутунлай унутиб саҳнага чикарди. У фақат бир нарсадан – азоб чекаётганини экран ортидаги томошабин сезиб қолишидан чўчирди. Тасаддуғинг кетай, ўзиям ҳақиқий санъаткор эди. Ахир, биз аёллар баъзи пайтларда сиркамиз сув кўтармайди-да. Азоб чекаётганимизни сира яшира олмаймиз. Яна: «Сиз эркаклар оғрикка дош беролмайсизлар» деб таъна ҳам қиламиз. Алқисса, эркак кишининг иродаси метин, ҳар нарсага дош беради. Очигини айтсам, шунинг учун ҳам аёлларни ёқтирмайман. Қани, бир жилмайнинг-чи, – у Гавриковга мурожаат қилди. – Жилмайнинг, жилмайнинг...

– Кулгисиз иложи йўқми, Римочка? – деб сўради Константинов.

– Иложи йўқ. Табассум кишининг чехрасини очади. Мен учун ишлаш анча енгил бўлади.

Гавриков базўр лабларини буриб, бироз жилмайди.

Константинов сигаретани текислаб, лаблари орасига қўйди, оғиз бурнидан кўкимтир тутун бурқситиб, тошойнага қаради.

– Менимча Димани Лесниковдан ажратиш амримаҳол, шундайми, Римочка?

– Ҳали ишни маромига етказганим йўқ. Димангизга ясама соч ёпиштирамизми ёки фон билан кўтарамизми?

– Тезроқ бўладиганини қила беринг.

– Тезроқ ва созроқ. Шошилган киз эрга ёлчимас, деган мақол бор. Нима, сиз янги актёрлар бўйича Евгений Павловичнинг ассисентимисиз?

– Консультант, – деб жавоб қилди Карлов. – Бу киши менинг консультантим бўладилар.

– Ҳойнаҳой, сиз ҳам актёрдирсиз? – деб сўради Неустроева Дима Гавриковнинг мўйлабига енгил андоза берар экан. – Бундай ўта тортинчоқлик билан саҳнага қандай чикасиз?

«Куриб кетгур, – ачиниш билан кўнглидан ўтказди

Константинов, — бирор нарса дейиш ҳам мушкул. Йигитнинг ўтакасини ёради-ку, ахир».

— Римчик, — деди яна Карлов Константиновнинг дилидан кечаётган ўйини сезиб. — Бир кунда минг тусда тобланадиганларнинг худосисан, ўн минут ичида Димани бизнинг ихтиёримизга топширишга улгурасан-а?

— Йўқ, Жони, хомхаёл бўлма! Санъат пала-партишликни сира ёқтирмайди. Биласизларми, Лесниковингизга ўхшаш ўша Дубов жуда-жуда ёқимтой, чехраси ҳам хушбичим, ўзига кишини оҳанграбодек тортарди, ҳозир эса бунинг тамоман акси бўляпти...

— Нима учун? — деб сўради Константинов.

— Тушунтириш мушкул. Физиономикани аллақандай тушунарсиз, сохта фан деб ҳисоблаганмиз, ҳозир ҳам шундай... Ҳиссиётни сўз билан ифодалаб бўлмагани каби буни ҳам тушунтириб беролмайман.

— Унинг оғзи пўла, — деб илмоқ ташлади Гмиря, — эркак кишининг оғзи бурро бўлиши керак, уники эса пўла.

— Тўғри, — деб тасдиқлади Римма. — Кўзлари ҳам галати... Кишининг ички дунёсини унинг кўз қорачигидан билиб олса бўлади. Фақат яқиндан тикилишнинг ўзи кифоя. Одабийликни белгилайдиган рўё мана шу қорачида кўзгудек акс этади...

Константинов соатига қараб қўйди. «Ольга ҳозир Москвада, уни бу учрашувга тайёрлаш жуда мушкул. Зимдан иш кўриш лозим. Фақат саросимага тушмаслик керак. Йўкса, барча иш чилпарчин бўлади. Ҳозирча ҳаммаси кўнгилдагидек кетяпти. Ҳаммаси жойида бўлади. Биз уларни фoш этамиз. Бу дўндикча кўп гап сотмай, йигитнинг ўксик дилини чўқтирмай, тезроқ гримни тугатса-чи...»

...Проскурин истеъфодаги подполковник Сидоренко билан телефон орқали боғланди. У санаториядан уйига қайтди, Эшикни очиб, остонада Дубовнинг костюмини кийиб олган Гавриковни ва Константинов билан Гмиряни кўрди:

– Салом Серёжа, – деди у.

– Бу киши Серёжа эмас, – деди Константинов. – Салом подполковник, ўз вақтида келганингиз учун ташаккур. Бу Дубов эмас, – деб такрорлади у хайратдан тош туриб қолган Сидоренкога, – бу бизнинг ходимимиз, танишинглар.

Гавриков Константиновга иккиланиб қаради. Ўз фамилиясини очик айтаверсинми?

– Катта лейтенант Гавриков, – деди Диманинг жонига оро кириб Гмиря. – У ҳам контрразведкадан.

– Дубов қа-ер... – Сидоренконинг сўзи оғзида қолди. У меҳмонларни ичкарига таклиф қилди. Улар гўё аёл кишининг пардозидан чиққан ораста, сервантга чиройли чиннилар териб қўйилган, ўрин ва ёстиқлар устига гулдор чойшаб ёпиб қўйилган катта ховлига киришди.

– Подполковник, биз бу ерга Гавриковга кўмак беришингизни илтимос қилгани келдик, – деди Константинов. – Дубовнинг юриш-туришига қандай таклид қилишни зимдан кузатиб, маслаҳат берсангиз, унинг эътиборга лойиқ жами хислатларини ўзида жо қилишида Гавриковга ёрдамлашсангиз... Одатда кишининг хислатлари унинг ўтириб-туришида, ётишида, юришида, овқатланишида намоён бўлади.

– Ўртоқ генерал, ижозат берсангиз госпиталга бир қўнғироқ қилиб олсам? – деб сўради оҳиста Гавриков.

– Эҳ-ҳа, хаёлдан кўтарилганини қаранг. Дима, узр, албатта мумкин.

Гавриков йўлакка чиққанида Сидоренко:

– Дубовни камадингларми? – деб сўради.

– Ҳа.

– Асл нусхани дублёрга кўрсатишнинг иложи йўқ, шундайми?

– Подполковник, у ҳибсга олинган пайтда ўзини ўзи ўлдирди. Бу ҳақда фақат сизга айтяпмиз. Мен ёлғон гапира олмайман, тушунгандирсиз? Ёлғонни жиним ёқтирмайди.

– Серё... Дубов бироз семиз эди. Дублёрни яхшилаб

бокишингиз керак, — деди Сидоренко. — Очиғини айтганда унга эгизакдек ўхшар экан.

Гавриков хонага қайтиб кириб, стул четига омонатгина ўтирди. Сўнгра:

— Чексам майлими, ўртоқ генерал? — деб сўради.

— Бемалол, Дима. Дадангизни соғлиғи қандай экан?

— Бир нави. Мени сўраётганмиш.

— Тўрт соатдан кейин унинг ёнига қайтасиз,

— Мен тайёрман, ўртоқ генерал.

— Отангизга нима бўлди? — деб сўради Сидоренко,

— Ошкозон ости раки... Балки мен юриш, туриш ва чекишда Дубовга таклид қилишни бошларман, сиз эса тахлил киласиз... — деди Гавриков.

— Серё... эҳ, хаёл курсин, Дубов жуда ғалати чекарди, — деди Сидоренко. — У тамакидондан сигаретани заққонлик билан чиқариб кўрсаттич ва ўрта бармоқлари орасига олиб, лабининг чап томонига кистирарди, сўнг эса чуқур тортарди.

— Шерифлар шундай чекишади, — деди Гавриков, — болаликда, кинода кўрганимизда, уларнинг хатти-ҳаракатларига таклид қилардик. Яна у ўрнидан турганда икки кафтини тиззаларига тираган бўлса ҳам керак?

— Худди шундай, — деди Сидоренко, — куйиб кўйгандек унга ўхшадингиз-қолдингиз...

— Салом, Ольга, — деди Константинов қизни кабинетга киргизаркан. — Мархамат, танишинглар.

Қиз Гавриковга хайрат билан термилиб қолди. Сидоренконинг нимқоронғи йўлагига ҳар хандай киши ҳам гримни сезмаслиги аниқ.

Ҳозир эса Дима куёш нури тушиб турган ёруғ хонада ўтирарди. Қолаверса, қизларнинг кўзлари сезгир бўлади. Шу боисдан ҳам Ольга қаршисида турган кишининг грим қилинганлигини дарров илғади.

— У Серёжа эмас, — деди қиз ғалати оҳангда. — Йўқ, Серёжа эмас. У укаси ёки акаси бор эканлигини сира айтмаганди.

– Тўғри унинг акаси ҳам, укаси ҳам йўқ. Ольга Дубовнинг машинаси охириги марта қаерда, қайси кўчада тўсатдан тўхтаб қолган эди, ёдингиздами?

– Нима? – чамаси қиз саволни тушунмади, у хайратли нигоҳини ҳамон Гавриковдан узмасди. – Нима деяписиз?

– Ёдингизда бўлса, аввалги учрашувимизда, мотор ёмон ишлаётганини, сиз эса Дубовнинг ўрнига ўтириб, ўт олдиришни улаганингизни гапириб бергандингиз.

– Ҳа, тўғри.

– Ўтган сешанба куни Истирохат боғи ёнидаги «колоннада» рўпарасида «тўхтаб қолгандинглар», тўғри айтдимми?

– Ҳа, худди ўша ерда! Худди ўша ерда мотор икки марта ўчиб қолганди. Ҳатто Серёжа, «Аксига олгандек шу ерда ўчади-я» деб ҳазиллашганди ҳам. Серёжа қани?

– Биз уни камокқа олдик.

– Нима?! – кизнинг кўзлари хиёл қисилди, бармоқлари билан чаккасини чангаллади,

– Серёжа жосус!

– Йўқ!

– У сизга Ольга Винтер ҳақида гапирган эдими?

– Ким ҳақида? Ким у?

– Ўша аёл Дубовнинг ким эканлигини сезиб қолгани учун ҳам Серёжа ўлдирди. Мотам кунининг эртасигаёқ у сизни қахвахонага таклиф қилди. Ҳа, ҳа, Пицундада сизни қахвахонага таклиф қилди. Бунақа сўзлар билан киши ҳазиллашмаслигини яхши тушунарсиз деб ўйлайман. Шу сабабдан ҳам сизнинг ёрдамингизга суянамиз...

– Олдинги сафар менинг кўмагимга мухтож эмасдинглар, шундайми? Унда менга ишонмагандинглар, энди эса синаб кўрмокчимисизлар?

– Агар сизга ишонмаганимизда, зиғирча иккиланганимизда мен бу ҳақда оғиз очмаган бўлардим.

– Менга бўлган ишончингиз учун ташаккур, – деди Ольга кесатиб, кўзлари янада қисилди, бокишлари совук тус олди, – ишончингиз учун ташаккур, Аммо мен сизга

ишонмайман.

Константинов соатига қараб олди. «Колоннада»га боришга бир соатдан камроқ вақт қолганди. Устига-устак Гавриков ҳайдовчилик гувоҳномасини яқинда олган, олдин Дубовнинг «Волга»сини ҳайдашнинг ҳавосини олиши, кўникма ҳосил қилиши лозим.

– Ишончингизни қозониш учун нима қилишимиз керак? – деб оҳиста сўради Гавриков.

– Мени Дубов билан юзлаштиришсин. Унинг кимлигини ўз оғзидан эшитишни истайман. Агар алдамаётган бўлсанглар, барча илтимосларингизни бажаришга тайёрман.

– Қатъийлигингиз менга ёкди, Ольга, – деди Константинов. – Жаҳлингиз чиқиши табиий. Айни вақтда ўзингизни окламоқчисиз, қизлик ғурурингизни ҳимоя қилмоқчисиз.

– Машинага юр, – деди Гавриков. – Бир соатдан кейин бунга ишонч ҳосил қиласан. Ишончинг комил бўлади.

– Нима, қўлларига кишан тақилган Серёжани машинада олиб келишадими? – Қизнинг лабларида аччик кулги пайдо бўлди.

– Йўк, Дубов нима учун «колоннада» рўпарасида 302 сени рулга ўтириб, статёрни ёкиб туришингни сўраганига тушунасан, – деди Гавриков.

– Нима, нима?

– Сизларнинг ёнингиздан дипломатик номерли машина секин ўтади. Бунга бир соатдан кейин ишонч ҳосил қиласиз, – деди Константинов.

– Дипломатик номерли машиналарни Москванинг истаган кўчасида учратишингиз мумкин.

– Бироқ, мен элчихонанинг машиналаридан бири ёнингиздан оҳиста ўтадиган вақтини аниқ айтаяпман, Оля. Бу тасодиф эмас, одат тусига кирган. Дубов сизни ўз машинасида ўйинчоқдек олиб юрган.

– Мен ўйинчоқ бўлмаганман!

– Ольга, агар бизнинг илтимосимизни рад этсангиз,

одамларнинг кўзига тик қарашга ор қиласиз, уяласиз! – Константинов сигарета олиб чекди. – Ҳозир Гавриков билан «колоннада» рўпарасига бориб, яна қайтиб келасизлар. Сиздан бошқа ҳеч нарса сўрамаяпмиз.

– Бормайман.

– Дубовга қандай саволни берган бўлардингиз?

– Мен унинг кўзларига тик боқиб: «Шу гаплар ростми, Серёжа» деб сўрардим ва у менга барчаси бўхтон, тухмат деб жавоб берарди.

– Сиз унинг сўзларига ишонасиз-у, бизнинг далилларимизни сарик чакага олмайсизми?

– Қандай далилни назарда тутаяпсиз?

– Жосуслар марказидан йўлланган радиogramма мисол бўла оладими?

– Кўрсатинг.

Константинов иш столидан кўкиш жилд олиб, қоғозларини титкилади ва МРБнинг разведка Маркази йўллаган сўнгги радиogramмани қизга узатди.

– Мана бу шифровкада сизнинг таржимаи ҳолингизни сўрашган. Ваҳоланки, сиздан онангиз ёки бувингизнинг қизлик фамилиясини сўрамадим. Дубов сизни ЗАГСга таклиф қилиш йўли билан буни билиб олган.

Соат 18.30 да Истироҳат боғи «колоннада»си рўпарасида «Волга»нинг моторини тузатиш билан овора бўлаётган «Дубов» ёнидан Лунс ўз машинасида ўтиб кетди. Ольга охишта аввал соатига, сўнг эса машина номерига қаради. Кейин йиғлаб юборди. Қиз унсиз, ўкинч билан йиғларди, унинг киприклари орасидан болаларники каби йирик-йирик кўз ёшлари сизиб чиқди...

Сешанба куни эрталаб соат 7.15 да МРБнинг разведка маркази алоқага чиқди. «Доно»га йўлланган шифровкада қуйидагилар баён этилган эди: «Ҳурматли биродар, сизни шартлашилган ерда кўрганимиздан беҳад хурсандмиз. Демак ишларингиз жойида. «Парк» объектига чиқмаганимизни «паркплатц» даги машинангизда сизни кўрмаганимиз ва яна паркда томошабинлар бордек бўлиб

туюлгани билан изохлаймиз. Ахборот алмашинувини пайшанба кунига, белгиланган соатга «Мост» объектига тайинладим. Бу учрашувга тайёр эканлигингизни соат 18.30 дан 19.00 га қадар «Болалар» назорат объектига лаб бўёғи билан чизилган чизиқ орқали ишора қиласиз.

Дўстингиз «Д».

Константинов Гмиряга маъноли қаради:

– Уларни чалғитишга чалғитдик, энди бу жин ургур «Болалар» объекти қаерда бўлди?

Ольга Вронская Гавриков билан бир неча бор Москва бўйлаб сайр қилганига қарамай, бу саволга жавоб бера олмади.

– Агар биз эрталабгача ва эртага кун бўйи бу «Болалар» объекти билан жиддий шуғулланмасак, – деди Константинов ярим кечада чекистларни ҳузурига тўплаб, – сарик чақалик кадр-кимматимиз қолмайди. Зотовни ҳалок қиламиз, Славинни озод этолмаймиз!!!

Славин

«Орадан олтмиш соат ўтди. – Қоронғу камерадаги тор ўринда ётган Славин ўйга толди. – Ўн икки соатдан кейин терговга олиб чиқишлари шарт. Мени бу ерда ортик ушлаб туришолмайди. Чунки тўс-тўполон бўлиши турган гап».

У бармоқларини кимирлатиб кўрди. Томирлари ҳали увишиб қолмабди. Чунки билакларидаги кишан терини қийиб юборган эди.

«Глэбб ўзига ортикча баҳо бериб юборди. – Славин хотиржам ўйга берилганди. – У икки марта ўзига ортикча баҳо берди. Зотовнинг хонасига передатчик билан бирга шифр жадвалларни яшириб бир хатога йўл қўйди. Иккинчи бор эса мени Лоренсни ўлдирганликда айблаб, ўзига-ўзи

панд берди. Нахотки, Пол ҳам улар билан ҳамкор бўлса? Бўлиши мумкин, ҳаммаси бўлиши мумкин. Чунки ичкиликка берилганлар орасида виждонини ҳам арокка қўшиб ичиб юборадиганлар йўқ эмас. Фақат иродаси мустаҳкам кишигина ҳар қандай шароитда виждонига зид иш қилмайди, одамийлигини йўқотмайди. Полнинг эса иродаси бўш. Ёки ундан ҳаммол сифатида фойдаланишмоқчими? Майли, бўлар иш бўлди. Энди бутун умид Москвадан, илойим уларнинг иши ўнгидан келсин. Ўшанда булар оёғи куйган товукдек типирчилаб қолишади. Дубов Пиларнинг макр-у хийлаласига учиб, домига илинганлигига шубҳа йўқ. Чамаси, у атрофингда парвонадек гирдикапалак бўлиб, ўзига мойил қилишга жуда мохир кўринади. Эс-хуши ҳам жойида, артистликни ҳам ўрнига қўяди. Бу ерда артистлик билан тирикчилик қилиш мушкул. Қаёққа қарама қашшоклик, кўнгилга томоша сиғадими? Лоренсни у – Глэбб ўлдирган. Шон-шавкат шундай бурнининг остида туради-ю, одам ўлдиришга ийманадими?! Дубовнинг ҳам измида бўлишини истаётган Глэбб қиёси йўқ профессионал, аниқ ва дадил иш кўради. Аммо ўзига ортикча баҳо беради... Манманлик, ҳар бир ишда ўзини кўрсатиш юз йил бурунги, эскирган усул. Қизиқ, улар менга қандай тухфа хозирлаб қўйишганийкин?! Улар нимадир таклиф қилишлари шарт. Ўзларига оғдириб олишмоқчими? Гўллик. Лоренснинг ўлимини менинг гарданимга қўйишмоқчими? Далиллари йўқ. Эшик яқинига борганим, уни тақиллатганим ҳам йўқ. Қолаверса, Глэбб хонамдаги эшик дастаги ва кулфини Лоренс апартаментидаги эшик кулфига алмаштириб қўйишдан ҳам тоймайди. Қизиқ, хонамнинг ижара ҳақини ким тўларкин? – Славиннинг чехрасига табассум югурди. – Глэббга бўлган даъвоимни очик айтаман. Хонамнинг ижара ҳақини МРБ тўласин. Уларнинг мухбирларини бир калака қилсам-қилибманда. Қизиқ, Пиларнинг Зотов билан бирга турган суратини кўрган Глэбб қандай ҳолатга тушаркин. Зотовнинг хонасига доимо кўз-қулоқ бўлиб

турганликларига қарамай, Зотов билан Пилар ўртасидаги суҳбатдан огоҳ деб саросимага тушишади. Бирок Москвадаги муаммо ҳал бўлмагунча Зотовни ҳибсда тутишлари аниқ. Одамларимиз МРБ агентини иш устида фош этсалар, Глэбб ва унинг ҳамтовоклари оёғи куйган товукдек питиллаб қолишади. Сабр қилиш керак. Беш кун қамокда ўтириш даҳшат, ўйласам юрагим орқага тортиб кетаяпти, аммо сабр қилиш керак.

Зотовнинг касалхонада эканлиги ҳам бир томондан яхши. Бу ерлик корчалонлар нималарга қодир эканлигидан у беҳабар. Нагонияга жўнатилаётган юклар борасида орамизда бўлиб ўтган суҳбатдан ёлғиз у хабардор эканлигини дастак қилишса нима деб-жавоб қилади? Бундай тазйиққа бардоши етармикин? Ўзини ҳимоя қилишга иродаси етармикин? Нима учун мени терговга олиб боришмаяпти? Яна қандай қаромат кўрсатишмоқчи?»

... Уни терговга чақиришмади – камерага Стаунинг ўзи келди.

– Жаноб Славин, келинг очиқчасига гаплашиб олайлик.

– Буни қандай тушунмоқ керак?

– Ўйин бой берилгани фаҳмига етмоғингиз лозим.

– Қандай ўйинни назарда тутаяпсиз?

– Сизнинг ўйинингизни.

– Сиз билан гаплашадиган гапим йўқ. Фақат консулимиз иштирокида савол-жавоб қилишим мумкин.

– Тўғри йўл тутаётганингизга ишончингиз қомилми?

– Мутлақо.

– Яхши, консуль учрашувлар хонасида кутаяпти. Юринг. Яна бир бор сўрайман. Менга бирор-бир илтимосингиз борми? Талабингизни қондиришга қафолат бераман. Чунки менинг дўстларим сизни метин иродали, деб билишади. Маълумки, бундай кишиларнинг ўзига яраша кадр-қиммати бўлади, шундай эмасми?

– Худди шундай. Кетдик.

Қамоқхона йўлаклари ҳаддан ташқари ёритилганди, чироқларнинг ўткир нурлари икки ярим кундан бери нимкоронғу камерада ўтирган Славиннинг кўзларини қамаштирди.

– Мартабангизнинг тагига сув кетиши мумкин, – деди Стау, – хибсда ўтирганларга қандай муносабатда бўлишларидан беҳабармисиз?

– Нима учун? Ёзадиган киши учун турмадаги кечмишнинг зараридан фойдаси кўп. Эркинликнинг қадрини туб мағзи билан англайди.

– Жаноб Славин, мен контрразведкадаги тутган мавқеингизни барбод бўлганлигини таъкидламоқчиман. Бизнинг турмада ўтириб чиққанларга КГБ қандай муносабатда бўлишларини жуда яхши биламиз.

– Қандай?

– Ўзингизни тутишингизга ҳавасим келяпти. Шундай бўлгач консуль билан эмас, балки ақлли ва кўзга кўринган бирорта танишимиз билан учрашишни маслаҳат берардим.

– Қанча маош тўлашади?

– Кечирасиз, тушунмадим.

– Ўқиб беришим лозим бўлган баёнотга қанча пул оламан.

– Биринчидан сиздан қандай баёнот кутишаётганидан ҳали беҳабарсиз. Сизнинг бўйнингизга қўйилаётган айбнинг оқибати оғир. Шу боисдан ҳам сукут сақлаганингиз маъқул, жаноб Славин. Тушунарлими? Тилингизга маҳкам бўлсангиз ишни босди-босди қилишимиз осон бўлади. Бизнинг ниятимиз ҳам шу. Сизни бетараф этиш – жуда мушкул юмуш. Бу эса эслаш қобилиятингизга боғлиқ, жаноб Славин, ўшанда сизни бу ердан олиб кетишади. Ўзингиз айтганингиздек, ақли расо, ҳолисона ёрдам берган кишига қанча ҳақ тўлаш лозим бўлса, шунча тўлашади.

– Тахминан қанча? Юз мингми?

– Сўзларингизни гаров сифатида маълум қилишим мумкинми?

– Жаноб Стау, агар сўзларимни ёзиб олиб, ундан гаров тариқасида фойдаланмоқчи бўлсангиз, катта зарбага учрайсиз.

– Қанақасига?

– Айтмоқчи бўлган гаимм шу, бошқа ҳеч нарса демайман.

Учрашув хонасида консуль билан бирга прокуратура вакили ва ташқи ишлар министрлигининг амалдори ўтиришарди.

– Салом, Виталий Всеволодович, – деди консуль. – Сизнинг ноҳақ ҳибсга олинганлигингиз ҳақида баёнот бердик. Ташқи ишлар министрлиги сиз билан прокурор ходими иштирокида учрашишга рухсат беришди. Рўй берган ҳодисани қандай изоҳлайсиз?

– Ҳозирча айтадиган гаимм йўқ.

– Бу нима деганингиз? – деди консуль таажжубланиб.

«Ҳовликма дўстим, ҳовликма, – дея кўнглидан ўтказди Славин. – Кўзларимга диққат билан қара. Ортиқча ҳиссиётга берилмай, сўзларимнинг маъзини чак, ўшандагина ишимиз ўнгидан келади».

– Мени ҳибсга олишлари қандайдир англашмовчилик деб ўйлайман, – деди оҳиста Славин.

– Бу ерда чиқадиган бир қатор газеталар, шу жумладан «Пост» сизни аллақандай совет жосуси гуруҳига алоқадорлигингиз полиция томонидан фош этилганлиги ҳақидаги мақолани босибди. Бу гапга нима дейсиз?

– Исбот килишсин.

Прокурор ташқи ишлар министрлигининг ходимига қараб қўйди. Тамаки тутатди. Оёқларини узатиб стол суянчигига суянди. Сўнгра босиклик билан:

– Қамокқа олинганлигингизга норозилик билдирмоқчи эмасмисиз?

– Ҳеч ким қамокқа олинганлигим ҳақидаги ордерни кўрсатгани йўқ. Ҳибс этганликларини эълон қилишди, холос. Менимча бунинг орасида ер билан осмонча фарқ бор. Бирор гувоҳингиз борми? Ёки далилингиз борми?

Балки гувоҳ сифатида Қўшма Штатларнинг граждaнлари Пол Дик сўроқ қилингандир. Ёки Жон Глэбб?

– Кирдикорларингизга аниқлик киритиш билан шуғулламаймиз, деди прокуратура ходими уни чўрт кесиб. – Қонунларимизга хилоф иш қилганликда, жосусликда айбланасиз, шунинг ўзи кифоя.

– Йўқ, кифоя эмас. Полиция ходимлари бу жиноий ишни қўзғашдан қандай мақсадни қўзлаганликлари менга қоронғи, бироқ, фикри ожизимча, уларнинг манфаатлари давлат аппаратидаги айрим гуруҳнинг–айни вақтда ташки ишлар министрлигининг манфаатларига тамоман зид...

– Биз мавзудан четга чиқаямиз, – деди прокуратура ходими яна унинг сўзларини чўрт кесиб. – Консулингиз сиз билан учрашувни талаб қилди. Биз унинг илтимосини қондирдик. Сизни калтаклаганлари йўқ, инсоний муносабатда бўлишяпти.

– Агар кишaнни ҳисобга олмаса, сўзларингиз тўғри, – деб таъкидлади консуль.

– Бу қўл кишани, – деди Стау гўё мўъжиза кашф этгандек.

– Ўйлайманки, айтадиган бошқа гапингиз йўқ, шу боис учрашувни яқунлаймиз, – деди прокурор. – Яқин беш кун ичида гуноҳингиз эътироф этилади.

«Эртaроқ эътироф этишлари лозим, – деб ўйлади Славин. – Нега пайсалга солишяпти. Агар катта шов-шув кўтаришни, бу ерда ишлаётган ходимларимизни қувғинликка солишни истаётган бўлишса, айбдорлигимни қош этишни бунчалик пайсалга солишмасди. Бунча ҳовлиқмасангиз, қора малайлар? Оганонинг тажовуздан манфаатдор бўлган бирорта ҳукумат одамининг оғзини пойлашяптими?»

– Жаноб прокурор, – деди Славин учрашувлар хонасининг ўртасидаги полга қокилган табуреткадан қўзғалиб. – Мавжуд далилларни қачон ва кимга беришим мумкин? Ахир, менда ҳам далиллар бор ва улар ишончли жойга яширилган. Мендаги далиллар бу томошага тамоман

бошқача тус беради. Ҳар бир иш, ҳатто тажовуз ҳам мукаммал бўлиши лозим, жаноб прокурор. Сизнинг чет эллик консултант... дўстларингиз кўп жихатдан ишни хом қилишган. Менинг гарданимга қўйилаётган гуноҳ Зотовнинг кирдикори билан бевосита боғлиқ бўлганлиги учун бу жиноий ишни биргаликда кўрилишини истардим, ваҳоланки, бу сийқаси чиққан, маъно-мақсади йўқ томоша эканлигининг фаркига наҳотки бормаётган бўлсангиз?! Кўшимча қилмоқчи бўлган гапларим шу...

«Бир зир югуришсин, – деб ўйлади Славин ортидан камера эшиги тарақлаб ёпилганида, – вақтларини бекор ўтказмай хотиржам ўтириб, сўзларимнинг мағзини чақишсин. Ташки ишлар министрлигидагилар каштанларни фақат ўт тушгандагина ташишни кўзлаган маймунлар мисоли Глэббнинг оғзини пойлашни исташмаса, бир зир югурсин. Консуль билан учрашувимиз яхши бўлди. Москва бутун чора тадбирни кўради. Фақат чигал ечилса, бас...»

«Пост» газетасининг оқшомги сони «Русларнинг тоталь жосусликларига қачонгача сабр-тоқат қиламиз? Рус айғоқчилари қачонгача инженер Зотовнинг хонаси ёнида қоровуллик қилишади? Америкалик савдогар Лоренснинг ўлдирилишини уюштирганлардан бири деб фараз қилинаётган Славиннинг кирдикорлари нима учун ҳанузгача фош этилмаяпти? Нима учун ҳукумат очикдан-очик, сира иккиланмасдан: Кремллик жаноблар, давлатимизнинг азалий мустақиллигини ҳурмат қилинг, йўқса ўз одамларингизни олиб чиқиб кетинг, қонунларимизни бузаётган кишиларни кўргани кўзимиз йўқ! – деб айтмайди?»

Кечқурун Пол Дик телевидение орқали баёнот берди. Унинг рангида-ранг қолмагани, у силтаб-силтаб гапирди:

– Ҳозиргина Виталий Славиннинг шаънига налойик тухмат қилинганининг гувоҳи бўлдим. Халойик, фақат ҳақиқатни билишни истайман. Лоренснинг ҳузурига боришни Славинга мен таклиф қилдим. Лоренсга телефон

қилган ҳам мен. Бутунлай номаълум ва кўршапалакдек ғойиб бўлган бир малай мени телетайпга чақиришаётганини айтди. Навбатчи «Сизни элчи муҳим бир масалада шошилишч равишда чақиряпти» деган мавзудаги телефонограммани қўлимга тутқазди.

Элчихонага шошилдим. Бироқ элчи мени чақирмаган ва ҳал қилиниши лозим бўлган ҳеч қандай муҳим масала ҳам йўқ эди. Шу боисдан ҳам Славинни ёлғиз қолдиргандим. Акс холда, марҳум ётган хонага иккаламиз киришимиз лозим эди.

Мен мистер Славинни Роберт Лоренснинг хонасига киритмоқни айрим шахслардан бири уюштирганини таъкидламоқчиман. Рўй берган қотилликка унинг ҳеч қандай алоқаси йўқлигини яна бир бор таъкидламоқчиман.

Славин эътиқод қиладиган ғоя мен учун бутунлай ёт. Шу кунгача уни рақибим деб биламан. «Шу кунгача» деганда мен урушдан кейинги даврни назарда тутяпман, чунки, қирқ бешинчи йилда бизлар қуролдош иттифоқчилар эдик. Лекин шунга қарамай, ҳозирги қалтис даврда ўйин қоидаларига риоя қилишни талаб қиламан. Ҳаёт бир марта берилади. Бошимиз танк раҳига урилмасидан бурун қадамимизни ўйлаб босайлик. Бу гапларни мен — махсус муҳбир Пол Дик айтяпман ва сўзларимнинг юз фоиз тўғрилигига калима келтираман.

Тонг саҳарлаб унинг хонасига Глэбб кириб келди:

— Пол, эс-ҳушингизни йиғиб олинг, — деди у саломаликни ҳам насиё қилиб, — Славиннинг ҳузурига махфий маълумотлари билан келаётган икки агент, Нагония чегараси яқинидаги отишма вақтида ўлдирилган. Уларни кўзим билан кўрганим йўқ, аммо Лоренснинг апартаментидан ўғирланган ҳужжатлар ҳақидаги ҳисоботни Славинга егказмоқчи бўлганликларига сира шубҳа йўқ. Сиз эркинлиги ва бошқа бало-бадтарлар ҳақида гапирганингиз майли, лекин калима келтиришингизга зарурати бормиди?

Степанов

«Бундан уч кун муқаддам Нагония халқ милицияси органлари шаҳар электростанциясининг уч ходимини: икки асбобсоз ва бир созловчини қамоққа олди.

Бугун кечкурун маҳбуслар прокуратурага келтирилди. Бу ерга таклиф қилинган Нью-Йорклик Жимми Рэйвза, марокколик Халеба Ар-Рауд ва сизнинг мухбирингиз иштирокида матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Матбуот конференциясидан кейин бизлар «Континенталь» меҳмонхонасига шошилдик. Бир вақтнинг ўзида муфассал ахборотимизни жўнатдик. Халеба Ар-Рауд материали айрим қисқаришлар билан босилди. Жимми Рэйвзанинг репортажини эса ўзи айтганидек бутунлай қисқартириб, ўн сатргина қолдиришди ва уни майда ҳарфлар билан ўн бешинчи саҳифада, «Нагонияда Грисо ҳукумати билан норози бўлган шахсларни қамоққа олиш давом этаяпти» деган сарлавҳа остида чоп этди. Матбуот конференцияси ҳақидаги тўлиқ ҳисобот беришни ўз бурчим деб биламан.

«Рэйвза. Сизни нима учун қамоққа олишди?

Веласко (электр станция созловчиси). Мени Ганс Крюгер билан алоқада бўлганлигим учун қамашди.

Кристофоро (электр станция техниги). Мени эса МРБнинг Луисбургдаги разведка марказининг радиоэшиттиришларини қабул қилаётган вақтимда қамоққа олишди.

Диаш (электр станция техниги). Мени Хитой элчихонасининг матбуот бўйича мухтор вакили Го Иня билан яқин муносабатда бўлганим учун ҳибсга олишди.

Ар-Рауд. Го Иня билан алоқада бўлишдан қандай мақсадни кўзлаган эдингиз?

Диаш, Унга Нагониянинг иқтисодий бойликлари ҳақидаги маълумотларни бераётган вақтимда ҳибсга олишди.

Степанов. Бундай маълумотларни тўплашни сизга ким буюрди?

Диаш. Го Иня. Руслар ёрдам беришни тўхтатса, қанча вақтгача иқтисодий камалга бардош беришимиз мумкинлиги кизиқтирганди, уни.

Рэйвза. Иня билан қачондан бери олди-берди қиласиз?

Диаш. Икки ойдан бери.

Рэйвза. Хизматингиз эвазига ҳақ тўлашгандими?

Диаш. Вундай саволга жавоб беришдан бош тортаман.

Ар-Рауд. Жаноби Кристофоро, МРБнинг Луисбургдаги разведка марказига қандай маълумотлар бериб турган эдингиз?

Кристофоро. Мен ҳали ҳеч қандай маълумот бериб улгурмадим. Улар радиостанция, телевизион марказ ва ҳарбий казармаларни электр энергияси билан таъминлаш системаси билан кизиқишаётган эди.

Рэйвза. Сизни ким ўз домига илинтирди?

Кристофоро. Менга ўзаро ҳамкорлик қилишни Луисбургда – Жон Глэбб таклиф қилди. У ҳозирги режимнинг ҳокимият тепасига келгунига қадар мамлакатдаги электрокомпаниянинг акционери эди. Глэбб билан унинг қўл остидаги фирманинг иши юзасидан Нагонияга келган вақтимда танишганман. Жон Глэбб бевосита олмос кони эҳтиёжи учун электр энергия бериши лозим бўлган иккинчи электростанциясини қуришни режаллаган эди. «Ворлдз даймондс» фирмасининг Луисбург билан чегара районларида олмос ўрамлари қидириш ишларини давом эттириш мақсадида Жон Глэбб билан Шанц бу ерга лойиҳачи-инженерларни олиб келганди. Мен йўл кўрсатувчи бўлгандим.

Ар-Рауд. Шанцни танийсизми?

Веласко. Европалик легионерлар бевосита шу одамнинг раҳнамолиги остида Марио Огано ихтиёрига юборилади. Крюгернинг эътироф этишича, Шанц МРБдагилар билан калин дўст. У яна менга «Зепп Шанц – буюк ҳомий, МРБнинг корчалонларидан бири бўлган америкалик қариндоши ҳам бор. Яқин кунлар ичида у бу ерга ташриф буюради», деб айтганди.

Степанов. Зепп Шанд кариндошининг исми шарифи сизга маълумми?

Диаш. Крюгер унинг исми шарифини бизга айтмаган.

Степанов. Демак Крюгер уни танир эканда?

Диаш. Буниси менга қоронғу.

Рэйвз. Маълумот тўплашдан бўлак бошка ҳеч қандай топширик олмаганмисиз?

Диаш. У фавқулудда кўриладиган чора-тадбирга доим шай бўлиб туришимни тайинлаган.

Рэйвза. Қандай чора-тадбирлигини очик айтмагандими?

Диаш. Охирги учрашувимизда Крюгер индинга уч киши Оганонинг қароргоҳидан динамит олиб келишини айтганди. Мен бу динамитларни уйимда яшириб қўйишим лозим эди. Бироқ у шахсан менга бирорта тажовуз ёки боскинчиликда қатнашиш ҳақида оғиз ҳам очмади. Дастлабки тергов вақтида ҳам буни қатъиян рад этдим.

Ар-Рауд. Тергов пайтида сизга нисбатан куч ишлатишдими?

Диаш. Йўқ.

Рэйвза. Унда нима учун айбингизга иқроф бўлдингиз?

Диаш. Кўкрак чўнтагимдан Крюгер берган қўлланмани топишгандан кейин, нимага ҳам айбимга иқроф бўлмай?»

...Хуллас, Рэйвза йўллаган хабарни Американинг ҳеч бир вақтли матбуоти босмади.

Нима учун? Чунки бундай руҳдаги ҳар қандай ахборот МРБнинг Нагонияга қарши уюштираётган тажовуздан далолат беради.

Зепп Шанд хусусида. Ҳақиқатдан ҳам унинг қариндоши бор. Унинг исми шарифи – Жон Глэбб. Бу тоифадаги ғалати қариндош-уруғчилик ҳақида америкалик киножурналист муфассал маълумот тўплайпти.

АҚШ нинг матбуот муассасаси Нагонияда тарқатган бюллетенида қайд этилишича, Огано каллакесарларини МРБ ва Пекин бевосита қўллаб-қувватлаётганлиги

хақидаги сафсата руслар ва кубаликларнинг «уйдирмаси» эмиш.

Қамокқа олинган маҳбусларнинг кўрсатмалари билан АҚШнинг матбуот муассасаси тарқатган расмий ахборотни бир қолипга солиш мумкинми?!

МРБ Африка қитъасини янги қирғин майдонига айлантирмоқчи. У «совуқ уруш»нинг янгидан-янги андозаларини ишлаб чиқмоқда. Огано одамларини қурол-яроғ билан таъминлаяпти. Босқинчиликка ҳозирланмоқда.

...Кучли шамол бўлишидан олдин чанг-тўзон кўтарилади.

*Дмитрий Степанов,
махсус мухбир».*

ВПКга чизги (III)

«ПЛБ» корпорациясининг вице-президенти Гарольд Уилки билан Майкл Вэлш кўп йиллик кадрдон эдилар. Иккиси Кореяда жанг қилган. Айни вақтда Уилки бизнес гирдобига ғарк бўлди. Вэлш эса Даллесада ишда қолди.

Шу боисдан ҳам Уилкининг таклифини қабул қилгач, Вэлш адвокат ҳамда хитойлик яширин раҳбар Саймон Чжу билан телефонда боғланиб, зиёфатда бўладиган меҳмонлар суҳбат мавзуи ва бошқа тафсилотларни билиб олди.

Зиёфат маромига етганда меҳмонлар «ўз ихтисослари» бўйича (курувчилар — иктисодчилар — меъморлар; самолётсозлар — ҳарбийлар — дипломатлар; фермерлар — футуроғлар — ҳукуматга яқин бўлган кишилар) гуруҳ-гуруҳларга бўлиниб олишганида, Уилки даврани айланиб ўтиб, Чжунинг ёнига келди-да, уни боғ ўртасидаги шийпонга бошлади. Зиёфат Уилкининг Нью Йоркнинг «Сентрал парк» хиёбони рўпарасидаги ҳовлисида уюштирилган эди. Баъзида у меҳмонларга «Менинг боғ ҳовлим Гаррисон Солсберининг боғидан икки баробар катта» деб мактаниб ҳам кўярди.

— Менга қаранг, Саймон, катта ерга шиддатона сафар қилиш истагингиз борми? — деб сўради Уилки.

– Агар қаноатлантирадиган бирорта таклиф-мулоҳаза бўлса...

– Сут билан кирган жон кон билан чиқиши рост экан, – дея Уилки кулиб қўйди. – Бизлар амални дастак деб биламиз. Сизлар эса букаламунлик қиласизлар.

– «Биз» деганда кимни назарда тутаяпсиз, Гарольд?

– Америкаликларни.

– «Сизлар» деганда-чи?

– Хитойликларни, Саймон, хитойликларни.

– Мен эса насл-насаби хитойлик бўлган америкаликлар деб сўзингизга тузатиш киритмоқчиман, – деб таъкидлади Чжу.

– Бу тузатишингиз матбуотга кўпроқ асқотади, Саймон. Бизлар ишбилармон кишилармиз. Шундай бўлгач, дабдабага сира зарурат йўқ. Гап – Нагония борасида, ватандошларингизнинг тутган мавқеи ҳақида бораяпти.

– Отам умр бўйи америкалик бўлиш орзуси билан яшаган. Бу истак менинг ҳам қонимда бор. Сиз бўлсангиз ватандошларимга таъна қилаяпсиз. Одамнинг нафсониятига оёқ босманг, Гарольд.

– Ўпқаланманг. Буни миллатга писанда ёки таъна қилиш эмас, аксинча самимий эътироф этиш дейилади.

– Пекинга куруқ бормаيمان-ку, ахир? – деб сўради ғайритабиий равишда энсаси қотган Чжу. – У ерга фирмамга нафи кўпроқ тегадиган таклиф, мулоҳаза билан бормоқ лозим.

– Гапнинг сирасини айтдингиз. Бўш қошиқ оғиз йиртади. Бу табиий. Мен айтмоқчи бўлган гап том маънода Пекиннинг тутган мавқеи ҳақида. Очикроқ айта қолай, миллатга алоқадор бўлган аллақандай боланинг одамлари ўртасида Нагония билан Луисбург чегарасида тўқнашув содир бўлади. Шунда матбуот дунёни ларзага солади. Элчингиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотида нутқ сўзлайди. Пекиннинг қандай муносабатда бўлиши яқин келажакда фирмангиз оладиган даромаднинг миқдорини белгилайди.

– Чамаси Гарольд, фирмам оладиган даромаддан кўра биринчи муаммо – элчимизнинг маърузаси сизни кўпроқ кизиктиряпти. Зепп Шанц – менимча уни назарда тутаяпсиз – иккинчисининг мақсадингиз битта: – Европани жўнбушга келтириш. Улар Гитлерни батамом унутиб улгурганлари йўқ ҳали... Хитой Халқ Республикасининг элчиси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти мажлисида қиладиган маърузасига келсак, ўйлайманки, бу муаммони Пекин билан ҳал қилиш борасида ўз йўл-йўриғимиз бор.

– Оқиғи, кўнглимдагидек жавоб қилдингиз, пиримсиз, Саймон, пир!

– Ташаккур Гарбльд. Пекинга қандай гап билан бораман? Ахир расмий асос керак-ку?!

– Наҳотки? – деди Уилки кулиб. – Мен ўз уйингизда ўзингиз хон, кўланкангиз майдон деб ўйлагандим. Дўстларимнинг эътироф этишича, у ерда эшикни чап оёғингизда очармишсиз.

– Эшикни ўнгми, чапми, бари бир оёқ билан очишим аниқ, аммо ходимларимга маош тўлашга мажбурман.

– Мана бу америкача мулоҳаза юритиш бўлди. Яхши, Пекинга шимолдаги қўшнилариңгизга ниҳоятда зарур бўлган, айниқса русларнинг эътиборига молик қирқ қиррали оптика ҳақидаги контрактни олиб боришни таклиф қиламан.

– Контракт ҳақида батафсил маълумот олиш учун одамлариңгиз билан қачон учрашишим мумкин?

– Контракт қоғоз жилдда, қоғоз жилд шу ерда, сейфда. Самолёт билети ҳам тайёр. Бугун кечқурун ватанинғизга учишингиз мумкин, Саймон. Контрактнинг тафсилоти ҳақида қайтганинғиздан кейин гаплашамиз. Битим – сизнинг манфаатингизни тўла кондиради. Колаверса, фойдадан икки процентни ўз ҳиссамга ундиришим ҳам мумкин эди. Чунки сиз қанча сўрасангиз Пекин шунча маблағ бериши турган гап, Таклифни, бу таклифни ҳар томонлама тарозига солиб кўрганмиз. Кўнглинғиз тўқ бўлсин...

...Йигирма уч соатдан кейин Саймон Чжу Пекинга учиб келди. Аэродромда уни ташқи савдо министрининг ўринбосари Го Люнинг «мерседеси» кутиб турарди. Разведка хизмати генерали, ташқи савдо министрининг янги ўринбосари асосан Хитойнинг Ғарб мамлакатлари билан олиб борадиган савдо-сотик ишлари бўйича мутассади шахс эди.

Чжунинг ахборотини диққат билан тинглаган генерал Го «ялпиз барги» қўшилган тамакидан чекди. Сўнг:

– Ҳар қадамда хийла-найранг қўллашади-я. Бу ишга Уилкини аралаштиришнинг нима ҳожати бор эди? У ўз манфаатини кўзлайди. Кореяда жанг қилган, бизнинг танқидимизга учраган. Нима учун энди у бизга Зепп Шанцни рўпара қилиши керак? Баъзида Вэлшга ҳам хайрон бўламан. Жуда ақлли одам, аммо уста кўрмаган шогирддек хато қилади...— дея аччиқланди.

Генерал Го контракт солинган қоғоз жилдни экспертга юборди. Саймон Чжуга эса айтилиши лозим бўлган барча таассуротларини диктофонга қайд қилишни таклиф қилди (генерал анъаналарни кадрлар, кўпроқ эса далил тўпловчилар билан қизиқарди. Чунки разведканинг куйи қатламидагилар аввало далилларга суянишарди. Энг асосийси матбуот хабарларини сараловчилар учун далил зарур қўлланма эди). Го «Бритиш петролеум» вакили билан қилинадиган тушликни кейинга қолдириб, Марказий Комитетга отланди. У ерга жўнашдан аввал буюк ҳукмдорнинг содик ўғли, раис – Хуанинг яқин сафдоши, жанговар амалиётчи ва курашчи, миллий хавфсизлик министрига бўлажак суҳбат мавзуини маълум қилди.

Шу куни кечкурун Марказий Комитетнинг матбуот бўлимига ХХР чиқадиған етакчи газеталарининг редакторлари, радио ва телевидение раҳбарлари таклиф этилди.

Кўрсатма қисқа ва лўнда бўлди:

– АҚШ иттифоқчиларидан неонацистлар ўрток Марио Оганонинг ҳақиқатпарвар курашини ҳақиқатдан ҳам

қўллаб-қувватлаётиларми, йўқми, деган саволга аниқ жавоб талаб қилишимиз шарт. Агар бу гап уйдирма бўлмаса – айти вақтда улар фақат жавоб билангина қаноатланмасалар керак-айрим ҳукуматларнинг буюқ давлатчилик гегемонизми ва колониализмга қарши толмас курашчи – ўртоқ Огано шаънига тухмат таркатаётган Москва ва Гаванага қарши компанияни бошлаш имкониятига эга бўламиз. Шу билан бирга зарур пайтда Вашингтон маъмуриятига зарба бериш учун Зепп Шанц ҳақидаги борки маълумотларни тўплаш мақсадга молиқдир. Зарур пайт деганда Африка китъасидан заинки, янкиларни ва ҳатто уларнинг европалик иттифоқчиларини қувиб чиқариш ва у ерда буюқ ҳукмдор байроғини ўрнатиш учун қулай бўлган соатни назарда тутаямиз. Бирор-бир англашилмовчилик ёки саволлар борми?

...Кечкурун халқаро авиалиниялар туташган, рейсни алмаштириш қулай бўлгани учун ҳам Токио аэропорти орқали Қўшма Штатларга қайтаётган Саймон Чжун кузатгани чиққан Го лабидан «ялпизли» тамакини олмай серзарда оҳангда гапирар, қолаверса, у муомаласидаги зардани йўқотишга уринса-да, бунинг уддасидан чиқолмасди, у Чжуга охирги кўрсатмани берди:

– Гўё якин келажакда бутун дунёни қамраб олишга қодир Хитой гегемонизми ва афсонавий буқаламунлигимиз билан америкаликларни кўрқитаётган сиёсатдонлар, бизнесменлар кимларнинг йўл-йўриғи билан иш кўраётганини аниқлаш лозим. Кимлар? Исм-шарифлари қандай? Оммавий матбуотни назорат қилаётган корпорациялар номи? Булар биринчи навбатда билишимиз лозим бўлган гаплар, ўртоқ Чжу.

– Буқаламунлигимиз ҳақиқатдан ҳам афсонавийми, ўртоқ Го? – деб сўради Чжу.

– Бу саволни бошқа биров берганда ажабланмас эдим. Ахир, сиз хитойликсиз-ку, Саймон? Оғзингизга келганини гапираверманг, охири вой бўлади. Парижда ишлаган вақтда

– юқори даражадаги ресторани бошқарганимни яхши биласиз. Ўз апартаментимда қозонган обрў эътибордан ҳаволанмай хитойлигимча қолдим, ўртоқ Чжу.

– Агар Қўшма Штатларда америкалик тоифасида яшамасам на Уилки, на бирорта бошқаси мени сарик чақачалик назарига илмайди, ўртоқ Го...

– Бу гапни уларнинг контрактларини назарда тутиб айтаётган бўлсангиз керак? Биз бу контрактдан воз кечамиз. Оптика соҳасида бошқа давлат билан битим тузганмиз... Факат Го хиёл жилмайиб қўйди, – уларга Зепп Шанц ва унинг ҳаракатига тарафдор бўлганлар билан битим тузганимизни «гуллаб» қўйманг. Агар Уилки аниқ ҳисоб-китоб лойиҳалари билан заводининг калитини қўлимизга беришга рози бўлса, у билан эллик миллион долларлик контракт тузишга тайёرمىз. Дипломатик алоқа орқали тузилган контрактлар кафолатининг муқимлиги Бирлашган Миллатлар Ташкилотида тутадиган мавқеимизни белгилайди, деб айтинг, уларга. Бизни қониктироладиган жавобни олмаганлигимизни алоҳида таъкидланг. Мен нимани назарда тутаяётганимни улар тушунишади. Биз кўмак беришга розимиз, аммо, бунинг натижасида Хитойнинг Африка қитъасидаги мавқеига заррача бўлса-да, панд етмаслиги зарур. Менинг гапларимни уларга сўзма-сўз баён этинг, чунки, маъно-мақсад жумлалар замирида акс этган. Яна бир марта такрорлайми, ёки эслаб қоласизми?

– Сиз икки жумлани назарда тутаяпсиз: дипломатик алоқа орқали тузилган контрактлар кафолатининг муқимлиги таъминланса, биз...

– Тўғри, – деб генерал унинг сўзини бўлди. – Ой бориб, омон қайтинг...

Константинов

У ухлай олмади. Уйку дори ичиш сира мумкин эмас эди. Фавқулодда вазият юз бериши аниқ... У диванда гоҳ чап, гоҳ ўнг ёнбошига ағдарилиб зерикди. Соат тўртда,

ҳали тонг ёришмасдан кўчага чикди.

Тунги сукунат борликни ўз қаърига олганди. Константинов Славин билан осойишталик ҳақидаги охирги суҳбатларини эслади. Славин турмада, осойишталикда. У Виталийни ҳибсдан озод этолмаслигини ўйлаб, юрагида аччиқ дард билан кадрдон шахри бўйлаб охиста борарди. МРБ «Кўприк»ка келмайди, чунки «Болалар» деб аталмиш дардисар объектда ишора белгиси бўлмайди. «Болалар» дегани нимаси? Бу объект каерда?

У Лубянкадаги хиёбон томон юрди. Ҳозиргина машиналар сепиб ўтган асфальт юзидаги сув бетида камалак жилва қиларди. Машина фавворасидан сачраётган сув зарраларини туйган Константинов кўзларини юмган кўйи йўлакдан катта кўча томон бурилди. Сув сепаётган иккинчи машина унга яқинлашиб қолганди. Бу сафар муздек сув зарралари юзига игнадек санчилди.

«Ҳечқиси йўк, – Константинов ногоҳ хаёлга берилди, – ҳечқиси йўк. Ишни охирига етказмай кетишим лозим бўлса, ажойиб йигитлар бор, ўзимизнинг йигитлар... Володя Гречаев қолади, у Баумаа институтини тамомлаган. Бўлимимизда иш ўрганиб, нималарга қодирлигини кўрсатди. Шимолий флотда чиниққан Игор Трухия бор. Айни вақтда унинг олдига тушадигани йўк, ҳақиқий пир, контрразведка пири. Қахрамоннинг ўғли, ҳали ёш бўлишига қарамай жуда абжир Стрельцов қолади. Урушни десантликдан бошлаб, неча бор душман ўкига чап берган, ҳали ҳам йигитчалардек серғайрат Коновалов, Гмиря, Никодимов қолади, яхши одамлар қолишади. Бесамар кетиш қандай дахшат. Шогирдсиз рассом, издошсиз режиссёр... Бундан ортиқ дахшат борми?! Бошлаган ишингни давом эттира оладиган шогирдларинг қолаётганига ишончинг комил бўлса, ҳаёт билан видолашиш енгил кўчади...»

– Ўрток! – дея ортида кимдир уни чақирди.

Константинов кўзларини очди. Кўчанинг нариги бетида милиция «Волга»си турарди. Лейтенант юзини

дастрўмол билан артиб, бошини кимирлатиб қўйди:

– Кўчанинг серкатнов қисмига ўтиш мумкин эмас. Яна кўзларингизни юмиб олибсиз?! Ҳозирги пиёдаларга ҳам ҳайронсан-а?! Болалардан фарқлари йўқ. Болаларни кечирса бўлади, йўл белгиларининг маъносига тушунишмайди, сиз эса...

Константинов йўлакка ўтди.

– Кечиринг, илтимос.

– Машина уриб кетса, ким айбдор бўлади?

– Кечиринг...– дея Константинов такрор узр сўради.

Шу пайт Константиновнинг нигоҳи йўл четидаги симёғочга ўрнатилган ГАИнинг учбурчакли белгисига тушди. Бола қизчанинг қўлидан тутганча кўчадан югуриб ўтаётгани акс эттирилган. «Болалар» деб аталади, бу белги. Константиновнинг кўнглидан шу фикр кечди. Балки, «Болалар» объекти худди шу белги замирига яширилгандир?!

Константинов Давлат Хавфсизлик Комитетига қайтди. Машинани чақиртирди. Ольганинг кўрсатмаси бўйича Дубов тўхтаган кўчаларни яна бир бор айланиб чикди. Йўл четида «Болалар» йўл белгиси ўрнатилган бир эмас, саккизта симёғочни санади.

Бу симёғочлардан қайси бирига лабга суриладиган бўёқ билан белги қўйилиши лозим? Узунасигами, ёки кўндалангигами?

– Қани, зудлик билан орқага бурунг, – деб буюрди Константинов ҳайдовчига. У ўриндик ёнидаги рация трубкасини кўтариб, Коноваловнинг телефон номерини терди.

Коновалов ҳам тонггача мижжа қоқмаганлиги овозидан сезилиб турарди.

– Архивдан капитан Гречаев суратга олган фотоларни топиш керак, – деди Константинов.

Коновалов гап нима ҳақда бораётганини тушунмай йўталиб қўйди.

– Ёдингиздами, икки йил муқаддам Гречаевни ортиқча

шубҳага берилгани учун койиган эдингиз, – деб тушунтирди Константинов.

– Ҳа, уни ортиқча шубҳага берилгани учун койиган бўлишим мумкин, – деб жавоб қилди Коновалов. – Фикрингизни очикроқ баён этсангиз, Константин Иванович.

– У Крагер ва Вилеонга ҳамроҳ бўлганди... Токиолик бу меҳмонлар кўп суратга олишганди... Иккиси ҳам МРБнинг планлаштириш бўлиmidан... Наҳотки, унутган бўлсангиз?!

...Константинов ўз хонасига қайтганида столи устида фотосуратлар ёйиб қўйилган эди. У худди қарта ўйинчиси каби қайтадан суратлар ўрнини алмаштириб чиқди. Қизил майдон, Университет, «Россия» меҳмонхонаси, ГУМ, Манеж.

Кейин у йигирма учта фотосуратни жилдга солиб қўйди. Коноваловга қаради:

– Гречаев жуда абжир йигит-да, а? Меҳмонларимизнинг диди бўйича айнан қайта суратга олибди! Қандини урсин! Демак улар Дубов билан боғлиқ бўлган операцияга икки йил аввал тайёргарлик кўришган, – дея Константинов кўрсатгич бармоғи билан Москва-рекадаги кўприк акс этган фотосуратга ишора қилди. Кўприк миноралари, кирғокдаги «22.30 дан кейин уйига кетадиган» милиционер пости. Ғалаба хиёбонининг бундан бир неча кун илгари Дубов бўлган ери, Луис машинасини тўхтатган жой... Ниҳоят, ГАИнинг белгиси, югуриб ўтаётган қизча ва бола тасвири туширилган йўл белгиси катта планда аниқ акс эттирилган эди.

Константинов фотосуратнинг орқа томонидаги лавҳани овоз чиқариб ўқиди:

– «Крупская кўчаси, пиёдалар ўтиш жойи, ГАИ белгиси», Бу «Болалар» ишораси эканлигига ишончим комил. Крупская кўчасидан Ленин проспектидаги элчихона уйига ўтилади. Ҳеч кимда ортиқча шубҳа туғдирмайди.

У телефон томон ўғирилди ва Проскуринга сим қокди.

– Мен билан бир сайр килиб келишни истамайсизми, а?

...Константинов ўзини бамайлихотир, гўё тонгги очик ҳавода сайр килиб юрган кишидек тутиб симёғоч ёнидан икки марта ўтди.

Биринчи марта ГАИнинг «Болалар» йўл белгиси ўрнатилган симёғоч ёнидан ўтаётганида кўрсаткич бармоғи билан узунасига чизик тортди.

«Асоссиз хатти-ҳаракат, – дея дилидан ўтказди у. – Йўловчиларнинг диққатини дарров жалб килиши мумкин, бошқачасига чизик тортиб қўйиш керак».

У изига қайтиб чап қўли билан симёғочга кўндалангига чизик тортди. Бу сафарги хатти-ҳаракат ўзига ҳам маъқул бўлди, четдан қараган киши «қўлига бунча эрк бермаса» деб ўйлаши мумкин.

– Худди шундай, – деди Константиновнинг хатти-ҳаракатини машинадан кузатиб ўтирган Проскурин.

Константинов ёнига келиб ўтирган пайтда доим ҳар нарасада иккиланадиган Проскурин бошини тебратди:

– Нима учун ишора белгиси айнан тинтув вақтида Дубовнинг уйидан топилган лаб бўёғининг рангида бўлиши керак, деб ўйлаяпсиз?

– Нима учун энди бошқача бўлиши керак экан?

– Балки бу бўёқ билан Ольга лабини бўягандир. Ишора белгиси учун эса ҳар сафар янгисини сотиб олган.

– Ольга лабларини бўяшини тўғри эътироф этдингиз. Аммо тинтув вақтида топилган лаб бўёғи таркибида цемент борлиги аниқланган. – Константинов шундай деб ён чўнтагидан Дубовнинг уйидан топилган лаб бўёғини олди. – Мана бу рангни сиёҳ каби ўчириб бўлмайди.

– Билмадим, – дея ўша-ўша тунд кайфиятдаги Проскурин эътироз билдирди. – Муваффақиятга умуман ишончим қолмади.

– Асабингиз панд берибди, – деди Константинов унга ҳамдардлик билан, – ҳар қандай шароитда муваффақиятга умид боғлашимиз шарт.

Кеч соат беш-у ўттизда Гавриков марказдан Кружская кўчаси томон йўл олди. У магазин рўпарасида машинасини тўхтатиб, эшикни очди-да, «Апполо» тамакидонидан сигарета олиб чекди. Унинг фикри ёдини отаси банд этган, кўз олдида падарининг масъум чеҳраси жонланарди. Бугун эрталаб ҳам у устихонига ёпишган кўллари билан пайпасланиб, ўглини кидирган, меҳрибон кафтларининг тафтини сезмай, кўзларига ёш олган бўлса ажаб эмас. Кулоқлари остида отасининг «Митька қаердасан, о, худойим, қаердасан...» деб беҳол шивирлаши аниқ эшитилгандек бўлди.

Сўнгги соатларда Коноваловнинг ходимлари «Дубов» пайдо бўлган барча районларни мунтазам кузатув доирасига олишганди. Шу боисдан ҳам Константиновнинг хоҳишига кўра Гавриков магазинга тасодифий киришдан қочиб, йўлак четидаги квас сотилаётган бочка ёнига яқинлашди. Хиёбондаги сабоқ уни доим диққат марказида бўлишни тақозо этарди. Яна генералнинг нуқтаи назарича Крупская кўчасининг бирор-бир бурчагига яшириниб олган МРБ одами «Дубов»нинг ҳар бир қадамини кузатаётган ва симёғочга қўйиладиган хуфия белгини кутаётган бўлиши эҳтимолдан холи эмасди. Шунинг учун ҳам Коноваловнинг ходимлари Гавриковни бирорта бегона одам кузатаётган ёки фотосуратга олаётганлигини дарҳол маълум қилиш учун унга микрорация беришганди. Худди шу дақиқада у устма-уст чекиши лозим, чунки Гавриков лабида сигарета, тўраларга хос салмоқдор кадам ташлаши билан Дубовга жуда ўхшаб кетар ва бу душманни чалғитиши аниқ эди.

Гавриков симёғоч рўпарасида бир дақиқа тўхтади. Қўлидаги лаб бўёғи билан кўндалангига чизик тортиши ҳамон орқасида кесатик аралаш овоз эшитилди:

– Қани, ҳозирок арт!

У ўгирилди. Қаршисида похолдан тўкилган бош кийим кийган, сумка кўтариб олган чол турибди. Отаси бундай тоифадагиларни «ўпкаси йўқ» деб аташини эслади. Ундан нима учун бундай дейишини сабабини сўраганда, отаси:

«Ҳозирги шундай тўқчилик замонда ўтмишдагидан ўн чандон баттар сўкинишади. Марҳамат – туздан шакаргача, совундан пишлокқача барча маҳсулот ҳозир-нозир бўлса, хотиржам яшайвер, йўқ, албатта, ҳар нарсага бурнини сукиб, таъбингни хира қилишади!»

– Ҳой, кимга айтаяпман, бўёқни арт, – дея такрорлади чол ва ён чўнтагига қўлини солди.

Худди шу дақиқада Гавриковнинг ён чўнтагидаги кичкина рациядан:

– «Биринчи», зудлик билан кўчадан «Волга»ни олиб кетинг. «Хўжалик»дан сиз томон машина йўл олди,– деган гўё йирокдан эшитилаётган овоз янгради.

«Хўжалик» – элчихона. Разведканинг қонун бандларида қайд этилмаган қоидага кўра, агент хуфиёна белги бераётган кишини кўриши мутлақо мумкин эмас. Агар бу ҳол мустасно бўлса, яъни агент хуфиёна белгини қабул қилаётган шахс билан юзма-юз келса, бу ҳол хавфдан огоҳ этади. Барча орзикиб кутаётган бўлажак учрашувни барбод қилади.

– «Биринчи», мени эшитяпсизми, дарҳол жавоб беринг!

Бу орада қария чўнтагидан хуштагини олди ва бутун кўчани бошига кўтариб чалди. Квас сотилаётган бочка ёнида турган томошаталаб оломоннинг эътиборини у ўзига тортди.

– Буважон, азизим, ўлчов олаяпман, – деди Гавриков ғайритабиий оҳангда шивирлаб.

– Ҳозир мен сенга ўлчовни кўрсатиб қўяман! – дея қария бақирди ва устихонига ёпишган узун бармоқлари билан Гавриковнинг енгидан маҳкам чангаллади. Шу дақиқада чолнинг қўлини отасининг қўллариغا ўхшатди. Унинг чангалидан юлқиб чиқишга ийманди.

– «Биринчи», «биринчи» машина Университет проспектига чиқди. Хуфия белги олиш учун сиз томонга кетаяпти. Нима бало, ақлдан оздингизми, дарҳол кетинг!

– Ота, мен топографлар учун ўлчов олаяпман, – деди

Гавриков, – шошилиб турибман, ана машинам. Мотор ҳам ўчирилмаган...

– Бойвачча! – дея бақирди қария. – Сизларни беш қўлдек биламан. Бойваччалар ўлчов олишмайди!

– Бу машина меники эмас, инженеримизники, ота. Юринг жила курси, моторни ўчириб қўяй, кейин хотиржам гаплашайлик!

– Йўқ, сен аввал симёғочдаги мана бу бўёқни арт, кейин моторингни ўчирасан!

...Кекса Гуськов бугун чап ёнбоши билан уйғонган эди. Кеча ярим тунгача чўзилган ветеранлар совети йиғилишида томоқлари йиртилгунча тортишишди. Итэмган Шубин ўсмирлар билан ишлаш борасидаги тадбирига кўра, маданий ишлар секциясига раис тайинлаш учун сайлов ўтказишни таклиф қилди. Бу ўринга боши касалхонадан чиқмаётган, икки марта инфаркт бўлган, лекин буйруқ беришни жон дилидан яхши кўрадиган, турли плакатлар чизишни тайинлаб рассом Ваньканинг бошини қотирадиган ковокмия Утинни тавсия этмоқчи эканлиги Гуськовга беш қўлдек маълум эди. Шу боисдан ҳам ўзиникини маъқуллаб Шубин билан тоза тортишди. Айни вақтда Гуськовни кечаги аламзада кайфияти тарқ этмаган ва Гавриков билан осонликча мурасага келиши мушкул эди. «Ақл билан иш қўриб ёшларни ўз ҳолига ташлаб қўйишса оқибати ёмон бўлади, – дерди қария икки гапнинг бирида. – Болаларга одоб-ахлоқни бешиқлик пайтиданок бериш керак».

– «Биринчи», «биринчи», нималар бўляпти, тушунмаяпмиз, «биринчи!»

– Юринг милицияга борамиз, – дея Гавриков қарияни олдинга бошлади. – Бизни фақат милиция мурасага келтира олади.

– Милицияга борамиз! – дея қария рози бўлди. – Лекин сен оёғи куйган товукдек питиллаб, мени торткилама!

Гавриков қарияни машинага ўтказгач, рулга ёпишди. Тезликни шиддат билан ошириб, чоррахани кесиб ўтди. Чунки ҳар бир дақиқа қимматли эди. Қулоқлари остидаги

микрорациядан Коновалов «ғишт» ҳовлига кирганини, муюлишга бурилганини, машинадан тушганини ва чор-атрофга тинмай аланглаётганини маълум қиларди.

– Рулда маст одам ўтирибди! – дея ғолибона оҳангда жовраётгани етмагандек, қария бутун кўчани бошига кўтариб хуштагини чаларди. – Милиция! Рулда маст ўтирибди!

Милиция оёқ остидан чикди. У югуриб келиб Гавриковни билагидан тутди, сўнг қария томон ўгирилиб деди:

– Бу беодобни тутганинг учун сенга катта ташаккур, Гуськов.

Америка элчихонаси вице-консулининг машинаси хуфия белги қўйилган симёғоч ёнидан тезликни пасайтириб ўтди. Пароль қабул қилинди.

– Кузатувни тўхтатинг, – деди Константинов. – Тўрт томони қибла. Биз уларни кўприкда кутамиз.

Соат йигирма учдан йигирма беш минут ўтганда Америка элчихонасининг дипломатик паспорти билан иш кўраётган МРБ ходими Москва-река устидаги кўприк минорасига яширин ғилофни кўяётган вақтда ҳибсга олинди. У КГБнинг Кузнецкий мостдаги қабулхонасига келтирилди. Яширин ғилофнинг ичидан захар солинган ампула билан бирга «Факел» операциясини бошлашдан аввал ҳал қилувчи савол-мактублар, қўлланмалар чикди.

ВПК га (IV) чизги

Майкл Вэлш «Факел» операциясини бошлашга боғлиқ муаммолар борасида Пентагоннинг одамлари билан қийин, асаббузар кенгашни кеч соат йигирма учда тамомлагач, фавқулудда махсус топшириқлар бўйича элчи билан учрашди.

Кечки овқат дастурхони совет элчихонасига яқин бўлгани учун ҳам Вэлшга алоҳида руҳий лаззат

бағишловчи малаяликлар ресторанида тузалган эди.

Элчи пучук бурнига тегар-тегмас даражада ўзига яқинлаштирган менюдан нигоҳини узмаганча ўтирарди.

– Сизни кўрганимдан ғоятда хурсандман, сэр, – деди Вэлш, – узр, сизни ярим кечада бу учрашувга чакирганимдан хафа бўлмайсиз. Ишлар шу кадар кўпки, бир нафас тин олишга вақт йўқ.

Элчи кўшни столларда ўтирган хўрандалардан ҳадиксираб ён-атрофига караб қўйди.

«Консператор, – дея ижирғанганича дилидан ўтказди Вэлш, – бизнинг суҳбатимизни эшитиб қолишларидан чўчияпти. Агар учала столда «музокараларни ниқоблаш» секторига ёлланган турли тоифадаги хонимлар ва жентельменлар ўтирганини айтсам, тепа сочи тикка бўлиб кетса керак».

– Хуллас, гап бундай, сэр, – дея Вэлш сўзида давом этиб, – Кенгашда сўзга чиқиши лозим бўлган уч элчи маърузасининг текстини тайёрлаб қўйдик. Биринчи бўлиб Чили элчиси нутқ сўзлайди. Менимча, Ташкилотнинг йиғилишига у руҳий қувват бағишлайди. Унинг маърузаси текстини индинга операция бошланиши арафасида ўз одамим орқали сизга жўнатаман...

– Зарурати йўқ, сэр, кўп нарсани билсам тез қарийман... Мен бадихани яхши кўраман.

– Аввалдан пухта тайёрланган бадиха-табрик сўзидек кишига хуш ёқади,–дея Вэлш жилмайди.– Қолаверса, ихтиёр ўзингизда. Ҳа, айтмоқчи, малаяликлар ресторанида дастурхон тузашни буюрганим сизга маъқулми, уларнинг таомларини севасизми?

– О, бўлмасам-чи! Уларнинг сархил таомлари жуда лаззатли!

– Хурсандман, – деди Вэлш мамнуният билан стул суянчиғига ястаниб. У ёввойи мевалардан тайёрланган газаклар солинган турли ликопчаларни дастурхонга қўяётган ювош официантканинг хатти-ҳаракатини зимдан кузата бошлади.

– Афсуски, врачлар спиртли ичимлик ичишимни таъқиқлашди, – дея элчи хўрсинди, – етмиш ёшни «кузак даври» деб таърифлашди.

– Менинг «кузак даврим» қирк ёшимда бошланган, – деб таъкидлади Вэлш. Жигарим яллиғланган... Хуллас, гап шундай, сэр, биринчи бўлиб Чили элчиси маъруза қилади. Иккинчи зарбани минбарга чиққан Исроил элчиси беради. Унинг нутки ортикча хис-туйғусиз... фақат, далил, рақамлар асосида қурилган. Биз советлар блокига ва учинчи дунё мамлакатларининг оғиз очишларига йўл қўймаймиз. Исроил элчисидан кейин Парагвай вакили минбарга кўтарилади: «Россия ва Куба Африкага тажовуз қилиб, наинки, бу китъа, балки бутун дунё тинчлигига раҳна солмоқда. Киртер маъмуриятининг кўрқокларча йўл тутиши инсониятни ядро фалокати ёкасига судрапти», дея маърузасини «Умуафрика қурулди кучларини тузишни» таклиф қилиш билан якунлайди. Унинг бу таклифини Жанубий Африка вакили қўллаб-қувватлаб, Нагониядаги қонли хунрезликлар бошқа мамлакатлардаги норозилик ҳаракатига сабабчи бўлаётганини таъкидлайди. У делегатларга ва элчиларга ЖАР⁴⁶дан бошпана сўраган қочоқларнинг фотосуратларини кўрсатади. Шундан сўнггина советлар блокидаги элчилар истаганча валдирасинлар, ўз ҳукмларини чиқарсинлар...

– Европа-чи? Европалик элчилар бунга қандай қарашади?

– Сизни биринчи навбатда Германия Федератив Республикаси элчисининг нуктаи- назари қизиқтираётган бўлса керак?

– Шак-шубҳасиз.

– Дастлабки тахминларга кўра, Боннинг муносабати салбий бўлади. Аммо бунга қарши маълум чора-тадбирлар кўрамиз, лекин, кўнглингизни хотиржам қилолмайман. Энг асосийси – вақтдан ютиш, сэр. Ҳар қандай дарднинг фориг

⁴⁶ Жанубий Африка Республикаси. (тарж.).

топишига вақт керак. Шу сабабдан ҳам Чилининг элчиси иложи борица кўпроқ ваъз айтишини сўрадим, делегатлар толикса ошигимиз олчи бўлади, сэр. Менинг йигитларим ишлаб чиққан сценарий бўйича унинг маърузаси йиғилишнинг иккинчи кунига тайинланган. Ҳа, ҳа, худди шундай. Унгача Огано ўз уйини ҳашаротлардан тозалаб улгуради. Бизнинг тахминимиз бўйича унинг одамлари ҳукуматдаги барча зарур постларни ўз қўлларига олишади. Континенталь Хитой элчиси эса Америка Қўшма Штатларининг Нагониядаги тажовузкорлигини қоралаб чиқади. Албатта, маъруза ниқоб пардасига олинган бўлади. Ана шундан кейин эса бизнинг фикримизча, мўътабар минбарга сиз кўтариласиз...

– Менимча режа чакки эмас... Франция ўзини қандай тутади.

– Сэр, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг йиғилишида Европа ўзини қандай тутиши сизни ҳаяжонга солаётганини сезиб турибман. Лекин бу ҳийла-найрангни биз «ишим битди – эшагим лойдан ўтди» қабилида ўйлаб чиққанмиз. Қолганларини кейин иш жараёнида ҳал қиламиз. Маърузангиз учун айрим фикр-мулоҳазалар тайёрлаб қўйибмиз...

– Ташаккур. Очигини айтсам соддаликни маъкул кўраман, аммо...

– Тўғри қиласиз. Биз матбуотнинг эълонлар тахтасида пайдо бўлмайдиган ҳужжатлар асосида ҳаққоний маъруза тайёрлаб қўйганмиз.

– Жуда қизиқ-ку.

– Менинг ёрдамчим уни эртага эрталаб, оффисингизга элтиб берса монельлик билдирмайсизми?

– Шахсан ўзимга. Ўз қўлимга.

– Ҳаққоний далиллар асосидаги тахминларга суяниб мистер Огано олиб бораётган кураши, чиндан ҳам миллий руҳда эканлигини, Нагониядаги фожиаларнинг юз беришида аввало Африка қитъасини иккинчи Вьетнамга айлантиришга уринаётган, шу билан бирга Қўшма

Штатларни қуролли тўқнашувга ундаётган Кремлнинг босқинчилик сиёсатини очиб ташлашингиз шарт. Шу билан бирга, НАТОга аъзо бўлган Европа давлатларининг қуролли кучлари негизида ташкил этилган армия бўлинмаларини зудлик билан Нагонияга жўнатишни таклиф қиласиз. Бу таклифни Нагониянинг сув ҳавзаларидаги флотимизни дарҳол олиб чиқиб кетилиши билан изоҳлайсиз. Нутқингизда Жорж Грисо оиласига таъзия изҳор этишни унутманг.

— Жуда соз! Оқибат натижада Европани ҳам бу можарога тортамыз! Жуда чиройли ўйлабсиз, сэр! Оддий дипломат сифатида фирмангизнинг бундай ажойиб сценарий ишлаб чиққан уддабурон кишиларини жуда қадрлайман. Уларнинг соғлиғи учун бир култур май ичишга тайёрман. Нелсон Грин бундан хабардорми?

Вэлш бош тебратиб, зътироз билдирди.

— Мен сиздан фаркли ўлароқ «Ворлдз даймондс»нинг акционери эмасман. Лекин шундай бўлса-да, ўз режаларим билан аввал сизнинг бошингизни қотирмоқчиман. Чунки фирмамни бунчалик қадрлашингизга шубҳам бор...

Махсус топшириқлар бўйича элчи кулиб юборди. Вэлшнинг бежирим, бақувват қўлини тафтсиз кафтлари орасига олди.

Хотима

...Эрталаб Америка Қўшма Штатларининг Совет Иттифокидаги элчиси Ташқи Ишлар министрлигига таклиф этилди.

Совет дипломатининг ёнида кўзлари уйқусизликдан киртайган, бокишлари нурсиз, аммо, соқол-мўйлаби чиннидек қилиб қиртишланган, кейинги бир ҳафта ичида беш килога озгани учун ҳам ўзига номутаносиб кўйлагининг кенг ёқасига башанг боғичли галстук таккан Константинов ўтирарди.

Элчи захар солинган ампулалардан кўзини узиши ҳамон, совет дипломати рўпарасидаги қогоз жилдни очди:

– Жаноб элчи, мана бу қоғоз жилдда эса ортиқча шовшув бўхтон эканлиги аён бўлди. Отишмалар бошланиши лозим бўлган муддат ўтиб кетди. Аммо осойишталик бузилмади. Оганонинг сўл радикалчи гуруҳлари айна пайтда Нагония чегараси районида олиб чиқиб кетилди. Мистер Огано ўз баёвотида унинг одамлари МРБ корчалонлари раҳбарлигида ҳарбий казармаларда таҳсил курмаганликларини, аксинча, қишлоқ хўжалиги лагерларида меҳнат билан машғул бўлганликларини маълум қилди. Мен мана шу мўтабар минбардан ҳукуматим у ёки бу давлатнинг ички ишларига аралашмайди ва аралашмоқчи ҳам эмаслигини эътироф этмоқчиман. Ўйлайманки, менинг бу баёнотим Нагония халқи, унинг ҳукумати ва унинг сардори олдида мамлакатимни обрўсизлантиришни ягона мақсад қилиб қўйган тарғибот мусобақасига нуқта қўяди.

Славин камоқхонадан озод бўлиб чиққач, меҳмонхонага бормай тўғри госпиталга жўнади. Лекин Зотовни аэродромга олиб кетишганди. Луисбург ҳукумати совет инженерини доктор-травмотолог кузатиб қўйишини таклиф қилди. Совет Иттифоқи элчиси бу таклифни қабул қилди.

– Менга Қизил ярим ой жамиятига қарашли самолётда ниҳоятда тажрибали совет врачлари ўз ҳамкасблари билан учиб кетганини маълум қилишди, – деб таъкидлади у. – Бироқ ўйлашимча, докторингиз медикларимизга ўрток Зотовнинг «касаллик тарихи варақаси»ни топширади ва қандай дори-дармон билан даволаганликларини айтиб беради.

Славин элчихонага келганида қўлига Константинов томонидан йўлланган ва: «Ичинг» деган сўз битилган шошилинч телеграммани тутқазишди.

Славин хиёл кулиб қўйди. Дуловдан Москвага учадиган биринчи самолётга билет брон қилишини илтимос қилди. Ҳамкасбининг элчихонада қолиш ҳақидаги

таклифини рад этди. «Хаётда ҳар нарса бўлиши мумкин. Агар ўзгача иш тутсам Глэбб мени асло кечирмайди», деди у ва «Хилтон»га отланди.

Меҳмонхонага қайтиб, хонасининг эшигини ичидан кулфлаб, чўмилишга тараддудланганда телефон жиринглаб қолди.

– Салом, ҳурматли дўстим, – трубкадан Глэббнинг дўрилдоқ овози эшитилди, – мабодо америкалик ишсиз билан учрашиш ниятингиз йўқми? Балки суҳбатимиз ҳақиқатдан ҳам сермазмун бўлар.

– Илож қанча, келинг, марҳамат, – деб жавоб қилди Славин. – Пилар бизга коктейль тайёрлаб берадими? Ёки рус ароғидан отамизми?

...Константинов Гмиря, Гречаев, Дронов, Никодимов, Коновалов, Панов, Проскурин, Стрельцов ва Славинларни «Жанговар хизматлари учун» медали билан тақдирлаш ҳақидаги Олий Совет номига битилган мактубни ёзиб бўлгач, машинани чақиришни лозим кўрмай, пиёда сайр қидиш учун ташқарига отланди. Кейинги кунлар чарчоғи унинг вужудини тарк этмаган эди. У Калинин проспектида автобусга ўтирди. Олдинги ўриндикда ўтирган, бўйнига транзисторли приёмник осиб олган ёш йигитча «Известия» газетасининг оқшомги сонини мутолаа қилиш билан банд эди. Радиоприёмникдан Алла Пугачёвнинг «Арлекино» ҳақида завқ-у шавққа тўлган кўшиғи тараларди.

Константинов йигитчанинг елкаси узра газета саҳифасига нигоҳ ташлади. Унда қуйидаги хабар босилган эди:

«Совет Иттифоқи Телеграф Агентлиги маълум қиладики, куни кеча совет контрразведкачилари томонидан МРБкинг нафақат Совет Иттифоқиға, балки бизнинг мамлакатимиз билан ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик борасида битим тузган Нагонияға қарши қаратилган операцияни фош қилишди. Совет – Америка халқлари ўртасидаги бундай кўпоровчилик операциялари «совуқ урушни» авж олдириш,

дўстона кўшиничилик муносабатларини қарор топиши ва ривожланиши ишига раҳна солишдаи манфаатдор шахслар зиммасига юкланади».

Константинов ТАСС баёнотини ўқиркан, беихтиёр кўз олдидан ҳамкасбларининг чехралари жонланди.

«Дахлдорлик қандай яхши, — дилидан ўтказди Константинов, — бу кишига алланечук лаззат бағишлайди. Бурчга масъулият ҳиссини уйғотади. Қани, ҳозир шу йигитчанинг ёнига ўтириб: «ТАССнинг мана шу баёнотини эълон қилишига мен ва менинг дўстларим сабабчи бўлишди. Ўқи, фақат диққат билан ўқи, илтимос, хўпми», десам.

Сўнгги сўз ўрнида

Юлиан Семёнов иттифоқимизда бўлгани каби чет элларда ҳам жуда машхур ёзувчидир. Узоқ мамлакатлардан бирига қилган сафарим чоғида Юлиан Семёнов асарларининг таржимони Зоя Бараш билан мулоқотда бўлганимда, у менга кизик бир воқеани сўзлаб берди. Ёзувчининг номи унинг ватанида жуда машхур ва манзур экан. Китобхонлар уни жуда яхши билишар экан. «Бахорнинг ўн етти лаҳзаси» фильми телевидение орқали такроран намойиш қилинаётган бир пайтда ёзувчининг янги китоби савдога чиққан. Шуниси қизикки, бу нашр мазкур мамлакатга умуман хос бўлмаган катта тиражда чоп этилганига қарамай икки кунда сотилиб бўлинган.

Юлиан Семёновнинг дўстлари унинг қувноқлигини, оқиллигини, чўрткесарлигини ва гоҳи-гоҳида ғамгин бўлиб юришини жуда яхши билишади. Муаллифнинг худди шу турфа хислатларини унинг турли асарларидаги кўпгина қаҳрамонлар табиатида учратиш мумкин.

«ТАСС маълум қиладики...» повестида Штирлиц учрамайди, бу эса ўз навбатида унга ўрганиб қолган китобхонлар учун нотабий туюлади. Бироқ повестда Максим Максимович Исаевнинг – Штирлицнинг тажрибали, уддабурон ёш ворислари ўз талқинини топган.

Повестдаги воқеалар фавқулудда тез ва кескин кечади. Унда қаҳрамон кўп, лекин ҳар бир образ ўз хусусиятига, ўз табиатига, қисқаси «ўзлиги»га эга. Шу боисдан бўлса керак, асар воқеалари илк саҳифаларидан то охиригача ўқувчини ўз диққат марказида тутати.

«Африка тармоғи»га билвосита боғлиқ бўлган махфий хужжатларни умумлаштирувчи Координацион институт ходими, Марказий Разведка бошқармасининг агенти Дубовни фош этишдек қалтис ва айни вақтда олижаноб вазифа юкланган совет чекистларининг ёрқин, ёдда қоладиган образлари кўлингиздаги китобда жонли ифодасини топган.

Босган ҳар бир қадами, фаолияти хатарли бўлган

Дубовни зудлик билан топиш бир-бирига чамбарчас боғланган икки тугун – чекист Славин ва инженер Зотовларнинг ҳаёт-мамотига, қуллик асоратидан эндигина кутулган, демократик қайта қуриш йўлини танлаган Африка давлати – Нагонияга алоқадор эди.

«Доно» лакабини олган Дубовни фош қилиш ниҳоятда мушкул кечади. У эҳтиёткорона ва хуфиёна иш кўраётгани туфайли чекистларнинг қўлида етарли ашёвий далил йўқ эди. Масалага мантикий нуқтаи назар билан қарайдиган бўлсак, қабих ниятли ҳар бир айғокчи фаолиятининг «охири вой»дир. Дубовни ҳам худди шундай тақдир кутади. Генерал Константинов, полковник Славин, Гречаев, Гмиря, Проскурин ва бошқа чекистларнинг уддабуронлиги боис Дубовнинг «қўл-оёғи боғланади».

Повестда Дубовнинг қай йўсинда айғокчига айланганлиги таҳлил қилинмайди. Ҳақиқатан ҳам, сени тарбиялаган, нон-туз берган, одам қаторига қўшган халққа, ватанга, она заминга хиёнат қилиш ҳеч қандай қолипга сигмайди.

«Аномалиядан аномалиянинг фарқи бор – дейди асар қаҳрамони Константинов. – Бу фарқни қандай аниқлаш мумкин? Бу сирли тафовут замирида нималар жам бўлган? Ўз оёғига ўзи болта урган одамнинг тақдирини асраб қолишимиз, уни тўғри йўлга солишимиз мумкин ва лозим. Ишонч қудратли куч. Буни ҳамма билиши шарт. Оғир вазиятда кишига ишонч далда бўлади. Айни вақтда, оддий ҳаёт қонуниятини тушунмаган, одамгарчиликни йўқотган кишигина айғокчи, соткин бўлиши мумкин. Дубов ҳам шундайлар тоифасидан; ахлокий бузуклиги, ўзини идора қилолмаслиги туфайлигина Пиларнинг макрига учган, душман домига илинган».

Муаллиф дунё тинчлиги хусусида қайғуриб мулоҳаза юритаркан, қаҳрамонларнинг синфий дунёқарашига, оғир вазиятларда ўз ғояларига нечоғлиқ содиқ қолишларига алоҳида урғу беради. Асарнинг муваффақияти унинг ҳаққонийлигида, ҳаётийлигида, фактли ҳужжатларга

асосланганлигида бўлса ажаб эмас.

...Воқеалар асосан икки йўналишда – Нагония билан чегарадош бўлган давлат пойтахти – Луисбург ҳамда Москвада бўлиб ўтади. Марказий разведка бошқармаси резиденти Роберт Лоренс ва унинг ёрдамчиси Жон Глэббларнинг оғусига учган айғокчини аниқлаш учун кўпни кўрган, тажрибали, чўрткесар контрразведкачи Виталий Славин Луисбургга юборилади. Бу ерда у жуда қалтис вазиятда ишлашга мажбур бўлади.

Ўз навбатида, Москвада Дубов ва унинг шериклари – дипломат сифатида иш кўраётган омилкор америка разведкачиларини тезда аниқлаш ва бартараф этишдек маъсул вазифа Константинов группасига юкланади. Маълумки, дипломат киёфасидаги айғокчиларни фақат ашёвий далил билангина ҳибсга олиш мумкин эди.

Группа бу сермашаққат вазифани қойилмақом, тўқис адо этади.

Дарҳақиқат, заргарларникидек пухта, сабр-тоқат, кунт талаб қиладиган бу иш совет чекистларининг одатдагидек юмушлари бўлса-да, уларнинг фаолиятини жасоратга, худди жанггоҳдаги жасоратга қиёслаш жоиздир. Муқаррар тажовузни отишмасиз, қон тўқмасдан бартараф этишда нақадар оқилона иш кўрилганлигига китобхон қойил қолади. Шундай қилиб, мўъжаз африка давлати – Нагониянинг мустақиллиги ва нуфузи сақлаб қолинади. Дарвоқе, Африканинг географик харитасида асли бундай номдаги давлат йўқ. Бирок у ерда рўй бераётган қатор воқеаларнинг тўла ишончли чиққанлиги юқоридаги фикримизнинг исботи бўлиб хизмат қилади.

Таниқли рус ёзувчиси Юлиан Семёновнинг «ТАСС маълум қиладики...» қиссаси замонавийлиги, қаламга олинган муаммоларнинг долзарблиги, айтилиш вақтида, ер юзидаги ҳозирги қалтис вазиятни тўлақонли акс эттирганлиги билан ҳам диққатга сазовордир.

ВАЛЕРИЙ ПОВОЛЯЕВ.

Адабий-бадий нашр

ЮЛИАН СЕМЁНОВ
ТАСС МАЪЛУМ ҚИЛАДИКИ...
(қисса)

Мухаррир
Равшанов А.Т

Бадий муҳаррир
Қўзибоева Л.С

Саҳиволовчи
Воҳидов Ф.Ш

Техник муҳаррир
Салиев Д.Р

Лицензия рақами АИ № 239, 2013 04.07.да берилган.

Босишга 2018 йил 18.01 да рухсат этилди.

Бичими 84/108 1/32.

Босма тобоғи 24.6. Шартли босма тобоғи 27.6

Гарнитура "Times New Roman" офсет қоғози.

Адади 1500 нусха. Буюртма № 107

Баҳоси келишилган нархда.

“ADAD-PLYUS” МЧЖ. Босмаҳонасида чоп этилди.
100097. Тошкент, Бунёдкор шох кўчаси, 25-уй.



ISBN 978-9943-4393-2-0



9 789943 439320